

**Ўзбекистон
Республикаси
Хўжалик
процессуал
кодексига
шарҳлар**

**«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент — 2002**

**КИТОБНИ НАШР ЭТИШДА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН
МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ ГЕРМАНИЯ ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИГА
(GTZ) ЎЗ МИННАТДОРЧИЛИГИНИ БИЛДИРАДИ**

Муллифлар жамоаси:

- Абдусаломов М. Э.* — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист — *кириш сўзи, 18-боб, IV бўлим (Ф. Х. Отахонов билан ҳаммуаллифликда);*
- Азимов М. К.* — юридик фанлар номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раисининг ўринбосари — *1-3, 15, 16, 23-боблар;*
- Бурхонходжаева Х.* — Тошкент давлат юридик институти Хўжалик ҳуқуқи кафедрасининг ката ўқитувчиси — *24-боб;*
- Дустбобоев А. Б.* — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов таркибининг раиси — *22-боб;*
- Отахонов Ф. Х.* — юридик фанлар номзоди, Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси — *11, 12, 17, 19, 21-боблар, IV бўлим (М. Э. Абдусаломов билан ҳаммуаллифликда);*
- Рўзиназаров Ш. Н.* — юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раисининг ўринбосари — *V бўлим;*
- Таниқулова С. М.* — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов таркибининг раиси — *7-10, 20-боблар;*
- Убайдиллаева К. И.* — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов таркибининг раиси — *13, 14-боблар;*
- Эгамбердиев Э.* — юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик институти декани — *6-боб;*
- Якубов С. А.* — юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси Президиумининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист — *4, 5-боблар.*

Ў-32 Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик процессуал кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси: М. Э. Абдусаломов, М. К. Азимов, Х. Бурхонходжаева ва бошқ. — Тошкент: «Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. — 416 б.
И. Абдусаломов М. Э. ва бошқ.

ББК 67.410(5У)

© «Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002.

- 50-модда. Хўжалик судида вакиллик қилиши мумкин бўлган шахслар **84**
- 51-модда. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш **85**
- 52-модда. Вакилнинг ваколатлари **86**
- 53-модда. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар **87**

6-боб.**Далиллар**

- 54-модда. Далиллар тушунчаси ва уларнинг турлари **88**
- 55-модда. Исботлаш мажбурияти **91**
- 56-модда. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш **94**
- 57-модда. Далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш **96**
- 58-модда. Далилларнинг дахлдорлиги **96**
- 59-модда. Далилларга йўл қўйилиши **97**
- 60-модда. Исботлашдан озод қилиш асослари **99**
- 61-модда. Далилларга баҳо бериш **100**
- 62-модда. Ёзма далиллар **102**
- 63-модда. Хужжатларнинг аслини қайтариш **104**
- 64-модда. Ашёвий далиллар **105**
- 65-модда. Ашёвий далилларни сақлаш **105**
- 66-модда. Ашёвий далилларни қайтариш **106**
- 67-модда. Экспертиза тайинлаш **107**
- 68-модда. Экспертиза ўтказиш тартиби **109**
- 69-модда. Экспертнинг хулосаси **110**
- 70-модда. Гувоҳнинг кўрсатувлари **113**
- 71-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари **115**
- 72-модда. Далилларни таъминлаш **116**
- 73-модда. Далилларни таъминлаш тартиби **117**
- 74-модда. Суд топшириқлари **118**
- 75-модда. Суд топширигини бажариш тартиби **120**

7-боб.**Даъвони таъминлаш**

- 76-модда. Даъвони таъминлаш асослари **122**
- 77-модда. Даъвони таъминлаш чоралари **124**
- 78-модда. Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш **126**
- 79-модда. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш **128**
- 80-модда. Даъвони таъминлашни бекор қилиш **128**
- 81-модда. Даъвони таъминлашда туфайли жавобгарга етказилган зарарни қоплаш **129**

8-боб.**Иш юритишни тухтатиб туриш**

- 82-модда. Ҳужалик судининг иш юритишни тухтатиб туриш мажбурияти **131**
- 83-модда. Ҳужалик судининг иш юритишни тухтатиб туриш ҳуқуқи **133**
- 84-модда. Иш юритишни тиклаш **135**
- 85-модда. Иш юритишни тухтатиб туриш ва уни тиклаш тартиби **135**

9-боб.**Иш юритишни тугатиш**

- 86-модда. Иш юритишни тугатиш асослари **137**
- 87-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари **145**

10-боб.**Даъвони кўрмасдан қолдириш**

- 88-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш асослари **146**
- 89-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари **151**

11-боб.**Суд харажатлари**

- 90-модда. Суд харажатларининг таркиби **152**
- 91-модда. Давлат божи **153**
- 92-модда. Даъвонинг баҳоси **162**
- 93-модда. Давлат божини қайтариш **165**
- 94-модда. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш **167**
- 95-модда. Суд харажатларининг тақсимланиши **169**

12-боб.**Процессуал муддатлар**

- 96-модда. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш **173**
- 97-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши **176**
- 98-модда. Процессуал муддатларни тухтатиб туриш **178**
- 99-модда. Процессуал муддатларни тиклаш ва узайтириш **179**

13-боб.**Суд жарималари**

- 100-модда. Жарима солиш **182**
101-модда. Жарима солиш масаласини кўриш тартиби **183**

II бўлим.**БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШ ЮРИТИШ****14-боб.****Суд буйруғи**

- 102-модда. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш **185**
103-модда. Суд буйруғи бериш буйича талаблар **186**
104-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни **188**
105-модда. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нухасини қарздорга топшириш **189**
106-модда. Давлат божи **189**
107-модда. Аризани қабул қилишни рад этиш асослари **189**
108-модда. Ариза юзасидан билдириладиган ёзма фикр **191**
109-модда. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари **191**
110-модда. Суд буйруғининг мазмуни **193**
111-модда. Суд буйруғини бекор қилиш **194**

15-боб.**Даъво тақдим этиш**

- 112-модда. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни **196**
113-модда. Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нухсаларини юбориш **198**
114-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар **198**
115-модда. Бир нечта даъво талабини бирлаштириш ва ажратиш **199**
116-модда. Даъво аризасини қабул қилиш **200**
117-модда. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш **201**
118-модда. Даъво аризасини қайтариш **203**
119-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдириш **205**
120-модда. Қарши даъво тақдим этиш **207**
121-модда. Ишни юритиш вақтида манзилнинг ўзгариши **209**

16-боб.**Ишни судда кўришга тайёрлаш**

- 122-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш буйича судьянинг ҳаракатлари **211**
- 123-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим **215**
- 124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар **216**

17-боб.**Судда ишни кўриш**

- 125-модда. Ишни кўриш муддати **218**
- 126-модда. Ҳўжалик судининг мажлиси **218**
- 127-модда. Ҳўжалик судининг мажлисидаги тартиб **223**
- 128-модда. Далилларни текшириш ва ишни кўришнинг узлуксизлиги **224**
- 129-модда. Ҳўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиши **226**
- 130-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз низони ҳал қилиш **228**
- 131-модда. Ишни кўришни кейинга қолдириш **229**
- 132-модда. Тарафларнинг келишув битими **230**
- 133-модда. Ишни кўришнинг тамомланиши **231**
- 134-модда. Баённома **232**

18-боб.**Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори**

- 135-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш **234**
- 136-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар **237**
- 137-модда. Ҳал қилув қарорининг баёни **239**
- 138-модда. Ҳал қилув қарорининг мазмуни **240**
- 139-модда. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори **244**
- 140-модда. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори **245**
- 140-модда. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори **245**
- 141-модда. Шарҳнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори **245**

- 142-модда. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори **248**
- 143-модда. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори **249**
- 144-модда. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган факт-ни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори **250**
- 145-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш **251**
- 146-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши **252**
- 147-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш **254**
- 148-модда. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш **255**
- 149-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори **255**
- 150-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш **256**

19-боб.

Хўжалик судининг ажрими

- 151-модда. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни **259**
- 152-модда. Хусусий ажрим **263**
- 153-модда. Ажримни юбориш **267**

20-боб.

Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича иш юритиш хусусиятлари

- 154-модда. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриш **271**
- 155-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш **282**

III бўлим.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КўРИШ БўЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

21-боб.

Апелляция инстанциясида иш юритиш

- 156-модда. Апелляция шикоятни бериш ҳуқуқи **287**
- 157-модда. Апелляция шикоятини кўрувчи хўжалик суди **288**
- 158-модда. Апелляция шикоятини бериш муддати **289**
- 159-модда. Апелляция шикоятининг мазмуни **290**

- 160-модда. Апелляция шикоятининг нухасини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш **292**
- 161-модда. Апелляция шикояти юзасидан ёзма фикр билдириш **292**
- 162-модда. Апелляция шикоятини қайтариш **293**
- 163-модда. Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим **296**
- 164-модда. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби **297**
- 165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш **299**
- 166-модда. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси **300**
- 167-модда. Апелляция шикоятини кўриш муддати **303**
- 168-модда. Апелляция инстанциясининг ваколатлари **303**
- 169-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари **306**
- 170-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши **309**
- 171-модда. Апелляция инстанциясининг қарори **312**
- 172-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари **315**

22-боб.**Кассация инстанциясида иш юритиш**

- 173-модда. Кассация шикояти бериш ҳуқуқи **318**
- 174-модда. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари **319**
- 175-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби **320**
- 176-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати **321**
- 177-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни **321**
- 178-модда. Ишда иштирок этаетган шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) нухаларини юбориш **323**
- 179-модда. Кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш **324**
- 180-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш **324**
- 181-модда. Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим **326**
- 182-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш **327**
- 183-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби **327**
- 184-модда. Кассация шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш **328**
- 185-модда. Кассация шикоятини кўриш муддати **329**
- 186-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси **329**
- 187-модда. Кассация инстанциясининг ваколатлари **330**

- 188-модда. Ҳал қилув қарори ёки қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари **332**
- 189-модда. Кассация инстанцияси судининг қарори **335**
- 190-модда. Кассация инстанцияси суди кўрсатмасининг мажбурийлиги **337**
- 191-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан кассация шикоят (протести) **338**

23-боб.**Назорат тартибида иш юритиш**

- 192-модда. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш **340**
- 193-модда. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар **341**
- 194-модда. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш **341**
- 195-модда. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи хўжалик суди **343**
- 196-модда. Ишларни талаб қилиб олиш **343**
- 197-модда. Протест келтириш **344**
- 198-модда. Протестни кўриш тартиби **345**
- 199-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари **346**
- 200-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари **348**
- 201-модда. Қарор қабул қилиш тартиби **350**
- 202-модда. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги **351**
- 203-модда. Хўжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ва уларни қайта кўриш **351**

24-боб.**Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш**

- 204-модда. Қайта кўриш асослари **353**
- 205-модда. Аризани бериш тартиби ва муддати **356**
- 206-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари **358**
- 207-модда. Аризани кўриш **359**
- 208-модда. Хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими **361**

IV бўлим.**СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ**

- 209-модда. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби **362**
- 210-модда. Ижро варақаси **364**
- 211-модда. Битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси бериш **370**
- 212-модда. Ижро варақасининг мазмуни **371**
- 213-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати **372**
- 214-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг узлиши **373**
- 215-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш **375**
- 216-модда. Ижро варақасининг дубликатини бериш **376**
- 217-модда. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш **377**
- 218-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик **380**
- 219-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси **382**
- 220-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш **383**

V-бўлим.**ЧЕТ ЭЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ**

- 221-модда. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари **385**
- 222-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш **390**
- 223-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатлари **393**
- 224-модда. Суднинг иммунитети **404**
- 225-модда. Чет давлат суди томонидан айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари **407**
- 226-модда. Суд топшириқлари **408**

КИРИШ СЎЗИ

Мамлакатимизда маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқариш тизимидан тараққий этган бозор муносабатларига утиш жараёни иқтисодиёт соҳасида одил судловни амалга оширилишини талаб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига кўра мулкнинг ҳар хил шаклига асосланган иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида, ҳамда тadbиркорлар ўртасида вужудга келадиган низоларни Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари ҳал қилади.

Конституциявий ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шу фикрни тасдиқлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, Хўжалик процессуал кодекси ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади. Хўжалик судида суд ишларини юритиш асосий вазифалари қуйидагича: биринчидан, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низоланаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш; иккинчидан, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Бизнинг миллий қонунчилик тизимимизда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу кодекс 1998 йил 1 январидан амалга киритилди. Шундан бери кодекс тўрт йилдан ошиқ қўлланади ва суд амалиётида Хўжалик процессуал кодекси нормаларини талқин қилиш ва қўлашга оид ниҳоятда кўп ҳужжатлар тўпланган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг талабини ҳисобга олган ҳолда биринчи бор мазкур Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар тайёрланди.

Алоҳида таъкиллаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш жараёнида, унда мустаҳкамланган тарафларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш процессуал кафолатлари, амалий тўпланган ва кейинчалик ривожини топган.

Шарҳларни тайёрлашда иқтисодиёт соҳасида қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётидан фойдаланилган. Шунингдек, Хўжалик судларининг ҳуқуқ қўллаш амалиётини ўрайдиган кўпгина саволларга тушунтиришларни жамлаган халқаро шартномалар ва битимлар, Олий Хўжалик суди Пленуми ва Раёсатининг қарорларидан фойдаланилган.

Хўжалик жараёнида одил судловни амалга оширишда ҳуқуқни қўллашнинг асосий талаби — ҳар бир конкрет ҳолатда қонун

ҳуқуқий норманинг амал қилиниши билан боғлайдиган фактни аниқлашдир. Жуда муҳимки, ҳар бир конкрет ишни кўриб чиқишда, ҳўжалик суди низоининг ҳақиқий ҳолатларини, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаши лозим. Фақат шу шарт бўлсагина, Хўжалик судида суд ишларини юртишда тарафларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳақиқий ҳимояси таъминланади.

Судда одил судлов Хўжалик процессуал қонунчилигига асосланган ҳўжалик судида суд ишларини юритишнинг процессуал шаклида амалга оширилади.

Тарафларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланаётган манфаатларининг процессуал шаклининг хусусияти шундаки, суднинг ишларни кўриб чиқиш фаолиятининг шакли қонунда аниқланган. Суднинг ҳал қилув қарори қонунда белгиланган усуллар билан аниқланган ишнинг ҳақиқий фактик ҳолатларига асосланган бўлиши керак. Суд қарорининг асосига қўйилган фактлар белгиланган тартибда исботланиши лозим.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, судьяга маълум бўлиб қолган маълумотлар, исботланмаган фактларга асосан қарор чиқариш таъкидланади. Суднинг қароридан манфаатдор бўлган шахслар ишда кўриб чиқилишида, улларга берилган процессуал ҳуқуқлардан ўзининг қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиб, бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эгалар. Суд, суд муҳокамасига суд орқали хабардор қилиниб келган шахсларнинг важларини эшитмай ва баҳо бермай, қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар ҳўжалик судлари амалиётидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Аммо, унинг алоҳидаги низомлари муаллифларнинг судларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ишлари ҳисобга олинган фикр-мулоҳазаларини тапшиқ қилади. Мазкур фикр-мулоҳазалар ҳўжалик-судлов амалиёти ҳўжатларига тўғридан-тўғри ҳавола этилмаса қўлланиши мумкин.

Ипсонамизки, ушбу шарҳлар ҳўжалик судларининг амалий фаолиятида фойдаланиш учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади ва иқтисодий низоларни тўғри ҳал қилишда кўмаклашади.

Албатта, шарҳларда айрим камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун муаллифлар жамоаси ишонадики, кўпсонли ўқувчилар ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан мазкур шарҳларнинг навбатдаги нашрларини тайёрлашда ўз хиссалаларини қўшадилар.

М. Абдусаломов
Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳўжалик суди раиси

I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб.

Асосий қондалар

1-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

1. ХПКнинг 1-моддасида хўжалик ишлари бўйича иш юритишнинг, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимояси билан таъминланганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланганлигини билдирувчи асосий тамойилларидан бири мустақамлангандир (Конституциянинг 44-моддаси). Бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг тadbиркорлик, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг алоҳида муҳим тури бўлиб ҳисобланади (Фуқаролик Кодексининг 10-моддаси).

Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи-ҳуқуқни суд томонидан ҳимоя қилиниши мумкинлиги, давлат божлари миқдорининг юқори эмаслиги ва уни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти борлиги, ХПКда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асос бўлувчи ҳолатларнинг аниқ рўйхати мавжудлиги, суд ҳужжатлари устидан шикоят келтириш ва уларни қайта кўриб чиқиш институтларининг амал қилиши каби юридик кафолатлар билан таъминланган.

2. Шарҳланаётган модда хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқининг амалта оширилишини субъектив ҳуқуқларни бузилиши, баҳлашилиши ёки рад этилиши билан боғлайди. Бунда ҳуқуқ нафақат бузилган, балки бузилганлиги назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Ўзининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс, агар амалда ҳуқуқлари бузилмаган бўлса ҳам, хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар ХПКнинг 1-моддасида кўрсатилган ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга ҳам тенг равишда тааллуқлидир. Хўжалик судида, суд томонидан аниқ ҳуқуқий муносабат мавжуд эмас деб топилшида ёки ҳуқуқий муносабатнинг тугатилишида даъвогарнинг манфаати (битимни ҳақиқий эмас деб

топиш, шартномани бекор қилиш ҳақидаги даъволар ва бошқалар) каби ҳуқуқий манфаатлар ҳам ҳимоя остига олинади. Ҳуқуқий манфаатни ҳимоя қилиш, ҳўжалик судига юридик аҳамиятга эга булган фактларни аниқлаш, қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризалар билан мурожаат қилиш билан боғлиқдир.

3. Ҳўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи, фақатгина ХПКда ўрнатилган тартибда, яъни, қонун билан белгиланган доирада ҳар қандай манфаатдор шахсга берилади. Ишнинг ҳўжалик судига тааллуқлилиги кўрсатилган доирани белгилловчи асосий мезон бўлиб ҳисобланади (ХПКнинг 23-моддаси).

Мазкур ҳуқуқ, суд буйругини бериш тўғрисидаги аризани ҳамда даъво аризасини, апелляция ва кассация шикоятларини, чет давлатлар судларининг қарорларини тан олиш ва ижро қилиш ҳақидаги аризаларни бериш ва бошқа шу каби ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

4. ХПКнинг 1-моддаси 2-қисмида мазкур субъектив ҳуқуқнинг кафолатларидан бири сифатида ҳўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги назарда тутилган. Бунда воз кечиш қандай усулда қилинганлиги — умумий шаклдами ёки алоҳида турдаги ишлар учунми ёхуд аниқ бир шартномадан келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низоларга нисбатан қилинганми — бунинг аҳамияти йўқ. Агар бундай шарт шартномага киритилган бўлганида ҳам, у ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган бўлар эди. Чунки, манфаатдор шахс қонунга кўра ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳўжалик судига мурожаат қилиши мумкин. Шу билан бир вақтда томонлар судда даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битимини тузиш йўли билан шахсан ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан воз кечишлари ёхуд низони ҳал этишлик учун хакамлик судига беришлари мумкин. Бироқ, бу ҳаракатлар ХПКнинг 1-моддаси 2-қисмининг асосий аҳамиятини камайтирмайди, чунки, у манфаатдор шахснинг иродасини намоён этади ва ҳўжалик судининг назорати остида бўлади (ХПКнинг 20,25-моддалари ва 88-моддасининг 2-банди).

2-модда. Ҳўжалик судининг одил судловни амалга ошириши

Ҳўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиған, ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан ўзининг викалатига киритилған низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

ХПКнинг 2-моддасида иқтисодиёт соҳасидаги низолар буйича одил судловнинг фақатгина ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиши тамойили мустаҳкамланган.

Биринчи маротаба қонунчилигимизда ҳўжалик низоларини ҳал

қилувчи орган фаолияти одил судлов сифатида тавсифланмоқда. Бу ҳолат, янги таҳрирдаги ХПКда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг зарур процессуал кафолатлари назарда тутилганлиги ҳамда унга, ҳўжалик судига бошқарув вазифаларини берувчи нормалар киритилмаганлиги сабабли мумкин булди. Маълумки, 1993 йил таҳриридаги ХПК буйича ҳўжалик суди низолашаётган субъектларнинг фаолиятига аралашини ваколатига, хусусан, ўз ташаббуси билан суд жараёнига бошқа даъвогарни жалб этиш, даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари доирасидан четга чиқиш ҳамда ҳар қандай қарорни қайта куриб чиқиш ҳуқуқларига эга эди. Янги таҳрирдаги Кодекс ҳўжалик судига бундай ваколатларни бермади.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақатгина суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг суд тизимига Конституциявий суди, умумий судлар ва ҳўжалик судлари киради. Фақатгина мазкур судлар одил судловни амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳўжалик судлари Конституциянинг 111-моддасига асосан, иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган низоларни ҳал қиладилар. Бундан келиб чиқадики, иқтисодий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳўжалик судларининг мутлақ ваколатига киради.

Қонун иқтисодий низоларни ҳакамлик суди томонидан куриб чиқилишига ҳам йўл қояди. Бироқ, ҳакамлик судларининг (арбитраж) ҳўжалик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти одил судлов бўлиб ҳисобланмайди. Шу сабабли, аксарият ҳолларда, ҳакамлик судлари қарорининг мажбурий ижро этилиши суд томонидан тасдиқланишга муҳтож бўлади (масалан, халқаро тижорат низолари буйича ҳакамлик палатаси қарори ҳўжалик суди томонидан маълумланганидан сўнг ижро этилади).


3-модда. **Ҳўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари**

Ҳўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) *иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;*
- 2) *иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.*

1. Шарҳланаётган моддада ҳўжалик судларида суд ишларини юритишнинг иккита ўзаро боглиқ вазифаси белгиланган. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун



билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш-суд ишларини юритишнинг биринчи, асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур вазифа ҳар бир иш юзасидан, жараённинг ҳар бир босқичида амалга оширилади. Даъво қаноатлантирилганида даъвогарнинг жавобгар томонидан бузилган ҳуқуқлари ҳимоя остига олинади. Даъво рал этилганда эса, жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари даъвогарнинг асоссиз талабларидан ҳимоя қилинади.

2. Хўжалик суди иқтисодий низолар ва бошқа ишларни ҳал этиш мубайнида ҳар бир ҳолатда бузилган ҳуқуқни тиклайди, айбдорларга нисбатан жазо чораларини қўллайди ва бу билан иқтисодиёт соҳасида қонунчиликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Қонунчиликнинг мустаҳкамланиши ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда хўжалик судининг хусусий ажримлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжалик низоларини кўриб чиқишда, ташкилот, давлат ёки бошқа органнинг, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатларининг бузилганлиги ҳолатлари аниқланганида хусусий ажримлар чиқарилади. Агар мансабдор шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланса, у ҳолда хўжалик суди жиноят иши қўзғатади (ХПКнинг 152-моддаси).

Хўжалик судининг сайёр суд мажлислари, суд амалиётини ва шартномавий интизомнинг бузилиш сабабларини ўрганиш ва умумлаштириш, суд амалиёти материалларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий-тарғибот ишларини олиб бориш ва бошқалар ҳам ҳуқуқбузарликни олдини олишга кўмаклашишга қаратилгандир.

4-модда. Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Узбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бешқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

1. Ҳар қандай хўжалик низосини кўриб чиқиш тартиби, асосий манбаи Хўжалик процессуал Кодекси бўлиб ҳисобланган амалдаги процессуал қонунчиликка бўйсунуши шарт. Кодекс, даъво тақдим этилишида, уни суд томонидан кўриб чиқилишида, апелляция, кассация ҳамда назорат тартибида иш юритишда келиб чиқадиган процессуал муносабатларни батафсил на ҳар томонлама мувофиқлаштиради.

Хўжалик судида суд ишларини юритишни тартибга солувчи алоҳида нормалар бошқа қонун ҳужжатларида ҳам акс эттирилган.

Бироқ, улар ХПК нормаларига зид келмаслиги шарт. Бошқа қонун ҳужжатларида мустақкамланган процессуал нормалар ХПКда кўрсатилган нормаларга зид келган ҳолатда ХПКнинг нормалари қўлланиши лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида белгиланган нормаларнинг «ички» процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан устунлигини мустақкамлайди. Бундай нормалар, жумладан, 1958 йил 10 июндаги «Хорижий мамлакатлар ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида»ги Нью-Йорк Конвенциясида, 1992 йил 20 мартда МДХ давлатлари раҳбарлари томонидан имзоланган «Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Киев Битимида, 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясида, 1993 йил 24 декабрдаги «Ҳар хил давлатлар хўжалик субъектлари ўртасида хўжалик низоларини кўриб чиқишда давлат божи миқдори ва уни ундириш тартиби тўғрисида»ги Ашқобод Битимида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва бир қатор мамлакатлар ўртасида тузилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда белгилангандир.

5-модда. Хўжалик суди судьяларининг мустақиллиги

Одил судловни амалга оширишда хўжадик судининг судьялари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарздаги аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

1. Судьяларнинг мустақиллиги суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланади. Судьяларнинг мустақиллиги тамойили — судлар фаолиятининг асосий конституцион тамойиллари қаторига киритилган (Конституциянинг 112-моддаси) ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустақкамланган (2-модда).

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақатгина қонунга бўйсунishi — одил судлов ягона тамойилининг икки томонидир.

Суд фаолиятида қонунчиликка қатъий ва огишмасдан амал қилинган ҳолда, ҳар бир ҳолатда тегишли моддий ва процессуал ҳуқуқий нормалар аниқ қўлланилганидагина судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги таъминланиши мумкин.

Хўжалик суди судьялари иқтисодийёт соҳасида вужудга келадиган низоларни ва бошқа ишларни ҳал қилишда қонунни тўғри ва аниқ қўллашлари шарт. Шу билан бирга улар ўз қарорларини мансабдор

шахсларнинг кўрсатмаларига бўйсунтиришга ҳақли эмаслар. Далилларнинг ҳақиқийлиги, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги мулоҳазалар судьяларга бошқа шахслар томонидан уқтирилиши мумкин эмас. Судьялар, ўз ички туйғуларига асосланган ҳолда фикр юритиб, юқорида қайд этилган ҳолатларга тегишли баҳо беришлари лозим

2. Мазкур ҳуқуқий норма фақатгина судьяларга эмас, балки, ҳар қандай давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга тааллуқлидир. Уларнинг барчасига қонун судьяларга таъсир ўтказиш ва уларнинг фаолиятига аралашни таъқиқлайди. Қонуннинг бузилиши белгиланган жавобгарликка олиб келади.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасига мувофиқ, судьяларнинг мустақиллиги уларни қонунда белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; судьяларнинг дахлсизлиги; одил судловни амалга оширишнинг белгиланган қатъий тартиби; қарор чиқаришда судьялар маслаҳат мажлисининг сир тутилиши ва уни овоза қилинишини талаб қилишни ман этиш; судга ҳурматсизлик ёки аниқ ишларни ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик, судьялар дахлсизлигини бузиш; судьяни, унинг юксак мақомига мос равишда, давлат ҳисобига моддий ва ижтимоий таъминотини амалга ошириш кабилар билан ҳам таъминланади.

ХПК, ҳар бир судьянинг одил судловни амалга оширишдаги мустақил ҳолати ва эркинлигини: судьянинг суд процесси иштирокчиларидан тўлиқ равишда мустақил эканлиги (ХПКнинг 16-17-моддалари); суд мажлиси жараёнида суднинг раҳбарлик мавқеини (ХПКнинг 126-моддаси); аниқ ишни кўришнинг узлуксизлиги (ХПКнинг 128-моддаси); ишни ҳал этишда юқори инстанция судларидан мустақил равишда иш юритиши (ХПКнинг 190-моддаси 2-қисми, 202-моддасининг 2-қисми) ва бошқа ҳолатларни таъминлайдиган қоидаларни ҳам белгилайди.

6-модда. Хўжалик судида иш кўзгатиш

Хўжалик суди:

1) манфаатдор шахсларнинг;

2) прокурорнинг;

3) қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш кўзгатади.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрый равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнги-на хўжалик судида иш кўзгатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат

органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юқоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан қатъий назар амалга оширилади.

1. Хўжалик суди диспозитивлик (ўз билгича ҳаракат қилиш ҳуқуқи) тамойилига кўра ўз ташаббуси билан ишларни қўзғатмайди. Қонунда назарда тутилган ва кам учрайдиган ҳолларда, хўжалик судига процесс иш жараёнида, суд ҳимоясини сўраб мурожаат қилган шахс томонидан, арз қилинмаган масала юзасидан қўшимча равишда процесс қўзғатиш имконияти берилиши ҳолати бундан мустаснодир. Бундай оқибатлар, жумладан, суд томонидан суд мажлиси иштирокчиларидан бирини маъмурий жавобгарликка жалб қилинаётганида келиб чиқади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 245-1-моддаси).

2. Шарҳланаётган модда аризалари бўйича хўжалик суди томонидан иш қўзғатилаётган субъектлар доирасини аниқлайди. Уларга куйидагилар киради:

а) манфаатдор шахслар — булар: даъвогарлар, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича арз қилувчилар, банкротлик ҳақидаги ишлар бўйича кредиторлар ва қарздорлар. Бу шахслар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини талаб қиладилар ва улар ишнинг натижасидан моддий манфаатдордирлар.

Хўжалик судида ишлар, қоидага кўра манфаатдор шахсларнинг аризалари бўйича қўзғатилади;

б) давлат ва жамият, айрим юридик шахслар ва фуқаро-тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор (ХПКнинг 43-моддаси);

в) давлат органлари ва бошқа органлар давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига фақат қонунда тўғридан тўғри назарда тутилган ҳолларда мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Масалан, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига асосан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи хўжалик судига мол-мулкида давлат улуши бўлган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги иш қўзғатишни сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг аризалари, агар улар қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган бўлса, хўжалик судида иш қўзғатиш учун асос бўлади.

3. ХПКнинг 6-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳолатларда низо-ларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилиши шарт. Хусусан, бундай тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Ҳаво транспорти ҳақида»ги, «Темир йўл транспорти ҳақида»ги Қонунарида белгиланган. Шуни эътиборга олиш лозимки, низо-ларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар

учун фақатгина қонунда ёки шартномада белгиланган ҳолларда мажбурийдир. Агарда бу тартиб низомлар, қойдалар ёки бошқа қонун ости ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, у ҳолда мазкур тартибга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий эмас. Қонунда уларни қўллаш белгиланган ҳолат бундан мустаснодир.

Шартномада тарафлар томонидан, вужудга келган низоларни келишув йўли билан ҳал қилиш назарда тутилган бўлиб, уларни ҳал қилишнинг тартиби кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда низони талабномалар юбориш йўли билан ҳал қилиш мажбурий ҳисобланмайди.

7-модда. Қонун ва суд олдда тенглик

Ҳўжалик судида низоларни ҳал қилиш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлиги, кимга бўйсунушидан қатъий назар, фуқароларнинг эса — жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъий назар қонун ва суд олдда тенглиги асосида амалга оширилади.

ХПКнинг 7-моддаси Конституциянинг 18-моддасини ҳужалик судида суд ишларини юритишга нисбатан татбиқ этади ва конкретлаштиради.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг қонун ва ҳўжалик суди олдидаги тенглиги тамойили, ҳужалик ишлари бўйича суд ишларини юритиш билан ҳимоя этиладиган фуқаролик ҳуқуқи билан ҳам белгиланади. Фуқаролик қонунчилиги, тарафларнинг ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқли деб топилишига, мулкнинг дахлсизлигига, шартнома эркинлигига, хусусий ишларга бошқа шахсларнинг ўзбошимчалик билан аралашishiга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқларининг ҳеч қандай қаршиликсиз амалга оширилиши зарурлигига, фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиши ва уларни суд ҳимоясига олинишига асосланади (Фуқаролик Кодексининг 1-моддаси).

Низоларни ҳал қилишда ташкилотларнинг қонун ва ҳўжалик суди олдидаги тенглиги географик ва маъмурий омиллар ҳамда уларнинг мулкчилик шаклига боғлиқ эмас.

Фуқароларнинг қонун ва ҳўжалик суди олдидаги тенглиги жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ва бошқа ҳолатларга боғлиқ эмас.

Ҳўжалик суди ишларни ҳал қилишда, тарафлар сифатида фақат ташкилотлар ёки фақат фуқаролар ёхуд ташкилотлар ва фуқаролар иштирок этаётганлигидан, шунингдек, ХПКнинг 7-моддасида назарда тутилган аломатлардан қатъий назар, қонунларни барча ташкилотлар ва фуқароларга тенг меъёрда қўллайди.

8-модда. Ишларни кўришнинг ошкоралиги

Хўжалик судларда ишлар ошкора кўрилади.

Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади.

Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

1. Шарҳланаётган моддада, Конституциянинг 113-моддасига мувофиқ, фақатгина қонунда белгиланган ҳолатларда ишни ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши акс эттирилган ва конкретлаштирилган.

Хўжалик судлов ишларини юритишдаги ошкоралик тамойили деганда, ишларни кўришда қатнашиш истагини билдирган барча фуқароларнинг суд мажлиси залига эркин киришларини назарда тутувчи ишларни кўриш тартиби тушунилади. Бу тамойил, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг аниқ иш юзасидан бўлиб ўтаётган жараён бўйича хабар бериш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

Ишларни кўриб чиқишдаги ошкоралик одил судловнинг сифатига ҳар томонлама таъсир қилади. Суд жараёни нафақат унда қатнашаётган оммага, балки, суд жараёни иштирокчиларига ҳам тарбиявий ва огоҳлантирувчи таъсир кўрсатади, уларни бўлиб ўтаётган жараёнга виждонан ёндошишлари ҳамда ҳаққоний тушунтиришлар ва кўрсатувлар беришларига қўмақланади. Ишларни ошкора кўриб чиқишда хўжалик суди жамоатчилик назорати остида ҳаракат қилади, бу ҳолат эса унинг, ишни қонуний ва объектив ҳал этилишидаги жавобгарлигини оширади.

Ошкоралик тамойили суднинг барча инстанцияларида амал қилади ва ХПКнинг 8-моддасида мустақамланган нормалардан ташқари, бошқа нормалар билан ҳам шаклланади. Жумладан, ХПКнинг 126-моддасига мувофиқ суд мажлисида қатнашувчилар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек, радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади. ХПКнинг 145-моддасига мувофиқ, ҳал қилув қарори имзолангандан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади.

Мазкур қоидалар суднинг апелляция ва кассация инстанцияларидан ҳам амал қилади (ХПКнинг 164, 183-моддалари).

2. Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш мақсадида ошкоралик тамойилини истисно қилишга йўл қўйилади.

Ёпиқ суд мажлиси суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига кўра ўтказилади. Бунда хўжалик суди, ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш зарурлигидан далolat берувчи ҳолатларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилини лозим.

Ишни тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш, суднинг бу ҳақда чиқарган ажрими эълон қилинганидан сўнг ўтказилади. Бу ҳолатда суд мажлиси залида фақатгина ишда иштирок этувчи шахслар қоладилар, бошқа шахслар залдан чиқиб кетишлари шарт. Бироқ, суд, ёпиқ суд мажлисида иштирок этувчи шахсларни давлат сири ёки тижорат сири бўлиб ҳисобланган маълумотларни ошкора қилинишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириши шарт.

Ишнинг мазмуни юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори ошкора эълон қилиниши ҳамда унинг нусхалари тарафларга юборилиши ва турли органларга тақдим этилиши сабабли, унинг матнида ошкора қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлмаслиги лозим.

9-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги

Ҳўжалик судида суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

1. ХПКнинг 9-моддасида ҳўжалик судида суд ишларини юритишнинг бир бирдан мустақил икки тамойили — тортишув тамойили ва томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили мустаҳкамлангандир.

Тортишув тамойили — ҳўжалик судида суд ишларини юритишнинг асосий тамойилларидан биридир. Мазкур тамойил ҳўжалик низоси иштирокчиларининг моддий-ҳуқуқий манфаатларининг қарама-қаршилиги билан шартлаб қўйилган, шу сабабли суд ишларини юритиш бошидан охиригача тарафларнинг процессуал қарама-қаршилигидан иборатдир.

Тортишув тамойили Кодекснинг «асосий қоидалар» бобининг алоҳида моддасида мустаҳкамланганлиги, янги шароитларда унинг аҳамияти янада ошганлигидан далолат беради.

Тортишув тамойилига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, агар улар ўзлари учун ижобий бўлган ҳал қилув қарорига эришишни истасалар, ҳўжалик судига, низони ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни кўрсатишлари, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларни тақдим этишлари, шунингдек, судни, ўзларининг ҳақ ва ҳалол эканликларига ишонтирингга қаратилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари лозим.

ХПКда тортишув ҳақидаги нормаларни ривожланиб бориши тортишув жараёнидаги тегишли хатти-ҳаракатнинг маълум мезонларини белгилайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тортишув ҳақидаги нормалар талабларига риоя этилмаслиги, улар учун салбий ҳуқуқий

оқибатларга олиб келади. Жумладан, даъвогарнинг ишнинг унинг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида илтимоснома қилмасдан хужалик судининг мажлисига келмаганлиги даъво кўрмасдан қолдиришга асос бўлади (ХПКнинг 88-моддаси).

Судья ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки кўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўққинлик қилмайди (ХПКнинг 130-моддаси).

Агар ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятни билан мурожаат қилаётган бўлса, у ҳолда аризачи кўшимча далилларни ўзига боглиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асослаб берган тақдирдагина, кўшимча далилларга ҳавола қилинишига йўл қўйилади (ХПКнинг 166-моддаси).

Демак, тортишув тамойилига мувофиқ судда хўжалик ишнинг ҳаракати ишда иштирок этувчи шахсларнинг фаоллигига боглиқ. Бироқ, бу ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашда хўжалик судининг пассивлигини билдирмайди. ХПКнинг 122-моддасига мувофиқ, ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади. Шунингдек, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра далилларни талаб қилиб олиши (ХПКнинг 56-моддаси), бошқа хўжалик судига муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топшириши мумкин (ХПКнинг 74-моддаси).

Шундай қилиб, тортишув тамойили хужалик судининг, ишотлаш жараёнида тарафларга кўмаклашишга қаратилган фаоллигини ҳам назарда тутаяди. Қонун тарафларга ўз талаб ва эътирозларини асослаш учун низони ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни кўрсатиш мажбуриятини юкласада, ҳар бир иш юзасидан далиллар доирасини хўжалик суди белгилаши шарт. Агар тарафлар далиллар доирасини тўлиқ белгиламаган бўлсалар, суд ўз ташаббуси билан зарур далилларни кўриб чиқиши лозим. ХПКнинг 169-моддасига кўра, суд томонидан бу ҳаракатнинг амалга оширилмаслиги, қарорни иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги асосида бекор қилинишига олиб келади.

Далилларни тўплашда хўжалик судининг тарафларга ёрдами тарафларнинг фаоллигига боглиқдир. Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида хужалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли (ХПКнинг 56-моддаси). Агар илтимоснома асосли бўлса, суд уни қаноатлантиради.

2. Тарафларнинг процессуал тенг ҳуқуқлилиги тамойили тортишув тамойили билан чамбарчас боғлиқдир. Тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга бўлиши, уларга суд олдидан тортишув имкониятини беради.

ХПКнинг 36-моддасига мувофиқ, тарафлар, уларни фуқаро ёки ташкилот бўлишидан қатъий назар, тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бир тарафга берилган имкониятларнинг барчаси бошқа тарафга ҳам берилиши шарт. ХПКнинг 40-моддасига мувофиқ даъвогар даъводан воз кечишга, жавобгар эса даъвони тан олишга ҳақлидир. Даъвогар даъво талабларининг асосини, жавобгар эса уз эътирозларининг асосини ўзгартиришга ҳақлидир.

10-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Турли давлатларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг ажримига биноан тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади.

1. ХПКнинг 10-моддаси ўзида Конституциянинг 115-моддаси қондасини акс эттиради ва янада конкретлаштиради. Ушбу тамойил, ҳаётнинг барча соҳаларида фуқароларнинг миллий тенглиги ва миллий тилларни эркин қўлланиши давлат томонидан кафолатланишининг хўжалик судида суд ишларини юритишдаги қуринишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Конун, хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилишини белгилаш билан бирга суд жараёнининг ҳар бир иштирокчисига ўз она тилидан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Суд ишлари олиб борилаётган тил суд жараёни тамойилларининг амалга ошишида, ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама ва объектив ўрганиб чиқишини учун зарур шароитлар яратилишида, ишда иштирок этувчи барча шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Ишда иштирок этаётган, бироқ, суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсга суд таржимондан фойдаланиш имкониятини таъминлашни лозим. Бу ҳолатда таржимоннинг суд жараёнидаги иштироки юзасидан харажатлар давлат томонидан қоп-

ланади. Барча суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга улар сўзлаша оладиган тилга таржима қилинган ҳолда берилади.

Ишда иштирок этаётган, бироқ, суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсга иш ҳужжатлари билан танишиш имкониятини таъминлаш учун, ишни судда кўришга тайёргарлик вақтида таржимоннинг суд ишларида иштирок этиш масаласи ҳал этилади.

Қонун таржимонга нисбатан муайян талабларни қўяди. Аниқ иш юзасидан таржимонлик қилиш вазифасини бажариш учун зарур бўлган тилларни билишдан ташқари, ҳолис таржимани таъминлаш мақсадида таржимон ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган шахс бўлиши лозим (ХПКнинг 18-моддаси).

Суд ишлари юритилаётган тил тўғрисидаги қоидаларнинг бузилиши суд ҳужжатининг бекор қилиниши учун асос бўлади (ХПКнинг 170-моддаси 3-банди, 188-моддаси 3-банди).

11-модда. Судда ишни кўришнинг бевоситалиги

Ҳужалик суди ишни кўришда иш буйича барча далилларни бевосита текшириши шарт.

ХПКнинг 11-моддасида судда иш кўришнинг бевоситалиги тамойили мустақкамланган бўлиб, у ҳужалик судида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликда биринчи маротаба ифодаланмоқда.

Бевоситалик тамойили, ишни ҳал этаётган судьялар иш буйича тушланган барча далилларни шахсан ўзлаштиришлари ҳамда факатгина суд мажлисида ўрганиб чиқилган ва текширилган далиллар асосида қарор қабул қилишлари шартлигидан иборатдир.

ХПКнинг 128-моддасига мувофиқ ҳужалик суди ишни кўриб чиқишда иш юзасидан далилларни ўрганиб чиқади: ишда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўргазмаларини, экспертларнинг хулосаларини эшитади, ёзма далиллар билан танишиб чиқади, апиёвий далилларни кўздан кечиради. Ишни кўриб чиқиш судьяларнинг ўзгармас таркибида ўтказилади. Ишни кўриш жараёнида судьялардан бири ўзгартирилса, у ҳолда барча судьялар далилларни бевосита ўзлаштириш имконига эга бўлишлари учун ишни кўриб чиқиш бошидан бошланади.

Бевоситалик тамойилига кўра ҳужалик суди иш юзасидан ҳақиқий ҳолатларни дастлабки далиллар асосида белгилайди. Бу иш учун аҳамиятта эга бўлган ҳолатлар юзасидан янада аниқ маълумотларни олиш имкониятини беради. Хосил қилинган далиллардан фойдаланиш қонунчиликда чекланилмаса ҳам, қонунда кўрсатилган ҳолларда, ишнинг ҳолатлари дастлабки далиллар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Чунончи, ХПКнинг 62-моддасига мувофиқ,

ёзма далиллар асл нусхада ёки тегишлича тасдиқланган нусха шаклида тақдим этилади.

Ишни суд томонидан кўриб чиқишда бевоситалик тамойилининг бузилиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади (ХПКнинг 170-моддаси).

12-модда. Низоларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш

Ҳўжалик суди низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Ҳўжалик суди ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органининг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда ҳўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, бордин-ю бундай нормалар ҳам бўлмаса, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низоли ҳал қилади.

Ҳўжалик суди қонунга ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

1. Ҳўжалик низолари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиниши лозим. Конституциянинг 15-моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини сўзсиз устун деб топади. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай қонунчилик ҳужжати ваколатли орган томонидан қонунда белгиланган тартибда чиқарилиши шарт. Бунда бирорта қонун ёки бошқа норматив ҳужжат Конституция нормалари ва тамойилларига зид келмаслиги лозим (Конституциянинг 16-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Фармонлари ушбу муносабатларни тартибга солувчи Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролик ҳуқуқи нормаларини ўзида мужассамлаштирган Қарорлари Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари асосида ва уларни бажариш учун қабул қилинади.

2. Агар ишни кўриб чиқишда ҳўжалик суди тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бирорта норматив ҳужжатнинг Конституцияга мос келмаслигини аниқласа, у ҳолда Олий Суд ҳамда Олий ҳўжалик Судининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандига мувофиқ ҳўжалик суди ишни тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқаради ва барча ҳужжатлар-

ни масалани Конституциявий судда ҳўриб чиқишга тақдим этиш учун Олий ҳўжалик Суди Раисига юборади.

Давлат органи (Марказий Банк, Давлат мулк Кўмитаси ва бошқалар) ёки бошқа органининг ҳужжати қонунга мос келмаслиги, шу жумладан уни ваколат ҳўқуқи чегарасидан чиққан ҳолда чиқарилганлиги ҳолатида эса, ҳўжалик суди қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Аниқ ишларни ҳал этишда қонунни тўғри қўллашда Олий ҳўжалик суди Пленуми тушунтиришлари катта аҳамиятга эгадир.

3. Бозор муносабатларининг муттасил ривожланиши ва ҳўқуқ нормалари билан ҳозирча тартибга солинмаган муносабатлар юзасидан низоларнинг амалиётда вужудга келишини инобатга олган ҳолда, ХПКнинг 12-моддаси 3-қисми ҳўжалик суди томонидан ўхшаш қонун ва ҳўқуқларни қўлланиши имкониятини назарда тутати. Низоли муносабатни тартибга солувчи қонуннинг мавжуд эмаслиги ҳолатида, ҳўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунни (ўхшаш қонунни) қўллайди. Бундай қонуннинг мавжуд эмаслиги ҳолатида эса, ҳўжалик суди қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига асосланиши лозим (ўхшаш ҳўқуқлар).

Низони ўхшаш қонунлар ёки ўхшаш ҳўқуқлар асосида ҳал этаётганида ҳўжалик суди фақатгина ХПКнинг 12-моддаси 3-қисмига таяниш билан чегараланиб қолмасдан, ҳал қилув қарорини тўла асослантириши шарт. Бунда суд қайси ўхшаш қонунни, нима учун татбиқ қилаётганини, қонунчиликнинг қайси умумий асосларини ва нима учун қўллаётганини аниқ кўрсатиши лозим. Фақат шу тарзда асослантирилганидагина иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини тўғрилигини текшириш мумкин.

4. Амалдаги қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси билан белгиланган нормаларнинг «ички» қонунчиликка нисбатан бирламчилик ҳўқуқи мустаҳкамланган. Чунончи, Фуқаролик Кодексининг 7-моддасига мувофиқ, агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ҳўжалик суди низони ҳал этишда чет давлатларнинг ҳўқуқ нормаларини қўллаши мумкин.

13-модда. Чет давлат ҳўқуқини қўллаш

Чет давлат ҳўқуқи қўлланилган тақдирда ҳўжалик суди бу ҳўқуқ нормаларининг мавжудлиги ва мазмунини уларнинг тегишли давлатдаги шарҳланишига ва амалда қўлланишига мувофиқ ҳолда аниқлайди.

Чет давлатнинг ҳўқуқ нормалари мавжудлигини ва уларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида ҳўжалик суди ёрдам беришни ёки тушунтириб беришни сўраб, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда

хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига му-
рожаат қилиши ёхуд мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Агар кўрилган чораларга қарамай чет давлатнинг ҳуқуқ нормала-
ри мавжудлиги ёки уларнинг мазмуни аниқланмаса, хўжалик суди
Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг халқаро
тижорат муносабатларига киришганлиги натижасида хўжалик суди
томонидан чет давлат ҳуқуқини қўллаш зарурияти вужудга келди.

Чет давлат ҳуқуқи қўлланишини тартибга солувчи қоидалар
биринчи марта хўжалик процессуал қонунчилигига киритилди.

Хўжалик суди қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг хал-
қаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет давлатларнинг
ҳуқуқ нормаларини қўллайди (ХПКнинг 12-моддаси). Чунончи,
1992 йил 20 мартдаги «Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ
низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Киев Битимининг
11-моддасига кўра, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-
си бўлган бир давлатнинг фуқаролик қонунчилиги Мустақил Дав-
латлар Ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг ҳуду-
дида қуйидаги қоидаларга мувофиқ қўлланилади:

а) юридик шахс ва тadbirkorларнинг ҳуқуқий лаёқатлиги ва
ҳуқуқий лаёқатсизлиги шу тасис этилган юридик шахс рўйхатдан
ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзо-давлат қонунчилиги
билан аниқланади;

б) мулкка эгалик ҳуқуқидан келиб чиқадиغان муносабатларга
нисбатан ўша мулк жойлашган давлат қонунчилиги қўлланилади.
Давлат реестрига киритилишига тааллуқли транспорт воситаларига
эгалик ҳуқуқи мазкур транспорт воситаси реестрига киритилган
давлат қонунчилиги билан аниқланади;

в) мулкка эгалик қилиш ва тугатилиши ёки бошқа мулк
ҳуқуқининг вужудга келиши ёки тугатилиши ушбу ҳуқуқни вужудга
келиши ёки тугатилишига асос бўлган ҳаракат ёки ҳолат вужудга
келганда мулк қайси давлат ҳудудида бўлса, ўша давлат қонунчи-
лиги билан аниқланади.

Битим предмети бўлмиш мулкка эгалик қилиш ёки бошқа
ҳуқуқнинг вужудга келиши ёки тугатилиши, агар тарафларнинг
келишувиде ўзга нарса назарда тутилмаган бўлса, мазкур битим
тузилган макон қонунчилиги билан аниқланади;

г) битимнинг шакли битим тузилган макон қонунчилиги билан
аниқланади. Курилиш бошқа кўчмас мулкка нисбатан битимлар-
нинг шакли ва у юзасидан ҳуқуқ бундай мулк жойлашган давлат
қонунчилиги билан аниқланади;

д) ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати мазкур ишон-
чнома берилган давлат қонунчилиги билан аниқланади;

е) битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур битим тузилган макон қонунчилиги билан аниқланади, агар битимда ўзга нарса назарда тутилмаган бўлса;

ж) зарар етказиш оқибатида тарафларнинг келиб чиққан ҳуқуқ ва мажбуриялари етказилган зарарни қоплаш бўйича талабларни келиб чиқишига асос бўлган ҳаракат ёки ҳолат вужудга келган давлат қонунчилиги қўлланилади.

Агар етказилган зарарни қоплаш бўйича талабларни келиб чиқишига асос бўлган ҳаракат ёки ҳолат низо қўрилаётган жой қонунчилиги бўйича етказилган зарарни қоплаш бўйича талабларни келиб чиқишига асос бўлган ҳаракат ёки ҳолат ноқонуний бўлмаса ушбу қонунчилик қўлланилмайди;

з) даъво муддати бўйича масалалар тегишли муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган давлат қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Низони кўриб чиқишда чет давлат ҳуқуқи нормаларини қўллаш зарурияти тутилган ҳолларда, хўжалик суди мазкур давлат қонунчилигида тегишли ҳуқуқий нормаларнинг мавжудлигини аниқлаши лозим. Агар тегишли ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлса, хўжалик суди уларнинг мазмуни ва маъносини (ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш), шунингдек уларни тегишли давлатда қўлланиш амалиётини аниқлаб олиши лозим.

2. ХПКнинг 13-моддаси 2-қисмига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлиги ва уларнинг мазмуни ҳақида ахборот олиш мақсадида хўжалик суди ёрдам беришни ёки тушунтириб беришни сўраб, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиши мумкин. Мазкур мурожаат суднинг, низони моҳияти қисқача баён этилган, судни қизиқтирган масалалар аниқ ва равшан кўрсатилган ажрями билан расмийлаштирилади.

Ажрим Ўзбекистон Республикаси ёки ундан таниқарида жойлашган тегишли ваколатли органлар ва ташкилотларга (вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар ва бошқалар) юборилади. Чет давлат муассасасига мурожаат қилинганида, чет давлат ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ёки бошқа битим мавжуд бўлсагина, ваколатли орган жавоб беришга мажбур эканлигини назарда тутмоқ лозим. Бундай шартномаларда (битимларда) сўровномани юбориш ва уни ижро этиш тартиби белгиланган бўлади.

Масалан, 1992 йил 20 мартдаги «Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Киев Битимининг 12-моддасига мувофиқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган давлатларнинг олий суд органлари ва адлия вазирликлари бошқа томоннинг худди шундай органлари илтимосига кўра, бир-бирларига ўз давлатларининг амалдаги ёки

амалда бўлган қонунчилиги ва уни амалиётда қўлланиши юзасидан ахборотлар тақдим этиладилар.

Хўжалик суди чет давлат ҳуқуқи ҳақида маълумот олиш мақсадида мутахассисларни жалб этиши мумкин. Бундай ҳолларда илмий ходимлар ва амалиётчилар экспертларни тайинлаш учун ўрнатилган тартибда ишга жалб этиладилар.

14-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Хўжалик суди ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Хўжалик суди қабул қилган суд ҳужжатларини бажармаслик ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

1. Шарҳланаётган модда, Конституциянинг 114-моддасида суд ҳокимияти ҳужжатларининг ҳамма учун мажбурийлиги ҳақидаги қоидаларни тўлдирди ва конкретлаштирди.

Иқтисодиёт соҳасида юзага келган низоларни ва бошқа ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда хўжалик суди, томонларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва хўжалик ишларини юритишнинг ҳуқуқбузарликни олдини олиш вазифаларини амалга оширувчи суд ҳужжатларини қабул қилади.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори ва ажрим қабул қилади ҳамда суд буйруғини чиқаради. Апелляция ва кассация инстанцияси судлари қарор ва ажрим, Олий хўжалик суди Раёсати эса қарор қабул қилади.

2. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати ишда иштирок этган шахсларга ҳамда ишда иштирок этмаган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Мазкур норма, суд ҳужжатлари асосланган қонуннинг умуммажбурийлигига асослангандир.

Хўжалик суди томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг умуммажбурийлиги қуйидагиларни билдиради:

давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар қонуний кучга кирган хўжалик суди ҳужжати нотутри эканлиги ҳақидаги таҳминлардан келиб чиқиб, унга зид бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақли эмаслар. Қонуний кучга кирган хўжалик суди ҳужжатининг тўғрилигига шубҳа тугилган ҳолатда,

давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фақатгина Олий ҳўжалик суди ва прокуратуранинг қонунда кўрсатилган мансабдор шахсларига, қонунда белгиланган тартибда тегишли суд ҳужжати юзасидан протест киритиш масаласида муурожаат қилишлари мумкин. Олий ҳўжалик судидан бошқа бирорта орган ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорини бекор қила олмайди (ХПКнинг 174, 195-моддалари);

давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда мансабдор шахслар ҳўжалик суди ҳужжатларининг бажарилишига кўмаклашишлари шарт. Суд ижрочисини ҳўжалик суди ҳужжатларининг бажарилиши борасидаги талаблари улар учун мажбурийдир.

3. Ҳўжалик суди ҳужжатларини бажармаганлик учун жавобгарлик ХПК (218-модда), ЖК (232-модда) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда (180-182-моддалар) назарда тутилган.

2-боб.**Хўжалик судининг таркиби. Рад қилиш****15-модда. Хўжалик судининг таркиби**

Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

Ишни кўриш чоида ҳамма судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ушбу Кодексга мувофиқ судьяга ишни ва айрим масалаларни якка тартибда ҳал қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, у хўжалик суди номидан ҳаракат қилади.

Хўжалик судининг иқтисодий низоларни ҳал қилиш бўйича ваколатини «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда сайланган ва тайинланган судьялар амалга оширадилар. Судьялар, мансабдор шахс сифатида, тегишли суднинг ваколатларини ҳайъатда ёки якка тартибда амалга оширадилар. Хўжалик судининг иш кўрувчи таркиби ХПКнинг 15-моддасида белгиланган.

Иқтисодий низолар бўйича одил судловни тезкор ва камҳаружатроқ бўлишини таъминлаш учун қонун чиқарувчи шундай қоида-ни назарда тутганларки, унга биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади. Бироқ суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Давлат, жамият манфаатларига дахлдор низоли ишларни ҳайъатда кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ишларга ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлигига доир ишлар, шунингдек, давлат ташкилотлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар киради. Бундан ташқари, ишни ҳайъатда кўришга низонинг ишда қатнашувчи шахслардан бири асослаб берганига биноан мураккблиги ёки бошқа сабаблар асос бўлиши мумкин.

Ишни ҳайъатда кўриш томонларнинг манфаатларига зарар етказмайди, аксинча, улар ҳуқуқлари ҳимоясининг процессуал кафолатларини кучайтиради, шунинг учун суд раисининг ўз қарорини қандай шаклда ифода этишни жиддий аҳамият касб этмайди. Бу

ажрим бўлиши ҳам, резолюция кўринишидаги кўрсатма бўлиши ҳам мумкин.

Бошқа хўжалик судларидан фарқли ўлароқ Олий хўжалик судида биринчи инстанция бўйича ишлар фақат ҳайъатда уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Бу қонлани олий хўжалик судига тааллуқли ишларнинг алоҳида аҳамияти билан тушунтириш мумкин (ХПКнинг 26-моддасига қаранг), шунингдек яна шуни ҳисобига олиш керакки, бундай ишлар бўйича қарорлар қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга кириди ва улар устидан апелляция тартибида шикоят қилинмайди.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари апелляция инстанцияларида апелляция шикоятлари қонда тарихида, уч судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Апелляция таркиби тегишли хўжалик суди райси томонидан тузилади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддаси).

Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари қарорларнинг қонунийлигини кассация тартибида уч судьядан иборат таркибда текширадилар.

Олий хўжалик судининг Раёсати ишларни протестлар бўйича назорат иртибиди Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган таркибда кўриб чиқади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддаси).

Ишни кўриш ҳамма судьялар уларнинг мансаб лавозимидан қатъий назар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бу одил судловнинг муҳим ҳуқуқий тамойили бўлиб, у судьяларнинг «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган ягона мақомидан келиб чиқади. У ХПКнинг жуда кўп моддаларида ўз ифодасини топган, хусусан, бу ҳолат хўжалик судларида масалаларни ҳал қилиш тартибини белгиловчи меъёрлардан ҳам кўринади (ХПКнинг 16-моддаси). Бу тамойилдан келиб чиқиб, суд райси ёки унинг ўринбосари биринчи инстанцияда қабул қилган қарорни судьялар томонидан апелляция тартибиди қайта кўриб чиқиш имконияти ҳеч қандай эътироз тўғирмайди.

Гарчанд аксарият суд инстанциялари иқтисодий низоларни ҳайъатда кўриб чиқсалар-да, айрим процессуал ҳаракатлар биринчи инстанция судидаги каби судьянинг якка ўзи томонидан амалга оширилади. Масалан, судья апелляция шикоятини қабул қилиш ёки қайтариш билан боғлиқ масалаларни (ХПКнинг 162-163-моддалари), кассация шикояти, протестини қабул қилиш ёки қайтариш билан боғлиқ масалаларни (ХПКнинг 180-181-моддалари) якка ўзи ҳал қилади. Бундан ташқари, судья якка ўзи ишни апелляция (кассация) инстанцияларида тўғри ва ўз вақтида кўрилишини таъ-

минлашга йўналтирилган тайёрлов ҳаракатларини амалга оширади (ХПКнинг 122-моддасига қаранг).

Судья ХПКда берилган ишни ёки айрим масаларни якка ўзи ҳал қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, суд қарори, ажрими ёки буйруғини чиқаришда, у ҳўжалик суди номидан ҳаракат қилади.

16-модда. *Ҳўжалик судияда масалаларни ҳал қилиш тартиби*

Ҳўжалик судида иш ҳайъатда кўрилатганда ва ҳал қилинаётганда келиб чиқадиган масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Судьялардан бирортаси овоз беришдан бетараф қолишга ҳақли эмас. Мажлисга раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Бошқа судьяларнинг қарорига қўшилмаган судья бу қарорга имзо чекишга мажбур ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Алоҳида фикр ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

ХПКнинг 16-моддасида кўзда тутилган ҳўжалик судида масалаларни ҳайъатда кўриш ва ҳал қилишда келиб чиқадиган масалаларни ҳал этиш йўриғи судьялар мустақиллиги ва улар ҳуқуқи тенглигининг кафолати ҳисобланади ҳамда ҳар бир судьянинг ўз фикрини ифода қилиши учун шарт-шароитни таъминлайди. ишни кўриб чиқишда юзга келган масалаларни ҳал қилишда чиқариладиган суд актлари ишни кўришда қатнашаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Судьялардан бирортаси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Бу қоида судьяга «Судлар тўғрисида»ги Қонунда юкланган ваколатлардан-одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ барча масалаларни таҳлил қилиш ва баҳолашда фаол қатнашиш ваколатларидан келиб чиқади.

Муайян иш бўйича ўтаётган суд мажлисида суд қарори қабул қилинаётганда раислик қилувчи ўз фикрини охирида айтади ва ҳаммадан кейин овоз беради. Ушбу тартиб муайян ишни кўриб чиқишда судьяга қандай шаклда бўлмасин, таъсир қилишга йўл қўймасликка яна бир кафолатдир («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 69-моддаси).

Ишни кўришда қатнашган ҳар бир судья суд қарорига имзо чекишга мажбур. Бирор-бир судьянинг имзоси йўқлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўла олади (ХПКнинг 170, 188-моддалари).

Кўпчилик қарорига қўшилмаган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унда судья аниқ қлиб, нимага қўшилмаслигини ва баҳсли масалаларнинг қандай ечилишни тўғрисидаги таклифини кўрсатади.

Алоҳида фикр билан ишда иштирок этувчи томонлар ҳам, суд

мажлисида қатнашаётган фуқарорлар ҳам таништирилмайдилар. Алоҳида фикр эълон қилинмайди. У ишга қўшиб қўйилади ва конвертда муҳрланган ҳолда сақланади.

17-модда. Судьяни рад қилиш

Судья қўйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим:

1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида эксперт, таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса;

3) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьялар кириши мумкин эмас.

Хўжалик судлови жараёнида судьяни рад қилиш имконияти ҳар бир ишнинг ҳолисона ва объектив кўрилишининг муҳим кафолатларидан биридир. Шунинг учун янги кодекс, аввалгисидан фарқли ўлароқ, судьяни рад қилиш асосларини аниқ белгилаб беради.

Судьяни рад қилиш учун судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши экани факти етарлидир. ХПКда қариндошлик даражаси курсатилмагани учун, бундай ҳолларда оила ҳуқуқининг қариндошлик муносабатларини белгиловчи ҳуқуқий меъёрларидан келиб чиқиш лозим.

Шунингдек, судьянинг ишни куришда қатнашишга унинг шу иш илгари курилганда эксперт, таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этганлиги ҳам тўсиқ ҳисобланади.

Амалиётда судьяни рад этишда кўп ҳолларда унинг ишнинг пировард натижасидан шахсан, билосита ёки бевосита манфаатдорлиги ёки унинг ҳолислигига шубҳа туғилганлиги ҳисобланади. Судьянинг тўғридан-тўғри манфаатдорлиги ушбу ишда унинг учинчи шахс сифатида қатнашиш ҳуқуқи бўлганида ёки ишни ҳал қилишдан қандайдир бевосита манфаатдор бўлишида кўриниши мумкин. Билвосита манфаатдорлик ишнинг ишнинг ҳал қилинишида судьянинг қариндошлари манфаатдор эканлиги ҳолатларида кўринади. Бошқа ҳолатларга келганда, булар судьянинг ишда қатнашаётган шахсларнинг бирортаси билан дўстона ёки ғаразли муносабатлари сингари вазиятлар унинг ҳолислигига шубҳа туғдирилиши мумкин.

ХПК 17-моддасининг иккинчи қисми ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьялар киришини таъқиқлайди. Ушбу қоида турли даражадаги хўжалик судларида

ишлаётган судьяларга ҳам тааллуқлидир. Масалан, ишни биринчи ёки апелляция инстанциясида кўриб чиққан судьянинг қариндоши бўлган судья ишни кассация ёки назорат тартибида кўрилишида қатнашиши мумкин эмас.

18-модда. Прокурор, эксперт ва таржимонни рад қилиш

Ушбу Кодекс 17-моддасининг 1 ва 3-бандларида кўрсатилган асосларга мувофиқ прокурор, эксперт ва таржимон ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва улар рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари экспертни рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) унинг ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларига ишни кўриш пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёки бошқа томондан қарам бўлганлиги;

2) у ўтказган тафтиш материаллари хўжалик судига мурожаат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ёки ишни кўришда улардан фойдаланаётган бўлса.

ХПК 17-моддасининг 1, 3-бандларида судьяни рад қилиш учун келтирилган асослар прокурор, эксперт ва таржимонга ҳам тааллуқлидир.

Прокурор барча ишлар бўйича хўжалик судлари мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга (ХПКнинг 43-моддаси). Прокурор судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунishi тамойилига қатъий риоя қилиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга хизмат қилиши лозим («прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддаси). Ушбу мажбуриятларнинг бажарилиши прокурор ва ишда иштирок этаётган шахслар (вакиллар) ўзаро қариндош бўлганда ёки ишнинг ечимидан прокурор манфаатдор бўлганда ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда мумкин эмас.

Таржимон суд жараёнида техник мажбуриятни бажаради, суд ва унинг қатнашчиларига мулоқотда бир-бирларини тушунишларига ёрдам беради. Тортишув жараёнида томонлар ўз мажбуриятларини бажаришлари, иш бўйича келтирилаётган далилларнинг сифатли таҳлил қилиниши таржимоннинг тўғри ва аниқлигига боғлиқ. Шунинг учун таржимон мазкур асосларга кўра рад қилиниши мумкин.

Эксперт — судда ишни кўриш учун зарур бўлган махсус малакага эга шахсдир. Эксперт ҳулосаси хўжалик суди қарорининг тўғри чиқарилиши учун кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун экспертнинг ҳолислиги, объективлиги шубҳадан ҳоли бўлиши шарт.

Экспертнинг алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда шарҳланаётган модда уни рад қилиш учун шу модданинг биринчи қисмда кўрсатилгандан бошқа қўшимча асосларни ҳам белгилайди. Экс-

пертнинг хизмат қарамлиги унинг ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларига ишни кўриш пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан бўйсунувчи ёки назорат остида бўлганлиги бўлиши мумкин. Бошқача кўринишдаги қарамлик шартномавий ёки шартнома муносабати билан боғлиқ, бўлмаган бошқа алоқаларда кўриниши мумкин.

Эксперт низо ҳолатлари бўйича тафтишчи сифатида (текширувчи) жалб қилинган бўлиб, текшириш ҳужжатлари эса ишни кўришда фойдаланилаётган ҳолларда ҳам, у ишни кўришда қатнашиши мумкин эмас.

Юқорида санаб ўтилган экспертнинг ишни кўришда қатнашишига тўсиқ бўладиган ҳолатлардан ташқари, шуни ҳам назарда тутиш керакки, эксперт зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун зарур билимларга эга бўлмаса, хулоса беришдан воз кечишга ҳақлидир (ХПК 47-моддаси).

19-модда. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги

Ишни кўришда иштирок этган судья шу ишни бошқа инстанция судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Бирон бир инстанцияда ишни кўришда иштирок этган судья, ишни ўша инстанцияда такрор кўришда иштирок этиши мумкин эмас, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари бундан мустасно.

Шарҳланаётган ХПКнинг 19-моддаси қондаси-ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслик-одил судовнинг муҳим тамойилларидан бирини амалга оширади.

Судьянинг ишни кўришда такрор иштирок этиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ишни бир марта аввал кўрган судьяда масаланинг моҳиятига нисбатан алақачон шаклланган муайян фикр бўладигани, бу ҳолат ишни кейинги кўриб ҳал қилишда таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари юқори инстанция кўрсатмаларининг бажарилиши кўпинча бекор қилинган қарорга тескари суд қарори чиқариш заруратини келтириб чиқаради, бу эса судьянинг обрўсига маълум миқдорда салбий таъсир кўрсатади.

ХПК 19-моддасининг 1-қисмига кўра ишни кўришда иштирок этган судья шу ишни бошқа инстанция судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ушбу қоида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари учун амалий аҳамиятга эга, чунки амалиётдаги судлов тизимига мувофиқ биринчи ва апелляция суди инстанциялари айна шу судьялардан тузилади.

ХПК 19-моддасининг 2-қисмига биноан бирон-бир инстанцияда ишни кўришда иштирок этган судья ишни ўша инстанцияда

такрор куришда иштирок этиши мумкин эмас. янги очилган ҳолатлар буйича ишларни кўриш ҳоллари мустаснодир.

20-модда. Рад қилиш ҳақида ариза бериш

Ушбу Кодекснинг 17 ва 18-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, таржимон ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза беришлари шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамшу асосларга кўра рад қилиш ҳақида ариза беришлари мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арыз асослантирилган бўлиши ҳамда иш мазмунан кўрилишидан олдин маълум қилиниши лозим. Иш кўрилаётган пайтда рад қилиш ҳақида арыз қилишга рад қилиш учун асослар хўжалик судига ёки рад қилиш ҳақида арыз қилаётган шахсга ишни кўриш бошлаб юборилгандан кейин маълум бўлиб қолган ҳоллардагина йул кўйилади.

Судьяни рад қилишга асос бўладиган ҳолатлар суд муҳокамаси бошлангунича маълум бўлиши мумкин. Бундай пайтда бу ҳолатлар шу иш бўйича судлов таркибини белгилашда ҳисобга олинми керак. Мазкур ҳолатлар ишни кўриш пайтида аниқланиб қолса, судьяни рад қилиш масаласи, қайд этилган бошқа шахсларни рад қилиш каби, шарҳланаётган модда қойдалари бўйича ҳал қилинади.

ХПКнинг 20-моддаси 1-қисмида қайд этилган шахсларни рад этиш ҳақида ишда иштирок этувчи ҳар қандай шахс ариза бериши мумкин. Хўжалик процессуал кодексининг 17 ва 18-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, таржимон ўзини-ўзи рад қилиш ҳақида ариза беришлари шарт. Қонун ушбу мажбуриятни юклар экан, юқорида зикр этилган шахслар қайси ҳолатларда ишда қатнаша олмасликларини биладилар, деган ишончдан келиб чиқади. Ишда иштирок этувчилар бу ҳолатларни ҳар доим ҳам била олмасликлари мумкин. ХПКнинг 126-моддасига биноан, хўжалик суди мажлисини очар экан, раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини хабар қилади ва ишда қатнашаётган шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Рад қилиш ёки ўзини-ўзи рад қилиш ҳақидаги ариза асослантирилган бўлиши керак. Судьяни ёки бошқа шахсларни рад қилиш ҳақидаги қуруқ гап билан айтилган, тегишли асослар билан тасдиқланмаган талаблар қондирилмайди. Шу билан бирга рад қилиш ҳақидаги ҳар қандай ариза диққат билан ўрганилиши ва бу ҳақда тегишли ажрим қабул қилиниши лозим.

Ишда қатнашувчи шахслар уларга берилган рад қилиш ва ўз-ўзини рад қилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилмасликлари керак. Бун-

дай аризалар ўз вақтида, иш мазмунан курилгунча берилиши керак, рад қилиш ва ўзини-ўзи рад қилиш асослари ишни кўриб чиқиш пайтида маълум бўлган ҳоллар бундан мустаснодир. Шу билан бирга шубҳасиз суд қарор қабул қилиш учун чиқиб кетишидан олдин қилинган ҳар қандай рад қилиш ва ўзи-ўзини рад қилиш аризаси кўриб чиқилиши ва асосланган бўлса, қаноатлантирилиши керак.

21-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани ҳал қилиш тартиби

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эшитиши, шунингдек агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, уни эшитиши керак.

Ишни яққа ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини хўжалик судининг раиси ёки суд ҳайъатининг раиси ҳал қилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала рад қилиниши талаб этилаётган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқалаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қалса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Бир неча судьяни ёки ишни кўраётган суд таркибини бутунлай рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида, оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт ва таржимонни рад қилиш масаласини ишни кўраётган суд ҳал қилади.

Рад қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Рад қилиш ва ўз-ўзини рад қилиш ҳақидаги ариза хўжалик суди мажлиси учун белгиланган барча қоидаларга риоя қилган ҳолда муҳокама қилинади. Мунозара тамойилларига кўра ишда иштирок этувчи шахслар рад қилиш ёки ўз-ўзинирад қилиш ҳақидаги аризага ўз фикрларини билдиришлари мумкин. Рад қилинаётган шахс рад қилиш бўйича ўз тушунтиришини бериши мумкин (аммо у бунга мажбур эмас).

Мазкур моддада рад қилиш ёки ўз-ўзини рад қилиш аризасини ҳал қилувчи суд таркиби аниқ белгиланган.

Хўжалик судининг рад қилиш, ўз-ўзини рад қилиш аризасини қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақидаги ажрими алоҳида хонада қабул қилинади ва унинг устидан шикоят қилинмайди. Рад қилиш, ўз-ўзини рад қилиш ҳақидаги аризага асос булган, аммо эътиборга олинмаган ҳолатлар манфаатдор шахслар томонидан иш бўйича суд қарори устидан бериладиган шикоятда баён этилиши мумкин.

22-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш оқибатлари

Судья ёки бир неча судьялар ёхуд бутун суд таркиби рад қилинган тақдирда иш ўша судда, бироқ бошқа таркибда кўрилади.

Агар рад қилишни қаноатлантириш натижасида ишни ўша хўжалик судида кўриш учун суднинг янги таркибини тузиш мумкин бўлмаса, иш бошқа хўжалик судига ўтказилиши лозим.

Судьяни рад қилиш (ўз-ўзини рад қилиш) ҳақидаги ариза қаноатлантирилгандан сўнг ушбу ишни кўриб чиқиш учун янги суд таркибини тузиш зарурати пайдо бўлади. Янги таркиб ҳақидаги масалани ўша хўжалик судининг раиси ҳал қилади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 54, 59-моддалари). Суднинг янги таркиби ишни кўришни янгидан бошлайди.

Агар рад қилишни қаноатлантириш натижасида ишни ўша хўжалик судида кўриш учун суднинг янги таркибини тузиш имконияти бўлмаса, иш бошқа хўжалик судига ўтказилади. Бу ҳолда «судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 54-моддасига биноан Олий хўжалик суди Раисининг рухсати сўралади. Шундан сўнг ишни бошқа хўжалик судига кўриб чиқиш учун бериш ҳақидаги ажрим чиқарилади. (ХПКнинг 33-моддасини 2, 3-қисмлари).

3-боб.**Судга тааллуқли ишлар ва судловга тегишлилик****23-модда. Судга тааллуқли ишлар**

Хўжалик судига қўйидаги ишлар тааллуқлидир:

1) *иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишдир;*

2) *иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари аъжудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;*

3) *ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.*

Қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро бовлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабр Қонуни тахририда).

1. Хўжалик суди суд ҳокимиятининг тармоғи сифатида қонун билан унинг ваколат доирасига киритилган, яъни унга тегишли бўлган ҳуқуққа дир низоларни ва бошқа ишларни кўриб чиқади. Агар иш хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиши (ХПК 117-моддасининг 1-қисми) суд эса нотўғри қабул қилинган даъво аризаси бўйича қузгатилган ишни тугатиши лозим (ХПК 86-моддасининг 1-қисми). Ишларнинг судга тааллуқлилигини белгилашда хатога йўл қўйиш асло мумкин эмас, чунки бу баъзи ҳолатларда низони ҳал этишдан асоссиз бош тортишга, яъни одил судловни инкор этишга тенг ҳаракатга олиб келса, бошқа ҳолларда ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кечикишига олиб келади.

Шарҳланаётган модда ишларнинг хўжалик судларига тааллуқлилигини уларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари орқали белгилайди. У Конституциянинг 111-моддасига асосланади. Бу модда қондасига мувофиқ хўжалик судлари ваколат доирасига иқтисодий соҳасида ва уни бошқариш жараёнида юзага келган низоларни ҳал этиш киритилган. Бу билан хўжалик судлари ва бошқа идораларнинг, энг аввало умумий юрисдикция судларининг ваколатлари белгилаб берилади. Ишларнинг тааллуқлилигини аниқлаш муаммоларининг муҳимлиги ҳам айнан бу судларнинг ваколатлари чегарасини белгилаш заруратидан келиб чиқади.

2. Ишларнинг судга тааллуқлилиги қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Аммо юридик ишлар анча турли-тумандир, шунинг учун қонунда ҳар бир ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг судга тааллуқлилиги ҳақида тугал кўрсатмалар бериб чиқишнинг иложи йўқ. Шунинг учун шарҳланаётган моддада ишларнинг хўжалик судларига тааллуқлилигига доир умумий қоидалар белгиланган (ХПК 23-моддасининг 1-қисми) ва бу қоидалардан айрим истиснолар кўрсатилган.

Умумий қоидалар асосига юридик ишларнинг хўжалик судига тааллуқлилигининг уч белгиси қўйилган: низолар юзага келадиги соҳа, низоли ҳуқуқий муносабатларнинг характери ва унинг субъектлик таркиби.

Иқтисодий соҳа тушунчаси жуда кенгдир, унинг мазмуни эса қонунчиликда аниқ очиб берилмаган. Аммо, Ўзбекистон иқтисодий ёти бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги ва бу соҳада Конституциянинг 53-моддасида эълон қилинган иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги амалга оширилаётганини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, бу соҳа иқтисодий фаолият, тадбиркорликдир. Айнан иқтисодий фаолият соҳаси ва тадбиркорлик хўжалик судлари ва умумий юрисдикция судлари ваколатини чегаралаб турувчи етакчи белгидир. Айнан шу жиҳат хўжалик судлари ихтисослашувининг асосида ётади.

Ишларнинг хўжалик судига тааллуқлилигининг бошқа белгиси-ҳуқуқий муносабатларга доир низонинг характери. Шарҳланаётган моддада белгиланишича, хўжалик судига иқтисодий соҳада фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар тааллуқлидир.

Фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар-мустақил мухтор субъектлар ўртасида юзага келадиган ва Фуқаролик кодекси ёки бошқа фуқаролик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлардир. Фуқаровий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судлари кўриб чиқадиган ишлар ичида энг кўп тарқалган ва ўта характерли ишлар тоифасидир.

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар — бир томоннинг иккинчи томонга маъмурий тобелигига асосланган муносабатлардир. Маъму-

рий ҳуқуқий муносабатларнинг шарт бўлган субъекти давлат органи ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи бўлиб. У бошқа шахсларга нисбатан бошқарув, назорат ва бошқа ҳуқуқий тобеликка асосланган вазибаларни бажаради. Бундай муносабатларга бир томондан давлат органи ва иккинчи томондан, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи киритиши мумкин. Бу ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг кўпчилиги фуқаровий ҳуқуқларни давлат органи ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи ақтларини ҳақиқий эмас деб топиш йўли билан ҳимоя қилишга боғлиқдир (Фуқаролик кодексининг 11-12 моддалари).

«Бошқа ҳуқуқий муносабатлар» деганда фуқаровий ва маъмурий соҳалар қамраб олмаган хўжалик судларига тааллуқли низо келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа, масалан, солиқ, ер ва бошқа муносабатларни тушунмоқ керак.

3. Ишларнинг хўжалик судига тааллуқлилигини аниқлашнинг белгиларидан бири ХПК 23-моддасида белгиланган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг субъектлик таркибидир. Хўжалик судига юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тadbirkorлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тadbirkor мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасида келиб чиқаётган низолар тааллуқлидир.

Давлат арбитражи пайтида низоли ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлик таркиби арбитраж ва умумий юрисдикция судлар ваколатини чегаралашнинг асосий белгиси эди. Жумладан, икки томонда ҳам давлат ташкилотлари қатнашган, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар давлат арбитражига тааллуқли эди. Ваколатига тadbirkor фуқаролар иштирокидаги низоларни ҳал этиш ҳам кирадиган хўжалик судлари ташкил этилгандан сўнг ушбу мезонни қўллаш мурақаблашди.

Шу муносабат билан Олий хўжалик суди Пленумининг 1994 йил 18 октябрдаги «Низоларнинг хўжалик судларига тааллуқлилиги (тегишлилиги)нинг айрим масалалари ҳақида»ги Қароридан ишларнинг хўжалик судига тааллуқлилигини текширишда, тadbirkorлик фаолияти деганда мулк эгаларининг амалдаги қонунчилик асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши йўналтирилган ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти тушунилишини назарда тутиш лозимлиги қайд этилган. Фуқаро давлат рўйхатидан ўтгандан кейин тadbirkor мақомини олади. Ушбу мақомни тасдиқлайдиган ҳужжат давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномадир» (1-банд).

Қайд этилган Пленум тушунтиришидан фуқаро иштирок этаётган низо хўжалик судига тааллуқли бўлиши учун фуқаро тadbirkor сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, вужудга келган низо фуқаронинг тadbirkorлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши лозим бўлади. Бу ҳулосани Фуқаролик кодекси 23-моддаси таҳлилидан ҳам келтириб чиқариш мумкин.

Агар фуқаро тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланса-ю, давлат рўихатидан ўтмаган бўлса, демак у тadbиркорлик мақомини олмаган, бундай фуқаро ишгирокидаги низо хўжалик судида кўришга тааллуқли эмас.

Тadbиркор мақомига эга булган фуқаронинг тadbиркорлик фаолиятига боvлиқ бўлмаган, турар-жой, никоҳ-оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо ҳам хўжалик судига тааллуқли бўлмайди. Бундай низолар умумий юрисдикция судларга тааллиқлидир.

4. ХПК 23-моддаси 2-бандига мувофиқ хўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида тапшилотлар ва фуқароларининг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши (бундан буён юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш) учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Бу тоифа ишларни ҳал этиш биринчи марта хужалик судлари ваколатига биринчи маротаба киритилди. Бундай ишлар барча белгиларига кура ХПК 23-моддаси 1-бандидаги умумий қоидага мос келмаса-да, қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси дан келиб чиқиш улар хўжалик судларида кўриб чиқилади. Бунда қонун фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишни хўжалик судларига тааллуқли бўлиши учун зарур бўлган шартларни кўрсатади. Бу тоифа ишлар тўғрисидаги аризалар агар аниқланиши керак бўлган фактлар қандайдир шахснинг иқтисодиёт, тadbиркорлик соҳасидаги фаолиятидаги ҳуқуқнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши каби юридик оқибатларни келтириб чиқарсагина қабул қилиниши керак (ХПК 23-моддаси 2-банди). Кейинги мажбурий шарт аризачининг бу фактларни тасдиқлайдиган керакли хужжатларни бошқа тартибда ола олмаётганлиги ёки йўқотилган ёхуд йўқолган хужжатларни тиклаш имкони мавжуд эмаслиги ҳисобланади (ХПК 155-моддаси).

5. ХПК 23-моддаси 3-қисмига мувофиқ хўжалик суди тапшилотлар ва фуқароларнинг банкротлигига доир ишларни ҳам кўриб чиқади. Ушбу тоифа ишлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун билан хужалик судига деб белгиланган. Қонун хужалик субъектининг — юридик ва жисмоний шахсларни банкрот деб эълон қилишининг шарт-шароитлари ва тартибини белгилаб берган эди ва банкротлик тўғрисидаги ишларни юритиш ХПКнинг умумий қоидаларига кўра «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилган эди.

Хўжалик судида банкротлик тўғрисида иш қарздорнинг ёки кредиторнинг, шунингдек прокурор ёки ваколатли идоранинг (корхоналарнинг иқтисодий ноқорлиги Кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари) аризасига кўра кўзғатилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар фақат хужалик судларига тааллуқли эканини, қарздорнинг (юридик шахс ёки якка тadbиркорнинг) кредиторлари сифатида тadbиркор мақомига эга бўлмаган

фуқаролар ҳам чиқиши мумкинлигини ҳисобга олиб, фуқароларга ҳам банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди.

6. ХПК 23-моддаси 2-қисмига мувофиқ хўжалик судлари тааллуқлигига қонун билан бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Хусусан, Олий Мажлис томонидан 1998 йил 31 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик актларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга қўшимча 245-модда киритилган, унга кўра хўжалик судлари хўжалик низоларини кўриш жараёнида маъмурий қонунбузарлик ҳолатларини аниқласалар, одил судловга қарши қаратилган маъмурий қонунбузарликка доир ишларни (МЖКнинг, 180, 181-моддалари), шунингдек тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунбузарликларни (МЖКнинг 175, 176¹, 176² моддалари) кўриб чиқишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу Қонун билан Меҳнат кодексининг 269-моддасига ҳам қўшимча киритилган бўлиб, унга кўра «мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги меҳнат низолари ҳам мансабдор шахс томонидан етказилган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш давомида аниқланган бўлса, хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади».

7. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми аввалги 1993 йилдаги ХПКда бўлмаган мутлақо янги қоида билан тўлдирилган.

1998 йилнинг 1 январгача, яъни янги Хўжалик процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси амалга киритилгунча, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий корхоналар ва ташкилотлар иштирок этган ишлар умумий юрисдикция судларга тааллуқли эди (1963 йилги ФПКнинг 26-моддаси 5-банди). Янги ФПКга бу қоида киритилмади.

Янги ХПКда белгиланишича, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи ташкилотлар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий шахслар бўлишидан қатъий назар хўжалик судларига тааллуқли барча низоларни хўжалик судлари кўриб чиқади. ХПК 221-моддасига кўра хорижий шахслар деганда хорижий ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи хорижий шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Шундай қилиб, хорижий шахслар иштирок этган ишларни хўжалик судларида кўриб чиқиш учун қабул қилиш масаласини ҳал этишда судга тааллуқлилигининг, уларни хўжалик судлари ва умумий юрисдикция судлар ўртасида чегаралашнинг умумий қоидалари ва мезонлари қўлланилади.

8. ХПК 23-моддасининг 4-қисми коллизон (зиддиятли) қондани акс эттирган бўлиб, ҳар бири шар ҳил судларга тааллуқли бўлган, уларнинг ажратилиши эса мақсадга мувофиқ бўлмаган ўзаро боғ-

лик бўлган даъво талаблари бирлаштирилган ҳолларда ишнинг гал.шукўчилиги масаласини ҳал этиш имконини беради.

24-модда. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар

Хўжалик суди куйидагиларни ҳал этади:

1) тузиллиши назарда тутилган шартнома моддасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалigidан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплош тўғрисидаги низолар;

8) шавъ, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақаш эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади

1. Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасида хўжалик суди ҳал қиладиган, иқтисодий муносабатда пайдо бўладиган, низолар рўйхати беилган. Бу рўйхат тугалланган ҳисобланмайди. «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлиқ масалалар ҳақида»ги Олий хўжалик суди Пленумининг 68-қарорида «ХПКнинг 23 ва 24-моддаларига биноан бу моддаларда қайд этилганидан ташқари, бошқа ишлар ҳам хўжалик суди тааллуқлигига киритилиши мумкин» деб таъкидланади. Бироқ, Олий Мажлис томонидан тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилгунга қадар хўжалик суди ваколатидан унга тегишли ишларни олиб қўйиш қонунга тўғри келмайди».

2. Шартномалар бўйича келишмовчиликлар ҳақидаги низолар (шартнома тузилиши билан боғлиқ келиб чиққан келишмовчиликлар) ХПКнинг 24-моддаси биринчи бандида кўрсатилган икки шартнинг бири мавжуд бўлса яъни шартнома тузиш қонун бўйича белгиланган бўлса ёки тарафлар келишувда шартномани тузиш бўйича келиб чиққан келишмовчиликни ҳал этиш учун хўжалик судига мурожаат этиш кўрсатилган бўлса хўжалик судига тааллуқли бўлади. Бу ҳолида фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган шартнома эркинлиги тамойилидан келиб чиқади.

Қонунга кўра шартнома тузиш томонларнинг бири учун мажбурий характерга эга бўлгандагина шартнома олди низолари хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Масалан, ФКнинг 358-моддаси харидорга керакли молларни етказиб бериш ёки бошқа тегишли хизматларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлса корхона томонидан шартнома тузишни рад этилишига йўл қўймайди. Фуқаролик кодексининг 361-моддасига биноан шартнома тузиш мажбурийлиги дастлабки келишув асосида аниқлаб олинади.

Томонлар шартнома бўйича ўзларининг ўзаро келишмовчиликларини хўжалик судига топшириш ҳақидаги томонлар келишувга келган ҳолларда ҳам шартнома олди низоси хўжалик судида кўриб чиқилади. Бундай розиликлар турли хил шаклларда ифода этилиши мумкин, масалан, хат, телеграммалар, факс, телетайп ва алоқанинг бошқа воситалари орқали. Агар даъвогар ўз даъво аризасида низони хўжалик судида кўриб чиқилиши тўғрисида жавобгар билан оғзаки келишувга келишганлигини кўрсатган бўлса, судья даъво аризасини қабул қилади, бироқ иш судда кўриб чиқилиши учун тайёрланаётган пайтда томонлардан ёзма равишдаги келишувни талаб қилади.

Мабодо томонларнинг ёзма розилиги тақдим этилмаса, ХПКнинг 86-моддаси 1-бандига асосан иш юрититиш тўғатилади.

3. Шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар шартнома тури ва тузилиши тартиби қандай бўлишидан қатъий назар хўжалик судига тааллуқлидир. Бунда Фу-

қаролик Кодексининг 382-моддасига асосан шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни томонларнинг ўзаро келишувлари буйича ҳам амалга ошириш мумкин, агар Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонун ва шартномаларда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

Томонлардан бирининг талабига мувофиқ иккинчи томоннинг жиддий равишдаги шартномани бузиши туфайли суд қарорига биноан шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин (ФКнинг 382-моддаси 1-банди), шунингдек, ФКда ва бошқа қонун ҳужжатлари ёки шартномаларда кўрсатилганидек, бошқа ҳолларда ҳам (ФКнинг 382-моддаси 2-банди).

Шартнома томонларнинг бири томонидан жиддий бузилиши деганда томонлардан бирининг иккинчи томонга келтирилган шундай зарар ҳисобланадики, бу зарар туфайли томон шартнома тузишда кўзда тутилган анча нарсадан ажралиб қолади (ФКнинг 382-моддаси 3-қисми).

ФКнинг 382-моддаси 2-бандида кўрсатилган шартнома ўзгартирилиши ёки суд томонидан бекор қилиниши мумкин, жумладан, бўлган бошқа ҳолларга тарафлар шартнома тузишда кўзда тутган ҳолатларнинг жиддий ўзгартириш киритиш мумкин (ФКнинг 382-моддаси 3-қисми).

Низоларнинг бундай хиллари буйича даъво аризаларни қабул қилишда ФКнинг 384-моддаси 2-қисмига биноан шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабномага иккинчи томондан рад жавоби олинганидан кейин судга муурожаат этиш ёки шартномага ўзгартириш киритиш, бекор қилиш ҳақидаги таклифга шартнома ёки қонунда кўрсатилган муддат ичида жавоб келмаганлигига ёки ҳар иккисидан ҳам 30 кун муддат ичида ҳеч қандай дарак бўлмаганлигига эътибор бериш керак. Шу муносабат билан агар даъвогар судгача жавобгар билан бўлган низони ўзаро бартарф қилиш чораларини кўрганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этсагина бундай низо хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

4. Хўжалик судига тааллуқли бўлган низоларнинг кўп турини мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳақидаги низолар ташкил этади. Бу низолар даъвогарнинг мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаш, мажбуриятни натура шаклида бажартириш, учун қарзни ва фоизларни ундириш ва қонун ёки шартномада кўрсатилган бошқа жавобгарлик чораларни қўллаш ҳақидаги талабларидан иборат бўлиши мумкин.

5. Мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги низолар хўжалик судига тегишли. Улар қаторига мулк ҳуқуқининг тан олинishi ҳақидаги низолар ҳам киради.

Ҳуқуқнинг эътироф этилиши, ФКнинг 11-моддасида кўрсатилганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ҳисобланади. Учинчи шахс томонидан мулк ҳуқуқи бахслашилганда мулкдор

мулк ҳуқуқини тан олинishi ҳақидаги даъво билан ҳужалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Мулкдор томонидан ҳимоя қилишнинг бундай усули, масалан бу мақсадларда ажратилмаган ер участкасида қурилган бино, қурилишнинг бир қисмига нисбатан эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ва шунга ўхшаш низолар келиб чиққанда қўлланиши мумкин.

Ҳужалик судига мурожаат қилиш орқали нафақат мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ҳимоя қилинибгина қолмай, балки мулкка қонуний эгалик қилиш, хусусан ҳужалик юритилиши ёки оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилинади.

6. Мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалитидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар билан боғлиқ низолар қаторига кириб, улар асосини (объектини) яқка аниқланган мулк ташкил этади. ФКнинг 228-моддасига биноан мулкдор ўз мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалитидан (виндикация) талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. ФКнинг 232-моддасига мувофиқ мазкур ҳуқуқ мол-мулкнинг қонуний эгасига ҳам тегишли. Мулкнинг қонуний эгаси мулкдорга нисбатан ўз мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

7. Мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасининг, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги низолар ҳужалик судига тегишлидир.

ФКнинг 231-моддасига мувофиқ мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчанд бу бузилишлар эгаликдан маҳрум қилиш билан (негатив даъво) боғлиқ бўлмаган бўлса ҳам, бартараф этилишини талаб қилиши мумкин.

Фойдаланиш ва тасарруф қилишни амалга оширишга бўлган тўсиқларни бартараф қилинишини талаб қилиш ҳуқуқи мулкнинг қонуний эгасига ҳам тегишлидир.

8. Етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган низолар ҳужалик судига тегишли.

Етказилган зарарни қоплаш ФКнинг 11-моддасида ҳайд этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларидан бири ҳисобланади. ФКнинг 14-моддасига мувофиқ, ўз ҳақ-ҳуқуқига путур етказилган шахс қонун ёки шартномада етказилган зарарни кам миқдорда қоплаш кўрсатилган бўлмаса, унга етказилган зарарни тўлиқ қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Манфаатдор шахс турли йўллар билан етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъво ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай даъволарнинг кўп қисми шартнома мажбуриятларини бажармаслик юзасидан келиб чиқади (ФКнинг 324-325-моддалари).

Низоларнинг бу хиллари айрим ҳолларда давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ёки бу органлар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари

(хараркатсизликлари), шу жумладан бирга давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонунга мувофиқ келмайдиган актлар чиқарилиши туфайли зарар етказилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин (ФКнинг 15-моддаси).

ФКнинг 233-моддасига мувофиқ етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб хўжалик судига мулк ҳуқуқини тугатадиган қонун қабул қилиниши сабабли ҳам тақдим этилиши мумкин.

Бундай норматив акт қабул қилинганлиги натижасида мулкдорга етказилган зарар, шу билан бирга мулкнинг қиймати давлат томонидан қопланади.

9. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар хўжалик судига тегишли. Инларнинг бу тури хўжалик суди амалиётида янги ҳисобланади.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси фуқаролик қонунчилигида номоддий бойлик сифатида кўриб чиқилади ва ҳимоя қилади (ФКнинг 99-100-моддалари). ФКнинг 100-моддасига мувофиқ фуқаро судда ишчанлик обрўсига, шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни рад қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. агар бундай маълумотларни тарқатувчи уларни ҳақиқатга мос келишини исботламаган бўлса. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўзининг талбиркорлик фаолияти доирасида талбиркор-фуқаро, унинг номоддий манфаати бузилган ҳолда хўжалик судига ушбу номоддий манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Тааллуқлилиқнинг умумий қонундан келиб чиққан ҳолда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси фуқаронинг талбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Иш бўйича жавобгарлар — талбиркор фуқаро, юридик шахс ҳисобланади.

ФКнинг 100-моддаси 9-қисмига мувофиқ ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво билан юридик шахс ҳам хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

10. Давлат органлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар ва маъмурий ҳуқуқий муносабатлар асосида келиб чиқадиган низоларга киради.

Хўжалик процессуал қонунчилиги ҳужжатлари ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин бўлган органлар доирасини чекламайди.

Бироқ бу ҳилдаги ишларни хўжалик суди ваколати доирасига киргиза туриб, ХПК шикоят қилинаётган актнинг юридик табиатини ҳисобга олади. Масалан, ХПКнинг 26-моддасига мувофиқ Олий хўжалик суди ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эма деб топиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳужжатларни

ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар ҳўжалик судига тегишли бўлишининг мажбурий шартларидан бири уларнинг норматив характерга эга бўлмаганлигидир (яъни, аниқ шахсга ёки шахслар гуруҳига қаратилганлигидир).

Ҳўжалик суди кўриб чиқиши мумкин бўлган бу хилдаги ишларнинг бошқа мажбурий шартлари шикоят қилинаётган ҳужжатнинг қонунчиликка мос келмаслиги, яъни бу ҳужжат билан фуқаро ва ташкилотнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларининг бузулишидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, норматив характердаги ҳужжатлар ҳўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Шу билан бир қаторда ХПКнинг 12-моддасига мувофиқ ҳўжалик суди ишни кўриш жараёнида давлат ёки бошқа орган ҳужжатининг қонунга мос келмаслигини аниқлаб, қонун асосида қарор чиқаради. Бундай ҳолларда ноқонуний ҳужжатлардан ҳимояланиш уни бекор қилиш йўли билан эмас, балки бошқача усул билан, ФКнинг 11-моддасида кўрсатилганидек давлат органлари ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф ҳужжатларини суд томонидан қўлланмаслик йўли билан амалга оширилади.

11. Ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатнинг ижро этилишини мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар ҳўжалик судига тегишли.

Ижро ёки бошқа ҳужжатни ижро этилишини мумкин эмас деб топиш шахснинг ушбу ҳужжат бўйича амалга оширилаётган ҳаракатлари натижасида бузилиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди.

Суд ҳимоясининг бундай шакли вексел (қарз ҳужжати)дан келиб чиққан ҳуқуқни муҳофаза қилиш учун аҳамиятлидир. Бундай ҳолатда даъво талабномаси қарзни тўламаслиқда векселни рад қилиш ва нотариус томонидан амалга оширилган акцептсиз ҳужжатда число (сана) қўйилмаганлигига асосланади.

Шунингдек, ҳўжалик судига банк томонидан ундирувчи сўзсиз амалга оширилиши имкониятини берувчи инкасса топшириқномасини ижрога тааллуқли эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан ҳам мурожаат қилиниши мумкин.

12. Давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош торганлик устидан берилган шикоятдан келиб чиққан низолар ҳўжалик судига тегишли.

Давлат рўйхати қонун чиқарувчи томонидан фуқаролик ҳуқуқлари ва муносабатларининг асосий ягоналигини таъминловчи омиллардан бири сифатида ўрнатилган.

Қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда бундай рўйхатдан ўтганликнинг мавжудлиги ҳуқуқӣ муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгартирилиши ва тугатилишининг мажбурий шarti ҳисобланади. Шунинг учун давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгилан-

ган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан судга шикоят бериш мумкин.

Давлат рўйхати билан боғлиқ низолар қаторига қонунчиликда кўрсатилган рўйхатлардан ўтказишлардан келиб чиққан низолар киради. Хусусан, ФКнинг 24-моддасига мувофиқ фуқаро яқка тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган вақтидан бошлаб тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. ФКнинг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс қонунда кўрсатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. ФКнинг 84-моддаси мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг давлат рўйхатига олишни, ФКнинг 111-моддаси эса ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни (мулкни ажратини, ипотека, узoқ муддатли ижара, меросни қабул қилиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлигини назарда тутди.

13. Агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса назорат вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари ва бошқа органлар томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар хўжалик судига тегишли. Давлат ёки бошқа органларга жаримани ундириш ҳуқуқи қонун билан берилган ҳолларда бундай низолар хўжалик сулида кўриб чиқилади. «Маҳсулот ва хизматларнинг сертификацияси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан Ўздавлатстандарт органлари ёки сертификация бўйича унинг нақолатлари тегишли органлари мажбурий сертификация қоилалари бузилганлиги учун суд орқали тайёрловчилардан (тадбиркорлардан) жарима ундириб олишни талаб қилиши мумкин.

14. Хўжалик суди назорат вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқади.

Тadbиркор фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик судига ноқонуний ҳисобдан чиқарилган жарималар, бошқа молиявий санкциялар, солиқ бўйича боқимандалар ёки бошқа мажбурий тўловларни бюджетдан қайтариб олиш тўғрисидаги даъволар билан мурожаат қилишлари мумкин. Бу ишларда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаши ёки уларнинг ҳисобидан пул маблағларини сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлган солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар жавобгар бўлиб ҳисобланадилар.

25-модда. Низоларни ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, хўжалик суди қарор чиқаргунга қадар ҳакамлар судига кўриш учун топширилиши мумкин.

1. Фуқаролик кодексининг 10-моддасига асосан фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, ҳўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан ҳимоя қилинади. Бундан ҳуқуқни ҳакамлик судида ҳимоя қилиниши давлат судларига нисбатан «альтернатив» формада ҳимоя қилиниши сифатида қаралиши келиб чиқади.

Ҳакамлик судлари икки турда: бир марталик, яъни аниқ бир ишни кўриш учун, ва доимий фаолият кўрсатиш учун ташкил этилади.

Ҳакамлик суди тўғрисидаги Низомга мувофиқ (1963 йилдаги ФПК-га 3-сон илова) Ўзбекистонда фақат фуқаролар иштирокида умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган ишларни кўриш мақсадида бир марталик ҳакамлик судлари ташкил этилиши мумкин. Иқтисодий соҳадаги низоларни ҳал қилиш учун ҳакамлик судлари (бир марталик ҳам, доимий фаолият кўрсатувчи ҳам) мавжуд эмас, чунки уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик акти ҳозирча қабул қилинмаган.

Ҳорижда чет эл ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасидаги тижорат низолари ҳакамлик қилишни миллий қонунчилик ҳақидаги ишлар бўйича ва Халқаро савдо-сотиқ ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси ҳужжатлари (ЮНСИТРАЛ) — «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги ЮНСИТРАЛ Намунавий қонуни ва ЮНСИТРАЛ Арбитраж тартиби асосида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатаётган арбитраж органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги қарори билан бизнинг давлатимиз 1958 йил 10 июндаги «Ҳорижий мамлакатлар ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида»ги Нью-Йорк Конвенцияга қўшилган. Ушбу Конвенциянинг 2-моддасида ҳар бир аҳдлашувчи давлат тарафларнинг арбитраж муҳоамасининг предмети бўлиши мумкин бўлган аниқ бир шартномавий ёки бошқа ҳуқуқий муносабатдан келиб чиққан ёҳуд келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки баъзи низоларни арбитражга бериш мажбурияти кўрсатилган ёзма битимни тан олади», деб кўрсатилган.

2. Шарҳланаётган модда иш қафақат ҳўжалик суди иш юритуви-га қабул қилинишидан олдин, балки биринчи инстанция суди иш юритишнинг истаган босқичида ҳам хаттоки, қарор қабул қилингунга қадар ҳам томонлар ишни ҳакамлик судига бериш тўғрисида битим тузилиши мумкинлиги имкониятини назарда тутди.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида фуқаролик муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни ҳакамлик судига бериш мумкинлиги учун, ҳўжалик судига тааллуқли бўлган маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо ҳакамлик судига берилиши мумкин эмас.

3. Низони ҳакамлик судига бериш тўғрисидаги битим ёзма равишда алоҳида ҳакамлик (арбитраж) битими ёхуд ҳакамлик (арбитраж) шарти кўринишида шартномада келиштири лозим. Унга ФКнинг 366-моддаси 4-қисми қоидалари қўлланилади.

Битимда низони ҳал қилиш қайси доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судига берилиши тўғрисида маълумот бўлиши даркор. Битимда бунайд маълумотни йўқлиги уни йўққа чиқаради. Бундай ҳолатларда ҳакамлик (арбитраж) шартининг мавжудлиги хўжалик суди томонидан даъвони қабал қилиш ва ишни кўриб чиқишда тўсқин сифатида қаралмаслиги керак.

26-модда. Ишларнинг судловга тегишлилиги

Хўжалик судига таалуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли ишлар бундан мустасно.

Олий хўжалик суди қуйидагиларни кўради:

республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишига, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишига ҳақли.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (III-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига (III бўлим) мувофиқ иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан амалга оширилади. Ушбу судларнинг ҳар бири қонун билан унинг ваколатига берилган, яъни унинг судловига тегишли бўлган ишларни кўришга ҳақлидир.

Хўжалик судлари ва бошқа идораларнинг ваколатини чегараловчи судга тааллуқликдан фарқли ўлароқ, судловга тегишлилик хўжалик судлари, уларнинг турли бўғинлари, хўжалик судлари тизими ичидаги поғоналар ўртасидаги ваколатларни чегаралайди.

Судловга тегишлиликни иккига турини фарқлашади: ҳудудий ва турига кўра судловга тегишлилик.

Турига кўра судловга тегишлилик ёрдаитда турли даражадаги (бўғиндаги) хўжалик судларининг ваколатлари чегараланади. Бу ҳар

бир поғона ваколат доирасига низонинг предметиға кўра маълум турдаги ишларни киритиш билан амалға оширилади.

Худудий судловға тегишлилик қоидалари (ХПКнинг 27-31-моддалар) бир поғонадаги судлардан қайси муайян хўжалик суди у ёки бу ишни кўра олиши мумкинлигини белгилаш имконини беради.

2. ХПКнинг 26-моддаси 1-қисмида туриға кўра судловға тегишлиликнинг умумий қоидаси ифодаланган бўлиб, унға кўра хўжалик судиға тааллуқли бўлган ишлар вилоятлар хўжалик судлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) томонидан кўриб чиқилади. Бундан келиб чиқадики, вилоят судлари (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) хўжалик судлари тизимининг асосий, боп бўғини бўлиб, ўз судловларига тааллуқли бўлган турли иштирок этувчиларни ташкил этадиган барча тоифа ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади. Олий хўжалик суди судловига тегишли бўлган ишлар бундан мустасно.

3. ХПКнинг 26-моддаси 2-қисмида туриға кўра Олий хўжалик суди судловига тегишли ишлар кўрсатилган, яъни улар биринчи инстанцияда фақат Олий хўжалик суди томонидан кўрилади. Бундай тоифа ишлар икки хилдир: бу, биринчидан, республика бошқарув органлари ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиққан низолар, шунингдек, турли ижроия ҳокимияти маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида келиб чиққан низолар, иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимият органлари — Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамасининг норматив характерға эға бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар ҳисобланади.

4. ХПКнинг 26-моддаси 2-қисмида санаб ўтилган ишлардан ташқари, Олий хўжалик суди ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб, биринчи инстанцияда кўриш учун қабул қилиши ёки бошқа хўжалик судиға кўриш учун ўтказиши мумкин (ХПКнинг 26-моддаси 3-қисми). ХПКнинг 26-модда 3-қисмида кўрсатилган ваколатларни Олий хўжалик суди «алоҳида ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда» амалға оширади. Қонунда «алоҳида ҳолатлар»нинг мазмуни очиб берилмаган. Амалиётда Олий хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра биринчи инстанцияда иш юритиш учун ишларни қабул қилади, бунда суд амалиётини тўғри йўналтириш учун ушбу ишнинг аҳамияти ҳисобға олинади.

Ишни бир хўжалик судидан олиб бошқасига бериш зарурияти, масалан, судьяларни раи этиш тўғрисидаги аризалар қаноатлангизрилганда ушбу судда мазкур ишни кўриб чиқиш учун янги суд таркиби тузиш имкони бўлмаганда юзаға келади.

27-модда. Даъвони жавобгар жойлашган жойда тақдим этиш

Даъволар жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судиға тақдим этилади.

Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган жойда тақдим этилади.

1. ХПКнинг 27-32-моддаларида ҳудудий судловга тегишлилик қоидалари ифодаланган. Бу қоидалар бир поғонадаги ҳужалик судларини ўзаро ваколатларини чегаралайди, бунда у ёки бу ҳужалик суди юрисдикциясининг ҳудудий чегаралари ҳисобга олинади. Бу қоидалари ёрдамида у ёки бу муайян ишни бир поғонадаги ҳужалик судларидан айнан қайси бири кўриб чиқишга ҳақли экани белгиланади.

Ҳудудий жиҳатдан судловга тегишлиликни аниқлашда ишнинг характери ҳам, низонинг субъект таркиби ҳам муҳим эмас. Хусусан, бу қоидаларни қўллаш учун жавобгар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки хорижий шахс экани ҳам аҳамиятли эмас — уларга ҳам, буларга ҳам ҳужалик судловида иш юритишнинг умумий қоидалари тенг тегишлидир (ХПКнинг 221-223-моддалари).

2. ХПКнинг 27-моддаси ҳудудий судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларини белгилайди. Унга мувофиқ даъволар жавобгар жойлашган манзил ҳужалик судига тақдим этилади. Умумий қоидадан истиснолар 27-модданинг иккинчи қисмида ва ХПКнинг 29-31-моддаларида назарда тутилган. Ҳудудий судловга тегишлилик қоидаларини қўлашда шуни назарда тутиш керакки. Фуқаролик кодексининг 46-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, юридик шахснинг жойлашган жойи, агар таъсис ҳужжатларида қонунга мувофиқ тарзда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлмаса, унинг давлат рўйхатидан ўтган жойи деб белгиланади.

ХПКнинг 27-моддаси иккинчи қисми ҳудудий судловга тегишлиликнинг умумий қоидасидан истасано бўлган бир ҳолатни назарда тутаяди: юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган манзилда тақдим этилади. Бундай тартибнинг белгиланишига сабаб судловга тегишлиликни аниқлашда муқобилликка йўл қўйилмайди, яъни даъвогар ўз истагига қараб юридик шахснинг ўзи жойлашган жойда даъво қилолмайди.

Қонунчилик алоҳида бўлинмалар деганда юридик шахс ўзи жойлашган жойдан ташқарида тузган ваколатхоналар ва филиаллар назарда тутилади (Фуқаролик кодексининг 47-моддаси). Ваколатхоналар ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади, унинг манфатларидан келиб чиқиб, у берган ишонч қорози асосида иш юритади. Ўзларига юклатилган вазифаларни бажара туриб, алоҳида бўлинмалар юридик шахсга даъво талаблари қўйишни мумкин бўлган фаолиятни амалга оширади. Бундай даъволар ваколатхона, филиал жойлашган жойда тақдим этилади.

28-модда. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади.

Қардалиги номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган жойдаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти ёки фуқароси бўлган ва айна пайтда бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган жойдаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган жойда тақдим этилиши мумкин.

1. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик муқобил судловга тегишлилик деб аталади, чунки қонун даъвогарга ҳудудий судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларидан чекиниш имкони беради (ХПКнинг 27-моддаси 1-қисми), ХПКнинг 28-моддасида кўзда тутилган бир неча хўжалик судларидан ўзига қулайини танлайди. Муқобил судловга тегишлилик ҳудудий судловга тегишлиликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Муқобил судловга тегишлилик қоидаларини қўллаш жараснида шуни назарда тутиш керакки, улар ХПКнинг 31-моддасида назарда тутилган (алоҳида судловга тегишлилик) ҳолатларга тадбиқ этилмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми агар даъво талаблари бир вақтнинг ўзида ҳар хил хўжалик судлари юрисдикцияси ҳуқуқларида жойлашган бир нечта жавобгарларга нисбатан билдириладиганда, даъвогарнинг бундай талабни жавобгарнинг бири жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этишга ҳақли эканлигини назарда тутди.

3. ХПКнинг 28-моддаси иккинчи қисми даъвогарга жойлашган жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар бўйича низонинг ҳудудий судловга тегишлилигини аниқлаш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолатларда даъво жавобгарнинг мол-мулки жойлашган жойдаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилади. Жавобгарнинг мол-мулки жойлашган жой тахмин қилинмаслиги керак, бу жой аниқ топилган бўлиши лозим.

4. Даъвогар танлаши бўйича ҳудудий судловга тегишлилигини белгилашга имкон берадиган ҳолат ХПКнинг 28-моддаси 3-қисмида назарда тутилган. Агар Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ёки фуқароси бўлган жавобгар айна пайтда бошқа давлат ҳудудида турган

бўлса, бу жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган жойдаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган манзилдаги хужалик судига тақдим этилиши мумкин.

5. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми даъвогарга жавобгарнинг жойлашган манзилидаги хужалик судига (худудий судловга тегишлиликни умумий қондаси) ёки шартнома ижро этиладиган жойдаги хужалик судига мурожаат қилиш имконини беради. Айти пайтда шуни назарда тутиш керакки, шартноманинг ўзида у ижро этиладиган жой кўрсатилган бўлиши керак.

29-модда. Юридик аҳамиятига эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Юридик аҳамиятига эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризаларни турган жойда кўрилади. Бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно бўлиб, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда кўрилади.

ХПКнинг 29-моддаси юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг худудий судловга тегишлилигини аниқлаш қондаларини ифода этади. Бундай ишларда жавобгар йўқлигини ҳисобига олиб, фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар аризалар жойлашган жойдаги хужалик судига берилади. Агар турли манзилда жойлашган бир неча шахслар томонидан ариза берилган бўлса, ариза ХПКнинг 28-моддаси қондаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг танлачи бўйича уларнинг бирортаси жойлашган жойдаги хужалик судига берилиши мумкин.

Бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги фактларни белгилан ҳақидаги аризалар ХПКнинг 31-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида судловга тегишлилик йўриғига кўра иншоот, ер участкаси, бино жойланган жойдаги хужалик судига берилади.

30-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Ташкилот ва фуқороларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қардор турган жойда кўрилади.

Хужалик судларида кўриладиган бопқа ишлардан фарқли ўлароқ банкротлик тўғрисидаги ишлар бир қатор муҳим хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар бундай тоифадаги ишларнинг судловга тегишлилиги бўйича махсус қондаларни ўрнатишни тақозо қилди, бунда қардорни банкрот деб эълон қилиш талаби билан ким мурожаат

қилгани-қарздорми, кредиторми, прокурорми муҳим эмас иш қардор жойлашган жойдаги хужалик судида кўрилади. Ушбу қоида алоҳида судловга тегишлилик сифатида ифодаланган ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун қулай шароитларни таъминлашга йўналтирилган. Чунки бу вазият қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини аниқлаш тўғрисидаги далилларни йиғишни ҳам, банкротлик тўғрисидаги ишга доир турли масалаларни ҳал қилишда ҳам қулайлик яратади.

31-модда. Алоҳида судловга тегишлилик

Бино, иншоат, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоат, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эғалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоат, ер участкаси жойлашган жойда тақдим этилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда тақдим этилади.

1. ХПКнинг 31-моддаси алоҳида судловга тегишлиликни ўрнатувчи меъёрларни белгилайди. Унга кўра бу моддада санаб ўтилган даъволарни шархланиётган моддада курсатиб ўтилган хужалик судларидан бошқа бериш мумкин эмас. Бундан келиб чиқадигани, алоҳида судловга тегишлилик даъво аризасини ҳудудий судловга тегишлиликни бошқа қоидаларини қўллаб қабул қилишга имкон бермайди.

2. ХПКнинг 31-моддаси биринчи қисмида бино, иншоат, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоат, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари, эғалик қилишдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ишларни судловга тегишлилигини аниқлашда алоҳида судловга тегишлилик қоидаларини ўрнатилган. Санаб ўтилган тоифадаги низолар, кучмас мулк жойлашган жойдаги хужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

3. ХПКнинг 31-моддаси иккинчи қисми юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ва юк ташувчига қилинган даъволардан келиб чиқадиган низоларга нисбатан алоҳида судловга тегишлиликни белгилайди. Бу даъволар транспорт ташкилоти жойлашган жойда тақдим этилади. Ушбу қоида юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолатларда ҳам қўлланилади.

32-модда. Шартнома бўйича судловга тегишлилик

Ушбу Кодекснинг 27 ва 28-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган шартномавий судловга тегишлилик қоидалари тарафларга келишувга кура низони кўриб чиқиш жойини аниқлаш имконини берали. Бироқ, бундай келишув фақат ХПКнинг 27-моддаси (умумий қоидалар) ва 28-моддасида (муқобил судловга тегишлилик) белгиланган ҳудудий судловга тегишлиликка нисбатан йўл қўйилиши мумкин.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар (ХПКнинг 29-моддаси) ва банкротлик тўғрисидаги ишлар (ХПКнинг 30-моддаси) бўйича алоҳида судловга тегишлилик (ХПКнинг 31-моддаси) қоидаларини ўзгартириш мумкин эмас.

Тарафларнинг келишувига биноан турига кўра судловга тегишлилик ҳам ўзгартирилиши мумкин эмас.

33-модда. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш

Хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа хўжалик судининг судловга тегишли бўлиб қолса-да, аявалги хўжалик суди томонидан мазмунан кўрилиши лозим.

Хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига қуйидаги ҳолларда ўтказади:

1) агар иш судловга тегишлилик қоидасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;

2) агар бир ёки бир неча судьялар рад қилинганидан кейин уларни иш у судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда.

Ишни бошқа хўжалик судида кўришга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олинishi керак.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган ишни бошқа хўжалик судига ўтказилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қондани белгилайди. Ҳатто ишни кўриб чиқиш жараёнида ишнинг судловга тешиглиги ўзгарса (масалан, жавобгарнинг манзили ўзгарса, ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгарлар жалб этилса, тегишли бўлмаган жавобгар алмашти-

рилса ва хоказо) ҳам ишни кўриш учун қабул қилиб олган хўжалик суди, агар у ишни судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилган бўлса, кўриб чиқиб ишни охиригача етказиши, яъни мазмунан кўриб чиқиши лозим.

2. ХПК 33-моддасининг 2-қисмида хўжалик суди томонидан истисно тариқасида ишни бошқа хўжалик судига ўтказиладиган ҳолатлар санаб ўтилади. ХПК 33-моддаси 1-қисми 1-банди иш иш юриши вақтида унинг судловлигига тегишли бўлмаганлиги, яъни у томонидан хатоликка йўл қўйилиб қабул қилинган бўлганида судловга тегишлилигига кўра бошқа хўжалик судига ишни ўтказишни назарда тутати. Амалиётда хўжалик судининг бундай хатосини ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга бериш ҳақида илтимоснома қилаётган тарафларнинг бири кўрсатади.

ХПК 33-моддаси 2-қисми 2-бандида ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган ҳолларда кўриш учун бошқа хўжалик судига бериш ҳолати назарда тутилган. Бу кўпинча бир ёки бир нечта судья рад қилинганнидан сўнг уларни ушбу судда алмаштириш имкони йўқлиги туфайли юз беради.

3. Ишни бошқа хўжалик судига ўтказиш ажрим чиқариш йўли билан расмийлаштирилади. Ажримда ишни қайси аниқ хўжалик судига юборилаётганлиги аниқ кўрсатилади.

Бошқа хўжалик судини танлашда унинг яқинда жойлашганлиги, ишни почта алоқасидан фойдаланган ҳолда тезда етказиш имкони борлиги, бошқа хўжалик судининг тарафлар жойлашган жойга яқинлиги, бошқа хўжалик судида ушбу ишни кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантириш имкони борлиги ҳисобга олинади. Шаклланган амалиётга кўра ишни қайси хўжалик судига бериш масаласи Олий хўжалик суди билан келишилади.

Ишни бошқа хўжалик судига бериш ҳақидаги ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилгандан кейин беш кунлик муддат ичида жўнатилади ёки уларга тилхат орқали топширилади. Шу муддат ичида ажрим билан бирга ишни ўзи ҳам бошқа хўжалик судига жўнатилиши керак.

4. ХПКнинг 33-моддаси 4-қисмида хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик бўйича низоларга йўл қўймайдиган қоидалар ифодаланган. Иш юборилган хўжалик суди, гарчанд у ишни судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда жўнатилган деб ҳисобласа-да, кўриб чиқиш учун қабул қилиниши шарт.

4-боб.

Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда ҳўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари

34-модда. Ишда иштирок этувчи шахслар

Тарифлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатга кура, шунингдек аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланадилар.

Ишда иштирок этувчи шахслар деб тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар уз зиммаларига юклатилган ваколатга кура, шунингдек аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар ҳисобланадилар.

«Ишда иштирок этувчи шахслар» тушунчаси «ҳўжалик процессининг субъектлари» ёки «ҳўжалик-процессуал ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари» тушунчасига қараганда анча чуқурроқдир.

Ишда иштирок этувчи шахслар ҳўжалик суд иш юритишининг бошқа қатнашчиларидан фарқ қилиб, ўзига хос характерли аломатларга эга. Хусусан, улар ҳўжалик судига тааллуқли бўлган ишнинг қатнашчиларидир; ҳўжалик суди кўриб чиқаётган ишда уларнинг аниқ бир юридик манфаати мавжуд; уларга берилган субъектив процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширган ҳолда судда процессуал ҳуқуқни муносабатларни вужудга келиши, ривожланиши ва тугатилишига таъсир кўрсатадилар.

Авваламбор, ишда қатнашувчи шахслар рўйхатига ҳўжалик судида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (ХПКнинг 6-моддаси), шунингдек судда қатнашиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш жараёнида ҳўжалик суди томонидан жалб қилинган субъектлар (жавобгар, учинчи шахслар, прокурор) киради.

Ҳўжалик судида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига даъвогар ва аризачи ҳам киради. Уларнинг ҳар бир ўз ҳуқуқларини ҳимоясида юридик манфаатига эга ва ҳўжалик судининг ўзининг фойдасига қарор чиқаришига ҳаракат қилади

Тегишли ҳўжалик судида иш қўзғатиш ҳуқуқи нафақат прокурорга, балки ХПКнинг 43-моддасида кўрсатилганидек, прокурор ўринбосарига ҳам берилган.

Ҳўжалик судида иш қўзғатилгандан сўнг низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга киришиши мумкин; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни

аниқланишида манфаатдор шахслар; мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар; прокурор.

Хўжалик судида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг яна бир гуруҳига давлат ва жамият манфаатини ҳимоя қилувчи давлат ва бошқа органлар қиради.

35-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида тугъладиган барча масалалар бўйича ўз вазеларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, вазеларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу Кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан иссофли равишда фойдаланишлари шарт.

Иш кўриш жараёнида унда иштирок этувчи шахсларга кенг процессуал ҳуқуқлар билан бирга биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ишни самарали куришга ёрдам берадиган маълум мажбуриятлар ҳам юкланади. ХПКнинг 35-моддасида келтирилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга кириши ёки жисмоний шахс хужалик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиши ва ишда маълум процессуал ўрин эгаллаган пайтдан бошланади.

Хўжалик процессуал суд амалиёти босқичларидан келиб чиқадиган бўлсак, ХПК тартиб билан суд хўжалик-процессуал муносабатларининг асосий, бош субъекти сифатида таъминлайдиган ишда иштирок этувчи шахсларнинг барчасига субъектив процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишни тартибга солади.

ХПКнинг 35-моддасида келтирилган ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзининг ривожланиши ва конкретлаштирилиши ХПКнинг бошқа нормаларида ҳам мавжуд.

Масалан, хўжалик судида иш қўзғатиш учун бир қатор шартлар амалга оширилиши лозим; даъво аризаси ёзма шаклда бўлиши ва маълум мазмунга эга бўлиши лозим; даъвогар даъво тақдим этаётганда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризаси ва уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатлар нусхасини юборишга мажбур.

ХПКнинг 117-моддасида келтирилган даъво тақдим этиш тартибига риоя қилмаслик, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга асос бўлади.

Албатта биргина 35-модданинг ўзида ишда иштирок этувчи шахсларнинг умумий ва махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтиришнинг иложи йўқ. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар ХПКнинг бошқа моддаларида ҳам уз аксини топган.

Буларга хужалик процессуал ҳуқуқининг махсус принципларини (қонун ва суд олдида тенглик, суд ишлари олиб бориладиган тил ва хоказо) раддия масалалари, далилларнинг таъминланиши, суд харажатлари, процессуал муддатлар ва бошқалар киради.

Ишда иштирок этувчи шахслар таркибига кирувчи ҳар бир субъект аниқ процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, турли босқичларда судларга уларга тегишли ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан бирга, ишга жалб қилинган тарафларга нисбатан одил судловни амалга оширишга имкон беради.

36-модда. Тарафлар

Даъвогар ва жавобгар хўжалик судлов ишларини юритишда тарафлардир.

Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилотлар ва фуқаролар даъвогардир.

Даъво талаби қаратилган ташкилотлар ва фуқаролар жавобгардир.

Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Хужалик процессида даъвогар ва жавобгар тарафлар бўлиб ҳисобланади. Даъвогар ва жавобгарсиз, яъни тарафларсиз хужалик судида ҳеч қандай даъволи иш бўлиши мумкин эмас.

Тарафлар, ишда иштирок этувчи шахслар сифатида, кенг доирадаги умумий ва махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалар.

Агар Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларида бошқа ҳоллар назарда тутилган бўлмаса, хўжалик судлари нафақат Ўзбекистон Республикасининг ташкилот ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тараф бўлиб чиқишлари мумкин.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган шахс ўртасида иқтисодиёт соҳасида фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича тарафлар низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланадилар ва иш бўйича суд харажатлари тўлайдилар.

Суднинг ҳал қилув қарори тарафлар учун мажбурий.

Даъвогар ва жавобгар тарафлар сифатида ишда катнашиш фақатгина даъволи ишларгагина хос.

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва алоҳида тоифадаги ишлар бўйича даъвогар ҳам жавобгар ҳам бўлмайди. Бу турдаги ишларда бир томондан аризачи ва бир томондан манфаатдор шахс чиқади.

Ҳўжалик судларида ҳал этиладиган, жумладан, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар рўйхати ХПКнинг 24-моддасида ўз аксини топган.

ХПКнинг 23-моддасида ҳўжалик судлари қайси алоҳида турдаги ишларни кўриши аниқлаштирилган. Ундаги 2-пунктда иқтисодиёт соҳасидаги ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар деб кўрсатилган.

37-модда. *Ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштироки*

Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Ҳар бир даъвогар ёки жавобгар процессда мустақил қатнашади. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин.

Бошқа жавобгарни жалб этиш зарур бўлган ҳолларда ҳўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар даъвогарнинг розилиги билан ўша жавобгарни жалб қилади.

Амалиётда даъвонинг бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши ҳолатлари учраши оз эмас. Бу ҳолат ХПКнинг 37-моддасида ўз аксини топган.

Процессда биргаликда иштирок этиш, яъни бир неча даъвогар ва бир неча жавобгарнинг иштирок этиши ХПКда процессуал вақтни ва воситаларни тежаш, объектив ҳақиқатни белгилаш мақсадида келтирилган. Чунки, бир-бири билан суд муҳокамаси предмети билан боғлиқ барча субъектлар иштироки қонуний ва асосли ҳал қилув қарори чиқарилишини таъминлайди.

Даъвогар ва жавобгарнинг ҳар бири ХПКнинг 40-моддаси билан тартибга солинган бир хил процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, улардан ўз ихтиёрларига кўра фойдаланадилар.

Даъво битта даъво аризаси шаклида бир неча даъвогарлар томонидан тақдим этилиши мумкин. Даъво ҳар бир даъвогар томонидан мустақил тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолатда ҳўжалик суди айна бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритувига бирлаштиришга ҳақли (ХПК 115-модда). Бу ҳолатда жавобгарга ҳам қўлланилади. Биргаликда иштирок этиш фаол, суст ва аралаш бўлиши мумкин. Фаол биргаликда иштирок этишда даъво-

гар томонидан бир неча даъвогарлар қатнашиб, жавобгар томонда эса битта жавобгар чиқади.

Пассив биргаликда иштирок этишда эса, жавога бир нечта бўлади ва даъвогар битта бўлади. Аралаш биргаликда иштирок этишда — бир нечта даъвогар ва бир нечта жавобгар бўлади.

Агарда биргаликда иштирок этувчилар иш олиб боришни улардан бирига топширса, у вакил сифатида охирида чиқади ва бу ХПКнинг 51-52-моддаларига мувофиқ ўз ваколатларини тегишли тартибда расмийлаштириб олиши лозим.

Даъвогар ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бўзилган субъект сифатида жавобгарни ўзи танлаганлиги туфайли, фақат даъвогарнинг розилиги билангина иш бўйича бошқа жавобгарларнинг жалб қилиниши мумкин.

38-модда. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш

Хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан алмаштирилиши мумкин, бироқ даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс ишда низо юзасидан мустақил талаблар билан арыз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнашишга ҳақли ва бу ҳақда суд ушбу шахсни хабардор қилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланади.

Ташкилотлар, фуқаролар даъвогар сифатида ўзларини эътироф этишлари лозим, яъни низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари эканликларини тасдиқлашлари лозим, уларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузувчи ўрин, яъни жавобгар сифатида жалб қилиш шарт бўлган аниқ субъект мавжуд бўлиши керак.

Бу ҳолатлар даъво аризасининг мазмунидан келиб чиқади — ХПК 112-модда.

Судья даъво аризаси тегишли даъвогар томонидан тақдим этилмаган деб, рад этишга ҳақли эмас. Қатъий рўйхат 112-моддада берилган.

Тегишли бўлмаган тарафларни алмаштириш амалиёти суднинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас.

Тегишли бўлмаган даъвогарнинг алмаштирилиши, тегишли бўлмаган жавобгарнинг алмаштирилишига фақатгина даъвогарнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, даъвогар даъво аризасида кўрсатилган биринчи жавобгарнинг алмаштирилишига рози бўлмаса, даъвогарнинг розилиги билангина иккинчи жавобгар жалб қилиниши мумкин.

Агарда даъвогар ўзини бошқа тегишли даъвогар билан алмаштирилишига рози бўлмаса (яъни, суд дастлабки даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилган деб белгилаганда, ишга даъвогар сифатида бошқа ташкилот ёки фуқаронинг жалб этилишига рози бўлмаса) бундай ҳолатларда ташкилот ёки фуқаро ишга иккинчи даъвогар (қўшимча даъвогар) сифатида эмас, балки низо предметига мустақил талаб билан арз қилувчи 3-шахс сифатида киришиши мумкин. Бунда 2 та шартга риоя қилиш мумкин, биринчидан, ишга 3-шахснинг жалб этилишига даъвогарнинг рози бўлиши, иккинчидан, низо предметига мустақил талаблар билан арз қилувчи 3-шахс сифатида дастлабки даъвогар ва жавобгар томонидан бошланган жараёнга киришга ташкилот ёки фуқаронинг розилиги бўлиши лозим.

Ҳеч ким ташкилот ёки фуқарони мустақил талаблар билан арз қилувчи 3-шахс сифатида киришишга мажбурлай олмайди.

Дастлабки даъвогар билан низо предметига мустақил талаб билан арз қилувчи 3-шахснинг юридик манфаатлари бир-бирига боғлиқ эмас. Ташкилот, фуқаро қўшимча жавобгар сифатида жалб қилинишлари мумкин эмас, чунки қўшимча жавобгарларда манфаат ўзаро келишилган ва фақат жавобгарга қаратилган бўлади. Шунинг учун, даъвогар ва жавобгар ўртасидаги моддий ҳуқуқий муносабатга боғлиқ субъект низо предметига мустақил талаб билан арз қилувчи 3-шахс сифатида жалб қилинади. Низо предметига мустақил талаб билан арз қилувчи 3-шахс даъвогарнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланади. Хўжалик судида иш кўзгагишда даъвогарга ишга киришишда қўйиладиган талаблар унга ҳам қўйилади. Низо предметига мустақил талаб билан арз қилувчи 3-шахс ХПК нинг умумий (35-модда) ва махсус (40-модда) ҳуқуқларидан фойдаланади.

39-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик

Тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этилиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолатларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарориди кўрса-

тади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

Хўжалик суди амалиётининг муҳим институтларидан бири бу — процессуал ҳуқуқий ворисликдир. Бу модда даъвогар ёки жавобгарнинг иш биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларида курилаётганда ёки қарор ижро қилинаётган босқичда чиқиб кетганда процессга ҳуқуқий ворис кириб келиши мумкинлигини белгилайди.

ХПКнинг 39-моддаси мазмунида кўрсатилган низоли моддий-ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқий ворисликка йўл кўйилса ҳуқуқий ворислик амал килади.

ХПКнинг 39-моддасида кўрсатилганидек, процессуал ҳуқуқий ворислик низоли моддий-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворис ишга киришганда процесс бошидан бошланмайди, балки ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахс чиқиб кетган босқичдан давом этади. Шунинг учун ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахс томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга зарар бўлса ҳам, фойда бўлса ҳам мажбурийдир. Масалан, агар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахс — даъвогар даъво талабларининг бир қисмидан воз кечган бўлса ва бу воз кечиш хўжалик суди томонидан қабул қилинган бўлса, бу ҳаракат ҳуқуқий ворисга ҳам мажбурийдир. Ҳуқуқий ворис дастлабки даъво аризасида даъво қилинган барча талаблар тўлиқ қаноатлантирилишини талаб қилолмайди.

Ҳуқуқий ворис ишга кирганда барча ишга доир ҳужжатлар билан танишинга, ХПКнинг 35-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан ва процесс босқичларига кўра даъвогар ва жавобгарнинг ХПКнинг 40-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидирлар.

40-модда. *Даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, келишув битими*

Даъвогар хўжалик низоли бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камийтириш, ёхуд даъводан воз кечишга ҳақли.

Жавобгар даъвони қисман ёки тўла тан олиши мумкин. Тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан тамомлашга

ри мумкин. Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвои тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини бузса, ҳужжалик суди даъводан воз кечишни, даъво талаблари миқдорини камайтиришни, даъвои тан олишни қабул қилмайди, келишув битимини тасдиқламайди. Бундай ҳолларда ҳужжалик суди ишни мазмунан кўради.

Шарҳланаётган моддада келтирилган даъвогар ва жавобгарнинг процессуал ҳуқуқлари махсус ҳуқуқлар ҳисобланади, чунки улар ҳужжалик судидаги низо предмети билан, яъни даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низоли моддий-ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ.

Ихтиёрийлик тамоилига кура, тарафлар ўзларининг субъектив моддий ва процессуал ҳуқуқларини амалга оширишлари мумкин.

ХПКнинг 40-моддаси, 1-2-пунктларида келтирилган махсус ҳуқуқларни қарор қабул қилингунга қадар суд муҳокамасининг барча босқичларида амалга оширишлари мумкин.

Даъво қилинган талаб биринчи инстанция судида мазмунан курилиши жараёнида, даъвогар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини купайтириш ёки камайтириш ёхуд даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш ҳужжалик судида иш курилиши жараёнини кийинлаштиради, чунки жавобгар даъвогарнинг аниқ талаблар ва даъвогарнинг талабларини исботловчи аниқ ҳолатлар курсатилган даъво аризаси нухасини олган булади. Шунинг учун тарафлар тенглигидан келиб чикиб (ХПК 36-модда), жавобгар ўзининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ўзгартирилган асосларга кура ҳимоя қилишга, хатто ўзгартирилган даъво предметиға раддия бериши ёки қарши даъво бериши ҳам мумкин.

Даъво асосининг ўзгариши — даъвогар ўз талабларини асослаётган хақикий ҳолатлар ўзгаришини англатади.

Даъво предметининг, яъни даъвогарнинг жавобгарга булган талаби ўзгартирилиши моддий ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилиши лозим, акс ҳолда янги даъво талаби келиб чиқиши аниқ бўлиб қолади.

Даъво предметининг ўзгартирилишида моддий ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормалари билан тартибга солинадиган янги даъво асосий эмас, асосийси даъво талабларининг купайтирилиши ёки камайтирилишидир.

Даъво талаблари миқдорининг купайтирилишида давлат божининг етмаган қисми ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда оширилган даъво баҳоси камайтирилганда ортикча туланган давлат божи қайтарилмайди (ХПК 91-модда).

Келишув битими процесснинг ҳар қандай босқичида, яъни ҳар қандай инстанциясида тузилиши мумкин.

Келишув битими — бу даъвогарнинг моддий ҳуқуқлари ва жавобгарнинг мажбуриятларига мажбурий ёки ўзаро ён беришдир.

Келишув битими қатъий бўлиши керак, лекин муқобил келишув битими ҳам бўлиши мумкин.

Келишув битимининг қатъийлиги шуни англатадики, бунда даъвогар қайси даъво ва қонун талабларидан воз кечиши аниқланиши, жавобгар эса даъвогарнинг қайси талабларига рози бўлиши ва уларни бажаришини аниқлаб олиши лозим.

Келишув битимининг муқобиллиги — жавобгар томонидан қабул қилинган даъвогар талабларининг таклиф қилинган вариантлари, ёки даъвогарни қаноатлантирадиган жавобгарнинг вариантлари ҳолатларида тузилади.

Даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечип, жавобгарнинг даъвоси тўлиқ ёки қисман тан олиши асосланган бўлиши лозим. Оддий воз кечиш ёки тан олиш мумкин эмас, яъни шунчаки «даъводан воз кечаман» ёки «тан олмайман» бўлмайди.

Хужалик суди ҳар қандай ҳолатларда даъвогар ва жавобгарнинг ХПКнинг 40-моддасида келтирилган субъектив ҳуқуқларини амалга оширишда асосларни текшириш, агар бу қонунга хилоф бўлса ёки шахсларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид бўлмаса, даъводан воз кечингда даъво талаби миқдорини камайтиришни, даъвони тан олишни қабул қилмаслиги, келишув битимини тасдиқламаслиги шарт.

41-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар хужалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар, шу шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустаснодир.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар фақатгина хужалик судлов ишларига хосдир.

Хужалик судлов ишлари бўйича иккита томон мавжуддир: даъвогар ва жавобгар (ХПКнинг 36-моддаси). Томонлар ўртасида кўрилатган низо, хужалик судида кўриб чиқиш бошланган ишга мустақил даъво талаблари билан киришишга ҳақли бўлган бошқа ташкилотлар ва фуқароларнинг субъектив моддий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таъсир этиши мумкин.

Ташкилотлар ва фуқаролар бошланган ишда хўжалик судида иш кўзгатишга ҳақли булган субъект сифатида кириша олмайдилар, чунки биргаликдаги даъвогарларнинг (процессуал иштирокчилик) ҳуқуқий манфаатлари ўзаро боғлиқдир ва уларнинг талаблари жавобгарга (жавобгарларга) қарши қаратилгандир.

Учинчи шахслар даъвогарга ёки ҳар иккала томонга нисбатан мустақил талабларини арз қиладилар ва суднинг ҳал қилув қарори ўз фойдаларига чиқарилишига ҳаракат қиладилар, шу сабабли мустақил талаблар билан арз қиладиган учинчи шахсларнинг, даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқий манфаатлари ўзаро бир бирини инкор этади, яъни, уларнинг ҳар бири ўз фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилишига ҳаракат қилади.

Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар томонларнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар, шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган ёки шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустаснодир.

Хўжалик судида иш кўзгатиб бўлинганлиги сабабли, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслардан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш талаб қилинмайди. Бошқа ҳолларда, учинчи шахс сифатида мустақил талаблар билан арз қилувчи ташкилотлар ва фуқаролар, ўзлари томонидан хўжалик судига тақдим этилаётган ариза ва унга илова қилинаётган ҳужжатларнинг шакли ва таркибига нисбатан тегишли тартибга риоя этишлари (ХПКнинг 112-моддаси) ҳамда даъвогар ва жавобгарга уларнинг нусхаларини жўнатишлари, давлат божини тўлашлари шартдир (ХПКнинг 91-моддаси).

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ХПКнинг 40-моддасида белгиланган ва даъвогарга берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бирок, мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш, даъвонинг предметидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суд фаолиятининг предмети билан шартлангандир ва мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ушбу ҳуқуқлардан фақатгина суд фаолиятининг предмети доирасида фойдаланиши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга, хўжалик судида иш кўзгатишдан сўнг уни суд мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш босқичида, ишни суд мажлисида кўриб чиқиш босқичида, фақатгина хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар киришишлари мумкин.

Қайси босқичда ишга киришишларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишда иштирок этаётган шахсларнинг мавқеидан фойдаланадилар ҳамда

ХПКнинг 35-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқларни амалга оширадиган ва процессуал мажбуриятларни бажарадиганлар.

Ташкилот еки фуқарога хужалик судида қўзгатилган ишга киришиш мажбуриятини юклаш мумкин эмас. Ишга киришиш — мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқидир ва у ташкилот ёки фуқарода, даъвогарга ёхуд ҳар иккала томонга нисбатан талаб қилиш нияти, ҳоҳиш-истаги мавжудлигига боғлиқдир. Даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низо бўйича хужалик судида иш қўзгатилгунга қадар ёки мазкур ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тугаганидан сўнг ташкилот ёки фуқаро, даъвогар ёхуд ҳар иккала томонга нисбатан моддий ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлигига қараб, хужалик судида даъвогар сифатида иш қўзгатинга ҳақлидир. Бундай ҳолатда, дастлабки иш бўйича даъвогар ёки ҳар иккала томон, уларнинг барчаси ўртасидаги моддий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиққан ҳолда, жавобгар ёхуд жавобгарлар бўлиши мумкин.

42-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, хужалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. (ЎзР 01.05.1998 й. 621-1-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвои тои олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Хужалик суди бир жараёнда дастлабки даъвои кўриб чиқишга ва мансабдор шахс томонидан ташкилотга етказилган зарарни ундан ундириш масаласини регресс тартибда ҳал этишга ҳақлидир. (ЎзР 01.05.1998 й. 621-1-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар иштирокининг ХПКдаги таърифи объектив ҳақиқатни ўрнатил давомида воситалар ва процессуал вақтни тежаш тамоилларига кўра белгиланган. Агарда битта хужалик ишида бир пайтда даъвогар, жавобгар ва низонинг предметига

нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар иштирок этса, бу билан процессуал вақт тежаллади ва иш куришда келиб чиқадиган харажатлар камаяди, судга қонуний, асосланган ва адолатли қарор чиқаришда, яъни объектив ҳақиқатни ўрнатадиган барча аниқ ҳолатлар тўла ҳажмда ўрнатилади.

Ҳўжалик субъектларининг низоининг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга киришиши ёки жалб қилиниши масаласи ҳўжалик ишнини суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳал қилиниши мумкин (ХПК 122-модда, 1-банд). Бу масала даъвогар, жавобгар томонидан ҳам бўйлиши, ишнини суд муҳокамасига тайёрлаётган суд ташаббуси билан кўрилиши ҳам мумкин. Мулк шаклидан катъий назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва тадбиркор фуқароларнинг мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга киришиши ёки жалб қилиниши масаласи ҳўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар суд мажлисида куриб чиқилиши ва ҳал этилиши мумкин. Низоининг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 35-моддасида белгиланган барча ҳўқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириши мумкин.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳўқуқларидан келиб чиқиб, ҳўжалик субъектининг низоининг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга киришиши ёки жалб қилинишида унга албатта даъво аризасининг нухсаси топширилиши шарт. Чунки у даъвогарнинг жавобгарга қандай даъво талаби тақдим этилганлигини, узининг давогар ва жавобгар билан қандай алоқада эканлигини, шунингдек, у узининг суд фаолияти предметидан келиб чиқадиган жавобгарлигини билиши лозим.

Низоининг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар даъвогар ва жавобгарга нисбатан, даъвогар ва жавобгарнинг ўзаро муносабатларидан фарқ қилувчи бошқа моддий-ҳўқуқий муносабатларда буладилар. Низоининг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсни фуқаролик процессул ҳўқуқида шерик деб атайдилар, чунки унинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогар ва жавобгар ўртасида низоли моддий-ҳўқуқий муносабат юзага келади.

Баъзи ҳолатларда, даъвогар ёки бошқа ваколатли шахс (масалан, прокурор) томонидан ҳўжалик иши кўзгатилишига қадар, шунингдек, даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низо бўйича судда иш кўрилгандан сўнг низо предметига мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсга мустақил даъво тақдим қилиниши ва у жавобгар сифатида чикиши мумкин.

Бундай ишлар бўйича даъвогар бўлиб, низо предметига муста-

қил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс билан маълум ҳуқуқий муносабатда бўлган танкилот чиқади.

Низо предметиға мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс процесда тараф бўлиб ҳисобланмайди, шунинг учун даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низонинг предметини тасарруф қилиш буйича ҳаракатларни амалга оширишга, яъни Ўзбекистон Рекспубликаси ХПКнинг 42-моддаси, 2-бандида белгиланганидек, даъво предмети ёки асосини ўзгартиришга, даъво талаби миқдори-ни кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақли эмас.

Даъвогарнинг жавобгарга бўлган даъво талабларини қаноатлантирилганда ёки қаноатлантирилмай қолганда, даъвогар ёки жавобгарда янги бопланадиган процесда жавобгар сифатида қатнашадиган низо предметиға мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсга нисбатан қарши даъво қилиш ҳуқуқи юзага келади. Даъвогарнинг жавобгарга бўлган даъвоси буйича дастлабки ҳал қилув қарори аниқланган юридик фактлар буйича аҳамиятга эга бўлиб, низо предметиға мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс жавобгар сифатида қатнашадиган янги ҳўжалик ипида исботланиши шарт эмас.

Агар қарши даъво тарафлар ўртасида низоли моддий-ҳуқуқий муносабат юзага келишида айбдор бўлган мансабдор шахсга қаратилган бўлса, бу масала ХПКнинг 23-моддаси, 3-қисмига кўра ҳал қилинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ шартнома мажбуриятларини бузган мансабдор шахснинг жавобгарлиги қуйидагича белгиланган.

43-модда. Ишда прокурорнинг иштироки

Прокурор ҳамма ишлар буйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судига эса — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор тмонидан ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳалларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.

Прокурорнинг хужалик судида иштироки ХПКнинг 3 ва бошқа моддаларидагина эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонунида ҳам келтирилган. Ушбу Қонуннинг 38-моддасида деб курсатилган.

Бу қоида прокурорнинг судда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи, шунингдек, иштирокининг асосини белгилаб беради. ХПКнинг 43-моддаси хужалик судида прокурор иштирокининг шаклини ва даъво талаби предметини тасарруф қилиш буйича алоҳида процессуал ҳуқуқлар тавсифини белгилайдиган махсус қоида ҳисобланади.

Хужалик суди процессуал фаолиятида демократизм тамоилларидан келиб чиқиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси буйича назоратни амалга оширувчи прокуратура макоми ХПКда прокуратура алоҳида мансабдор шахсларининг тегишли хужалик судларида иш кўзгатиш ҳуқуқи, шунингдек, прокурорнинг қонунда шарт қилиб белгиланган ҳолатларда ёки аниқ ишда хужалик суди томонидан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда прокурор иштирок этиши шарт деб ҳисобланган ҳолларда прокурорнинг бошланган ишга киришиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ пул мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқи прокурорга ҳам берилган.

Хужалик судида даъво кўзгатиб, хужалик суди фаолияти предмети буладиган низоли моддий-ҳуқуқ муносабат субъекти бўлмаганлиги учун прокурор даъвогар булмайди. Хужалик судида бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қурикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб прокурор томонидан иш кўзгатилган хужалик субъекти даъвогар ҳисобланади.

ХПКнинг 6-модда, 1-қисм, 2-бандига кура прокурор низони ҳал қилиш чоралари тарафлар томонидан олдин ўзаро кулланмаган бўлса ҳам, хужалик субъектлари ҳуқуқларини ва қонун билан қурикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хужалик судига мурожаат қилишга ҳақли, агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш тартиби белгиланган ёки бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса.

Даъво тақдим қилишда прокурорга даъвогарга қўйиладиган талаблар қўйилмайди, яъни даъво аризаси ХПКнинг 112-моддаси талабаларига жавоб бериши керак. Юридик шахслар манфаатида даъво тақдим қилган прокурор суд харажатларидан озод қилинади, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан давлат божи тўламайди.

Прокурор хўжалик судида даъвогар-тараф бўлмаганлиги учун прокурорнинг уларга тақдим қилган даъвосидан воз кечиши, даъвогарни ишни мазмунан куришни талаб қилиш ҳуқуқидан махрум қилмайди. Агар даъвогарнинг ўзи уларнинг бузилган моддий ҳуқуқлари ва қонун билан курикландиган манфаатларини ҳимоя қилиб, прокурор томонидан тақдим қилинган даъводан воз кечса, хўжалик суди даъво аризасини курмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради (ХПК 88-89-моддалар).

Агар даъвогар кейинчалик хўжалик судига суд ҳимоя қилишини сураб мурожаат қилишга қарор қилса, умумий қоидаларга кура даъво тақдим этишга ҳақли.

Хўжалик судида иш қўзғатишда прокурор даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларига эга булади. Жавобгар билан келишув битими тузиш ҳуқуқи бундан мустасно.

ХПКнинг 10-моддасида даъвогарнинг даъво предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаб миқдорини ўзгартириш ҳуқуқлари белгиланган. Прокурор хўжалик судида иш қўзғатишда ҳам, кейинги босқичларда иштирок этганда ҳам даъвогарнинг ХПКнинг 40-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида даъвогар розилиги билан фойдаланиши мумкин.

Прокурор хўжалик судида қўзғатилган ишга киришганда, даъвогарнинг ҳуқуқларидан фойдаланмайди ва ХПКнинг 128-модда 1-2-қисмида белгиланган процессуал ҳаракатлар суд томонидан амалга оширилгандан сунг ўз фикрини баён қилади.

Даъвогарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги хўжалик иши қўзғатиб, биринчи инстанция судида иштирок этаётган ёки бошланган ишга кириб келган прокурор ХПКда белгиланган тартибда апелляция шикоятни, шунингдек касация протести беришга ҳақли.

44-модда. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки

Давлат органлари ва бошқа органлар қонунларда назарда тутилган ҳолларда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этишлари мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар даъвогарнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Ушбу органларнинг тақдим этилган даъволардан воз кечиши даъвогарни низони мазмунан куришни талаб қилиш ҳуқуқидан махрум қилмайди.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани курмасдан қолдиришга олиб келади.

Хўжалик сулида иш қўзғатишга манфаатдор шахслар ва прокурордан ташқари давлат органлари ва бошқа органлар ҳам ҳақли.

Лекин бу ҳуқуқ биринчидан, қонунчилик ҳужжатларида аниқ кур-сатилган бўлса (бу норма ҳавола қилувчи), иккинчидан давлат орган-лари ва бошқа органлар хўжалик судига давлат ва жамият манфаатла-рини ҳимоя қилиб, мурожаат қилганларида амалга оширилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрир) 5-моддасига шундай дейилган: «хўжалик судига пул мажбуриятларини бажармаганлик учун қарздорни бан-крот деб топиш тўғрисидаги ариза билан қарздор. Прокурор, солиқ ва бошқа ваколатли органлар мурожаат қилишлари мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хужалик суди-га банкротлик ишлари буйича давлат органи ва қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар томонидан берилиши мумкин».

Давлат органлари ва бошқа органлар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъект бўлмаганликлари учун хужалик судида иш қўзға-тишда даъвогар бўлиб ҳисобланмайдилар. Бунга шу ҳам исбот була-дики, давлат органлари ва бошқа органлар суд фаолияти предмети тасарруфи буйича барча процессуал ҳуқуқларга эга эмаслар, яъни улар даъво асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талаби миқдорини купайтириш ёки камайтиришга ҳақидирлар, лекин келишув битими тўзишга ҳақли эмаслар. Агар даъвогар давлат орган-лари ва бошқа органлари томонидан давлат ва жамият манфаатла-рини кўзлаб тақдим қилинган даъводан воз кечмаса, хўжалик суди бу ишни мазмунан куриши ва ҳал қилув қарор чиқариши шарт.

Давлат органлари ва бошқа органлар хўжалик судида иш қўзға-тишда даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар-нинг нусхасини ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юбориш-лари керак. Улардан фақатгина низони судгача ҳал қилиш тартиби-га (талабнома юбориш) ривож қилиш талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонунига асосан давлат органлари ва бошқа орган-лар давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этишд давлат божи туламайдилар.

45-модда. Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа инти-рокчилари

Ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари хўжалик судлов ишларини юритишда вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар иштирок этишлари мумкин.

Шарҳланаётган моддада келтирилган хўжалик суди процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари ишда иштирок этувчи шахслардан хужалик судида даъво қўзғатишга ҳақли эмасликлари билан ажра-

либ туради. Хужалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ишда иштирок этувчи шахслардаги каби ҳуқуқий манфаатлари бузилмайди, яъни улар ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмайдилар, ёхуд даъвогарнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва манфаатларини давлатда ва жамиятда ўзининг ҳуқуқий макоми кучида ҳимоя қилмайдилар. Хужалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ўзларига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишда судда ҳўжалик ишининг вужудга келиши, ривожланиши ва тухтатилишига ҳеч қандай таъсир қурсатмайдилар.

ХПКнинг 45-моддасида курстилган субъектларнинг ҳар бирига алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилган. Масалан, ХПКнинг 52-моддасида вакилнинг ваколатлари, 70-моддада исботлаш воситалари булиб ҳисобландиган маълумотлар ва ҳолатларни ҳўжалик судига маълум қилишини белгилайди. Экспертнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати ХПКнинг 67-69-моддаларида қайд этилган. Таржимон иштироки эса ХПКнинг 10-моддасида мустаҳкамланган суд ишлари юритишнинг миллий тил тамоили кулланилиши шарт қилинган.

Гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар ҳўжалик судида иштироки давомида елгон курсатмалар берганлик, била туриб нотугри таржима қилганлик ва била туриб елгон хулоса берганлик, хулоса беришдан бош тортиш ёки рад этганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238, 240-моддалари билан жинойий жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантириладилар.

46-модда. Гувоҳ

Ҳўжалик суди низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ ҳўжалик судининг чақируви бўйича у ерга келиши ва иш юзасидан ўзи хабардор бўлган маълумот ва ҳолатларни маълум қилиши шарт.

Гувоҳ тўғри кўрсатувлар бериши, судьянинг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг саволларига жавоб бериши шарт.

Гувоҳ била туриб елгон кўрсатувлар берганлиги ва кўрсатув беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилади.

Гувоҳ — бу вояга етган, муомалага лаёқатли ёки суд томонидан рухий касаллик ёки акли пастлик оқибатида муомалага лаёқатсиз деб топилмаган фуқародир.

Гувоҳ — бу курсатмалари тарафлар ёки 3-шахслар талаблари ва радияларини тасдиқлайдиган ёки рад қиладиган ҳолатлар, яъни юридик фактларни исботлаш воситаси буладиган фуқаролардир.

Гувоҳлар курсатмалари далилларнинг дахлдорлиги ва йул куйи-лиши коидалари талабларига жавоб бериши керак.

Хужалик судида гувоҳ булиш — ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаронинг бурчидир. Гувоҳ сифатида судга келишдан буйин товлаш, МЖТКнинг 180-моддасида курсатилганидек энг кам ойлик иш хакининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Шу моддага мувофиқ гувоҳнинг раислик қилувчи фармойишига ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузганда суд уни энг кам ойлик иш хакининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жаримага солиши мумкин.

Гувоҳ била туриб ёлгон курсатувлар берганлиги ва курсатув беришдан бош тортганлиги ёки буйн товланганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

47-модда. Эксперт

Хулоса бериш учун махсус билимга эга бўлган ҳамда ишбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган шахс хужалик судида эксперт сифатида иштирок этиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш топширилган шахс хужалик суди чақируви-га биноан келиши ва қўйилган саволлар буйича судга ҳолис хулоса бериши шарт.

Агар хулоса бериш учун зарур бўлса, эксперт иш материаллари билан танишиш, хужалик суди мажлисларида иштирок этиш, саволлар бериш, суддан қўшимча материаллар беришни сўраш ҳуқуқига эга.

Эксперт била туриб ёлгон хулоса бергани, хулоса беришдан бош тортгани учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар экспертга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса ёки эксперт ўз зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун зарур билимларга эга бўлмаса, у хулоса беришдан воз кечишга ҳақли.

Эксперт — бу бирон бир соҳада махсус билимга эга булган суд томонидан экспертиза утказиш учун жалб қилинган шахс.

Суд томонидан аниқ иш буйича экспертиза утказиш учун жалб қилинган эксперт муассасалари ходимлари, бошқа бирон-бир муассаса ташкилотлар хизматчилари ёки ишдан манфаатдор бўлмаган шахслар экспертлар булишлари мумкин.

Моддада экспертнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилган булиб, уларга кура хужалик судида иштирок этади ва ёзма шаклда ҳолис хулоса беради. Иш давомида экспертга судьялар, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳам савол беришлари мумкин.

Эксперт хулосаси исботлаш воситаси булиб ҳисобланади (ХПК 54-модда), лекин хужалик судида олдиндан белгиланган кучга эга эмас.

Эксперт била туриб ёлгон хулоса бергани, хулоса беришдан

бош тортгани учун ЎЗР ЖКнинг 238, 240-моддаларига асосан жиний жавобгарликка тортилади.

48-модда. Таржимон

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда хўжалик суди томонидан тайинланган шахс таржимондир.

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари, гарчи таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билсалар ҳам, таржимонлик вазифаларини ўз зиммаларига олишга ҳақли эмаслар.

Таржимон суд чақирувига биноан келиши ва таржимани тўла, тўғри ҳамда ўз вақтида амалга ошириши шарт.

Таржимон аниқ таржима қилиш мақсадида таржима чоғида ҳозир бўлганларга саволлар беришга ҳақли.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун жиний жавобгарликка тортилади.

Таржимон — бу суд мажлисида аризалар, курсатмалар, илтимосномалар, раислик қилувчининг фармойишлари ва иш буйича суд чикарган ҳал қилув қарорлари келитирилган материаллар мавжуд иш буйича юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга таржима қилиш учун зарур булган тилларни биладиган хўжалик процесси иштирокчисидир.

Суд иш юритувининг миллий тили Конституцион тамоил ҳисобланади.

ЎЗР Конституциясининг 115-моддасида мустахкамланган.

Суд иш юритувининг миллий тилда олиб борилиши ХПКнинг 10-моддасида мустахкамланган, унда «хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги купчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади» дейилган.

Суд ишлари олиб бориладиган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тула танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Хўжалик судида ишни қуришда иштирок этувчи биронта субъект таржимон бўлиши мумкин эмас.

Таржимон аниқ таржима қилиш мақсадида таржима чоғида сўзлари таржима қилинадиган шахсга аниқлаштирувчи саволлар беришга ҳақли.

Судья(лар), ишда иштирок этувчи шахслар ҳам аниқлаштирувчи саволлар беришга ҳақли.

Мазмун буйича аниқ таржима таржимон учун асосийсидир.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун ЎЗР ЖКнинг 238, 240-моддаларига биноан жиний жавобгарликка тортилади.

5-боб.

Хўжалик судида вакиллик

49-модда. Вакиллар орқали иш юритиш

Хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлари ҳамда вакиллари олиб боради.

Ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа шахслар таъсис ҳужжатларига мувофиқ хўжалик судига уларнинг хизмат мавқеларини ёки ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Фуқаролар ўз ишларини хўжалик судида шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

1. Хўжалик судида вакиллик институтининг мақсади, ишда иштирок этаётган ва иш юритишда томонлар, учинчи шахслар ва бошқа шахслар бўлиб ҳисобланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаро-тадбиркорларга, уларни ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, судга эса ишнинг муҳим ҳолатларини аниқлаш, ишни тўғри куриб чиқиш ва ҳал этиш борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

2. Хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг органлари ва вакиллари олиб борадилар.

Фуқаролик Кодексининг 45-моддасига кура юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади.

Юридик шахс органларини тайинлаш ва сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади. Бундай органлар коллегиял ёки яккабошчилик асосидаги органлар бўлиши мумкин. Фуқаролик Кодексига мувофиқ ихроия органи ҳам коллегиял ёки яккабошчилик асосида бўлиши мумкин.

Агар қонунчиликда юридик шахснинг органи белгиланмаган бўлса, мазкур орган, шу жумладан — фуқаролик ишларини юргизишда ҳамда суд инстанцияларида юридик шахснинг манфаатларини ифодалашга ваколат берилган орган, низом ёки бошқа таъсис ҳужжатида белгиланади. Шу сабабли, органнинг хўжалик ишларини юритишда иштирок этишга ҳақли эканлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (ундан кўчирма) тақдим этилиши лозим.

Агар даъво аризаси ёки шикоят унитар корхонанинг раҳбари ёки коллегиял органнинг раҳбари ёхуд раҳбар муовини томонидан имзоланган бўлса, бундай ҳужжатларнинг йўқлиги даъво аризаси ёки шикоятни қайтаришга асос бўла олмайди. Ишни судда кўришга

тайёрлаш ёки даъво аризасини (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги ажримда даъвогарга (шикоят қилувчи шахсга), тегишли ваколатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни тақлиф қилиш лозим. Агар мазкур ҳужжатлар тақдим этилмаса ёки улар тегишли ваколатларни тасдиқламаса, ХПКнинг 88-моддаси 3-бандига мувофиқ даъво аризаси (шикоят) курмасдан қолдирилиши лозим.

3. Фуқаролик Кодексининг 47-моддасига мувофиқ ваколатхона ва филиаллар юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмаларидир.

Филиал (ваколатхона) раҳбарининг тегишли ваколатлари, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, филиал (ваколатхона) тўғрисидаги низом ва бошқаларда кўрсатилганларгагина асосланмасдан, балки ишончнома орқали тасдиқланиши ёхуд филиал раҳбари ҳаракат қиладиган вазиятдан келиб чиқиши лозим.

4. Юридик шахс органи сифатида юритаётган таъкилот раҳбари ёки юридик шахснинг коллегиял органи раҳбари ишончномасиз ҳаракат қиладилар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар (устав, низом, ва хизмат мавқеини тасдиқловчи ҳужжат) билан тасдиқланади.

5. ХПК, юридик шахс органлари ва фуқаролар томонидан бевосита ёки вакиллар орқали ёхуд вакиллар билан биргаликда ишлар олиб борилишига ижозат этади.

50-модда. Хўжалик судида вакиллик қилиши мумкин бўлган шахслар

Хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини хўжалик судлов ишларини юритишда уларнинг қонуний вакиллари — ота-онаси, фарзандликка олганлар, васий ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. Қонуний вакиллар хўжалик судида иш юритишни ўзлари танлаган бошқа вакилга топширишлари мумкин.

1. Шарҳланаётган модда хўжалик судидаги вакиллар доирасини чегараламайди. ХПКнинг 53-моддасида белгиланган истиснолардан ташқари, нафақат таъкилотлар ходимлари ва адвокатлар, балки тегишли ваколат берилган ҳар бир фуқаро вакил бўлиши мумкин.

ХПК қўяётган ягона талаб — бу ишни олиб бориш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатнинг мавжудлигидир.

Шу билан бирга, вакил қилувчининг ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаётган экан, вакил низоли ҳуқуқий муносабатларни тарғибга солувчи ҳуқуқ нормалари соҳасида зарур билимларга эга бўлиши ҳамда ишнинг ҳақиқий ҳолатларини билиши лозим.

Ишда иштирок этувчи шахслар билан бир қаторда, ХПКнинг 34-моддасида назарда тутилганидек, вакиллар ҳам ўзларига тегишли процессуал ҳуқуқлардан инсоф билан фойдаланишлари лозим.

2. Муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлар, васийлар ва ҳомийлар уларнинг қонуний вакиллари бўлиб ҳисобланадилар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари оила қонунчилиги билан белгиланган.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар. Улар томонидан васийлик ёки ҳомийлик тўғрисидаги ҳужжатнинг тақдим этилиши етарлидир.

Қонуний вакиллар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ишларини шахсан олиб боришлари, ишни олиб боришни вакилга топширишлари ҳамда ишни вакил билан биргаликда олиб боришлари мумкин.

51-модда. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши керак.

Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Фуқаро томонидан берилаётган ишончнома нотариал тартибда, шунингдек ишончномани берувчи ишлаётган ёки ўқиётган ташкилот томонидан, яшаб турган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти томонидан ва у даволанаётган стационар даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан, агар ишончнома ҳарбий хизматчи томонидан берилаётган бўлса — тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ишончномаси тегишли муассасанинг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Адвокатнинг ваколати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

1. Фуқаролик Кодексининг 134-моддасига мувофиқ, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакил) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади.

2. Фуқаролик Кодексининг 139-моддасида ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши назарда тутилган. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

3. Ташкилот томонидан берилган ишончномада раҳбарнинг ёки таъсис ҳужжатлари билан бундай ваколат берилган шахснинг имзоси ва муҳрнинг мавжудлиги шарт. Мазкур шартларга хилоф равишда берилган шартнома ишни олиб бориш ваколатини тасдиқламайди.

4. Амалиётга кура адвокат ташкилот ёки фуқаро-тадбиркорга бир марталик хизмат кўрсатаётганида юридик маслаҳатхона, адвокатлик бюроси ёки фирмаси томонидан бериладиган ордер асосида ҳаракат қилади. Агар юридик маслаҳатхона (бюро, фирма) билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган бўлса, у ҳолда унда мазкур шартноманинг ижроси топшириладиган адвокатнинг исми-шарифи ва фамилияси кўрсатилади. Ушбу асосда юридик маслаҳатхона, адвокатлик бюроси (фирмаси) билан шартнома тузган ташкилот (фуқаро-тадбиркор) шартномада кўрсатилган адвокатга ишончнома беради.

5. Агар вакилнинг ишончномаси амалдаги тартиб бузилган ҳолда расмийлаштирилган бўлса, унга ишни кўриб чиқишда иштирок этишга, шу жумладан иш материаллари билан танишишга ижозат берилмаслиги мумкин. Бундай вакил томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракатлар юридик оқибатларни келтириб чиқармайди.

52-модда. Вакилнинг ваколатлари

Ҳўжалик судида иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳақамлар судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвои тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, протест келтириш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш бундан мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

1. ХПКнинг 45-моддасига мувофиқ вакиллар ҳўжалик судлов ишлари юритишнинг иштирокчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Вакилларнинг ҳўжалик судлов ишларини юритишда ишларни олиб боришдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми уларга берилган ишончнома билан белгиланади.

2. Ишни олиб бориш учун берилган ишончнома асосида вакил томонлар ва учинчи шахсларнинг ХПКда белгиланган ҳуқуқларини амалга оширади. Жумладан, вакил иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчиритиш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текши-

ришда иштирок этиш, илтимосномалар киритиш, илтимосномаларга эътироз билдириш, ишни кўриш давомида тугиладиган барча масалалар бўйича ўз важдарини, худосаларини тақдим қилиш ҳуқуқига эгадир. Ишончномада бундай ҳуқуқни амалга ошириш ҳақида махсус кўрсатма бўлиши талаб қилинмайди.

3. Томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи вакилга бериладиган ишончномада кўрсатилиши лозим. Бу томонларнинг моддий ҳуқуқлардан фойдаланишига тааллуқлидир. Ишни ҳакамлар судига топшириш, даъво аризаси, рад қилиш тўғрисидаги ариза, шикоят, протест келтириш тўғрисидаги аризаларни имзолаш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвои тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш, суд ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ва пулни олиш ҳуқуқлари, ишончномада, тўла ёки алоҳида ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан, махсус назарда тутилган бўлиши керак.

53-модда. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган ёхуд васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар.

Судьялар, терговчилар, прокурорлар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар процессда тегишли судлар, прокуратуранинг вакили сифатида ёки қонуний вакил сифатида қатнашаётган бўлсалар, бу қоида тадбиқ этилмайди.

1. Хўжалик судида вакилликни амалга ошириш учун шахс процессуал муомала лаёқатига эга бўлиши, 18 ёшга тўлган. Яъни воёга етган бўлиши зарур. Шу сабабли бу ёшга тўлмаган шахс хўжалик судида вакил бўла олмайди. Фуқаролик Кодексининг 28-моддаси 1-банди ва 22-моддасининг 2-бандида ўрнатилган тартибда муомалага лаёқатли деб эълон қилинган, 16 ёшга тўлган шахс бундан мустаснодир.

2. Ўрнатилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар.

3. Агар судья, терговчи, прокурорлар ва хўжалик суди аппарати ходимлари, хўжалик суди кўриб чиқаётган низо юзасидан томон бўлиб ҳисоблансаларгина, тегишли равишда суд, прокуратура ва хўжалик судининг вакили ҳамда қонуний вакил сифатида қатнашишга ҳақлидирлар.

6-боб.**Далиллар****54-модда. Далиллар тушунчаси ва уларнинг турлари**

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хужалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

54-модда далиллар тушунчасини аниқлайди, ҳўжалик суд ишларини юритиш бўйича исботлаш воситаларини санаб угади, шунингдек хужалик иши бўйича исботлаш предметининг мазмунини кўрсатади.

Далиллар биринчи навбатда ўзларининг фактик маълумотлардан иборат эканлиги билан характерланади ва бу маълумотларнинг мазмунини ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни тўғри ифода қилади. Бундай маълумотларни қанчалик тўғри эканлиги суд томонидан буларнинг ташкил топиши, сақланганлиги, қайта ишланганлиги жараёнини ўрганиш йўли билан шунингдек, бошқа маълумотлар билан таққослаш йўли билан текшириб чиқилган бўлиши керак. Далил сифатида тақдим қилинган маълумотларни қанчалик асосли эканлигига суд маслаҳат хонасида баҳо беради. Иш бўйича ҳал қилув қарорига асос қилиб аниқ маълумотлар олинади.

Далилларнинг иккинчи хусусияти шундан иборатки, далиллар фактик маълумотлар бўлиб, булар асосида суд ишида иштирок этувчи тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ва ишга оид бўлган бошқа ҳолатларни бор ёки йўқлигини аниқлайди. Далиллар ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли фактларни ўзида мужассамлаштириб, иш учун муҳим фактларни белгилаш воситаси хизмат қилади. шунинг учун маълумотлар иш учун аҳамият касб этмайди (ХПК 58-модда).

Далилларни учинчи хусусияти шундан иборатки, далилларнинг процессуал қонунда белгилаб қўйилган тартибга риоя қилиб суд томонидан олинган фактик маълумотлардан иборат эканлигидир. Хужалик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик далилларни олиш, текшириш ва баҳо беришни шундай кафолатларини белгилайдики, қайсиқим булар ишни ҳақиқий ҳолатлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўла ҳолда фақат фактлар тўғрисида аниқ маълумотларни суд томонидан танлаб олишни таъмин-

лайди. Шунинг учун тарафлар ёки гувоҳларнинг телефон орқали судга берган ахбороти шунингдек, иш ҳолатлари бўйича гувоҳнинг ёзма аризаси далил аҳамиятига эга бўлмайди.

Судлар баъзида апелляция, кассация ва назорат босқичида суд ишларини юритишда судьялар ва прокурорлар томонидан олинган экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг фикрларини далил деб нотўғри ҳисоблайдилар. Экспертнинг хулосаси далил сифатида аниқ иш ҳолатлари юзасидан илмий билимни тадбиқ этишга асосланган ҳолда мутахассиснинг хулосаси эканлиги билан характерланмасдан, бу хулоса тегишли тартибга риоя қилган ҳолда экспертиза утказиш натижасида олинганлиги билан ҳам характерланади. Апелляция, кассация ва назорат босқичларида суд ишларини юритишда мутахассисларнинг хулосаларни қанчалик тўғри, тула ва асосли эканлигини қафолатлайдиган шарт-шароитлар бўлмайди. Шунинг учун уларнинг хулосалари аҳамиятли бўлсада, экспертларнинг хулосаларидай бўлмайди, булар биринчи инстанция суди томонидан далилларга берилган баҳони қанчалик тўғрилигини текшириш учун юқори судларга берилган консултация тариқасида ёрдам беради.

Далилларни тўртинчи хусусияти шундан иборатки, далил-бу қонунда кўрсатилган исботлаш воситалари орқали суд томонидан олинган маълумотдир. Суд томонидан фойдаланиши мумкин бўлган исботлаш воситалари қуйидагилардир: тарафлар ва учинчи шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма далиллар, ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари. Қонунда кўрсатилмаган манбалардан олинган фактик маълумотлар (аноним хат-хабарлар ва бошқалар).

Фактик маълумотлар ва исботлаш воситалари тулпунчаларини шартли равишда бир-биридан фарқлаш мумкин. Ҳаётда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар исботлаш воситаларидан ташқарида бўлиши мумкин эмас, бир-бири билан узвий боғлиқсиз бўлмайди. Шунинг учун булар ҳам қонун далиллар деб ҳисоблайди. Масалан, ёзма далиллар, ашёвий далиллар термини замирида фактик маълумотлар ва исботлаш воситаларининг бирлиги ётади. ХПКнинг 56-моддасига асосан далиллар ишда ишгирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади. Бу ерда ишга тегишли бўлган ҳолатлар ҳолатлар бўйича маълумотларни ўзида ифодаловчи исботлаш воситалари далиллар деб тушунилади. ХПКнинг 128-моддасида иш бўйича далилларни бевосита текшириш бўйича суднинг бурчи кўрсатилган бўлсада, бунда суд томонидан фактик маълумотлар ва исботлаш воситаларини текшириш назарда тутилади. ХПКнинг 138-моддасининг талаби бўйича суд хулосаларига асос қилиб олинган далиллар кўрсатилиши, шунингдек, ҳал қилув қарорларидаги исботлаш воситалари ва буларнинг ёрдамида аниқлаб олинган ҳолатларга ҳавола қилини керак.

Шундай қилиб, «далил» сўзини қонун икки маънода ишлатади: биринчидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш учун асос бўладиган маълумотларни аниқлаш маъносига, иккинчидан эса, фактик маълумотлар ва буларни ўзида ифодаловчи исботлаш воситаларини бирлигини аниқлаш маъносига.

Шундай бўлсада, фактик маълумотлар билан исботлаш воситалари аниқ чегаралаб олиш амалий аҳамиятга эга ва суд томонидан эътиборга олиниши керак. Исботлаш воситаларини текшириш натижасида суд тегишли иш ҳолатларини тасдиқлаш учун ушбу исботлаш воситасидан фойдаланишга қонун йўл қўйишлигини, манбаанинг қанчалик сифатли эканлигини, гувоҳнинг фактларни тўғри ўзлаштириб олишлигини, ҳужжатларни асл нусхадалигини ва бошқа ҳолатларни аниқлайди. Фактик маълумотларни текширишда эса, суд бу маълумотларни қанчалик ҳақиқий эканлигини, булар иш учун аҳамиятли ҳолатларни тасдиқлашини аниқлайди. Фактик маълумотлар каби, далиллар тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Иш учун муҳим аҳамиятгли юридик фактлар билан бевосита боғлиқ бўлган ва унинг бор ёки йўқлигини тасдиқлайдиган фактик маълумотлар тўғри далиллар ҳисобланади.

Эгри (бавосита, билвосита) далиллар юридик фактлар тўғрисида маълумотларни ўзида ифодалайди. Булар юридик фактлар билан маълум шаклда бевосита боғлиқ эканлигини ва биргаликда уларни бор ёки йўқлигини белгилаш борасидаги фактларни тасдиқлайди.

Исботлаш воситалари ўзларининг келиб чиқиши, шаклланишига кўра, дастлабки ва ҳосила воситаларига бўлинали. Дастлабки исботлаш воситасини дастлабки манбалардан олинган фактлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатларнинг асл нусхаси, воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳни кўрсатуви ва бошқалар)ташкил қилади. Исботлашнинг ҳосила воситаси бу — дастлабки далилни мазмунини қайта такрорлайдиган фактик маълумотлардир (бошқа шахсни сўзи орқали ўзида мавжуд бўлган маълумотлар тўғрисида гувоҳнинг кўрсатмаси, ҳужжатларнинг нусхаси ва бошқалар).

Исботлашнинг ҳосила воситасидан дастлабки далилларни аниқлаб олиш, шунингдек уларни текширишда фойдаланилади. Суд исботлашнинг ҳосила воситаларини текшириш билан чекланиши мумкин, агарда, дастлабки манбаларни тўплаб жалб қилиш қийин ёки имконияти бўлмаса. Масалан, асл нусхадаги ҳужжатни йўқ қилинганлиги, воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг ўлиб қолиши ва бошқалар. Дастлабки далил бўлган фактик маълумотларни тақдим этишда уларни мазмунини бузадиган исботлашнинг ҳосила воситаларини текшириш ва баҳо беришда уларни келиб чиқиши ва шаклланилиги сабабларини ҳисобга олиб уларга алоҳида эътибор бериш зарур.

54-моддада хўжалик иши бўйича исботлаш предметини мазмуни ифодалаб берилган. Исботлаш предметини тарафларнинг талаблари ва эътирозлари асосида ётадиган юридик фактлар ташкил қилади.

Суд низоли ҳуқуқий муносабатни тартибга солиб боровчи моддий ҳуқуқ нормаларига асосланиб исботлаш предметини аниқлайди.

Исботлаш предметини тўғри аниқлаш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Агарда иш учун муҳим бўлган бирон бир факт исботлаш предметига киритилмай қолган бўлса, бу ўз навбатида тарафларнинг ўзаро муносабатларини тўлиқ текшириш учун имконият бермайди ва гайриқонуний ҳал қилув қарорини чиқаришга олиб келади. Ишга алоқаси бўлмаган фактлар исботлаш предметига киритилган бўлса, бу ҳолат ўз навбатида кераксиз куч ва маблағни сарф қилиш, кераксиз материаллар билан процессни банд қилиш, суд ишларини юритишни чўзилиб кетишига олиб келади.

Далиллар исботлаш предметига кирадиган юридик фактларни белгилаш воситаси бўлибгина қолмай, шу билан биргаликда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни исботлаш фактлари қонун бу фактлар билан у ёки бу турдаги процессуал ҳуқуқий оқибатларни боғлайди. Маслан, ўлказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш, иш юритишни тўхтатиш йки тугатиш ва бошқалар, ҳуқуқ тартиботни бузишга мойиллик берадиган ҳолатлар ва шунга ухшашлар.

54-модда ҳўжалик иши бўйича исботлаш воситаларнинг турларига тарафлар ва учинчи шахсларни баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма далиллар, ашёвий далиллар ва экспертларнинг хулосаларини киритади. Муомала лаёқатига эга булмаган фуқароларнинг қонуний вакиллари (ХПК 50-модда) ва юридик шахснинг органи сифатида катнашувчи ташкилотларининг раҳбарлари (ХПК 49-модда) исботлаш воситалари таркибига киритилмаган. Шундай бўлсада, кўрсатиб ўтилган вакиллар ёки раҳбарларнинг ҳаракатларини низонинг предмети бўлган тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатга бевосита таъсир килади. Шунинг учун уларнинг суд муҳокамасида бундай ҳаракатлар берган баёнотлари фактик жиҳатдан тарафларнинг баёнотлари ўрнини эгаллайди ва суд амалиётида айнан тарафларнинг баёнотлари ёки тегишли учинчи шахсларнинг баёнотларидай қаралади.

55-модда. Исботлаш мажбурияти

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади.

Ҳўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

55-модда исботлаш бурчини умумий қоидаларини ифодалайди ва суднинг исботлаш жараёнидаги ролини мустақкамлайди. Шу билан биргаликда ҳўжалик процессни тортишувчилик характерини ҳам ифодалайди.

Даъвогар даъвонинг асоси бўлган, яъни низоли ҳуқуқий муносабатни мавжудлиги билан боғлиқ фактларни ва даъвогарнинг ҳуқуқларини жавобгар томонидан бузганлиги ёки низолашишдан далолат берувчи фактларни исботлашга мажбур.

Даъвогар ўзининг эътирозига асос қилиб олган ҳолатлар тўғрисидаги фактларни исботлаш бурчи жавобгарга юклатилади. Аниқ иш юзасидан ҳар бир тараф томонидан исботланиши керак бўлган фактлар низоли ҳуқуқий тартибга солиб борувчи моддий-ҳуқуқий нормалар мазмунини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Исботлаш бурчининг тақсимотини умумий қоидаларидан истиснолар баъзи ҳолларда моддий ҳуқуқ нормаларида кўрсатиб қўйилиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бундай истиснолар исботлаш презумпцияси ёрдамида қилинади.

Қонун исботлаш презумпциясини ўрнатиш йўли билан тарафлардан бирини мавжуд бўлган маълум фактларни исботлашдан озод қилади. Бошқа тараф бу фактни аксини исботламагунга қадар у қонун кучи билан мавжуд деб фараз қилинади.

Масалан, ФК нинг 985-моддасига асосан зарарни етказилганлиги фактини исботлашда бу факт даъво талабларининг асосига кирса ҳам, жабрланувчи зарар етказганининг айбини исботлаши керак эмас. Зарар етказган ўзининг айбдор эмаслигини исботлагунга қадар, зарар етказган айбдор деб фараз қилинади.

ХПКнинг 60-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ҳаммага маълум булган фактларни ва суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ҳукми билан аниқланган фактларни исботлашдан озод қилинадилар. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу фактлар бошқалардан фарқ қилиб, исботлашга муҳтож эмас, шу билан биргаликда буларни инкор қилиб ҳам бўлмайди.

55-модда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ишда иштирок этувчи тарафлардан бошқалар исботлашга мажбур эканлигини назарда тутмаган. Лекин шу нарса аниқки, бу модданинг ҳаракати процессда иштирок этишдан манфаатдор бўлганларнинг барчасига алоқадордир.

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча мажбуриятларини бажаради. Шунинг учун у ўзининг талабларини асослайдиган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс, процессда тараф билан ўзининг ўртасидаги муносабатга таъсир қилувчи фактларни исботлаши лозим.

Бошқа шахсларни манфаатларини химоя қилиш учун даъво

қўзғатувчи прокурор ва бошқа ташкилотлар ёки фуқаро, ўзлари қўзғатган даъвони асосида ётган ҳолатларни исботлашга мажбурдирлар.

Агар прокурор, давлат бошқарув органи ёки жамоатчилик вакиллари бошланган процессга киришса, ишни туғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлганқандайдир янги фактларни суднинг муҳокамасига тавсия қилган бўлсалар, бунда уларни тегишли далиллар билан тасдиқлаб беришга мажбур.

Ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар фактларни ўзларига маълум бўлган далиллар ёрдамида тасдиқлайдилар. Улар ёзма ва ашёвий далилларни судга тақдим этадилар, гувоҳларни кўрсатадилар, экспертиза тайинлашни тавсия қиладилар, ўзлари иш ҳолатлари бўйича баёнот берадилар.

Агар мавжуд бўлган материаллар етарли бўлмаса, суд маълум ҳолатларни исботлашилосим бўлган шахсга қўшимча далилларга ҳавола қилишни ташкил қилади. қўшимча далилларни тақдим этиш имконияти бўлмаганда, улар процессда иштирок этмайдиган шахсларда бўлган ҳолларда суд далилларни ўз ташаббуси билан тўплайди.

Фактларни исботлаш процессида, исботлаш бурчи қайси тарафга юклатилган бўлса, бошқа тараф ва бошқа манфаатдор шахслар далилларни текширишда фаол иштирок этишга ҳақли. Улар тақдим этилган материалларни инкор этиб судга ўзларининг далилларини тақдим этишлари, қарши тарафдан айтиладиган ваҳдаларга эътироз билдиришлари мумкин.

Исботлаш бурчини тақсимланишини умумий қоидалари Кодексининг бир қатор моддаларида аниқлаштирилган. Масалан, ХПКнинг 112-моддасида бўйича даъвогар даъво аризасида ўзининг даъво талабларини асослайдиган ҳолатларни ва даъвогар баён қилган ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиши керак. ХПКнинг 24-моддасига биноан суд чақирув хати ишда иштирок этувчи шахсларни иш бўйича ўзларига мавжуд далилларни тақдим этишлик туғрисидаги тақлифларини ўзида ифода этиши керак.

ХПКнинг 122-моддаси судьяга ишни кўришга тайёрлаш босқичидаёқ ишни мазмунан кўришда суд нисзони ҳал қилиш учун етарли материалларга эга бўлишини барча чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Исботлаш предметини аниқлаш, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш, далилларни тўплаш борасидаги суднинг фаоллиги, судга кўриб ҳал қилинаётган низо бўйича ҳақиқатни тиклаш учун имконият яратади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида исботлаш бурчларини нотўғри тақсимлаш, уларнинг процессуал ҳуқуқларини бузишлик хисобланади ва гайриқонуний ҳамда асослаштирилмаган ҳал қилув қарорини чиқаришга олиб келиши мумкин.

56-модда. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш

Далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Суд зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўров беради. Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради.

Агар шахс хўжалик суди талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига бутунлай эга бўлмаса ёки суд белгилаган муддатда тақдим эта олмаса, у суднинг сўровини олганидан сўнг беш кунлик муддат ичида бу ҳақда сабабини кўрсатиб судни хабардор қилиши шарт.

Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорда жарима солинади.

Жарима солиниши талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсни далилни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади. Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлигини, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Суд зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўровнома беради. Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга топшириш учун тегишли сўровга эга булган шахсга беради. Агар шахс хўжалик суди талаб қилётган далилни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса ёки суд белгиланган муддатда тақдим эта олмаса, у суднинг сўровини олганидан сўнг беш кунлик муддат ичида бу ҳақда сабабини кўрсатиб судни хабардор қилиши шарт. Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган шахс далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, у шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади. Талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга жарима солиниши уни далилни хўжалик судига тақдим этиш маж-

буриятидан озод қилмайди. Далиллар ишда иштирок этувчи шахслартомонидан тақдим қилинади. Ишда иштирок этувчи шахс. Ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсда бўлган зарур далилларни мустақил тарзда олиш имкониятига эга булмаган тақдирда, ушбу далилни талаб қилиб олиш тўғрисида ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаатда ушбу далил билан иш учун муҳим аҳамиятга эга булган қандай ҳолатлар аниқланиши кераклиги, унинг турган жойи кўрсатилиши керак. Суд зарур холларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўровнома беради. Суд томонидан талаб қилиниётган далил кимнинг қўлида бўлса, уни талаб қилаётган судга ёки бериш учун сўровномага эга бўлган шахснинг қўлига топширади.

Агар шахар ҳўжалик суди талаб қилаётган далилни суд томонидан белгиланган қўйдаги муддатда тақдим этишга умуман имконияти бўлмаса, суд хабарномасини олиш учун, бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда беш кун ичида хабар қилишга мажбур

Агар талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятининг бажарилганлиги сабабларини ҳужалик суди узурсиз деб топса, у кимнинг қўлида бўлса ўша шахсга икки юз минимал миқдорда иш ҳақиғача жарима солади. Жарима тсолишлик далилни эгаллаб турган шахснинг ушбу далилни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ёзма далилларни талаб қилиш борасидаги илтимос ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳам, шунингдек ишни кўриб хал қилиш босқичида ҳам билдириши мумкин. Биринчи ҳолатда далилларнинг даҳдорлигини ҳисобга олган ҳолда масалани судья ҳал қилади, иккинчи ҳолда масалани суд судда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларидан ва прокурорларнинг хулосасини эшитганидан сўнг ҳал қилади.

Қайсидир ҳужжатни талаб қилиб олишни тавсия қилаётган шахс, бу ҳужжатнинг қанақалигини ва у қаердан эканлигини кўрсатишга мажбур. Агарда ушбу шахс у ёки бу сабабларга кўра қайси хулосада борлигини ёки эҳтимол борлигини, ҳужжатнинг олинганлини билмаса, суд ҳужжатни сақланаётган жойини аниқлаш ва уни мажлисда текшириш учун тақдим этиш таъминлашга мажбур.

Суд ёзма далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажримда ким қандай ҳужжатни қанчалик муддам ичида тўғри судга ёки суднинг сўрови бўйича ҳужжатнинг кераклигини кўрсатади. Зарур бўлган ҳолларда ҳужжатни тақдим этилишининг кўрсатилиши ҳам мумкин. Ҳужжатни тақдим этишлик тўғрисидаги талабни ўзида ифода этувчи суднинг хати ёки ажрими тегишли ташкилотларга ёки фуқарога юборилади.

Агарда далилларни бундай шаклда талаб қилиб олиш уни судга тезлик билан тақдим этишлик билан қулайликлар яратса, ҳужжатни олиш ҳуқуқини берадиган сўровнома процесс иштирокчисига берилади, Шундай бўлсада, бу ерда ушбу ҳолатда, ҳаттоки ҳуж-

жатни вақтинчалик манфаатдор шахсни қулига ўтиб қолганлигини қанчалик хавфли ёки хавфли эмаслигини ҳисобга олиш зарур.

57-модда. Далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш

Судга олиб келиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган далилларни, шунингдек тез бузиладиган ашёвий далилларни хўжалик суди улар жойлашган ерда кўздан кечириши ва текшириши мумкин.

Далилларни кўздан кечириш ва текшириш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади, уларнинг келмаслиги кўздан кечириш ва текшириш ўтказишга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда далилларни кўздан кечириш ва текширишда иштирок этиш учун экспертлар ва гувоҳлар чақирилиши мумкин.

Тез бузиладиган ашёвий далиллар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан хўжалик суди томонидан дарҳол кўздан кечирилиши ва текширилиши мумкин.

Далиллар турган жойида кўздан кечириб ва текшириб бўлиниши биланоқ баённома тузилади.

Ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган ёзма далилларнинг мазмуни ва характеридан келиб чиқиб, суд лозим даражада гувоҳлантирилган кўчирмаларини талаб қилиш билан чекланиши мумкин (масалан, буйруқдан ва уй дафтаридан кўчирма ва бошқалар). Бундай ҳолда ҳам ҳужжатни асл нусхасини талаб қилиб олиш ҳуқуқи судда сақланади.

Судга олиб келиш имкони бўлмаган ёки уларни тақдим этиш қийин бўлиб қолганда суднинг ажримига асосан сақланаётган далиллар, улар турган жойда кўздан кечирилади ва текширилади. Бундай ҳаракатлар суднинг барча таркиби иштирокида турар жойни кўздан кечириш (ХПК 62-модда) ва ёзма далилларни текшириш қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, ХПКнинг 122-моддасига кўра ишни судда кўришга тайёрлашда ҳам ҳужжатларни шахсан судьяни ўзи кўздан кечиришни амалга ошириши мумкин.

58-модда. Далилларнинг дахлдорлиги

Хўжалик суди кўрилайётган ишга дахлдор бўлган далилларнигина қабул қилади.

Суд далилларнинг дахлдорлиги қоидасига нафақат тақдим этиладиган далилларни қабул қилиб олиш масаласини ҳал қилишда, шу билан биргаликда қўшимча далилларни талаб қилиб олиш бўйича тавсияларни ҳал қилишда шунингдек, узининг ташаббуси билан далилларни тўплашда ҳам асосланади. Бу қоиданинг моҳияти

шундаки, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни далил сифатида қабул қилади ва текширади.

ХПКнинг 55-моддасига асосан юридик ва далилий жиҳатдан исботланадиган фактларни, процессуал характердаги айрим ҳолатларни (даъво муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари ва бошқалар) белгиланишидан далолат берувчи фактик маълумотларнигина иш учун аҳамиятли деб тан олиниши мумкин. Табиийки, агар фактик маълумотлар ушбу процесс учун бефарқ бўлса, исботлаш воситалари, уларнинг мазмуни ҳам иш учун алоқаси бўлмайди.

Далилларни дахлдорлиги масаласини тўғри ҳал қилиш, кам куч ва маблаг сарфлаб, барча ҳолатларни объектив ва тула маънода аниқлаб олишни таъминлайди. Аксинча, бу масала бўйича хатога йўл қўйиш ё исботланадиган далилий материалларни етарли бўлмай қолишига, ёнки ишни секин кетишига сабаб бўладиган кераксиз маълумотларни ўрганиш учун фойдасиз вақт, куч ва маблаг сарфлашга олиб келади.

Лекин, агар тегишли ҳолатлар бошқа далиллар ёрдамида белгилаб олинган бўлса, фактик маълумотлар ишга дахлдор бўлган тақдирда ҳам текширишни давом эттиришга зарурият қолмайди. Масалан, қандайдир факт бўйича катта гуруҳ хабардор бўлса, суд ишда иштирок этувчи шахсларни фикрини ҳисобга олиб, қолганлардан бир нечтасини сўроқ қилини билан кифояланиши мумкин, агарда, тараф улар томонидан тасдиқланган, исботланган фактларни тан олса ва суд бундай тан олганликни қабул қилса.

Суд ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган эгри далилларни дахлдорлигини аниқлашда маълум маънода қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Шу билан бирга шундай ҳолатлар бўладики, бир қараганда қайсидир фактик маълумотлар ишга алоқаси йўқдай туйилади, синчиклаб чуқур анализ қилинганда эгри далиллар билан исботланадиган факт, процесс учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ХПКнинг 58-моддасида ифодаланган далилларни дахлдорлиги тўғрисидаги норма ХПКнинг 55, 70-моддаларида ифодаланган нормалар билан боғлиқ. Буларда ёзма ёки ашёвий далилни тақдим этадиган гувоҳни чақиртиришни ёки уни талаб қилиб олишни илтимос қилган шахс қайси ҳолатлар гувоҳ томонидан тасдиқланиши ёки ёзма ҳамда ашёвий далиллар билан тасдиқланишнинг кўрсатишга мажбур. Агар суд далилни ишга дахлдор эмас деган хулосага келса, у асослангирилган ажрими билан уни қабул қилиб олишни ёки уни талаб қилиб олишни тўғрисидаги илтимосни рад этади.

59-модда. Далилларга йўл қўйилиши

Ишнинг ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлса, бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Далилларга йўл қўйилган қоидаларнинг маъноси шундан иборатки, қоидада кўрсатилган ҳолларда иш учун аҳамиятли бўлмаган ҳолатлар фақат маълум исботлаш воситалари орқали олинган фактлар билан тасдиқланиши мумкин. Масалан, моддий ҳуқуқий муносабатларни барқарорлиги ва низоларни тўғри ҳал қилиш учун фуқаролик қонунчилиги қатор битимларни ёзиш шаклига риоя қилиб тузиш мажбурийлигини ва шунга мувофиқ бундай шартномалар тузганлик фактини гувоҳларнинг кўрсатуви ёрдамида ўрнатилишини ман этади.

Масалан, ЎЗР ФКнинг 108-моддасига мувофиқ тузилиши билан ижро этиладиган битимларнинг суммасидан қатъий назар, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланмаган бошқа битимлардан ташқари фуқароларнинг ўн минимал иш ҳақи миқдоридан ошиқ суммага тузилган ўзаро шартномалари ёзма равишда амалга оширилиши керак. Шу билан биргаликда, ФКнинг 109-моддаси шуни белгилайдики, битимнинг қонун билан талаб қилинаётган олдий ёзма шаклига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимини тузилганлигини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Қонунда тўғридан тўғри кўрсатилган ҳолларда эса, унинг ҳақиқий эмаслигини, агар қарз шартномаси ёзма шаклда тузиладиган бўлса, бажариладиган ҳаракатлардан ташқари, уни асоссиз эканлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари бўйича низоланишга йўл қўйилмайди. Лекин келигувларни олдий ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги қоидаларни бузиш, тарафни бошқа қандайдир ёзма далиллардан (шартнома матнидан ташқари) фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Қонунда баъзи бир битимларни мажбурий тартибда нотариал шаклда расмийлаштириш кераклиги белгилаб қўйилган ва ушбу шаклга риоя қилмаслик келишувни ҳақиқий бўлмаслигига олиб келиши ҳам кўрсатилган. Шаҳарда ёки шаҳар типидagi қишлоқдаги уй-жойни олди-сотди шартномасининг тарафларидан бири фуқаро бўлса ва уй-жой рўйхатдан ўтказилган бўлса, шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

Бундай ҳолларда битимни тузганлиги факти шартнома матнини нотариал тартибда гувоҳлантирилганлиги билан тасдиқланади, бошқа ҳеч қандай, хаттоки, ёзма далиллар билан алмаштириши мумкин эмас.

Қарздор томонидан мажбуриятни бажарилганлик фактини қайси далиллар билан тасдиқланиши мумкинлиги тўғрисида бир қатор кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ўз ифодасини топган. Масалан, ФКнинг 340-моддасида кредитор томонидан ижрони қабул қилишда қарздорнинг талаби бўйича ижрони қисман ёки тўла қабул қилиб олганлиги тўғрисида унга тилхат

беришга мажбур эканлиги кўрсатилган. Агар қарздор қарздорлик ҳужжатни кредиторга берган бўлса, бунда кредитор ижрони қабул қилиб олишда ушбу ҳужжатни қайтариши керак, агар қайтариш имконияти бўлмаса, бунинг ўзининг берган тилхатида кўрсатиши керак. Тилхат қайтариб берилаётган қарздорлик ҳужжатидаги битилган ёзув билан алмаштирилиши мумкин. Мажбуриятни тугатилиши юзасидан бошқа ҳолат исботланмагунга қадар қарздорлар ҳужжатини жавобгарнинг қўлида бўлиши билан тасдиқланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг ушбу нормаси мажбуриятни ижро этганлиги фактини исботлаш воситалари билан боглиқ масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин ФКнинг 347-моддаси, қарздорга бу фактни суд олдида бошқа воситалар билан тасдиқлашни ман қилмайди, гувоҳларни кўрсатувлари билан фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина шартномани бажарганлиги факти маълум исботлаш воситалари билан тасдиқланиши керак.

60-модда. Исботлашдан озод қилиш асослари

Ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб топган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун умумий суднинг ҳал қилув қароридан аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳужми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар қимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

60-модда далиллар билан тасдиқланишга эҳтиёжи бўлмаган, лекин шундай бўлсада, иш учун аҳамиятли бўлган фактларнинг рўйхати кўрсатилган. Булар суд томонидан ҳақиқий деб қабул қилинади ва шунинг учун иш бўйича исботлаш предметига қирмайди. Шундай экан 60-моддада айтиб ўтилган фактлар тарафларнинг талаблари ва эътирозларига асос қилиб олинган бўлса ҳам улар исботлашдан озод қилинади. Бу фактларни ўзига хос томонлари яна шундан иборатки, буларни ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида рад қилиб бўлмайди.

60-моддага мувофиқ суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас. Ҳаммага маълум фактлар бу — хўжалик ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатлар, уларни мавжуд-

лигини судья, тарафлар ва процессни бошқа иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг кўпчилик қисмига маълум(масалан, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ҳаммага маълум фактлар бўйича иш учун муҳим бўлган ҳолатларни тан олса, суд уни иш бўйича ҳал қилув қарорида кўрсатади.

60-модда тарафларни кўрилган иш юзасидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан белгиланган фактларни исботлашдан озод қилади. Бу шундан далолат берадики, суднинг ҳал қилув қарорида бир маротаба қайд қилинган фактлар ҳал қилув қарори бекор қилинмагунча ҳақиқий ҳисобланади, улар ишни янгитан кўриб ҳал қилишда такроран текширилмайди, чунки бу ерда олдиндан тугатилган процессда манфаатдор шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни характерини аниқловчи ҳолатлар бўйича гап кетади.

Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланган ва хўжалик иши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларга келадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси эмас, маълум бир қисми исботлашга муҳтож бўлмайди. Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларнинг фуқаролик ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки содир этилмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир.

Фақат ушбу фактлар янгитдан исботланмайди ва исботлаш предметиға кирмайди. Масалан, жиноят йўли билан етказилган мулкий зарарни ундириш тўғрисидаги иш бўйича жиноят иши юзасидан айблов ҳукми чиқарилгандан кейин қўзгатиладиган давони кўриб ҳал қилишда, судлангanning айби ва зарар борасидаги фактлар исботланмайди.

Таҳмин қилинаётган ва низосиз, яъни бошқа тараф томонидан тан олинган фактлар суд томонидан текширилади, чунки булар хўжалик иши бўйича исботлаш предметиға киради. Қонун далилий исботлаш презумпциясини ўрнатиб, тарафлардан бирини таҳмин қилинаётган фактни ҳақиқийлигини исботлашдан озод қилади (ФК 985, 999-моддалари). Бошқа тараф аксини исботлагунча бу факт мавжуд деб ҳисобланади. Лекин суд низосиз ва фараз қилинаётган фактни ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини текширишга мажбур.

61-модда. Далилларга баҳо бериш

Хўжалик суди ишдаги мавжуд далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис текширишга асосланган ўз ички комил ишончи бўйича баҳолайди.

Ҳеч қандай далил хўжалик суди учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

Суддаги исботлаш суд томонидан ҳўжалик иши бўйича объектив ҳақиқатни билиб олиш юзасидан кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, бунда унинг ҳақиқий иш ҳолатлари ва тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланади. Суддаги исботлашнинг таркибий қисми далилларга баҳо бериш ҳисобланади.

Далилларга баҳо бериш ўзига исботлаш воситаларини суд томонидан текширишни қанчалик сифатли ўтказилганлиги, уларда ўз вазифасини топган маълумотларни ҳақиқийлигини белгилаш ва бу маълумотларни қанчалик далилий кучга эга эканлигини аниқлашни қамраб олади (яъни баҳо бериладиган далиллар асосида даъво қилинаётган ҳолат бўйича тегишли хулоса чиқариш масаласини ҳал қилишни).

Эгри далилларга баҳо беришда суд аниқланган барча далилий фактлар йигиндисидан келиб чиқиб, исботлаш предметига кирадиган юридик фактни мавжудлиги тўғрисида ишончли хулоса чиқариш мумкинлиги масаласини ҳам ҳал қилади. Иш учун аҳамиятли бўлган ҳар бир далил ва иш бўйича тўпланган барча далилларнинг йигиндиси баҳоланиши керак.

Мазкур модда қондаси судьянинг ички ишончи ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган бўлишини талаб қилади. Ички ишонч бўйича далилларга баҳо беришнинг маъноси шундаки, далиллар бўлиб ҳисобланган фактларни ҳақиқийлиги ва иш ҳолатларини ҳақиқатдан ҳам уларни мавжудлигини тасдиқлаб бериш учун фойдаланадиган далилларни судьяларнинг ўзлари ҳал қилади.

Суд мажлисида текширилган маълумотлардан қайси бирлари шубҳали ёки ёлгон, қайси фактик маълумотлар ёрдамида ва қайси ҳолатларни аниқланганлиги масаласини судьялар ўзларининг ички ишончи билан ҳал қилади. Бунда улар мантиқий категорияларни ҳисобга олиб, қонунга амал қилиб, амалиётда текширилган ўзининг билимига асосланади.

Суднинг ички ишончи, суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далиллар йигиндиси бўйича қонуний хулосалардан иборат бўлиб, объектив ҳақиқатни ифодалаши керак.

Ички ишонч — судьяларнинг таасуроти ёки қандайдир ҳисобот бермайдиган фикр эмас, балки суднинг иш ҳолатлари бўйича далилларга асосланганлиги, унинг тўғрилиги юқори турувчи суд инстанциялари томонидан текширилиши мумкин.

Ишни кўриб ҳал қилиш жараёнидан объектив ҳақиқатни суд томонидан ўрнатилишнинг критерияси амалиёт ҳисобланади. Суд, далиллар бўлиб ҳисобланадиган фактларни ҳақиқийлигини улар судга тақдим қилинганлиги ва ишни кўриб ҳал қилишда мавжуд бўлганлиги учун уни мажлисда текширади. Суд бундай текширишни ҳар бир далилни таққослаш йўли билан, янги гувоҳларни сўроқ қилиш,

экспертиза ёрдамида қушимча ҳужжатларни текшириш, жойни кўздан кечириш ва бошқа процессуал ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Олдинлари ўтиб кетган иш ҳолатларини суд бевосита идрок қилишни анча қийн. Суд бу ҳолатларни даъволи ҳолатлар ва далиллар ўртасидаги алоқаларни анализ қилиб белгилайди. Бундай алоқаларни текширишда судья табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари, турли ҳилдаги ходисаларни мутаносибдиги ва бошқалар бўйича амалиётда текширилган ўзининг билимидан фойдаланади.

Далилларга баҳо бериш учун судьянинг ҳуқуқий онги, уларнинг ҳуқуқий қарашлари, суд ишларини юритиш қоидаларини ва одил судлов вазифаларини маъносини тушунишлиги муҳим аҳамиятга эга.

Далилларни текшириш ва иш учун аҳамиятли фактларни белгилаш борасида судьялар уз фаолиятларини амалга оширишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига асосланади. Бу нормаларга қаттиқ риоя қилиш — суднинг ҳулосаларини ҳақиқийлигини зарур шартидир.

Далилларга эркин баҳо бериш тамоили далилларга формал тарзда баҳо беришга қарама-қарши бўлиб, бунда уларнинг кучи судьялар томонидан эмас, олдиндан қонун билан аниқланган бўлади.

Ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Судья далил сифатида тақдим қилинган далиллар ёлгон ёки шубҳали эканлигига ишонч ҳосил қилса, судьяҳар қандай далилни рад этиши мумкин.

Суднинг далилларга баҳо берилганлиги ҳал қилув қарорида ўз ифодасини топади. Унда иш ҳолатлари бўйича суднинг ҳулосаларига асос қилиб олинган далиллар ва у ёки бу далилни рад этганлиги тўғрисидаги суднинг келтирган асослари ҳам кўрсатилиши керак.

62-модда. Ёзма далиллар

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни уз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан, факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади.

Ёзма далиллар асл нусхада ёки тегишлича тасдиқланган нусха шаклида тақдим этилади. Агар кўрилаётган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми алоқадор бўлса, унинг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Иш ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда хўжалик судининг талаби билан уларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан хўжалик судига топши-

рилган ёзма далилларнинг нусхалари хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, қўлида шундай нусхалар бўлмаган бошқа шахсларга юборилади (берилади).

Фақат харфлар ёрдамида қозғоғдагина бажарилган ҳужжатларгина эмас, умуман иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги харфлар билан ёзма шаклда ёзилган маълумотларни ўзида ифода этган предметлар ҳам ёзма далил бўлиб ҳисобланади.

Ёзма далиллар фактларни маънавий мазмунини тасдиқлайди. Шу томонлари билан ўзига хос хусусиятлари билан иш учун аҳамиятли ҳолатларни белгилайдиган ашёвий далиллардан фарқ қилади. Ёзма далилларга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар, хизматга дахлдор ёки шахсий характердаги ва бошқа ҳилдаги турли ҳужжатлар: гувоҳнома, аттестат, дипломлар, маълумотномалар, шартнома матнлари, тилхатлар, чизмалар, карталар ва бошқалар киради.

Ёзма далиллар фуқаролик суд ишларини юритишда муҳим аҳамиятга эга. Шу жумладан хўжалик иши бўйича суд ишларини юритишда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида бир қатор битимлар учун улар ёзма шаклда расмийлаштирилишини мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Қонун бўйича маълум фактларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар талаб қилинадиган бўлса, у ҳолда бундай фактларни гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ва юридик шахслар моддий-ҳуқуқий муносабатларини қатъийлигини таъминлаш ва шартнома шартларини аниқ қайд қилиш мақсадида уни кўпинча мажбурий тартибда ёзма равишда расмийлаштирилади. Бундай ҳужжатларни мавжудлиги ва улардан далил сифатида фойдаланиш низоларни тўғри ҳал қилиш учун имконият ярадади.

Ёзма далиллар таъкидланиши ёки қайд қилиниши керак бўлган ва таъкидланиши ёки қайд қилиниши керак бўлмаган ҳужжатларга бўлинади. Масалан, ФКнинг 479-480-моддаларига асосан шаҳар ёки шаҳар типдаги посёлкадаги (қишлоқдаги) кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси тарафларидан бири фуқаро бўлган тақдирда нотариал тартибда гувоҳданштирилиши керак.

Ҳужжатлар ўзининг асли ва кўчиртма нусхалари билан ҳам фарқланади. Хўжалик ишини кўриб ҳал қилишда, қоида бўйича ҳужжатни аслини тақдим этиши талаб қилинади, агар уни олиш имконияти бўлмаса, ҳужжатни нусхаси билан кириб келинади. Ҳужжатни нусхаси суд мажлисида текшираётганда нусха олиш қоидаларига риоя қилганлиги ва асли билан нусхасини шакли ва мазмунини бир хилдалигини текшириш лозим.

Ёзма далилларга баҳо беришда ҳужжатни фактик маълумотларнинг манбаси сифатида унинг қанчалик сифатли эканлигини тек-

ширилади ва ҳужжатни мазмуни баҳоланади, яъни иш учун аҳамиятли булган ҳолатларни тасдиқлашда улардан қайси бирларида ифодаланган маълумотлар ва бу маълумотларнинг қанчалик ҳақиқийлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

62-модда ёзма далилларни тақдим этувчига ёки уни жалб қилиб олишни тавсия қилган шахсга, ушбу далил билан иш учун аҳамиятли булган ҳолатлардан қайси бирлари белгиланиши мумкинлигини исботлаб бериш мажбуриятини юклайди. Ушбу талабни амалга ошириш суд томонидан далилларни дахлдорлиги ва уни ишга қўшиб қўйишни қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги масаласини тўғри ҳал қилиш учун имконият яратади.

63-модда. Ҳужжатларнинг аслини қайтариш

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асли уларни тақдим этган шахсларнинг илтимосномасига кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин, агар суд ҳужжатни қайтариш низоининг тўғри ҳал қилинишига зарар етказмайди деган хулосага келса, ишни юритиш жараёнида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар уларга қайтариб берилиши мумкин. Илтимоснома билан бир вақтда мазкур шахслар ҳужжат аслининг тегишлича тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар ёки ишда қолаётган нусханинг аслига тўғрилиги суд томонидан тасдиқланишини илтимос қиладилар.

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асли уларни тақдим этган шахсларнинг илтимосномасига кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори кучга киргандан кейин, агар суд ҳужжатни қайтариш низоини тўғри ҳал қилинишига зарар етказмайди деган хулосага келса, ишни юритиш жараёнида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар уларга қайтариб берилиши мумкин.

Илтимоснома билан бир вақтда мазкур шахслар ҳужжат аслининг тегишлича тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар ёки ишда қолаётган нусханинг аслига тўғрилиги суд томонидан тасдиқланишини илтимос қиладилар.

Қонун ҳужжатларининг асли нусхаларини тақдим этган шахслар манфаатини ҳимоя қилади ва бир вақтнинг ўзида ҳал қилув қарори апелляция тартибида бекор қилинган ҳолда ишни такроран кўриб ҳал қилиш имкониятини таъминлайди. Шунинг учун ХПКнинг 63-моддасида ҳужжатларнинг аслини манфаатдор бўлмаган шахсларга ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейингина қайтариб берилиши кўрсатилган (ХПК 146-модда).

Ҳужжатнинг аслини қайтариб бериш тўғрисидаги масалани судьянинг ёлғиз ўзи ҳал қилади. Ишда ҳужжатнинг асли ўрнига манфаатдор шахс томонидан тақдим этилган судья томонидан гувоҳлантирилган нусхаси қўйилади.

Ҳужжатнинг аслини қайтариб олганлиги тўғрисида манфаатдор шах унинг нусхасига имзо чекади.

64-модда. Ашёвий далиллар

Ўзининг ташқи кўриниши, ички хусусиятлари, турган жойи ёки бошқа белгилари билан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қила оладиган ашёлар ашёвий далиллар ҳисобланади.

Ўзининг ташқи кўриниши, ички хусусиятлари, турган жойи ёки бошқа белгилари билан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қила оладиган ашёлар, далиллар ҳисобланади.

Ўзининг белгилари, хусусиятлари, сифати, турган жойи ёки мавжудлиги билан иш учун аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қиладиган предметлар ашёвий далиллар ҳисобланади.

Бундай далиллар сифатида ҳар хил турдаги предметларни (қимматбаҳо суратлар, яроқсиз кийим-кечаклар ва бошқалар) кўрсатиши мумкин.

64-модда қоидаси ашёвий далилни тақдим этувчига ёки уни талаб қилиб олишни тавсия этган шахсга ушбу далил билан қанақанги ҳолатларни аниқлаб олишни кўрсатиб бериш мажбуриятини юклайди.

Мазкур талабга риоя қилиш далилларни даҳрдорлиги тўғрисидаги нормани ҳисобга олган ҳолда иш бўйича судга тақдим этилган аниқ предмет ёки талаб қилиб олинмиши тавсия қилинаётган предмет далил булиб ҳисобланадими ёки йўқми деган саволни тўғри ечиш учун имконият беради.

65-модда. Ашёвий далилларни сақлаш

Ашёвий далиллар хўжалик судида сақланади. Хўжалик судига келтириб бўлмайдиган ашёвий далиллар турган жойида сақланади. Улар батафсил тасвирланиши, муҳрлаб қўйилиши, зарур ҳолларда эса фотосуратга ёки видеотасвирга олинмиши лозим.

Хўжалик суди ва сақловчи ашёвий далилларни ўзгармайдиган ҳолатда сақлаш чораларини кўрадилар.

65-модда қоидаси шундай тартибни ўрнатадики, бунга риоя қилишлик, ашёвий далиллар бўлган предметларни ўзгартирилмайдиган ҳолатда сақлаш ва уларни суд мажлисида текшириш имкониятини таъминлайди. Бундай предметларни сақлаш тартиби масаласини уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суд ҳал қилади. Ашёвий далил аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар ишда сақланади.

Турли хилдаги майда нарсалар иш билан бирга пакет ёки конвертларда сақланиши мумкин. Катгароқ бўлган ашёлар, тузилган рўйхат бўйича (опис) суднинг ашёвий далилларни сақлаш хонасига топширилади.

Низоли ашёнинг ўзи ашёвий далил бўлиб қолса, бундай ҳолда уни сақлаш мулкка арест солиш (рўйхатга олиш) чорасини қўллаш йўли билан даъво ни таъминлаш учун имконият яратади.

Судга олиб келиши мумкин бўлган предметлар, улар қаерга бўлса ўша жойда сақланади. Бу ашёлар батафсил тавсифланиб ёзилиб олинган бўлиши, зарур бўлиб қолган ҳолатда эса, фотосуратга олинлиши, муҳрланиб сақлаш учун топширилиши керак. Далил ҳисобланадиган иш учун аҳамиятли бўлган ашёнинг белгиси ёки хусусияти жойни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомада қайд этилади. Бундай кўздан кечиришлик турлича: далилларни таъминлаш тартибида (ХПКнинг 72-73-моддалари) ишни суда кўришга гайёрлаш вақтида суд топшириғини бажаришда (ХПКнинг 74-75-моддалари) ва ниҳоят ишни кўриб ҳал қилиш босқичида (ХПКнинг 122, 126-моддалари) ўтказилиши мумкин.

66-модда. Ашёвий далилларни қайтариш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ашёвий далиллар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилади ёхуд суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади ёки суд белгилайдиган бошқа тартибда реализация қилинади.

Айрим ҳолларда хўжалик суди ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин башарти, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар уларни қайтариб беришни илтимос қилган бўлсалар ва бундай илтимосноманинг қамоатлантирилиши низонинг тўғри ҳал этилишига зарар келтирмаса, улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга иш юритиш жараёнида қайтариб берилиши мумкин.

Хўжалик суди ашёвий далилларни қайтариш масалалари юзасидан ажрим чиқаради.

Қонунга мувофиқ айрим шахсларнинг эғалигида туриши мумкин бўлмаган ашёлар тегишли ташкилотларга топширилади.

Қоидага асосан, ашёвий далиллар хўжалик судининг қарори кучга киргандан сўнг қайтарилиши мумкин. Ашёвий далиллар даъво суд қарори билан рад этилганда бу қарорни кассация инстанциясида рад этилган ёки ишни биринчи инстанция судига қайтадан кўришга юборилган тақдирда уни қайта ўрганиб чиқиш имконини беради.

Ашёвий далиллар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилади ёки суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган

бўлса, ўша шахсларга берилади. Бунга хўжалик судининг низоли ашёларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асос бўлиб хизмат қилади. Ашёвий далилларнинг қайтариб берилиши ёки берилиши хўжалик судининг қарори кучга киргандан сўнг судьянинг топшириғига биндан амалга оширилади. Тегишли ашёларни олганлик ҳақида ишда тилхат бўлиши керак. Шунингдек, ХПКнинг 66-моддасидаги қоида ўзи жойлашган жойда сақланаётган ашёвий далилларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Қонунга мувофиқ айрим шахсларнинг эгалигида туриши мумкин бўлмаган ашёлар (тилла, кумуш, танга ҳолатидаги, ишланмаган ҳолатдаги ҳамда қолипдаги платина, кучли таъсир қилувчи захарли ва наркотик моддалар ва шу каби) тегишли ташкилотларга топширилади. Шу билан бирга, ашёларнинг инсофли эгаларига тегишли тартибда муомаладан олинганлиги сабабли компенсация тўланиши мумкин.

Айрим ҳолларда ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин ашёвий далилларни тақдим этган шахсларга қарор кучга киришидан аввал қайтариб берилиши мумкин.

Бу фақат, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар қайтариб беришни илтимос қилган бўлсалар ва бундай илтимосноманинг қаноатлантирилиши низоининг тўғри ҳал этилишига зарар келтирмаган тақдирда қайтариб берилиши мумкин. Ашёвий далил қайтариб берилган тақдирда, заруриятига қараб, қарор кучга киргунга қадар қайтариб олинган ашёни ўзгармас ҳолда сақлаб туриш мажбуриятини белгиллаган тилхат олинishi мумкин.

Агар ашёвий далилларни тақдим этган шахсларга қайтариб бериш ҳақидаги илтимоснома кўриб чиқиладиган мажлисда ишда қатнашаётганларнинг ҳаммаси бўлмаса ёки илтимосноманинг қаноатлантирилишига қаршилар бўлса, қарор кучга киргунга қадар қайтариб олинган ашёни қонуний эгасига қайтариш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

67-модда. Экспертиза тайинлаш

Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволлари ва экспертларнинг номзодлари бўйича таклифларини тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг уziel-кесил мазмунини хўжалик суди белгилайди. Ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этган саволларни рад этишни суд асослаб бериши шарт.

Экспертиза тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ҳуқуққа оид бўлган масалалардан ташқари ҳар қандай фан, техника, ҳунар ва санъат соҳаларига тегишли бўлган масалаларни тушунтириб бериш учун эксперт тайинланиши мумкин. Ҳуқуққа оид масалалар бўйича эксперт тайинланмайди, сабаб бу ваколат фақат судга берилган.

Экспертизанинг қуйидаги турлари кўпроқ учраб туради: тиббий, рухий, криминалистик, кимвий, бухгалтерлик, товарларни аниқлаш, қурилиш ва бошқалар.

Судни қизиқтирадиган масаланиҳал қилишлик учун фақат бир билим соҳасини эмас, балки турли мутахассисликка оид бўлган билимларни талаб қилинса, бир нечта эксперт тайинланади. Комплекс тариқасида ўтказиладиган экспертиза амалиётида кенг тарқалган. Текшириш ёки такроран экспертиза ўтказиш мураккаб бўлиб қолганда бир мутахассислик бўйича бир нечта эксперт тайинланиши мумкин, яъни комиссия тариқасидаги тайинланадиган экспертиза.

Агар судни қизиқтирган саволларни экспертнинг ҳал қила олмаслиги олдиндан маълум бўлса, экспертиза тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Қачонки иш ҳолатлари бошқа далиллар ёрдамида аниқланиши мумкин бўлса, «ҳар эҳтимолга қарши» тариқасида экспертиза тайинлаш учун зарурият йўқ.

Жиноят процессуал Кодексидан фарқли ўлароқ Хўжалик процессуал Кодексида мажбурий тартибда экспертиза тайинлаш ҳоллари кўрсатилмаган. Экспертлар ўтказиш ўтказиш зарурияти аниқ фуқаролик ишининг ҳолатлари ва белгиланиши керак бўлган фактларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шундай бўлсада, суд амалиётида ва фуқаролик ишлари бўйича мажбурий тартибда экспертиза тайинлаш ҳоллари учраб турибди. Бунга мисол қилиб, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида иш қўзғатишда унинг рухий ҳолатини аниқлаш юзасидан суд психиатрия, жабрланувчининг қанчалик умумий ва профессионал меҳнат қобилиятини йўқотганлигини аниқлаш борасидаги масалани аниқлаш учун эса, тиббий суд экспертзасини тайинлашини кўрсатишимиз мумкин.

Махсус билимлар орқали тушунтирилиши лозим бўлган саволларни тушунтириш учун суд таркибида ушбу билимга эга шахс бўлган тақдирда ҳам, суд экспертиза тайинлайди. Бу шахслар бевосита текшириш ишларини амалга оширишга ҳақли эмаслар, чунки эксперт ва судьянинг ваколати ҳар хил, буларни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Суд ҳал қилув қарорини чиқаргунга қадар процесснинг ҳар қандай босқичида тарафлар, учинчи шахслар, прокурорнинг илтимоси (тавсияси) бўйича шунингдек, ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин. Ишни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўришда қайсидир саволни билиб олиш зарурияти тугилса, мутахассиснинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин, фақат

маслаҳат тариқасида, экспертиза шаклида эмас. Бундай маслаҳат хулоса шаклида эмас, балки маълумотнома шаклида расмийлаштирилади, баъзида бу маълумот ишни янгидан кўриш зарурияти борасида хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс экспертни олдига қўядиган саволлардан хоҳлаган саволларини судга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Пировардида бу саволларни судья ёки суд экспертиза тайинлани тўғрисидаги ажримда ифодалаб беради. Ажримнинг резалютив, қарор қисмида экспертиза ўтказиладиган муассаса, ёки хулоса бериш учун топшириқ берилган экспертларнинг фаолиятлари шунингдек, экспертга жўнатилаётган барча материаллар кўрсатилади.

68-модда. Экспертиза ўтказиш тартиби

Экспертиза хўжалик суди топшириғига кўра экспертиза муассасаларининг ходимлари ёки бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади. Экспертизани ўтказиш бир неча экспертга топширилиши мумкин.

Экспертиза хўжалик судининг мажлисида ёки, агар текширишнинг хусусиятига кўра зарур бўлса ёхуд материалларни мажлисда текшириш учун олиб келиш мумкин бўлмаса ёки уларни олиб келиш қийин бўлса, мажлисдан ташқарида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза ўтказиლაётганда ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Бундай иштирок этиш ёки экспертизани суд мажлисидан ташқарида ўтказиш экспертларнинг нормал ишлашига ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар экспертизани ўтказиш икки ёки ундан ортиқ экспертга топширилган бўлса, улар ўзаро кенгашишга ҳақлидир. Агар экспертлар умумий хулосага келсалар, улар битта умумий хулоса берадилар. Бошқа экспертларнинг фикрига қўшилмаган эксперт алоҳида хулоса беради.

Эксперт муассасага берилган топшириқ бўйича экспертиза тайинлаш ва уни амалга ошириш маълум хусусиятларга эга. Суднинг ажримида экспертнинг шахсан ўзини эмас балки эксперт муссасини кўрсатади.

Эксперт муассасининг бошлиғи экспертга у ёки бу тарзда хулоса бериш ёки унинг хулосасини ўзгартиришга мажбур қилишга ҳақли эмас. Қайси мутахассисга экспертиза ўтказиш топширилган бўлса, текширишни тўғрилиги бўйича шахсан у жавоб беради.

Эксперт ёки эксперт муассаси раҳбари орқали қўйилган саволларни мазмунини аниқлаш хулоса бериш учун ўзига зарур бўлган қўшимча материалларни талаб қилишга ҳақли. Суд мажлисида иштирок этиш ёки сўроқ қилиш учун эксперт, эксперт муассасининг раҳбари орқали чақиртирилади. Ишни судда кўришга тайинлашда судья экспертни белгиланган вақтда суд мажлисида иштирок этиш имконияти борлигини олдиндан эксперт муассасининг бошлиғидан аниқ-

лаши керак, чунки баъзи ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир неча суд мажлисида иштирок этиш учун чақирув ҳатини олиши ёинки касаллиги, хизмат сафари, таътилдалиги сабабли ишни кўриб ҳал қилишнинг бошланишига етиб келмай қолиши юз беради.

Криминалистик, суд тиббий, товарлар ва бошқа турлар бўйича экспертизани мувафакқиятли ўтказиш учун махсус асбоб ускуналар ва лаборатория базаси зарур. Экспертизаларни қоида бўйича судда ишни кўришга қадар тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар бундай экспертиза учун зарурият ишни кўриб ҳал қилиш босқичида келиб чиққан бўлса, ишни кўришни кейинга қолдириб, материалларни эксперт муассасига юборилгани маъқул.

Баъзан экспертизани бевосита судда ишни кўриб ҳал қилиш жараёнида ўтказиш мумкин. Бунда суд бунинг учун вақт ажратади ва текшириш учун зарур бўлган хона тақдим этади. Агар суд жараёнида ишни амалга ошириладиган текшириш экспертиза ўтказиш учун олиб келинадиган предметларни судга олиб келиш мумкин бўлмаганлиги туфайли қайсидир корхона, муассаса, ташкилотларда бажариши керак бўлиб қолган тақдирда экспертга ишлаш учун етарли шароит ярати беради.

Суд экспертиза ўтказишни бир ёки бир нечта экспертга топширишга ҳақли (комиссия). Тегишли мутахассисни танлашда суд ишда иштирок этувчи шахсларни фикрини ҳисобга олади. Тарафлар экспертиза ўтказишни аниқ бир шахсга ёки бир нечта шахсга топширишни тавсия қиладилар. Одатда экспертизани такроран ўтказиш учун ёки экспертиза оғир жисоний, кимёвий меҳнати ва бошқа илмий методлар шунингдек, стационар жиҳатдан текшириш узоқ вақт талаб қилса, бир неча эксперт тайинланади.

Ишни бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарадиган ҳар бир эксперт текширишни бошидан то охиригача мустақил тарзда амалга оширади. Экспертлар маслаҳатлашишлари мумкин. Зарур булган ҳолларда текширишликни улар тўла ёки қисман биргаликда ўтказишади.

Ўтказилган текширувлар натижаси бўйича экспертлар бир хулосага келсалар умумий қилиб битта хулоса берадилар. Ягона бир хулосага келолмасалар ҳар бир эксперт алоҳида-алоҳида тарзда хулоса тузади.

69-модда. Экспертнинг хулосаси

Эксперт ёзма шаклда хулоса беради. Экспертнинг хулосаси ўтказилган текширишларнинг батафсил баёнини, улар натижасида чиқарилган хулосаларни ва ҳўжалик суди томонидан қўйилган саволларга жавобларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Агар эксперт экспертиза ўтказиётганида ўзига қўйилган саволларда кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқласа, шу ҳолатлар тўғрисидаги фикрларини ўз хулосасига киритишга ҳақли.

Экспертнинг хулосаси ҳўжалик судининг мажлисида текширилганда ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади

Экспертнинг хулосаси етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаса, хўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни ўша ёки бошқа экспертга топшириши мумкин.

Хўжалик суди экспертнинг хулосасига қўшилмаса, ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига қўра қайта экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни бошқа экспертга топшириши мумкин.

Экспертнинг хулосасида олиб борилган текширишни барча жараёнлари ва қўйилган саволларга илмий жиҳатдан асослангандирилган жавоблар батафсил баён қилинади. Экспертни махсус билими ёрдамида аниқланган фактик маълумотлар иш буйича далил бўлиб хизмат қилади. 69-модда қондаси хулоса тузишга тегишли бўлган умумий талабларни аниқлаб беради, яъни текшириш жараёнини кенг қамровли қилиб ифодалаб бериш, экспертнинг хулосаларини асослангандирилган бўлиши, саволларда кўрсатилмаган ҳолатлар буйича хулосаларга йўл қўйилиши ва бошқалар.

Қўп экспертлар ҳозирги кунда турли хилдаги суд экспертизаларни хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда хулосаларини тузиш қоидалари ишлаб чиқилган давлат эксперт муассасаларида ўтказдилар. Эксперт текширувини жараёни ва унинг натижаси маълум бир тартибда ифодаланadi. Экспертнинг хулосаси асосан 3 қисмдан иборат: яъни кириш, текшириш, хулосадан иборат бўлади. Зарурият гутилганда хулосага унинг таркибий қисми бўлган турли иллюстрация материаллари — схема-чизгичлар, фотосуратлар, жадваллар илова қилинади.

Давлат эксперт муассасининг хулосалари махсус бланкда тузилади. Унда биринчи навбатда тўғри хулоса бермаса ёки хулоса беришдан бош тортса, била туриб ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида экспертни огоҳлангандирилганлиги қайд этилади, эксперт тўғрисида маълумотлар (исми шарифи, фаолияти, маълумоти, мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими) кўрсатилади.

Хулосанинг кириш қисмида:

- а) хулосани тузилган вақти ва рақами;
- б) экспертиза тайинлаган суднинг номи ва экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримни чиқарилган вақти;
- в) ашёвий далилларнинг номлари, таққослаш учун юборилган материаллар ва намуналари;
- г) эксперт томонидан ҳал қилиш учун қўйилган саволлар.

Хулосани текшириш қисмида кўздан кечириш объектларини таққослаш, агар эксперимент ўтказилган бўлса — эксперимент, эксперт томонидан қилинган текшириш усуллар, техник ҳисоблар, фойдаланилган асбоб-ускуналар кўрсатилади.

Турли хилдаги услуб ва ускуналарни қўллашнинг муҳим техник шарглари ҳам ифода этилади. Яъни эксперимент хулосасини баҳо-

лашда илмий техник методларни қўлланилганлигини тўғрилиги учун аҳамиятли ҳолатлар, ашёвий далилларни ўзгартириш ёк йўқ қилиб юборишга олиб келган ўзининг ҳаракатлари ҳам ёзиб ўтилиши керак.

Хулосанинг учинчи қисмида эксперт хулосалари ифодаланadi. Бу хулосалар унинг олдиди қўйилган саволларга жавоблари тариқасила саволларнинг қоида тартибиди қўйилганлигига қараб ўша тартибди ифода этилади. Экспертни жавоби тўғри ва аниқ бўлиши керак, баён қилинган хулосалари икки хил маънони аңлатмаслиги ва турлича шарҳланга йўл қўймаслиги керак. Хулоса шундай бўлиши керакки, суд унинг барча қисмлари билан танишиб, хулосанинг асослантирилганлигига, кўрилатган ишнинг бошқа магериаллари билан биргаликди далил аҳамиятига эгалигига баҳо бериш имкониятига эга бўлиши керак.

69-моддага мувофиқ эксперт экспертизани ўтказишди кенг кўламди ташаббусни намоеън қилиш имкониятига эга.

Эксперт суд томонидан ҳал қилиш учун қўйилган саволлардан гашқари кўнимча саволларни ҳам ифодалашга ҳақли. Баъзи ҳолларди экспертиза имкониятини билмаслиги ёки эксперт томонидан иш материалларини текшириш натижасиди ҳал қилинадиган саволларни барчасини қўйишди хатоликка йўл қўйилади. Иш ҳолатларини ўрганишди баъзи ҳолларди эксперт ўзининг тажрибасини ҳисобга олиб, судга нисбатан экспертиза ўтказиш йўли билан текшириладиган саволлар доирасини аниқлаши мумкин, баъзи ҳолларди эса иш бўйича объектив ҳақиқатни ўрнатиш юзасидан муҳим аҳамиятга эга бўлган қўшимча саволларни ҳам қўйиши мумкин.

Кўнимча саволларни эксперт кириш қисмиди ўзининг олдиди қўйилган саволлар рўйхатидан кейин кўрсатади. Хулосанинг текшириш қисмиди эса, қўйилган саволлар бўйича олиб борилган текшириш натижаларини ёзади. Шундан кейин уларга илмий жиҳатдан асослантирилган жавобларни беради.

Янги саволларни киритиш масаласиди эксперт ташаббускорлиги чекланади. Судлар ҳуқуқни бузилиш сабабларини белгилашга мажбур, экспертлар бир қатор ҳолларди ҳуқуқни бузишга даъват этувчи ҳолатларни аниқлашди судга ёрдам беришлари керак. Эксперт махсус билими билан бундай сабаблар бўйича илмий техникавий тушунтириш бериши мумкин. Бундан ташқари, эксперт бундай сабабларни бартараф қилиш учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин.

Шахсан экспертни ўзи томонидан ишлаб чиқилган профилактик тадбирлар хулосади эмас, балки судга ёки тегишли ташкилотларга кўриш учун жўнатиладиган махсус ҳужжатларди ифода этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Амалиётди иш бўйича айнан бир хилдаги саволларни ҳал қилиш мақсадиди турли соҳаларди комплекс тарзида экспертиза ўтказиш кенг тарқалган. Бундай экспертизалар фан ва техникани турли соҳаларига тегишли бўлган саволларни ҳал қилишди, шунингдек алоҳиди мута-

хассис томонидан қисман ҳал қилинадиган айнан бир хилдаги материалларга нисбатан ва умумий хулосани тузиш учун экспертларнинг хулосаларидан фойдаланадиган булган тақдирда ўтказилади

Судлар асосий тиббий суд ва автомобиль техник экспертизалари, товарлар ва бухгалтерлик экспертизалари, криминалистик ва кимёвий экспертизалар буйича комплекс экспертизаларни кўпроқ тайинлайди.

Комплекс текширувларида экспертларнинг ишини координация қилиш, ягона режа буйича ҳаракат қилиш, маълум тартибда турли хилдаги илмий техникавий услубларни қўллаш мумкин.

70-модда. Гувоҳнинг кўрсатувлари

Гувоҳ ўзи билган маълумотлар ва ҳолатларни хўжалик судига оғзаки хабар қилади. Гувоҳ хўжалик судининг тақлифига кўра ўз кўрсатувларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у хабар қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

Гувоҳ кўрсатувлари далил сифатида судга гувоҳ томонидан маълум қилинган иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар юзасидан маълумотлардан (фактик маълумотлар) иборатдир.

Ишга оид ҳолатлар буйича бирон-бир маълумотга эга булган ҳар қандай фуқаро гувоҳ бўлиши мумкин. Иш натижасидан юридик жиҳатдан манфаатдор шахслар ушбу процесда гувоҳ тариқасида эмас балки даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин. чунки низо уларнинг моддий ҳуқуқларига таъсир қилади. Нотўғри ҳал қилув қарорини чиқаришга олиб келган куйидаги ҳоллар масалан, фуқарони уй-жойдан кўчириб юбориш тўғрисида, фактик жиҳатдан манфаатдор бўлган барча кўшнилари эмас, балки улардан баъзи бирлари томонидан даъво кўзғатилганда, бошқалари гувоҳ тариқасида процесда иштирок этади. Бу ҳол ўз навбатида қонунни бузиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, гувоҳ-бу ишнинг натижасидан юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаган ҳамда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақида маълумот бериш учун суд томонидан чиқарилган фуқародир. Гувоҳ юридик манфаатдорлигидан ташқари, бошқа манфаатдорлиги ёки унинг ишда иштирок этувчи тарафлардан бири ёхуд ҳар иккиси билан яқин муносабатда эканлиги фуқарони гувоҳ тариқасида сўроқ қилишга тўсқинлик қилмайди. Бундай гувоҳларнинг кўрсатувлари қатъий текширилиши ҳамда ҳар томонлама баҳоланиши лозим.

Гувоҳ кўрсатувлари фуқаролик суд ишларини юритишда тенг қўлланилади. Қонунда муайян ҳолатларни фақатгина ёзма далиллар билан тасдиқланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлсагина иш буйича гувоҳ кўрсатувларига йўл қўйилмайди.

Умумий қоидага кўра иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлардан хабардор бўлган фуқаролар гувоҳ сифатида чақиртирилади. Мазкур ҳолатлар юзасидан бошқа шахслардан эшитгани ёки муайян ҳужжатлар билан танишиш натижасида маълумотномага эга бўлган шахслар ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Бундай гувоҳларнинг кўрсатувлари хосила далил бўлиб, улар ёрдамида дастлабки далилларни аниқлаш учун имконият яратилади. Агар дастлабки манбаларни олиш имконияти бўлмаса, суд хосила далиллардан фойдаланади. Лекин гувоҳ томонидан билдирилган фактик маълумотлар манбасини кўрсатиб бера олмаса, бу хабар қилинган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

Иш бўйича далил сифатида шахсга, гувоҳга маълум бўлган фактлар ҳақидаги маълумотларгина далил ҳисобланади. Иш бўйича шахснинг тахмин, фараз гумон ҳамда мулоҳазалари эса далил ҳисобланмайди. Гувоҳ томонидан фактларни қабул қилиниши ҳамда уни суд мажлисида баён қилиши албатта баҳолаши лозим бўлган маълум дақиқаларни ўзида ифода этади. Қонун гувоҳни сўроқ қилиш чоғида гувоҳни ўзига маълум бўлган ҳамда кўрсатув бераётган иш ҳолатлари юзасидан фикр мулоҳазаларини билдиришини таъқиқламайди. Лекин гувоҳнинг фикрлари эмас, балки иш ҳолатлари бўйича унинг берган маълумотлари далилий аҳамиятга эга бўлади.

Гувоҳ кўрсатувларини тўғри баҳолаш учун суд гувоҳни сўроқ қилиш чоғида унинг шахси ҳақидаги, тарафлар ва учинчи шахслар билан, баъзида эса бошқа гувоҳлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотларни аниқлаши керак. Гувоҳ кўрсатувларида қарамаққаршиликлар борлиги аниқланса, суд ундан бу қарама-қарши кўрсатувларни изоҳлаб беришни, уларнинг сабабини тушунтиришни талаб қилиши керак. Иш бўйича гувоҳ оғзаки шаклда кўрсатув беради. КODEКСДА гувоҳдан суд ёки судьянинг ёзма кўрсатувлар олиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган.

Процессуал ҳуқуқ ҳақиқатни аниқлаш ва фуқаролик ишларини тўғри ҳал қилиш кафолатини таъминлай бориб, қариндошлик муносабатлари, хизмат ёки профессионал сирлар мансаб мавқеи туфайли гувоҳни кўрсатувлар беришдан озид этишни назарда тутмайди. Шунингдек, 70-моддада фуқаролик ишлари бўйича вакиллар, жиноий ишлар бўйича эса ҳимоячилар, вакиллар ёки ҳимоячилик мажбуриятларини бажариш чоғида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан суд томонидан чақирилиб сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Гувоҳ кўрсатувларини ишончлилигини таъминлаш мақсадида 70-модда жисмоний ёки руҳий камчилик нўқсонларига кўра фактларни тўғри қабул қила олмайдиган ва улар ҳақида тўғри кўрсатув бера олмайдиган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишни таъқиқлайди.

Лекин бундай камчиликларнинг мавжудлиги ҳамма ҳолларда ҳам шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилишга тўсқинлик қилмайди.

Масалан, қар эшитилишни лозим бўлган ҳолатлар юзасидан кўрсатув беролмайди, кўр эса кўриш лозим бўлган ҳолатлар юзасидан аниқ кўрсатув бера олмайди. Зарур ҳолларда суднинг ташаббусига кўра ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг имтимосига кўра руҳий ёки жисмоний нўқсонларга эга бўлган гувоҳнинг фактларни тўғри қабул қилиш ва улар ҳақида тўғри кўрсатув бериш қобилиятини аниқлаш эксперт ёрдамида ҳал этилади.

70-модда гувоҳни ишга жалб этиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилган шахс зиммасига ишни ҳал этиш учун аҳамияти қандай ҳолатлар гувоҳ томонидан тасдиқланиши мумкинлигини кўрсатиш, унинг исми шарифи, отасининг исми ва яшаш жойини кўрсатиш мажбуриятини юклайди. Мазкур маълумотлар судга гувоҳнинг кўрсатувини дахлдорлиги ва йўл қўйилганли масаласини тўғри ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади ва илтимоснома қаноатлантириладиган бўлса гувоҳни судга чақириш учун имконият яратади.

71-модда. *Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари*

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятли бўлган ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари текширилиши ва бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахс хўжалик судининг тақлифига кўра ўз тушунтиришларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан бошқа шахс ўз талабларини ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг тан олинishi хўжалик суди учун мажбурий эмас.

Агар фактни тан олиш ишнинг ҳолатларига мувофиқ эканлигига ва алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, чалғитиш таъсирида ёки ҳақиқатни яшириш мақсадига қилинмаганига хўжалик судида шубҳа туғилмаса, у тан олинган фактни аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар фуқаролик ишларини муҳокама қилиш чоғида юзага келган ҳар қандай саволлар юзасидан баёнотлар бнришлари мумкин. Баёнотлар тарафлар ва учунчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, шунингдек суд томонидан объектив ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бундай тушунтиришларнинг ҳаммаси ҳам далил бўла олмайди. Иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақидаги фактик маълумотларни ўзида акс эттирган тарафлар ва учунчи шахсларнинг баёнотларигина далиллар таркибига киради. Мазкур тушунтиришлар суд томонидан далилларни баҳолаш ҳақидаги умумий қоидаларга (ХПКнинг 61-моддаси) асосланиб текширилади ва баҳоланади.

Тарафлар ва учунчи шахсларнинг баёнотларини далилий аҳамиятга эга эканлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга маълумотлар

ишнинг ҳал бўлишида манфаатдор шахс томонидан хабар қилинганини инобатга олиш зарур. Шунинг учун ҳам тарафлар ва учунчи шахсларнинг баёнотлари бошқа далиллар билан солиштириб синчиклаб текширишга муҳтож. Иш бўйича ҳал қилув қарори бошқа далиллар билан мустаҳкамланмаган, фақат бир тарафнинг баёнотлари билангина асосланган бўлиши мумкин эмас.

Тарафлар ва учунчи шахсларнинг баёнотларининг ҳақиқийлигини текшира бориб, суд бу баёнотларни бошқа материаллар билан тасдиқланишини, зарур ҳолларда эса ўз ташаббусига кўра далилларни йиғиш борасида фаоллик кўрсатиши керак.

Тарафлар баёнотларининг турларидан бири тан олиш ҳисобланади. Тан олиш-бу бошқа тараф исботлаши лозим бўлган факт мавжудлигини тасдиқловчи тарафларнинг баёнотларидир.

Тан олиш ишни суд мажлисида кўриш вақтида ёки судга ёзма равишда юборилган ариза орқали қилиниши мумкин. Тарафлар томонидан суддан ташқарида фактларни тан олиш далил ҳисобланмайди, қайсики суд мажлисида белгиланадиган ҳолат ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар мазкур тан олишни юридик ва далилий факт сифатида ва даъво талабларини тўла ёки қисман тан олиш тўғрисида арыз қилишлари мумкин (ХПКнинг 34-35-моддалари). Даъвони мазмунан тан олиш одатда жавобгарга нисбатан билдирилган барча талабларга асос қилиб олинган юридик фактларни тан олинганлигини билдиради. Бир тараф томонидан бир ёки бир неча фактлар йиғиндиси тан олинishi агар суд томонидан қабул қилинса, бу иккинчи тарафни мазкур фактларни ҳақиқийлигини исботлаш мажбуриятидан озод қилади.

Тан олиш суд учун мажбурий эмас. Зарур ҳолларда ишнинг тан олинган ҳолатларини ҳақиқийлигини суд текшириши мумкин. Масалан, жавобгарни мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисидаги даъвони тан олиш ҳолларини суд синчиклаб текшириш зарур.

Қонун бўйича низони гувоҳлар кўрсатуви билан аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, тарафлар томонидан фактларни тан олинishi муҳим аҳамият касб этади. Оддий ёзма шаклда тузиладиган шартномани (ФКнинг 107-108-моддалари) тузилганлик фактини бир тараф томонидан тан олинishi иккинчи тарафни бу фактларни тасдиқлаш учун ёзма далилларни тақдим этишдан озод қилади. Бундай ҳолларда шартномани тузилганлиги факти, агар уни тан олишнинг тўғрилиги судда гумонсиратиш учун шубҳа туғдирмаса низосиз бўлиб қолади, яъни бу бир тараф баёнотини иккинчи тараф тан олганлигини билдиради.

72-модда. Далилларни таъминлаш

Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолганда ёки қийинлашади деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар ишни юритишга қабул қилган ҳужжалик судидан шу далилларни таъминлашни илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқлаш учун бу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, уларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Далилларни таъминлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкин.

Далилларни таъминлаш маълум ҳуқуқий муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни бузилиши еки қонунда назарда тутилган тартибда йўқолиб кетишлигини реал хавф туғилган ҳақдирда ёки иш учун аҳамиятга далилларни тақдим этилиши, кейинчалик қийин бўлиб қолган ҳолларда уларни мустаҳкамлашни ўзида ифодалайди.

Зарур ҳолатларни суд (агар процесс ҳали бошланмаган бўлса нотариал органлар) манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра келгусида суд уларни хўжалик иштини кўришда фойдаланиш учун мазкур далилларни қайд этиш, мустаҳкамлаш, имкониятларни таъминлаш чораларини кўради.

Суд томонидан кўриб ҳал қилиб бўлинган иш бўйича далилларни мустаҳкамлашга йўл қўйилмайди. Агар хўжалик ишига тегишли бўлган ушбу далиллар суд иш юритувида бўлса, нотариал органлар далилларни таъминлаш ишлари билан шуғулланмақдилар. Бундай ҳолларда тегишли чораларни, далилларни таъминлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошираётган жойдаги суд амалга оширади.

73-модда. Далилларни таъминлаш тартиби

Далилларни таъминлаш ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга кўра хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

73-моддада кўрсатилишича, далилларни таъминлаш яқка судья томонидан Кодекс қоидаларига риоя этиб амалга оширилади. Бу шуни билдирадики, далаалларни таъминлаш юзасидан процессуал ҳаракатлар судья томонидан суд мажлисида бундай мажлисларнинг одатдаги тартибига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Аризачи ва бошқа манфаатдор шахслар суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади. Лекин уларни узрли сабабларга кўра мажлисга кела олмай қолиши, далаалларни таъминлаш юзасидан процессуал

ҳаракатларни амалга оширилишига тўсқинлик қилмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисида рад этиш ва тависьялар билдириш, саволлар бериш, баённома билан танишиш ва уларга эътирозлар билдириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Далилларни таъминлаш чоғида гувоҳларни сўроқ қилиш ашёвий далиллар бўйича жойни бориб кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва уни утказишни умумий қоидаларига ва далилларни мустаҳкамлаш процессуал тартибини аниқлайдиган бошқа қоидаларга ҳам амал қилиши керак.

Судья далилларни таъминлаш бўйича иш юритишни тугатгач бу ҳақда ажрим чиқаради, бу ажрим суд мажлиси баённомасига киритилади. Кейинчалик баённома ҳамда барча йиғилган материаллар ишни кўрадиган судга жўнатилади.

73-моддала далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани судья томонидан кўриб чиқиш ҳамда барча йиғилган материалларни ишни кўраётган судга юбориши муддати кўрсатилмаган. Бундай ҳолларда судьянинг процессуал ҳаракатлари мазмуни ҳамда натижалари суд топшириқлари бажариш ҳаракатларига яқин. Шунинг учун далилларни таъминлаш муддати аналогияга таянган ҳолда ХПКнинг 74-моддасида белгиланган суд топшириғини бажариш муддатидан келиб чиқиб белгиланади, яъни далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза 10 кундан ошмаган муддатда кўриб ҳал этилиши керак. Баённомалар тузилиши биланоқ зудлик билан тегишли судга юборилиши керак.

74-модда. Суд топшириқлари

Ишни кўраётган хўжалик суди бошқа вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудидаги далилларни олиши зарур бўлиб қолган ҳолларда тегишли хўжалик судига муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажримда кўрилаётган ишнинг мазмуни қисқача баён қилинади, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар топшириқни бажарадиган хўжалик суди тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажрим топшириқ берилган хўжалик суди учун мажбурийдир ва ажрим олинган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай бажарилиши лозим.

74-модда далилларни йиғиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар ишни кўраётган судга эмас, балки бошқа туман, шаҳар судида амалга оширилиши керак бўлган ҳолларда, у иш ҳолатларини тез ва тўла ўрганилишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Суд топшириқларини бериш тартибини белгилайди. Мазкур модда бошқа суд томонидан далилларни йиғишга

йўл қуйиб, бевоситалик принципи битта истисно белгилаб. бунга кўра биринчи инстанция суд ишни кўриш чоғида иш буйича далилларни ўзи текшириб чмқишга мажбур (ХПКнинг 128-моддаси). Шунинг учун 74-модда қоидалари фақат зарур ҳоллардагина тadbик этиш зарур. Масалан, агар бошқа шаҳар ёки туманда истиқомат қилувчи тараф гарчи суд мажлисига кела олмаса ammo судга иш буйича ёзма баёнотлар бериш имконига эга бўлса, бу каби ҳолда суд топшириғини бажаришда бунга тарафларни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

74-модда қатор процессуал ҳаракатлар доирасини чеклаб, унга кўра бошқа судга фақат далилларни йиғиш ҳаракатлари юзасидан топшириқ беришга йўл қўяди. Бундай ҳаракатларга гувоҳларни сўроқ қилиш, ёзма ёки ашёвий далилларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш, экспертиза ўтказиш, айрим ҳолларда эса тарафлар ва учунчи шахсларни сўроқ қилиш кабилар кирди.

Далилларни бошқа суд томонидан йиғиш зарурияти тўғрисидаги масала ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳам, шунингдек суд мажлиси вақтида ҳам юзага келиши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вақтида бу масала судьянинг якка ўзи томонидан ҳал этилади (ХПКнинг 122-моддаси) ҳамда бунда судья тарафлар ва учунчи шахслардан гувоҳларни сўроқ қилиш ёки экспертиза ўтказиш чоғида қандай масалалар ойдинлаштирилиши лозимлиги, ашёвий далилларни кўздан кечиришда қандай белгиларга эътибор бериш зарурлиги ҳақида сўроқ олиши мумкин. Шундан сўнг судья бу ҳақда тегишли ажрим чиқаради.

Суд муҳокамаси босқичида далилларни йиғиш буйича топшириқларини юбориш масаласи тарафлар ва бошқа манфаатдор шахслар иштирокида кўриб чиқилади ва суд ажрими билан ҳал қилинади.

74-модда қоидаида суд топшириғининг мазмуни қандай бўлиши кераклиги суд ажримида курсатилиши белгиланган. Бу ажримда 238-модданинг 1-3-қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари кўриладиган ишнинг моҳияти қисқача қилиб баён қилиниши керак, аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган суд томонидан йиғиши керак бўлган далиллар ҳам кўрсатилади. Топшириқ берувчи суд ўз ажримида қанақанги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш кераклигини кўрсатиб ўтиши лозимлигини ёддан чиқармаслик керак. ишни кўрувчи суд, суд топшириғи тўғрисидаги ажримни қайси судга жўнатаётган бўлса, ўша судга бир вақтнинг ўзида ишда иштирок этувчи шахсларнинг тўрар жойи тўғрисидаги маълумотлар ҳақида хабар бериш керак. Акс ҳолда суд топшириғи бажариладиган суд мажлисининг вақти жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиниши кераклигини назарда тутувчи ХПКнинг 75-моддасида кўрсатилган талабларни суд топшириғини ижро этишда бажара олмайди.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажрим қайси судга жунатиладиган бўлса, уша суд учун мажбурийдир. Ажримни ижро этишлик 10 кунлик мулатини белгиланиши уни вақтида ҳал қилиш учун имконоят беради.

Суд топшириғини бажариш вақтида тузилган баённомалар ва тўпланган барча материаллар ишни мазмунан куриб ҳал қилаётган суд томонидан ўқиб эшиттирилади, уларда ўз ифодасини топган фактик маълумотлар умумий тартибда текширилади ва баҳоланади.

75-модда. Суд топшириғини бажариш тартиби

Суд топшириғи хўжалик судининг мажлисида ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаганлиги мажлисни ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Суд топшириғининг ижроси тўғрисида ажрим чиқарилиб, у дарҳол барча материаллар билан ишни кўраётган хўжалик судига юборилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, топшириқни бажарган хўжалик судига тушунтиришлар ёки кўрсатувлар берган гувоҳлар ишни кўраётган суд мажлисида ўзлари иштирок этган тақдирда умумий тартибда тушунтиришлар ва кўрсатувлар берадилар.

75-модда суд топшириғи ёрдамида тўпланган далилларни ишончилигини таъминлаш билан бирга, аввало топшириқни бажариш тартибини белгилайди. Ушбу модда қоидасига кўра зарурий процессуал ҳаракатлар суд томонидан яқка тартибда ёки коллегиял тартибда суд мажлисида кодекснинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади. Масалан, гувоҳ ўзига маълум бўлган маълумотларни ва ҳолатларни ХПКнинг 70-моддасига мувофиқ хўжалик судига оғзаки равишда хабар қилиши керак. ҳодиса жойини кўздан кечириш эса ХПКнинг 57-моддасига асосан амалга оширилиши керак.

Шундай қилиб, суд топшириғини ижро этиш вақтидаги процессуал ҳаракатлар, айнан ишни мазмунан кўриб чикувчи судда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлардай амалга оширилади.

75-модда суд топшириғини бажарувчи судда иштирок этувчи шахсларни суд топшириғини бажариш учун суд мажлисининг жойи ва вақти тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларга хабар бериш мажбуриятини юклайди. Мазкур шахслар суд мажлисида иштирок этганда процессуал ҳуқуқлардан, масалан, сўроқ қилинаётган гувоҳга саволлар бериш, эксперт томонидан ҳал этиладиган масала юзасидан таклифларини билдириш ва бошқалардан фойдаланиши мумкин. Суд мажлисининг жойи ва вақти ҳақида хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмай қолиши суд топшириғини бажаришга тўсқинлик қилмайди.

Суд топшириғини бажариш юзасидан суд мажлисида ФПКнинг 75-моддаси қоидаларига риоя қилинган ҳолда баённома тузилади. Масалан, суд топшириғини бажариш пайтида гувоҳни сўроқ қилишда унинг берган кўрсатувларнинг мазмуни баённомада аниқ қилиб қайд этилади. Ишда иштирок этувчи шахслар баённома билан танишиш ва унга нисбатан уз фикрларини билдириш ҳуқуқига эга.

Топшириқнинг бажарилганлигини тугалланган деб ҳисоблаган суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва бу мажлис баённомасига киритилади. Кейин эса баённомалар ва топшириқни бажараётган чоғда тўшланган материаллар дарҳол ишни мазмунан кўраётган судга юборилади.

Далилларни текширишнинг бевоситалигини таъминлаш мақсадида 75-модда қоидасида, агар топшириқни ижро этган суд томонидан илгари сўроқ қилинган ишда иштирок этувчи шахс ёки гувоҳ охир оқибат ишни мазмунан кўрувчи судда ҳозир бўлса, бунда улар умумий қиодага кўра баёнот ёки кўрсатув беришини белгилайди.

7-боб.

Даъвони таъминлаш

76-модда. Даъвони таъминлаш асослари

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатидаги ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юришнинг ҳар қандай босқичида даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низои ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Аризани кўриш натижалари юзасидан ажрим чиқарилади. Даъвони таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ушбу ажрим ижросини тўхтатиб турмайди.

1. Даъвони таъминлаш, суд томонидан белгиланган ва даъво қаноатлантирилган ҳолатда даъво талабларини амалга ошириш имкониятини кафолатлайдиган чораларни қўллаш билан ифодаланади. Даъвони таъминлаш аҳамияти, жавобгар инсофсизлик билан ҳаракат қилганида ёки умуман чора қўлланилмаганлиги суднинг ҳал қилув қарорини ижросини бажариб бўлмаслигига олиб келиши мумкин булган ҳолларда даъвогарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишидадир.

Бинобарин, агар жавобгарнинг мулкни ундириш вақтида, яшириш, йўқ қилиш, бегоналаштириш ёки истеъмол қилиш натижа-сида йўқолиши мумкинлиги ҳақида етарли даражада асосланган тахмин мавжуд бўлса, даъвони таъминлаш бўйича чоралар қўллаш зарур бўлиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан, кодексда назарда тутилган ва ҳал қилув қарори ижросини бажариллигини кафолатлайдиган чораларнинг қабул қилиниши даъвони таъминлаш деб аталади. Зарур ҳолларда, масалан, даъво бир неча талабдан иборат бўлиб, тўлалигича эмас, балки унинг айрим талабларигина таъминлашга муҳтож бўлса, даъво қисман таъминланиши мумкин.

Даъвони таъминлаш, дастлабки даъво бўйича ҳамда ХПКнинг 120-моддасида белгиланган тартибда тақдим этилган қарни даъво бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

1993 йил таҳриридаги ХПКдан фарқли ўлароқ, янги кодекс фақатгина ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра даъвони таъминлашга йўл қўяди. Кодексда хўжалик судининг таъминлаш бусига кўра даъвони таъминлаш назарда тутилмаган.

2. Даъво ни таъминлаш, даъво аризаси иш юритувга қабул қилинган вақтдан бошлаб, судлов жараёнининг исталган бопқа босқичида ҳам амалга оширилиши мумкин. Келгусида даъво сифатида тақдим этилиши кўзда тутилган талабни таъминлаш имконияти кодексда назарда тутилмаган.

Тақдим этилган даъволаргина таъминланиши мумкин. Даъво тақдим этилмагунча у таъминланиши мумкин эмас. Суднинг иш юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан батамом ҳал этилган даъволар таъминланиши мумкин эмас, чунки мазкур ҳал қилув қарори ижро хусусиятига эга бўлади.

Даъвонинг таъминланиши масаласи тезкор ҳал этилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, шарҳланаётган модда, бу ҳақдаги ариза келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозимлигини белгилайди. Даъво ни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилиши ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинмайди.

3. Даъво тақдим этилишида, даъво ни таъминлаш тўғрисида билдирилган арз даъво аризасида ёки унга илова қилинган алоҳида аризада баён этилиши мумкин ва мазкур арз аризачи томонидан асослантирилган бўлиши шарт.

Кодекс даъво ни таъминлаш юзасидан чоралар қабул қилиш учун конкрет мажбурий асосларни назарда тутмайди, хусусан, тақдим этилган далиллар билан асосланганлигини даъво ни таъминлаш шarti сифатида келтирмайди. Хўжалик суди даъво ни таъминлаш масаласини кўриб чиқаётганда, даъво талабларини асословчи маълумотларнинг мавжудлигини инобатга олиши ҳамда даъво ни таъминлаш чоралари ишнинг конкрет ҳолатлари эътиборга олинган ҳолда, ва фақат ҳақиқатдан ҳам бунга зарурият борлиги вақтида қабул қилиниши лозимлигидан келиб чиқиши шарт. Даъвогарнинг низони судгача бевосита ҳал қилиш (талабнома юбориш) таклифига жавобгарнинг жавоби, агар бундай тартиб шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган ёки шартномада белгиланган бўлса ҳамда даъво тақдим этилгунга қадар бўлган ёзишмалар, ушбу масалани ҳал этиш учун маълум аҳамиятга эгадир.

Хўжалик суди аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ушбу ажримда даъво ни таъминлашнинг аниқ чораси кўрсатилади.

Агар даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ариза рад этилса ва бундай шароит ўзгарган тақдирда ишда илтимок этувчи шахс даъво ни таъминлаш ҳақида қайта илтимоснома беришга ҳақлидир.

4. Хўжалик судининг даъво ни таъминлаш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин. 1993 йил таҳриридаги ХПКдан фарқли ўлароқ, янги кодекс даъво ни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ҳам шикоят келтириш имкониятини назарда тутди.

5. Хужалик судининг даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят бериш ушбу ажрим ижросини тухтатиб турмайди. Бундай ҳолатда ишни кўриб чиқиш давом этади ва даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажрим умумий асосларда ижро этилади.

77-модда. Даъвои таъминлаш чоралари

Қуйидагилар даъвои таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлаш;

3) бошқа шахсларга нисо предметиға алоқадор бўлган муайян ҳаракатлар қилишни таъқиқлаш;

4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцентсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;

5) мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш.

Зарур ҳолларда даъвои таъминлаш учун бир неча чора қўллашга йўл қўйилади.

Хўжалик суди даъвои таъминлашга йўл қўяр экан, жавобгарнинг илтимосномасига кўра даъвогардан жавобгар кўриши мумкин бўлган зарар қоплашининг таъминловини талаб қилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида кўрсатилган чораларга роя этмаганлик учун ташкилотлар ва фуқаролардан республика бюджети даромадиға қуйидагича жарима ундирилади:

— баҳоланадиган даъволар бўйича — даъво баҳосининг элик фоизигача миқдорда;

— баҳоланмайдиган даъволар бўйича — энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда.

Хўжалик судининг даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этмаслик билан етказилган зарарни қоплашни даъвогар ўша хўжалик судиға даъво тақдим этиш йўли билан талаб қилишға ҳақли.

Кодекс қайси даъво талаби бўйича қандай аниқ чора қўлланиши мумкинлиги юзасидан кўрсатмаларни ўз ичига олмайди. Шу сабабли суд мазкур ҳолатда қандай чора қўлланиши лозимлиги ҳақидаги масалани ҳал этаётганда ишнинг ҳолатларига амал қилиши шарт.

1. Мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаш, уларни рўйхатға олиш ва хужалик суди томонидан жавобгарга тегишли мол-мулк ёки пул маблағларидан ҳал қилув қарори қонуний кучға киргунға қадар фойдаланишни ман этишда ифолаланани. Бундай ҳолатда мол-мулк ва пул маблағлари жавобгарда ёки бошқа шахсларда бўлиб туриши мумкин.

Мол-мулк хатлаб қўйилганида уни сотиш, алмаштириш, ҳала этиш, ижараға бериш, гаровға қўйиш ёки йўқ қилиш мумкин эмас.

Агар мол-мулкнинг йўқ бўлиб кетишига ёки унинг нархи пасайишига олиб келмаса, мол-мулкни хатлаш, умумий қоида кўринишида, ундан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди.

Мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш хўжалик суди томонидан даъвони таъминлашнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб ҳисобланади. Мол-мулкни хатлаш ФПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Кодекс хўжалик судининг нафақат жавобгарга, балки бошқа шахсларга ҳам муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлаш ҳуқуқини назарда тутаяди, албатта, агар бу ҳаракатлар низоининг предметига алоқадор бўлса.

Жавобгарга ва бошқа шахсларга муайян ҳаракатлар қилишни таъқиқлаш мавжуд вазиятни келгусида сақлаб қолиш мақсадига эгадир. Чунончи, жавобгарга маълум бир қурилишни бузиш таъқиқланиши мумкин. Жавобгардан ташқари, бошқа шахсларга низоининг предметига алоқадор муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлаш масаласида эса, бунга мисол қилиб, ишда иштирок этмайдиган бошқа шахсларга жавобгарга мол-мулкни беришни, унга нисбатан аниқ бир мажбуриятни бажаришни ва бошқаларни таъқиқлашни келтириш мумкин.

3. Хўжалик судлари ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топини ҳақидаги даъволарни кўриб чиқади. Бундай даъволар айтиб ўтилган ҳужжатларга тўлалигича ёки қисман норозилик билдирилганида тақдим этилади. Пул маблағларини сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқаришга мисол қилиб, назорат қилувчи органлар томонидан иқтисодий санкциялар ва бошқа маблағларни ҳисобдан чиқариш, транспорт низомлари ва кодекслари билан белгиланган ҳолатларда юк ташувчилар томонидан жарималарни ҳисобдан чиқаришни келтириш мумкин.

Бундай талаблар юзасидан даъвони таъминлаш, сўзсиз ҳисобдан чиқаришга асос бўлаётган тегишли ҳужжатга даъвогар эътироз билдираётган вақтда жавобгарга пул маблағларини сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқидан фойдаланишга тўсқинлик қилади. Амалиёт кўрсатадики, даъвони таъминлаш ҳақидаги ариза билан бирга даъво тақдим этиш имкониятидан ўринсиз равишда кам фойдаланилади. Бу ҳолатни қисман, даъвогарларнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари оқибати деб тушуниш мумкин.

4. Кодекс, мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туришни назарда тутиб, даъвони таъминлаш бўйича хўжалик судлари томонидан қабул қилинадиган чоралар саногини 1993 йил таҳриридаги ХПКга нисбатан кенгайтирди.

Мазкур норма хўжалик судининг ҳал қилув қарори ижро этилаётганда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига қара-

тилган. Бошқа шахслар томонидан арз қилинган ва ундиришга қаратилган мулкнинг тегишлилиги билан боғлиқ булган ҳуқуқ тўғрисидаги низо, ҳўжалик суди томонидан умумий асосларда мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисидаги даъво сифатида кўриб чиқилади. Мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисидаги даъволар мулкдорлар билан бир қаторда қарздорга тегишли бўлмаган мулк эгалари томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин. Бундай даъволар қарздор ва ундирувчига нисбатан тақдим этилади.

5. ХПКнинг 77-моддасида келтирилган ва даъвои таъминлаш бўйича ҳўжалик суди томонидан қўлланиладиган чоралар рўйхати мукамалдир. Бу чоралар турли-туман бўлиб, улар тақдим этилган даъво предметида боғлиқдир. Даъвои таъминлаш бўйича ўзга чораларни қўллашга ҳўжалик суди ҳақли эмас. Шу билан бирга кодекс даъвои таъминлаш бўйича бир неча чораларни қабул қилиш ҳуқуқини назарда тутлади. Бироқ мазкур норманинг қўлланишида ҳўжалик суди фақатгина ХПКнинг 77-моддасида келтирилган чоралардан фойдаланиши мумкин.

6. Кодекс биринчи маротаба, ҳўжалик суди даъвои таъминлаётганида даъвогардан жавобгар кўриши мумкин бўлган зарар қопланишининг таъминловини талаб қилиши мумкинлиги ҳақидаги муҳим қондани киритди. Бундай талаб жавобгарнинг илтимосномасига кўра ҳўжалик суди томонидан даъвогарга қўйилади. Бундай ҳолатда, даъвогар томонидан жавобгар кўриши мумкин бўлган зарар қопланишининг таъминлови тақдим этилишига қараб, даъвои таъминлаш масаласи ҳал этилади.

7. Кодекс, даъвои таъминлаш борасидаги жавобгар ва бошқа шахсларга муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлаш (ХПКнинг 77-моддаси 1-қисмининг 2 ва 3-бандлари) каби чоралар бузилганлиги учун жарима ундирилишини белгиллаган. Жарималарни ундириш республика бюджетига даромадига, ҳисобига ХПКнинг 13-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8. Агар ҳўжалик судининг даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этилмаганлиги натижасида даъвогарга зарар етказилса, у ушбу зарарни айбдор шахслардан ундириб олишга ҳақли. Бундай зарарларни қоплаш ҳақидаги даъво аризаси даъвои таъминлаётган ҳўжалик судига тақдим этилади. Бундай даъво аризасини кўриб чиқиш учун янги иш қўзғатилади.

78-модда. Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш

Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ушбу Кодекснинг 76-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвои таъминлашда жавобгар даъвои таъминлаш бўйича белгиланган чораларни қўллаш ўрнига хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига даъвогар талаб қилаётган суммани тўлашга ҳақли.

1. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кура хўжалик суди даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириши мумкин. Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришда фақатгина, ХПКнинг 77-моддасида санаб утилган чоралардан фойдаланиш лозим.

Хўжалик суди дастлаб белгиланган чора етарли эмаслиги ёки ўзини оқламаганлиги ҳолатида даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи вужудга келади. Масалан, бундай ҳолат, хатлаб қуйилган мол-мулк ўзининг дастлабки қиймати йўқотганида ва келажакда суднинг ҳал қилув қарори ижросига кафолат бўла олмаслигида рўй бериши мумкин.

Алмаштириш даъвогарнинг ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шу жумладан, агар даъвои таъминлаш бўйича қабул қилинган чора жавобгарнинг ҳам ҳуқуқларини анчагина чеклаб қўяётган бўлса, жавобгарнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, даъвои таъминлашнинг ХПКда назарда тутилган баъзи турларини алмаштиришни амалга ошириш мумкин эмас. Бунда, мол-мулкни хатлашдан озод қилиш ва қарздор суд тартибида низолашаётган ижро варақаси (хўжжати) бўйича ундиришни тўхтатиб туриш ҳақида даъво тақдим этилган ҳолатда (ХПКнинг 77-моддаси 1-қисмининг 4, 5-бандлари), мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туриш ҳақида сўз юритилмоқда. Бу, даъвои таъминлашнинг бундай чоралари оқибатлари аниқ бўлган мақсадга эгаллиги билан тунтирилади.

Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш ҳақида ажрим чиқарилади ва бу ажрим устидан шикоят келтирилиши мумкин.

2. Кодекс, даъвои таъминлаш бўйича белгиланган чораларни қабул қилиш ўрнига хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига даъвогар талаб қилаётган суммани тўлаш имкониятини назарда тутган. Фақатгина пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича алмаштиришнинг бундай имкониятидан фойдаланилиши мумкин. Даъвои таъминлаш бўйича белгиланган чора ўрнига тегишли суммани тўлаш бевосита жавобгар томонидан амалга оширилади. Хўжалик суди уни бундай суммани тўлашга мажбур этишга ҳақли эмас. Агар мазкур сумма жавобгар томонидан хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига тўланган бўлса, даъвои таъминлаш бўйича дастлабки чора бекор қилиниши шарт.

79-модда. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

1. Кодекс биринчи маротаба хўжалик судининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этишга тааллуқли махсус нормани киритди.

2. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим дарҳол, яъни у қонуний кучга киргунига қадар ижро этилиши лозимлиги сабабли ижро варақа судья томонидан суд ижрочисига ажрим чиқарилганидан сўнг дарҳол берилади.

Шу билан бирга, ижро варақаси айрим ҳолларда, масалан, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримнинг ижроси бўйича ҳаркат бонқа жойда амалга ошириладиган ҳолатда, бевосита даъвогарга, унинг илтимосига кўра берилиши мумкин.

Бунда ижро варақа даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим нуҳаси билан алмаштирилиши мумкин эмас, чунки у даъвони таъминлаш бўйича суднинг ажримида кўрсатилган чорани амалга ошириш учун асос бўладиган ягона ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Даъвони таъминлашнинг жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлаш (ХПКнинг 77-моддаси 1-қисмининг 2-банди) каби чоралари қўлланилганида ижро варақаси берилмайди.

3. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ижро этилади. Демак, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш учун хўжалик суди ХПКнинг IV бўлимига мувофиқ ижро варақаси беради.

80-модда. Даъвони таъминлашни бекор қилиш

Даъвони таъминлаш ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ишни кўраётган хўжалик суди томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади.

Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори кучга киргунча сақланади. Бироқ, хўжалик суди ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки у қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

1. Ишни кўриб чиқаётган хужалик суди, ишда иштирок этувчи манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра даъвони таъминлашни, хусусан, бундай чора қўлланилишига сабаб бўлган асослар йўқ бўлганида, бекор қилиши мумкин.

2. ХПКнинг 82 ва 83-моддаларида кўрсатилган ҳолатларда иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, даъвони таъминлашнинг сўзсиз бекор қилинишига олиб келмайди, чунки кодекс бундай мажбуриятни белгилamayди. Бундай ҳолатларда даъвони таъминлаш сақлаб қолиниши мумкин. Даъвони таъминлаш бўйича чораларни сақлаб қолиш зарурияти масаласини ҳал этишда хўжалик суди, хусусан, иш бўйича иш юритиш тўхтатиб турилиши узоқ вақтга чўзилиши мумкинлигини, бу эса жавобгарнинг ҳуқуқлари чеklangанининг номаълум муддат мобайнида давом этишини инobatга олиши шарт.

3. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги ушбу суд мажлисининг ўтказилишига тўсқинлик қилмайди. Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан умумий асосларда шикоят келтирилади.

4. Кодекс биринчи маротаба, даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча сақланиши назарда тутилган бўлса-да, хўжалик суди ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки у қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли эканлигини белгилab берди. Бундай ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Иш юритишни тугатилишида ва даъвони кўрмасдан қолдирилишида даъвони таъминлашни бекор қилиш масалалари ҳам худди шундай ҳал этилади.

Даъвони рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори, иш юритишни тугатиш ёки даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар қонуний кучга кирганидан сўнг даъвони таъминлаш бўйича чоралар, агар улар илгари бекор қилинмаган бўлса, бекор қилинади.

81-модда. **Даъвони таъминлашда туфайли жавобгарга etказилган зарарни қоплаш**

Даъвони рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, жавобгар ўша хўжалик судида даъво тақдим этиш йўли билан даъвогардан даъвони таъминлашда ўзига etказилган зарарни қоплашни талаб қилишига ҳақли.

1. Даъвони таъминлаш бўйича қабул қилинган чоралар жавоб-

гарнинг ҳуқуқларини чегаралаши ва унга зарар етказиши мумкин. Агар жавобгарга етказилган зарарлар даъвони таъминлаш оқибатида юзага келган бўлса, у даъвогардан ушбу зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. ХПКнинг 81-моддасига мувофиқ, бундай ҳуқуқ жавобгарда, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг ва мазкур ҳал қилув қарори билан даъво рад этилганидан кейин вужудга келади. Даъво қисман рад этилганида жавобгар даъвогардан, даъвонинг ҳужалик суди ҳал қилув қарори билан рад этилган қисмини таъминлаш оқибатида унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Иш юритишни тугатилишида ва даъвони кўрмасдан қолдирилишида жавобгарга етказилган зарарларни қоплаш масалалари ҳам худди шундай ҳал этилади.

2. Даъвони таъминлаш оқибатида жавобгарга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун жавобгарнинг даъво аризасига кўра янги иш қўзғатилади. Мазкур даъво дастлабки низони ҳал қилган ҳужалик судида кўриб чиқилади.

8-боб.

Иш юритишни тўхтатиб туриш

82-модда. Хужалик судиянинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти

Хужалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

1) ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилатган бошқа иш ёки масала юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар куриш мумкин бўлмаганда;

2) жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

3) фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

4) фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

Хужалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

1. Иш юритишни тўхтатиб туришга ЎЗР ХПКнинг 82-моддаси бағишланган. Унда бундай дейилади: хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилатган бошқа иш ёки масала юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда;

жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

Иш юритишни тўхтатиб туриш ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар пайдо бўлганлиги муносабати билан уларни бартараф этгунча процессуал ҳаракатларни номаълум муддатга тўхтатиб туришни англатади.

Иш юритишни тўхтатиб туриш асоси мажбурий (ХПКнинг 82-моддаси) ва факультативга (ХПКнинг 83-моддаси) бўлинади. Иш юритишни тўхтатиб туришнинг 82-моддада келтирилган асослари батафсил ҳисобланади ва хўжалик судларининг хоҳиши билан кенгайтирилиши мумкин эмас.

Ишни юритишни тўхтатиб туришни ишни кўришни кейинга

қолдиришдан фарқлаш зарур. Ушбу ҳаракатлар ўртасидаги умумийлик ишни мазкур суд мажлисида кўриб чиқиш мумкин эмаслигидан иборатдир. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, ишни юритишни гўхтатиб туриш асоси ХПКнинг 82 ва 83-моддаларида қатъий белгиланган. Ишни кўриб чиқишни эса ишни мазкур суд мажлисида кўриб чиқишга монелик қилувчи исталган асос мавжуд бўлганда кечиктириш мумкин. Ишни юритишни гўхтатиб туриш, одатда, ишни кўриш тиклангунга қадар бирор процессуал ҳаракатни содир этишни тақозо этмайди. Суд муҳокамасининг даъво ёки исботни таъминлаш учун кечиктирилиши (далилларни сўраб олиш, жараён қатнашчиларининг чақириш ва ҳоказолар) бундан мустаснодир.

Иш юритишни тўхтатиб туриш муддатлари ишни кўришга тўсқинлик қилувчи ҳодисаларнинг қанча давом этишига боғлиқ бўлади. Ушбу муддатлар ишда қатнашувчи шахсларни чақириш, далилларни сўраб олиш учун талаб этиладиган вақт ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас (ХПКнинг 131, 172, 191, 203-моддалари).

2. Хўжалик суди мажбурий асослар мавжуд бўлган тақдирда иш юритишни тўхтатиб туриши керак. Бошқа иш ёки конституциявий, фуқаролик ёки маъмурий суд ишлари тартибида кўриб чиқилаётган масала бўйича қарор қабул қилингунга қадар ушбу ишни кўриб чиқиш мумкин эмаслиги мана шундай асос ҳисобланади. Бошқача айтганда, агар умумий юрисдикция судида хўжалик судида кўриб чиқилаётган ва умумий юрисдикция суди қарори билан тегишли бўлган аниқланган преюдициал аҳамиятга эга бўлган иш мавжуд бўлса, хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ суднинг сўрови асосида аниқ бир ишда қўлланилган ёки қўлланилиши керак бўлган қонуннинг конституциявийлигини текшириш Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди ваколатига кирди. Модомики, хўжалик судлари қўлланилган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш ҳуқуқига эга эмас экан, қонуннинг конституциявийлигига шубҳа туғилганда ишни юргизишни тўхтатиши ва Конституциявий судга тегишли сўров юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳақидаги шикоятлар кўриб чиқилган тақдирда ҳам, агар ушбу шикоятлар ишни хўжалик судида кўриш билан боғлиқ бўлса, ишни юргизиш тўхтатилиши керак.

3. Ишни кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган талбиркор фуқаро про-

цесс қатнашчиси бўлган тақдирда, хўжалик суди ишни юргизишни тўхтатади. Бунда иш юргизишни тўхтатиб туриш асослари тадбиркор фуқаронинг процессуал мавқеига боғлиқ равишда турлича бўлади. Агар тадбиркор фуқаро ишда жавобгар сифатида қатнашаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлишининг ўзи иш юритишни тўхтатиб туришга етарлидир. Агар фуқаро тадбиркор даъвогар бўлса ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлса, иш юритишни тўхтатиб туриш учун унинг илтимосномаси зарурдир.

Агар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаро вафот этса, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса, ишни юритиш тўхтатиб турилиши керак. Агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, бу ҳолда иш юритиш тугатилади (ХПКнинг 86-моддаси 5-банди).

Даъвогар ёки жавобгар вафот этган бўлса, иш юритиш белгиланган тартибда тўхтатиб турилади.

Фуқаро томонидан ҳуқуқий лаёқатнинг йўқотилганлиги ФКнинг 30-моддасида назарда тутилган асослар бўйича уни ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида суднинг билан қарори тасдиқланади. Ушбу ҳолатга ФКнинг фуқаронинг муомала лаёқати чекланганлиги ҳақида 31-моддаси нормаси қўлланмайди. Фуқаронинг муомала лаёқатини йўқотиши оқибатида иш юритишни тўхтатиб туриш суднинг уни муомала лаёқатсиз деб эътироф этиш ҳақидаги қарори асосида амалга оширилади.

Муомала лаёқатининг қисман чекланиши суд томонидан туриб чиқилаётган низо айнан унга нисбатан фуқаронинг муомала лаёқати чекланган ҳуқуқига тегишли бўлса, иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан мазкур моддада белгиланмаган бошқа асослар бўйича ҳам иш юритишни тўхтатиб туриш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

83-модда. *Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи*
Хужалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;
ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор — бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

ХПКнинг 83-моддасида бундай дейилади: хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

1. Моддада батафсил бўлган ва кенгайтириб талқин этилмайдиган факультатив (мажбурий бўлмаган) асослар рўйхати берилади. Ушбу асослар бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш масаласи хўжалик суди томонидан унинг ўз ташаббусига ёки ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосига кўра суд мажлисида ҳал этилади.

2. Экспертиза тайинланганлиги муносабати билан иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримда экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ёки шахс; эксперт жавоб бериши керак бўлган саволлар; экспертиза қилиниши керак бўлган ашёлар ёки ҳужжатлар турган жой; экспертиза ўтказиш муддати кўрсатилади. Зарурият бўлса экспертига иш материаллари юборилади. Гарчи ХПКнинг 67-моддаси экспертизанинг фақат ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосига кўра тайинланишини назарда тутса, эҳтимол, махсус билимларни талаб қилувчи масалалар бўйича суднинг ўз ташаббусига кўра экспертиза тайинлашга бўлган ҳуқуқи истисно қилинмайди.

3. Ишда қатнашувчи юридик шахс қайта ташкил этилиши муносабати билан мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш учун хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Ишда қатнашувчи шахс унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштирилиши фақат моддий ҳуқуқ билан бундай ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилган ҳолларда мумкин бўлади. Шундай қилиб, процессуал ҳуқуқий форислик моддий ҳуқуқий ворислик мавжуд бўлган тақдирда вужудга келади.

Моддий маънодаги ҳуқуқий ворисликка юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, қарзнинг берилиши, талаб қилиниши, ўтказилиши, фуқаронинг вафот этиши муносабати билан ва моддий ҳуқуқ билан белгиланган бошқа ҳолларда мумкин бўлади. Процесс қатнашчиси бўлган юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирдагина, иш бўйича иш юритиш тўхтатилади.

Юридик шахслар қайта ташкил этилгандаги ҳуқуқий ворислик ФКнинг 50-моддасида назарда тутилган. Бир юридик шахсдан бошқа юридик шахсга ўтган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажми қайта ташкил этиш шаклига боғлиқ бўлади ва белгиланган тартибда ажратувчи ёки ўтказма тасдиқланган баланс асосида белгиланади.

Агар ажратувчи баланс юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, ФКнинг 52-моддасига мувофиқ янгидан пайдо бўлган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича биргаликда жавоб беришлари керак. Ушбу ҳолда хўжалик суди қайта ташкил этилган юридик шахсни янги ташкил этилган юридик шахслар билан алмаштиради.

Хўжалик низосида қатнашувчи фуқаронинг бирор давлат вази-
фасини бажариш учун жалб қилиниши иш юритишни тўхтатиб
туриш учун янги асос ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси-
нинг амалдаги ФПКдан олинган. Ушбу норма фуқаронинг процес-
суал ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Томонларнинг бирор
давлат мажбуриятини бошқариш учун жалб қилиниши томонлар-
нинг мана шундай мажбурият туфайли судга келолмаслигини на-
зарда тутаяди (чет элда ишлаш, махсус топшириқни бажариш).

84-модда. Иш юритишни тиклаш

*Иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар барта-
раф қилинган, иш юритиш тикланади.*

ХПКнинг 84-моддаси иш юритишни тўхтатиб туришга асос
бўлган ҳолатлар бартараф қилинган, иш юритиш тикланишини
назарда тутаяди.

Иш юритиш ишда қатнашувчи шахсларнинг аризасига кура ёки
хужалик суди ташаббуси билан тикланади. Иш юритиш ишда қат-
нашувчи шахсларни чақирмасдан ва суд мажлисисиз суд томони-
дан тикланади.

Иш юритиш тикланмасдан, ишни юритишни тугатишга йўл
қўйилмайди.

85-модда. Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш тартиби

*Хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш
юзасидан ажрим чиқаради.*

*Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хўжалик суди аж-
рими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.*

85-моддада иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш тар-
тиби келтирилади:

«Хужалик суди иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш
юзасидан ажрим чиқаради.

Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хужалик судининг
ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин».

Иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида хужалик суди томонидан
ажрим чиқариллади. Унда иш юритишни тўхтатиб туришга асос
бўлган ҳолатлар, ҳамда уларни шунингдек, бартараф этиш учун
зарур бўлган ҳаракатлар кўрсатилади.

Иш юритишнинг тикланиши хўжалик суди (агар ишни бир одам
кўраётган бўлса) судья томонидан ажрим билан расмийлаштири-
лади, унда иш юритиш тикланганлиги қайд этилади, ишни кўриш
тайинланганлиги ва суд мажлиси ўтказиладиган сана кўрсатилади.

шунингдек, ишни суд муҳокамасига тайёрлашда, (ХПКнинг 122-моддаси) назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қайд этилади. Зарурият бўлса ажримда жараён қатнашчиларини мажлисга чақириш курсатилади.

Ишда қатнашувчи шахслар келмаган тақдирда ХПКнинг 130-моддасида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқади.

Хужалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажрими устидангина шикоят ҳақидаги ажрими устидангина шикоят қилиш мумкин. ХПКнинг 172, 191 ва 203-моддаларига мувофиқ иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажрим апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилади.

Суднинг иш юритишни тўхтатиб туришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят бериш ёки протест келтирилишга йул қуйилмайди, бироқ бундай ажримга қарши эътироз кейинчалик апелляция, кассация, назорат шикояти ёки протестга қаратилиши мумкин.

9-боб.

Иш юритишни тўхтатиш

Амалдаги қонунчилик ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишнинг: иш юритишни тугатиш ҳамда аризани (даъво-ни) кўрмасдан қолдириш каби икки турини назарда тутати.

Бу икки институт биринчи босқичда иш кўришда қўллангани сингари, суд ҳал қилув қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта кўришда ҳам қўлланади.

Ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугалашнинг иккала тури ҳам асослари, ҳам процессуал натижалари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

86-модда. Иш юритишни тугатиш асослари

Ҳўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

- 1) низо ҳўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса;
- 2) умумий суд, ҳўжалик судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;
- 3) ҳакамлар судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлар судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан ҳўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни чнгитдан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлар судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлар судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно;
- 4) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса;
- 5) ишда иштирок этган шахс бўлмиш фуқаронинг ўлиmidан сўнг низоли ҳўқуқий мунсабат ҳўқуқий ворисликка йўл қўймаса;
- 6) даъвогар даъвосидан воз кечган ва уни ҳўжалик суди қабул қилган бўлса;
- 7) келишув битими тузилиб, у ҳўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;
- 8) даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибида риюя этмаган бўлса, башарти бу ҳолат шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва уни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса.

1. Ҳўжалик суди иш юритишни ХПКнинг 86-моддасига биноан қуйидаги ҳолларда тугатади:

- 1) низо ҳўжалик судида кўриш учун таъллуқли бўлмаса;
- 2) умумий суд, ҳўжалик судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;

3) ҳакамлар судининг айтилиши бўлган бир шахслар ўртасидаги, айтилиши бир предмет тўғрисидаги ва айтилиши бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса; ҳакамлар судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишнинг қиғитдан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлар судига юборган, лекин ишнинг ўша ҳакамлар судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно;

4) ишда иштирок этувчи шахс бўлиши ташкилот тугатилган бўлса;

5) ишда иштирок этган шахс бўлиши фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

6) даъвогар даъвосидан воз кечган ва уни хўжалик суди қабул қилган бўлса;

7) келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;

8) даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориши) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса.

2. Иш юритиш судга мурожаат қилишга ҳақли бўлган, хўжалик судига мурожаат қилувчи шахс йўқлиги пайтига тўғри келиб қолса ва процессда эътироз туғилса, ёки бўлмаса бошқа асосларга кўра иш хўжалик суди томонидан мазмунан ҳал қилиниши мумкин бўлмаса, тугатилади. Иш юритишни тугатишда хўжалик судига айтилиши бир хил даъво бўйича қайта мурожаат қилиш имконияти истисно қилинади. Мазкур моддада назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати мукаммал бўлиб, уни ҳар томонлама кенг изоҳлашга ҳожат йўқ.

Даъвони кўрмасдан қолдириш институти, иш мазкур процессда куриши мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади, бироқ ишнинг мазмунан кўришга ҳалақит берувчи сабаблар келгусида бартараф қилиниши мумкин. Аризани кўрмасдан қолдириш натижаси судга айтилиши шу талаб билан, аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф қилиниб, қайта мурожаат қилиш имкониятини йўққа чиқармайди.

Иш юритишни тугатиш асосларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин, биринчиси, хўжалик судида иш юритишни бошлашда хатоликка йўл қўйилган бўлса-ю, бу хато иш юритиш жараёнида аниқланса; иккинчиси эса, ишнинг юритиш қонунан тўғри олиб борилаётган бўлса-ю, бироқ уни давом эттиришдан тегишли мақсад бўлмаса. Мазкур моддада белгилаб берилган иш юритишни тугатиш бўйича ҳар қандай асос аниқланса, шунга кўра иш процесснинг исталган босқичида тугатилади.

Илгариги ХПКга нисбатан амалдаги ХПКнинг 86-моддаси қуйидаги асослар билан тўлдирилган: процесс иштирокчиси бўлиши

фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса; даъвогар даъвосидан воз кечган ва уни ҳужалик суди қабул қилган бўлса; томонлар келишув битими тузган ва уни ҳужалик суди тасдиқлаган бўлса;

ХПКнинг 86-моддаси 1-3-бандларида назарда тутилган иш юриштишни тугатиш асослари, ХПКнинг 117-моддаси 1-қисми 1-2, 4-бандларида белгилаб берилган даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асосларига ўхшашдир. Фарқ шундаки, биринчи ҳолатда даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинганидан сўнг судга маълум бўлса, иккинчи ҳолатда эса даъво аризаси қабул қилиш жараёнида аён бўлади. Ҳужалик судида янглишиб, иш юриштишни қўзғашдан дарак берувчи асосларнинг шартли гуруҳи мана шулардир.

86-модданинг 4-8-бандларида назарда тутилган иш юриштишни тугатиш асослари, ҳужалик судида иш юритиш қонунан тўғри қўйилган, ammo уни иш юриштишни қўзғашдан сўнг пайдо бўлган янги ёки бўлмаса ўзгариб қолган вазиятлар туфайли давом эттириш мумкин бўлмаган асосларнинг иккинчи гуруҳига киритса бўлади. Шунинг учун, мазкур асослар даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари рўйхатига киритилмаган.

Қоида фақатгина низоли ҳужалик судида кўриш учун тегишли бўлмаган ҳолатларнинггина эмас, балки ҳужалик судида кўриш мумкин бўлмаган бошқа ҳолатларни ҳам қамраб олади. Бу, масалан, ХПКнинг 6-моддаси талабларига мувофиқ келмайдиган шахсларнинг ҳужалик судига ўз ҳуқуқларини ёки низолашайтган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқидир. Шундай қилиб, агарда юридик шахс мақомини олдирилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан ёки ўша ташкилотга нисбатан даъво қилинган бўлса, унда иш юриштишни тугатиш керак бўлади ва қонунан улар учун бу қоидадан чиқиш белгиланмаган (ХПК 23-модда). Бошқа сузлар билан айтганда, агарда ҳужалик судига мурожаат қилишга процессуал ҳуқуқи бўлмаса, барча ҳолатларда иш юритиш тугатилади.

Агарда ХПК ёки қонунда бундай имконият берилмаган бўлса, ҳужалик судига бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш мумкин эмас.

ХПКнинг 44-моддасига биноан, давлат органлари ва бошқа органлар қонунларда назарда тутилган ҳолларда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этишлари мумкин.

Иш юриштишни тугатишнинг шартларидан яна бири низолининг тааллуқли бўлмаслигидир. Ҳужалик судига низолининг тааллуқлилиги ХПКнинг 23-моддасида белгилаб берилган. Низолининг судга тааллуқлилигини аниқлашда иккита критерийдан: низолашайтган томонлар ўртасида пайдо бўлган ҳуқуқий муносабатлар табиати ҳамда низолашайтганларнинг субъект таркибидан келиб чиқиш зарур.

Агарда бу критерийлардан бири бўлмаса, низо ҳужалик судида кўришга тааллуқли бўлмайди. Агарда низонинг бу судга тааллуқли эмаслиги ишни юритишга қабул қилинган аниқланган бўлса, у тугатилиши керак. Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган модда ХПКнинг 86-моддаси 1-бандига бевосита боғлиқдир.

3. Агарда даъвогарнинг ҳимоя қилиш учун уринишига умуман ҳуқуқи бўлмаса, ишни тугатиш керак. Бу ўринда икки вазиятни ажратиш олиш керак бўлади. Биринчиси, ҳуқуқнинг йўқлигини ариза қабул қилиниши босқичида белгилаб олиш мумкин. Бунга ФКнинг 1021-моддасидаги маънавий зарар ўрни, яни поймол қилинган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун фақат фуқаро чиқиши мумкинлиги мисол қилиб келтириш мумкин. Юридик амалий ишидаги мавқеига путур етказувчи маълумот-уйдирмалар тарқатиб келтирилган маънавий зарар ўрнини қоплаш тўғрисида даъво қилишга ҳаққи йўқ. Бундай даъволарнинг иш юритишга қабул қилиниши керак эмас, мабодо қабул қилинган бўлса, 86-модданинг 1-бандига мувофиқ тугатилиши лозим.

Бошқа бир вазият, иш юритишга қабул қилинаётган босқичда даъво қилишга ҳуқуқи йўқлигини ҳамиша ҳам белгилаш мумкин бўлавермаслигидан пайдо бўлади. Шундай қилиб, ФКнинг 19-бобига мувофиқ фақат мулкдорлар ва қонуний мулк эгаларига мулкчилик ҳамда бошқа ашёвий мулкни ҳимоя қилишнинг махсус усулларидан фойдаланишлари мумкин. Бу, масалан, ўзгаларни ноқонуний эгаллашдан мулкни талаб қилиш тўғрисидаги даъволарга тегишлидир. Бироқ, даъвогарнинг баъзи ҳолларда мулкдор, ёки мулкнинг қонуний эгаси эмаслиги фақат суд жараёнидагина аниқланади.

Томонлар ўртасида низо предмети бўлмаган ҳолларда ҳам ишни юритиш ХПКнинг 86-моддаси 1-банди бўйича тугатилди.

Ҳўжалик судлари ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишларни кўриб чиқади. Маълумки, ҳўжалик процессида субъектлар ўртасида низоларнинг мавжудлиги ишни юритиш учун қўзғаш шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам томонлар ўртасида низонинг йўқлиги ҳўжалик суди томонидан аниқланганда ишни юритиш тугатилиши керак.

Ҳўжалик суди томонидан асосий қарзни, охиригача тўланмаган маблағ, жарима ва бошқа санкцияларни ундириш ҳақидаги даъволар, агарда қонунларда бундай маблағларни ҳисобдан чиқаришни акцептсиз тартиби назарда тутилган бўлса, кўрилмайд.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси фаолияти ҳақида»ги Қонунда тасдиқланган низоларни тартибга солишнинг талабнома юбориш тартиби ҳақидаги Низоми айрим тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) қонун томонидан белгиланган ёки шартномада назарда тутилган бўлса, унда қарздорнинг даъвоси бўйича тан

олинган маблағ миқдорини кредитор томонидан низо келтириб чиқармаган рўйхати қандай бўлишини белгилаб беради. Шундай қилиб, қонунда қарздор тан олинган маблағ миқдорини ундириш усуллари тушунтириб берилади.

Тан олинган, низога сабаб бўлмайдиган ҳисоб рақамида пул маблағи тушмаганлиги сабабли тўланмаган, қарздор эса тан олинган маблағни ҳисоблаб ўтказмаган ҳолларда, кредитор ҳўжалик судига қарздордан ўз қарзини унинг мулки ҳисобидан ундириш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу туфайли ҳам бундай вазиятларда иш юритишни тугатишга рухсат этилмайди.

4. Агарда умумий судлар ёки ҳўжалик судининг қарори қонуний кучга кирган бўлса, низо ҳўжалик судида кўрилиши мумкин эмас ва ишни тугатиш керак бўлади. Бунда ҳўжалик судида айна асос ва низони айна предмети бўйича кўрилатган ишда қатнашаётган айна шахслар ўртасидаги низолар бўйича кўрсатиб ўтилган судлар қабул қилган қарор назарда тутилади. Агарда юқорида кўрсатиб ўтилган критерийлардан бири бўлмаса, иш ҳўжалик суди томонидан мазмунан ҳал қилиниши керак.

Ҳўжалик суди ёки умумий суд томонидан уларга тааллуқли бўлмаган низо кўрилса ёки бундай низолар бўйича чиқарилган қарор белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда иш юритишни тугатиш керак бўлади.

Агарда иш юритишга асос бўлиб хизмат қилувчи ҳўжалик суди ёки умумий суднинг суд ҳужжати охир-оқибат бекор қилинган бўлса, ҳўжалик суди ХПКнинг 204-моддасида назарда тутилган тартибда, ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлари бўйича қайта кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, ҳўжалик судининг суд ҳужжати ва умумий судларнинг қарори бекор қилинган ҳолда ҳали қонуний кучга кирмаган ажрим мана шу босқичда апелляция тартибиде қайта кўрилиши ва янги қарор қабул қилиниши мумкин.

5. Илгариги ХПК бўйича агарда томонлар ўртасида ҳакамлар судига ҳал қилиш учун бериш ҳақида битимга келинадиган бўлса, унда ишни юритиш тугатиларди. Амалдаги ХПК бўйича мазкур вазият даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олади. шарҳланаётган моддага мувофиқ, эса айна уша шахслар ўртасидаги низо, айна уша предмет ҳақида ва уша асос бўйича ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори борлиги ишни тугатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳакамлар судининг қарорига «қонуний кучга кирмоқ» тушунчаси шартли равишда ишлатилади ва ҳакамлар судида кўриш моҳиятига жавоб бермайди. Низоланаётган томонлар низони ҳакамлар судида ҳал қилиш учун ўтказар экан, олдиндан бу суд чиқарган ҳар қандай қарор билан рози бўладилар.

Ҳакамлар суди ҳақидаги низома иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун ҳакамлар судининг қарори хусусида низолашиши назарда ту-

тилмайди. Шу туфайли ҳам, қарорнинг қонуний кучга кириш вақтини қарор чиқарилган сананинг эртасидан ҳисоблаш керак бўлади.

Бироқ, шундай ҳоллар ҳам бўладики, айти ўша шахслар ўртасидаги низо бўйича, айти ўша предмет ҳамда айти ўша асос бўйича иш юритиш тугатилмайди, низо эса хўжалик суди томонидан мазмунан куриб чиқилиши зарур. Бу ҳол, агарда хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун эса шу ҳакамлар судига юбориш ва бу ишни қайта ҳакамлар судила кўриш у ёки бу сабабларга кўра мумкин бўлмаса юз беради.

6. Юридик шахс тугатилганда унинг мажбурият ҳуқуқлари г бошқа бир юридик шахсларга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтказилмасдан тугатилганда, шунинг учун, бундай низоли кўришнинг истиқболи кўринмаса, иш юритиш тугатилади. Юридик шахснинг тугатилиши тартиби ФКнинг 55-моддасида назарда тутилган. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахснинг тугатилганлиги ва унинг фаолият юритмаётганлиги ҳақидаги ёзув қайд этилгандан кейингина юридик шахсни тугатиш ниҳоясига етказилган ҳисобланади.

Хўжалик суди иш юритишни тугатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги далилларга эга бўлиши керак (ФКнинг 53-моддаси). Қайта тузиш чоғида юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд хўжжатига мувофиқ қайта ташкил этилган юридик шахсга ўтади (ФКнинг 50-моддаси). Мазкур норма фақат юридик шахсларга тегишлидир ва у хўжалик процессида иштирок этувчи фуқароларга нисбатан қўлланилмайди.

Агарда хўжалик суди томонидан ишни кўришда фуқаро — процесс иштирокчисининг талбиркор мақомини йўқотганлиги аниқланса, унда иш юритиш 86-модданинг 1-бандига биноан тугатилди. Бундан шундай ишлар хўжалик судига иш юритиш учун ишга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар юз бергунча қабул қилинган ҳоллар истисно қилинади.

7. Ишда иштирок этаётган фуқаронинг ўлими ва низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаган ҳолларда хўжалик суди иш юритишни тугатиши зарур.

Шундай қилиб, ФКнинг 1113-моддасига мувофиқ, меросни қабул қилиб олган ворис, меросхўрдан ўзига мерос қолдирилган мулкнинг ҳақиқий қиймати ҳажмида мерос қолдирувчининг қарзларини тўлайди. Бироқ мазкур мулк таркибига шахсий табиатга эга ҳуқуқлар кирмайди.

Якка талбиркор мақоми ўлиmidан сўнг бошқа шахсга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши мумкин эмас ва бу мақом фуқаро вафот этиши билан тугатилади. Марҳумнинг мулк меросхўрлари — жисмоний шахсларга ўтиш ҳолларида гарчанд меросни қабул қилиб олган меросхўр мерос қолдирувчининг қарзлари юзасидан жавоб берса-да, ҳуқуқий ворислик асосида марҳумнинг процессдан чиқиб кетганлиги сабабли процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди.

Хужалик процессининг қатнашчиси бўлган фуқаронинг ўлими сабабли унинг мулки давлатга, унинг органларига ёки васиятга кўра юридик шахсга ўтган ҳолларда процессуал ҳуқуқий ворислик қилиш мумкин бўлади (ФКнинг 1156, 1157-моддалари).

8. ХПКнинг 40-моддасига мувофиқ, даъвогар хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгунга қадар даъвосидан воз кечишга ҳақли. Бунда даъвогар жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабларини суд ҳимоя қилишидан бутунлай воз кечади. Воз кечишнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Хўжалик суди даъводан воз кечиш ишини кўриб чиқаркан, мазкур раддия қайсидир учинчи бир шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказётган — етказмаётганлигини аниқлаши керак. Шундай қилиб, хўжалик суди даъвогар ҳаракатларининг қонунга тўғри келиш-келмаслигини назорат қилади. Қарор чиқарилгунга қадар даъвогарнинг даъвосидан воз кечиши ўз ичига даъвони кўрмасдан қолдириш эмас, балки иш ХПКнинг 86-моддасига 2-қисми 6-бандига биноан иш юритишни тугатишни қамраб олади. Иш юритишни тугатиш бўйича мазкур асос 1993 йилдаги ХПКга қиёсланганда янги ҳисобланади.

9. Иш юритишни тугатиш хўжалик суди томонидан тасдиқланган келишув битимини тузиш каби янги асос билан тўлдирилди.

ХПКнинг 40-моддасида томонларнинг келишув битими тузиши мумкинлиги назарда тутилган. Келишув битими хўжалик судининг текширувидан сўнг мазкур битим қандай босқичда тузилганидан қатъий назар, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлмоғи зарур. Хулди даъвосидан воз кечишдаги каби битимни текширишда хўжалик суди битимнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Келишув битими тасдиқлангандан сўнг, иш юритиш процессининг исталган босқичида тугатилади. Хўжалик суди мазкур процессуал ҳаракатларнинг ҳуқуқий натижаларини тушунтириб бериши зарур.

Келишув битимини исталган суд инстанциясида тузиш мумкин. Бундан келиб чиқадикки, томонлар суднинг биринчи инстанцияси қароридан қатъий назар, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳам ишни тинч йўл билан тугатишлари мумкин. Агарда келишув битими апелляция инстанциясида тузилган бўлса, бунда биринчи инстанция суд қарори бекор қилиниши зарур.

Кассация инстанциясида келишув битимининг тузилиши билан суднинг биринчи инстанция ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарорлари бекор қилинади.

Агарда келишув битими назорат инстанциясида тузилган бўлса, барча суд ҳужжатларини бекор қилиш керак бўлади.

Жавобгарнинг даъвони тан олишига таяниб, иш юритишни тугатишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолларда агарда даъвогарнинг даъвосидан асосли воз кечганлиги туфайли ишни тугатишга

асос йўқ бўлса, жавобгарнинг аризасини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик суди қарор чиқарилади.

10. Агарда даъвогар қонунда талаб қилинадиган олдиндан низо-ни судгача кўриб чиқин тартибига риоя қилмаган ва даъвогарнинг бу тартибни қўллаш имконияти бой берилган ҳолларда ишни тугатиш керак бўлади.

Агарда судгача ҳал этиш тартибни қўллаш имконияти йўқолмаган бўлса, унда даъво ХПКнинг 88-моддасида назарда тутилганидай кўрмасдан қолдирилади. ХПКнинг 86-моддаси 8-бандида назарда гутилган асослар бўйича ажрим чиқарилгунга қадар ҳўжалик суди қонунда назарда тутилган низога ҳал қилишнинг суддан олдинга тартибини амалга ошириш учун муҳлат, масалан, даъво келтириш муҳлати ўтиб кетган-кетмаганлиги ойдинлаштириб олиши керак.

Иш юритишни тугатиш тўғрисида ҳўжалик суди ажрим чиқаради.

Ҳўжалик судининг ажримда суд ҳаражатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда, айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ҳўжалик судининг қарори устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин (87-модда).

Ҳўжалик судининг тасдиқланган қарори билан иш юритиш тугатилди, ХПКнинг 86-моддасининг бандларидан бирига суянган ҳолда иш юритишни тугатиш асослари баён этилади. Ажрим қўйилган барча талабларга кўра иш юритиш тугатилганида алоҳида суд ҳужжати шаклида чиқарилиши мумкин. Агарда иш юритиш биргина талабга кўра ёки жавобгарлардан бирига нисбатан тугатилиши керак бўлса, унда бу ҳақда қарорда кўрсатиб ўтилади.

ХПКнинг 95-моддасида асослаб берилишича, ҳўжалик судининг ажримда томонлар ўртасида суд ҳаражатларининг тақсимланиши ҳақидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин. Агарда низо ҳўжалик судида кўришга тааллуқли эмаслиги сабабли иш юритиш тугатилган бўлса, унда ажримда даъвогарга тўланган давлат божини бюджетдан қайтариш масаласи ҳал қилинган бўлиши зарур.

Иш юритишни тугатишда даъвогар айни ўша жавобгар устидан, ўйни ўша предмет ва айни ўша асослар бўйича даъво билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Даъво кўрилмай қолдирилса, бундай оқибатлар келиб чиқмайди ва даъвога кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар ҳўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ХПКнинг 89-моддаси).

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

87-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари

Иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

1. Иш юритиш хўжалик судининг асослантирилган ажрими билан тугатилади. Мазкур ажримда ХПКнинг 86-моддаси бандларига таянилади. Тақдим этилган барча талаблар бўйича иш юритиш тугатилаётганида ажрим алоҳида ҳужжат сифатида чиқарилиши мумкин. агар фақатгина битта талаб юзасидан ёки жавобгарлардан бирига нисбатан иш юритишни тугатиш лозим бўлса, бу ҳақда ҳал қилув қарорига кўрсатилади.

2. Хўжалик судининг ажримида ХПКнинг 95-моддасига белгиланган тартибда суд харажатларини томонлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал этилиши мумкин.

Агар, низо хўжалик суди судловига тегишли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилаётган бўлса, ажримда, даъвогар томонидан тўланган давлат божини бюджетдан қайтариш масаласи ҳал қилиниши лозим.

3. Иш юритиш тугатилганида даъвогар айни бир жавобгарга, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича судга иккинчи бор мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Даъвони кўрмасдан қолдирилганида эса бундай оқибатлар келиб чиқмайди ва даъвогар даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар (ХПКнинг 89-моддаси) бартараф этилгач, умумий тартибда қайта даъво тақдим этиши мумкин.

4. Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят (протест келтириш) қилиш мумкин.

10-боб.**Даъвони кўрмасдан қолдириш****88-модда. Даъвоня кўрмасдан қолдириш асослари**

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда даъвони кўрмасдан қолдиради:

1) *умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлар суди айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса;*

2) *ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлар судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлар судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчи аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса;*

3) *даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;*

4) *қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассаси орқали ундириб олинishi шарт бўлишига қарамай жавобгар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;*

5) *даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;*

6) *даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишига розилик бермаган бўлса;*

7) *давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўриляётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;*

8) *юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўриляётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса.*

1. Мазкур моддада кўрсатилган асослардан ташқари, прокурор, давлат ва бошқа идоралар томонидан манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши даъвони кўрмасдан қолдиришга олиб келади (ХПКнинг 43-моддаси 5-қисми ва 44-модданинг 2-қисми).

Кўрсатиб ўтилган асослар рўйхати батафсил баён этилган ва хужалик судининг уни кенгайтириб изоҳлашига ҳожат йўқ.

Даъвони кўрмасдан қолдиришнинг баъзи асослари ХПКнинг 118-моддасида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш асосларига ўхшаб кетади. Айнан мана шу жиҳатлари ўхшаб кетади: даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзо-

ланган бўлса; агарда даъвогар банк еки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилмаган бўлса; шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, ва бу тоифа низоларни шундай ҳал этиш қонунда ёки шартномала назарда тутилган бўлса. Бу эса, ҳозиргина кўрсатиб ўтилган ҳолатларгина, даъво юритишни янглишиб кўзғатилганда, даъвони кўрмай қолдиришга асос бўлади. ХПК 118-моддасида белгилаб берилган даъвони қайтариш қолган барча асосларга кўра, даъво кўрмай қолдирилиши мумкин эмас ва бошланган даъво юритиш иши низони мазмунан кўриб қарор чиқариш билан тугалланиши керак.

Даъвони кўрмасдан қолдириш масаласи хўжалик суди мажлисида ҳал қилинади.

2. Агарда умумий судлар, хўжалик суди ва ҳакамлар суди айнаи бир шахслар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса, даъво кўрмай қолдирилади.

Бу асосни айнаи томонлар ўртасидаги, айнаи бир предмет ва айнаи бир асослар юзасидан низо бўйича кўрсатиб ўтилган органларнинг қарори бўлса, иш юритишни тугатиш асосидан фарқлаш керак. Фарқ шундаки, низони ҳал қилувчи бошқа бир орган қарори аллақачон чиққан бўлса, унда худди даъвони кўрмасдан қолдириш каби иш юритиш тугатилади, чунки низони ҳал қилаётган бошқа орган томонидан ишни кўзғатилгани учун етарли бўлади.

3. Илгари амалда бўлган ХПКга нисбатан янги асос киритилган, у ҳам бўлса, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлар судига кўриш учун топшириши бўлиб, ҳакамлар судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар биринчи аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишидир.

Бу ҳакамлар суди ҳақидаги томонларнинг келишуви даъвогарнинг хўжалик судига мурожаат қилишига ҳалақит бермаслигини билдиради. Бундай низо агарда жавобгар қаршилиқ билдирмаса, хўжалик судида кўрилиши керак. Яна, у ўз илтимосномасини фақат биринчи инстанция низо мазмунини бўйича биринчи аризадан кечиктирмай, масалан, даъво аризасига жавоб билан бирга ёзиши керак. Илтимосномани кечикиб жўнатишда, ҳакамлар суди кўришида муҳокама қилиш амалга оширилган ҳисобланади, ҳамда низо мазмунан хўжалик судида кўриб чиқилади.

Мазкур даъвони кўрмай қолдириш асосини ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлган иш юритишни тугатишдан (ХПКнинг 86-моддаси 1-банди) ва мазкур модданинг 1-қисм 1-бандида назарда тутилган асослардан фарқ қилиш керак.

4. 88-модданинг 3-бандида даъво кўрилмай қолиши мумкин бўлган учта ҳолат назарда тутилади. Даъво аризасида даъвогар ёки унинг вакилининг имзоси булмаса, бундай ариза берилмаган деб ҳисобланади, шу туфайли ҳам даъво курмасдан қолдирилади.

ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ, даъво аризасига даъвогар ёки унинг вакили имзо чекади. Судда ташкилот номидан ФК, бошқа қонунлар ва юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига биноан берилган ваколатлар доирасида ташкилот органлари томонидан ҳимоя қилади. Бу 49-модладан келиб чиқади, бу моддага мувофиқ, ҳужжатлик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлари ҳамда вакиллари олиб боради. Масалан, ФКнинг 70-модда 6-қисмига кўра унитар корхона органи раҳбари, мулк эгаси бўлиб ҳисобланади ёки орган эгасининг вакили томонидан тайинланган. Тўлақонли ширкатда эса агарда таъсис шартномасида ишларни ширкатнинг барча аъзолари билан биргаликда олиб бориш белгиланмаган бўлмаса ёки айрим қатнашчиларгагина топшириқ берилган бўлса, унинг номидан ширкат аъзосининг ҳар бири ҳаракат қилишга ҳақли.

Шунинг учун ҳам ҳўжалик судидаги ҳар бир ҳолатда даъво аризасига имзо чеккан шахс ваколатларини англаш зарур. Бундай маълумот келтирилмаса, ҳўжалик суди даъвони ХПКнинг 88-модда 3-бандига мувофиқ даъвони кўрмай қолдиради.

Даъвони кўрмасдан қолдиришга, даъво аризасига имзо чеккан шахснинг мансаб-мавқеи ёзилмаган ҳолатлар ҳам асос бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, ХПКда даъво аризасига даъвогар вакилининг ҳам имзо чекиши имконияти назарда тутилади. Бундай махсус ваколат ишончнома билан тасдиқланган бўлиши керак (ХПКнинг 52-моддаси). Даъвогар вакилининг ваколатларини расмийлаштириш ҳақида ХПКнинг 51 ва 52-моддалари шарҳларида айтиб ўтилади.

5. Агарда қонун ҳўжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олинishi шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасага мурожаат этмаган бўлса, ҳўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш мумкин. Жумладан, пул олувчининг банк қабул қилганлиги ҳақида белги қўйган тўлов талабномаси ҳамда тўловчининг бу талабни тўлашдан бош тортиши бундай ҳўжатлар бўлиши мумкин.

6. ХПКнинг 6-моддасига биноан, агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина ҳўжалик судида иш кўзгатиш мумкин. Шунинг учун ҳам судгача низони ҳал қилишга риоя қилмаслик, даъвони кўрмай қолдиришга ёки иш юритишни тугатишга

асос ҳисобланади. Низони судгача ҳал қилиш тартибига ФКнинг 384-моддасининг 2-бандига мувофиқ, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби фақат бошқа томоннинг таклифни рад этилишини, ёки белгиланган муддатда жавоб олмагач, судга берилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Низони судгача ҳал қилишнинг мажбурий таркиби яна Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 112-моддасида назарда тутилган ва, худди шу кодекснинг 124-моддасида талабнома келтириш муддатлари белгилаб берилган (ХПКнинг 6-моддаси шарҳига қаралсин). ХПКнинг 6-моддасига мувофиқ ҳам шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилингандан кейингина низо хужалик судига юборилиши мумкин. Шартномада бундай тартибнинг белгилангани аниқ қилиб ёзиб қўйилган бўлиши керак.

Қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган тақдирда даъво курмасдан қолдирилади, ва албатта даъвогарга тўлаган давлат божини бюджетдан қайтариш масаласи ҳал қилинади.

Кодексдаги низони судгача ҳал қилиш масаласига қандай муносабат билдирилганига диққатни қаратиш зарур, чунки бу тартибга риоя қилиниши имконияти йўқолмаганлиги муҳимдир. Шунга кўра жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаслик даъвони курмай қолдириш ёки иш юритишни тугатишга асос бўлиб хизмат қилади. ХПКнинг 88-моддаси 5-бандида низони талабнома юбориш тартибига, агарда унга риоя қилиш имконияти йўқолмаган бўлса, риоя қилинмаган тақдирда даъвони кўрмай қолдириш асоси белгилаб берилади.

Агарда қонун ёки шартномада низони судгача ҳал қилиш тартиби назарда тутилган бўлиб бу тартибни даъвогар томонидан қўллаш имконияти йўқолган тақдирда, унда ХПКнинг 86-моддаси 8-бандига асосланган ҳолда ишни тугатиш керак бўлади.

7. ХПКнинг 130-моддаси 3-қисмига мувофиқ низони даъвогарсиз ҳал қилиш мумкинлигини иккита шарти келтирилади: биринчидан, агарда даъвогар даъвогар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса; иккинчидан, хўжалик судида ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги даъвогарнинг аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Хўжалик судида ишни даъвогар иштирокисиз кўриш ҳақидаги аризаси бўлмаса, ёки 2 лозим даражада иш кўриш вақти ҳақида хабардор қилинганлиги ҳақидаги маълумот бўлмаса иш курмасдан қолдирилиши мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, мазкур асос 88-модданинг 1-5-бандларида назарда тутилганидан фарқли ўлароқ, у мажбурий ҳисобланмайди. Хўжалик суди ХПКнинг 131-моддасида назарда тутилган тартибда ишни кейинга қолдириш мумкин.

8. Давлат рўйхатидан ўтишни рад қилиш ёки ундан бош тортиш

ҳақидаги аризани кўришда, низо ҳуқуққа оидлиги аниқланса, бунда даъво кўрмай қолдирилади.

9. ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ ҳужалик суди иқтисодий соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўради (23-моддага берилган шарҳга қаранг).

Фактларни аниқлаш бўйича иш юритиш юридик аҳамиятга эга бўлиб, ўзига ҳос хусусиятларга эгадир. Жумладан, бундай ҳолларда жавобгар бўлмайди ва даъво юритиш қоидаси бу ўринда ножиоз ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ишни кўришда манфаатдор шахслар томонидан ҳуқуқ ҳақидаги низо борлиги ҳўжалик судига билдирилса, ёки ҳўжалик судининг ўзи мазкур фактлар бундай низони ҳал қилиш билан боғлиқ деган хулосага келса берилган ариза ХПКнинг 88-моддаси 8-бандига биноан кўрмай қолдирилади. У ҳолда арз қилувчи ва манфаатдор шахсларга, уларнинг ҳўжалик судига умумий асосларга кўра даъво билан мурожаат қилишга ҳақли эканликлари тушунтирилади.

Ҳўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ҳўжалик судининг ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги суд ҳаражатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар ҳўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (89-модда).

Токи низони кўйилган даъво талаблари бўйича мазмунан кўриб чиқилмас экан, унда ҳўжалик суди даъвони кўрмай қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. ХПКнинг 151-моддасида баён этилган қоидалар бўйича ажрим чиқарилади.

Ажримда, агар зарур бўлса, суд ҳаражатларини ишда иштирок этган шахслар ўртасида тақсимлаш, шунингдек, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳам ҳал қилиниши мумкин (ХПКнинг 93 ва 95-моддаларига берилган шарҳга қаранг).

Даъвони кўрмай қолдириш ҳақидаги ажрим устидан ишда иштирок этган шахслар апелляция, кассация ва назорат тартибда шикоят қилишлари мумкин.

Даъвогар даъвони кўрмай қолдиришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, яна ҳўжалик судига умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бу иш юритишни тугатишдан фарқ қилиб, судга қайта мурожаат қилиш мумкин эмас.

Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаришда даъ-

вогарга ажрим билан бирга даъво аризасига илова қилинган барча ҳужжатларнинг асл нусхалари, жумладан, агарда даъво ХПКнинг 88-моддаси 5-бандига кўра кўрмасдан қолдириладиган бўлса, давлат божини тўлаганлик ҳақидаги ҳужжат ҳам бирга қайтариллади. Даъво аризаси ва ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек, агарда бюджетдан қайтариш керак бўлмаса, давлат божини тўлаганлик ҳақидаги ҳужжат ишда қолади.

89-модда. *Даъвони кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари*
Ҳўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ҳўжалик судининг ажримиде ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар барта-раф этилгач, даъвогар ҳўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

1. Тақдим этилган даъво талаблари мазмунан кўриб чиқилмаганлиги сабабли ҳўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Ушбу ажрим ХПКнинг 151-моддасида баён этилган қондаларга асосан чиқарилади.

Зарур ҳолларда ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин (ХПКнинг 93 ва 95-моддалари шарҳларига қаранг).

2. Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

3. Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар барта-раф этилгач, даъвогар ҳўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай оқибат иш юритишни тугатишдан келиб чиқадиган оқибатдан фарқ қилади, чунки у ҳолатда қайта мурожаат қилиш имконияти мавжуд эмас.

Шуни назарда тутиш лозимки, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим чиқарилишида, даъво аризасига илова қилинган асл нусхадаги ҳўжатларнинг барчаси, шу жумладан, агар даъво ХПКнинг 88-моддаси 1-қисмининг 5-банди бўйича кўрмасдан қолдириладиган бўлса, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳўжат ҳам даъвогарга ажрим билан бирга қайтарилиши лозим. Даъво аризаси ва ҳўжатлар нусхаси ҳамда агар давлат божи бюджетдан қайтарилмайдиган бўлса, унинг тўланганлиги ҳақидаги ҳўжат ишда қолади.

11-боб.**Суд харажатлари****90-модда. Суд харажатларининг таркиби**

Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, ҳужжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси ҳужжалик суди томонидан белгиланади ва даъвогар томонидан ҳужжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилиши керак.

1. Суд харажатлари — ишни ҳужжалик судида кўриш билан боғлиқ бўлган, тарафларга, учинчи шахсларга юкланадиган, давлат харажатларини қоплаш ва манфаатдор тарафларни низоли суднинг инпирокисиз ҳал қилишга ундаш мақсадида ундириладиган пул маблағлари демақдир.

Шарҳланаётган моддада курсатилган суд харажатлари таркибига:

а) давлат божи;

б) ишни кўриш ва суд ҳужжатларини жўнатиш билан боғлиқ чиқимлар киради.

1993 йилги ХПКга таққосланганда, суд харажатлари таркиби кенгайтирилган. Ҳужжалик суди тайин қилган экспертиза билан боғлиқ харажатлардан ташқари, янги Кодексга суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириши билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилган.

Суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахсларга юкланиши давлатнинг ҳужжалик судларига тааллуқли низоларни ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни кўзлайди. Суд харажатларини қоплаш, шунингдек асосланмаган даъволарни тақдим қилиниши ва низоли судларни ҳужжалик судларига етказилишига қарши йўналтирилган ҳамдир.

Суд харажатларини тўлаш, энг аввало, ишдаги тарафларга — даъвогар ва жавобгарга юкланади. Агар ишни кўриш пайтида учинчи шахслар мустақил талаблар баён қилса, улар ҳам суд харажатларини тўлашга жалб қилинади, шу жумладан, ишга киришиш ҳақида ариза бериш, апелляция ва кассация шикоятларини тақдим қилишда давлат божини тўлайдилар.

Учинчи шахслар ишга киришганда ёки ҳужжалик суди томонидан ишда иштирок этилишга жалб қилинганда мустақил талаблар билан

чиқмасалар, улар давлат божи тўламайдилар. Аммо, апелляция ва кассация шикоятларини берсалар, улар ҳам давлат божини тўлашга мажбурдирлар.

Хўжалик низолари бўйича давлат божини ундириш тартиби ва унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги қонунида унга киритилган ўзгартишлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги 533-сон қароридан унга кейинчалик киритилган ўзгартиришлар билан белгилангандир.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва даъвогар томонидан хўжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилиши керак.

Суд чиқимларининг миқдори низо моҳиятига ва даъво баҳосига бевосита боғлиқ эмас ҳамда ҳар бир иш учун амалда қилинган харажатларга боғлиқ ҳолда фарқланади. Суд харажатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан белгиланган. Бироқ, хўжалик судларига ишда иштирок этувчи шахслар сонига, улар жойлашган манзилгача бўлган масофага, почта жўнатиладиган корреспонденциянинг оғирлигига, почта хизмати кўрсатиш баҳосининг ўзгаришига кўра почта харажатлари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилган. Масалан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг почта харажатлари 2001 йил 1 августдан 2000 сўм миқдоридан белгиланган.

Суд чиқимлари қиймати хўжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказилади ва кейинчалик гувоҳлар, экспертларга тўланади.

91-модда. Давлат божи

Қўйидагилар учун давлат божи тўланади:

1) даъво аризалари;

2) ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар;

3) низо предмети юзасидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалар;

4) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;

5) хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, даъвои кўрмасдан қолдириш, суд жаримлари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари;

6) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш варақасини бериш тўғрисидаги ариза;

7) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун

ижро варақасини бериш ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари.

Даъво талаблари кўпайтирилганида давлат божининг этишмаётган суммаси ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда даъвонинг кўпайган суммасига мувофиқ ундирилади. Даъво қиймати камийтирилганда тўланган бож қайтарилмайди.

Давлат божининг миқдори, уни тўлашдан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Алоҳида ҳолларда суд даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга эки бўлиб бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада давлат божи тўланиши лозим бўлган ҳаракатлар кўрсатиб ўтилган.

Давлат божи дастлабки даъво аризалар учун ҳам, қарши даъволар бўйича аризалар учун ҳам тўланади, чунки қарши даъво тақдим қилиш даъво тақдим қилишнинг умумий қоидаларига кўра амалга оширилади.

Янги Кодексда ариза асосида суд буйруғини бериш назарда тутилган бўлиб, ариза учун ХПКнинг 106-моддасида белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи тўланади.

Қарорни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризалар, даъвони таъминлаш, суд ҳужжатини ижро этишнинг усули ва тартибини ўзгартириш, қўшимча қарор, қарорни тушунтириш, қарор ижросини кечиктириш ва узайтириш, ижро варақасини ижро этишга тиклаш ва шунга ўхшаш аризалар учун давлат божи олинмайди.

Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорларига келтирилган апелляция ва кассация шикоятларига давлат божи тўланади. Шунингдек суднинг иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш ва суд жарималарига тортиш ҳақидаги ажримларига келтирилган апелляция ва кассация шикоятлари учун ҳам давлат божи олинади.

Суднинг бошқа ажримларига нисбатан келтирилган апелляция ва кассация шикоятлари учун давлат божи олинмайди (масалан, иш юритишни тўхтатиш, даъвони таъминлаш чораларини кўриш, хўжалик судининг жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажримлари, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорлари).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қарорида шунингдек, қуйидагилар учун ҳам давлат божи тўланиши кўзда тутилган: хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг дубликатини берганлик учун ва ишда қатнашаётган тарафлар ҳамда бошқа шахсларнинг илтимосига биноан хўжа-

лик суди томонидан бериладиган ишдаги бошқа ҳужжатларининг нусхалари учун.

2. ХПКнинг 40-моддасига асосан даъвогар ҳўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганга қалар даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ёхуд даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ҳўқуқида эга. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорини қабул қилиш пайтида давлат божига етишмаётган миқдор даъво қийматининг ортишига мос равишда ундирилади, даъво қиймати камайтирилган ва даъводан воз кечилган ҳолларда эса тўланган давлат божи қайтарилмайди.

3. Давлат божини тўловчилар, тўлов қаратилган объектлар, имтиёзлар, давлат божини тўлаш ва қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги қонунига кўра аниқланади. Шунингдек, давлат божи ставкаларини белгилаш масалалари ҳам юқоридаги қонун асосида ҳал қилинади.

Ўз мафлаатларини кўзлаб ҳаракат қилган ва ҳўжалик судида юридик аҳамиятга эга бўлган ҳўжатлар олувчи юридик шахслар ва тадбиркор мақомига эга бўлган — фуқаролар давлат божи тўловчилар деб ҳисобланади.

«Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра қўйидагилардан давлат божи ундирилади: ҳўжалик судларига тақдим қилинган даъво аризаларидан, шунингдек ҳўжалик судлари қарорларини қайта кўриш тўғрисидаги аризалардан, суд томонидан ҳўжатларнинг нусхаларини берилганлиги учун.

Ҳозирги пайтда, «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси, 2-бандига кўра қўйидагилар ҳўжалик судларида кўриладиган ишлар бўйича давлат фойдасига бож тўлашдан озод қилинади:

ижтимоий таъминот органлари-зарар етказувчидан регресс даъволар бўйича қўйидагиларни ундириш юзасидан: жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммасини; бензинга, автомобиллар ва мотоаравачаларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, ногиронларни автотранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларнинг суммасини;

даъвогарлар — ўрмон ҳўжалиги даромадини ундириш тўғрисидаги ишлардан (шу жумладан дарахтларни ўсиб турган жойида сотиш тўғрисидаги қоидаларини бузганлик учун кўрилган зарар ва жарима, шунингдек ўзбошимчалик билан дарахтларни кесганлиги, пичан ўрганлиги ва молларни ўтлатганлиги учун ундириладиган жарималар);

Ўзбекистон Республикаси молия ва солиқ органлари — барча ишлар ва ҳўжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида ишлар бўйича судга ариза берганлиги учун;

давлат суғурта идораларининг даъвогарлари ва жавобгарлари — мажбурий суғурта қилиш операциялари билан боғлиқ барча ишлар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг идоралари — сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида давлатга етказилган зарар ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

Ўздавлатстандарти ва унинг идоралари — стандартларни, техник шартларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи ҳамда маҳсулотлар сифати устидан назорат қилувчи идоралар ёки шундай ваколатларга эга бўлган бошқа идоралар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб бергани учун, корхоналар ва ташкилотлардан бюджет фойдасига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Табиғатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари — қуйидаги даъволар: балиқчилик, балиқ заҳираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, шунингдек балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларига ифлосланган оқова сувларни ва бошқа чиқиндиларни ташлаш оқибатида балиқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар, овчилик хўжалигига ва давлат овчилик фондига етказилган зарарни қоплаш учун ташкилотларга қилинган даъволар, атроф-муҳитни ифлослатириш ва табиий ресурслардан оқилана фойдаланмаслик оқибатида давлатга етказилган зарар ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

прокуратура идоралари — юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволари юзасидан;

ноғиронлар жамоат ташкилотлари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар — пул маблағлари булмаган ва бу нарса банк муассасаси томонидан тасдиқланган тақдирда хужалик суди ажрими юзасидан;

адлия органлари — юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволари юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — давлат мулкига етказилган зарарни қоплаш учун давлат даромади фойдасига маблағлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўзлаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги корхоналарни иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар қўмитаси — иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги ишлар юзасидан;

«Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компанияси, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлимлари — қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, шунингдек фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдиндан бе-

риладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалик корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари — олти ой давомида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган юридик шахсларни тугатишга доир ишлар юзасидан.

Бож тўловчиларнинг айрим гуруҳлари ва тоифаларига давлат божи тўлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Хўжалик судларида кўриладиган ишлар бўйича давлат божи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 мартдаги 120-сонли «Давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўрнатилган.

Мазкур қарорга мувофиқ давлат божи қуйидаги миқдорларда олинади:

а) мулкий тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳоси:

1 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг уч фоизи миқдоридан, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

1 млн. сўмдан ортиқ 10 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан;

10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда — даъво баҳосининг 1 фоизи миқдоридан;

б) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан, корхоналар ва бирлашмаларнинг юқори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан, шунингдек жамоа хўжаликларининг, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат ташкилотлари халқаро бирлашмаларининг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан;

в) банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги аризалардан — энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан;

г) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан — энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан;

д) хўжалик сулларида қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан — биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса — талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдоридан;

е) хўжалик суди ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатлари ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан хўжалик судлари томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нус-

халарини берганлик учун — ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда.

4. Агар битта даъво аризасида бир нечта мустақил талаб бирлаштирилган бўлса, уларнинг ҳар бири учун давлат божи туланади. Масалан, мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат ордерини ҳақиқий эмас деб топиш ва мулкни қайтариб беришни талаб этиш тўғрисидаги даъво аризани ҳужалик судига тақдим этиш пайтида давлат божи номулкий характердаги даъволар учун белгиланган ставкалар бўйича ва талаб қилинаётган мулк баҳосидан келиб чиққан ҳолда мулкый характердаги даъво ариза учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

5. ХПКнинг 114, 159, 177-моддаларига кўра даъво аризага, апелляция ва кассация шикоятларига белгиланган тартибда ҳамда миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Агар ушбу ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса ёки қонунда давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш кўзда тутилган бўлса-ю, бу ҳақда даъвогарнинг илтимосномаси мавжуд бўлмаса ёки илтимосномани қаноатлантириш рад қилинган бўлса, ХПКнинг 118, 162, 180-моддаларига асосан даъво ариза ва шикоят қайтариллади.

Шарҳланаётган моддага мувофиқ алоҳида ҳолларда суд даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкый аҳволига қараб давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рўхсат беришга ҳақли. Даъвогарнинг давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги аризаси ҳужалик судига илтимоснома шаклида бериллади. Илтимосномада даъвогарнинг давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги сўрови асослантилган бўлиши ва тегишли ҳужжатлар илова қилиниши зарур. Илтимоснома даъво аризаси ёки шикоятда баён қилиниши ёхуд даъво ариза (шикоят)га илова қилинган алоҳида аризада келтирилиши мумкин. Даъво аризасисиз (шикоятсиз) тақдим қилинган илтимосномани ҳужалик суди кўриб чиқмайди. Илтимосномага илова қилинган ҳужжатлар орқали аризаچининг мулкый ҳолати даъво аризаси (шикоят) бериш пайтида давлат божини белгиланган миқдор ва тартибда тўлаш имконини бермаслиги исботланиши керак.

Манфаатдор тарафнинг мулкый ҳолатини аниқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради: солиқ органи томонидан тасдиқланган банк ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисоблар рўйхати, мазкур ҳисоблар очилган банкларнинг номи ва манзили (бунга юридик шахснинг филиаллари ва ваколатхоналарининг ҳисоб рақамлари ҳам киради); тегишли ҳисоб рақами (ҳисоб рақамлари)да давлат божини тўлаш учун зарур бўлган пул маблағининг мавжуд эмаслигини тасдиқловчи банк маълумотномалари, шунингдек ҳисоб рақами эгасининг ижро варақалари ва тўлов ҳужжатлари бўйича умумий қарз миқдори тўғрисидаги банк маълумотномалари.

Давлат божини тўлашни кечиктириш масаласи амалдаги баъзи

қонун ҳужжатларида ҳам кўзда тутилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги VII-1030-сонли «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида ҳужалик судларига хусусий корхона эгаларидан келиб тушадиган даъво аризаларни олдиндан бож тўланмасдан қабул қилиш ва суд қарори чиқарилгандан кейин уни сўзсиз тартибда ундириб олишга рухсат берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 сентябардаги 449-сонли «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банкининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш тўғрисида» ги қарорига Олий ҳужалик судига «Ўзтадбиркорбанк»нинг тўлов муддати ўтиб кетган қарзлар бўйича қарздор корхоналарга нисбатан даъвосини олдиндан давлат божи тўланмасдан, кейинчалик уни айбдор томондан ундириб олган ҳолда, қабул қилиш тавсия этилган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларда суд ҳужжатларига нисбатан келтирилган апелляция ва кассация шикоятлари ҳам давлат божи олдиндан тўланмасдан қабул қилинади.

Давлат божини тўлаш кечиктирилганда у муддати кўрсатилган пайтгача тўланмайди. Бўлиб-бўлиб тўлашда эса тегишли миқдорлар мунтазам равишда тўлаб борилади.

6. Давлат божини хорижий валютада ундириш ва тақсимлаш тартиби, шунингдек унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинади.

Республика ҳужалик судларига хорижий валютадаги даъво аризаларини бериш пайтида давлат божи мулкий тусдаги низолар бўйича даъво қийматининг 10 фоизи миқдорига тўланиши зарур, Олий ҳужалик суди томонидан кўриладиган шартнома тузилишидан олдин юзага келадиган низолар бўйича шартнома қийматининг 1 фоизи миқдорига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳужалик судларида эса 0,75 фоиз миқдорига ундирилади.

Давлат божи АҚШ долларига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, АҚШ долларига нисбатан ҳисобланиб бошқа эркин муомаладаги валютада ундирилади.

Хорижий валютада тўланадиган давлат божи Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади (Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг бош операциялар бўлими, Х/Р 20204840800598829002, МФО 00407).

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари давлат божи ва жарималарни сўм билан тўлайдилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ҳудудида жойлашган ҳужалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикасининг ҳужалик судларига мурожаат этиш пайтида давлат божини

1994 йил 24 декабрда Ашгабад шаҳрида имзоланган «Турли давлатлар субъектлари ўртасидаги ҳужалик низоларини кўриш пайтида ундирилладиган давлат божи миқдорлари ва тартиби тўғрисида»ги Битимга асосан даъвода кўрсатилан валюта миқдорининг 10 фоизи миқдорида тўлайдилар.

7. Давлат божи, одатда, даъво ариза ёки суд буйруғини бериш ҳақидаги ариза тақдим қилинишидан олдин, шунингдек ҳужалик судининг ҳал қилув қарорини, ажримини ва қарорини қайта кўриш ҳақидаги апелляция, кассация шикоятларини келтиришдан олдин тўланади. Давлат божи тўланмаган даъво аризалари ҳамда ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларни қайта кўриш ҳақидаги шикоятлар қабул қилинмайди ва даъвогар ёки шикоятчига қайтарилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ҳўжалик судлари томонидан ундирилладиган давлат божи миқдорларини республика бюджети фойдасига ундириш кўзда тутилган. Давлат божининг тегишли суммаси республика бюджетига тўловчининг ҳисоб рақамидан тўлов топшириғи орқали ёхуд нақд пул билан ёки баъзи ҳолларда бож маркалари билан амалга оширилади. Банкка берилган тўлов топшириғи нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича давлат божи тўланганлигининг исботи сифатида хизмат қилиб, уларда тўлов номи ва миқдоридан ташқари давлат божи қайси корхонага нисбатан низоли иш бўйича тўланганлиги ҳам кўрсатилади. Тўлов топшириқномасида солиқ ёки молия органининг ҳисоб рақами кўрсатилади. Масалан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларида ишларни кўриш пайтида давлат божи Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси ҳисобига ўтказилади, иш Самарқанд вилояти ҳўжалик судида кўрилаётган бўлса, давлат божи Самарқанд шаҳар молия бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Ҳўжалик судига тақдим қилинаётган тўлов топшириқномаси охириги нусхасининг олди еки орқа томонидан банк муассасасининг божни республика бюджети фойдасига ўтказилгани ҳақидаги ёзуви ва тегишли ходимларнинг имзолари билан топшириқ бажарилган сана кўрсатилади ва банкнинг юмалоқ муҳри билан тасдиқланади.

Давлат божи бож тўловларини қабул қилиб олувчи банк муассасаларига нақд пул билан тўланиши мумкин. Бундай ҳолларда банк муассасалари томонидан тўловчиларга тегишли шаклдаги квитанциялар берилади. Квитанцияларда тўлов тури ва миқдори, бож қайси корхонага нисбатан даъво бўйича тўланганлиги ҳам кўрсатилади. Бож тўлаш ҳақидаги тўлов топшириғи ва банкнинг квитанцияси бож тўланиши зарур бўлган ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

Тўловчининг ҳисоб рақамидан ёки нақд пул билан тўланган давлат божи миқдорлари республика бюджети фойдасига ўтказилади.

Шунингдек, давлат божи бож маркалари билан ҳам тўланиши мумкин. Давлат божи тўлаш учун маркалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган

ҳолда тасдиқланган бир хил кўринишдаги намуналар бўйича тайёрланади. Давлат божи маркалари банк муассасалари томонидан сотилади. Уларни сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Сотиб олинган давлат божи маркалари қайтариб олинмайди.

Бож маркалари ҳужалик судларига тақдим қилинадиган аризалар, шикоятларга ёпиштирилади ва мазкур ҳужжатларни қабул қилиб олаётган ҳужалик судининг мансабдор шахси имзоси билан тугатилади. Мазкур ҳолда мансабдор шахснинг имзоси марқадаги матн орқали қоғознинг бўйи жойига утиши керак. Шунингдек, маркалар ҳужалик судининг тамғаси ёки муҳрини босиб, савани кўрсатиш билан тугатилиши мумкин. Маркаларни аризачининг ўзи тугатиши ёки устидан чизиб ташлаш йўли билан тугатиш мумкин эмас.

Тўланган давлат божига етишмаётган миқдорни ҳужалик судлари ходимларига нақд пул билан тўлашга йўл қўйилмайди. Шунингдек, юқорида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, ишга оид давлат божини тўлиқ миқдорда бож маркалари билан тўлаш мумкин эмас.

Баъзан, бир неча ишга тегишли бўлган давлат божини битта тўлов топшириқномаси билан ўтказиб юборилади. Агар бож тўланган низоли ишларнинг ҳаммаси битта ҳужалик судида кўрилиши керак бўлса, у ҳолда тўлов топшириқномаси битта ишга тиркаб қўйилади, бошқа ишларда эса, тўлов топшириқномасидаги тўланган маълум миқдордаги давлат божи маълум бир ишнинг ичида эканлиги ҳақида белгилаб қўйилади. Тўлов топшириқномаси тиркаб қўйилган ишда давлат божи тўланган ишлар ҳам кўрсатилиши зарур. Ҳужалик суди бир неча талабдан иборат бўлган даъво аризасини ундаги талабларни ажратиш ва ўша ҳужалик судининг ўзида кўрилиши керак бўлган алоҳида-алоҳида даъво тақдим қилиш учун даъвогарга қайтарган ҳолатларда ҳам худди шу тартиб қўлланилади.

Ҳужалик судлари тўлов топшириқномасида жавобгар сифатида кўрсатилган ташкилотта нисбатан тўланган тўлов топшириқномаларини қабул қилади. Маълум бир ташкилотта нисбатан келтирилади-ган даъво учун тўланган бож миқдори бошқа бир ташкилотта келтириладиган даъво учун давлат божи сифатида қабул қилинмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судларининг моддий-техникавий базасини мустақкамлаш ва юклатилган вазибаларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 17 февралдаги VII-564-сонли Фармонида мувофиқ Ҳужалик судларини ривожлантириш фонди ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 мартдаги 124-сонли қарорига кура (республика ҳукуматининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарори билан киритилган ўзгартишлар билан) Фонд жамғармалари қуйидагилар ҳисобига ташкил топади:

Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судларининг тегишли йил харажатлари учун ажратишган маблағларнинг тежалган суммасидан;

республика хўжалик судларида кўриладиган низоли ишлар бўйича республика бюджетига келиб тушадиган давлат божи ва жарималар миқдорининг 15 фоизидан;

хўжалик судлари органларида қонунда белгиланган тартибда йиғиладиган бошқа даромадлардан.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган давлат божи ва жарималарни республика бюджетига хўжалик судларининг махсус ҳисоблари фойдасига ундириш ва келиб тушиш тартиби Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий хўжалик суди томонидан 1995 йил 26 майда тасдиқланган Қоидалар асосида тартибга солинади.

Хўжалик судларига тақдим қилинадиган даъво аризалар ва хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари устидан бериладиган шикоятлар бўйича давлат божини пул ўтказиш йўли билан тўлаш иккита тўлов топшириғи орқали амалга оширилади. Бунда даъво қийматининг ёки ҳал қилув қарорлари бўйича тўтилишга ётган миқдорнинг 85 фоизи республика бюджетига фойдасига — унинг 11-бўлими, 3-параграфининг 57-рамзига ўтказилади, давлат божининг қолган 15 фоизи бўлса, банк муассасалари орқали республика хўжалик судларининг махсус ҳисобларига ўтказилади.

Хўжалик судлари томонидан солинган жарималарни ундириш учун ижро варақалари берилади. Ижро варақалари солиқ органлари ва суд ижрочиларига юборилади, улар эса мазкур жарималарни республика бюджетига фойдасига — унинг 12-бўлими, 1-параграфи, 39-рамзига ва худди ўша миқдорларда хўжалик судларининг махсус ҳисобларига кирим қилиш учун банк муассасаларига тақдим қиладилар.

92-модда. Даъвонинг баҳоси

Даъвонинг баҳоси қуйидагича аниқланади:

1) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — ундириладиган суммага қараб;

2) ижро этиш хўжжати ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа хўжжатни ижро этиш мумкин эмас деб топши тўғрисидаги даъволар бўйича — низолаштирилган суммага қараб;

3) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — шу мол-мулкнинг қийматига қараб;

4) ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — ер участкасининг белгиланган баҳода, баҳоси бўлмаса — бозор баҳосида чиқарилган қийматига қараб.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка (жарима, пеня) суммалари ҳам киритилади.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у хўжалик суди томонидан белгиланади.

Даъво аризалари ва мулкий характердаги аризалардан олинаниган давлат божи миқдори даъво миқдorigа, яъни даъво талаблари миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Даъво баҳоси даъвогар даъво аризада кўрсатган қийматга қараб ҳисобланади. Агар даъвогар даъво баҳосини нотўғри кўрсатган бўлса, у ҳолда даъво баҳоси даъвони қабул қилиб олиш пайтида (агар ўша вақтда бунинг учун асослар мавжуд булса) ёки ишни судда куриш пайтида хўжалик суди томонидан аниқланади.

Пул маблағларини ундириш туғрисидаги даъволарга даъво баҳоси даъвогар жавобгардан ундириб беришни сўраган сумма миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Мулкни талаб қилиб олиш туғрисидаги даъволарда эса бу рақам мулкнинг ҳақиқий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Даъво баҳосига нафақат даъвогар ўз фойдасига ундириб беришни сўраган асосий қарз миқдори ёки мулкнинг қиймати, балки даъво аризасида, ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорида кўрсатилган неустойка миқдори (пеня ва жарима) ҳам киради.

Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорларига нисбатан келтириланиган апелляция ва кассация шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш пайтида ҳам даъво баҳосини аниқлашнинг юқорида кўрсатилган тартиби қўлланилади. Бундай шикоятларни тақдим қилишда давлат божи ундириш учун фақат шикоятчи низолашаётган миқдор эътиборга олинади.

Агар ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги шикоят даъвогар томонидан унинг талаблари хўжалик суди томонидан тула ёки қисман қаноатлантиришни рад қилиши сабабли берилган бўлса, даъвогар давлат божи тўлашда имтиёзга эга бўлса, у ҳолда жавобгардан давлат божи ундириш учун даъво баҳоси умумий тартибда аниқланади. Агарда даъвогар имтиёзга эга бўлмаса, давлат божи шикоят берилган пайтда кўрсатилган (даъвогарга ундириб бериш рад қилинган ва тортиштирилган) миқдордан келиб чиқиб аниқланади.

Давлат божини тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлган даъвогарнинг талаблари қаноатлантирилганда давлат божи даъвони кўриш пайтида хўжалик суди томонидан ундирилган миқдордан келиб чиққан ҳолда жавобгардан тўлиқ миқдорда ундирилади ва бюджет фойдасига ўтказилади. Бундан ташқари, даъвогар томонидан хўжалик суди ҳал қилув қарорини қайта кўришни сўраб шикоят бериш пайтида тўлашдан озод қилинган давлат божи ҳам жавобгардан бюджет фойдасига ундирилади, бунда хўжалик суди томонидан белгиланган миқдордан келиб чиқилади.

Мулкни натура шаклида ундириш туғрисидаги даъво қаноат-

лантирилаётганда давлат божи миқдорини ҳисоблаш учун ҳал қилув қарорида мазкур мулкнинг қиймати кўрсатилиб, ушбу миқдор бюджет фойдасига ундириш ёки даввогарнинг давлат божи тўлаш бўйича харажатларини қоплаш учун жавобгардан ундирилади. Бундай мазмундаги давво қисман қаноатлантирилган бўлса, давлат божи ёки даввогарнинг давлат божи тўлаш бўйича харажатлари қопланадиган миқдор ўтказиб берилётган мулкнинг қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Баъзан давво талаблари битта даввогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан, бир неча даввогар томонидан битта ёки бир неча жавобгарга нисбатан бериледи. Бундай ҳолларда давво аризаларда ҳар бир жавобгарга нисбатан талаблар алоҳида-алоҳида келтирилиши лозим. Бир неча жавобгарга нисбатан кўрилган низо бўйича ҳўжалик суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорида низо ҳар бир жавобгарга нисбатан қандай мазмунда ҳал қилинганлиги ва уларнинг ҳар бири ҳал қилув қарорининг қандай қисмини бажариши зарурлиги кўрсатилиши керак. Бир неча даввогарнинг фойдасига чиқарилган ҳал қилув қарорида эса ундирилган миқдорнинг қанча қисми уларнинг қайси бирига тегишли эканлиги кўрсатилади.

Бир неча жавобгарга нисбатан ариза келтирган даввогар барча талабларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда давлат божи тўлайди. Агар даввогар давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса, у ҳолда ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан давлат божи ҳар бир жавобгардан ундириладиган миқдорга мос равишда ундириб олинади. Агар, бирон-бир низоли иш бўйича жавобгарлардан бири давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса, у ҳолда ўша жавобгардан бюджет фойдасига давлат божи ундирилмайди.

Бир неча даввогар томонидан битта жавобгарга нисбатан давво талаблари тақдим қилинганда давлат божи умумий талаб миқдоридан келиб чиқиб, ҳар бир даввогарнинг талабларига мос равишда ундирилади. Давлат божи даввогарларнинг ўзаро келишувига биноан даввогарлардан бири томонидан тўланиши ҳам мумкин.

Агар жавобгарга нисбатан берилган давво бир неча даввогарлар томонидан тақдим қилинган ва улардан баъзилари давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса, у ҳолда давлат божи уни тўлашдан озод қилинмаганлар томонидан ўзлари тақдим қилган давво миқдори асосида тўланади. Бундай давволар тўлиқ қаноатлантирилганда давлат божи давво қиймати асосида (қисман қаноатлантирилганда эса қаноатлантирилган миқдор бўйича) ҳисобланади. Жавобгар ҳисоблаб чиқилган давлат божининг умумий миқдоридан тегишли қисмини даввогарлар томонидан тўланган давлат божи бўйича харажатларни қоплаш учун тўлайди, орадаги фарқ жавобгардан бюджет фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир неча даввогарнинг бир неча жавобгарга нисбатан қилинган давволари бўйича давлат

божи хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра ҳар бир жавобгарга тегишли қарз миқдоридан келиб чиқиб бюджет фойдасига ундирилади. Битта низоли иш бўйича айрим даъвогар ва жавобгар давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса, у ҳолда давлат божи улардан ундирилмайди.

Агарда бир неча даъвогарлар битта жавобгарга нисбатан даъво аризаси билан муурожаат қилсалар, бож даъво баҳоси умумий қийматидан ҳисобланади ва барча даъвогарлар томонидан ишдаги ҳиссаларига мутаносиб равишда тўланади. Даъвогарларнинг келишуви бўйича давлат божининг барча суммаси даъвогарлардан бири томонидан тўланиши мумкин. Агар даъвогарлар томонидан битта жавобгарга нисбатан даъво қилинган бўлса ва улардан айримлари бож тўлашдан озод қилинган ҳолда даъво тақдим қилишда давлат божи уни тўлашдан озод қилинмаган даъвогарлар томонидан ўзларининг қисмига мос равишда тўланади. Бундай даъво тўлиқ қаноатлантирилганда давлат божи даъво баҳосининг тўлиқ миқдоридан ҳисобланади (қисман қаноатлантирилганда қаноатлантирилган суммадан).

Умумий ҳисобланган бож суммасининг тегишли қисми жавобгар томонидан даъвогарларнинг харажатларини қоплашга фарқи эса давлат бюджетига ундирилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарларнинг бир неча жавобгарларга даъвоси бўйича бож давлат бюджетига фойдасига хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган сумма миқдорига мос равишда жавобгарлардан ундирилади. Айрим даъвогарлар ва жавобгарлар бож тўлашдан озод қилинган тақдирда иш бўйича улардан бож ундирилмайди.

93-модда. Давлат божини қайтариш

Давлат божни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтарилиши керак.

Хўжалик судининг ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

Давлат божни тўланган, лекин хўжалик судига келиб тушмаган ёки қайтарган аризилар, апелляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

1. «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 6-молдасига асосан, тўланган давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилади:

низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилганда ва даъвогар ишбу тоифадаги ишлар учун низоли судга ҳал қилиш (талабнома юбориш)ни белгиланган тартибига риоя этмаганлиги сабабли даъво кўрмасдан қолдирилганда;

давлат божи жавобгардан давлат фойдасига ундирилиб бўлган кейин суд қарори тегишли тартибда бекор қилинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат божини қайтаришнинг бошқа ҳолатлари ҳам белгиланиши мумкин.

ХПКнинг 86 ва 88-моддаларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра иш юритиш тугатилган ёки даъво кўрмасдан қолдирилган ҳолатларда давлат божи қайтарилмайди.

2. Давлат божини бюджетдан қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1993 йил 28 июнда 44/31 рақами билан тасдиқланган «Давлат божи тўғрисида»ги Йўриқноманинг 17-21-бандлари асосида амалга оширилади.

Давлат божини бюджетдан қайтариш тўловчининг аризаси асосида солиқ органи томонидан амалга оширилади. Давлат божини қайтариш тўғрисидаги аризага божни тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар ҳақидаги хўжалик судининг маълумотномаси ҳамда тўланган миқдор тўлиқ қайтарилиши зарур бўлса — бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли илова қилинади.

Маркалар билан тўланган давлат божини қайтариб олиш учун тегишли молия органига ариза ёки хўжалик судига мурожаат қилиш пайтида маркалар ёпиштирилган ва тегишли тартибда ҳисобдан чиқарилганлиги кўриниб турган бошқа ҳужжат тақдим қилинади, давлат божи тўланган ҳужжатлар хўжалик судида олиб қолинган ёки маркалар хўжалик судининг рўйхатга олиш дафтари (реестри)-га ёпиштирилган ҳолатлар бундан мустасно.

Хўжалик судида олиб қолинган низоли ишлар бўйича давлат божини қайтариш учун хўжалик суди томонидан берилган маълумотномада тегишли ҳужжатлар (даъво аризалари, тўлов топшириқ-номалари, қвитанциялар, бож маркалари) хўжалик судида эканлиги кўрсатилади.

Давлат божини қайтариш тўғрисидаги ариза тегишли молия органига ёки бож ундирувчи муассаса у давлат бюджетига келиб тушган кундан бошлаб бир йилдан ўтмаган муддат ичида тақдим қилинган тақдирдагина бож қайтариб берилади.

3. ХПКнинг 118-моддасига асосан, даъво аризанинг қайтарилиши даъвогар томонидан йўл қўйилган хато тўзатишдан кейин умумий тартибда иккинчи марта даъво ариза билан судга мурожаат қилишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолатда даъвогар биринчи мурожаат пайтида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. ХПКнинг 162-моддаси 1-3-бандлари ва 180-моддасининг 1-4, 6-бандларида кўрсатилган асосларга кўра бундан олдин қайтарилган апелляция ва қассация шикоятларини хўжалик судларига қйтадан тақдим қилишда ҳам худди шу тартибга амал қилинади. ХПКнинг 88-моддаси 5-бандига асосан бундан олдин кўрмасдан қолдирилган даъво бўйича қайтадан судга

мурожаат қилинганда ҳам олдин давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат илова қилиниши мумкин. Шунинг учун ҳам даъвогар қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда талабнома юбориш тартибига риоя қилмаганда даъво кўрмасдан қолдирилса, суд даъвогарга давлат божи тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг аслини қайтариши лозим.

4. Давлат божининг тўлиқ ёки қисман қайтарилиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар ҳужжалик судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарорида кўрсатилади.

5. Давлат божини қайтариш ҳужжалик судининг маълумотномаси асосида амалга оширилиб, маълумотнома суд ҳужжатида кўрсатилган ҳолатларга асосан ёки ҳужжалик судига ариза, апелляция ёхуд кассация шикоятни келиб тушмаганлиги ёки улар қайтарилганлиги сабабли берилади.

6. Республика ҳужжалик судларини ривожлантириш фондига тўланган давлат божи юқорида келтирилган тартиб асосида қайтарилади. Бироқ, божни қайтариш ҳақидаги маълумотнома ва бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат даъвогарга эмас, балки ҳужжалик судининг бухгалтериясига берилади. Бухгалтерия эса тўланган бож миқдорини тўлов топшириғи орқали тўловчининг ҳисоб рақамига ўтказди.

Низо ўзаро келишиб ҳал қилинганлиги ёки шахс ҳужжалик судига мурожаат қилишдан воз кечганлиги сабабли ҳужжалик судига ариза ёки шикоят келиб тушмаган бўлса, республика ҳужжалик судларини ривожлантириш фонди ҳисобига ўтказилган давлат божи миқдори тўловчининг тўлов ҳужжатини асли илова қилинган аризаси асосида қайтарилади. Бу ҳолатда давлат божи республика ҳужжалик судларини ривожлантириш фондига келиб тушган кундан бошлаб бир йил мобайнида ариза тақдим қилинган тақдирда қайтарилади.

94-модда. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш

Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга ҳужжалик судига келиш билан боғлиқ бўлган йўлқира, уй-жой ижараси харажатлари қопланади ва кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Экспертлар ва таржимонлар ҳужжалик судининг топшириғи билан бажарган иш уларнинг хизмат вазифаси доирасига кирмаса, улар бу иш учун ҳақ оладилар.

Ҳужжалик судига гувоҳ сифатида чақирилган фуқароларнинг судга келиши туғрайли йўқотилган вақт билан боғлиқ харажатлари қопланади.

Ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган суммани ҳужжалик судининг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказди. Агар иккала томон илтимос билан мурожаат қилган бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказадилар. Агар қўшимча экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма

экспертга суд томонидан депозит ҳисбидан тўланади. Бу сумма ишда иштирок этувчи шахслардан ушбу Кодекснинг 95-моддасига мувофиқ ундирилиб, суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Экспертларга, гувоҳларга ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар ҳўжалик суди томонидан улар ўз вазифаларини бажарганларидан кейин тўланади.

Тўлаш тартиби ва тўланиши лозим бўлган суммалар миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормалари ҳужалик судлов ишларини юритишда эксперт, гувоҳ ва таржимон иштирокини кўзда тутди.

ХПКнинг 90-моддасига асосан низони куриш билан боғлиқ қўйидаги харажатлар суд харажатларига киради: ҳужалик суди томонидан тайинланган экспертнинг хизмати учун тўланадиган маблағлар, гувоҳларни чақириш харажатлари. ХПКнинг 90-моддасида таржимонларга тўланадиган миқдорлар кўрсатилмаган бўлса-да, бундай тўловлар таржимоннинг ҳужалик суди жараёнида қатнашишидан келиб чиқиб тўланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўловлар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қонунига асосан ҳўжалик судларига чақирилган экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларнинг яшаш жойидан чақирув жойигача келиш ва қайтиш бўйича харажатлари корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафарларига бориб-келиш бўйича харажатларини қоплаш учун белгиланган миқдорлар бўйича тўланади.

Ўзларининг доимий яшаш жойларидан узоқда жойлашган ҳўжалик судларига чақиртирилган юқоридаги шахслар башарти бир кечакундуздан ортиқ қолишга мажбур бўлишса, уларнинг ётоқ ва кундалик харажатлари корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафарларига бориб-келиш бўйича харажатлари учун белгиланган тартиб ва миқдорларда тўланади.

Судга келганлик, маълум бир ишнинг бажарилганлиги билан боғлиқ (экспертиза ва таржимонлар) тўланадиган пулнинг миқдорлари қонунда белгилаб қўйилган.

Экспертиза ўтказиш ва гувоҳларни суд мажлисига чақириш билан боғлиқ харажатларни айбдор тараф тўлайди. Харажатларнинг суд мажлисида таржимон иштироки билан боғлиқ қисми эса давлат томонидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддасига кўра судга гувоҳ, эксперт ва таржимон сифатида чақиртирилган ходимларнинг иш жойида ўрғача иш ҳақи сақланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 мартдаги 133-сонли

қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш Тартиби» бундай тўловларни пул билан таъминлаш манбаларини ва уларни беришни белгилайди.

3. Экспертлар томонидан бажарилган иш учун тўлов экспертнинг малакаси, ўтказилган экспертизанинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, бироқ қонунчиликда белгилангандан юқори бўлмаган миқдорда хўжалик суди томонидан аниқланади. Таржимон учун тўланадиган ҳақни ҳам хўжалик суди белгилайди ва бу ерда ҳам тўланадиган ҳақ қонунчиликда белгилангандан кўп бўлмаслиги шарт.

Агар эксперт ва таржимонлар томонидан бажарилган иш уларнинг хизмат вазифалари доирасига кирса ҳақ тўланмайди.

4. Гувоҳлар ва экспертларга тўланадиган пул миқдорларини хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиш лозим бўлганлиги сабабли судда қатнашаётган ҳамда гувоҳ ва экспертлар иштирокини сўраган тараф ёки тарафлар кўрсатилган маблағни хўжалик судининг депозит ҳисобига ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни хўжалик судига тақдим қилишлари керак.

ХПКнинг 69-моддасига кўра, экспертизани хулосаси етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаган ҳолатларда хўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши ва уни амалга оширишни айтиш экспертига ёки бошқасига топшириши мумкин. Агар қўшимча экспертиза ўтказиш хўжалик судининг ташаббуси билан тайинланса, экспертига тўланадиган ҳақ хўжалик судининг депозит ҳисобидан берилади.

Таржимонга тўланадиган ҳақ ишда иштирок этувчи шахслардан ундирилмайди.

5. Хўжалик суди ўзининг тегишли суд ҳужжатида (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор) гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларга тўланадиган ҳақ миқдорларини кўрсатади.

Агар гувоҳлар ва экспертларга тўлаш учун хўжалик суди томонидан белгиланган ҳақ миқдори нисбати судда кўришда қатнашган ва юқоридаги шахсларнинг суд мажлисида қатнашишини сўраган шахс томонидан тўланган миқдордан ортиб кетса, етмаётган миқдор мазкур шахсдан хўжалик судининг депозит ҳисобига ундирилиши шарт. Ўтказилган пул миқдори хўжалик суди белгиланган миқдордан кўп чиққан ҳолатларда эса ортиқча маблағ депозит ҳисобидан чиқарилади ва суд мажлисида қатнашган ҳамда пулни кўпроқ тўлаб юборган тегишли шахсга қайтарилади.

6. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларнинг ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ нисбати кўриб чиққан хўжалик судининг депозит ҳисобидан тўланади.

95-модда. Суд харажатларининг тақсимланиши

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг

қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божни, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджетига даромадига ундирилади.

Агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низога судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган хужжатларни жуънатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг натижасидан қатъий назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида ўзаро келишсалар, хўжалик суди шу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикоятни беришлари билан боғлиқ суд харажатлари ушбу моддада баён қилинган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

1. Суд харажатлари битта тарафнинг ёки иккала тарафнинг зиммасига юклатилиши мумкин. Умумий қоидага кўра, шартли қилиб айтганда, суд харажатларини қоплаш айбдор тарафга юклатилади.

Шартномаларни тузиш, унинг шартларини ўзгартириш ва шартномани бекор қилиш пайтида юзага келадиган низолар бўйича суд харажатлари ё бошқа тарафнинг таклифларини қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортаётган тараф зиммасига юклатилиши мумкин, ёки, агар шартнома тузиш ва унинг шартларини ўзгартириш билан боғлиқ низога судда куриш пайтида ҳар иккала тарафнинг талаблари суд томонидан қисман рад қилинганда — ҳар иккала тарафга юклатилиши мумкин. Бундан келиб чиқса, агар тарафлар ўртасидаги келишимовчиликларнинг бир қисми бу тарафнинг фойдасига ҳал қилинса — хужалик суди томонидан у ёки бу тарафнинг таклифи қабул қилинганлигига мос равишда суд харажатлари ҳар иккала тараф зиммасига юклатилади. Шартномаларни бажариш пайтида ва бошқа асосларга кўра келиб чиққан низолар бўйича суд харажатлари тарафларнинг даъво талаблари қанчалик қаноатлантирилганлигига мос равишда ҳар иккала тарафга юклатилади. Даъво тўлиқ қаноатлантирилганда суд харажатлари тўлалигича жавобгарнинг зиммасига юклатилса, даъво тўлиқ рад қилинган тақдирда эса даъвогар томонидан қопланади. Суд харажатларини тақсимлашнинг юқорида келтирилган қоидалари ҳам мулкий характердаги, ҳам номулкий характердаги низоларга тегишлидир.

2. Прокурор аризаси асосида кўзғатилган низоли иш бўйича қарор чиқариш пайтида, шунингдек, даъвогар давлат божини тўлашдан

озод қилинган ҳолатларда давлат божи жавобгардан умумий асосларда республика бюджети фойдасига ундирилади. Агар даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган бўлса, жавобгардан давлат божи тўлиқ ёки тегишли қисми буйича ундирилади, даъво қаноатлантирилмаган бўлса жавобгардан давлат божи олинмайди. Даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда белгиланган тартибда жавобгар сифатида давлат божи тўлашдан озод қилинган шахсдан бож ундирилмайди.

Хужалик суди судда ютиб чиққан тарафнинг давлат божи буйича харажатларини бошқа тараф ҳисобидан умумий асосларга кўра қоплаб беради (ушбу тараф давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса ҳам). Масалан, акциядорлик жамиятининг солиқ органига нисбатан унинг чиқарган хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган тақдирда акциядорлик жамиятининг олдиндан тўлаган давлат божи миқдори жавобгардан (солиқ органи) ундириб берилади.

3. Шунинг ҳисобга олиш керакки, низонинг қандай ҳал қилинишидан қатъи назар, хужалик суди суд харажатларини тарафлардан бирининг зиммасига юклаши мумкин. Мазкур ҳолат курилган низо тарафлардан бирининг нотўғри хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиққанида юз беради. Масалан, амалдаги қонун ёки шартномага кўра жавобгар ўзига билдирилган талабномага жавоб бериши керак бўлган-у, бироқ жавоб бермаган. Ўзига нисбатан қўйилган даъво буйича эса хужалик судига даъвогарга маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаган даъво талабларини рад қилувчи хужжатларни тақдим қилган. Даъвоини қаноатлантириш рад қилинган тақдирда суд харажатларини қоплаш жавобгарнинг зиммасига юклатилиши мумкин, чунки унинг айби билан даъвогар даъво билан судга мурожаат қилган ва низо кўрилишига олиб келган.

Низо кимнинг фойдасига ҳал қилинишидан қатъи назар ишни кўришда қатнашган ҳамда низони хужалик судида кўрилишигача олиб келишда айбдор бўлган шахс зиммасига суд харажатларини юклашдан кўзланган мақсад куйидагичадир: мазкур ҳаракат қонун ёки шартнома шартларида белгилаб қўйилган низоларни судгача ҳал қилиш тартибини бузаётганларга қарши йўналтирилгандир.

4. Агар тўланиши лозим бўлган неустойка миқдори мажбуриятни бузиш оқибатларидан ҳалдан ташқари катта бўлса, хужалик суди низо юзасидан қарор қабул қилиш пайтида Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асосан неустойкани камайтириши мумкин. Бундай ҳолатларда даъвогарнинг давлат божи буйича харажатлари жавобгар ҳисобидан тўлалигича қопланади.

5. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзаро келишган ҳолда суд харажатларини тақсимлаб олишлари мумкин ва ушбу келишувдаги суд харажатларини тақсимлаш усули мазкур моддада келтирилган қоидалардан фарқ қилиши мумкин. Бундай келишув мавжуд бўлган

тақдирда ҳўжалик суди суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги қарорини ана шу келишув асосида чиқаради.

6. Хўжалик суди томонидан тайинланган экспертиза ўтказилганлиги, гувоҳларни чақиртириш учун тўланадиган миқдорлар, жойига бориб далилларни куздан кечериш, суд хўжатларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш қоидалари давлат божи буйича харажатларни тақсимлаш қоидалари билан бир хилдир.

7. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорида суд харажатлари билан боғлиқ бўлган масала ҳал қилинмай қолган бўлса, у ҳолда мазкур камчилик ХПКнинг 149-моддасига асосан қўшимча қарор чиқариш йўли билан бартараф қилинади.

8. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция ва кассация инстанцияларига мурожаат қилиши олдинги қарорнинг ўзгартирилиши еки янги хўжат қабул қилинишига олиб келганлиги билан боғлиқ харажатлари шикоят талаблари қанчалик қаноатлантирилганлигига мослаштирилади ва бунда юқорида келтирилган қоидалар ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, апелляция ва кассация ҳамда назорат инстанциялари низони судда кўришнинг биринчи инстанциясида қилинган суд харажатларини қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга: кассация инстанцияси – апелляция судидаги харажатларни, назорат инстанцияси эса — апелляция ва кассация судларидагини.

Суд хўжати бекор қилиниб, янгидан кўриш учун юборилган тақдирда низони кўраётган суд юқорида келтирилган қоидалар асосида суд харажатларини қайта тақсимлайди.

12-боб.**Процессуал муддатлар****96-модда. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш**

Процессуал ҳаракатлар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган муддатларда бажарилади, процессуал муддатлар белгиланмаган ҳолларда эса улар ҳужалик суди томонидан белгиланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь сана билан, албатта содир бўлиши лозим бўлган воқеани кўрсатиш билан ёки ҳаракат бажарилиши мумкин бўлган давр билан белгиланади.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки унинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа содир бўлган кундан бошланади.

1. Процессуал муддат — бу қонун ёки ҳужалик суди томонидан белгиланган ишни ҳужалик судида кўриб чиқиш, ҳўжалик суди ҳал қилув қарори (ажрим)ни қайта кўриб чиқиш, суд қарори ижроси, айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтидир.

Ишни ҳўжалик судида кўриш муддатларини икки турга ажратиш мумкин:

1) қонун (ХПК ёки бошқа қонунлар) томонидан белгиланган муддатлар: ҳужалик суди, ишда иштирок этувчи ва ишда иштирок этмаётган шахслар учун;

2) ҳужалик суди томонидан белгиланадиган муддатлар: ишда иштирок этаётган шахслар учун; ишда иштирок этмаётган шахслар учун.

Қонун билан ҳужалик суди учун белгиланган муддатлар ўз навбатида қуйидаги муддатларга бўлиниши мумкин:

а) низоларни ҳал этиш, ишни қайта кўриб чиқиш;

б) айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш.

Кодекс томонидан белгиланган низоларни ҳал этиш, ишни қайта кўриб чиқиш муддатларига қуйидагилар тегишлидир:

ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ишни кўриб чиқиш ва ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун бир ойлик муддат (125-модда);

ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикоятни ҳўжалик судига тушган кундан эътиборан кўриб чиқиш учун бир ойлик муддат (167-модда);

ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикоятни (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига тушган кундан эътиборан (кассация шикоятини кўриб чиқиш учун) бир ойлик муддат (185-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг ҳал қилув

қарори устидан кассация шикоят (протести) унинг Раёсати томонидан кўриб чиқилиши учун бир ойлик муддат (185-модда);

суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш туғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун бир ойлик муддат (207-модда).

Хужалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни содир этиш учун Кодекс томонидан белгиланган муддатларга қуйидагилар тегишлидир:

суд топшириғи туғрисидаги ажрим у олинган пайтдан бошлаб ўн кун муддатдан кечиктирмай хужалик суди томонидан бажарилиши (74-модда);

суд топшириғининг ижроси туғрисида ажрим чиқарилиб, у дарҳол барча материаллар билан ишни кўраётган хужалик судига юборилиши (75-модда);

даъво таъминлаш туғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан хужалик суди томонидан уни кўриб чиқилиши (76-модда);

даъво аризасини қабул қилиш туғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқариш (116-модда);

ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб даъво аризасини қабул қилишни рад этиш туғрисидаги ажрим юборилиши учун беш кунлик муддат (117-модда);

даъво аризасини қайтариш туғрисида у олинган кундан бошлаб ажрим чиқариш учун беш кунлик муддат (118-модда);

даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб судья ишни судда кўришга тайёрлаши учун ўн кунлик муддат (122-модда);

хўжалик суди мажлисида танаффус учун уч кунлик муддат (128-модда);

суд мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган судья ва суд мажлиси котиби томонидан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай имзоланиши (134-модда);

алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш учун уч кунлик муддат (145-модда);

апелляция шикоят (протести) берилмаган тақдирда хужалик суди ҳал қилув қарори қонуний кучга кириши учун бир ойлик муддат (146-модда);

хўжалик судининг ҳал қилув қарори у қабул қилингандан сўнг ишда иштирок этувчи шахсларга юборилиши учун беш кунлик муддат (148-модда);

ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга даҳддор бошқа шахсларга хужалик суди ажрими чиқарилгандан кейин юбориш учун беш кунлик муддат (153-модда);

апелляция инстанциясининг қарори у қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга кириши (171-модда);

апелляция инстанцияси қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга у қабул қилинган кундан бошлаб юборилиши учун беш кунлик муддат (159-модда);

кассация инстанциясининг қарори қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга кириши (189-модда);

кассация инстанцияси қарори қабул қилинган кундан бошлаб ишда иштирок этувчи шахсларга юборилиши учун беш кунлик муддат (189-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсатининг қарори қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга кириши (201-модда);

Раёсат қарорининг ишда иштирок этувчи шахсларга юборилиши учун беш кунлик муддат (201-модда);

суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин ундирувчига ижро варақаси берилиши (210-модда);

судга далилларни тақдим қилишга мажбур бўлган шахс уларни умуман ёки суд томонидан белгиланган вақтда тақдим қилишнинг имконияти йўқлиги тўғрисида ҳужалик судини 5 кун ичида хабардор қилиши (56-модда);

суд буйруғи берилгандан кейин ўн кунлик муддат утгач ундирувни ижрога қаратиш (102-модда);

қарздор унга суд буйруғини берип тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайдан бошлаб кредитор талабларига қарши эътирозларни тасдиқловчи ҳужжатлари илова қилинган ёзма фикрини тақдим этиши учун ўн кунлик муддат (108-модда);

қарздор томонидан суд буйруғи унга берилган кундан бошлаб уни бекор қилиш тўғрисида ариза бериш учун ўн кунлик муддат (111-модда);

ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунгача қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги масалани қўйилиши (149-модда);

хусусий ажрим бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳужалик судига маълум қилиш учун бир ойлик муддат (152-модда);

ҳўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ушбу ҳал қилув қарорига апелляция шикоятни бериш учун бир ойлик муддат (158-модда);

ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига ёки апелляция инстанцияси қарорига улар қонуний кучга киргандан кейин кассация шикоятни бериш (протест келтириш) учун бир ойлик муддат (176-модда);

суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза берилиши учун бир ойлик муддат (205-модда);

ижро варақаси ва суд буйруғи ижрога тақдим этилиши учун олти ойлик муддат (102, 213-моддалар).

Ҳўжалик судига амалдаги қонунчилик билан ишда иштирок этувчи шахсларга ва ишда иштирок этмайдиган шахсларга улар томонидан муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш шарт бўлган муддатларни белгилаш ҳуқуқи берилган.

Масалан, хўжалик суди ишни кўриш қолдирилган ҳолларда далилларни тақдим этиш муддатларини белгилаши керак.

Хўжалик суди муайян процессуал ҳаракатлар амалга ошириш керак бўлган муддатни белгилар экан, ишнинг конкрет ҳолатларидан келиб чиқиши зарур, ушбу муддат процессуал ҳаракатни амалга ошириш учун етарли бўлиши ва шу билан бирга хўжалик судига тушган низои узил-кесил ҳал этишни кечиктириш учун шарт-шароит яратмаслик мақсадида ортиқча бўлмаслиги керак.

2. Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календар сана билан, албатта содир бўлиши лозим бўлган воқеани кўрсатиш билан ёки ҳаракат бажарилиши мумкин бўлган давр билан белгиланади. Масалан, ХПКнинг 123-моддасига мувофиқ судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. ХПКнинг 41-моддасига мувофиқ низо предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунча ишга киришишлари мумкин.

Агар процессуал ҳаракатни содир этиш учун маълум муддат белгиланса, тегишли ҳаракат бутун мана шу вақт давомида, яъни исталган кунда, бироқ унинг охириг кунидан кечикмай содир этилиши керак. Масалан, апелляция шикоятни ХПКнинг 158-моддасида белгиланган бир ойлик муддатнинг исталган кунида берилиши мумкин, ундирувчига берилган ижро варақаси ёки суд буйруғи ХПКнинг 213-моддаси билан белгиланган олти ойлик муддатнинг исталган кунида ижро учун тақдим этилиши мумкин.

3. Муддатлар йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланади. Процессуал муддатнинг утиши календар сананинг эртасидан ёки унинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа содир бўлган кундан бошланади. Жумладан, кассация шикоятни бериладиган муддат хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанцияси қарори қонуний кучга кирган календар сананинг кейинги кунидан бошланади. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати суд ҳужжати қонуний кучга кирган санадан кейинги кундан ёки уни ижро этиш кечиктирилиши ёки муддати узайтирилишида белгиланган муддат тамом бўлгач, ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддат тикланиши тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошланади. Бунда процессуал муддат бошланадиган кун иш куни ёки дам олиш куни эканлигининг аҳамияти бўлмайди.

97-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охириги йилнинг тегишли ой ва кунида тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охириги ойининг тегишли кунида тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тугаши те-

гишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охириги кунда тугайди.

Муддатнинг охириги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддатнинг тугаши куни деб ҳисобланади.

Процессуал ҳаракат белгиланган муддатнинг охириги куни то соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Агар апелляция, кассация шикоятлари ва бошқа ҳужжатлар алоқа ташкилотига муддатнинг охириги кунда соат йигирма тўртга қадар топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган ҳисобланмайди.

1. Йиллар ва ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддатнинг тегишли кунда тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тугаши тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охириги кунда тугайди. Шундай қилиб, ҳам йиллар, ҳам ойлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатлар тегишли муддатнинг охириги кунда тамом бўлади. Моддомики муддатнинг охири тегишли сонга эга бўлмаган ойга тўғри келиши мумкин экан, бундай ҳолда муддат ушбу ойнинг охириги кунда тамом бўлади. Масалан, ҳўжалик судининг 31 мартда қабул қилинган ҳал қилув қарори 30 апрелдан кечикмай апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин, чунки ХПКнинг 158-моддаси билан белгиланган бир ойлик муддат тегишли (31) сонга эга бўлмаган ойнинг охириги кунда тамом бўлиши керак.

2. Процессуал муддат у бошланган пайтдан бошлаб узлуксиз давом этади. Дам олиш (дам олиш, байрам) кунлар иш куни бўлмаган муддат бошланишига тўғри келса ёки у давомда учраса, муддатга қўшилади ва уни узайтирмайди. Бироқ, охириги кун иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда муддат тамом бўладиган кун деб ундан кейин келадиган биринчи иш куни ҳисобланади. Масалан, процессуал ҳаракатларни бажариш учун белгиланган муддатнинг охириги куни 1 сентябрга тўғри келса, 2 сентябрь муддатнинг охириги куни ҳисобланади, чунки 1 сентябрь байрам кунидир.

3. Процессуал ҳаракат белгиланган муддатнинг охириги куни то соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Агар апелляция, кассация шикоятлари ва бошқа ҳужжатлар алоқа ташкилотига муддатнинг охириги кунда соат йигирма тўртга қадар топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган ҳисобланмайди. Шундай қилиб, алоқа ташкилотига ҳужжатнинг топширилиши судда процессуал ҳаракат содир этилишига тенглаштирилади. Ҳужжатларнинг алоқа ташкилотига топширилиш санаси конвертдаги почта штемпели санаси билан тасдиқланади. Ҳужжатларнинг алоқа ташкилотига топширилиши санасини тасдиқлаш учун ҳўжалик судига почта квитанцияси, қимматли хатлар рўйхати, почта жўнатмалари ре-

стрларидан кўчирма ва бошқалар тақдим этилиши мумкин, чунки улар процессуал ҳаракатнинг белгиланган муддатда содир этилиши фактини аниқлаш имконини беради.

Процессуал ҳаракат хўжалик судида содир этилган ҳолларда (масалан, ҳужжатларнинг бевосита девонхонага топширилиши), у хўжалик судида белгиланган иш кунининг охиригача бажарилиши керак.

Процессуал муддатларга риоя қилмаслик оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, процессуал муддатнинг ўтказиб юборилиши процессуал ҳаракатлар содир этилиш ҳуқуқини йўққа чиқаради. Масалан, хўжалик судининг ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун олти ойлик муддат ўтказиб юборилганда ушбу ижро варақаси банклар ёки бошқа кредит муассасалари, суд ижрочилари томонидан ижрога қабул қилинмайди ва ундирувчи ўз фойдасига сумма ёки мол-мулкни ундира олмайди. Шунингдек, ХПКнинг 180-моддасига мувофиқ, белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин берилган қонуний кучга кирган хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикоятни қайтарилиши керак. Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан ўтказиб юборилган процессуал муддатлар суд томонидан тикланиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан белгиланган муддатларнинг бузилиши уни муайян ҳаракатларни содир этиш мажбуриятидан озод қилмайди. Масалан, хўжалик суди ХПКнинг 167-моддасида назарда тутилган апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддатини бузганда хўжалик суди апелляция шикоятини кўриб чиқишга мажбурдир. ХПКнинг 175-моддаси билан белгиланган кассация шикоятини иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига юбориш муддати бузилганда, у ушбу муддат бузилган ҳолда ҳам юборилиши мумкин.

Қонун томонидан белгиланган процессуал муддатларнинг узрли сабабларсиз хўжалик суди томонидан бузилиши хўжалик суди судьялари ва бошқа ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

98-модда. Процессуал муддатларни тўхтатиб туриш

Иш юритиш тўхтатиб турилиши билан ўтиб кетмаган барча процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтатиб турилади. Иш юритиш тикланган кундан бошлаб процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.

1. ХПКнинг 98-моддасида айтилганидек иш юритили тўхтатиб турилиши билан ўтиб кетмаган барча процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтатиб турилади. Иш юритиш тикланган кундан бошлаб процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади, яъни муддати тамом бўлмаган барча процессуал муддатларнинг тўхтатилиши иш тўхтатилиши билан биргаликда ўз-ўзидан тўхтатилади.

Процессуал муддатлар тўхтатилиши учун асос иш юритишни тўхтатиши учун асос бўлиб ҳам ҳисобланади (ХПКнинг 82, 83-моддалари).

Процессуал муддатлар тўхтатилишини уларнинг узилишидан фарқлаш зарур. Фарқ шундаки, узилишдан кейин, процессуал муддат яна энг бошидан бошлаб ҳисобланади, узилишгача ўтган вақт эса янги муддатга қўшилмайди. Ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилиши мумкин (ХПКнинг 214-моддаси).

Процессуал муддатларнинг давом этиши ишни кўриб чиқиш тикланган пайтдан бошлаб тикланади ва процессуал муддатлар ушбу ҳолда ишни кўриб чиқиш тўхтатилгунгача ўтган вақт ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади, янги процессуал ҳаракатлар қолган процессуал муддатда содир этилиши керак.

Муддатнинг давом этиши унинг тўхтатилишига асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар ҳақиқатдан бартараф этилган кундан бошлаб эмас, балки ишни кўриб чиқиш тикланиши тўғрисида ҳужалик суди ажрими чиқарилган кундан бошланади. Масалан, ҳужалик суди жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳаракатдаги қисмларида бўлган тақдирда ишни кўриб чиқиш тўхтатилади. Кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича ишни кўриб чиқиш тўхтатилиши муносабати билан тўхтатилган процессуал муддатлар ишни кўриб чиқиш тикланган кундан бошлаб давом этади. Фуқаро-жавобгарнинг Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатилиш санаси процессуал муддатлар ундан бошлаб давом этадиган вақтни аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида қабул қилинган қал қилув қарорлари, қарорлар ижросини тўхтатиши мумкин (ХПКнинг 182, 194-моддалари). Бундай ҳолларда суд ҳужжати ижро этилиши тўхтатилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ХПКнинг 213-моддаси билан белгиланган олти ойлик муддатга қўшилмайди.

99-модда. Процессуал муддатларни тиклаш ва узайтириш

Ҳужалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра, ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган процессуал муддатнинг ўтказиб юборилиши сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ҳужалик судининг ҳал қилув қарориди, ажримиди ёки қарориди кўрсатилади. Муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ҳужалик судининг процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик суди томонидан белгиланган процессуал муддатларни унинг ўзи узайтириши мумкин.

1. Қонун билан ишда иштирок этувчи шахслар учун белгиланган процессуал муддатлар хўжалик суди томонидан тикланиши мумкин. Агар муддатни ўтказиб юбориш сабаблари узрли бўлсагина муддатлар тикланиши мумкин. Қонунда ўтказилган муддат тикланиши мумкин бўлган бирор-бир сабаблар рўйхати келтирилмайди. Ҳар бир аниқ ҳолатда муддатлар ўтказиб юборилиши узрлилиги хўжалик суди томонидан аниқланади.

Ўтказиб юборилган муддатларнинг тикланиши ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра амалга оширилади. Ўтказилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза муайян процессуал ҳаракатлар содир этилиши керак бўлган хўжалик судига берилади. Ўтказилган муддатни тиклаш тўғрисидаги аризада ўтказиб юбориш сабаблари тушунтирилиши ва ариза берувчи ушбу сабабларни узрли деб ҳисоблайдиган асослар кўрсатилиши керак. Аризада тегишли процессуал ҳаракатни муддатида содир этиш учун аризачи имкониятта эга бўлмаганлигининг далили келтирилиши керак. Амалиётда кўпинча шикоят беришга муддатни тиклаш тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Жумладан, агар шикоятчи томон ҳал қилув қарорини ўз вақтида олмаганлиги ва бу ҳақиқатан ҳам ариза берувчини муддатида шикоят бериш имкониятидан маҳрум қилиши муносабати билан шикоят муддати ўтказилиб берилган бўлса, ушбу муддатнинг ўтказиб юборилиши сабаби узрли бўлади.

Муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимос шикоятнинг ўзида ёки шикоят билан бир вақтда бериладиган алоҳида аризада баён қилиниши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ариза берилиши билан бир вақтда содир этиладиган процессуал ҳаракат Кодекснинг тегишли моддалари барча талабларига риоя қилинган ҳолда бажарилиши керак. Масалан, хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан берилган шикоят тегишли талабларга жавоб бериши керак, акс ҳолда у кўриб чиқилмасдан қайтарилди.

2. Ўтказиб юборилган муддатларнинг тикланиши суд мажлисида амалга оширилади. Ўтказиб юборилган муддатнинг тикланиши тўғрисида хўжалик судининг ҳал қилув қарориди, ажримда ёки қарориди кўрсатилади. Бундай ҳолларда фақат муддатни тиклаш тўғрисидаги масала ҳал этиладиган алоҳида ажрим чиқармаслик ҳам мумкин.

Процессуал муддат тикланиши рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади, унинг устидан шикоят берилиши мумкин.

3. Хўжалик суди томонидан белгиланадиган муддатлар узайтирилиши мумкин, яъни у томонидан тегишли процессуал ҳаракатларни бажариш учун янги, узоқроқ муддатлар тайинланиши мумкин.

Муайян процессуал ҳаракатни хўжалик суди томонидан тайинланган муддатда содир этиш имкони йўқлиги муносабати билан бунга эҳтиёж туғилиши мумкин, масалан, айти пайтда мавжуд бўлмаган, у бошқа ташкилотдан талаб қиладиган ҳужжатларни муайян муддатда хўжалик судига тақдим этиш. Хўжалик суди муддатни у ўтказиб юборилгунгача ҳам, ўтказиб юборилгандан кейин ҳам узайтириши мумкин.

Муайян процессуал ҳаракатларни содир этиш учун муддатларнинг узайтирилиши хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра ёки ўз тапаббуси билан амалга оширилади.

13-боб.**Суд жарималари****100-модда. Жарима солиш**

Жарима ҳужалик суди томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади.

Жарима ҳужалик суди томонидан ушбу Кодексда, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади.

ХПКнинг 14-моддасига мувофиқ, суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати (ажрим, ҳал қилув қарори, қарор ва суд буйруғи) барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ижро этилиши шарт.

Ҳужалик судининг суд ҳужжатларини ижро қилмаслик кераксиз салбий ҳуқуқий оқибатларга, шу жумладан жарима тўлашга олиб келади.

Кодексда суд ҳужжатларидаги кўрсатмаларни ижро қилмаган шахсларга нисбатан мулкий чора сифатида процессуал жарималар қўлланилиши назарда тутилган.

Жарима, фақат мазкур Кодексда назарда тутилган ҳолатларда солинади. Кодексда ҳужалик суди томонидан жаримани қўллаш аниқ миқдорини белгилаши учун унинг максимал (энг юқори) миқдори белгиланган бўлиб, ҳужалик суди иш ҳолатларидан келиб чиқиб, шу миқдор доирасида жарима қўллайди.

Амалдаги кодекснинг 1993 йилдаги ХПКдан фарқи шундаки, 1993 йилдаги ХПКда жарима экспертга, айбдор тарафга ва ишда иштирок этмаган ташкилотлар ва фуқароларга солинар эди, янги Кодексда эса жарима солиш фақат учта ҳолат билан чегараланган.

Жумладан, ХПКнинг 56-моддаси 4-қисми қондасига кўра агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини ҳужалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса бу шахсга жарима солинади.

ХПКнинг 77-моддаси қондасига кура даъвони таъминлаш, яъни жавобгар ва бошқа шахслар низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни таъқиқлашдан иборат бўлган чораларига риоя қилинмаганлиги учун жарима солинади.

ХПКнинг 218-моддасида ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун, шунингдек ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс томонидан ана шу ҳаракатларни бажарилмаганлиги учун уларга жарима солиниши белгиланган.

Жарима ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тижарат банклари, кредит ташкилотларига, тадбиркор-фуқароларга ва фуқароларга солинади. Жарималар республика бюджетига ундирилади.

101-модда. Жарима солиш масаласини кўриш тартиби

Жарима солиш масаласи хўжалик судининг мажлисида ҳал этилади.

Ўзларига нисбатан жарима солиш масаласи кўриладиган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабар қилинади. Тегишли тарзда хабар берилган шахснинг келмаслиги жарима солиш масаласини кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди жарима солиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Жарима солиш масаласи хўжалик судининг мажлисида ҳал этилади.

Ўзларига нисбатан жарима солиш масаласи кўриладиган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабар қилинади. Тегишли тарзда хабар берилган шахснинг судга келмаслиги жарима солиш масаласини кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди жарима солиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Жарима солиш масаласи ХПКнинг 15-моддасида белгиланган таркибдаги хўжалик судининг мажлисида ҳал қилинади.

Хўжалик судининг мажлиси Кодекснинг 17-бобида мустақкамланган тартибда олиб борилади. Жарима солиш масаласи мажлисда жарима солинадиган шахслар иштирокида ҳал қилинади. Кўрсатилган шахслар келмаган тақдирда, масала улар тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, аммо улардан ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш ҳақида илтимоснома келиб тушмаган бўлса ҳал қилинади. Агарда бундай илтимоснома етарли асосларсиз берилган бўлса ва масалани кўриб чиқишни чўзишга қаратилган бўлса, у қаноатлантирилмайди.

Жарима солиш масаласи тегишли бўлган шахслар, низони кўриш жараёнида ушбу масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эгалар, хусусан улар илтимосномлар тақдим қилишлари мумкин, мурожаат қилиш, далиллар тақдим қилиш, далилларни текширишда қатнашишлари мумкин.

Жарима солиш ҳақида ёки жарима солишни рад қилиш тўғрисида суд ХПКнинг 151-моддаси талабларига жавоб берадиган аж-

рим чиқаради. Мазкур моддада келтирилган қоидалардан ташқари, ажримда жарима солинаётган шахснинг (юридик ёки жисмоний) номи, солинаётган жариманинг аниқ миқдори ва жаримани республика бюджетига ундиришни тартиби кўрсатилиши шарт.

Ажрим тарафларга ХПКнинг 153-моддаси тартибида юборилади.

ХПКнинг 210-моддасига кўра пул маблағларини бюджет даромадига ундириш учун ижро варақаси қарздор, яъни жарима солинган таъкилот турадиган жойдаги соляқ органига юборилади. Агар ундирув фуқарога нисбатан бўлса, ижро суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Жарима солиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин. Жарима солишни рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

II бўлим.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШ ЮРИТИШ

14-боб.

Суд буйруғи

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларини янада унумлироқ ва самаралироқ шаклларини қидириш даврида юридик маросимларнинг (процедуралар) соддалаштиришга, амалиётда ўзини оқлай олмаган ва қўпол процессуал талаблардан воз кечингга эътибор олиб келмоқда.

Тортишув жараенининг барча қоидаларига амал қилиб даъво аризалар бўйича суд жараенида умумий тартибда ишларни низосиз ҳал қилиш фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг суд шаклини жозибалилигини (ёқимлилигини) анчагина пасайтиради.

Хўжалик судини иш юритувида соддалаштирилган ҳуқуқий жароёнлардан, ҳусусан суд буйруғига оид иш юритувидан, фойдаланиш суд ҳимоясини унумлилигини ва амалий натижасини оширишга олиб келади.

Суд буйруқларининг мақсади — кредиторларга қарздорларнинг узи низосиз деб тан оладиган талаблари юзасидан ижро кучига эга бўлган қарорларни олишни соддалаштиришдир, ушбу низосиз ишларнинг ҳажмини умумий иш юритувидан ажратиш ва улар учун мажбурий ундирувнинг янада соддароқ, қисқароқ ва арзонроқ шаклини яратиш, шу билан бирга ушбу шакл қарздорга унинг мажбурияти ҳақида эслатади, кредиторнинг асосланган талабларини ихтиёрий равишда қаноатлантиришга рағбатлантиради.

ХПКнинг 14-бобида қарздордан қарзларни қонунда олдиндан белгиланган, ҳужжатлар билан тасдиқланган низосиз бўлган талаблар асосида ундириш юзасидан суд жараенининг ва суд ҳужжатининг янги шакли мустақамланган. Бундай талабларнинг тўла-тўқис (тўлиқ) рўйхати ХПКнинг 103-моддасида келтирилган.

102-модда. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХПКнинг мазкур моддасида суд буйруғининг тушунчаси аниқ ифода этилган. Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш

ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ариза-си бўйича судья чиқарган ҳужжат ҳисобланади.

Суд буйруғи низосиз ишларни ҳал қилишнинг энг қулай ва арзон йўл ҳисобланади. Агарда қарздор ўз қарзи хусусида низолаш-май, ўзининг мажбуриятларини ихтиёрий бажармаганида, суд буй-руғи кредитор томонидан ёки талаб қилинаётган суммани ёки ижро ҳужжатини олишнинг жудда содда шаклидир.

Даъво қилиш ёки буйруқни бериш ҳақидаги талаб кредитор-нинг (даъвогарнинг) ихтиёрига қолдирилади. Кредитор умумий тартибда даъво қилиши мумкин. Бунда суд ушбу талабни даъво ариза бўйича иш юритувнинг барча қоидалари бўйича куриб чиқиши лозим. Аммо, бу ҳолатда кредитор купроқ бож тулашига туғри келади ва энг асосийси у камроқ вақт сарфламайди (вақтдан ютказади).

Суд буйруғи суд томонидан кредиторнинг аризаси асосида қар-здор ҳабардор қилинганидан сўнг, аммо тарафларни чақирмасдан ва суд муҳокамасини ўтказмасдан берилди. Буйруқ фақат қонунда белгиланган ҳужжатлар билан тасдиқланган талаблар асосида бе-рилиши мумкин.

Агарда қарздор келтирилган талаблар билан рози бўлмаса ва агарда ҳуқуқ ҳақида келтирилган ҳужжатлар асосида ҳал қилиб бўлмайдиган низо мавжудлиги аниқланса судья суд буйруғини бе-ришни рад этади.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича унди-рув буйруқ берилганидан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд ҳужжат-ларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Мазкур ҳолат шуни аёнлаштириши керакки, буйруқ бериш бўйича суд жараёнининг иштирокчиларига ижро иш юритувнинг барча умумий қоидалари қўлланилади, суд буйруғининг ўзи эса ижро ҳужжа-ги ҳисобланади, яъни ижро ҳужжатларини ижро қилиш учун тақ-дим қилиш муддатларига амал қилиниши лозим бўлади, яъни ижро иш юритуви кузгатилади, ижро устидан назорат қилинади, ижро иш юритуви қолдирилиши, тўхтатиб турилиши, тугатилиши мум-кин бўлади ва ҳ.к.

Кучмас мулкка нисбатан низоларнинг ҳал қилинишини содда-лаштирилган шаклини қўллашни чеклайдиган кредиторнинг қар-здордан кўчар мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги аризаси асосида шундай фикрга келса бўладики, кўчмас мулкка нисбатан берилган суд буйруғига асосан ундирувни амалга ошириш имкони-яти йуқ бўлади.

103-модда. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар

Суд буйруғи судья томонидан кўйидаги ҳолларда яқка тартибда берилди:

1) Солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тулов-

лар бўйича боқимандаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса;

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса.

ХПКнинг 103-моддасида суд буйруғи берилиши мумкин бўлган талабларнинг турлари мустақкамланади. Бу солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратишга, ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундиришга, талаб туланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган талаблар ҳисобланади.

Қонунчиликда фуқаролар ва ташкилотлардан уз вақтида тўланмаган солиқлар ва солиқдан ташқари туловларни ундириш бўйича махсус қоидалар тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли Қарори билан тасдиқланган «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича боқимандалар ундирувини қорғона ва ташкилотларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида»ги Низом).

Ушбу тур тўловлар бўйича қонунга мувофиқ ундирувчи орган ҳисобланган субъектлар ҳужалик судига ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Боқимандаларни ундириш ҳақидаги талаблар суд томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида ҳал қилинади: тулов ҳужжатининг нусхаси — инкассо топшириқномаси, солиқлар ва бюджетга бошқа тўловлар бўйича қарзлар мавжудлиги ҳақидаги солиқ тўловчининг ҳисоб рақамидан кучирма, солиқ тўловчининг ҳисоб рақамидан, жорий, валюта, махсус ссуда ва бошқа рақамларида пул маблағлари йўқлиги ҳақидаги банкнинг маълумотномаси, солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонунларга риоя қилишини текшириш (агарда шундай текширувлар ўтказилган бўлса) далолатномалари бўйича ҳисоб-китоблар натижалари ҳақида маълумотномалар.

Дебиторлик қарзларни ҳужжатлар билан тасдиқлаб ундириш суд буйруғи бериладиган ишлар тоифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур қоида, қарздор қарзини тан олганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда, ҳар қандай ундирувчига ҳужалик судига соддалаштирилган жароён бўйича талаб билан мурожаат қилишга имкон яратади. Бундай ҳолларда суд қарзни тасдиқловчи далиллар мавжудлигини текширади, бундай далиллар бўлиб тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни солиштирма-таққослаш далолатномаси, қўйилган талабномага (претензия) қарзини тан олганлиги ҳақидаги жавоб ҳам бўлиши мумкин.

103-модданинг 3-банди тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган талабни назарда тутаяди.

Амалдаги қонунчилик векселдан келиб чиқувчи ҳуқуқларни химоя қилиш оммавий тартибда махсус акт — протест тузилишини талаб қилади, бундай акт бўлиб ўрнатилган тартибда вексел буйича акцепт қилиш еки тўловни амалга оширишни рад қилиш ҳамда акцептга сана қўймасликни тасдиқлаш бўлади.

Векселда кўрсатилган суммани ундиришга суд буйруғини бериш ҳақидаги векселушловчининг аризасини қабул қилганидан сўнг, судья қўйидагиларни текширади:

— берилган талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган векселнинг протестига асосланганлигини;

— нотариус томонидан қонун талабларига риоя қилинганлигини.

Вексел аризаچига қайтарилмай, иш ҳужжатларида қолади.

104-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни

Ариза ҳўжжалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади. У кредитор еки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилинади.

Аризада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган ҳўжжалик судининг номи;*
- 2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;*
- 3) кредиторнинг қонун ҳўжжатларига асосланган талаби;*
- 4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;*
- 5) ундириладиган суммани ҳисоб-китоби;*
- 6) илова қилинаётган ҳўжжатларнинг рўйхати.*

104-моддада суд буйруғини бериш ҳақидаги талабларнинг умумий судловга тегишлилик қоидалари ифода этилган. Буйруқ юридик шахнинг органи еки мол-мулки жойлашган жой бўйича, агарда қарздор талбиркор фуқаро бўлса, фуқаронинг яшаш жойи бўйича берилади.

Ариза судга ёзма шаклда 104-модданинг 2-қисмида кўрсатилган реқвизитларни ҳисобга олган ҳолда тақдим қилинади. Мазкур реқвизитларнинг кўпроқ қисми юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги аризалар учун универсал ҳисобланади.

Ариза аризачи томонидан имзоланади, яъни қонунни мунтазам (систематик) талқин қилинишидан келиб чиққан ҳолда — кредитор томонидан имзоланади. Вакил томонидан тақдим қилинаётган (имзоланган) аризага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

105-модда. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхасини қарздорга топшириш

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида судга ариза беришидан олдин, қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

Буйруқ буйича иш юритуви жавобгар томонидан қўпчилик шахс иштирокини таъкикламайдди, шунинг учун ариза ҳамда унга илова қилинаётган ҳужжатлар судга асл нусхада тақдим қилиниши лозим, аризанинг нусхалари эса ХПКнинг 105-моддасига асосан қарздорга еки қарздорларга алоҳида берилиши керак.

106-модда. Давлат божи

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашिलाётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдориди давлат божи тўланади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

Буйруқ иш юритувида давлат божи судга даъво билан мурожаат қилганда низолашिलाётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг 50% миқдориди тўланади. Давлат божи ставкасини кам белгиланганлиги, ишни кўриб чиқиш тартибини танлаш имкони мавжудлиги, бу қоида кредиторларнинг қарздорларга нисбатан талабларини буйруқ бериш тартибиди кўриб чиқилишига рағбатлантириши керак.

Шу билан бирга, ХПКнинг 106-моддаси қоидаларига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган еки суд буйруғини бериш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда туланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

107-модда. Аризани қабул қилишни рад этиш асослари

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади:

1) билдирилган талаб ушбу Кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса;

2) ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса;

3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

4) қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья ариза қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

Судга берилган талабнинг ҳаммаси ҳам суд ҳимояси предмети бўлиб ҳисобланмайди. Масалан, талаб судга тааллуқли бўлмаслиги мумкин еки бундай талаб ҳуқуқий ҳарактерга эга бўлмаслиги мумкин. Аммо судга тааллуқли бўлган ҳар қандай талаб ҳам буйруқ иш юритуви тартибида суд ҳимояси предмети бўла олмайди. ХПКнинг 103-моддасида суд буйруғи бериладиган талабларнинг тўлиқ рўйхати берилган. Шунинг учун суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этилишининг биринчи асоси бу «билдирилган талаб ушбу Кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса» деган қоида ҳисобланади.

Мазкур меъёрни талқин қилишда суд буйруғини моҳиятини аниқловчи 102-модданинг умумий қоидадан келиб чиқиш керак. Суд буйруғи ва буйруқ иш юритуви авваламбор кредиторларнинг манфаатларини ҳамда айнан «кредитор-қарздор» турдаги мажбурият муносабатларини ҳимоясини таъминлайди. Шунинг учун, масалан ёзма келишув асосида вужудга келган мулк ҳуқуқини, еки бошқа ашёвий ҳуқуққни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабни суд буйруқ иш юритуви тартибида, унинг табиатида туғри келмайдиган бўлгани учун, куриб чиқмайди ва бундай аризани қабул қилишни рад қилиши лозим бўлади. Бошқача қилиб айтганда, буйруқ иш юритувида суд ҳимоясига тааллуқли бўлган ҳар бир талаб, шунингдек, даъво иш юритуви предмети ҳам бўлиши мумкин. Аммо, ҳужжат билан тасдиқланган, суд ҳимоясига тааллуқли бўлган талабнинг барчасига ҳам суд буйруғи берилиши мумкин эмас.

Шарҳланаётган модда қоида сизига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад қилиш нафақат 104-модда талабларига ривож қилинмаганлиги учун, балки билдирилган талабни асословчи ҳужжатларни тақдим қилмаслик, қарздорга ариза нусхасини тақдим этилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим қилинмаганлиги, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланмаганлиги ҳам бўлиши мумкин.

Даъво иш юритувида оид тартибга кўра, даъвогар томонидан

давлат божи тўланмаганда даввони кўрмасдан қолдириш каби процессуал ҳаракат кўзда тутилган. Буйруққа оид иш юритувида бундай процессуал ҳаракат назарда тутилмаган. Шубҳасизки, бундай вазият буйруққа оид иш юритувини қўллашни рағбатлантиришга имкон бермайди.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида судья ажрим чиқаради, мазкур ажрим устидан апелляция инстанцияси судига шикоят қилиш мумкин. Ушбу ажрим буйруққа оид иш юритувида судьянинг биринчи процессуал ҳужжати ҳисобланади.

Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда давво тақдим этиш имкониятидан махрум қилмайди.

Ҳўжалик процессуал кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида судья томонидан аризани қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мустаҳкамланмаган.

108-модда. Ариза юзасидан билдирилаётган ёзма фикр

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ун кунлик муддатда ҳўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини тақдим этишга ҳақли.

Белгиланган муддатда қарздор томонидан ёзма фикрнинг берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Ёзма фикр қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ун кунлик муддатда ҳўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини тақдим этишга ҳақли.

ХПКнинг 108-моддасига қондасига биноан белгиланган муддатда қарздор томонидан ёзма фикрнинг берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади, чунки суд буйруғи тарафларни чақиртирмасдан берилади ва бундай ишлар бўйича суд муҳокамаси (тортишуви) ўтказилмайди.

Ёзма фикр қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

109-модда. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари

Судья суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан қарздор ва ундирувчинини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради.

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини беришни рад этади:

- 1) агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса;
- 2) ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низои тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобланса.

Судья суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво таъдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

109-модда қондаси суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асосларини мустаҳкамлайди. Мазкур модда, ўз номига қарамасдан, суд буйруғини беришни қандайдир регламентини (тартибинини) ўзида жамламайди. Аксинча, унда таъкидланганидек суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан берилади.

Суд буйруғини бериш юзасидан амалга оширилаётган иш юридуви бу ҳужжатларга оид, яъни ҳужжатларга асосланган иш юридуви булганлиги сабабли, унда қарздорнинг (жавобгарнинг) билдирилган талабларга норозилиги ҳам ёзма шаклда ифода қилиниши керак. Агарда бундай эътироз алоқа тармоғи орқали юборилаётган бўлса, ундаги аризачининг имзоси керакли тартибда тасдиқланган бўлиши талаб қилинади.

109-модданинг 2-банди қондасига асосан ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низои тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобласа, бундай ҳда судья суд буйруғини беришни рад этади.

Низои тақдим қилинган ҳужжатлар (судья томонидан 107-моддага асосан қабул қилинган) асосида ҳал этиб бўлмаслигини сабаблари еки бу ҳужжатларнинг етишмаслиги еки уларнинг шаклида камчиликлар мавжуд бўлганлиги — эхтимол ушбу суд буйруғини беришни рад қилиш асосини ташкил этади деб тушуниш керак. Бундай ҳулоса ариза қабул қилишни рад қилиш асосларини (107-модда) ва суд буйруғини беришни рад қилиш асосларини (109-модданинг 2-банди) таққосланиши билан ҳам тасдиқланади. Шунинг таъкидлаш лозимки, тақдим қилинган ҳужжатларнинг етишмаслиги, қонун талабларига тўғри жавоб бермаслиги — бу эхтимол судьянинг хатосининг оқибати бўлиши мумкин, чунки бундай ҳолатда судья суд буйруғини бериш ҳақидаги аризани қабул қилмаслиги лозим эди. Аксарият ҳолларда тақдим қилинган ҳужжат шаклининг камчилиги фақатгина жавобгарнинг процессуал эътирози асосида аниқланиши мумкин. Жавобгар билдирилган талабларнинг моҳиятига эътироз билдирмасдан, унинг имзоси қалбакилиги, ҳужжат қалбакилиги, ҳужжат тегишли шаклга тўғри келмаслиги ва х.к. ҳақида эътироз билдириши мумкин.

Бундай эътирознинг мумкинлиги ва суд буйруғини беришни рад қилишнинг шундай асоси мавжудлиги тортишувлик манбаида қурилган буйруққа оид иш юритувининг асосий мохияти фойдасига салмоқли асос ҳисобланади, яъни қарздорга аризанинг нусхасини тақдим қилишлик ва суд буйруғини беришдан аввал унга эътироз қилиш ҳуқуқи берилиши.

Суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғини беришни рад этиш уша талаб буйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятидан махрум қилмайди.

110-модда. Суд буйруғининг мазмуни

Суд буйруғида қуйидагилар курсатилган булиши керак:

- 1) ҳужжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана;*
- 2) ишнинг тартиб раками, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақидалиги;*
- 3) қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари;*
- 4) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;*

5) неустойка, агар тўланиши лозим бўлса;

б) қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси ҳужжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

Суд буйруғининг мазмуни 110-моддаси қоидасида курсатилган. Мазкур модданинг талабларига мувофиқ суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ҳужжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана; ишнинг тартиб раками, судьянинг фамилияси ва исми, отасининг исмини бош ҳарфлари, талаб нима ҳақидалиги; қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари; ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини курсатган ҳолда; неустойка, агар туланиши лозим бўлса; қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Неустойка (штраф, пеня) бу қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги еки лозим даражада бажармаганлиги, хусусан муддат ўтказилиб бажарилгани учун кредиторга тўлаши мажбур бўлган қонунда еки шартномада белгиланган пул маблағи ҳисобланади. Неустойкани тўлаш ҳақидаги талаби бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Суднинг ҳал қилув қароридан фарқли улароқ, суд буйруғида суд

ҳаражатларини тақсимои кўрсатилмайди, чунки давлат божи ҳар доим қарздордан ундирилади, агарда у давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлмаса.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси ҳўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

111-модда. Суд буйруғини бекор қилиш

Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ун кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Судья бундай ҳолда буйруғни бекор қилади, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

111-модда қоидаси билан суд буйруғини судья томонидан бекор қилиниши учун ариза бериш муддати аниқ кўрсатилган. Суд буйруғи уни берган суд томонидан қарздорнинг суд буйруғи берилганидан сўнг ун кунлик муддатда берилган аризачи кура бекор қилиниши мумкин, агарда қарздор аризачининг талабларига узрли сабабларга кура эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаганлигини исботлай олса. Бундай ҳолатда аризачи ўзининг талабини даъво тартибда кўриб чиқилиши ҳуқуқини йўқотмайди.

Агарда суд буйруғини бекор қилиш рад этилса, қарздор бу ҳақдаги ажрим устидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Агар иккинчи босқич суди суд буйруғини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримни бекор қилса, иккинчи босқич судининг қарорига кўра аввал берилган суд буйруғини қонун талабларига асосланмаган деб тан олинисига олиб келиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, бундай ҳолда суд буйруғини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим ноқонуний ҳисобланади.

Аmmo, масалани бу тарзда талқин қилиниши иккинчи босқич суди томонидан суд буйруғини мазмунан текширилиши керак дегани эмас, чунки суд бу ерда қонуннинг аниқ мазмунига кўра фақатгина биринчи инстанция судининг суд буйруғини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримни қонунийлиги ва асослилигини текширади. Юқорида таъкидланганидек, суд буйруғини берган биринчи инстанция суди, уни фақатгина расмий асосларга қараб, қарздор томонидан узрли сабабларга кўра билдирилган талабларга нисбатан эътирозларини тақдим қила олмаганлигига кўра бекор қилиниши мумкин.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, суд буйруғини қарздорнинг (жавобгарнинг) аризасига кўра мазмунан текшириб чиқилиши мумкин эмас. Ишнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам, шу билан бирга биринчи инстанция судининг суд буйруғини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажрими бекор қилинганидан сўнг ҳам, кредитор ишни умумий даъво тартибида кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Даъво бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилинган тақдирда, иккинчи босқич суди томонидан иш мазмунан текширилади.

15-боб.**Даъво тақдим этиш****112-модда. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни**

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;

3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;

5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;

6) ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;

7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса — уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;

8) низони жавобгар билан судгачи ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

1. ХПКнинг 1-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига Хўжалик процессуал Кодексида белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатнинг асосий шакли даъвони тақдим этиш ҳисобланади.

Даъвонинг тақдим этилиши ва уни суд томонидан қабул қилинишининг аҳамияти, айнан шу ҳаракатлар билан суд жараёни қузгатилиши ва унда суд ишга жавобгарни жалб этиши, далилларни ўрганиб чиқиши ва қарор чиқариши, қисқача айтганда, суд ҳимоясининг амалга оширилишидан иборатдир.

ХПКнинг 15-боби даъво тақдим этиш қоидаларини белгилашга бағишлангандир. Мазкур боб даъвони тақдим этиш ва судьянинг, даъво тақдим этишда шартларга риоя этилганлигини текшириш борасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган.

Даъвони тақдим этиш хўжалик судига даъво аризаси бериш йўли билан амалга оширилади.

2. Шарҳланаётган модда даъво аризасининг шакли ва таркибини белгилайди. Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади.

Даъво аризасини фуқаро-тадбиркор, юридик шахс номидан эса — раҳбар ёки даъво аризасини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс имзолайди.

3. ХПКнинг 112-моддаси 2-қисмида даъво аризасида даъвогар қандай маълумотларни кўрсатиши лозимлиги батафсил баён этилган:

а) низони кўриб чиқиши ва ҳал этиши лозим бўлган хўжалик судининг номини кўрсатишда судловга тегишлилик қоидалари инобатга олинishi керак (ХПКнинг 26-32-моддалари);

б) қонун даъвогарга ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи ва почта манзилларини кўрсатиш мажбуриятини юклайди.

Агар томонлар юридик шахслар бўлса, у ҳолда даъво аризасида уларнинг тўлиқ номланиши: ташкилий-ҳуқуқий шакли (маъсулияти чекланган ёки акционерлик жамияти ва бошқалар), номланиши («Старт», «Ўздэубанк» ва шунга ўхшаш) ҳамда уларнинг почта манзиллари кўрсатилади.

Агар ишда иштирок этаётган шахслар фуқаро-тадбиркорлар ёки жисмоний шахслар бўлса, у ҳолда даъво аризасида уларнинг фамилия, исми, шарифи ва почта манзили кўрсатилади;

в) даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан ХПКнинг 92-моддасида кўрсатилган қоидалар асосида белгиланади;

г) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни баён этишда, бу шундай ҳолатларки, уларни қонун ёки шартнома, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келиб чиқиши, ўзгариши ва бекор бўлишига боғлаётганлигини инобатга олиш лозим. Даъво аризасида, хўжалик низосини суд мажлисида мазмунан тўғри ҳал этиш учун, юридик ҳолатлар аниқ баён этилиши лозим;

д) ХПКнинг 55-моддасига асосан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Шу сабабли даъво аризасида даъвога асос бўлган ҳар бир ҳолатни тасдиқловчи далиллар келтирилиши лозим. Бунда ХПКнинг 54, 58-59-моддаларида белгиланган қоидалар инобатга олинishi лозим;

е) пул маблағини ундириш ёки ундирилганлигини низолашиш ҳақидаги даъво тақдим этилишида, даъвогарга ундирилаётган ёки низолашилаётган пулнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш мажбурияти юклатилади. Ҳисоб-китоб асослангирилган ҳамда аниқ ва тушунарли баён этилган бўлиши шарт. Агар ҳисоб-китобни асослангирини қийин ва катта ҳажмда бўлса, даъво аризасида якуний пул миқдори баён этилиши мумкин, батафсил ҳисоб-китобни эса даъво аризасига илова қилиш лозим;

ж) даъвогарнинг талаблари, унинг аниқ ҳуқуқий нормалардан келиб чиққан субъектив ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқлиги сабабли, у, даъво аризасида ўзининг талаблари келиб чиқадиган қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига таяниши шарт.

Агар даъвогар томонидан талаблар бир неча жавобгарга нисба-

тан тақдим этилган бўлса, даъво аризасида уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар аниқ ва тушунарли баён этилади:

3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво аризасида кўрсатилади;

и) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилаётганида ХПКнинг 114-моддаси талаблари эътиборга олинishi лозим. Бундан ташқари, даъво аризасига ундирилаётган сумманинг ҳисобкитоби ҳам илова қилинishi мумкин (ХПКнинг 112-моддаси 1-қисмининг 6-банди). Агар даъво аризаси матнида баён этилмаган бўлса, турли илтимосномалар (гувоҳларни чақиртириш, ёзма далилларни сўраб олиш, даъвони таъминлаш ва бошқалар) илова қилинishi мумкин.

113-модда. Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш

Даъвогар даъво тақдим этганда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт.

ХПКнинг 113-моддасига мувофиқ, даъвогар даъво аризасини ҳужжалик судига тақдим этгунга қадар ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт. Мазкур қоида томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда тортишув тамойилларидан келиб чиқади. Жавобгар суд жараени бошлангунга қадар унга қўйилаётган талабларнинг предмети ва асосини билишга ҳақлидир. Бу унга суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўриш имконини беради. Даъвогар ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳужжатларнинг нусхаларини, уларнинг юборилганлиги ёки топширилганлигини қайд қилишни таъминловчи, букюртма ёки қимматли хат ёхуд бошқа усул орқали юборади.

114-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божги туланганлигини;
2) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;

3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган

бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Шарҳланаётган моддада даъвогар хўжалик судига даъво тақдим этаётганида унга илова қилиши шарт бўлган ҳужжатларнинг рўйхати келтирилган. Булар қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлардир:

а) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи туланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Бундай ҳужжатлар сифатида-давлат божи миқдори ҳисоб рақамига ўтказилганлиги ҳақидаги тўлов топшириқномаси ёки давлат божи учун туланган пулнинг банк томонидан қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги хабарнома илова қилиниши мумкин. Тўлов ҳужжатларида давлат божининг тегишли миқдорлари республика бюджетига ҳамда хўжалик судларининг ривожланиш Жамғармасига ўтказилганлигини билдирувчи реквизитлар курсатилган бўлиши шарт;

б) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг юборилганлиги турли ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин. Ҳужжатларнинг нусхалари алоқа бўлимлари орқали юборилганлиги почта квитанциялари билан тасдиқланади;

в) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, талабномалар нусхалари ёки уларнинг жавобгарга юборилганлигини билдирувчи ҳужжатлар билан тасдиқланади;

г) даъво талаблари асосланган ҳужжатлар. Бундай ҳужжатлар сифатида — даъво талаблари асосларини тасдиқловчи ҳолатларни ўз ичига олувчи турли далолатномалар, хатлар, телеграммалар каби ёзма далиллар илова қилиниши мумкин.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳамда вакилнинг ушбу даъвони тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилишини шарт.

115-модда. Бир нечта даъво талабни бирлаштириш ва ажратиш

Даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли

Хўжалик суди айни бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Хўжалик суди бир ёки бир неча бирлаштирилган талабни алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Хўжалик суди ишларни бирлаштириш ва талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Даъволарни бирлаштириш битта суд жараёнида бир неча низони янада тез ва тўғри ҳал этиш, бир бирига боглиқ талаблар юзасидан бир бирига зид булган қарорлар чиқарилишининг олдини олиш, иш юзасидан суд харажатларини камайтириш имконини беради.

ХПКнинг 115-моддаси 1-қисмига мувофиқ даъвогар бир неча талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли, бироқ у бунга мажбур эмас.

Бир неча даъво талаблари ўзаро боглиқ бўлсагина, уларни бирлаштиришга йўл қўйилади. Масалан, давлат органи актини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда бундай акт чиқарилганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар ўзаро бир бири билан боглиқ ва улар битта даъво аризасида бирлаштирилиши мумкин. Чунки, иккинчи талабни қаноатлантириш масаласи, актни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабнинг қандай ҳал этилишига (тўлиқ ёки қисман) боглиқдир.

Талабларнинг ўзаро боглиқлиги тўғрисидаги масала ҳар бир алоҳида ҳолатда даъвогар ҳамда даъво аризасини қабул қилишда хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

2. Хўжалик суди уз ташаббусига кўра бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақлидир, агар:

биринчидан, мазкур ишларда айни бир шахслар (даъвогар, жавобгар ва бошқалар) иштирок этаётган бўлса;

иккинчидан, улар бир турдаги, яъни бир тоифадаги ишлар бўлса. Масалан, хўжалик суди, айнан бир хўжалик субъектининг бошқа бир хўжалик субъектига нисбатан етказиб берилган товарлар учун қарзни ундириш ҳақидаги даъволари юзасидан бир неча ишларни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

3. ХПКнинг 115-моддаси 3-қисмига мувофиқ хўжалик суди бир ёки бир неча бирлаштирилган талабни алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли. Бу масала талабларнинг ажратилишини асослаши шарт бўлган хўжалик суди томонидан ҳал этилиши лозим.

4. Хўжалик судининг ишларни бирлаштириш ёки талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш ҳақидаги ажрими устидан, чиқариладиган қарордан алоҳида равишда шикоят келтирилмайди, чунки ушбу ажрим ишнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

116-модда. Даъво аризасини қабул қилиш

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қилади.

Судья ушбу Кодексда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шарт.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажрим-

нинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

1. Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судья, даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги ҳамда бу ҳуқуқни амалга ошириш шартларига риоя этилганлигини текширгандан сўнг яқка ўзи ҳал қилади.

Даъво ҳужжатларини текшириш натижаси юзасидан судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида;
- даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида;
- даъво аризасини қайтариш тўғрисида.

2. ХПКнинг 116-моддаси 2-қисмига кўра судья, ХПКда назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тақдим этилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши шарт. Бу талабнинг бажарилмаслиги даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ноқонуний ажримнинг бекор қилинишига олиб келади.

Даъво аризасини хужалик суди иш юритувига қабул қилиш масаласи ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган суд ҳимояси ҳуқуқига эга эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Даъво аризасини қабул қилишда келиб чиқадиган муносабатларнинг тартибга солиниши эса суд ҳимоясидан ҳамма фойдаланиши мумкинлиги тамойили билан боғлиқдир. Шунинг учун ХПКда қандай асосларда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш мумкинлиги аниқ белгиланган (ХПКнинг 117-118-моддалари).

3. Хужалик судининг даъво аризасини қабул қилиш тўғрисидаги ажрими даъво келиб тушган кундан бошлаб ун кундан кечиктирмай чиқарилади. ХПКнинг 116-моддаси 3-қисми бу ажримнинг мазмунини ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилинишига йўл кўяди (ХПКнинг 123-моддаси шарҳларига қаранг).

117-модда. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш

Судья даъво аризасини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

- 1) *низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса;*
- 2) *айни бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;*
- 3) *хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлар судининг иш юритишида айна бир шахслар ўртасида, айна бир предмет тўғрисида ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;*
- 4) *айни бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги*

ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган. бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган моддада даъво аризасини қабул қилишни рад этишнинг тўла-тўқис ва кенгайтириб изоҳлаш мумкин бўлмаган рўйхати келтирилган (Олий ҳужалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Хужалик процессуал Кодексининг қулланиши тўғрисида»ги 2000 йил 28 январь 82-сонли Қарорига қаранг).

2. Агар низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Биринчи навбатда тегишли бўлмаслик тўғрисида сўз юритилади. Конституциявий суд ёки умумий юрисдикция судлари ёхуд қонунга мувофиқ бошқа юридик органлар томонидан ҳал этиладиган низолар ёки бошқа ишлар хўжалик судида кўриб чиқилмайди (ХПКнинг 23-моддаси шарҳларига қаранг).

3. ХПКнинг 117-моддаси 1-қисмининг 2-бандида кўрсатилган қоида, низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати мажбур бўлса, ушбу нисони хужалик судига топширилишига йўл қўймайди. Бундай ҳолларда, агар таломлар чиқарилган ҳал қилув қарори (ажрим) билан келишмасалар, улар апелляция ёки кассация шикоятлари ёхуд янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриб чиқилиши тўғрисидаги ариза ёки назорат тартибида протест келтирилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин, бироқ даъво аризаси билан мурожаат қилишлари мумкин эмас.

Мазкур модданинг 1-қисм 2-бандида келтирилган асос билан 3 ва 4-қисмларида келтирилган асос ўртасидаги фарқ шундаки, 3-бандда назарда тутилган ҳолатда низо юзасидан иш юритиш қўзғатилган, бироқ у ҳозирча ҳал этилмаган. 4-бандда эса, айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори ҳақида сўз юритилади.

Шуни қайд этиш лозимки, даъво аризасини қабул қилишни мазкур модданинг 2-4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича рад этиш амалиётда деярли учрамайди. Чунки, суд уларнинг мавжудлигини, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан сўнггина, ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан биледи.

118-модда. Даъво аризасини қайтариш

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божги тўланганлигини ва бошқа суд ҳаражатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божги тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда Қонуни тахририда);

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низоли судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали олинishi лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф

этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Шарҳланаётган модда нормалари ишни кўзгатишда томонлар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Даъво аризасини қайтаришнинг ХПКни 118-моддасида назарда тутилган асослари рўйхатини кенгайтириб изоҳлаш мумкин эмас (Олий ҳужалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Хужалик процессуал Кодексининг қўлланиши тўғрисида»ги 2000 йил 28 январь 82-сонли Қарорига қаранг).

Қуйидаги ҳолларда судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса. Мазкур асос ХПКга биринчи марта киритилмоқда. У даъво аризасида, ХПКнинг 112-моддасида назарда тутилган ҳамда судья томонидан ишни судда қуришга тайёрлаш билан бир қаторда жавобгар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тортишув жараёнига гайёргарлик кўриши учун зарур бўлган маълумотларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш учун йўналтирилган;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса. Даъво аризасини имзолашга, қонунга ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс органи ҳисобланган, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг муовини ҳаққилир.

Агар ташкилотнинг бошқа ходимлари ҳужалик судида ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этаётган бўлса, даъво аризаси улар томонидан имзоланиши мумкин. Бундай ҳолларда, бошқа ҳар қандай вакил сингари, ташкилот ходими ҳам даъво аризасига, унинг даъво тақдим этиш ваколатини тасдиқловчи ишончномани илова қилади (ХПКнинг 114-моддаси 2-қисми);

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса. 1993 йил қабул қилинган ХПК даъво аризасини қайтаришнинг бундай асосини назарда тутмаган эди. Низонинг мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаганлиги ҳолатида, судья даъво аризасини судловга тегишлилигига кура юборар эди.

Янги таҳрирдаги ХПК даъвогар томонидан судловга тегишлилик қоидаси бузилганлиги ҳолатида, судьядан даъво аризасини қайтаришни талаб қилади. Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажримда даъвогарга қайси судга даъво тақдим этиши лозимлиги тушунтирилади;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд ҳаражатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар

тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

б) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса.

ХПКнинг 118-моддаси 1-қисми 4-6-бандларида курсатилган асосларнинг қўлланиши, даъвогар томонидан даъво тақдим этиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг, ХПКнинг 114-моддаси 1-қисми 1-3-бандларида назарда тутилган шартларига риоя этилмаганлиги оқибатида келиб чиқади;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса. Ушбу асос бўйича даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажримни чиқаришда, судья, бир ёки бир неча бирлаштирилган талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш имкониятини кўриб чиқиши лозим (ХПКнинг 115-моддаси 3-қисми). Агар аниқ ҳолат бўйича бир ёки бир неча бирлаштирилган талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, даъво аризаси қайтарилади;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали олинishi лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса. Мазкур асос, қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ, қарздор томонидан тан олинган қарзни ҳисобдан чиқариш учун банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали тўлов талабномасини тақдим этиш йўли билан олинishi назарда тутилган ҳолларда қўлланилади.

Агар қарздор банкка мурожаат қилган бўлсада, бироқ қарздор томонидан тан олинган суммани ҳисобдан чиқарилишига эриша олмаган бўлса ва бу тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда судья даъво аризасини мазкур асос бўйича қайтаришга ҳақли эмас;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Даъвогар даъво аризасини қайтариб олиш тўғрисидаги ариза бериши мумкин, бироқ у хўжалик судига даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунига қадар тақдим этилиши лозим.

119-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини ва ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикрнинг ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи

далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳўжалик судига юборишга ҳақли.

Ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилади:

1) ёзма фикр юборилаётган ҳўжалик судининг номи;

2) даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақами;

3) даъво талаблари рад этилган тақдирда, даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун ҳўжжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътирозларни асословчи далиллар;

4) ёзма фикрга илова қилинаётган ҳўжжатлар рўйхати;

5) бошқа маълумотлар, шунингдек жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалар.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юртишига ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

1. Шарҳланаётган модда қоидалари ҳўжалик судида суд ишларини юритишда тортинув тамойилини амалга оширишга йўналтирилгандир.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдириш жавобгар (учинчи шахс ва бошқалар) ҳимоясининг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ёзма фикрда баён этилган маълумот ҳўжалик судига жавобгарнинг (учинчи шахс ва бошқалар) ҳуқуқий нуқтаи назарини белгилаш, даъвога қарши эътирозлар асосланаётган ҳолатларни аниқлаш, бинобарин, ишни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Ишда иштирок этяётган шахслар ҳўжалик судига даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдиришга мажбур эмаслар, аксинча бу уларнинг ҳуқуқидир. Ёзма фикрга даъвога қарши эътирозни тасдиқловчи ҳўжжатлар ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикрнинг ва ҳўжжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Ишда иштирок этувчи шахс ёзма фикрини ва унга илова қилинган ҳўжжатларнинг нусхаларини иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳўжалик судига ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборади.

2. ХПКнинг 119-моддаси 2-қисмида ёзма фикрда кўрсатилиши шарт бўлган маълумотлар баён этилган. Ёзма фикрда, у юборилаётган ҳўжалик судининг номи, даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақамидан ташқари, даъво талаблари тўлалигича ёки қисман рад этилаётган эътирозлар ҳам кўрсатилади. Эътирозлар асосланаётган ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, улар процессуал ва моддий-ҳуқуқий бўлиши мумкин.

Процессуал эътирозлар, ҳўжалик судида иш қўзғатилишининг ноқонунийлигини исботлаш мақсадини кўзлайди, масалан, ишнинг ҳўжалик судига тегишли эмаслиги ёки айни бир шахслар ўртаси-

даги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса (ХПКнинг 86-моддаси 1-2-бандлари) ва бошқалар.

Моддий-ҳуқуқий эътирозлар — даъво талабларининг ҳуқуқий ёки моддий жиҳатдан асоссиз эканлиги ҳақидаги вазлардир. Ёзма фикрда, даъвогарнинг талаблари қонунга хилоф эканлиги ёки амалда бўлмаган ва бекор қилинган ҳуқуқ нормасига асосланганлиги ёхуд низоли ҳуқуқий муносабат орқага қайтиш кучига эга бўлмаган тегишли норматив ҳужжат чиқарилгунига қадар келиб чиққанлиги ва бошқалар таъкидланиши мумкин.

Амалиётда, кўпинча, эътирозларнинг таркиби, даъвонинг аслида асосланмаганлигини таъкидлаш ҳисобланади. Бундай эътирозлар, даъвогар ўз талабларида асосланаётган юридик фактларни рад этишга қаратилгандир. Масалан, ёзма фикрда, даъво аризасида даъвогарнинг талабларини тасдиқлаш учун кўрсатилган далилларнинг етарли ёки ишончли эмаслигига таяниш мумкин. Ёзма фикрда, даъвога асос бўлган ҳолатларни рад этмасдан, мазкур ҳолатларнинг ҳуқуқни бекор қилувчи аҳамиятини, масалан, даъвогарнинг айби билан шартномавий мажбуриятни бажаришнинг имкони йўқлиги келиб чиққанлиги ёки зарар миқдорининг кўпайганлиги (Фуқаролик Кодексининг 335-моддаси) ва бошқалар таъкидланиши мумкин.

Қонун ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикрда ўз илтимосномаларини (биргаликда жавоб берувчи, учинчи шахсларни ишда иштирок этишга жалб этиш, гувоҳларни чақиртириш, ёзма ёки ашёвий далилларни чақиртириб олиш, экспертиза тайинлаш ва бошқалар) баён этиш имкониятини яратади.

3. Ёзма фикр ташкилот раҳбари, фуқаро-тадбиркор ёки уларнинг вакили томонидан имзоланади. Вакил (адвокат, юрисконсулт ва бошқалар) томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ҳужалик судида ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилиниши лозим.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди (ХПКнинг 130-моддаси).

120-модда. Қарши даъво тақдим этиш

Жавобгар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишининг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

- 1) қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса;*
- 2) қарши даъво қаноатлантириш дастлабки даъво қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;*

3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тез ва тўғри кўришга олиб келса.

1. Томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили (ХПКнинг 9-моддаси) жавобгарга, даъвога қарши ҳимоя усулларидан фойдаланишнинг, шу жумладан қарши даъво тақдим этиш йўли билан ҳимояланишнинг кенг имкониятлари берилганлигида ифодаланади.

Қарши даъво, жавобгарнинг даъвогарга нисбатан мустақил даъво талаби ҳисобланиб, ҳўжалик судида бошланган жараёнда биргаликда кўриб чиқиш учун берилади.

Дастлабки ва қарши даъволарнинг биргаликда кўриб чиқилиши процессуал воситаларни тежайди, томонларнинг ўзаро эътирозларини мувофиқлаштиради, бир бирига зид қарорлар келиб чиқишнинг олдини олади ва ижро ишларини юритишни осонлаштиради.

Шарҳланаётган моддада қарши даъво иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар тақдим этилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан келиб чиқадикки, қарши даъво фақатгина биринчи инстанция сулида, шу жумладан ҳал қилув қарори бекор қилинганидан сўнг ишни қайта кўриб чиқиш мобайнида тақдим этилиши мумкин.

2. Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади: жавобгарнинг аризаси ХПКнинг 112-моддаси талабларига жавоб бериши шарт, даъво ҳужжатларининг нусхаси ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилиши лозим (ХПКнинг 113-моддаси), қарши даъво аризасига ХПКнинг 114-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

3. Жавобгар томонидан ХПКнинг 112-114-моддалари талаблари бажарилганида, қарши даъво ҳўжалик суди томонидан, ХПКнинг 120-моддаси 3-қисмида кўрсатилган шарт-шароитлар мавжудлиги ҳолатида, дастлабки даъво билан биргаликда кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

1) агар қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса, ҳўжалик суди қарши даъвони қабул қилади. Ҳисоб — бу мажбуриятларни тўхтатишнинг бир туридир. Ҳисоб қилишнинг шарт-шароитлари Фуқаролик Кодексининг 343-345-моддаларида белгиланган;

2) агар қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса, қарши даъво қабул қилинади. Мазкур асос турли таркибдаги қарши даъволарни қамраб олади. Баъзида бундай даъво даъвогарнинг талабларини рад этишга қаратилган бўлади. Масалан, бинони бўшатиш ҳақидаги талабга қарши, ушбу бинога нисбатан эгалик ҳуқуқи даъвогарга ўтганлиги тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб

топиш ҳақидаги қарши даъво тақдим этилиши мумкин. Бошқа ҳолатда эса, қарши даъво, томоннинг дастлабки даъвони қаноатлантириш имкониятини йўқ қилишга интилишда ифодаланади. Бинобарин, бинони бўшатиш ҳақидаги даъво тақдим этилган ташкилот, бинога нисбатан эгалик ҳуқуқини тан олинисини сўрайди. Қарши даъво қаноатлантирилганлиги ҳолатида дастлабки даъво қаноатлантирилиши мумкин эмас;

3) ХПКнинг 120-моддаси 3-қисми 3-бандида 1, 2-бандларидан фарқ қилган ҳолда умумий ҳолида белгиланган: агар қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низои тез ва тўғри кўришга олиб келса, қарши даъво қабул қилинади.

ХПКнинг 120-моддаси 3-қисмининг 3-банди судга кенг ваколатлар бериши билан бирга, томонларнинг бир бирига нисбатан талабларини биргаликда кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини чуқур текшириш мажбуриятини юклайди.

4. Хўжалик суди қарши даъвони қабул қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Агар қарши даъво дастлабки даъво билан боғлиқ бўлмаса ва уларни бир вақтда кўриб чиқиш бефойда бўлса, суд қарши даъвони қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради. Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги 82-сонли «Биринчи инстанция судида ишларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексининг қўлланиши ҳақида»ги Қарорининг 12-бандида кўрсатилганидек: «ХПКнинг 120-моддасида назарда тутилган шартларнинг мавжуд эмаслиги сабабли қарши даъвони қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилинмайди, чунки у, хўжалик судига мустақил даъво тақдим этилишига тўсқинлик қилмайди. Агар, қарши даъво аризасини қабул қилиш ХПКнинг 117-моддасида кўрсатилган асосларда рад этилган бўлса, рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят келтирилиши мумкин».

121-модда. Ишни юритиш вақтида манзилнинг ўзгариши

Ишда иштирок этувчи шахслар иш юритиш вақтида ўз манзилларининг ўзгарганлиги ҳақида хўжалик судига хабар беришлари шарт. Бундай хабар берилмаган тақдирда процессуал ҳужжатлар хўжалик судига маълум бўлган охириги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ёки яшамаётган бўлса ҳам етказиб берилган деб ҳисобланади.

Барча процессуал ҳужжатлар, шу жумладан хўжалик судининг ишни судда кўриб чиқишга тайинлаш, унинг ўтказилиш вақти ва жойи ҳақидаги ажрими ҳам ишда иштирок этувчи шахсларга, улар тақдим этган манзиллар бўйича юборилади.

Қонун бу шахсларга, ўз манзилларининг ўзгарганлиги ҳақида ўз вақтида хўжалик судини хабардор қилиш мажбуриятини юклайди. Бундай хабарлар ишга қўшиб қўйилади ва процессуал хужжатларни янги манзиллар бўйича юборилишига асос бўлади.

Агар ишда иштирок этувчи шахс юқорида кўрсатилган мажбуриятни бажармаса, ХПКнинг 121-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади: процессуал хужжатлар хужалик судига маълум бўлган охириги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ёки яшамаётган бўлса ҳам етказиб берилган деб ҳисобланади. Бунда, мазкур шахснинг ишни судда кўриб чиқиши ва жойи ҳақида хабардор қилинмаганлигини пеш қилиши, ХПКнинг 170-моддаси 2-қисмининг 2-банди ҳамда 188-моддаси 3-қисмининг 2-бандига мувофиқ, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

16-боб.

Ишни судда кўришга тайёрлаш

122-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирилмай қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

4) далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқ-ади;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;

9) тарафларни муросага келтириш чораларини кўради;

10) ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъсирлаш чораларини кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш хўжалик суд ишларини юришнинг мустақил мажбурий босқичи ҳисобланади. У даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш билан суд муҳокамаси ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади ва хужалик низосининг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилиши мақсадини кўзлайди. Мана шундан келиб чиққан қолда судьяларнинг ишни суд муҳокамасига тайёрлашга доир фаолияти ХПКнинг алоҳида бобида берилган.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи даъво аризаси қабул қилингандан кейин бошланади. Судья тақдим қилинган материални ўрганар экан, энг аввал даъво аризаисни қабул қилиш рад этилиши ёки қайтарилиши учун асос борми ёки йўқлигини аниқлаши керак (ХПКнинг 117 ва 118-моддалари). Ишни кўриб чиқиш учун қабул қилишга тўсиқлар йўқлигига ишонч ҳосил қилингандан кейин судья ишни муҳокамага тайёрлашга киришади.

Тайёргарлик ҳажми ва содир этиладиган процессуал ҳаракатлар

хусусияти ҳар бир аниқ ишнинг ҳолати ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Судья тайёргарлик даврида қўйидагиларни бажариши керак:

а) низоли ҳуқуқий муносабатлар хусусиятини иш бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатлар доирасини (исбот мавзусини) аниқлаши;

б) ишда қатнашувчи шахслар таркиби ҳақидаги масалани ҳал этиши;

в) ишда қатнашувчи шахслар тақдим этиши керак бўлган далилларни аниқлаши лозим.

1. Судья низо тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш учун турли процессуал ҳаракатларни содир этишга ҳақлидир. Уларнинг энг муҳимлари ХПКнинг 122-моддасида келтирилган. Унга мувофиқ судья ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади.

Даъво материални таҳлил қилишда судьяда даъво талаби даъво талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдан эмас, балки бошқа шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши керак бўлган шахсга эмас балки, бошқага нисбатан билдирилганлиги ҳақида фикр туғилиши мумкин. Бундан ташқари судья кўзгатишган ишда даъво аризасида кўрсатилмаган бошқа шахсларнинг манфаатдорлиги мавжудлиги ҳақидаги ҳулосага келиши мумкин. Ушбу ҳолларда судья ХПКнинг 41, 42-моддалари талабларини ҳисобга олиб, ишда бошқа жавобгар ёки учинчи шахснинг қатнашиши мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ жавобгарни жалб қилиш учун даъвогарнинг розилиги талаб қилинади. Шу сабабли судья агар даъвогар бунга рози бўлсагина ана шундай ажрим чиқаради.

Низо предметида нисбатан мустақил талаб билан чиқувчи учинчи шахсларнинг ишда иштирок этиши масаласи бошқача ҳал этилади. ХПКнинг 41-моддасига мувофиқ ишга киришиш масаласини ушбу шахслар мустақил ҳал этадилар. Шу сабабли зарурият бўлса, судья иш кўзгатишганлиги ҳақида уларни хабардор қилишга ва ХПКда белгиланган тартибда ишга киришиш ҳуқуқини тушунтиришга ҳақлидир.

Низонинг предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилинадилар.

Манфаатдор шахснинг ўзи учинчи шахс сифатида жалб қилиш ҳақидаги илтимос билан судга мурожаат қилиши мумкин (ХПКнинг 42-моддаси);

2) судья ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади. Бу ерда гап энг аввало манфаатдорлиги моддий-ҳуқуқий

ёки процессуал тусда бўлган шахслар тўғрисида боради, масалан, низо предметига мустақил талаб қўйувчи учинчи шахслар ҳақида. Давлат жамяят манфаатлари ёки аҳолининг кўпчилик қисми, йирик меҳнат жамоалари манфаатлари ҳақида гап борганда судья иш қўрилиши ҳақида прокурорни хабардор қилишга ҳақлидир;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади. Ушбу босқичда судья ишда қатнашувчи шахсларга жуда хилма-хил ҳаракатларни бажаришни таклиф этиши мумкин. Масалан, ҳисоб-китобларни пул талабно-маларига солиштириб чиқиш, ҳуқуқий позицияни аниқлаш ёки белгилаш, даъво аризасига жавоб бериш, бошқа томонга ёки бир-бирига айрим ҳужжатларни бериш, экспертиза ўтказилишида тушунтирилиши керак бўлган масалаларни тақдим этиш ва бошқалар. Бундан ташқари ХПКнинг 56-моддасига мувофиқ судья ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосига кўра бошқа ташкилотлардан, уларнинг мансабдор шахсларидан зарур далилларни талаб қилиб олади. Иш бўйича исбот қилиш предметини аниқлаш ва суд муҳокамасини етарлича исбот билан таъминлашда ушбу ҳаракатга зарурият пайдо бўлади;

4) даъво аризалари билан бирга тушган ва ишда қатнашувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилган далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади.

Далилларнинг дахлдорлиги қондасига (ХПКнинг 58-моддаси) амал қилиб, судья фақат исбот қилиш предметига кирувчи фактларни аниқлаш учун ҳақиқатдан ҳам зарур бўлган далилларни танлаб олади ва ишда дахли бўлмаган барча кераксиз нарсаларни четлатади.

Далилларга йўл қўйилиши қондасига (ХПКнинг 59-моддаси) асосан иш ҳолатларини муайян далиллар билан тасдиқланиши зарур бўлганда судья бошқа далилларни қабул қилмаслиги керак. Масалан, ФКнинг 109-моддасига мувофиқ битим оддий ёзма шаклига риоя қилинмаган ҳолда тузилганлигида томонлар битим тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқлашга ҳақли эмаслар. Бундай низолар бўйича судья томонларга ёзма далил тақдим этишни таклиф қилади;

5) гувоҳларни чақиртиради. Гувоҳлик кўрсатмаларида суд бошқа исботлар билан аниқлаши мумкин бўлмаган ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги олинishi лозим маълумотлар бўлади. Ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган далиллар ҳақидаги бирон бир маълумотга эга бўлган исталган шахс гувоҳ бўлиши мумкин. Процессда мансабдор шахслар, ташкилотларнинг бошқа ходимлари, фуқаролар гувоҳ сифатида жалб қилиниши мумкин.

Ишни муҳокамага тайёрлаш босқичида судья гувоҳлар доирасини, улар турган жойни, гувоҳлар ишнинг ҳолатлари билан боғлиқ қандай

маълумотлар бериши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек уларнинг суд мажлисига келишларини таъминлаш чораларини кўради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади. Бунда ХПКнинг 47, 67, 69-моддалари талабларини ҳисобга олади.

ХПКнинг 67-моддаси қондасига мувофиқ экспертиза ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосига кўра хўжалик суди томонидан тайинланиши мумкин. Шу сабабли, агар ишда қатнашувчи шахслардан ҳеч бири бундай илтимоснома билан мурожаат қилмаган бўлса, тушган материалларни ўрганиш эса эксперт хулосаси берилишини тақозо этса, судья уларга экспертиза ўтказиш зарурлигини, бу ҳақда улар тегишли илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтириши, эксперт хулосаси олиниши керак бўлган масалалар бўйича таклиф қилиш, эксперт полига мутахассисни тавсия этиши лозим;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади. Ушбу ҳаракат бошқа ҳудудда далилларни олиш зарур бўлганда амалга оширилади (ХПКнинг 74-моддаси). Ушбу ҳолларда ишни муҳокамага тайёрловчи судья ажрим чиқаради. Унга кўра тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширади, масалан, ашёвий ёки ёзма далилларни кўриб чиқишни, яшаш жойи узоқ бўлганлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ишни кўраётган судга келиши қийин бўлган гувоҳни чақиришни ва сўроқ қилишни топшириши мумкин;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради. Томоннинг ҳуқуқий қарашини (позицияни) шахсан сўраш. Йўли билан аниқлаш, унинг талаби ёки эътирозини тасдиқловчи қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилиш эҳтиёжи пайдо бўлганда томонларни чақириш зарурати туғилади. Ишларнинг айрим тоифлари бўйича томонларни суҳбатга чақириш зарурат ҳисобланади. Жумладан, давлат органининг ёки бошқа органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топилш ҳақидаги ишни муҳокамага тайёрлашда, башарти ёзма фикр берилмаган бўлса, ушбу органининг вакилини чақириш ва унга даъво аризаси юзасидан ёзма эътироз билдиришни таклиф этиш лозимдир. Бунинг амалга ошириш зарурдир, чунки ХПКнинг 55-моддасига мувофиқ ҳужжат қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни ва унинг қонунийлигининг исбот қилиш мажбурияти бундай ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юкланади;

9) тарафларни муроасага келтириш чораларини кўради. Томонларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқи ХПКда биринчи марта кўрсатилган (40-модда). Келишув битимининг моҳияти шундаки, томонлар низоли ўзаро ён босишлар йўли билан ҳал этилишига эришадилар ва бу билан иш юритишни тугатишга асос яратадилар (ХПКнинг 86-моддаси).

ХПКнинг 132-моддасига мувофиқ келишув битими томонлар томонидан тузилади ва суд муҳокамаси босқичида хўжалик суди

томонидан тасдиқланади. Бироқ ишни тайёрлаш пайтида судья томонларга уларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқини тушунтириши зарур. Суд низои ўзаро келишув асосида тугатилиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда томонлар процессни айнан қандай шартлар билан тамомлаш ниятида эканлигини аниқлаши керак:

10) ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади. Судья ушбу масалани ҳал этар экан, аниқ бир ишнинг хусусиятидан ва исботланиши керак бўлган ҳолатлардан келиб чиқиши керак. Агар раҳбарлар низои тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган маълумотларга эга бўлсалару, бироқ уларнинг ўзлари юридик орган сифатида ташкилотнинг манфаатларини судда ифодалаш ниятида бўлмасалар, улар хўжалик судига гувоҳ сифатида чақириладилар;

11) агар бундай чоралар кўрилмаслигич суд ҳужжати ижро этилишини қийинлаштириши ёки мумкинқилмайдиган бўлса (ХПКнинг 76-моддаси) даъвои таъминлаш чораларини кўради. Даъвои таъминлаш чоралари кўрилишига манфаатдор томоннинг аризаси мавжуд бўлган шароитдагина йўл қўйилади, аризани эса ишда қатнашувчи бошқа шахсларни чақирмасдан кўриб чиқиш мумкин. Тайёрлаш босқичида даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

2. ХПКнинг 112-моддасида келтирилган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича процессуал ҳаракатлар рўйхати шу билан тугамайди. Судья низо тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни содир этишга ҳам ҳақлидир.

123-модда. Ишни судда қуришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаратлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

ХПКнинг 123-моддаси судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаришни, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда қуришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойини кўрсатишини белгилайди. Ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақидаги ажримда мазкур ишга тадбиқан тайёргарлик ҳаракатларининг мазмуни аниқлаштирилади. Бу ишни тайёрлашнинг тўлиқлиги ва изчиллигини таъминлайди, процессуал ҳаракатларни бажарилдишини назорат қилишни енгиллаштиради, судьяни ва хўжалик суд ишининг бошқа қатнашчиларини интизомга ўргатади.

Судья агар ишни тайёрлаш жараёнида зарур бўлса, ажримда кўрсатилганлардан ташқари бошқа тайёргарлик ишларини ҳам бажайшга ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш муҳимки, ажрим ишни тайёрлаш бўйича судья томонидан мўлжалланадиган ҳавракатлар доирасини қайд этади, бироқ уларни мазмунини ақс эттирмайди, яъни ушбу масалаларни ҳал этмайди. Судья томонидан мўлжалланадиган деярли ҳар бир тайёргарлик ҳаракати бошқа ажримда, масалан экспертиза тайинлашда, суд топшириғи, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримларда ўз объектив ифодасини топади.

ХПКнинг 123-моддасида мазкур ажримни чиқариш муддатлари ҳақида кўрсатма йўқ. Тўғри, ХПКнинг 123-моддаси судья тайёргарлик ишларини даъво аризаси берилган кундан 10 кун кечикмай бажариши лозимлигини назарда тутди. Буроқ суд агар даъво аризасини қабул қилишни рад этилиши (ХПКнинг 117-моддаси) еки унинг қайтарилиши (ХПКнинг 118-моддаси) учун асос мажбур бўлиб ишни судда кўришга тайёрлашга қаришмасликка ҳаққилдир. Бундай ҳолларда судья даъво аризасини рад этиш ёки қайтариш ҳақида ажрим чиқаришга мажбур. Фақат даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш билан ишни судда кўриб чиқишга тайёрлаш бошланади. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ишни тайёрлаш ҳақидаги ажрим судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисидаги масалани ижобий ҳал этишидан олдин чиқарилиши мумкин эмас. Даъво аризаси қабул қилинишининг ўзи ишни кўриб чиқишга тайёргарлик бошланганлигини аниглайди. Худди шу сабабли ХПКнинг 116-моддаси судьянинг ушбу қарорлари бир ажримда чиқарилиши мақсадга мувофиқлигини назарда тутди. Бу ажрим даъво аризаси келиб тушган пайтдан бошлаб ўн кундан кечикмай чиқарилади.

Ишни суд иш юритишига тайёрлаш ҳақидаги ажрим фақат даъво аризаси қабул қилинишидагина чиқарилиб қолмайди. Суд қарори юқори турувчи суд томонидан бекор қилингандан кейин иш қайтадан кўриб чиқиш учун биринчи босқич судга берилган ҳолларда ҳам мана шундай ажрим чиқарилади.

124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади.

Процесснинг барча қатнашчиларини хабардор қилиш тайёргарлик босқичининг муҳим процессуал ҳаракатларидан бири ҳисобланади. ХПКнинг 124-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими

орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади. Бу, одатда, ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақидаги ажрим бўлади. Унда иш тайинланганлиги ва суд мажлиси ўтказиладиган вақт хабар қилинади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрим билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади. Хабар бериш, чақиришнинг исталган шаклида уни олувчига у қайси иш (масала) бўйича чақирилаётганлиги ёки хабардор қилинаётганлиги, у ким сифатида (жавобгар, учинчи шахс, эксперт, гувоҳ, таржимон) чақираётганлиги, қайси манзилга, қайси вақтда етиб келиши лозимлиги, зарур ҳолларда эса унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келмаслик оқибатлари, келганда тақдим этиладиган ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

Хабарнома ва чақирувлар олдиндан, суд ишнинг юритиш қатнашчилари процессга тайёргарлик кўриш ва ҳужалик судига ўз вақтида келиш учун етарлича вақтга эга бўладиган қилиб юборилиши керак.

Судья ва ҳужалик услининг бошқа ходимлари ўз вақтида хабар бериш юзасидан барча чораларни кўришлари керак. Ишда қатнашувчи шахслардан бирортаси суд вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги сабабли суд мажлисига келмаслиги ишни кўришни кечиктиришга асос ҳисобланади (ХПКнинг 130-131-моддалари), бундай вазиятда ишни кўриб чиқиш эса ҳужалик суди қарори ёки ҳал қилув қарорини бекор қилинишига олиб келади (ХПКнинг 170, 188-моддалари).

17-боб.**Судда ишни кўриш****125-модда. Ишни кўриш муддати**

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Суд томонидан хўжалик ишларини туғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилиши хўжалик судлов ишларини юритишнинг биринчи даражадаги вазифаси ҳисобланади.

Процессуал муддатларнинг аҳамияти хужалик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этиш билан биргаликда, бир томондан ўзининг ҳаракат ва ҳаракатсизлиги билан ишларни тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишига тўсқинлик қилувчи процесснинг инсофсиз иштирокчиларига таъсир чораси бўлса, иккинчи томондан тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини қатъий, ойдин ва аниқ амалга оширилишига қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида ҳуқуқларнинг реал ва кафолатланган бўлиш принципини ҳаётга тадбиқ этишга олиб келади.

125-моддага асосан иш ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак, ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим эса даъво аризаси хўжалик судига келиб тушгандан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда чиқарилади.

Янги ХПКда биринчи инстанция судида ишни кўриш муддати-ни узайтириш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Алоҳида ҳоллардагина ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Кўриш муддатини узайтириш тартиби ва шакли хужалик суди раиси томонидан мустақил ҳал этилади.

126-модда. Хужалик судининг мажлиси

Иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади.

Мажлисга раислик қилувчи судья:

1) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади;

2) ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

3) суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради;

4) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқариб юборади;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

6) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки буйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

7) мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди;

8) мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлайди;

9) мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади.

Суд мажлисида ишни кўриш ва ҳал этиш — хужалик процессининг асосий, марказий қисми ҳисобланади. Айнан мана шу босқичда хужалик судлов ишларини юритишнинг асосий — корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг бузилган еки низолашгаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш; иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш каби вазифалари амалга оширилади.

ХПКнинг 126-моддасига асосан иш муҳокамаси хўжалик судининг мажлисида бўлиб ўтади ва қайд этилган вазифалар хужалик процессуал ҳуқуқининг барча принципларига асосан амалга оширилади.

Биринчи навбатда суд мажлисини утказиш тартибига умумий характеристика бериш лозим бўлади.

Қайд этилган тартибнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

а) суд мажлиси босқичларининг изчиллиги, ўзаро боғлиқлиги;

б) суд мажлиси бориши устидан хўжалик судининг раҳбарлиги;

в) суд мажлисини ўтказиш тартибини бузганлик учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг жавобгарлиги;

г) суд мажлиси боришининг принципиал ва муҳим масалалари юзасидан суд ажримларининг чиқарилиши;

д) хўжалик судлов ишларини юритишининг бутун принципларини намоён бўлиши;

е) ишни муҳокама қилиш жараёни юзасидан баённома тузишининг мажбурийлиги.

Ишни кўриш жараёнида хўжалик суди томонидан тарафлар ва учинчи шахсларнинг ўзаро талаб ва эътирозларини асослилиги текширилади, йиғилган далиллар ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўрганиб чиқилади, уларнинг ҳақиқий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатилади, низони келиб чиқиши сабаблари ва шароитлари аниқлаштирилади. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини чиқариши билан иш ўзининг тўлиқ, қонуний ва асосли яқунини топади.

Судда ишни кўриш босқичида хўжалик судлов ишларини юритишининг қуйидаги асосий принциплари тўлиқ ва яққол намоён бўлади: қонунийлик, хўжалик суди ва судьяларининг мустақиллиги, тарафларнинг тортишуви, ошқоралик ва бошқалар.

Хўжалик судларида ишлар ХПКнинг 8-моддасида кўрсатилган ҳолларни эътиборга олганда ошқора кўрилади.

Суд мажлиси умумий қоидага кўра махсус хона — суд мажлиси залида ўтказилади. Суд мажлиси залида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби ўрнатилади (ЎзР «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 83-моддаси). Шунингдек, залда махсус, суд мажлисини ўтказишга мослаштирилган мебель ўрнатилади. Мажлислар залининг йўқлигида ишларни бошқа биноларда кўришга йўл қўйилади.

Хўжалик судининг мажлиси уч қисмдан тапқил топган:

1) тайёрлов;

2) ишни мазмунан кўриш;

3) иш буйича ҳал қилув қарори қабул қилиш. Ҳар бир қисм ўзига хос вазифа ва мазмунга эга бўлиб, суд мажлиси фақатгина маълум масалалар қамровини ҳал этишга қаратилган. Барча қисмлар маълум бир маънода мустақил бўлиб, ўзаро боғлиқ ва бир бирини алмаштириб келади.

Шундай қилиб, суд мажлисининг тайёрлов қисми ушбу мажлисда ишни кўриш учун шароитлар етарлилигини аниқлаштиришга қаратилган. Иккинчи қисм — ишни шахсан мазмунан кўриб чиқилиши ўз олдига бир қатор вазифаларни қўяди: даъво талаблари ва даъво юзасидан эътирозларни аниқлаштириш; ишни келишув асосида ҳал этиш йулларини юзага чиқариш; низони тегишли тартибда ҳал этиш мақсадида йиғилган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўрганиб чиқиш. Суд мажлисининг охириги қисмида суд ишни мазмунан ҳал қилади, алоҳида хонада ҳал қилув қарори чиқариб, уни суд мажлиси залида эълон қилади.

ХПК суд мажлисини тайёрлов қисмини ўтказишда қуйидаги тартибни назарда тутати:

- а) суд мажлисини очиш;
- б) хўжалик судлов ишларини юритиш иштирокчиларининг келганлигини текшириш;
- в) суд таркибини эълон қилиш ва уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш;
- г) гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб юбориш;
- д) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;
- е) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатма берганлик ва кўрсатма беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш.

Ўрнатилган умумий қоидага кўра, биринчи инстанцияда ишлар судья томонидан яққа кўрилади. Аммо, суд раисининг қарорига мувофиқ ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин. Иш ҳайъатда кўрилганда мажлисга хўжалик судининг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади.

Ушбу ҳайъат таркибига кирувчи барча судьялар ишни кўриш ва ҳал қилув қарори чиқариш жараёнида юзага келадиган низоларни ҳал этишда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Барча масалалар ва турли фикрлар кўпчиликнинг овози билан ҳал этилади.

ХПК 126-моддаси 2-қисмида раислик этувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида қонун билан белгиланган тартиб асосида бажариши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар санаб ўтилган.

Муҳокама учун тайинланган ишни кўришда судья суд залига кириб келади. Раислик этувчи ҳамма ўтиришини сўрайди, суд мажлисини очиқ деб эълон қилгандан сўнг, қайси иш кўриб чиқилаётганлигини маълум қилади.

Суд муҳокамасига киришишдан олдин суд мажлисига келмаган ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида қонун талаблари асосида хабардор қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди.

ХПК 124-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси жойи ва вақти тўғрисидаги ажримни олганлигини маълум қилувчи буюртма хат орқали юбориш билан хабардор қилинади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, агарда ажрим таъсис ҳужжатларига асосан даъво аризасида курсатилган почта манзилига жўнатилган бўлса хабардор қилинган ҳисобланади.

Агарда, ажрим адресатнинг кўчиб кетганлиги муносабати билан топширилмаган бўлса, ХПК 121-моддасига асосан етказиб берилган ҳисобланади. Агарда, ажрим алоқа бўлимининг жавобгар курсатилган манзилда йўқлиги тўғрисидаги белгиси билан жавобгарга етказилмасдан қайтарилса ҳамда ишдаги ҳужжатлардан унинг манзилини аниқлашни иложи бўлмаса, судья даъвогарга жавобгар-

нинг манзили тўғрисида тасдиқланган маълумот тақдим этишни тавсия этади.

Суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахси, мансабдор ва ишончли шахсларнинг ваколатлари ҳужжатлар асосида аниқлантирилади.

Агарда, суд мажлисига чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган бўлса, суд унинг келмаганлиги оқибатларини муҳокама қилиши лозим.

Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси келмаса ва унга хабарнома топширилганлиги тўғрисида маълумот йўқ бўлган тақдирда суд ишни кўришни кейинга қолдириши лозим. Бу ХПКга киритилган янги қоида билан мустаҳкамланган бўлиб, унга асосан ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмасдан ишнинг кўрилиши, ҳужалик суди қарорининг сўзсиз бекор бўлишига олиб келади.

Агарда, бу шахслар хабардор қилинган бўлсада, лекин суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра келмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши ёки давом эттиришига ҳақли бўлиб, бу тўғрисида ажрим чиқарилади.

Агарда, суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган даъвогар ҳужалик суди мажлисига келмаса ва ишни унинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома бермаган бўлса, суд даъвои қурмасдан қолдиради. Тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар келмаган тақдирда низо унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин.

Суд мажлисига гувоҳлар ёки эксперт келмаган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг юқоридагиларни иштирокисиз ишни кўриш юзасидан фикрини тинглаб, суд мажлисини давом эттириш ёки кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Бу ҳаракатлардан сўнг раислик этувчи суд таркибини эълон қилади, эксперт, тажिमон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади, ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради. Рад қилиш асослари, рад қилиш ҳақидаги аризани ҳал этиш тартиби ва қаноатлантирилган бундай аризининг оқибатлари ХПК 17-22-моддалари билан белгиланади.

ХПКнинг 17 ва 18-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мажбул бўлганда судья, прокурор, эксперт, таржимон ўзини ўзи рад қилишга мажбур.

Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ҳал қилув қарорини бекор бўлишига олиб келади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган гувоҳлар уларни сўроқ қилиш бошлангунча суд залидан чиқариб юборилади. Раислик қилувчи суд томонидан сўроқ қилинган гувоҳлар сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан ўзаро муомала қилмаслиқларини таъминлаш чораларини кўради.

Ҳар бир гувоҳ алоҳида сўроқ қилиниши муносабати билан уларни

ёлгон гувоҳлик берганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида сўроқ олдида оғоҳланирилади.

Мазкур таркибдаги суд (якка судья) суд мажлисини ўтказиш мумкинлигини ҳал этиб, раислик этувчи ишда иштирок этувчи шахслар ва уларнинг вакиллариغا ХПКнинг 35-моддасида курсатилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Агарда, ишда судлов ишларини юритиш олиб борилаётган тилни билмайдиган шахс иштирок этаётган бўлса, ишда таржимон иштироки масаласи шу вақтдаёқ ҳал этилиши лозим бўлади. Ишни таржимон иштирокисиз кўриш, процессуал нормаларни қўпол бузилиши бўлиб, ҳўжалик суди ҳал қилув қарорини сўзсиз бекор бўлишига олиб келади.

Раислик этувчи биринчи навбатда таржимонга судлов ишларини юритиш олиб борилаётган тилни билмайдиган шахснинг тушунтириш, кўрсатма ва арзларини, бошқа иштирокчиларнинг кўрсатма ва арзларини, ошкор қилинган ҳужжатларни, шунингдек, раислик қилувчининг фармойишларини, суднинг ажрими ва ҳал қилув қарорини таржима қилиш мажбуриятини тушунтириб, била туриб нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида оғоҳлантиради.

Раислик этувчи мажлисни ўтказиш ва далилларни таҳлил қилиш тартибини белгилаб олиши зарур. Қоидаги кўра, суд олдин даъвогарнинг ва у томондаги учинчи шахснинг, кейин жавобгарнинг ва у томондаги учинчи шахснинг тушунтиришини эшитади. Айрим ҳолларда иш характеридан ва даъвогарнинг талабидан келиб чиқиб низонинг ҳолатлари жавобгар томонидан тушунтирилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тарафларга низони ҳал этиш буйича далилларни тақдим этиш учун тенг имконият берилиши керак. Ишда иштирок этувчи шахслар бир бирларига савол билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Бу шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, суд йиғилган далилларни таҳлил қилиб: гувоҳларни сўроқ қилади, ёзма далилларни ошкор қилади, ашёвий далилларни кўздан кечиради, экспертнинг хулосасини ошкор қилади.

Янги ХПК ҳўжалик судлов ишларини юритишнинг ошкоралик принципини сезиларли даражада кенгайтди. Ишда иштирок этувчи шахсларга ва ҳўжалик судининг мажлисида ҳозир бўлганларга ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқлари берилган. Суд мажлисини кино ва фотосуратта олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишга кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади.

127-модда. Ҳўжалик судининг мажлисидаги тартиб

Судьялар мажлис залига кирганларида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан туради. Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини залда ҳозир бўлганларнинг барчаси тик турган ҳолда тинглайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва ҳужалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳужалик судига тик турган ҳолда мурожаат қилади ҳамда тушунтиришлар ва кўрсатувлар беради. Бу қоидадан четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи ҳужалик суди номидан тартибни бузган шахсни огоҳлантиради. Тартиб такроран бузилган тақдирда мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан чиқариб юборилиши мумкин.

Ҳужалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча фуқаролар ХПКнинг 127-моддасида белгиланган тартибга қатъий риоя қилишлари лозим. Суд мажлисида тегишли тартибга риоя қилиш ҳужалик судининг вазифалари ва одил судловни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб ўрнатилган. Буларга эришиш учун ишчи муҳит, мақсадга йўналтирилганлик ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қатъий изчиллик талаб этилади. Муҳитнинг муайян тантановорлиги ишнинг барча жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва давлат номидан иш юритаётган судга нисбатан лозим даражада ҳурматни таъминлашга қаратилгандир.

Суд мажлисининг бир маромда боришига халақит берадиган ҳар қандай ҳолатга йўл қўйиб бўлмайди ва бундай ҳаракат тўхта-тилиши лозим.

Раислик этувчининг процессни барча иштирокчилари билан тенг, бир хил муносабатда бўлиши, иш муҳокамасида юзага келадиган масалаларга босиқ, ақлан ёндошишти ҳужалик суди обрўсини мустаҳкамлаб, судлов ишларини юритиш маданиятини оширади.

Қонун процесснинг барча иштирокчиларидан судьяларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

ХПК 127-моддаси 3-қисмида ҳужалик суди мажлиси залидаги тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган санкциялар тўғрисида тўхталиб утилган. Бу санкциялар нафақат мажлис залида ҳозир бўлган фуқароларга, балки процесснинг бошқа иштирокчилари — тарафлар, учинчи шахслар, вакиллар ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

128-модда. Далилларни текшириш ва ишни кўришнинг узлуксизлиги

Ҳужалик суди ишни кўрганда иш бўйича далилларни текширади: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини эшитида, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради.

Ишни кўриш суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади. Ишни

кўриш жараёнида судьялардан бири алмаштирилган тақдирда ишни кўриш янгидан бошланиши лозим.

Ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади. Алоҳида ҳолларда хўжалик суди мажлисида уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли.

Хўжалик суди иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунча ёки ишни кўриш кейинга қалдирилгунча бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас.

Ишни мазмунан куриш, яъни суд муҳокамасининг иш ҳолатларини текшириши кечадиган вақтда жараённинг боришига керакли йўналиш берадиган алоҳида процедура талаб қилади. ХПК 128-моддасида хўжалик судлов ишларини юритишининг иккита принциплари — бевоситалик ва узлуксизлик принциплари мустақамланган.

Ушбу модданинг 1 ва 2-қисмларида бевоситалик принципнинг мазмуни очиб берилади. Шахсан судья томонидан далилий ахборотларни қабул қилиниши иш учун аҳамиятли бўлган фактлар мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида ҳақиқатта мос келадиган хулосалар чиқаришнинг ишончли кафолати бўлиб, низо бўйича қонуний ва асосли қарор чиқарилишини таъминлайди.

Хўжалик суди далилларни текшириш ва баҳо берилгани ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахсларнинг фаол иштирокида амалга оширади.

Далиллар туридан келиб чиққан ҳолда ҳар хил усуллар орқали текширилади. Уларни текшириш тартиби хўжалик суди томонидан белгиланади.

Хўжалик суди қонунга асосланган ҳолда иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириб, ички ишончига кўра барча далилларга баҳо беради.

Хўжалик суди учун ҳеч бир далил олдиндан ўрнатилган кучга эга бўла олмайди.

Ишни кўриш суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади, яъни бир судья ёки суд таркиби томонидан кўриш бошланган иш ушбу судья ёки суд таркиби томонидан мазмунан кўрилиши керак.

Раислик этувчи ёки таркибдаги судьялардан бири уларнинг касаллиги, хизмат сафари ва таътилда бўлишлари сабабли ёки қонун билан белгиланган тартибда лавозимидан озод этилганда, шунингдек улардан бирига нисбатан берилган рад қилиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилганда алмаштирилиши мумкин. Судья алмаштирилгандан кейин ишни кўриш янгидан бошланади.

Бевоситалик принципида ҳам хўжалик судлов ишларини юритишининг бошқа принциплари каби айрим истисноларга йўл қўйилади, масалан ишни кураётган судьялар томонидан далилларни бевосита қабул қилиш имкони йўқлиги сабабли ёки бу мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда. Шундай қилиб, хўжалик судлари ишни

кўриш давомида ХПК 72-73-моддаларида кўзда тутилган, шунингдек суд топшириқларини бажаришда (ХПК 74-75-моддалар), ёзма далиллар нусхаларини (ХПК 62-модда) далил сифатида фойдаланиши мумкин. Лекин, бевоситалик принциpidан фақат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатларда чекиниш мумкин.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори уни чиқарган судья томонидан текширилмаган далилларга асосланган бўлса бекор бўлади.

Ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади.

Шундай қилиб, янги ХПКда биринчи марта узлуксизлик принципи мустақамланган. Хўжалик процессида бу принципнинг амалга киритилиши хўжалик суди судьяларини ўзининг диққат эътиборини фақат аниқ бир ишни ҳал этишга жамлашга ундайди ва бир вақтни ўзида бир неча ишни кўришни таъқиқлаб, бу билан низоларни сифатли кўрилиши, қонуний ва асосли қарор қабул қилинишига шароитлар яратади. Буларнинг ҳаммаси суд обрўсини мустақамлаб, ташкилотлар ва тadbиркор-фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоясини кафолатлайди.

Узлуксизлик принциpidа ҳам қонун билан ўрнатилган алоҳида чекиниш мавжуд. ХПК 128-моддаси 3-қисмига асосан хўжалик суди алоҳида ҳоллардагина мажлисда уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли. Бу ҳолида узлуксизликнинг умумий ҳолатига таъсир ўтказмайди, чунончи бу ҳолатда қарор қабул қилгунга қадар суд бошқа ишни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

Хўжалик судида ҳар бир иш процесс нормал тарзда ўтанда, қоидага асосан ишдаги барча ҳужжатлар кўрилгандан сўнг тезда ҳал қилув қарори қабул қилиш билан ниҳоясига етади. Ҳал қилув қарори ишнинг барча ҳолатлари аниқлаштирилган ва кўрилаётган низо бўйича барча масалалар ўз ечимини топган деб тан олингандан сўнг қабул қилинади. Раислик этувчи мазкур иш бўйича барча далилларни текшириб бўлгандан сўнг, ишда иштирок этувчи шахслардан уларда қушимча ҳужжатлар мавжудлигини аниқлаштиради. Бундай муурожаат йўқ бўлган тақдирда иш текшируви тугалланганлигини эълон қилиб, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

129-модда. Хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиши

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ҳал қилади.

Хўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ишда иштирок этувчи шахсларга бериладиган процессуал ҳуқуқлар орасида ҳўжалик судига ишни куриш билан боғлиқ ҳар хил масалалар буйича ариза ва илтимосномалар билан муурожаат қилиш ҳуқуқи муҳим ўринга эга.

Янги ҳўжалик процессуал қонунчилигида 1993 йилги ХПКдаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимосномаларини ҳал этиш шаклини тартибга солмайдиган бўшлиқ тўлдирилди.

Процессуал ҳаракатни амалга ошириш туғрисидаги илтимоснома ҳўжалик судига муурожаат қилувчининг фикрига кўра ишни тўғри кўрилиши ёки унинг ҳуқуқларига риоя қилинишини ва бошқа шахсларга юклатилган процессуал мажбуриятларни бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлади. Бундай илтимосномалар қаторига давони таъминлаш чораларини кўриш, ишда иштирок этиш учун иштирокчилар, учинчи шахсларни тортиш, экспертиза тайинлаш, ишни кўришни тўхтатиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ариза илтимосномадан фарқ қилиб, ишни кўришда туғилган савол юзасидан ахборот характеридаги суд муҳокамасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотга эга бўлади. Масалан, тарафнинг даволаш масканида эканлиги, иккинчи тараф ҳавола қилаётган масала юзасидан далилларининг йўқлиги туғрисида, тарафлардан бирининг экспертиза ўтказилишида қатнашининдан бош тортиши, келмаганлик сабаблари ва бошқалар туғрисида.

ХПКнинг 129-моддаси ҳўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимосномаларини ҳал этиш тартиби ва уларни кўриб чиқиш натижаларини расмийлаштириш қоидаларини тартибга солади.

Илтимоснома ва ариза ёзма ёки оғзаки шаклда билдирилиши мумкин. Илтимосномада қайд этилган сўров етарли даражада асослантилган бўлиши лозим.

Қонун ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоснома ва аризаларини фақатгина ушбу юзасидан ишда иштирок этаётган бошқа барча шахсларнинг фикрини эшитиб бўлгач ҳал этилишини талаб қилади. Бу ҳўжалик процессидаги тарафларнинг тортишуви ва процессуал тенг ҳуқуқлилик принциплари билан изоҳланади.

Ҳўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари буйича ажрим чиқаради. Киритилган ариза ёки илтимосноманинг характери ва мураккаблигидан келиб чиқиб, суд уни жойида (ажрим суд мажлиси баённомасида қайд қилинади) ёки маслаҳат хонасида (ажрим алоҳида процессуал ҳўжжат сифатида чиқарилади) ҳал этади.

Ҳўжалик суди томонидан рад этилган илтимоснома, процесс давомида янги фактлар аниқланганда, илтимосномани қаноатлантириш туғрисида қарор қабул қилишга таъсир ўтказадиган ҳолатлар ўзагарганда ёки йўқолганда кейинчалик суд муҳокамаси давомида яна қайтадан тақдим этилиши мумкин.

130-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз низони ҳал қилиш

Судья ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни тақлиф қилган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Тайёрлов ҳаракатлари иш кўрилишини таъминлашда муҳим далилий асос бўлиб, ишда иштирок этувчи шахсларга маълум ҳаракатларни, жумладан низони ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни тавсия этади (ХПК 122-модда).

Мазкур процессуал ҳаракатларни судья иш кўришни кейинга қолдириб, суд муҳокамаси жараёнида ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

ХПКнинг 119-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига даъвога қарши бўлган эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда даъво аризаси юзасидан фикрнома юборишлари мумкин.

Агарда, даъво юзасидан фикрнома тақдим этилмаган, кўрсатилган талаблар бажарилмаган бўлса, суд ишни ўзида мавжуд ҳужжатлар бўйича кўришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқдан қачон фойдаланиш масаласи, ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик суди фикри асосида ҳал этилади.

ХПКнинг 130-моддаси 2 ва 3-қисмларида хўжалик суди мажлисига даъвогар ва жавобгар келмаганлигининг ҳуқуқий оқибатлари аниқлаштирилган

Бу ерда ишуниси ёдда тутиш керакки: суд низони даъвогар ёки жавобгар иштирокисиз ҳал этишдан олдин, иш ҳужжатларида унга суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисидаги хабарнома топширилганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим.

Даъвогарга келсак, иш ҳужжатларида унинг иштирокисиз ишни куриш тўғрисидаги илтимосномаси мавжуд бўлиши керак. Агарда даъвогар тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, иш ҳужжатларида ҳеч қандай ариза бўлмаса, ХПКнинг 88-моддаси 6-бандига асосан даъво кўрмасдан қолдирилиши мумкин.

131-модда. Ишни кўришни кейинга қолдириш

Хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юриштиринг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат билан ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинади.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади.

Ишни кўришни кейинга қолдириш иш буйича навбатдаги суд мажлиси кунини белгилаб, низони мазмунан кўришни кечиктириш ҳисобланади.

Ишни кўришни кейинга қолдиришни суд мажлисидаги танаффусдан ажратиб олиш зарур, зеро ишни кўриш кейинга қолдирилганда, кейинги суд муҳокамаси янгидан бошланади. Танаффус эълон қилинганда эса ишни куриш тухтаган жойидан давом эттирилади.

ХПК 131-моддасида бу процессуал ҳаракатни расмийлаштириш тартиби ва хўжалик процесси иштирокчиларини кейинги хўжалик судининг мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш асослари, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатилган.

Ишни кейинга қолдириш асослари турли хил бўлиб, суд мажлисининг тайёрлов қисмида, шунингдек кейинчалик ҳам юзага келиши мумкин. Ишни кўришни кейинга қолдиришга қонунда кўрсатилган сабаблар (ишда иштирок этувчи шахслардан бири, гувоҳ, эксперт, таржимоннинг келмаслиги ёки қўшимча далилларни тақдим этиш зарурати туғилганда); ёхуд судга масалани ўзи ҳал қилишга йўл кўядиган аниқ ҳолатлар (бошқа ташкилот ёки фуқарони жавобгар сифатида ишга жалб қилиш) асос бўлиши мумкин.

Ишни кўришни кейинга қолдириш алоҳида ҳужжат сифатида чиқариладиган хўжалик судининг ажрими билан расмийлаштирилади.

Ажримда кейинга қолдириш асослари, янги суд мажлиси вақти ва у очилишига қадар бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар кўрсатилади.

Суд залда ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига янги суд мажлиси вақти ва жойини ишга тикиб кўйиладиган тилхат орқали эълон қилиши мумкин. Қолганлар ХПКнинг 131-моддаси 3-қисми қоидалари асосида хабардор қилинади.

Иш кўрилиши қолдириладиган вақт умумий кўриш муддатидан чиқарилмайди.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгандан сўнг, янги суд мажлиси бошидан, яъни тайёрлов қисмидан бошланади.

132-модда. Тарафларнинг келишув битими

Тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма тарзда расмийлаштирилади.

Келишув битими ҳўжалик суди томонидан тасдиқланади, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда иш юритиш тугатишга кўрсатилади.

Амалдаги ҳўжалик процессул қонунчилик ҳўжалик низоларининг тарафларига улар ўртасида вужудга келган иқтисодий характердаги келишмовчиликларни суд ҳал қилув қарори қабул қилмасдан келишув битими тузиб, тартибга солиш имкониятини беради.

1993 йилги ХПКнинг 4-моддасида фақатгина ҳўжалик судининг тарафларни келишув битимига эришиши учун ҳамкорлик принципи белгиланган эди.

1998 йилги ХПКсига эса бу борада махсус 132-модда «Тарафларнинг келишув битими» киритилди. Бу турдаги битим тўғрисида, 40-моддада ҳам, 86-модданинг 7-бандида ҳам «тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин»лиги тўғрисида сўз боради.

Келишув битими — тарафларнинг низони ўзаро ён босиш асосида тугатиш ҳақидаги келишувидир. Унинг аҳамиятли томони суд жараёни низонинг ихтиёрий келишув асосида тартибга солинишидир, яъни бу тарафлар ҳуқуқий муносабатларда ўзаро аниқликка эришганлигини билдиради.

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтидаёқ судья тарафларни муроасага келтириш чораларини кўради, яъни тарафларнинг процессни келишув битими билан тугатиш мақсадлари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Суд муроасага келтириш чораларини суд мажлисининг тайёрлов босқичида кўради. Низони келишув йўли билан тартибга солишни ташкил қилиб, суд уни давлат мажбурловсиз тарафларни ўзаро тўғри келадиган шартлар асосида ҳал этилишни таъминлайди.

Амалдаги ХПК диспозитивлик принципига кўра тарафларга ҳўжалик судлов ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузиш ҳуқуқини беради. Тарафлар келишув битимини фақат даъво иш юритуви буйича тузишлари мумкин. Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар юзасидан келишув битими тузишга йўл қўйилмайди.

Келишув битимининг шартлари аниқ баён этилиши, унинг шартлари, мазмуни юзасидан кейинчалик тушунмовчиликлар, низолар келиб чиқмаслиги лозим.

ХПК келишув битимини ёзма равишда расмийлаштиришни талаб

қилади. Тарафлар уни имзолаб, хўжалик судига тасдиқлатиш учун тақдим этади.

Хўжалик суди тақдим этилган келишув битимини кўриб чиқиб, уни қонун ва қонун ости нормаларига тўғрилигини, учинчи шахслар манфаатига зид эмаслигини тан олиб, тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва иш юритишни тугатади.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Бундай ажрим мавжуд бўлганда даъвогар қайта даъво аризаси билан муурожаат қилиши мумкин эмас.

Келишув битими хўжалик судлов ишларини юритишда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у фуқаролик-ҳуқуқий битим ҳисобланмайди, балки процессуал хусусиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

Келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ўз хусусиятига кўра бошқа суд ҳужжатларига тенглаштирилади ва унинг тарафлар томонидан бажарилмаганлиги умумий асосларга кўра ХПКнинг 146-моддаси 5-банди талабларига асосан мажбурий ижро этилишига олиб келади.

Шу сабабли бундай ишлар юзасидан ижро варақаси келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрим билан бир вақтнинг ўзида берилади, шу билан бирга ажримда ижро муддати ҳам кўрсатилади.

Агарда келишув битимида ижро муддати белгиланган бўлса, ижро варақасида унинг кучга кириш муддати кўрсатилади.

133-модда. Ишни кўришнинг тамомланиши

Барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш буйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилади ва хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

Тақдим этилган барча далиллар текширилгандан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш буйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилади ва хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

Тақдим этилган барча далиллар текширилгандан кейин ҳам иш буйича, шунингдек қўшимча далилларни тақдим этиш ва уларни қайтадан текшириш юзасидан қўшимча тушунтиришлар, эҳтиёжи бўлиши мумкин.

Шу сабабли раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш буйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлашга мажбур.

Агарда: а) ишда иштирок этувчи шахсларда тақдим этиш учун

қўпимча материаллар бўлмаса; б) аризалар юзасидан хўжалик суди барча процессуал ҳаракатларни амалга оширган бўлса; в) ишда иштирок этувчи шахслар илтимосномаларининг қабул қилиниши суд ажрими билан рад этилган бўлса раислик қилувчи ишни тугаганлигини эълон қилишга ва ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетишга ҳақли.

134-модда. Баённома

Суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1) суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой;

2) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби;

3) ишнинг номи;

4) ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

6) суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар;

7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари;

8) гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари;

9) айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар.

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки айрим процессуал ҳаракатлар бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан кейин имзоланиши керак.

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўқислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикрларини бериш ҳуқуқига эга.

Судья баённома хусусида фикрлар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд мажлисининг баённомаси — бу ёзма процессуал ҳужжат ҳисобланиб, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ХПКнинг 134-моддасида кўрсатилган айрим процессуал ҳаракатларни бажарган-

лигини тасдиқлайди. У суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда тузилади.

Агар иш ҳужжатларида суд мажлиси баённомаси бўлмаса ёки у раислик қилувчи ёхуд суд мажлиси котиби томонидан имзоланмаган бўлса, у ҳолда ҳужалик судининг ҳал қилув қарори бекор бўлиши учун асос бўлади.

Суд мажлисининг баённомаси ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати сифатида биринчи маротаба ҳужалик процессига киритилди. Баённома муҳим далилий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли унинг мазмуни, уни тузиш тартиби ва шакли қонун талаблари даражасида бўлиши лозим.

Баённомада процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда баён этилиши лозим.

Суд мажлиси баённомаси мазмуни махсус характерга эга: унда суд муҳокамасидаги барча ҳолатлар эмас, балки суд томонидан шарҳланаётган модда 1-бандида ўз ифодасини тошган ҳаракатлар бажарилиши баён этилади.

Баённомада суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар ҳам кўрсатилади. Булар жумласига илтимосномани қаноатлантириш тўғрисидаги (қаноатлантирмасдан қолдирилганлиги тўғрисидаги), кўшимча далилларни талаб қилиш тўғрисидаги, суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва бошқа ажримлар киради.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари ҳам баённомада кўрсатилади. Суд томонидан лозим топиладиган ҳолатларда гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг тушунтиришлари имзоланади. Шунингдек, баённомада айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар кўрсатилади (далилларни кўздан кечириш, гувоҳни сўроқ қилиш натижаси ва бошқалар).

Суд мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган судья ва суд мажлисининг котиби томондан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай имзоланади.

Ҳужалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўқислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикрларини бериш ҳуқуқига эга. Берилган фикрлар судья томонидан кўриб чиқилади ва унинг қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади. Мазкур ажрим юзасидан нияоят келтириш мумкин эмас. Баённома ва ажрим юзасидан берилган фикр ишга тикиб қўйилади. Қонунда ўрнатилган муддат ўтказиб юборилган фикр судья томонидан кўриб чиқилмасдан қайтарилди. Ўтказиб юборилган муддат ХПКнинг 99-моддаси тартибида тикланиши мумкин.

18-боб.**Хўжалик судининг ҳал қилув қарори****135-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш**

Хўжалик суди низоми мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.

Ишни ҳайъатда кўрганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида улар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Давлат ҳокимияти органлари орасида суд асосий ўрин тутади.

Суд ҳокимияти — бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устиворлиги ва уларга сўзсиз риоя қилиш таъминловчиси асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суднинг ваколатидир.

Суднинг биринчи инстанцияси иқтисодий соҳадаги жараёнларни бошқаришда, мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхона, ташкилот ва муасасалар, шунингдек тадбиркорлар ўртасида келиб чиқадиган хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаб, қўллаб процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Суднинг бу ҳаракатлари ёзма шаклда суд ҳужжатида қайд қилинади.

Янги ХПКнинг қабул қилинишига қадар хўжалик суди биринчи инстанциясининг суд ҳужжатлари икки кўринишда: 1) ҳал қилув қарори ва 2) ажрим чиқарилган.

Янги ХПКнинг қабул қилиниши билан суд амалиётига суд ҳужжатининг учинчи тури — «суд буйруғи»ни киритилди. Уни суд ҳал қилув қарори деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у суд муҳокамасида ишни мазмунан ҳал қилмайди. Судья суд муҳокамасисиз, қарздор ва кредитор (аризачи)ни чақиртирмасдан, уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан суд буйруғини қабул келади. Бироқ суд ҳал қилув қарори каби унда ҳам арздордан ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши талаби тўғрисидаги жавобнинг мазмуни мавжуддир. Буйруқ шуниси билан суд ажримларидан ҳам фарқланади ва у суд ҳужжатлари мустақил турларга ажратилган бўлиши лозим.

ХПК нинг 135-моддасига мувофиқ, низоми мазмунан ҳал қилиш-

да (даъво қаноатлантирилишида, даъво тўлиқ ёки қисман рад этилишида) хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарори асосан — даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ёки рад қилиш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаги каби асосий масалага жавоб беради.

Ҳал қилув қарори қабул қилиши билан хўжалик судининг биринчи инстанциясида ишни муҳокама қилиш тугайди. Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинади.

Томонларнинг низолари мазмунан ҳал этилмаган ҳолларда хўжалик суди ажрим чиқаради. Хўжалик судининг ажрими ҳал қилув қароридан фарқ қилиб, унда низоли кўриш жараёнида вужудга келадиган алоҳида масалаларни муҳокама қилишни ўз ичига олади (масалан, иш кўришни қолдириш, тўхтатиш, иш юритишни тугатиш, даъволи кўрмасдан қолдириш).

Шундай қилиб, хўжалик судининг ҳал қилув қарори — бу хўжалик суди биринчи инстанциясининг суд ҳужжати бўлиб, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабини мазмунан ҳал қиладиган хўжалик суди иш юритишдаги томонларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва бузилган, ҳамда баҳсли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжат ҳисобланади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли бўлиши лозим. Қонунийлик ва асослилик суд ҳал қилув қарорининг асосий хусусиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 1 мартдаги 54-сонли «Суд қарорлари тўғрисида» ги қароридида кўрсатилишича, ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, моддий ҳуқуқ нормаларига амал қилиб, шу низоли ҳуқуқий муносабатларни қўллаш лозим ёки зарур бўлган ҳолатларда асосли равишда қонунни қўллаш, шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солиш, ёхуд қонунчиликнинг умумий ва бош мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, қонуний ҳисобланади.

Хўжалик суди низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан ҳал қилади.

Агар халқаро шартномада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилгандан бошқача қоида ўрнатилган бўлса, бундай ҳолларда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси қонуни ва халқаро шартномаларига биноан чет эл давлатларининг ҳуқуқ нормаларини қўллайди (ХПКнинг 12-моддаси).

Ҳал қилув қарори қонуний бўлиши учун хўжалик суди норматив ҳужжатлардан низоли муносабатларни тартибга солувчи ўша ҳуқуқий нормаларни топиши лозим. Бунинг учун томонларнинг фактга асосланган ўзаро муносабатларини тўғри юридик баҳолаши

лозим. Ҳуқуқий нормаларни қайтариб олиш билан ҳўжалик суди ўзининг амал қилувчи эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Агар қонун ости ҳўжатлари ва шартномада бошқача қоидалари мазмуни қонунга қарама-қарши бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқаришда қонунга амал қилади.

Суд аналогияси ёки ҳўқуқ аналогиясининг қўлланганлиги ҳал қилув қарорида асослангирилиши лозим.

Агар ҳўжалик суди тегишли нормаларни қўллашнинг маъно-мазмунини аниқласа, ёки қонун тўғри изоҳлаб берсагина ҳал қилув қарори қонуний бўлади.

Ҳал қилув қарорида иш учун аҳамиятли ҳолатлар, келтирилган далиллар ва томонларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини тасдиқловчи хулосалар баён қилинган бўлса асосли ҳисобланади. Ҳал қилув қарори иш ҳолатлари тўғрисидага гумон ёки тахминларга асосланмаган бўлиши шарт.

Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар: а) суд иш учун аҳамиятли ва мавжуд бўлган ёки бўлмаганда уларнинг ҳар биридан ҳал қилув қарорида ўзининг фикрини айтиши каби юридик фактларни тўлиқ аниқланса; б) ҳўжалик судининг мавжуд бўлган ёки бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар тўғрисидаги хулосаси суд мажлисида далиллар билан текширилганда; в) суд хулосаси асосида топилган далиллар ишончли ҳисобланса; г) суд аниқланган фактлардан томонларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида тўғри хулосалар чиқарганда асосланган ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори ХПК 6-боби талабларига мувофиқ, далилларнинг, даҳлдорлиги, далилларга йўл қўйилиши, ишончли ёки етарлилиги тўғрисидаги далилларга асосланган бўлиши лозим.

Суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилишда, текширув предмети бўлган ва суд томонидан баҳоланган далилларгагина асосланиши мумкин.

Суд ҳал қилув қарорида далилларни санаб ўтмаслиги, фақат уларнинг мазмунини қисқача таърифлаб ўтишига мажбур.

Агар суд далилларни баҳолаб (ҳар бирини алоҳида ва ҳаммасини йиғиб), тақдим этилган ҳўжатларни, гувоҳларнинг кўрсатмалари, тарафлар ўзларининг талаб ва эътирозларини асослилигига эътибор қаратган бошқа ҳақиқий маълумотлар иш ҳолатларини очиб бермаса, у ҳал қилув қарорида бу тўғрисидаги ўз хулосасини ишончли асослаши лозим.

Ҳеч қандай далил ҳўжалик суди учун олдиндан белгилаб қўйилган кўчга эга эмас.

Суд ўзининг ҳал қилув қарорини ишни суд мажлисида кўришда аниқланган далиллар билангина асослаши мумкин. Масалан, агар жавобгар даъвони тан олса, суд мажлисида аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатлари инobatта олиниб, ҳал қилув қарорида бунга баҳо берилиши шарт.

Ҳал қилув қарорида эксперт хулосасига таянганда иш учун аҳамиятли бўлган қандай фактлар ушбу хулоса билан тасдиқланганлиги кўрсатилиши лозим. Суд экспертнинг хулосасига қўшилмаслиги гўғрисидаги хулосасини иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида ишонарли асослаб берилиши керак.

ХПКнинг 135-моддасида белгиланган, хўжалик суд ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллардангина асослаши тўғрисидаги судда ишни кўришнинг бевоситалигини таъминлайди.

Суд мажлисида ишни муҳокамаси тугани билан ҳал қилув қарори судьяларни мақсадида алоҳида хонада қабул қилинади.

Бундай жой махсус маслахатлар хонаси, судьянинг хонаси ёки суд мажлиси зали бўлиши мумкин. Охириги ҳолатда барча иштирокчилар залдан чиқарилиши лозим.

Ҳал қилув қарори қабул қилиш вақтида хонада фақат хўжалик суди таркибига кирувчи иш юритаётган судьяларгина иштирок этадилар.

Агар у ушбу ишни кўрувчи таркибга кирмаса ва суд раиси, ёки бошқа шахсларнинг у ерда қатнашиши мумкин эмас.

Иш ҳайъат таркибида кўрилганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Хўжалик судида иш ҳайъат таркибида кўрилганда ҳал қилув қарори қабул қилиш тартиби ХПК нинг 16-моддасида кўрсатилган.

Хўжалик судида ҳайъат таркибида ишни кўриш ва ҳал этишда юзага келадиган масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Судьяларнинг ҳеч бири овоз беришда бетараф бўлишга ҳақли эмас. Мажлисга раислик этувчи охири бўлиб овоз беради. Бошқа судьяларнинг ҳал қилув қароридан норози бўлган судья ушбу ҳал қилув қарорини имзолашга мажбур ва ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга, бу ёзма фикр ишга тикилади, лекин эълон қилинмайди.

Ишда қатнашаётган шахслар суднинг алоҳида фикри билан танишмайдилар.

136-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

- 1) далилларга баҳо беради;*
- 2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;*
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;*
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;*
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди;*

б) даъвои қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишга киришар экан, далилларни тўғрилигини баҳолаши, уларнинг иш учун ишончли аҳамиятига эътибор қаратиши лозим.

Далилларни баҳолаш қоидаси ХПКнинг 61-моддасида мустақамланган. Далилларнинг ҳар бири алоҳида ва ҳаммаси биргаликда баҳоланиб, судьялар қандай фактлар аниқланган ҳисобланиши ва улар қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиш ёки йўқлигига ҳақидаги хулосага келишлари шарт. Шунингдек, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда фақатгина санаб ўтилган далиллар билан чегараланиб қолмасдан, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши ва далилларнинг мазмунини баён қилиши лозим.

Шундан сунг, суд ҳал қилув қарори чиқаришда моддий ҳуқуқнинг қайси нормаларини қўллаш лозимлигини аниқлайди.

Ушбу низо бўйича қандай қонунчилик ҳужжати қўлланилиши лозимлиги, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахс талаблари билан боғлиқ бўлмаган ва улар келтириб ўтмаган қонунчилик ҳужжатини қўллаш ҳуқуқига эгадир. Тарафлар муносабатларини тўғри ҳуқуқий таснифлаш — қонуний ҳал қилув қарори чиқаришнинг мажбурий шартидир.

Хўжалик суди иш ҳолатлари ва қўлланилиши лозим бўлган норча-ларни аниқлаб олгандан сўнг кейинги: яъни даъвогарнинг талаби қаноатлантирилиши лозимми (тўлиқ ёки қисман) ёки даъво рад этилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ўтиши мумкин.

Агар даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилган бўлса, бундай ҳолларда даъво талабининг қайси қисми қаноатлантирилиши лозимлиги аниқ кўрсатилиши керак. Ушбу барча ҳодалар, қарши даъво талаблари ва нисон предметига нисбатан мустақил талаб қилмайдиган учинчи шахсларнинг даъво талабига ҳам қўлланилади.

ХПК 136-моддасининг 2-қисми муҳим қоидадан ўз ичига олади. Хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш жараёнида ўз таъбабуси билан ишни муҳокама қилишни янгидан бошлаш ҳуқуқига эга, агар: а) суд мажлисида муҳокама қилинмаган ва кўрилмаган иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни ҳал этиш деб топилади; ишдаги мавжуд бўлган далилларни қўшимча равишда текшириш зарурияти келиб чиқади (ишда иштирок этувчи шахсларга, гувоҳларга экспертларга ва бошқаларга қўшимча саоллар бериши) ёки ишда иштирок этувчи шахсларга янги далилларни тақдим қилишларини тақлиф этиши мумкин.

Бундай ҳолларда хўжалик суди ишни суд муҳокамасида янгитдан мазмунан муҳокама қилиш учун ажрим чиқариши лозим. Ажрим суд мажлисида эълон қилинади. Фақат шундан кейингина суд иш учун аҳамияти бўлган ҳолатларни текширишга қаратилган турли процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ишни янгитдан муҳокама қилиш тугаши билан суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага чиқади.

Агар ишни янгитдан мазмунан муҳокама қилгандан кейин хўжалик суди барча қушимча маълумотларни дарҳол олаолмаса, янги ҳужжатларни талаб қилиши, гувоҳларни сўроқ қилиши, экспертиза тайинлаши, кўздан кечириши ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлса, у ХПКнинг 131-моддасига мувофиқ иш муҳокамасини бошқа кунга қолдириши мумкин.

137-модда. Ҳал қилув қарорининг баёни

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

ХПКнинг 137-моддасига кўра ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

Хўжалик судининг қарори асосий процессуал ҳужжат ҳисобланиб, қонун унинг баёнига алоҳида талаблар қўяди. Ҳал қилув қарори аниқ, юридик хатосиз баён қилиниши, аниқ бўлмаган изоҳлар, мураккаб иборалар унинг мазмунига таъсирини ўтказмаслиги керак.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори судья томонидан ёзма равишда баён қилиниши, ёзув машинкасида босилиши ёки шахсий компьютерда бажарилиши мумкин. Ушбу ҳал қилув қарорини қонуний кучга кириши учун суд мажлисида иштирок этган барча судьялар томонидан имзоланиши шарт.

Агар суд мажлиси муҳокамаси кейинга қолдирилган бўлса, ҳал қилув қарорини охириги суд мажлисида иштирок этган, яъни иш бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилган судьялар томонидангина имзоланади.

Ҳал қилув қарорига норози бўлган судья уни имзолаши шарт ва ўзининг фикрини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга. Унинг бу ёзма фикри ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди.

Фақатгина барча судьялар томонидан имзоланган ҳал қилув қарори суд мажлисида эълон қилинади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисми эълон қилинаётган вақтда ҳам амал қилади. Агар иш бўйича

ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинган бўлса, ҳал қилув қарорини кейинчалик унинг хулоса қисмини имзолаган судьялар имзолаши шарт.

Суд мажлисида қатнашувчи судьялар фақатгина ҳал қилув қарорининг аслини имзолашади. Нусхалари хўжалик судининг аппарати-нинг хоҳлаган судьялар ёки ходимлар томонидан гувоҳлантирилади.

Ҳал қилув қарори судьялардан биронтаси томонидан имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорининг сўзсиз ўзгаришига ҳал қилув қароридан кўрсатилмаган судьялар томонидан имзоланиши ҳам сабаб бўлади. Суд ҳал қилув қарори ишга суд мажлиси баённомасидан сўнг тикиб қўйилади.

138-модда. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва вакалатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган ваз, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъваларни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд ҳарожатларининг қандай тақсимланиши кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрсин, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

Хўжалик судини биринчи инстанциясини ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан чақирилади, ва у ҳал қилув қарори аҳамиятини яъни, шахсни бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи, хўжалик судига мурожат қилиш йўли билан давлат томонидан амалга оширилади. Бу янги ҳуқуқий нормани киритилиши, хўжалик судларини республика давлат ҳокимият органлари орасидаги урни ва фаолиятини характери энди у бошқа судлар қаторида одил судловни амалга оширилаяпти.

Хўжалик процессуал кодекси суд қарори структурасини аниқ белгилаб берган. Суд қарори ХПК 138-моддасининг 2-қисмида баён этилган бўлиб, 4-қисимни (кириш, баён, асослантирувчи, хулоса) ўз ичига олади. Қарорнинг ҳамма қисми, бир-бирига узвий боғлиқ ва битта процессуал ҳужжатни ташкил этиб, бир бирини тўлдириб боради.

Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинганлиги сабабли, қарорнинг кириш қисми шу сўзлар ёзилади. Шундан кейин қарорнинг кириш қисмида қўйдаги маълумотлар бўлади:

— қарорни қабул қилган хўжалик суди номи, тўлиқ ёзилади (масалан, Тошкент вилоят хўжалик суди);

— суднинг тартиби, ҳал қилув қарорни қабул қилган судьяларни исми, фамилияси;

— иш рақами ва қарорни қабул қилинган сана (йил, ой, сана). Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми «Суд ҳал қилув қарори тўғрисида»ги қарорининг 4.1-бандига асосан, ҳал қилув қарорни қабул қилинган кун, уни суд мажлисида эълон қилинган кундир. Бу қоидалар суд мажлисида фақат қарорнинг хулоса қисми эълон қилинганда ҳаракатда бўлади. Шунинг учун, ҳал қилув қарорнинг дастлабки қисми ҳам, асослантирилган (тўлиқ) қисми ҳам судьяар томонидан имзоланган ва суд мажлисида эълон қилинган сана қўйилади;

— иш кўрилган жой. Суд томонидан қабул қилинган қарорнинг жойи суд мажлиси ўтказилган жой билан белгиланади. Кўпинча, биринчи инстанция суди жойлашган жой билан бир хил бўлади. Агарда, яш сайёр суд мажлисида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори қабул қилинган жойи суд мажлиси ўтказилган бино жойлашган аҳоли пункти ҳисобланади;

— ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, тўлиқ ва қисқартирилмасдан ёзилиши лозим. Юридик шахсни номи, нинг фирма номи кўрсатилиши ва таниқлий-ҳуқуқий формаси ҳам қайд этилиши лозим. Агарда, ишда иштирок этувчи шахс фуқаро (тадбиркор) бўлса, у ҳодда кириш қисмида унинг исми, фамилияси, отасининг исми тўлиқ ёзилиши керак;

— низо предмети, яъни даъвогарни моддий-ҳуқуқий жавобгарга булган талаблари (масалан, 165.000 ундириш мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тан олиш ва бошқалар);

— мажлисада қатнашган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари курсатилиши лозим. Раҳбарларни ва учинчи тарафларни ваколатлари гувоҳномалар билан ва бошқа вакиллариники эса ишончнома билан тасдиқланади.

Бундан ташқари, қарорни кириш қисмида суд мажлис очик ҳолатда ўтказилганлиги ёзилади.

ХПК 138-моддаси 4-қисмига асосан қарорнинг баённома қисми даъво аризаси қисқача мазмуни, унга жавобини, ишни бошқа ҳолатлари ва ишда қатнашувчи шахсларни маърузалари ёзилиши лозим.

Даъвони баён қилишда ким ва нима талаб қилгани аниқ бўлиши керак. Шунинг учун, аввал қисқача даъвони предмети ва асоси баён қилинади. Агарда, даъвогар суд мажлиси жараёнида даъво асоси ва предмети миқдорини кўпайтирган ёки камайтирган бўлса, бу ҳақда қарорнинг баённома қисмида қайд этилиши лозим. Шундан сўнг суд жавобгар ҳолати яъни, у даъвони тан олганлиги ёки уни рад этганлиги баён этилади.

Тарафлар томонидан келтирилган уларнинг талаб ёки важларини тасдиқловчи ҳолатлар жавобгар ва даъвогар томонидан қай ҳолатда баён этилган бўлса, шу ҳолатда акс эттирилади.

Ҳўжалик белгиланган ушбу талаб иш бўйича низо предметига ўзларининг мустақил талаблари манжуд бўлган учинчи тараф бўлиб иштирок этаётганлар, шунингдек ишда бошқалар: давлат ташкилотлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш юзасидан ишлар бўйича манфаатдор шахслар учун ҳам тегишлидир.

ХПКнинг 138-моддаси 5-қисмига биноан ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг ҳўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, ҳўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва ҳўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўллаганлигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ҳўжалик суди иш бўйича ўзининг хулосасини аниқ ва асослантирилган ҳолда кўрсатиши лозим. Унинг мазмунини шартли равишда учга бўлиш мумкин: а) ҳўжалик суди томонидан аниқланган аниқ ҳолатлар б) аниқланган мажбуриятларни манжудлиги асослантирувчи исботлар таҳлили, шунингдек ишда қатнашаётган шахслар томонидан келтирилган қабул қилинмаган исботлар таҳлили; в) юридик таъкидлар, яъни тарафлар ҳуқуқий муносабатларини аниқлаш ва бу муносабатлар тартибга солинаётган қонунга ҳавола қилиш.

Хўжалик суди қарорини аниқ асослаб бериш даъво асосининг фактлари тўғрисидаги мулоҳазалари билан аниқланади, шу билан бирга қарши даъво ва низо предметиға ўзининг мустақил талаблари бўлган учинчи тарафнинг даъвоси, шунингдек даъвоға билдирилган эътирозлар асосидаги фактлар юзасидан мулоҳазалар, ҳамда шу иш бўйича хўжалик суди томонидан аҳамиятли деб топилган фактлар билан аниқланади.

Қарорни асослантирувчи қисмида суд, иш учун аҳамиятлари ҳолатларни қайси бири исботланганлигини ва қайси бири исботланмаганлигини кўрсатиш қонун талабидир. Хўжалик суди ишни ҳар бир факти юзасидан ўзини муносабатини билдириши лозим, у исботлаш предметиға киради. Ушбу низодаги фактларға моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш лозим. Агарда ҳамма юридик фактлар юзасидан қўлланиладиган моддий ҳуқуқ нормалари ҳақида мулоҳаза юритилган бўлса, фактик жиҳатдан ҳал қилув қарори асосланганлиги тўлиқ бўлади. Шунга эриши учун тарафлар томонидан баён этилган иш ҳолатлари даъвои қаноатлантириш (рад этиш) учун қўлланиладиган моддий ҳуқуқ нормаларини фактик таркиби билан солиштириб кўриш лозим. Солиштириш натижасида хўжалик суди, бир томонидан, ишға тааллуқли бўлмаган ҳолатларни исботлаш предметидан чиқариб ташлайса; бошқа томондан, агар тарафлар ишни тўғри ҳал қилиш учун ҳамма фактларни инобатға олмаган бўлса, суд ўз ташаббуси билан исботлаш предметиға етишмайдиган фактлар билан тўлдириш ва уларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида мулоҳазалар юритади лозим.

Суд ишни тўғри ҳал қилиш учун лозим бўлган фактлар борлиги ёки йўқлиги ҳақида далилларни ҳар томонлама текшириш ва баҳолашдан сўнг ёхуд ҳеч қандай текширишсиз ўз хулосасини беради, қачонки юридик фактларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги уларнинг ҳаммага маълумлиги ва преюдициаллигидан келиб чиққан ҳолда ишончсизлик келтириб чиқармаса.

Хўжалик суди иш ҳолатларини борлиги ёки йўқлигини фақат суд мажлисида текширилган ва муҳокама этилган далиллар билан асослантириши мумкин.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ҳам иш ҳолатларини таҳлил қилиб баҳо беришға мажбур. Суд уларнинг қайси бири ишончи ва қайси бири ишончсизлигини кўрсатиши лозим ҳамда ўзининг мулоҳазаларини тасдиқлаш учун ишонарли аргументлар келтириши лозим.

Қарорнинг мазкур қисмида даъвогар талабларининг белгиланган ҳажми ёки қисман (масалан, мулкка эгаллик ҳуқуқини тан олиш юзасидан даъво берилганда) қаноатлантирилиши ҳуқуқи асослантирилиши лозим.

Қарорнинг асослантирувчи қисмида хўжалик суди қарорни шу ҳолатда қўллаган материал ҳуқуқ нормалари билан, шунингдек у амал

қилган процессуал ҳуқуқ нормалари билан асослангириши лозим. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг у ёки бу ҳуқуқ нормаларини қўлланилишини тушунтириб берувчи қарорларини ҳам ҳавола қилиб кўрсатиш керак.

Низони ҳал қилишда суд амал қилган қонун ёки бошқа метёрий-ҳуқуқий актга ҳаволанинг йўқлиги ушбу суд ҳужжатининг сўзсиз рад этилишига сабаб бўлади.

Агар, ҳўжалик суди ишда қатнашувчи тарафларнинг маърузаларида қайд этилган метёрий-ҳуқуқий актлар қўлланмаса, у ҳолда суд қандай важлар асосида қўлдамаслигини баён этиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми куйидаги қарорларини уз ичига олиши мумкин: 1) даъво талабиларини тўла ёки қисман қаноатлантириш; 2) даъво талабиларини тўла ёки қисман рад этиш; 3) даъво ни бир қисмини қаноатлантириш ва бир қисмини рад этиш; 4) даъво талабларини бир қисмини қаноатлантириш ва бошқа қисмини эса иш юритишни тугатиш ёки ишни кўрмасдан қолдириш мумкин.

Агар ишда бир нечта даъвогар ва жавобгар иштирок этса, низо уларнинг ҳар бирига нисбатан қандай ҳал этилганлиги баён этилади. Биринчи ва қарши даъво тўла ёки қисман қаноатлантирилганда қарорни хулоса қисмида айиришдан сўнг қолган сумма ёзилади.

Суд қарорининг худди шу қисмида ишда иштирок этувчи томонлар ўртасида суд ҳаражатларини тақсимлайди.

Агарда, ҳўжалик суди қарорни ижро қилиш тартибини белгиласа ёки қарорни ижросини зудлик билан ўтказиш тайинласа ёхуд ижрони таъминлаш чораларини кўрган бўлса, бу ҳақда қарорда тўлиқ ёзилади.

139-модда. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ҳўжалик суди пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво ни қаноатлантиргананда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундириладиган сумманинг умумий миқдорини асосий қарзни, зарарларни, неустойкани (жарима ва пеняни) алоҳида-алоҳида аниқлаган ҳолда кўрсатади. (ЎЗР 14.12.2000 й. 163-П-сон Қонун тахрирдаги қисм)

Ҳўжалик суди мол-мулкни ундириб берганида топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, унинг қиймати ва турган жойини кўрсатади.

ХПКнинг 139-моддасида пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган.

ХПКнинг 139-моддаси 1-қисмида кўрсатилганлардан ташқари, бундай ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қайси тапкилот ёки якка тадбиркор билан ва кимнинг фойдасига пул маблағлари ундирилаётгани аниқ қилиб кўрсатилиши керак. Мол-мулкни унди-

риш тўғрисидаги даъво ни қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳўжалик суди ким, кимга қайси мол-мулкни топшириш кераклигини, ушбу мол-мулкнинг қиймати на турган жойини, агар бу зарур бўлса, низонинг харақтеридан келиб чиқиб, унинг бошқа фарқли белгиларини кўрсатади.

140-модда. Ижро ҳўжатини ёки бошқа ҳўжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ижро ҳўжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан нотариуснинг ижро ёзуви асосида амалга ошириладиган бошқа ҳўжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги низо бўйича даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ижро этишга тегишли бўлмаган ҳўжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма кўрсатилади.

ХПКнинг 140-моддасида кўрсатилганлардан, санаб ўтилганлардан ташқари ижро ҳўжатини ёки бошқа ҳўжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ушбу ҳўжатни берган органини кўрсатиш керак.

Агар ҳўжалик суди ижро ҳўжатини ёки бошқа ҳўжатнинг қайсидир қисми ижро қилишга тегишли эмас деган хулосага келса, қайси қимилгини аниқ кўрсатиши керак.

141-модда. Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шарти бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади, шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишига мажбурлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 378-моддасига мувофиқ, шартнома тузиш вақтида келиб чиқадиган низолар бўйича мажбуриятлар ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Маҳсулотлар ёки иш (хизмат)ларнинг сифати тўғрисидаги шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги шартларда, хусусан, маҳсулот, иш (хизмат) натижалари стандартга, техник шартларга, намуна (эталон)ларга мувофиқ бўлиши, шартларга мувофиқ ва бошқа норматив-техник ҳўжатларга мувофиқ

ўрнатилган бўлиши, санитария-ветеринария қоидаларига жавоб бериши кераклиги ҳисобга олинади.

Суд шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётиб, томонларнинг келтирган далилларини эътиборга олиб, ишнинг мавсумга боғлиқлиги, об-ҳаво билан боғлиқлиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етилиб пишиши, ишлаб чиқаришнинг уйғунлигини таъминлашнинг муҳимлиги ва бошқаларни ҳисобга олиб, муддатларни аниқлаб берадиган шартлар қабул қилиши мумкин.

Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунга мувофиқ ҳужжатлари, оферта (шартноманинг лойиҳаси) юборилган тарафга шартнома тузиш мажбурияти юклатилади, яъни ушбу тараф бошқа тарафга акцепт ҳақида ёки акцептлашни рад қилиш ҳақида ёҳуд офертани бошқа шартлар бўйича акцептлаши (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси билан бирга) ҳақида уни қабул қилиб олган кундан бошлаб 30 кун ичида билдирмоғи лозим.

Офертани юборган ва шартнома тузиш мажбурий бўлган тараф ўз таклифига бошқача шартлар асосида акцептлаш олса (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси билан бирга), у ҳолда бу тараф келиб чиққан келишмовчилик бўйича шундай хабарнома олган кундан бошлаб, 30 кун ичида ёки акцепт муддати тамом бўлган кундан бошлаб 30 кун ичида судга мурожаат этишга ҳақли.

Оферта (шартнома лойиҳаси) юборилган тарафга 30 кун ичида шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси юборилса, бу тараф 30 кун ичида шартномани қабул қилиш ёки келишмовчиликлар баённомасини рад қилиш тўғрисида хабардор қилиши лозим.

Келишмовчиликлар баённомаси рад қилинса ёки белгиланган муддат ичида унинг натижаси бўйича хабар бўлмаса келишмовчиликлар баённомасини юборган тараф шартномани тузиш вақтида келиб чиққан келишмовчиликларни бартараф қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шартномани ўзгартириш асослари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари Фуқаролик Кодексининг 382-385-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуннинг 15-моддаси билан тартибга солинади. Бу моддалардаги нормалар ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ келадиган мазмунини олдиндан аниқлаб беради.

Суд худди шундай ишларни қабул қилиш ва кўриб чиқишида Фуқаролик Кодексининг 384-моддасига мувофиқ, шартномани ўзгартиришни талаб қилиш бир тарафнинг шундай таклифга иккинчи томоннинг рад жавобини олганидан ёки таклифда кўрсатилган ёки қонунда ёҳуд шартномада белгиланган муддатда, бундай

муддат бўлмаганида 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин судга тақдим этилганлигини ҳисобга олиши керак.

ХПКнинг 141-моддасида шартномани ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шarti бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Шартнома ўзгартирилган тақдирда, суднинг шартномани ўзгартириш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ҳисобланади (ФК 385-модда).

Агар даъвогар Фуқаролик Кодексининг 385-моддаси 5-қисмига мувофиқ, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилган бўлса, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ушбу талабларга ҳам жавоб берилиши керак.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ФК 354-модда).

Масалан: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 457-моддасига кўра, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти асосида, шуингдек, унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжлари давлат эҳтиёжлари дейилади.

Давлат контракти давлат буюртмачисининг маҳсулот етказиб берувчи қабул қилган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмаси асосида тузилади. Берган буюртмаси маҳсулот етказиб берувчи томонидан қабул қилинган давлат буюртмачиси учун давлат контракти тузиш мажбурий ҳисобланади. Давлат контрактини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина ва давлат контрактини бажариш туфайли маҳсулот етказиб берувчи кўриши мумкин бўлган барча зарарни давлат буюртмачиси қоплаган тақдирдагина маҳсулот етказиб берувчи учун мажбурий ҳисобланади (ФК 459-модда).

Агар давлат контрактини тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контрактини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли (ФК 460-модда).

Агар давлат контрактда сотиб олувчиларга товарлар етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан давлат буюртмачиси белгилайдиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, давлат буюртмачиси давлат контракти тузилган кундан бош-

лаб кечи билан 30 кун муддатда сотиб олувчининг етказиб берувчига бириктирилгани ҳақида маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчига билдириш хаги юборади.

Билдириш хаги маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўрта-сида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартнома-сини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Агар маҳсулот етказиб берувчи давлат эҳтиёжлари учун товар-лар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчини сотиб олувчи ишлаб чиққан шартнома лойиҳаси шартларида шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шартнома тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қаро-рининг хулоса қисмида куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) шартномани тузишга иккинчи тарафга берилган ёзма буйруқ;
- 2) улар тузини шарт бўлган шартлар (тақдим қилинган шарт-нома лойиҳасини ҳисобга олган ҳолда).

142-модда. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбурияти-ни юклайдиган ҳал қилув қарори

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини унди-риш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбу-риятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қаро-рини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисоби-дан бажариб, зарур харажатларни ундириб олишга ҳақли эканлиги-ни кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарорида у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

Амалиётда хўжалик низолари бўйича кўриладиган ишлар ичи-да энг муҳим ўринни шундай ишлар эгаллайдики, бундай иш-ларни хўжалик суди кўриб чиқиб, жавобгарга муайян ҳаракат-ларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юк-лайдиган хўжалик судининг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида низо предметининг ўзига хос хусусиятлари шарт қилиб қўйилган-лиги ўзига хосдир.

ХПКнинг 142-моддасида кўрсатилган ҳаракатлар пул маблағла-рини ва мол-мулк билан боғлиқ эмас.

Ўзининг йўналиши бўйича жавобгар бажариши лозим бўлган

ҳаракатларни 2 категорияга бўлиши мумкин. Бир томондан, бу ҳаракатлар фақатгина жавобгар томонидан эмас, балки бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳам бажариладиган ҳаракатлар тушунилади, агарда бу ҳаракатлар жавобгар томонидан мажбуран бажарилиши лозим бўлганида ҳам у бу ҳаракатларни бажаришдан бош тортганида ҳам. Бошқа томондан эса, жавобгар узи бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ҳисобланади.

Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарорини мол-мулкни ёки унинг қийматини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қаби ижро қилиб бўлмайди. шунинг учун процессуал қонун ҳужалик судининг шундай ҳал қилув қарорини жавобгар томонидан бажарилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни ўрнатади. Булар жавобгарнинг зиммасига юклатиладиган ҳаракатларнинг ҳаракатрига боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммасини кўрсатилган низолар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳисобга олиш лозим.

Агар ҳужалик суди фақатгина жавобгар томонидангина эмас, балки бошқа шахслар томонидан (бинони, фундамент қўйиш, иссиқлик трассасини ўтказиш) бажарилиши лозим деб топилган ҳаракатларни унинг зиммасига юклайдиган бўлса, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ХПКнинг 142-моддаси биринчи абзацида кўрсатилганлардан ташқари шуни кўрсатиб ўтадики, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариб, зарур ҳаракатларни ундириб олишга ҳақли эканлигини кўрсатиб ўтади.

Агар кўрсатилган ҳаракатлар фақатгина жавобгар томонидан бажарилиши лозим бўлса, ХПКнинг 142-моддаси биринчи абзацида берилганлардан ташқари, суд ҳал қилув қароридан у ижро этилиши лозим бўлган муддатни кўрсатиб ўтиши керак.

Ҳужалик суди томонидан чиқарилган ушбу ҳал қилув қарорини жавобгар томонидан бажарилмаслиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар ХПКнинг 218-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилган.

143-модда. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топил тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топил тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топил ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Хўжалик процессуал кодекси 143-моддасининг 1-қисмида гап Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжати (тўлиқ ёки қисма) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори хулоса қисмининг мазмуни тўғрисида боради.

Шу инobatга олини керакки, ҳокимият олий органларининг норматив характериға эға булмаған ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига тааллуқлидир (ХПК 26-моддасининг 2-қисми). Ушбу суднинг қарори қатъий ҳамда уни апелляция ва кассация инстанцияларида шикоят қилиш мумкин эмас.

Хужалик процессуал кодекси 143-моддасининг 2-қисмида эса Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича қарор чиқришнинг моҳиятини тартибга солувчи қоидалар берилган.

Хужалик суди давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни қонун билан асосланмағанлигини аниқлаб, давлат органининг қарорининг қарорини ноқонуний деган ва шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклаган ҳолда талаб этилаётган мажбуриятларни қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқаради.

ХПКнинг 14-моддасига биноан бу каби хўжалик судининг қарори ижро ҳокимияти органи учун мажбурийдир.

144-модда. Хужалик судининг юридик аҳамиятга эға бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эға бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирганида ҳал қилув қарориди аниқланган факт баён қилиниши керак.

Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эға бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиш учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Ҳозирги вақтда хужалик судлари юридик аҳамиятга эға бўлган фактни аниқлаш ҳақидаги ишларни куриб чиқишмоқда. Ушбу ишларни мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарорини қабул қилиш ўзини процессуал хусусиятиға эғадир, бу предметни суд фаолиятидаги ўзига хослиги билан алоҳида ўрин тутати.

Бу тоифадаги ишларда ҳуқуқ юзасидан низо йуқ, ва тарафнинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Процессда аризага ва манфаатдор шахслар қатнашади, иш даъво аризаси эмас, балки ариза асосида қўзғатилади.

Бу ерда даъвони тан олиш даъвони миқдорини кўпайтириш ва камайитириш, келишув битимини тузиш ва бошқа институтлари қўлланилмайди.

ХПКнинг 23-моддасига асосан хўжалик суди томонидан иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқороларни ҳуқуқларини вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлайди.

Хўжалик суди бу маълумотларни аризаچидан олиниши мумкин бўлмаган ҳолатда, ҳужжатлар йўқолганда ва уларни олиш мумкин бўлмаган ҳолатларда фактни тасдиқлашни бошқа тартиби бўлмаганда бу фактларни аниқлаши лозим.

Хужалик суд томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган факт аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорда аниқланган факт баён қилиниши керак.

Бу тоифадаги ишларни ҳал қилув қарори хўжалик суди юридик фактни мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини қайд этади.

Шу билан бирга ҳал қилув қарори хулоса қисмининг аниқ мазмуни даъво этилган талабларнинг характери билан аниқланади. Масалан, кўчмас мулкга эгалик қилиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилганда, суд ҳал қилув қарорида қуйдагилар иш бинони жойлашган жойи, қачон, ким, томонидан фуқаро ёки ташкилот руйхат утказилганлиги баён этилиши лозим. Хужалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган ўрнатилган факт.

Фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида, ХПК 14-моддасига асосан ушбу фактларни руйхатдан ўтказадиган ташкилотларга мажбурийдир.

Хужалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қарори, руйхатдан ўтказадиган ташкилотлар томонидан бериладиган ҳужжат урнини босмайди, факт шу ҳуқуқларни расмийлаштириш учун халос бўладиган ҳужжат шу ташкилотларга бўлиб ҳисобланади.

145-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга қолдирилиши мумкин, ammo ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлисида раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

ХПК-145 моддаси қўйдаги саволларга жавоб беради: ким, қачон ва қаерда суд томонидан қабул қилинган қарорни эълон қилинган ва ҳал қилув қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради: қандай ҳолатларда ва қанча муддатга ҳал қилув қарор баённома қисмини тузишни қолдирилиши; қандай тартибда ҳал қилув қарори хулоса қисми расмийлаштирилади ва эълон қилинади. Ушбу моддага қоидаларни, умумий ва махсус қисимларга бўлиш мумкин. Умумий тартиб бўйича, маслаҳатхонда раислик этувчи — судья томонидан ҳал қилув қарори қабул қилиниб ва имзо қўйилгандан сунг, суд мажлислар хонасига чиқиб, раислик этучи ҳал қилув қарори хулоса қисмини эълон ва томонларни имконият бериш тартибини ва муддати тушунтиради. Тажрибада айрим судьялар ишида томонлардан ҳал қилув қарори мазмуни тушунарли эканлигини сўрайди, агарда тушунмаган бўлса тушунтирилади.

Бундай тажриба, қонунга зид эмас ва хўжалик судини обривсини мустаҳкамлайди.

ХПКнинг 145-моддасида махсус қоидалар ҳам бор: фақат ўлар алоҳида ҳоллардагина қўлланиши мумкин.

Булар қўйдаги ҳолатларда: 1) алоҳида ҳолларда, 2) мураккаб ишларда; 3) 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга. қайси ҳолатлар алоҳида ҳисобланиши мумкин: мураккаб ишлар ишни кўраётган хўжалик суди ҳар бири бўйича алоҳида низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиши лозим.

Агарда хўжалик суди ҳал қилув қарори баённома қисмини тузишни кейинга қолдиришни лозим топганда, ҳар доим хўжалик суди ёзма равишда ҳал қилув қарори кириш ва хулоса қисмини тузиб ва шу суд мажлисида томонларга эълон қилиш лозим.

146-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари-

нинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топши тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

Ҳўжалик иши бўйича ҳал қилув қарори — низоли ҳуқуқий муносабатлар борлиги ёки йўқлигини тасдиқловчи акт, мажбурий ижрога ҳос унинг аниқ мазмуни — шу билан низоли муносабатлар мизмунини хил қилинган ҳисобланади.

ХПКнинг 146-моддасида ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори кучга кириш қоидалари ўрнатилган. У қайси ҳўжалик суди қабул қилинганлигига қараб ҳар хил белгиланади.

Агар қарор Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан қабул қилинган бўлса, ўша вақтдан кучга киради. Қабул қилиш вақти суд томонидан уни ишда қатнашувчи шахсларга эълон қилинган вақти ҳисобланади.

Агарда қарор вилоят ҳўжалик суди томонидан қабул қилинган бўлса, уни қонуний кучга кириш вақти унга апелляция шикоятини берилган ёки берилмаганлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Қарорга апелляция шикоятини берилган ҳолатда, агарда у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанциясининг қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб қарор қонуний кучга кирган ҳисобланади.

Қарор устидан шикоят берилмаганда, қарор қабул қилинган вақтдан бир ой ўтгандан сўнг қонуний кучга киради. Ушбу муддат ҳўжалик суди томонидан қарор қабул қилинган куни эртасидан ўта бошлайди.

Агар, суд мажлисида қарорнинг ҳулоса қисми эълон қилинса, қарор қабул қиланган вақти қарорнинг ҳулоса қисми эълон қилинган вақти ҳисобланади. Қарорнинг қонуний кучга кириши бир қатор ҳуқуқий хусусиятларга эга: 1) рад қилинмайдиган, 2) ягоналиги, 3) мажбурийлиги, 4) преюдициллиги, 5) ижрога мажбурилиги.

Булардан биринчи хусусият — рад этилмаслиги. Рад этилмаслик хусусияти бу қонуний кучга кирган қарорни рад этиш имконияти йўқлигини англатади. Бу хусусият жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларда қарорнинг бир меъёрлигини таъминлайди. ХПК 162-моддасининг 1-қисми 4-бандига асосан, апелляция шикоятини белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган бўлса қайтарилди. Бундан келиб чиқадики, апелляция инстанция суди шикоятларни қабул қилиш ҳамда ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган қарорини қонунийлигини ва асослигини текширишга ҳаққи йўқ.

Агарда шикоятга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома апелляция шикоятига илова қилинган бўлса, апелляция инстанция суди аввал ўтказиб юборилган муддатни узурли эканлигини ҳал қилади. Агар бу масала ижобий ҳал этилса, у ҳолда қарорни қонуний куч гакирган ҳолати йўқолади, апелляция шико-

яги суд томонидан иш юритувга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилади

Хўжалик суди томонидан суд мажлисида кўриб чиқилган даъво аризаси бўйича ўтказилган суд мажлиси, иш бўйича ўтказилган муҳокамадан сўнг қабул қилинган қарор, кучга кирган ҳолатда шу даъво бўйича иккинчи маротаба қайта даъво ҳўзғатилмайди.

Хўжалик судининг ХПК 86-молдасида қайд этилган асослар бўйича ишни тугатиш бўйича ажрими мавжуд бўлса, ўхшаш даъво берилиши мумкин эмас.

Мажбурийлик деганда шу қондани тушуниш керакки, унга асосан давлат ташиклотлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш орган ива бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўз фаолиятларида суд қарори билан ҳисоблашишлари керак, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш, суд томонидан қабул қилинган қарор бўйича янги қарор қабул қилиш мумкин эмас.

Қонуний кучга кирган қарор преюдицилик деганда хужалик суди томонидан аниқланган ва қарорда кўрсатилган фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар, худду шу тарафлар иштирокидаги янги қонуний ишни кўришда, гумон остига олинishi ва иккиламчи ўрганиб чиқиши мумкин эмас.

ХПКнинг 146-молдасида фақат хўжалик судининг қонуний кучга кирган қарорини ижрога мажбурийлиги ҳақида сўз боради.

Умумий қоидага биноан, хўжалик суди қарорлари ХПКнинг IV бўлимидаги қондаларга асосан қонуний кучга киргандан сўнг ижрога этилиши мажбурий ҳисобланади.

Бу қоидадан истисно мавжуд бўлиб, унда қарор қонуний кучга киришидан аввал ижро этилади. Амалдаги ХПКга мувофиқ қарор эълон қилингандан кейин давлат органлари, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари актларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарорлар, шунингдек келишув битимини тасдиқловчи ажримлар дарҳол ижро этилади. Дарҳол ижро этилган қарор устидан, бошқа ҳар қандай қарор каби, Олий хўжалик судининг қароридан ташқари, бир ой ичида апелляция инстанция судига шикоят берилиши мумкин.

147-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ушбу Кодекснинг 7-бобида белгиланган қондалар асосида ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўради.

Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш институти, ҳал қилув қарорининг ижросини реал таъминланишининг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

ХПК 147-молдасида ким томонидан ҳал қилув қарорни ижроси-

ни таъминлаш масаласи ҳар қандай тартибда кўриб чиқилиши белгиланган. Хўжалик суди ушбу масалани ўз таъаббуси билан куриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Хўжалик судини ҳал қилув қарорини ижросини таъминлаш масаласи фақат суд мажлисида қатнашган тарафларнинг таъаббусига биноан амалга оширинади. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш юзасидаги илтимоснома хўжалик судига ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг ёки ундан олдин ҳам берилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг ижроси қуйидаги ҳолатларда таъминланади: агарда ижронини таъминлаш ҳаракатлари ўтказилмаслиги келгусида ҳал қилув қарорини ижросини қийинлаштириш ёки амалга оширмасликка олиб келиши мумкин. Агарда ХПК 147-моддасига асосан ҳал қилув қарори қабул қилинган вақтда ижро қилиши белгиланган бўлса, ҳал қилув қарорини ижросини таъминлаш чорасини кўрилиши шарт эмас.

Аризаларни кўриб чиқиш тартиби, суд томонидан қабул қилинган чоралар, қарорини ижросини таъминлаш чорасини бир турини бошқа тур билан алмаштириш, суд ушбу ажримини ижросини таъминлаш, шунингдек ижронини таъминлаш чораларини бекор қилиш ХПК 7-бобидagi қонунларга асосан амалга оширилади.

148-модда. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Топширилганлиги маълум қилинган буюртма хат ишга тикиб кўйилган ва бу иштрок этган шахслар ҳал қилув қарори топширилганлигини исботи бўлади. Ҳал қилув қарори ишда иштирок этган шахсга олинганлиги ҳақидаги тилхат олиш йўли билан ҳам тикиб кўйилади.

Агар у кеч жўнатилган бўлса, унда бу ҳолат апелляция шикоятини бериш муддатини ўтказилган тиклашда ҳисобга олиниши лозим. Хўжалик судини қарори ишда иштирок этган томонлар суд мажлисида қатнашган ёки қатнашмаганлигидан қатъий назар албатта юборилиш лозим.

Хўжалик судининг қарори қонун билан белгиланган топшириш муддати, асосланган ҳал қилув қарори тузилган куннинг эртасига 5 кунлик муддати ўта бошлайди.

149-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолатларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қўйилиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди. Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади. Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин.

150-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб

беришга, шунингдек ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда, тузатишга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди, ушбу қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириши мумкин эмас.

Ушбу қоида қуйидагини аниқлатади, яъни биринчи инстанция судининг қарори қабул қилиниб ва эълон қилингандан кейин ўзгартирилмаслик хусусиятига эга бўлади. Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиш юқори инстанция судига тааллуқлидир. Фақат алоҳида ҳолатларда қонун қарор қабул қилган суди йўл қўйган камчиликларни тузатиш мумкинлиги белгиланган.

Хўжаяик суди томонидан ҳал қилув қарорини тушунтирилиши йўл қўйилган камчиликларни тартараф қилиш усулларидан биридир. Бу усул судлар томонидан ноаниқ қарорлар чиқарилаётганда қўлланилади, яъни қарорда низоли ҳуқуқий муносабатлар объектига нисбатан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбурияларини бор ёки йўқлиги аниқ ҳал этилмаган бўлса ёхуд тарафлар номлари, реквизицлария тегиншли тартибда кўрсатилмаган бўлса.

Фақатгина тарафлар қарорни тушунмаган гақдирда, унинг мазмунида ноаниқлик ёки қарама-қаршилиқлар бўлганда тақдирда хўжалик суди қарорига тушунтириш беради. Кўпинча ноаниқлик қарорнинг хулоса қисмининг мазмунидан келиб чиқади, бу эса ўз навбатида уни ижросини таъминлашга ҳалақит беради. Масалан, хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилиб, хулоса қисмида — жавобгардан даъвогар фойдасига 120.000 сўм ундириш деб ёзилган. Ҳал қилув қарорни хулоса қисми тўлалигича ижро ҳужжатида киритилиши лозим бўлганлиги сабабли, у ҳолда бу ижро ҳужжатини ижро қилишни иложиси бўлмайди. Бундан ҳал қилув қарорини тушунтириш лозимлиги келиб чиқади.

Шундай ҳам бўладики, яъни суд қарори асослари тушунарсиз берилганда суд аниқланган деб ҳисоблаган иш ҳолатларини ноаниқ, тушунарсиз билдириши ва улар асосида ўз хулосасини чиқариши қарорнинг асослантурувчи қисмини асослантурулишини тақазо этади.

Қарорни тушунтириш ҳуқуқи бошқа суд ҳайъатида кўрилган бўлса ҳам, шу қарор қабул қилган судга тегинлидир. Бунда суд уни мазмунини ўзгартирмайди ва суд қарорида қайд этилмаган масалаларни муҳокама қилмайди.

Суд ишда қатнашувчи томонларнинг аризаларига биноан қарорни тушунтиради.

Қонунда қарорни тушунтириш ҳақида масалани қўйиш муддати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Аммо, ушбу процессуал ҳаракатнинг йўналиши ва мазмуни шундай хулосага олиб келадики, агар қарор ижро этилган бўлса ёки уни мажбурий ижро қилишнинг қонун билан белгиланган муддати ўтган бўлса у тушунтирилмайди.

Агар қарор қисман ижро этилган бўлса, унда тушунтирилиш ижро этилмаган қисмига берилади, лекин бунда қарорни ижро қилиш муддати ўтмаган бўлиш лозим.

Қарор эълон қилгунга қадар аниқланган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишлар матнда судьялар имзоларидан олдин шарҳ билан тузатилади.

Бундан сўнг умумий қойдаларга биноан тузатиш ва тўлдиришларга йўл қўйилмайди.

Лекин, ХПК нинг 150-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, низо-ни ҳал қилган ҳужалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ҳам ўз ташаббуси билан ҳам йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатишга ҳақлидир. Қонун янглишишлар тузатилгасида, қарор мазмуни ўзгармаслиги керак.

Кўп ҳолларда ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар алоҳида сўзлар, суд ҳайъати, процесс қатнашчиларининг исми, фамилияси, отасининг исмини ёзишда йўл қўйилади.

Шундай ҳоллар ҳам мавжудки, яъни юридик шахснинг номини ёзганда хатога йўл қўйилиши мумкин, лекин у қарор матнида рўйхатдан ўтказилган «Низоми»га асосан берилиши лозим. Қўйиш, айриш, кўпайтириш ва бўлишда асосий арифметик ҳаракатларни бажаришдаги хатолар каби аниқ арифметик хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Агар, ҳисоб-китоб қонунни нотўғри тушунилиши оқибатида келиб чиққан бўлса, у ҳолда хато юқори суд инстанцияси томонидан тузатилиши мумкин.

Ундириладиган суммаларни, сонлар ва берилган мулкларни ҳажмини тузатиш, фақат хатолар ёзув, ҳарфий хато ва нотўғри ҳисоб-китоблар натижасида келиб чиққан бўлсагина амалга оширилади. Қарорни қабул қилган ҳўжалик суди ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларларни тузатиш деб, бошқа маънодаги ўзгартиришларни киритиши мумкин эмас, хусусан иш бўйича аввалги хулосани ўзгартириш.

ХПК қарорни тушунтиришда, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатишда суд мажлисини тайинланишини талаб қилмайди. Агарда, суд қатнашчиларини чиқаришни лозим деб топса, у ҳолда иш суд мажлисида томониларга суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида хабар берган ҳола ўтказилади.

Ажрим нусхалари ишда томониларга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

19-боб.**Хўжалик судининг ажрими****151-модда. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни**

Хўжалик суди иш кўришни кейинга қолдирганда, иш юритишни тўхтатиб турганда, тугатганда, даъвои кўрмасдан қолдирганда, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда алоҳида хужжат тариқасида ажрим чиқаради.

Алоҳида хужжат тариқасида чиқариладиган ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, низо предмети;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ажрим чиқарилаётган масала;

4) хўжалик суди ўз хулосаларини чиқаришга олиб келган сабаблар, бунда таянилган қонун хужжатлари;

5) кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса.

Хўжалик суди суд мажлисида ишни кўраётгани-да суд муҳокамаси давомида ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича алоҳида хужжат тариқаси-да расмийлаштирмасдан ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Ажрим оғзаки эълон қилинади ва суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Ажримда у қайси масала бўйича чиқарилаётгани, суд ўз хулосасини чиқаришига олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса кўрсатилади.

Ажрим — суд хужжатларининг мустақил ва кенг тарқалган туридир. Унда ишни кўриш давомида — судлов ишини кўзгатишдан то суд хужжатларини мажбурий ижросигача юзага келадиган масалаларнинг суд томонидан ҳал қилиш натижалари ўз аксини топади.

Ажримнинг ҳал қилув қароридан фарқи шундаки, у қўйилган талабнинг моҳияти бўйича жавоб бермайди.

Айни пайтда ажрим ҳам, ҳал қилув қарори каби муйаян иш бўйича одил судловни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадини кўяди ва хўжалик судининг хужжати ҳисобланади: улар ҳам қонуний кучга киради ва мажбурийлик, ижро этилиш, инкор этилмаслик хусусиятларига эга, мазмуни ва шакли бўйича қонун талабига мувофиқ бўлиши шарт ва ҳ.к.

Ажримларни чиқаришга қўйилган мақсадга кўра улар қўйидаги турларга бўлинади:

1) тайёрлов ажримлари — улар ишни суд томонидан мазмунан ҳал қилишгача бўлган жараённинг боришини таъминлайди. Улар ҳам ишни кўзгатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, ҳам суд муҳокамаси босқичида чиқарилади ва жараённи бир маромда юрити-

лишини таъминлайди, қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори қабул қилинишига кўмаклашади.

Унга мисол учун қуйидагилар: даъво аризасини қабул қилиш (ХПКнинг 116-моддаси), ишни судда кўришга тайёрлаш (ХПКнинг 123-моддаси), иш юритишни тухтатиб туриш ва уни тиклаш (ХПКнинг 85-моддаси), ишни кўришни бошқа кунга қолдириш (ХПКнинг 131-моддаси), далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажримлар ва бошқалар (ХПКнинг 21, 38, 39, 66, 67, 72, 76, 80, 99 ва ҳ.к моддалари) қиради;

2) муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига ғов (тўсиқ) қўядиган чекловчи ажримлар. Улар низони моҳиятига таъсир қилмайди. Унга қуйидагилар: суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад қилиш (ХПКнинг 107-моддаси), даъво аризасини қабул қилишни рад этиш (ХПКнинг 117-моддаси), иш юритишни тугатиш (ХПКнинг 87-моддаси), даъвони кўрмасдан қолдириш (ХПКнинг 89-моддаси) тўғрисидаги ажримлар қиради. Ушбу ажримларнинг барчаси уни қабул қилган суд томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас;

3) ишни кўриб чиқишни ва судлов жараёнини яқунловчи ҳуловасвий ажримлар. Унга даъвогар даъвосидан воз кечганлиги сабабли иш юритишни тугатиш (ХПКнинг 86-моддасининг 6 банди), келишув битимини тасдиқлаш (ХПКнинг 132-моддаси) тўғрисидаги ажримлар қиради;

4) суднинг ҳал қилув қарори бўйича чиқариладиган ажримлар: ҳал қилув қарорини гушунтириш, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китоблаги янглишишларни тузатиш тўғрисидаги ажрим (ХПКнинг 150-моддаси);

5) суднинг апелляция ва кассация инстанциялари томонидан чиқариладиган ажримлар. Унга: апелляция шикоятини қайтариш (ХПКнинг 162-моддаси), апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш (ХПКнинг 163-моддаси), апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш (ХПКнинг 165-моддаси), кассация шикояти ёки протестини қайтариш (ХПКнинг 180-моддаси), кассация шикояти ёки протестини иш юритишга қабул қилиш (ХПКнинг 181-моддаси), кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш (ХПКнинг 184-моддаси) тўғрисидаги ажримлар қиради;

6) суд ҳужжатларининг ижроси ёки қайтарма ижроси масалалари бўйича ажримлар. Унга жумладан қуйидагилар: ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш (ХПКнинг 215-моддаси), ижро варақасининг дубликатини бериш (ХПКнинг 216-моддаси), суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш (ХПКнинг 217-моддаси), суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича (ХПКнинг 220-моддаси) чиқарилган ажримлар қиради;

7) процессуал санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ажримлар. Масалан, жарима солиш ҳақидаги ажримлар (ХПКнинг 56, 101, 218-моддалари);

8) хусусий ажримлар. Мисол учун жиноят ишини кўзғатиш, мансабдор шахсларни моддий ва интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш тўғрисидаги ажримлар (ХПКнинг 152-моддаси);

9) банкротлик ишлари бўйича қабул қилинадиган ажримлар.

Уларга — банкротлик тўғрисидаги аризани кўриб чиқишга қабул қилиш (Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси), кредиторларнинг талабларини таъминлаш (38-модда), банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш (40-модда), иш юритишни тугатиш (45, 64-моддалари), ташқи бошқарувни жорий этиш (47-модда), ташқи бошқарувчини тайинлаш (51-модда), ташқи бошқарувчини ваколатларидан озод қилиш (52-модда), ташқи бошқарув муддатини узайтириш (62-модда), мол-мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган қарздорнинг фаолият курсатмаётган объектларини консервация қилиш (63-модда), ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш (70-модда), ишончли шахсни тасдиқлаш (77-модда), ишончли шахсни четлаштириш (87-модда), тугатишга доир иш юритиш якунланганлиги (90-модда), келишув битимини тасдиқлаш (94-модда), келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш (98-модда), ташқи бошқарувчи, ишончли шахснинг аризаларини ва кредиторларнинг шикоятларини кўриш натижалари бўйича (133-модда) чиқариладиган ажримлар киради.

Ажримнинг мазмуни уни чиқариш тартибига, яъни алоҳида хонада ёки суд мажлиси залида қабул қилинишига боғлиқ.

Барча ажримларни расмийлаштириш тартибига кўра қонун икки гуруҳга бўлади: а) алоҳида ҳужжат сифатида чиқариладиган ажримлар; б) оғзаки эълон қилиниб, суд мажлиси баённомасига ёзиладиган ажримлар.

Бироқ ҳар бир суд ажрида ҳал қилиниши лозим бўлган саволларга тўлиқ ва яхши асослантирилган жавоб ифодаланиши лозим, чунки унинг қонунийлиги, ишонарлилиги ва ҳаққонийлиги шунга бевосита боғлиқдир.

Биринчи гуруҳга ишни кўришни кейинга қолдириш, иш юритишни тўхтатиш, иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар киради.

Хўжалик суди алоҳида суд ҳужжати шаклида ХПКда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам ажрим чиқаради (33, 67, 72, 74, 99, 107 ва бошқа моддалар).

Алоҳида процессуал ҳужжат сифатида расмийлаштирилмайдиган ажримнинг мазмуни ўз ичига кириш, баёнот, асослантирувчи ва худоса қисмларни олиши лозим.

Ажримнинг кириш қисмида хужалик судининг номи, иш рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, низонинг предмети, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (даъвогар, жавобгар, прокурор ва ҳ.к) кўрсатилиши шарт.

Ажримнинг баёнот қисмида суд ажрими чиқариш йўли билан ҳал қилиниши лозим бўлган масала кўрсатилиши керак. Ажримнинг баёнот қисми «аниқлади» сўзи билан бошланиб, унда суд масаланинг моҳиятини ва уни кўриб чиқиш натижаларини қисқа, тўлиқ ва аниқ ифодалаш лозим. Турли ажримларда баёнот қисмининг моҳияти бир хил бўлмайди. Масалан, ХПКнинг 118-моддаси бўйича чиқариладиган ажримнинг баёнот қисмида тақдим қилинган даъво аризадаги қандай камчиликлар уни қайтариш учун сабаб бўлганлиги, суд топшириғи бериш тўғрисидаги ажримнинг (ХПКнинг 74-моддаси) баёнот қисмида эса, кўрилатган ишнинг қисқача моҳияти ифодаланиши лозим.

Ажрим чиқарилаётган масала тафсилотини батафсил ёритилиши унинг ишончлилигини оширади ва уни асослангирилишига замин тайёрлайди.

Судлов ишини тугатилган ажримларда, масалан, даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги қабул қилиниши ёки келишув битими тасдиқланиши муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримларнинг баёнот қисми суднинг ҳал қилув қароридеги қаби ифодаланиши керак.

Ажримнинг асослари жуда муҳим аҳамиятга эга. Улар қарорнинг ҳаққонийлиги ва адолатлилиги кафолати бўлиб, нафақат аниқ бир ажримнинг, балки уни чиқариш бўйича бутун процессуал жараённинг қонунийлиги кўрсаткичи сифатида хизмат қилади.

Асослар одилсудловни амалга ошириш механизмининг икки муҳим масаласини ифодалайди: 1) суд хужжатиغا асос қилиб олинган далилларни танланишини асослаб бериш (нима учун бу далиллар ҳаққоний деб топилган); 2) ҳуқуқий хулосаларнинг мавжуд муайян далиллардан келиб чиқинини асослаб бериш.

Ажримнинг асослари суд томонидан чиқарилган ҳужжат қонунга бўйсунган ҳолда қабул қилинганлигини тасдиқлайди. Айнан шу асослар иш кўрилиш жараёнида қатнашган тарафлар ва бошқа шахсларда чиқарилган ажримнинг ҳаққонийлиги, асослилигига ишонч туғдиради.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида ҳуқуқ нормаларига таяниш керак.

Хулоса қисмида суднинг ҳал қилинаётган масала юзасидан аниқ ва қисқа хулосалари бўлиши лозим. Масалан, ишни кўриш кейинга қолдирилганда ишни кўриш қайси сана ва вақтга тайинланганлиги кўрсатилиши керак.

Бундай ажримларни чиқариш учун суд алоҳида хонага чиқиши керак. Ҳамма масалалар кўриб чиқилгач, шу ерда аниқ бир хуло-

сага келинади ва ажрим чиқарилади ҳамда у бирор судья томонидан ёзма равишда баён қилиниб, ишни кўриш жараёнида қатнашган барча судьялар томонидан имзоланади. Имзоланган ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

ХПКда чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиш мумкинлиги белгиланган ҳолларда, бу ҳақда ажримда кўрсатилиши шарт. Апелляция шикояти ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, кассация шикояти эса ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бир ой ичида берилади.

Суд мажлиси залида, алоҳида хонага кетмасдан чиқариладиган ажримлар ҳам баён қилиш, асослантурувчи ва хулоса қисмлардан иборат бўлади. Бундай қисмларсиз у суднинг ҳуқуқни қўллаш ҳужжати бўла олмайди.

Бундай ажримлар устидан суд қароридан алоҳида шикоят қилиш мумкин эмас, шунинг учун уларда шикоят қилиш тартиби ва вақти ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Бундай ажримларнинг кириш қисми тариқасида суд мажлиси баённомасининг кириш қисми хизмат қилади.

Улар фақат суд муҳокамаси жараёнида ҳал қилиниши талаб қилинадиган масалалар юзасидан чиқарилади, масалан, кўшимча далилларни ишга қўшиш, суд мажлисини олиб бориш тартиби ва далилларни текшириш, ишда интирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмаганда ишни кўриш тўғрисида ва бошқалар. Булар суд мажлисида раислик қилувчи томонидан оғзаки эълон қилинади ва суд мажлиси баённомасига киритилади.

152-модда. Хусусий ажрим

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши кўрилади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўяди.

ХПКнинг 3-моддасига биноан хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифаларига иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашаётган

ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қуриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишгина эмас, балки иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш масалаларни ҳам киради.

Хусусий ажримлар ҳуқуқий тарбия ва суд томонидан ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни таъсирли воситаларидан бир ҳисобланади. Улар муайян иш юзасидан олиб борилаётган ҳўжалик низоси чегарасидан ташқари масалалар юзасидан чиқарилади.

Хусусий ажримлар — шундай процессуал воситалардирки, улар судлов органларининг ҳуқуқбузарликка ва ғайри аҳлоқий хатти-ҳаракатларга, ташкилотлар ишидаги камчиликларга қарши курашиш имкониятларини маълум даражада кенгайтиради.

У ҳўжалик сулида низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа органлар, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда чиқарилади.

Қонун ҳўжалик суди томонидан хусусий ажрим қачон чиқарилиши лозимлигини белгиламайди, бироқ амалда улар суд мажлисининг охирида суднинг ҳал қилув қарори билан бир вақтда чиқарилади. Шу билан бирга қонун суд муҳокамаси тўхтатилганда ёки иш юритиш тугатилиб ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилиб, иш ҳал қилув қарори чиқарилмасдан яқунланган ҳолатларда ҳам хусусий ажрим чиқаришни тақиқламайди.

Хусусий ажримлар фақат биринчи инстанция суди томонидангина эмас, балки апелляция, кассация ва назорат инстанциялари томонидан ҳам чиқарилиши мумкин. Қонуний кучга кирган ажрим, ҳал қилув қарори ва қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш вақтида чиқариладиган хусусий ажримларга нисбатан ҳам жилдий эътирозлар йўқ.

Ижро этиш жараёнида ҳам суд томонидан мажлис ўтказилиб, унда қонун бузилишлари, мансабдор шахсларнинг ишларидаги камчиликлар аниқланиши мумкин, шунинг учун бу босқичда ҳам хусусий ажримларнинг аниқланган салбий фактлар билан курашишдаги имкониятини чеклашга асос йўқ.

Ҳўжалик суди хусусий ажримларни алоҳида хонада чиқаради, бу ерда кўрилаётган масалалар ҳўжалик процессуал қонунда кўрсатилган тартибда муҳокама қилинади.

Уларда ХПКнинг 151-моддасида кўрсатилган реқвизитлар бўлиши шарт. Хусусий ажримларни ёзиш вақтида баён этиш услуби на асослантиринг алоҳида аҳамиятга эга, ажримнинг қанчалик ишонарли ва асослилиги шунга боғлиқдир. Ажримда ҳақоратловчи сўзлар, фуқаро шахсиятига тегадиган гаплар ёзилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Хусусий ажримлар суд таркибига кирганлар томонидан имзоланади ва суд мажлисида эпиттирилади. Баъзи ҳолларда ҳўжалик суди

ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, истисно тариқасида хусусий ажримни ўқиб эшиттирмайди, лекин ажрим чиқарилганлигини айтиб ўтади. Ишда иштирок этувчи шахсларга ва уларнинг вакилларига хўжалик суди хусусий ажрим билан танишиб чиқиш имкониятини беради.

Бошқа ажримлар сингари хусусий ажрим ҳам қонуний ва асосланганлиги билан бўлиши керак. Бу талабларнинг бузилиши натижасида хусусий ажрим устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

Иқтисодийёт соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ва қонунбузарликларни олдини олишда хўжалик судининг мавқеини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони билан хўжалик судига қуйидаги ҳуқуқлар берилган: низоларни кўрилиши жараёнида мансабдор шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда жиноий иш қўзғатиш; маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш; айбдор шахслардан келтирилган мулкий зарарни ундириш; мансабдор ва масъул шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритиш.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, хусусий ажримларни чиқариш кўзланган мақсадига кўра икки турга бўлиниши мумкин:

- 1) аниқланган камчиликлар ҳақида хабар берувчи ажримлар;
- 2) қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан аниқ чоралар кўришга доир ажримлар.

Хабар берувчи ажримларнинг моҳияти шундан иборатки, суд хўжалик ишларини кўриш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларини, ишдаги жиддий камчиликларни очиб беради, уларга ҳуқуқий ва ахлоқий нуқтаи назардан баҳо беради, қонун бузиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлайди ва ваколатли ташкилот, мансабдор шахс ёки меҳнат жамоаси олдига уларни бартараф этиш масаласини қўяди.

Хабар берувчи ажримлар жумласига шунингдек, суд муҳокама-си даврида агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асосларни аниқлаш имконияти бўлмаганда, хўжалик суди томонидан прокурорга аниқланган маълумотлар бўйича қўшимча текшириш талаб қилинаётганлиги тўғрисидаги хусусий ажрими ҳам киради.

Хабар берувчи ажримларнинг ҳуқуқий кучи ташкилот, мансабдор шахслар томонидан хўжалик судига бир ойлик муддатда хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар ҳақида маълумот бериш билан чегараланади.

Хусусий ажримларнинг иккинчи турига қуйидагилар киради:

- жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги;
- айбдор шахслардан етказилган мулкий зарарни ундириш ҳақидаги;

— айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритил ҳақидаги;

— маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажримлар иш кўриш жараёнида аниқланган жиноят аломатлари асосида чиқарилади. Суд ҳужжатини ижро этмаслик туфайли жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрим (ЖКнинг 232-молдаси) суд ҳужжатларини ижро этиш вақтида аниқланган жиноят аломатлари юзасидан чиқарилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажримлар чиқарилган кундан бошлаб бир ой муддат утқач (агарда унинг устидан шикоят қилинмаган бўлса) кучга киради. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрим қонуний кучга кириши билан жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган ҳужжатлар билан биргаликда прокурорга юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрим ва унга тааллуқли ҳужжатларни тегишли тарзда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларига юборадилар. Олий ҳўжалик суди чиқарган хусусий ажрим Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Зарар етказган мансабдор ёки бошқа шахс ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да жиноят аломати бўлмай, у зарар етказилган пайтда юридик шахс билан меҳнат муносабатида бўлиб, унга зарар келтирса, ҳўжалик суди келтирилган зарарни айбдор шахслар томонидан тўлаш ҳақида хусусий ажрим чиқаради. Мулкий зарар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202, 205, 208-моддаларида кўрсатилган миқдорда ундирилади.

Ҳўжалик ишларини кўриш жараёнида пул маблағлари ва бошқа мулкни мақсадсиз ишлатиш, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхонани банкротлик ҳолатига олиб келиш фактларини аниқлаб, раҳбар ёки бошқа шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да жиноят аломатлари бўлмаса, суд томонидан айбдор шахсларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида хусусий ажрим чиқарилади.

Интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги хусусий ажрим айбдор шахсларга нисбатан юқори турган бошқарув органларига юборилади.

Ҳўжалик ишини кўриш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланса, ҳўжалик суди маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорини чиқаради. Бунда шуни назарда тутиш керакки, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ой муддатда қўлланиши мумкин. Айбдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосланган ҳолда ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Хусусий ажримлар ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларни чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармониغا кўра, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 1998 йил 9 апрелдаги 72-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан биргаликда 1998 йил 1 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармонидан келиб чиқадиган масалаларни бажаришда биргаликда ҳаракат қилиш ҳақидаги Кўрсатма»га асосланиш лозим.

153-модда. Ажримни юбориш

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда у ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ устидан шикоят қили-ниши мумкин бўлган ажримлар ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

ХПКнинг 153-моддасида ҳўжалик жараёнида иштирок этувчи шахсларга фақат алоҳида ҳужжат тариқасида ҳўжалик суди чиқарган ажримларни юбориш тўғрисида сўз юритилади.

Қонун ажримларни юборишни ажрим чиқарилган кундан кейинги кундан бошланадиган беш кунлик муддатини белгилайди.

Алоҳида ҳужжат тариқасида чиқариладиган ҳўжалик судининг ҳамма ажримлари икки гуруҳга бўлинади: а) устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайдиган ажримлар; б) қонунга мувофиқ устидан шикоят қилиш мумкин бўлган ажримлар.

Биринчи гуруҳ ажримлари почта орқали юборилади ёки жараён қатнашчиларига тилхат олиб топширилади. Қонунга мувофиқ устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Хўжалик судлари томонидан чиқариладиган ажримлар рўйхати

1. Судьяни рад қилиш ҳақида — 21-модда.
2. Ишни бир ҳўжалик судидан бошқасига ўтказиш ҳақида — 33-модда.
3. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳақида — 38-модда.

4. Тарафларни уларни ҳуқуқий вориси билан алмаштириш ҳақида — 39-модда (бу ҳал қилув қарори ёки қарорда ҳам кўрсатилиши мумкин).
5. Ашёвий далилларни қайтариш ҳақида — 66-модда.
6. Экспертиза тайинлаш ҳақида — 67-модда.
7. Далилларни таъминлаш еки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида — 72-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
8. Суд топшириқлари ҳақида — 74-модда.
9. Даъвои таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш ҳақида — 76-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
10. Даъви таъминлашни бекор қилиш ҳақида — 80-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
11. Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш ҳақида — 85-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
12. Иш юритишни тугатиш ҳақида — 87-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
13. Даъвои кўрмасдан қолдириш ҳақида — 89-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
14. Процессуал муддатларни тиклаш ҳақида (бу ҳал қилув қарори ёки қарорда ҳам кўрсатилиши мумкин) — 99-модда.
15. Процессуал муддатни тиклашни рад этиш ҳақида — 99-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
16. Жарима солиш ҳақида — 101-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
17. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад қилиш ҳақида — 107-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
18. Суд буйруғини беришни рад қилиш ҳақида — 109-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
19. Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш ҳақида — 111-модда (*шикоят қилиш мумкин*).
20. Ишларни бирлаштириш ва талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш ҳақида — 115-модда.
21. Даъво аризасини қабул қилиш ҳақида — 116-модда.
22. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақида — 117-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
23. Даъво аризасини қайтариш ҳақида — 118-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).
24. Ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақида — 123-модда.
25. Ишда иштирак этувчи шахсларнинг далилларни талаб қилиб олиш ва ишни кўриш билан боғлиқ барча масалалар буйича аризалари ва илтимосномаларини кўриш натижалари ҳақида — 129-модда.
26. Ишни кўришни кейинга қолдириш ҳақида — 131-модда.
27. Келишув битимини тасдиқлаш ҳақида — 132-модда.
28. Баённома хусусида фикрлар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида — 134-модда.

29. Кўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш ҳақида — 149-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

30. Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш ҳақида — 150-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

31. Апелляция шикоятини қайтариш ҳақида — 162-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

32. Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш ҳақида — 163-модда.

33. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш (шикоятда воз кечиш қабул қилинганда, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса) ҳақида — 165-модда.

34. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақида — 180-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).

35. Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ҳақида — 181-модда.

36. Кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш (шикоятда воз кечиш қабул қилинганда, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса) ҳақида — 184-модда.

37. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақида — 205-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).

38. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида — 208-модда (*шикоят қилиш, протест келтириш мумкин*).

39. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш мудлатини тиклаш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари ҳақида — 215-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

40. Ижро варақаси дубликатини бериш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари ҳақида — 216-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

41. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари ҳақида — 217-модда (*шикоят қилиш мумкин*).

42. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги аризани кўриш натижалари ҳақида — 220-модда.

Банкротликка оид ишлар бўйича хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ажримлар рўйхати:

1. Банкротлик тўғрисидаги аризани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим (Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси).

2. Кредиторларнинг талабларини таъминлаш тўғрисидаги ажрим (38-модда).

3. Банкротликка доир ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим (40-модда).

4. Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим (45, 64-моддалари).
5. Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим (47-модда).
6. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим (51-модда).
7. Ташқи бошқарувчини ваколатларидан озод қилиш тўғрисидаги ажрим (52-модда).
8. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим (62-модда).
9. Мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган қарздорнинг фаолият курсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисидаги ажрим (63-модда).
10. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим (70-модда).
11. Ишончли шахсни тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим (77-модда).
12. Ишончли шахсни четлаштириш тўғрисидаги ажрим (87-модда).
13. Тугатишга доир иш юритиш якунланганлиги тўғрисидаги ажрим (90-модда).
14. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим (94-модда).
15. Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим (96-модда).
16. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ажрим (98-модда).
17. Ташқи бошқарувчи, ишончли шахснинг аризаларини ва кредиторларнинг шикоятларини кўриш натижалари бўйича чиқариладиган ажрим (133-модда).

20-боб.

Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича иш юритиш хусусиятлари

154-модда. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни куриш

Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда курилади.

1. Корхоналар ва фуқароларни ночор (банкрот) деб топиш тўғрисидаги масалалар фуқаролик кодекси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. улар жумласига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.96 й. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (ўзгартиришлар билан биргаликда), ПФ-1658-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.07.99 й. «Корхоналар банкротлиги ва санация механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2342-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.96 й. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурда Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги ишлар бўйича Қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги (ўзгартиришлар билан) 465-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.07.99 й. «Корхоналар банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 362-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 01.03.96 й. «Республика хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари тўғрисида»ги 55-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 24.08.95 й. «Банкротлик тўғрисидаги ишни кўзга-тиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг тавсиялари тўғрисида»ги қарори киради.

2. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 57 ва 26-моддаларида ночор деб тан олинishi мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати белгиланган. Уларда, жумладан, қуйдагилар назарда тутилган:

Тижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланувчи юридик шахс, бундан давлат корхонаси мустасно, шунингдек, матлубот кооперативи ёки жамоат фонди шаклида фаолият юритувчи юридик шахс, агар у кредиторларнинг талабларини қондира олиш имконига эга бўлма-са, суднинг қарори билан ночор (банкрот) деб топилishi мумкин.

Суд томонидан юридик шахснинг банкрот деб топилishi ёки бўлмаса унинг ўз банкротлиги тўғрисида эълон қилинishiга оид

асослар, шунингдек, бундай юридик шахсни тугатиш тартиби «Банкротлик тўғрисида»ги қонун билан белгиланади. Кредиторларнинг талаби «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 83-моддасига мувофиқ навбати билан қаноатлантирилади.

Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши билан боғлиқ талабларини қондиришга ноқобил бўлган якка тартибдаги тадбиркор суднинг қарори билан банкрот деб топилиши мумкин. Бундай қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ўз кучини йўқотади.

Якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 125-моддасида кузда тутилган.

Суд томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топилиши, ёки унинг ўзини банкрот деб эълон қилишига оид асослар ва унинг тартиби «Банкротлик тўғрисида»ги қонун билан белгиланади.

3. Ночор корхоналарнинг мажбурий равишда тугатилиши фақат хўжалик суди томонидан, кредиторнинг юридик ёки жисмоний шахс бўлиб ҳисобланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

4. Корхонанинг ночорлиги (банкротлиги) деганда кредиторларнинг товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондиришга ноқобиллик тушунилади, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлаб бера олмаслик, бу корхонанинг ночор (банкрот) эканлигини англатади. Ушбу ҳолат хўжалик суди томонидан тан олинганидан кейин ёки ўз хоҳишига кўра тугатилгандан кейин корхона банкрот (ночор) деб ҳисобланади.

5. Мазкур ишларнинг хусусияти шундан иборатки, улар даъво жараёни, ҳам низо ҳам эмас, улар ХПКнинг 2-моддасида назарда тутилган бонққа хил ишларга киради. Уларда даъвогарлар ҳам, жавобгарлар ҳам йўқ.

6. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қарздор деганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсни ёки юридик шахсни ташкил қилмайдиган тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқарони тушунади.

7. Корхонанинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш юриштириш бошлаш учун кредиторнинг, қарздор ёки прокурорнинг аризаси асос бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахсни банкрот деб эътироф этиш учун кредиторларнинг пуллик мажбурият бўйича талабларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини қаноатлантирмаганда, агар шу тўлов ва мажбуриятларнинг ҳосил бўлишидан олти ой мобайнида у томонидан қаноатлантириш имконияти бўлмаган ҳолат хўжалик судига мурожаат этишнинг шarti бўлиб ҳисобланади, фуқарони (юридик шахс ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғул-

ланувчи) банкрот деб эътироф этиш учун эса мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини, агар шу тўлов ва мажбуриятларнинг хосил бўлишидан уч ой мобайнида у томонидан қаноатлантириш имконияти бўлмаган ҳолатда ҳамда мажбурият миқдори унга тегишли бўлган мулк қийматидан ошиқ бўлган ҳолат шарт бўлиб ҳисобланади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга биноан қарздорга нисбатан мулкий талабларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кредитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.96 й. УП-158-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) давлат корхоналарига, шунингдек, уставида Ўзбекистон Республикаси улуши (ҳиссаси) мавжуд бўлган корхона ва ташкилотларга нисбатан ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши чоғида давлат номидан мулкдорнинг манфаатларини ҳимоя қилиб чиқади.

Ушбу Фармонга биноан Қўмита қарздор-корхонани ҳўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун ариза беришга мажбур қилиши мумкин, шунингдек у томонидан қабул қилинган қарор асосида қарздор бундай аризани бермаган ҳолатда, Қўмитанинг ўзи қарздор корхонани банкрот деб эътироф этиш ҳақида ҳўжалик судига мурожаат этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 28.12.96 й. 465-сонли қарори билан Қўмитага мулкда давлат улуши бўлган қарздорларнинг банкротлиги масаласини ҳал этишида давлат номидан — кредитор сифатида мурожаат этиш, шунингдек барча мулк шаклидаги иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ёки санацияси жараёнида кредиторларнинг манфаатларини ва акционерларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақминлаш юклатилган.

Корхоналарнинг ташиқий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар улар томонидан давлат бюджетига оид тўловлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолларида солиқ органи кредитор бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган шахслардан ташқари, қонун ҳўжатларида белгиланган ҳолларда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар билан бошқа давлат органлари ҳам мурожаат этишлари мумкин.

Масалан: Бюджетдан ташқари фондга мажбурий тўловларнинг тўланишини назорат қилувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси бу каби аризалар билан судга мурожаат этади.

Агар қарздор мулкда давлат мулки улуши бўлган ҳолларда ҳўжалик суди банкротлик ҳақидага иш юритилганлиги ҳақидаги ажримни Қўмитага юбориши лозим.

8. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қарздор ва кредиторнинг аризаларига нисбатан маълум талабларни тақдим этади. Жумладан,

корхонанинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) тўғрисида иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарздорнинг аризаси қарздор корхона эгаси томонидан ёки қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ваколатига эга орган қарори асосида, агар «Банкротлик тўғрисида»ги қонунда бошқа ҳолат кузда тутилмаса тақдим этилади.

Қонунда қарздор томонидан ариза билан биргаликда ҳужалик судига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати берилган (31-модда).

Агар қарздор судга Кўмита қарорига асосан мурожаат этган бўлса аризага шу қарор, шунингдек Кўмита далолатномаси илова қилиниши лозим («Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 25-модда).

Ишнинг кўриб чиқилиши учун кўрсатиб ўтилган ва бошқа зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда ҳужалик суди ХПКнинг 122-моддасига мувофиқ қарздорга уларни тақдим этишни таклиф қилади.

Кредиторнинг ҳужалик судига мурожаат этишнинг зарурий шарти бўлиб аризанинг нусхаси қарздорга юборганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Қарздорни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги аризага, ХПК билан белгиланган ҳужжатлардан ташқари, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 34-моддаси билан кўзда тутилган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим. кўрсатилган ҳужжатларни илова қилмаслик ХПК 118-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ аризани қайтаришга асос бўлади.

Прокурор у томонидан банкротликнинг белгиларини беркитиш қасддан беркитишни аниқлаган ҳолларда ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда корхонанинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) тўғрисида иш юритишни қўзғатиш тўғрисида ҳужалик судига ариза билан мурожаат этиши мумкин («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси).

Агар тижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланувчи (бундан давлат корхонаси мустасно) ёки матлубот коопретиви, жамоа фонди шаклида фаолият юритувчи юридик шахснинг тугатилиши чоғида унинг мол-мулки қиймати кредиторлар талабларининг қондирилиши учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 127-моддасига мувофиқ фақат ночорлик (банкротлик) тўғрисида иш юритишни қўзғатиш йўли билангина тугатилиши мумкин.

Иш юритиш учун аризанинг қабул қилиб олиниши ва ишни суд юритувига тайёрлаш судья томонидан ЎЗР ХПКнинг 116 ва 122-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Корхонанинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги ишда иқтисодий низо билан боғлиқ ишларга қараганда анча кенг доирадаги шахслар қатнашадилар.

Қарздор ва ҳужалик судига маълум бўлган кредиторлар (шу жумладан, ҳужалик судига қарздор корхонаси ночор деб топилган тўғрисида ариза билан мурожаат этмаган кредиторлар) билан бир

қаторда хўжалик судининг мажлисига қарздор корхонанинг мулкдори ёки агар қарздор мулкида давлат мулкнинг улуши бўлган тақдирда) давлат ёхуд муниципал мол-мулкни бошқариш ваколатига эга органнинг, қарздор корхона меҳнат жамоасининг вакили ҳам таклиф этилади.

Кредиторнинг қарздорни ночор (банкрот) деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиши чоғида хужалик суди, қарздор бўлмиш гашкилот тугатилиш босқичида турган ҳолларда ҳам, иш юритишни бошлайди («Банкротлик тўғрисидаги 127-моддаси»).

10. Бир ой мобайнида хўжалик суди қарздорни ночор деб топиши ёки у ҳақиқатда тўловга қобилиятли ва кредиторларнинг талабларини қондира олиш имкониятига эга бўлса аризани қабул қилмаслиги керак.

11. Қарздор корхона ночор (банкрот) деб топилганда хўжалик суди бу ҳақда қарор қабул қилади ва тугатиш ишини бошлайди. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси 1-қисми мазмунидан келиб чиққан ҳолда қарздорни ночор (банкрот) деб топиш ва тугатиш ишини бошлаш тўғрисида битта қарор қабул қилинади. Агар қайтадан ташкил этиш тадбирларини ўтказиш тўғрисида илтимоснома тақдим этилган бўлса ва бунинг учун асослар мавжуд бўлса, хўжалик суди иш юритишни тўхтатади ва ташқи бошқарувни белгилайди («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси). Бундай қарорни қабул қилиш учун корхона ҳолати иқтисодий таҳлилдан ўтказилиши зарур. Буни ваколатли аудиторлик фирмасига топшириш мумкин. Бу каби тадбирнинг ўтказилишидаги муваффақият корхона ускуналарининг ҳолатига, ишлаб чиқариш технологияларининг замонавийлигига, чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлигига, дебиторлик қарзини тўлаш имконининг мавжудлигига, корхона ишлаб чиқариши ва уни бошқаришни қайта ташкил этиш имкониятининг мавжудлигига, алоҳида бўлинмаларни тугатиш, ортиқча мол-мулкларни сотишга боғлиқдир. Шунинг учун қайтадан ташкил этиш тадбирининг ўтказилиши тўғрисидаги илтимосномада корхонанинг тўловга қобилиятини тиклаш имкониятига тўлиқ асос берилиши керак. Жуда кўп нарса ташқи бошқарувчининг ишбилармонлик сифатлари ва ташкилотлилиқ қобилиятларига боғлиқ.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қайта ташкил этиш жараёнининг икки ҳил имкониятини: қарздор мулкни ташқаридан бошқаришни ва санацияни белгилайди.

Ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг қарори, қарздор мол-мулки мулкдорининг, кўмитанинг ёки бўлмаса хужалик судининг ташаббуси билан илтимоснома, асослар мавжуд бўлган ҳолларда, яъни агар бу каби тадбир натижасида корхона тўловга қобилиятли деб ҳисоблаш учун маълумотлар мавжуд бўлса, тайинланиши мумкин.

Илтимосномада ташқи бошқарув ўтказилишининг (муаммони ҳал қилиш йўллари, ҳисоб-китоблар) зарурлиги ва мақсадга муво-

фиқлиги далилланган булиши керак. Бунда барча тақдим этилган исбот далилларни ҳўжалик суди ХПКнинг 61-моддасига мувофиқ уларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганиб чиқилганлигига асосланган ўзининг ички ишончига кўра баҳолайди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 34-моддасига биноан, агар қарздор мулкда давлат мулки улуши бўлган тақдирда, ҳужалик суди иш юритилганлиги ҳақида белгиланган муддатда банкротлик ишлари буйича давлат органини хабардор қилади.

Банкротлик ишлари буйича давлат органи хабарномани олганидан сўнг икки хафта ичида санациянинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида ҳўжалик судига хабар беради.

Кредиторлар санация ўтқазилиши билан рози бўлган тақдирларида банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади.

Агар кредиторлар санация ўтқазилишига қарши бўлсалар иш юритиш тикланади.

12. Қарздор мол-мулкни ташқи бошқарув тадбири ташкилий ва иқтисодий тадбирларнинг ўтқазилиши, шу жумладан, унинг мол-мулки бир қисмининг сотилиши йўли билан амалга оширилади.

13. Қарздор мол-мулкига оид ташқи бошқарувнинг амалга оширилиши даврида унга нисбатан кредиторлар талабларининг қондирлишига оид мораторий жорий этилади.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш мораторийси (тўлов муддатини узайтириш) ташқи бошқарув киритилишидан илгари ҳосил бўлган пул маэжбуриятлари ва мажбурий тўловларга тааллуқлидир.

Пул маэжбуриятлари ва мажбурий тўловларга белгиланган мараторий амал қилиш вақтида:

— низосиз (акцептсиз) тартибда ундирув ўтқазиланган ижро ва бошиқа ҳужжатлар орқали тўловлар ўтқазилш мумкин эмас;

— пул маэжбуриятлари ва мажбурий тўловларни бажармаганлик ёки лозим далажада бажармаганлик учун штраф, пенялар устига қўйиб ҳисобланмайди ҳамда тўлангани лозим бўлган фоизлар ҳам ҳисобланмайди.

Шунинг билан бирга эътиборга олиш лозимки, ФК 327-моддасига мувофиқ мараторий жорий этилганига қадар ҳосил бўлган маэбуриятлардан келиб чиқаётган талабига нисбатан кредиторлар, ташқи бошқарув олиб борилиш даврида, шартномада келишилган бошқалар пул маблағларидан фойдаланганлик учун йиллик фоизни ҳисоблашлари мумкин. Бироқ, бу талабни улар фақат мараторий бекор қилингандан сўнг, яъни қарздор мулкни ташқи бошқариш ниҳоясига етганидан сўнг тақдим қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Эътиборга олиш керакки, қарзни талаб қилиб олиш Қонуннинг 56-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчининг шартноманинг бажарилишидан воз кечишидан келиб чиққан зарар миқдорини ундириш тўғрисидаги кредиторнинг талабига ҳам мораторий тадбиқ этилади.

Ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин ижро муддати етиб

келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга нисбатан 56-модданинг 2 ва 3-қисмлари қоидалари тadbик этилмайди.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан, алимент ундириш ва муаллифлик шартномасидан келиб чиққан талабларига, шунингдек фуқароларнинг қонун билан белгиланган тартибда улар ҳаётига ёки соғлиғига зарар келтирганлик учун қарздорнинг жавобгарлигига ҳам мараторий жорий этилмайди.

Қарздорнинг мол-мулки устидан ташқи бошқарув тadbирининг жорий этилиши ташқи бошқарувчининг тайинланишига олиб келади.

Кредиторлар йиғини қарори бўлмаганда ташқи бошқарув хўжалик суди томонидан киритилган ҳолатда, кредиторлар йиғини хўжалик судининг ташқи бошқарув жорий этилганлиги ҳақидаги ажрими чиқарилгандан сўнг бир hafta ичида ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиши, тасдиқлаши ва хўжалик судига тақдим этиши мумкин.

Ташқи бошқарувчи номзоди тақдим этилмаган ҳолатда хўжалик суди ташқи бошқарувчини банкротлик ишлари давлат органи тақдим этган номзодлардан бирини тайинлайди.

Ташқи бошқарувчининг номзоди кредиторлар йиғинига кредиторнинг ҳар қайсиси томонидан, солиқ ёки бошқа вакил орган, қарздор ёки қарздор мулки эгаси томонидан тақдим этилиши мумкин.

Қонуннинг 9-моддаси билан белгиланган тартибга биноан энг куп овоз сонини олган номзод хўжалик судига тақлиф этилади.

Ташқи бошқарувчи қарздор корхонага раҳбарлик қилади, корхона раҳбарининг ҳуқуқлар билан таъминланади ва мажбуриятларини бажаради, унинг мол-мулкани тасарруф қилади, ушбу мол-мулкнинг ташқи бошқарилишини амалга ошириш режасини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини таъкиллаштиради, унинг зиммасига «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга кўра юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

Режани кредиторлар йиғилиши тасдиқлайди. Йиғилишнинг қарори тўғрисида ташқи бошқарувчи хўжалик судига хабар беради.

Қарздор корxonанинг мулкдори ва кредитор режа ва ёки ташқи бошқарувчининг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги унга зарар етказётганлигини тан олган хўжалик судига ушбу режанинг кўриб чиқилиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

14. Қарздор мол-мулки устидан ташқи бошқаруш тadbiri, агар мақсадга эришилса, яъни корхона ўзининг тўловга қобилияти тиклаб олган бўлса ва қарзтўлай олса ёки ташқи бошқарувчи ушбу мақсадга эришиш имконининг йўқлигига ишонч ҳосил қилса, яқунланади.

15. Агар хўжалик суди корxonани ночор (банкрот) деб топиб, қайта ташкил этиш ишларини тайинламаган бўлса ёки бажарилмаган ишларнинг бири тайинлангану, бироқ қонақарли натижаларни бермаган бўлса, суд тугатишга оид иш юритишни бoшлайди.

Ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги иш ушбу бoшқичининг мақсади — кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қонди-

риш ва қарздорни қарзлардан озод қилиш, шунингдек, томонларнинг бир-бирига нисбатан ноқонуний ҳаракатларни амалга оширишларидан ҳимоя қилишдир.

16. Санация тартиби мазмуни қарздор-корхонага ёрдам беришни билдиради, ҳусусан:

- қарздорликни ўз-ара ҳисоблашни ташкиллаштириш;
- муддати ўтиб кетган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;
- рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни бошқача ихтисослаштириш;
- ташқаридан юқори малакали мутахассислар таклиф қилиш;
- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашда ва унинг фаолиятини давом эттиришда манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий ёрдам берилиш;
- қарздор фаолиятини давом эттириш учун қарздор ва кредитор (кредиторлар)ларнинг улар томонидан тўланиши лозим бўлган тўловлар муддатини кечиктиришга ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланишига шартлашишга қаратилган келишиши;
- мажбурий тўловларнинг ва давлат кредитларининг тўланишини санация муддатига кечиктириш;
- қарздор-юридик шахснинг қайта тузилиши.

Санация тартиби бошқа чораларни ҳам киритиши мумкин.

Санация уни ўтказиш муддати ўтганлиги ёки унинг самарали эмаслиги аниқланганлиги учун тугатилиши мумкин.

17. Тугатиш иштини бошлаш қарздор ва ушбу корхонанинг раҳбари учун маълум бир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Чунончи, корхона раҳбари ўз лавозимидан четлаштирилади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек қарздор биринчи тасарруф этиш ваколати ҳам («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 78-моддаси) ишончли шахсга ўтказилади.

Қарздор корхонанинг мол-мулкни бошқа шахсга бериши ман этилади, қарздорнинг барча қарз мажбуриятларининг бажарилиши муддатлари етган бўлиб ҳисобланади; қарздор корхона қарзининг барча турлари бўйича пеня ва фоизлар ҳисоблаб ёзиллиши тўхтатилади; барча мулкий даъволар мустақил даъво ва эътирозлар кўринишига эмас, балки фақат тугатиш ишини юритиш доирасидагина билдирилиши мумкин («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 70, 75, 78-моддалари).

18. ХПК 146-моддасига биноан қарздорнинг банкротлиги ҳақидаги иш бўйича ҳал қилув қарори унинг қабул қилинганнида кейин бир ой ўтгач кучга киради. Бироқ, банкрот деб эътироф этилган қарздорни тугатишни ва кредиторлар талабини қаноатлантиришни тезлаштириш мақсадида, илгари амал қилган тартиблардан фарқ қилиб, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (41-модда), қарздорнинг банкротлигини эътироф этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг дарҳол кучга киришини белгилайди. Бу ишни билдирадигани, ҳал қилув қарори, унинг

кучга киришидан қатъий назар матбуотда эълон қилинади. Суд томонидан тайинланган Ишончли шахс унга юкланган мажбуриятларни бажаришни ва берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни у тайинланган муддатидан, шунингдек Ишончли шахснинг тайинланганлиги ҳақидаги ажрим устидан шикоят берилган тақдирда ҳам бошлайди.

ФК 57-моддаси 4-бандига мувофиқ банкрот деб эътироф этилган юридик шахснинг тугатилиш тартиби «Банкротлик тўғрисида»-ги Қонун билан белгиланади.

19. Қарздор мулкни ундиришга бўлган барча чеклашлар олиб қўйилади. Қарздор иштирокидаги хўжалик судидаги барча ишлар, агар бу иш бўйича қабул қилинган қарор қонуний кучга кирмаган бўлса, тугатилади.

20. Кредиторларнинг қонунда белгиланган муддатларда билдирилган барча даъволари «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни 78-моддасига мувофиқ ишончли шахс томонидан кўриб чиқилади ва қарори тўғрисида кредиторлар хабардор қилинади. Қарордан норози бўлган кредиторлар ўзларининг тегишли аризалари билан ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги иш доираларида хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Хўжалик суди аризани, уни берган ишончли шахс ва кредиторни хабардор қилган ҳолда кўриб чиқади ва даъвонинг қандай ҳажмларда асосланган деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал этади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим қабул қилинади ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин.

21. Ишончли шахс ўз фаолиятини кредиторлар йиғилишининг назорати остида амалга оширади («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

22. Кредиторлар, шунингдек солиқ ва бошқа вакил органлар пуллик талабларининг миқдори, агар улар судларнинг қануний кучга кирган қарорлари ёки уларнинг қарздор томонидан тан олинганлигини гувоҳлантирувчи ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда муқаррар (низосиз) бўлиб ҳисобланади. Қарздор томонидан низолашилмаган талаблар ҳам муқаррар ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун 83-моддасида кўзда тутилган навбат билан қаноатлантирилиши лозим бўлган туркумга киради.

Қонун (54, 133-моддалари) шунингдек кредиторлар талабларининг миқдорини, кредиторлар ва ишончли шахс ўрталарида келишмовчилик мавжуд бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан белгилаш тартибини кўзда тутади.

Тугатиш ишлари бошлангандан кейин қарздорга нисбатан барча талаблар шу тугатиш ишлари доирасида бўлиши керак. Қарздорнинг банкрот деб эътироф этилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинганидан ва тугатиш ишлари бошланганидан кейин кредиторлар эълон босилгандан кейин икки ойдан кам бўлмаган муддатда ишончли шахсга уз талаблари билан мурожаат этишлари мумкин.

23. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда қарздор ва кредиторлар-

нинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолаланади, уларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда ишончли шахс қарори устидан хўжалик судига шикоят қилиб чиқиш ҳуқуқини беради. Ушбу шикоятлар (аризалар) ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги иш доираларида кўриб чиқилади.

24. Мол-мулкнинг сотилишидан гушган пул маблағлари белгиланган навбатлилиқка мувофиқ равишда тақсимланади.

Кредиторлар талаблари қондирилганидан ва даъволар юзасидан қарзлар сўндирилганидан сўнг қарздор қарзлардан бутунлай озод ҳисобланади («Банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 83-моддаси»нинг 13-банди).

Маблағларнинг етишмаслиги туфайли қондирилмаган, шунингдек, кредиторнинг аризаси бўйича ишончли шахс томонидан ёки хўжалик суди қарори билан тан олинмаган кредиторларнинг талаблари сўндирилган деб ҳисобланади.

25. Кредиторлар билан бўладиган барча ҳисоб-китоблар ниҳоясига етказилганидан сўнг ишончли шахс хўжалик судига хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади ва у юзасидан кўчирма нусхасини хўжалик суди давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга йўллайдиган ажрим чиқарилади.

26. Тугатиш ишини юритиш ниҳоясига етказилиши тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими асосида корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини амалга оширувчи орган юридик шахсни давлат реестрдан чиқаради, шундан сўнг корхона тугатилган ҳисобланади (Қонуннинг 90-моддаси).

27. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг якка тартибдаги қарздор тадбиркорларга нисбатан қўлланиши чоғида ФКнинг 26-моддаси меъёрлари ҳисобга олиниши зарур («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига биноан).

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ночор (банкрот) деб топилиши тўғрисидаги иш хўжалик судисуриштирувига тегишлидир. Бу каби ишларнинг ҳал қилиниши чоғида шуни кўзда тутиш керакки, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан кредиторлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар (фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши, алиментларнинг ундириб берилиши тўғрисида ва шу кабилар) бўйича ҳам кредиторлар талаблар билдиришлари мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ҳолларида барча кредиторларнинг талаблари «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 125-моддасида белгиланган навбатлилиқ тартибда унга тегишли бўлган ундирув қаратилиши мумкин бўлган, мол-мулк ҳисобидан қондирилади.

Кредиторлар билан барча ҳисоб-китоблар амалга ошириб бўлин-

ганидаи сўнг банкрот деб топилган якка тартибдаги тадбиркор унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қолган мажбуриятларни бажаришдан озод деб ҳисобланади. Ҳаётга ва саломатликка етказилган зарарнинг қопланиши тўғрисидаги қондирилмаган талабларга шахсий тусга эга бошқа талаблар уларнинг банкротлик тадбирини амалга ошириш чоғида билдирилган ёки билдирилмаганлигидан қатъий назар ўз кучини сақлаб қолади (ФКнинг 26-моддаси, 2-банди).

Илгари якка тадбиркор бўлиб ҳисобланган фуқарога ҳам кредиторлар томонидан банкротлик тадбири амалга оширилиши чоғида билдирилмаган, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа хил мажбуриятлар бўйича талаблар ҳам билдирилиши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топилиши чоғида билдирилган ва ҳисобга олинган мазкур талаблар, улар ҳақиқатда қондирилган ёки қондирилмаганидан қатъий назар, сўндирилган ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топилиши тадбирдан кейин унинг иштирокидаги барча низолар умумий судга тааллуқли ҳисобланади.

28. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун келишув битимининг имзоланиши мумкинлигини ва унинг имзоланиши шартларини назарда тутади. Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланади (91-модда). Бунда шуни назарда тутиш керакки, ХПКнинг 40-моддасига биноан хўжалик суди қонунларга ва бошқа хил меъёрий ҳужжатларга зид бўлган ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларини бузиб тузилган келишув битими тасдиқламайди. Бундай ҳолларда суд ишни мазмунан кўриб чиқиш лозим.

29. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қарздорнинг, ўзининг ночорлигини била туриб кредиторлар билан ўз фаолиятини давом эттириш тўғрисида келишиб олиши ёки улар билан ўзининг ихтиёрий тугатилиши тўғрисида қарорни келишиб олиши мумкинлигини назарда тутадиган суддан ташқари жараёнларни ҳам белгилайди (19-модда).

30. Фаолиятни давом эттириш тўғрисида келишиб олишлар чоғида қарздор ва барча кредиторлар ёки кредиторларнинг бир қисми қарзлар тўлови муддатининг узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисида шартлашиб олишлари мумкин. Бу ҳолат қарздорга ундаги мавжуд маблағлардан фойдаланиб фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик олинган фойда ҳисобидан кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб олиш имконини беради.

31. Қарздор корхонанинг ихтиёрий тугатилиши кредиторларнинг назорати остида амалга оширилади (25-модда).

Қарздор корхонанинг ихтиёрий тугатилиши тўғрисидаги қарор иккита шарт мавжуд бўлган ҳолларда қабул қилиниши мумкин: корхона тўловга ноқобил бўлиб ҳисобланса; унинг тўловга қобилиятини қайтадан тиклаш имконияти бўлмаса.

Қарздор ва кредиторлар томонидан қабул қилинган қарор ишончли шахсни тайинлайдиган мулкдор томонидан тасдиқлани-

ши керак. Шу билан бирга кредиторлар, агар улар ушбу номзодни маъқулламайдиган бўлсалар, уни ўзгартиришлари мумкин.

Қарздорнинг ихтиёрий тугатилишига қарши бўлиб, кредиторларнинг бирортаси томонидан берилган ёзма эътироз бўлган тақдирда, бундай эътироз берилиш икки ҳафталик мuddат ичида қарздор корхона — юридик шахс раҳбари ёки қарздор фуқаро хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, уни банкрот деб топишни сўраши мумкин.

Корхонани ихтиёрий тагутиш жараёни тугагунча кредиторларнинг ҳар бири хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ариза билан мурожаат этиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан банкротлик ишини қўзғатиш ҳақида ажрим қабул қилинса тугатилиши жараёни тўхтатиб турилади (Қонун 27-моддаси).

Корхонани ихтиёрий тугатилишида кредиторлар ва ишончли шахсларда, қарздорни суд томонидан банкрот деб топилгандан кейинги тугатиш жараёнидагидек ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бундай ҳолатда, тугатиш баланси, кредиторлар талабларини қондиришдан қолган миқдорни ишлатиш ҳақидаги ҳисоботни кредиторлар йиғилишининг ўзи тасдиқлайди ва қарздор тугатиш ҳақидаги қарорни қабул қилади. Ушбу қарор қарздорни давлат реестридан ўчириш учун асос бўлади.

155-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар ушбу Кодекснинг 112-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аризачи бу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиш имкониятига эга бўлмаганда ёхуд йўқолган ёки йўқ қилиб юборилган ҳужжатларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда аниқлайди.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу тартибда курилади.

1. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни (кейинчалик юридик фактларни) аниқлаш ҳақидаги ариза ХПКнинг 112-моддаси талабларига жавоб бериши лозим. Ушбу моддада кўрсатилган реқвизитлардан (аризачининг номланиши, манзилгоҳи, илова қилинган ҳужжатлар ва бошқалар) ташқари, аризада, қандай фактни аниқлаш лозимлиги, бу фактни аниқлашдан кўзда тутилган мақсад, йўқ қилинган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг ёхуд бундай ҳужжатларни аризачи томонидан олинишининг иложи бўлмаганлигини тасдиқловчи далиллар кўрсатилиши лозим.

Хўжалик судлари юридик фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризаларни қуйидаги ҳолларда иш юритишга қабул қилади ва кўриб чиқади:

1) агар қонунга кўра факт юридик оқибатларни, яъни, тадбир-корлик ёки бошқа иқтисодий фаолият соҳасида ҳуқуқий муносабатларни келиб чиқиши, ўзгариши ёхуд тугашига олиб келса;

2) агар юридик фактни аниқлаш, хўжалик судларига тааллуқли бўлган кейинчалик ҳуқуққа нисбатан бўлган низога боғлиқ бўлмаса;

3) агар аризачи юридик фактни тасдиқловчи ҳужжатни бошқа йўл билан олиш ёки тиклаш имкониятига эга бўлмаса;

4) агар амалдаги қонунчилик билан юридик фактни аниқлашнинг суддан ташқари бошқа тартиби кўзда тутилмаган бўлса.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя этмаслик ХПКнинг 118-моддаси 1-қисмининг 1-бандида назарда тутилган оқибатларнинг келтириб чиқаради.

Юридик фактни аниқлаш ҳақидаги аризани қабул қилишда, судья, мазкур фактни аниқлаш хўжалик судига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини, аризачининг ушбу ариза билан судга мурожаат қилишга ҳуқуқи борлигини, ариза қонун талабларига мос эканлигини текшириб кўриши шарт.

Хўжалик судига юридик аҳамиятга эга бўлмаган фактни аниқлаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганида, судья ХПКнинг 117-моддаси 1-қисмининг 1-бандига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиши лозим.

Агар бундай ариза суд томонидан нотўғри қабул қилиниб, ушбу ариза юзасидан суд жараёни бошланган бўлса, суд, ХПКнинг 86-моддаси 1-бандига асосан иш юритишни тугатиши лозим.

2. Биринчи маротаба, 1998 йилда қабул қилинган Хўжалик процессуал Кодексда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар назарда тутилган.

Бу турдаги ишларга Кодекснинг тўртта моддаси бағишланган. Жумладан,

а) 23-модданинг 3-қисм 2-бандида юридик фактларни аниқлаш ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш хўжалик судига тааллуқли эканлиги кўрсатилган;

б) 29-модда билан эса, бу каби ишлар аризачи жойлашган ҳудуддаги хўжалик судига тегишли эканлиги белгиланган, бино, иншоот ҳамда ер участкаларига эгаликни аниқлаш ҳақидаги ишлар бундан мустаснодир, бу мазмундаги ишлар, ушбу бино, иншоот ёки ер участкаси жойлашган ҳудуддаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади;

в) 144-модлада мазкур ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг алоҳида томонлари назарда тутилган. Яъни, ҳал қилув қарорида, аниқланган факт, бу факт аниқланганлиги ҳақидаги қарор қабул қилинишидан келиб чиқадиган оқибат кўрсатилиши лозим.

Хал қилув қарори бундай фактни рўйхатга олинishiга ёки бу фактнинг аниқланишидан келиб чиқадиган ҳуқуқларнинг тегишли орган томонидан расмийлаштирилишига асос бўлади;

г) 155-модда ариза хўжалик суди томонидан қандай тартибда расмийлаштирилиши ва кўриб чиқилишини белгилайди.

3. ХПК юрилик факт тушунчасини белгилаб берди: бу — ташкилот ва фуқаро-тадбиркорларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқларининг келиб чиқиши, ўзгариши ёки тугатишига аҳамияти бўлган фактлардир.

4. Юридик фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар хўжалик судлари учун нисбатан янги тоифадаги ишлар бўлганлиги ҳамда ХПКда етарли даражада талқин этилмаганлиги сабабли, мазкур шарҳларда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларнинг намунавий рўйхати келтирилади.

Куйидаги юридик фактлар хўжалик судлари томонидан аниқланади:

- қурилишнинг эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилиги факти;
- кўчмас мулкига 15 йил ёки бошқа мулкка нисбатан 5 йил мубайнида ўз хусусий мулки сифатида халол, очиқ ва узлуксиз эгалик қилиш факти;

- аниқ вақтда ва аниқ жойда ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги факти.

Агар аризачида қурилишнинг тегишлилиги ҳақидаги ҳужжат мавжуд бўлсаю, бироқ у йўқотилган бўлса ва бу факт суддан ташқари тартибда тасдиқланиши мумкин бўлмаса, у ҳолда, қурилишнинг эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилиги факти суд томонидан аниқланади.

Умумий қоидаларга кўра қурилишга эгалик қилиш факти маъмурий тартибда аниқланади.

Агар аризачида қурилишнинг эгалик ҳуқуқи асосида унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, аризачи ёзма далиллар ёрдамида қурилишга тегишли ҳужжатлар унда бўлганлигини тасдиқлаши мумкин, бу ҳолда у қурилишнинг эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилиги фактини аниқлашни сўраб хўжалик судига ариза билан муурожаат қилиши мумкин.

Қурилишга эгалик фактини аниқлаш ҳақидаги аризада, аризачи томонидан тегишли ҳужжатни олиш ёки тиклаш имкони йўқлигига далиллар келтирилиши лозим. Хўжалик суди томонидан эгалик ҳуқуқи эмас, балки, қурилишнинг аризачига эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги факти белгиланади.

Агар қурилиш:

- қуриб битказилмаган бўлса ёки фойдаланишга қабул қилинмаган бўлса;

- муқаддам ўзга ташкилотта расмийлаштирилган бўлса;

— аризачи томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилмаган битим асосида сотиб олинган бўлса;

— ўзбошимчалик билан қурилган бўлса, бу ҳолатларда қурилишнинг эгалик ҳуқуқи асосида тегишлилиги фактини аниқлаш ҳақидаги аризалар хўжалик суди томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқилмайди.

5. Аризачи томонидан керакли ҳужжатларни бошқача тартибда (суддан ташқари) олишнинг имконияти йўқлиги дейилганида, мазкур фактни рўйхатдан ўтказиш тартиби мавжуд эмаслигини ёки фактни рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этилмаганлиги ва бу шароитда ушбу тартибга риоя этишнинг иложи йўқлигини ёхуд ҳозирги вақтда у ёки бу фактни тасдиқловчи ҳужжатдаги, уни далиллик аҳамиятидан маҳрум қилувчи хато ёки ноаниқликни тузатиш имконияти йўқлигини тушуниш лозим.

Йўқотилган ҳужжатларни тиклаш имконияти йўқ дейилганида, зарур маълумотларни архивда мавжуд эмаслиги ёки архивнинг йўқотилганлиги сабабли тегишли орган томонидан керакли ҳужжатнинг тикланган нусхасини беришнинг иложи йўқлигини тушуниш лозим.

6. Юридик фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар хўжалик судлари томонидан ХПКда назарда тутилган умумий қоидалар асосида, аризачи ва ишнинг натижасидан манфаатдор шахслар иштирокида кўриб чиқилади.

Хўжалик суди томонидан ишда иштирок этишга жалб этилган манфаатдор шахслар (иш бўйича хал қилув қарори уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар) хўжалик судида кўрилаётган юридик фактларни аниқлаш ҳақидаги аризанинг асослилиги ёки асосизлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш, ишнинг ҳолатларини ўрганишда иштирок этиш, қарор устидан шикоят қилиш ва ХПКнинг 35-моддасида кўрсатилган болиқа ҳаракатларни содир этишга ҳақлидирлар.

Агар юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда манфаатдор шахс ҳуқуқ тўғрисида низо юзасидан арз қилган бўлса ёки суднинг ўзи мазкур иш юзасидан юридик фактни аниқлаш шундай низоли ҳал этиш билан боғлиқ деган хулосага келса, даъво ХПКнинг 88-моддаси 8-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади. Бундай ҳолатда аризачи ҳамда манфаатдор шахсларга хўжалик судига умумий асосларда даъво аризаси билан мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилади.

Хўжалик судининг юридик фактни аниқлаш ҳақидаги ҳал қилув қарори ХПКнинг 138, 144-моддалари талабларига мос келиши лозим. Хўжалик судининг ҳал қилув қарориди, ишнинг ҳал этилиши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар юзасидан чиқарилган хулосани тасдиқловчи далилларни келтириш, даъво қаноатлантирилган ҳолатда эса — хулоса қисмида аниқланган юридик фактни аниқ кўрсатиш лозим.

7. Ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд эмаслиги ва шу сабабли

ишда даъвогар ҳамда жавобгар каби иштирокчиларнинг йўқлиги юридик фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос хусусиятидир. Хўжалик судига юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган шахс аризачи деб номланади.

Аризада даъвонинг баҳоси ўрнига аниқланиши лозим бўлган юридик факт ҳамда бу фактни тасдиқловчи далиллар кўрсатилиши лозим (ХПКнинг 112-моддаси 2-қисми 3-банди).

8 Хўжалик судининг юридик фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори, тегишли орган томонидан бундай фактни рўйхатга олиш ёки фактнинг аниқланганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқни расмийлаштиришга асос бўлиб хизмат қилиши сабабли, аризачи қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини тегишли органга тақдим этиши лозим.

III бўлим.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

21-боб.

Апелляция инстанциясида иш юритиш**156-модда. Апелляция шикоятни бериш ҳуқуқи**

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни беришга ҳақлидир.

Апелляция инстанциясида иш юритиш хўжалик процессуал қонунчилигидаги янги институт бўлиб, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини текширишга мўлжалланган.

Хўжалик судлов ишларини юритишда апелляция институтининг киритилиши хўжалик судлари қарорлари устидан шикоят қилишнинг аниқ ва ҳаракатчан тизимини шакллантириш, суд ҳимояси самарадорлигини ошириш ва мукаммаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Апелляция тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи қонунда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда вужудга келади. Бундай ҳолатлар бўлиб: биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг мавжудлиги; субъектнинг ишда иштирок этувчи шикоят қилиш ҳуқуқига эга шахслар таркибига кириши ҳисобланади.

ХПКнинг 34-моддасида кўрсатилган барча шахслар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни беришлари мумкин.

Ҳал қилув қарори устидан ХПКнинг 170-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ апелляция шикоятни билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ишда қатнашмаган, бироқ хўжалик суди унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор қарор чиқарган шахслар ҳам эгадир.

ХПКнинг 39-моддаси мазмунидан келиб чиқадики, қонуний кучга кирмаган қарор устидан томонларнинг ҳуқуқий ворислари ва учинчи шахслар ҳам шикоят қилишлари мумкин.

Кўрсатилган шахсларнинг ҳар бири жараённинг бошқа қатнашчилари шундай ҳуқуқдан фойдаланганлигидан қатъий назар апелляция шикоятни қилиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, апелляция шикоятни субъектлари сифатида ишда иштирок этувчи шахслар — тарафлар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан чиқмайдиган учин-

чи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат ва бошқа идоралар, прокурор, шунингдек ишда қатнашмаган, бироқ уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарори чиқарган шахслар майдонга чиқадилар.

Ушбу шахслар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан қаноатланмаган ва ўз ҳуқуқларини апелляция инстанциясида ҳимоя қилмоқчи бўлсалар, улар процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлсалар апелляция шикоятни беришлари мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланмаган, аммо судлов жараенида қатнашган бошқа шахслар (гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар ва бошқалар) апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга эмас.

Апелляция шикоятни объекти сифатида фақат биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, шу жумладан, давлат идораларининг, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идораларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги дарҳол ижро этилиши керак бўлган ҳал қилув қарорлари ҳам бўлиши мумкин (ХПКнинг 146-моддаси 5-қисми).

Дарҳол кучга кирадиган суд ҳужжатлари устидан апелляция шикоятни берилмайди. ХПК бундай қарорлар тоифасига Олий ҳужалик судининг назорат тартибидагина кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳал қилув қарорини ҳам киритади.

Апелляция шикоятни нафақат ҳужалик судининг тўлиқ ҳал қилув қарорига, балки қарорнинг бир қисмига, масалан, хулоса қисмига, ҳаражатларнинг тарафлар ўртасида бўлиш масалаларига тегишли, қарорларнинг бажариш тартиби ва муддатларига тегишли ҳамда ишни кўришда суд ҳал қилган бошқа масалаларга доир қисмига келтирилиши мумкин. Шикоятнинг мустақил предмети сифатида ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми ҳам юзга чиқиши мумкин. Бунда ишда баён қилинган хулосалар ва бошқа фактлар ишнинг моҳиятига кўра ҳал қилинишида таъсир ўтказган — ўтказмаганлиги муҳим эмас. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми устидан мустақил шикоят қилиш ҳуқуқи шу билан тулунтирилади. Қарорнинг хулоса қисми билан бирга фактлар ва томонларнинг ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмда келтирилган хулосалар ҳам кучга кирди, улар ишда қатнашувчи шахснинг обрў-эътиборига ноқулай таъсир кўрсатиши ёки бошқа ҳал қилув қарори чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар ХПКнинг 149-моддасига мувофиқ, чиқарилган қўшимча ҳал қилув қарори устидан ҳам апелляция шикоятни беришлари мумкин.

157-модда. Апелляция шикоятини кўрувчи ҳужалик суди

Апелляция шикоятини биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳужалик судининг апелляция инстанцияси кўради.

Апелляция шикоятни биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қиладиган хўжалик судининг апелляция инстанциясига киритилади. Масалан, иш биринчи инстанцияда Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилган бўлса, апелляция тартибида ҳам худди шу Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилади. Фақат бунда судьялар таркиби бошқа бўлишлари керак.

Биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилмаган хўжалик судига берилган апелляция шикоятни суд томонидан қабул қилинмайди.

Апелляция инстанциясида қарорнинг қонунийлиги ва асослиги коллегиял тарзда текширилади. Бунда суднинг таркибига уч ёки бошқа тоқ сонли судьялар киритилади, улар суд раиси томонидан белгиланади.

Агар объектив сабабларга кўра (рад қилиш тўғрисидаги талабларни қондириш, судьянинг ишни қайта кўришга қатнашмаслиги тўғрисидаги қонун талабини ҳисобга олиш ва бошқалар) ишни апелляция инстанциясида ушбу судда кўриш имкони бўлмаса, шунингдек апелляция шикоятни кўриб чиқиш учун судга тегишлилик қондасини бузган ҳолда қабул қилинган бўлса (ҳал қилув қарори қабул қилган судга эмас, бошқа судга берилган бўлса), иш ХПКнинг 33-моддасида кўзда тутилган тартиб бўйича бошқа хўжалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

158-модда. Апелляция шикоятини бериш муддати

Апелляция шикоятни хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилди.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш учун қонун томонидан ўрнатилган вақт апелляция муддати деб аталади.

Апелляция муддати иккита асосий мақсадга хизмат қилиши лозим: 1) апелляция шикоятни берган шахсларга ўзини судда ҳимоя қилиш; 2) уларга ўз яшаш жойидан апелляция суди жойлашган манзилга етиб келишига етарли вақт бериш керак.

Апелляция шикоятни хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилди. Апелляция шикоятни беришнинг бир ойлик муддати ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан кейинги кундан бошланади. Ҳал қилув қарори қабул қилинган кун деб у суд мажлисида эълон қилинган кун ҳисобланади. ХПКнинг 145-моддасига мувофиқ алоҳида ҳолатларда ўта мураккаб ишлар юзасидан суд мажлисида иш кўриб чиқиш тугагандан сўнг, ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисми эълон қилиниб, асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш уч кундан узоқ бўлмаган муддатта кечиктирилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳал қилув қарори қабул қилинган кун деб у эълон этилган кун ҳисобланади.

Қонун билан ўрнатилган бир ойлик муддат хўжалик суди томонидан қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин эмас. Апелляция шикоятни бериш муддатини утказиб юборган шахсларга хўжалик суди уни ўтказиш сабабларини узрли деб топса, тиклаб бериши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ишларда қатнашувчи шахсларнинг аризаси ХПКнинг 99-моддасида кўзда тутилган тартибда қабул қилинади ва ўқиб чиқилади. Хўжалик суди аризачининг талабисиз ўзи мустақил тарзда апелляция шикоятни бериш муддатини тиклаши мумкин эмас.

Амалиётда муддатни ўтказиб юборишнинг узрли сабаби сифатида масалан, (суд мажлисида узрли сабабга кўра қатнаша олмаган) тарафнинг суд ҳал қилув қарорини почта орқали анча кечикиб олганлиги, бунинг натижасида шикоятни қонунда кўзда тутилган муддатда бера олмаганлиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Апелляция шикоятни бериш муддатини тиклаш рад этилган тақдирда шикоят аризачига қайтариб берилади.

Апелляция шикоятни бериш муддати ўтганидан сўнг, апелляция ҳуқуқи ҳам йўқолади, натижада суд ҳал қилув қарори қонуний кучга киради, узил-кесил ҳисобланади ва апелляция шикоятни келтириб бўлмайди.

159-модда. Апелляция шикоятининг мазмуни

Апелляция шикоятида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят йўлланган хўжалик судининг номи;

2) шикоятни бераётган шахснинг номи;

3) устидан шикоят берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;

4) шикоят бераётган шахснинг талаблари ва аризачи ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;

5) шикоятга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати

Апелляция шикоятни шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божни тўланганлиги ва шикоят нухсалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

1. Апелляция шикоятни келтириш ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳал қилув қарори устидан шикоят келтиришдан, апелляция муддатига ривож қилишдан, шикоятни апелляция шикоятни қилиш ҳуқуқига эга шахс томонидан берилишидан ташқари яна бир қатор

шарт-шароитларга риоя қилиш керак. Булардан бири апелляция шикоятининг шарҳланаётган моддада келтирилган реквизитларга мос келишидир.

Апелляция шикоятида албатта суд ҳал қилув қарори устидан тўла ёки қисман шикоят қилинаётганлиги кўрсатилиши керак. Агар қисман шикоят қилинаётган бўлса, ҳал қилув қарорининг қайси қисмига, яъни суднинг қайси хулосаларига қўшилмаслиги кўрсатилиши керак.

Апелляция шикоятини тузишда унда келтириляётган важларнинг қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда далиллашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу далиллар, аризачининг фикрига кўра, суд томонидан ушбу ишни ҳал қилишда эътиборга олинмиши лозимлиги, аммо суд бунга эътиборга олмаган ёки нотўғри қўллаганлиги кўрсатилиши керак. Шунингдек, аризачи ишда бор бўлган ва қўшимча тақдим этилган далилларга ҳам суд эътиборини қаратиши керак.

Апелляция шикоятида шикоят бераётган киши томонидан нимани хоҳлаши — ҳал қилув қарорини ўзгартириш керакми — аниқ кўрсатилиши керак.

Агар шикоятда аризачининг талаблари асосланмаган бўлса ёки бу талаблар умумий шаклда ифодаланган (масалан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш сўралган) бўлса, бу апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилишга тўсқинлик қилмайди. Чунки, иш апелляция инстанциясида барибир тўла кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, апелляция шикоятида аризачининг, хусусан, уни бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоси, давлат божини тўлашни кечиктириш, узайтириш, даъвони таъминлаш, ишни янги далиллар билан тўлдириш тўғрисидаги сўровлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай илтимосномалар алоҳида аризада ҳам келтирилиши мумкин. У апелляция шикоятига қўшиб қўйилади.

Апелляция шикояти аризачи томонидан имзоланади. Агар шикоят ташкилот номи билан берилса, уни имзолайдиган шахснинг лавозими, мавқеи ҳақида маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Апелляция шикояти аризачининг вакили (адвокат, юрист консулт ва бошқалар) томонидан имзоланиши мумкин. Бундай ҳолатда шикоятта тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома (агар ушбу иш бўйича бундай ишончнома аввал берилган бўлмаса) тақдим этилади. Ишончномада ХПКнинг 52-моддасига мувофиқ вакилнинг ҳужалик суди ҳал қилув қарори устидан шикоят келтириш ҳуқуқи махсус кўрсатилган бўлиши керак. Агар шундай ишончнома ишда мавжуд бўлса, апелляция шикоятида унга ҳавола қилиниши керак.

2. Апелляция шикоятининг юқорида кўрсатилган реквизитлари унинг мазмунини, ички шаклини белгилайди. Ички шаклдан ташқари апелляция шикояти ташқи шаклга ҳам эга бўлиши мажбурийдир. У бузилган ҳолларда ариза эътиборсиз қолдирилади.

Булар жумласига қуйидагилар кирали:
 апелляция шикоятининг нусхаси ишда қатнашувчи бошқа шахсларга ҳам жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;
 давлат божи туланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар аризачи уни тўлашдан озол қилинмаган бўлса);
 агар ушбу иш бўйича аввал ишда бўлмаса, суд ҳужжати устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эга бўлган вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома,
 шикоятчи апелляция шикоятида баён қилган талабларни асослайдиган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар, агар улар биринчи инстанция судига тақдим этилган бўлмаса.

160-модда. Апелляция шикоятининг нусхасини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Апелляция шикояти бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

Агар ишда бир неча даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахслар қатнашаётган бўлса, апелляция шикоятининг нусхаси ва уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатлар нусхаси уларнинг ҳар бирига жўнатилади, чунки ишда қатнашувчи барча шахслар шикоятнинг мазмуни, ҳужжатлар билан танишишлари ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайёрланишлари керак.

Шикоят нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари жўнатилганлигини — агар улар буюртма ёки қимматли хат билан ёхуд телеграф орқали жўнатилган бўлса — почта квитанцияси тасдиқлайди; агар улар тегишли шаклдаги рўйхат бўйича жўнатилган бўлса, ундан даъвогар томонидан тасдиқланган ва почта бўлими қабул қилганини тасдиқловчи почта квитанциясининг рақами ва муддати курсатилган кўчирма тасдиқлайди; агар улар шахсан топширилган бўлса олувчининг лавозими, исми, фамилияси, отасининг исми ва олган пайти кўрсатилган дасхати тасдиқлайди.

161-модда. Апелляция шикояти юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятининг нусхасини олгач, унинг юзасидан уз ёзма фикрини ва ёзма фикрнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти кўриладиган кунгача етиб боришни таъминлайдиган муддатда ҳужжалик судига юборишга ҳақлидир.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ёзма фикрга аввал тақдим этилмаган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Бу ҳолда ёзма фикрга ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

1. Апелляция судида, биринчи инстанция суди каби, тортишув тамойили амал қилади, шунинг учун қонун ишда қатнашувчи шахсларга апелляция шикоятини олгандан сўнг, хўжалик судига, бошқа ишда қатнашувчи шахсларга апелляция шикоятига ёзма фикр йўллаш ҳуқуқини беради.

Демак, апелляция шикоятига ёзма фикр йўллаш мажбурият эмас, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқидир. Шу билан бирга суд бу шахсларга шундай ёзма фикр беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ёзма фикрни бермаслик, ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Шарҳланаётган моддада апелляция шикоятига бериладиган ёзма фикрга қўйиладиган талаблар кўрсатилмаган.

Намуна сифатида, ХПКнинг 119-моддаси қоидалари хизмат қилиши мумкин. Апелляция шикоятига ёзма фикр қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: 1) ёзма фикр жўнатилаётган хўжалик судининг номи; 2) шикоят берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган кун, нисонинг сабаби; 3) агар аризачининг талаблари рад қилинаётган бўлса, талабларни тўла ёки қисман рад қилинишига қонун ҳужжатларига асосланган сабаблари шунингдек эътирозларни асословчи далиллар; 4) ёзма фикрга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати; 5) шунингдек, ёзма фикр берувчи шахсда мавжуд бўлган бошқа маълумотлар.

2. Ёзма фикрни иш материалларига қўшиш учун у ваколатли шахс томонидан имзоланган бўлиши керак. Айни пайтда, ташкилот номидан йўлланаётган ёзма фикр уни имзолаган шахснинг мансаб мавқеи ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлиши керак.

ХПК ёзма фикрни ишда қатнашувчи шахсларнинг вакиллари имзоланишига ҳам ҳуқуқ беради, бунда улар ишни хўжалик судида олиб бориши учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиши керак. Бунда даъвони тан олиб ёзма фикр берган ва имзолаган вакилнинг ишончномада бундай ҳаракат қилишга ҳақли экани тўғрисида махсус кўрсатма бўлиши керак. Агар ишда бундай ишончнома мавжуд бўлса, уни кўрсатиш кифоя.

162-модда. Апелляция шикоятини қайтариш

Судья апелляция шикоятини қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикояти имзоланмаган ёхуд уни имзолаганга ҳуқуқи

булмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) апелляция шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божни тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёки илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома берилмаган бўлса;

5) апелляция шикояти иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга юборилгунга қадар шикоят берган шахсдан аризани қайтариб олиш тўғрисида ариза тушса.

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш мумкин.

Шикоят берган шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин ҳўжалик судига апелляция шикояти билан умумий тартибда яна мурожаат қилишига ҳақли.

Шарҳланаётган моддада апелляция шикоятини қайтаришга асос бўладиган ҳолатлар қатъий кўрсатилган. Шикоятни қонунда кўрсатилмаган бошқа асосларга қўра қайтариш мумкин эмас.

Ҳўжалик судига берилган апелляция шикоятини қонун бўйича ёки таъсис ҳужжатларига биноан юридик шахсларнинг мансабдор шахслари (масалан, ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосарлари); тадбиркор фуқаролар; шунингдек, юридик шахснинг ёки тадбиркорнинг вакиллари имзолаши мумкин. Вакилнинг ваколатлари тегишли тартибда ишончнома билан расмийлаштирилиши керак. Ишончнома апелляция шикоятига илова қилиниши лозим.

Судья апелляция шикоятини қўйидаги ҳолларда қайтаради:

— агар у имзоланмаган бўлса ёки имзоланишга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса ёки лавозими кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

— агар унда имзоланиш учун вакил қилинган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинмаган бўлса, илова қилинган бўлса-ю, унинг ҳаракат қилиш муддати ўтиб кетган бўлса ёки қонунда кўзда тутилган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса.

Апелляция шикояти ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган шароитда ҳам қайтарилади.

Судья апелляция шикоятини ўрнатилган тартиб ва миқдорга кўра давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоснома бўлмаса ёки бундай илтимоснома рад қилинган бўлса, бундай ҳолларда ҳам қайтаради.

Давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикоятига қўшиб топширилади. Акс ҳолда илтимоснома кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Кўрсатилган илтимоснома суд томонидан ишда иштирок этувчи тарафларни хабардор қилмасдан кўрилади. Илтимосномани қондириш ҳақида апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади, рад қилиш ҳақида эса шикоятни қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади. Шу билан бирга илтимосномани кўриб чиқиш натижалари ҳақида суд алоҳида ажрим чиқариши ҳам мумкин.

Судья апелляция шикоятини ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 4-бандида кўзда тутилган асосларга кўра ҳам қайтариши мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзида иккита шартга риоя қилиш керак; 1) агар шикоят апелляция шикояти қилиш муддатидан ўтказиб берилган бўлса; 2) агар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома берилмаган бўлса.

Агар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома бўлса, шикоят судья томонидан қабул қилиниши ва суднинг апелляция инстанциясига берилиши керак. Судья эса шикоятни моҳиятан кўргунича ушбу илтимосномани қондириш ёки рад этиш масаласини ҳал қилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги аризани судьянинг яқка ўзи кўриб чиқади.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 5-бандига мувофиқ апелляция шикояти у ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга жўнатилганидан олдин шикоят берган шахс томонидан уни қайтариб олиш ҳақида ёзма ариза тушганда қайтариб берилади. Бунда апелляция шикояти кўриб чиқиш учун қабул қилингани ҳақида ажрим ҳали чиқмаган бўлиши керак. Шикоятни қайтариб олишнинг сабаби асослангирилиши талаб этилмайди.

Шикоятни қайтариб олиш юридик жиҳатдан уни берилмаганлигига тенгдир. Шунинг учун, апелляция муддати ичида янги апелляция шикояти бериш имкони сақлаб қолинади. Берилган янги шикоят умумий асосларда қайтариб олиниши ҳам мумкин.

2. Апелляция шикоятини қайтариб бериш ҳақидаги ажримни апелляция инстанциясининг судьяси яқка ўзи чиқаради. Бироқ, қонун тегишли масалаларни суд томонидан кўриб чиқишишни назарда тутган ҳолда, ушбу масалани коллегия тарзда кўриб чиқиши ҳам мумкин.

Апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим устидан касация шикояти берилиши мумкин. Уни берган шахснинг касация инстанциясига мурожаат қилиш ҳуқуқи шикоят ХПК талабларига

зид тарзда ажрим билан эмас, хат билан қайтарилганда ҳам сақла-
ниб қолинади.

Ажрим бекор қилинганда, апелляция шикоятни у билан илк бор
хужалик судига мурожаат қилинган кунда қабул қилинган ҳисобланади.

Апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим ишда ишти-
рок этувчи шахсларга буюртма хат билан у чиқарилган кундан
кейин беш кунлик муддат ичида жўнатилади ёки дастхат билан
худди шу муддатда қўлларига топширилади.

3. Шикоятни қайтариш асослари бир хил эмас, шунинг учун
ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 1-3-бандларида кўзда тутилган асос-
лар бўйича қайтарилган шикоятлар санаб ўтилган бандларда кўрсатил-
ган камчиликлар тугатилганидан сўнг, бир ойлик муддат ичида
яна хужалик судига бериш ҳуқуқини кўзда тутати. Агар муддат уз-
рли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоят қилувчи
шахснинг аризасига биноан тикланиши мумкин.

Агар апелляция шикоятни ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 4-бан-
дида кўрсатилган асосга кўра қайтарилган бўлса, уни қайта хўжа-
лик судига бериш мумкин эмас.

Кодексда апелляция шикоятини қайтариш муддати кўрсатилмаган.

Шунга қарамасдан, 21-боб моддаларини изчил шарҳлаш шундай
хулосага олиб келадики, судья тегишли асосларни топганидан сўнг
шикоятни тезда қайтариши керак, чунки яна апелляция шикоятни
билан қайта мурожаат этиш ҳуқуқи таъминланиши лозим.

Апелляция шикоятни қайтарилганда, тўланган давлат божи қай-
тариб берилиши керак. Қайта берилган апелляция шикоятни учун,
агар биринчи марта шикоят қилганда тўланган бож бюджетдан
қайтариб олинмаган бўлса, қайта бож тўланмайди.

163-модда. Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғри- сидаги ажрим

*Судья апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғриси-
да ажрим чиқаради.*

Ажримда апелляция шикоятини кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

*Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маъ-
лум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.*

1. Апелляция шикоятни судья томонидан иш юритиш учун апел-
ляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга шахс томонидан берилганида;
апелляция шикоятни қилиниши мумкин бўлган қарор устидан бе-
рилганда; кўриш ваколатига эга бўлган хўжалик судига берилганда;
шикоятни қайтариш учун асос бўладиган камчиликлар бўлмаганда
қабул қилинади.

Апелляция шикоятни иш юритиш учун қабул қилинганда, агар
у хато билан қабул қилинган бўлса ҳам, аризачига қайтарилиши

мумкин эмас. ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 5-бандида кўзда тутилган ҳол бундан мустаснодир.

Апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилиш ҳақидаги ажримни, қоида тариқасида, судья якка ўзи қабул қилади.

2. Апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилгач, судья ишни судда кўришни тайинлайди, унда мажлисининг вақти ва жойини кўрсатади (ХПКнинг 163-моддаси), худди шу ажримда судья ишни суд мажлисида кўриш учун зарур бўладиган ҳаракатларни ҳам кўрсатиши мумкин. Бироқ, судья ишни судда кўриш учун тайёрлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқариши учун қонунда ҳеч қандай монелик йўқ.

3. Ажрим ишда қатнашувчи шахсларга беш кунлик муддат ичида топширилганлиги маълум қилинадиган букюртма хат орқали юборилади ёки худди шу муддат ичида дастхат орқали қўлига топширилади.

164-модда. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш апелляция инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишни биринчи инстанция хужалик судида кўриб чиқиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

Апелляция инстанциясида иш юритиш хужалик судлов ишларини юритишнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун, апелляция инстанциясида ишни биринчи инстанция хужалик судида кўриб чиқиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади, бунда апелляцияни кўриб чиқишнинг моҳиятидан келиб чиқадиган айрим истиснолари бўлиши мумкин.

Апелляция шикоятини кўриб чиқишда ХПКнинг 122-124, 126-134-моддаларида кўрсатилган ишни биринчи инстанция хужалик судида кўриб чиқишни тартибга солувчи меъёрлар қўлланилади. Процессуал ҳужжатлар ХПКнинг 121-моддаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жўнатилади.

Биринчи инстанция судидан фарқли ўлароқ, апелляция суди барча ишларни коллегиял тартибда кўриб чиқади, бунда қоида тариқасида суд расиси ёки унинг ўринбосари ёхуд бирор судья расислик қилади (ХПКнинг 15-моддаси).

Суд мажлиси коллегиял суднинг фаолият шакли сифатида хужалик низосини очиқ кўриш учун махсус мўжалланган залларда ўтказилиши керак. Бунда маълум маънода тантанаворлик ва тегишли расм-русумларга риоя қилиниши лозим.

Суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди. Шунга қарамай, суд кўриб чиқиладиган ишнинг характери ва ўзига хосликларидан келиб чиқиб ва қатнашувчининг етиб келмагани сабабларини ҳисобга олиб, ишни кўришни қолдириши мумкин.

Суд мажлиси уч ўзаро бир-бирига боғлиқ босқичдан иборат: 1) тайёрлов босқичи; 2) апелляция шикоятини кўриб чиқиш босқичи; 3) апелляция қарорини чиқариш ва эълон қилиш босқичи.

Тайёрлов босқичида суд қуйидагиларни бажариши керак: ишни ишда иштирок этувчи тарафларнинг иштирокисиз кўриш имконияти масаласини ҳал этиш; ишда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда улар баён қилган илтимосномаларни ҳал этиш, шунингдек ХПКнинг 126-моддаси кўзда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш раислик қилувчининг ёки суд аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Қоида тариқасида, ишни ўрганган ва судда кўриш учун тайёрлаган судья маъруза қилади. Маъруза — бу тарафлар биринчи инстанция судида олдинга сурган талаблар ва далиллар мазмуни, апелляция шикояти, шунингдек унга илова қилинган ҳужжатлар мазмунини тушунтириш демакдир.

Маърузадан сўнг биринчи бўлиб, апелляция шикоятини берган шахс сўзга чиқади. Агар ҳал қилув қарори устидан икки тараф ҳам шикоят қилаётган бўлса, биринчи бўлиб даъвогарга сўз берилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, суд улар тақдим этган ёки суд ўз ташаббусига кўра талаб қилган қўшимча материаллар билан танишиши керак.

Ишда иштирок этувчи шахсларни эшитганидан ва қўшимча материаллар билан танишганидан сўнг суд маслаҳатхонага қарор қабул қилиш учун кетади.

Қарор раислик қилувчи томонидан ёзма тарзда баён қилинади ва қарор қабул қилишда қатнашаётган барча судьялар томонидан имзоланади. Судьялар томонидан қабул қилинган қарор суд залида ошқора эълон қилиниши керак. Бу қоида амалда мажлис ҳақида хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаса қўлланилмайди.

Апелляция инстанциясида ишни кўриб чиқиш тартиби биринчи инстанция судида ишни кўриш тартиби учун белгиланган қоидаларга кўра ўтказилишини ҳисобга олиб, апелляция судида ҳам суд мажлисининг баённомасини ёзиб бориш мажбурийлиги ҳақидаги қоида қўлланиши керак.

Баённома ХПКнинг 134-моддасида кўзда тутилган тартибда тузилади ва уни раислик қилувчи ва котиб суд мажлисидан кейинги кундан кечиктирмасдан имзолаши керак.

2. Қуйидаги фақат биринчи инстанция учун ўрнатилган қоидалар апелляция инстанциясида қўлланилмайди: ишни куриш учун хакамлар судига бериш (ХПКнинг 25-моддаси); бошқа жавобгарни жалб этиш (ХПКнинг 37-моддаси 2-қисми); ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш (ХПКнинг 38-моддаси); даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш (ХПКнинг 40-моддаси 1-қисми); ни-

зонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган шахсларнинг ишга киришуви (ХПКнинг 41-42-моддалари); қарши даъво тақдим этиш (ХПКнинг 120-моддаси).

Бироқ иккинчи инстанцияда бу қоидаларни қўллашнинг ман этилиши мутлақ характерга эга эмас.

Масалан, агар апелляция шикоятни ишда иштирок этувчи сифатида жалб этилмаган, бироқ суд унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор қарор чиқарган шахслар томонидан берилган бўлса, ишга учинчи шахсларнинг киритмаслик, ишга дахлдор бўлмаган томонларни алмаштирмаслик тўғрисидаги қоидалар қўлланмаслиги керак, чунки акс ҳолда бундай шахс қатнашган иш кўрилмаслигига тўғри келади, яъни бу шахс алоҳида бундай қарор устидан апелляция шикоятни қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Санаб ўтилган таъқиқлар апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг тегишли илтимосномани кўриб чиқмаганликда ёки ишда иштирок этувчи шахсга бундай илтимоснома қондиришни рад қилганликда кўринган ҳаракатларини ноқонуний деб тошган ҳолатларда ҳам қўлланилмайди.

165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш

Апелляция шикоятни берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни қабул қилганда, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади.

Ҳўжалик суди апелляция инстанциясида иш юритишни тугатганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

Апелляция шикоятини берган шахс: а) ариза берилгандан бошлаб ҳўжалик суди уни қабул қилгани ҳақидаги ажримни ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатгунча — шикоятни қайтариб олини; б) кўрсатилган ажрим жўнатилганидан то апелляция инстанцияси қарор чиқаргунча — шикоятдан воз кечиш ҳуқуқига эгадир. Бунда аризачи апелляция шикоятидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

Шикоятдан воз кечиш ёзма равишда ёки, агар суд мажлиси давомида бўлса, оғзаки бўлиши мумкин. Оғзаки эълон қилинганда, воз кечиш суд мажлиси баённомасига киритилади.

2. Ҳўжалик суди апелляция шикоятидан воз кечиш қонунчиликка зид бўлганда ёки бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини поймол этганда уни қабул қилмайди. Бундай ҳолатларда суд ишни моҳиятан кўриб чиқади.

3. Шикоятдан тўлиқ воз кечилганда апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади. Аммо аризаچи апелляция шикоятидан қисман воз кечганда иш юритиш тугатилмайди.

Қарор устидан ишда иштирок этувчи бир неча шахслар шикоят қилганда ҳам бир шахснинг уз шикоятидан воз кечиши апелляция инстанциясида иш юритишни тугатишга асос бўлмайди. Агар бу шахслар берилган апелляция шикоятига қўшилган бўлсалар уларга нисбатан иш юритиш тугатилиши керак, чунки қўшилиш асосий апелляция шикояти мавжудлигини тасдиқлайди ва бу шикоятга қўшилган шахснинг қонунда белгиланган муддат ичида алоҳида шикоят бериш ҳуқуқидан фойдаланмаганлигини асословчи ва шартловчи ҳолат ҳисобланади.

4. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Суд томонидан апелляция шикоятидан воз кечишнинг қабул қилиниши, воз кечган шахснинг иккинчи бор шикоят билан мурожат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Аммо бу шикоят билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган, уни расийлаштириш талабаларига, бериш муддат ва тартибларига риоя қилган ҳолда муурожаат қилган бошқа шахслар апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилишга монелик қилмайди.

Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш биринчи инстанция судининг шикоят қилинган ҳал қилув қарори тақдирига таъсир қилмайди. У ўзгаришсиз қонуний кучга киради.

166-модда. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси

Ҳўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича ишни қайта кўради. Агар аризаچи қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа, ҳўжалик суди қўшимча далилларни қабул қилади.

Суд апелляция шикоятида баён этилган вазслар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширади.

Иш биринчи инстанцияда кўрилганда тақдим этилмаган янги талаблар апелляция инстанциясида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

1. Апелляция инстанциясида ишни кўриш чегаралари деганда биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини текшириш ҳажми тушунилади.

Авалги ХПК бўйича ҳам, янги ХПК бўйича ҳам шикоят тўла ҳажмда текширилади.

Ишни тўла ҳажмда кўрар экан, апелляция инстанциясининг

суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини шикоят қилинган қисмига нисбатан ҳам, шунингдек шикоят бермаган шахсларга нисбатан ҳам текширади.

Апелляция инстанцияси ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим қилинган далиллар асосида биринчи инстанция суди томонидан аниқланмаган ёки рад қилинган фактларни аниқлаши, ишни қайта кўриб чиқиши, уни мазмунан ҳал қилиши мумкин ва лозим.

Шунинг учун апелляция шикоятда кўрсатилганидан ташқари қўшимча далилларни суд жараёнининг қарор қабул қилишгача бўлган исталган босқичида тақдим этиш мумкин.

Қўшимча далилларни тақдим этишга ёки уларни апелляция инстанцияси судида кўришга уларни биринчи инстанция судига тақдим этиш имконияти бўлмагани апелляция шикоятда асосланган бўлган тақдирда йўл қўйилади. Биринчи инстанция судига қўшимча далилларни тақдим этишнинг шикоятчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра имконияти бўлмагани ҳолатлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

далиллар иш биринчи инстанция судида кўрилатганда мавжуд бўлган, аммо уларни тақдим этувчи шахс уларнинг мавжудлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган;

далиллар иш биринчи инстанция судида кўрилатганда мавжуд бўлган, уларни тақдим этувчи шахс билган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тақдим эта олмаган;

қўшимча далиллар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори чиқарилганидан сўнг пайдо бўлган;

биринчи инстанция суди суд жараёнида ишнинг ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган далилларни нотўғри рад қилган;

биринчи инстанция суди ишнинг ҳал қилинишида аҳамиятга эга бўлган далилларни тадқиқ этишни (экспертиза ўтказишда, гувоҳни чақиринида, суд топширигини юборишда, далилларни талаб қилиб олишда ва бошқаларда) асоссиз рад қилган.

Қўшимча далилларни тақдим этиш тўғрисидаги ариза оғзаки тарзда (суд мажлисида оғзаки илтимос қилиш) ҳам, ёзма тарзда ҳам (апелляция шикоятда, ёзма илтимоснома орқали) амалга оширилиши мумкин.

Қўшимча сифатида ёзма далиллардан, экспертлар хулосасидан, гувоҳлар кўрсатмасидан, ишда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришларидан фойдаланиш мумкин.

Қўшимча далиллар ишнинг апелляция судида кўрилгунча ҳам, ишни кўриш пайтида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Далиллар биринчи инстанция судида тарафнинг айби билан кўриб чиқилмаган ёки унинг эҳтиётсизлиги туфайли тақдим этилмаган бўлса, ишга қўшилмайди.

Қўшимча далиллар тўғрисида қарши тараф апелляция шикоятида қонунда белгиланган муддатда хабардор қилинган бўлиши лозим.

Амалиёт шуни курсатадики, судлар учун биринчи инстанция судига қўшимча далилларни тақдим этмасликнинг сабаблари узрли эканини баҳолашгина эмас, бу далилларнинг қўшимча далиллар эканини квалификация қилишнинг ўзи ҳам маълум қийинчиликларни туғдиради. Масалан, апелляция судига ишдаги нусхаларига мослигини текшириш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асли қўшимча далил ҳисобланмайди. Бу ҳужжатлардаги маълумотлар аллақачон биринчи инстанция судида текшириш ва баҳолаш предмети бўлгандир.

Қўшимча далиллар апелляция шикоятини берган шахс томонидан ҳам, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳулосага келиш асосида ХПК 21-боби моддаларини систематик тарзда шарҳлашгина эмас, ҳўжалик судида иш юритишнинг асосига қўйилган тарафларнинг тенглиги ва тортишув тамойиллари ҳам ётади.

2. Суд шикоятнинг важлари билангина чекланмагани учун, у ишни кўриб чиқиш натижасида шикоятчи ўз шикоятида илтимос қилганидан бошқача қарор қабул қилиши ҳам мумкин.

Санаб ўтилган ҳолатлар, айни пайтда, апелляция инстанциясининг фаолияти берилган шикоятга умуман боғлиқ эмас, деган ҳулосани билдирмайди. Биринчидан, апелляция шикоятидан воз кечиш иккинчи инстанцияда иш юритишнинг тугатилишига олиб келади, иккинчидан, апелляция инстанцияси шикоятда мавжуд бўлган важларни чуқур ўрганиши, уларни таҳлил этиши ва иш материаллари ва қўшимча тақдим этилган материаллар билан таққослаши ва чиқарадиган қарориди кўрсатилган важларни жавобсиз қолдирмаслиги лозим.

3. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанциясида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Ушбу ҳолатда янги талаблар деганда: биринчидан, биринчи инстанцияда кўрилмаган талаблар, иккинчидан, биринчи инстанция судида иш кўрилишида иштирок этмаган шахсга қўйилган талаблар (масалан, даъво аризасида жавобгар сифатида кўрсатилмаган шахсга қўйилган талаблар) тушунилади.

Агар талаб биринчи инстанцияда кўрилган бўлса, бироқ у бўйича нотўғри тарзда қарор чиқарилмаган бўлса, бундай талаб апелляция инстанциясида кўриб чиқилиши мумкин.

Даъво талабларининг ўхшашлиги низоли ҳуқуқий муносабатларнинг асосларига, предметиға ва тарафларига кўра аниқланади.

Янги талабларнинг қабул қилиниши ва кўриб чиқилишининг ман этилишини таъминлаётиб, янги ХПК апелляция инстанциясида даъво асоси ва предметининг, шунингдек, даъво талабларининг ҳажми ўзгартирилишига, тегишли бўлмаган тарафнинг алмаштирилишига, бошқа жавобгарнинг жалб этилишига, ишга учинчи шахсларнинг киришувига йўл қўймайди.

Янги илтимоснома ҳамиша ҳам янги талаб бўлавермайди. Масалан, апелляция шикоятини берган шахс иккинчи инстанция судида гувоҳларни сўроқ қилишни, даъвони таъминлашни, далилларни текширишни илтимос қилади — бу янги илтимоснома, аммо даъво талаби эмас, шунинг учун бунга апелляция инстанциясида йўл қўйиш мумкин. Шу муносабат билан, масалан, гувоҳларга асосланиш илк марта апелляция инстанциясида қилинаётгани учун рад қилиниши мумкин эмас.

167-модда. Апелляция шикоятини кўриш муддати

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Апелляция шикоятини кўриш учун ажратилган бир ойлик муддат тикланмайди ва уни чўзишга йўл қўйилмайди.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддатининг ҳисобланиши, тугаши ва тўхтатилиши ХПКнинг 96-98 моддаларида баён қилинган қондаларга кўра амалга оширилади.

Бир ойлик муддатнинг ҳисобланиши апелляция шикоятининг тегишли хужалик судига келиб тушиши санасидан бошланади.

Апелляция шикоятининг келиб тушиш кuni унинг тегишли хўжалик судида рўйхатга олинган санасига қараб аниқланади.

168-модда. Апелляция инстанциясининг ваколатлари

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач:

1) суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга, шикоятни эса қаноатлантirmасликка;

2) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

1. Апелляция инстанцияси ўзи текшираётган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига нисбатан муайян ҳажмдаги процессуал ваколатларга эга бўлиши керак.

Апелляция инстанцияси судининг ваколатлари деганда апелляция судининг апелляция шикояти бўйича текширилаётган, ҳали қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорига нисбатан қонун би-

лан ўрнатилган процессуал ҳаркатларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқларининг мажмуи тушунилади.

Шарҳланаётган модда апелляция инстанцияси ваколатларининг аниқ рўйхатини кўрсатиб берган.

Агар апелляция суди ишни куриш давомида биринчи инстанция суди ишдаги барча ҳолатларни тўла ва тўғри текширгани ва баҳолаганини, аниқланган фактларга нисбатан ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаганини аниқласа, у биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоятни эса қаноатлантирмасликка ҳақлидир.

Агар апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўриш давомида янги фактик ҳолатлар аниқланса, иш бўйича янги далиллар таҳлил этилса, бошқа ҳуқуқий норма қўлланилса, иккинчи инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиши ва иш бўйича янги қарор қилиши мумкин. Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг мазмунан акси бўлган қарор янги ҳисобланади. Масалан, биринчи инстанция суди жавобгардан 250 минг сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Апелляция шикоятини кўриб чиққан иккинчи инстанция суди даъвони рад этиш керак, деган хулосага келди. Даъвони рад этиш ҳақидаги қарор янги ҳисобланади, чунки у мазмунига кўра биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг аксидир. Янги қарор қабул қилиш ҳуқуқи иккинчи инстанция судига тегишли бўлиб, у иш апелляция инстанциясига кимнинг шикояти бўйича тушганлигига боғлиқ эмас. Янги қарор апелляция шикояти берган шахснинг ҳолати ёмонлашувиغا олиб келиши ҳам мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг ҳал қилув қарорини ўзгариш ҳуқуқи ҳам янги қарор қабул қилиш ҳуқуқини берган шартлар асосида юзага келади. Хусусан, ҳал қилув қарорини ўзгаришга ундириладиган маблағ миқдорини кўпайтириш ёки камайитириш ҳолати сабаб бўлиши мумкин.

Апелляция суди ҳал қилув қарорини тўлалигича ёки қисман бекор қилиши ва шикоятни кўрмасдан қолдириши ёки ишни юритишни тугатиши мумкин.

Биринчи инстанция суди ХПКнинг 86, 88-моддаларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўлгани ҳолда иш юритишни тугатмаган ёки даъвони кўрмасдан қолдирмаган бўлса ва ишни мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай қарорни тўла ёки қисман бекор қилиши ҳамда ишни юритишни тугатиши ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдириши лозим.

Масалан, агар биринчи инстанция суди ишда иштирок этмаган, якка тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, низо уларнинг иштирокисиз кўрилиши мумкин эмас, бундай ҳал қилув қарори ХПКнинг 170-моддаси 2-қисми 4-бандига биноан

бекор қилиниши, ишни юритиш ХПК 86-моддаси 1-бандига мувофиқ тугатилиши керак.

Иш юритишни иккинчи инстанцияда юзага келган асосларга кўра тугатиш тарафлар иккинчи инстанция судида келишув битимига келганда ва у суд томонидан тасдиқланганда мумкин. Айти пайтда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонунийлиги ва асослантирилганлигидан қатъи назар бекор қилиниши лозим, иш юритиш эса тугатилиши керак (ХПК 86-моддасининг 7-банди, 132-моддасининг 2-қисми).

2. Апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини ХПКнинг 170-моддаси 2-қисмида кўрсатилган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши сабабли бекор қилиб, ишни қайта кўриш учун биринчи инстанция судига қайтаришга ҳақли. Масалан; суд ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса, апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юборди.

3. Апелляция шикоятни хўжалик судига келиб тушгач, судья шикоятнинг қонун талабларига мувофиқлигига қараб, уч хил ҳаркат қилиши мумкин: а) агар шикоят апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса ёки апелляция шикояти бериш мумкин бўлмаган қарор устидан берилган бўлса ёхуд бу шикоятни кўришга ҳақли бўлмаган судга берилган бўлса, судья шикоятни қабул қилмайди; б) судья апелляция шикоятини қайтарди; в) судья апелляция шикоятини иш юритиш учун қабул қилади.

Агар апелляция инстанциясида иш юритиш нотўғри қўзғатилган бўлса, иккинчи инстанция суди ХПК 86, 88-моддалари нормаларини апелляция инстанциясининг вазифаси ва ваколатларига монанд тарзда қўллаши мумкин. Биринчидан, ХПКнинг 86, 88-моддаларида санаб ўтилган барча асослар ҳам қўлланавермайди. Иккинчидан, бундай қўллашнинг натижасида иш бўйича эмас, фақат апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади, ва даъво эмас, фақат шикоят кўришмай қолдирилади.

Апелляция шикоятини суд томонидан иш юритиш учун нотўғри қабул қилинганидан далолат берадиган ҳолатлар тузатса бўладиган ва тузатилмайдиган ҳолатларга бўлинади.

Масалан, агар ХПКнинг 162-моддаси 1-қисми 2, 3-бандларида кўзда тутилган апелляция шикоятини қайтариш асослари шикоят иш юритишга қабул қилинганидан сўнг аниқланса, иш мазмунан кўрилиши керак. Зарур бўлганда ишни кўриш шикоят нусхаларини ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга жўнатиш учун кечиктирилиши мумкин. Давлат божини қарор қабул қилинаётганда ундириш мумкин.

Агар шикоят имзоланмаган бўлса ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса ёки имзолаган шахс-

нинг мансаб мавқеи кўрсатилмаган бўлса, бундай камчиликлар шикоятчи томонидан тузатилиши мумкин. Агар бу камчиликлар тузатилмаса, шикоятни ХПКнинг 88-моддаси 3-қисмига асосланиб, кўрмасдан қолдириш лозим.

Бошқа оқибатлар шикоят уни қабул қилмаслик ёки қайтариш учун асослар мавжудлигига қарамасдан суд томонидан иш юритиш учун қабул қилинганда ва бу ҳолатлар ўз характериға кўра тузатилмайдиган бўлганда (шикоят бунга ҳақли бўлмаган шахс томонидан берилган ёки устидан шикоят қилиниши мумкин бўлмаган қарор устидан берилган бўлса) юзага келиши керак. Бундай ҳолатда умуман апелляция инстанциясида иш юритиш учун асос йўқ.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли — ХПКнинг 86-моддаси 1-қисмига асосланиб, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатишдир.

Апелляция инстанциясида иш юритишни давом эттириш имкони йўқлигидан далолат берувчи ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкин: ишда ишгирик этувчи шахс — ташкилот тугатилган; ишда ишгирик этувчи шахс — фуқаро вафот этган ҳамда низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса (ХПК 86-моддасининг 4, 5-бандлари). Бундай ҳолатларда ХПК 86-моддасининг кўрсатиб ўтилган бандлари асосида апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш ёки апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилганда ёки апелляция шикоят кўрмасдан қолдирилганда суднинг устидан шикоят қилинган ҳал қилув қарори у қабул қилинганидан кейин ўтган бир ойлик муддатдан сўнг ўзгаришсиз қонуний кучга киради.

Апелляция шикоятининг кўрмасдан қолдирилиши шикоят қилиш учун белгиланган муддат ичида ва шикоят бериш шакли ва тартибига доир талабларга риоя қилган ҳолда қайта судга мурожаат қилишига монелик қилмайди.

169-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Қуйидагилар хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;*
- 2) хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;*
- 3) ҳал қилув қарориди баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;*
- 4) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.*

Хужалик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши — бу апелляция инстанцияси суди томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракат бўлиб, биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриб чиқарган ҳал қилув қарорини ҳақиқий эмас деб топигиша йўналтирилгандир.

Ҳал қилув қарорини ўзгартириш деганда унга киритилган, аммо биринчи инстанция судининг ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир сўнгги хулосаларига таъсир этмайдиган тузатишлар тушунилади.

Кўрсатилган процессуал ҳаракатлар апелляция инстанцияси суди томонидан қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Барча санаб ўтилган хўжалик суди ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ҳал қилув қарорининг ноқонунийлиги ва асослантилмаганлигига келиб тақалиши мумкин. Ноқонунийлик ва асослантилмаганлик тушунчалари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд.

Қонунни бузган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори асослантилган ҳисобланиши мумкин эмас, асослантилмаган қарор — қонуний ҳисобланмайди. Шу билан бирга, чамбарчас боғлиқлик бўлишига қарамай, бу тушунчаларнинг ҳар бири юридик фанда ва амалиётда ўз мазмунига эга мустақил тушунча сифатида қаралади.

Ишнинг фактик ҳолатлари нотўғри аниқланган ҳал қилув қарори асослантилмаган ҳисобланади. Улар турли шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги қўйидагиларнинг оқибати бўлиши мумкин:

ушбу иш бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатлар доирасининг суд томонидан нотўғри белгиланиши (исботланиш предмети);

ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган далилларнинг тўлиқ ҳажмда ўрганилмаганлиги;

суд томонидан ХПКнинг 55, 122 моддаларида кўзда тутилган қўшимча далилларни жалб этиш имкониятидан фойдаланилмаганлиги;

суд томонидан ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳамда иш якуни учун аҳамиятли бўлган далилларнинг судловдан нотўғри четлаштирилиши;

иш учун аҳамиятли бўлган далилларни таҳлил этишдан суднинг асоссиз бош торгтанлиги (масалан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг далилларни талаб қилиб олиш талабини рад қилиш, экспертиза ўтказиш, гувоҳларни чақириш ҳақидаги илтимосномасини қондиришни рад этиш ва ҳақозо);

2) суд аниқланган деб топган иш учун аҳамиятли далилларнинг исботланмаганлиги қўйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

ҳал қилув қарори рад этилган ёки бошқа далиллар билан исботланмаган далилларга асосланган бўлса;

ҳал қилув қарори асосланган далиллар қонунга хилоф равишда олинган, нотуқис, сифатсиз, ҳаққоний эмас бўлса;

ҳал қилув қарори дахлдорлик ва далилларга йўл қўйиш талабларига жавоб бермайдиган далилларга асосланган бўлса;

3) ҳал қилув қарориди баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги қўйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин: суднинг хулосалари суд мажлисида тадқиқ этилган далиллар билан тасдиқланмаса;

суд ўз хулосаларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

суднинг ҳал қилув қарори асослантирилмаган бўлса;

суднинг ҳал қилув қарориди баён қилинган хулосалари қарорнинг қонунийлигига таъсир қилган ёки қилиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса.

Ноқонуний деб ҳўжалик судининг моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши натижасида чиқарилган ҳал қилув қарори тушунилади.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қўйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

агар суд қўлланилиши керак бўлган қонунни қўлламаган бўлса;

агар суд қўлланилиши мумкин бўлмаган қонунни қўллаган бўлса;

қўлланилган қонунни нотўғри талқин қилган бўлса.

Айни пайтда дастлабки икки асос ўзаро боғлиқдир, чунки қўлланилиши мумкин бўлмаган қонунни қўллаш, қоида тариқасида, айни пайтда қўлланилиши керак бўлган қонунни қўлламаганликни ҳам билдиради.

Қўлланилиши керак бўлган қонунни қўлламаслик шундай ҳолларда юз берадики, унда суд нафақат ўз ҳал қилув қарориди қўлланилиши керак бўлган моддий ҳуқуқ нормаларини кўрсатмайди, балким ишни амалдаги қонунчиликка хилоф равишда ҳал этади. Ушбу қонунбузарлик билан апелляция инстанцияси суди суд бекор қилинган қонунни қўллаган ёхуд қонунга хилоф бўлган қонунчилик ҳужжатларини қўллаган ҳолларда ҳам дуч келиши мумкин.

Тегишли бўлмаган қонунни қўллашнинг моҳияти шундаки, унда суд ишни ҳал этишда низоли муносабатни тартибга солувчи нормаларга асосланмайди. Бундай қонунбузарлик, қоида тариқасида, тарафларнинг муносабатларини нотўғри квалификация қилиш туфайли юз беради.

Суд томонидан қонунни нотўғри талқин этиш шундай ҳолларда юз берадики, унда қўлланилиши керак бўлган қонун қўлланади, ammo унинг мазмуни ва моҳияти нотўғри тушунилади, натижада суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри хулосага келади.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши аҳамиятли бўлиб, қоида тариқасида, ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига олиб келади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши натижасида чиқарилган ҳал қилув қарори ҳам қонуний эмасдир. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши хўжалик судлов жараёнида ҳаммиша ҳам ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига олиб келавермайди.

170-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши

Агар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, бу ҳал ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади, агар:

1) иш суд томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) суд ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир;

5) ҳал қилув қарори судьялардан бирортаси томонидан имзоланмаган бўлса ёки ҳал қилув қарориди кўрсатилмаган судьялар томонидан имзоланган бўлса;

6) ҳал қилув қарори ишни кўрган таркибдаги судьялардан бошқа судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

7) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

Ҳал қилув қарорининг ўзгартирилишига ёки бекор қилинишига асос бўладиган процессуал нормаларининг бузилиши икки хил бўлиши мумкин: 1) нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳал қилув қарорининг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига асос бўладиган бузилишлар; 2) суд томонидан шубҳасиз қўлланилиши керак бўлган ва аниқланиши мазмунан тўғри ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган нормаларининг бузилиши.

1. Процессуал бузилиш нотўғри ҳал қилув қарорининг қабул қилинишига олиб келганлиги ёки олиб келиши мумкинлиги маса-

ласи ҳар бир конкрет ҳолатда иккинчи инстанция суди томонидан апелляция пикоятини кўриш пайтида ҳал қилинади. Айнан бир процессуал бузилиш иш ҳолатларига қараб турли процессуал оқибатларга олиб келиши мумкин ва у ҳар доим ҳам ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келавермайди. Аини пайтда йўл қўйилган хатонинг ҳарактери ва унинг қабул қилинган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигига таъсири эътиборга олинади. Хусусан, муайян шароитларда суд жараёнининг ўзлуксизлиги тўғрисидаги, суд залида ўтирганларга ёзма қайдлар олиб бориш, стенограмма олиб бориш ёки овоз ёзиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги қоидаларга, судловга тегишлилик, қарор қабул қилинишининг яширинлиги қоидаларига риоя қилмаслик процессуал ҳуқуқ нормаларининг жиддий бузилиши сифатида тан олинishi мумкин.

Амалда суд ҳаражатлари миқдорини аниқлаш ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш қоидаларининг нотўғри қўлланилиши ҳамisha ҳал қилув қарорининг ўзгартирилишига олиб келади.

Агар апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қабул қилган ҳал қилув қарорини, йўл қўйилган процессуал ҳуқуқ нормаларининг ХПК 170-моддаси 2-қисмида санаб ўтилганлардан ташқари бузилишларига қарамаздан, қонуний ва асослантирилган деб топса, у, устидан шикоят қилинаётган ҳал қилув қарорини ўзгартирмай ёки бекор қилмай, ўз қарори ёки хусусий ажримда йўл қўйилган бузилишни кўрсатиб ўтиш билан чекланиши мумкин.

2. ХПКнинг 170-моддаси 2-банди 1-7-қисмларида ҳал қилув қарори сўзсиз бекор бўлишига асос бўлувчи бузилишлар рўйхати кўрсатилган:

1) суд таркибининг ноқонунийлиги, хусусан, қуйидаги ҳолатларда ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин:

агар ишнинг кўрилишида судьялик ваколатига эга бўлмаган шахслар, яъни судьялик лавозимига тайинланмаган ёки қонун билан ўрнатилган тартибга зид равишда тайинланган ёки қонунга биноан ваколатлари тутаган ёки тўхтатиб қўйилган шахслар, шунингдек ишбу суднинг судьялари бўлмаган шахслар иштирок этган бўлса;

судьяларни рад қилиш ёки уларнинг ўзларини рад қилишларига асос бўла туриб, улар рад қилинган бўлмаса;

муайян ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўймаслик қоидалари бузилган бўлса;

агар судья суд мажлисида иш кўрилишининг бошланишидан иштирок этмаётган бўлса, яъни суд таркибининг ўзгармаслиги қоидаси бузилса;

ХПК ёки бошқа қонун билан ишни ҳайъат тартибида кўриб чиқиш белгиланган бўлса-да, судья ишни яқка ўзи кўрган бўлса.

Суд таркибини ноқонуний деб топишнинг бошқа ҳолатлари тўғрисида ХПК 15-моддасига шарҳларда айтиб ўтилган;

2) ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинади. Агар ажрим даъво

аризасида кўрсатилган почта манзилига жўнатилган бўлса, улар хабардор қилинган ҳисобланади.

Агар ажрим адресатнинг кўчиб кетиши муносабати билан топширилмаган бўлса, ХПКнинг 121-моддасига асосан у етказиб берилган ҳисобланади. Агар ажрим алоқа идорасининг топширилганлиги маълум қилинадиган варақасидаги жавобгарнинг тегишли манзилда йўқлиги ҳақидаги қайди билан қайтарилса ва суд материалларидан адресатнинг жойлашган манзили аниқланмаса, судья даввогарга жавобгарнинг жойлашган манзилини тасдиқловчи маълумотларни ҳужжатлаштирилган ҳолда тақдим этишни таклиф этади.

Агар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисидаги хабарнома жўнатилмаган бўлса ёки ХПКда кўзда тутилган тартибда (топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан жўнатилмаган, тегишли бўлмаган манзилга жўнатилган ва ҳақозо) жўнатилмаган бўлса, ёки почта етказиши вақти ҳисобга олинмай жўнатилган ва шу сабабли ишда иштирок этувчи шахслар мажлисда қатнаша олмаган бўлсалар, бу шубҳасиз ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади;

3) қонун билан ўрнатилган судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатлари ҳужжалик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши учун шубҳасиз асос бўла олади (ХПКнинг 10-моддасига шарҳларга қаранг);

4) ишга жалб қилинмаган шахсларнинг ишга киришлари биринчи инстанция суди томонидан ғайриҳуқуқий тарзда рад қилиниши ёки уларни, тарафнинг тегишли илтимосномаси (розилиги) борлигига ёки суд томонидан уларнинг ишдан манфаатдорлиги бевосита аниқланганига қарамасдан, ишда иштирок этишга жалб этмаслик (уларни ишга киришиш имконияти ҳақида хабардор қилмаслик) ва шу билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ҳал қилув қарори қабул қилиш процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сифатида тан олинади;

5) ҳал қилув қарори қонунийлигининг зарур шarti сифатида унинг ишни кўришда қатнашган суд таркибига кирган барча судьялар томонидан қабул қилинганини, шунингдек унинг ҳал қилув қарориди кўрсатилган барча судьялар томонидан имзоланганини кўрсатиш мумкин. Бу талабларга риоя қилмаслик процессуал ҳуқуқ нормаларининг сезиларли бузилиши ҳисобланади ва қабул қилинган ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади;

6) ҳужжалик судлов ишларини юритишнинг қонунийлигини таъминлайдиган муҳим процессуал қоида сифатида ХПК суд мажлисининг баённомасини олиб боришни ва уни тегишли тарзда расмийлаштиришни талаб этади. Шунинг учун биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса (масалан, суд мажлисининг баённомаси имзоланмаган ёки суд мажлисида раислик қилган судья

томонидан эмас, суд таркибидаги бошқа баённомани юритган судья томонидан имзоланган бўлса), шубҳасиз бекор қилинади.

3. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сабабли ҳал қилув қарори бекор қилинганда апелляция инстанцияси қабул қилган янги қарор мазмунига кўра биринчи инстанция қабул қилган қарорга ўхшаш бўлиши мумкин.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда баъзан бир неча қонун бузилишларига йўл қўйилади, шунинг учун ҳал қилув қарори бир йўла бир эмас, бир неча асосларга кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

171-модда. Апелляция инстанциясининг қарори

Апелляция шикоятини кўриш натижалари буйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақами, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикояти берган шахснинг номи;

3) қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни;

4) ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш масаласи қўйилишига сабаб бўлган асослар;

5) апелляция шикояти юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган вазжлар;

6) мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари;

7) ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ҳамда хўжалик суди у ёки бу далилларни рад этишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган вазжлар, шунингдек суд қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

8) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилаётганда ёки ўзгартираётганда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг хулосаларига қўшилмаганлигининг сабаблари;

9) апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари буйича хулосалар;

10) суд ҳаражатларининг тарафлар ўртасида тақсимлиниши.

Қарор қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор устидан шикоят қилиши мумкин.

1. Хўжалик суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослан-тирилганлиги апелляция инстанциясининг суди томонидан текши-рилиши қарор қабул қилиниши билан яқунланади. Қарор уни қабул қилган барча судьялар томонидан, шу жумладан, алоҳида фикрга эга бўлган судья томонидан ҳам имзоланади. Қарор чиқариш пай-тида юзага келган барча масалалар судьялар томонидан кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Қарорга қўшилмаган судья ўзининг ало-ҳида фикрини ёзма равишда баён қилиши мумкин, у иш матери-алларига қўшиб қўйилади. Ишда иштирок этувчи шахслар алоҳида фикр билан таништирилмайди.

171-модда 1-қисмининг нормаси ХПК 87-моддаси 1-қисмида ва ХПК 89-моддаси 1-қисми нормаларига нисбатан махсус аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳал қилув қаро-ри тўла ёки қисман бекор қилинганда ҳам, иш юритишни тугатил-ганда ёки даъво тўлалигича ёки қисман кўрилмасдан қолдирилган-да ҳам апелляция инстанцияси суди ажрим эмас, қарор қабул қилиши керак.

Апелляция қарори ўз мазмунига кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори каби тўрт қисмдан: кириш, баён қилиш, асосланти-рувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг кириш қисмида қарорни қабул қилган хўжалик су-дининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақа-ми, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикоятчи берган шахснинг номи кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг баён қилиш қисмида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш масаласи қўйилишига сабаб бўлган асосларнинг, апел-ляция шикоятчи юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган важларнинг, мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтириш-ларининг мазмуни қисқача ифодаланиши лозим.

Қарорнинг асослантирувчи қисмида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартирмай кучида қолдириш, бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги қарор қабул қилиш зарур деган хулосага келиши асосларини кўрсатиши лозим. Тегишли тарзда иш юритишни тугатиш ёки даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги хулосалар ҳам асослантирилиши керак. Қарор-нинг бу қисмида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлла-ган-қўлламаганлиги борасидаги ўз фикрини баён қилиши ва қарор чиқараётганда ўзи таянган нормаларни кўрсатиб ўтиши лозим. Шарҳланаётган ХПК қарорнинг тегишли тарзда ҳуқуқий асослан-

тирилишига алоҳида аҳамият беради, қарор қабул қилган хўжалик суди унда ўзи таянган қонун ва бошқа норматив хужжатларни кўрсатиб утмаганлигини ушбу қарорнинг кассация инстанциясида шубҳасиз бекор бўлишига сабаб сифатида баҳолайди. Апелляция шикоятни рад қилинганда қарорда шикоят талаблари нега асоссиз деб топилгани ва ҳал қилув қарори бекор қилинишига сабаб бўлолмаслиги важларини кўрсатиш лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижасида суднинг чиқарган хулосалари баён қилиниши керак. Бу ерда суд шикоят бўйича қандай қарорга келганини кўрсатиш лозим. Ҳал қилув қарори бекор қилинганда ҳам, у ўзгартирилмаганда ҳам қарорнинг бу қисмида қайси суднинг қайси иш бўйича ҳал қилув қарори бекор қилинаётгани ёки ўзгартирилмаётгани кўрсатилиши керак. Ҳал қилув қарори қисман бекор қилинганда, унинг қайси қисми бекор қилинаётгани ва қайси қисми ўзгартирилмаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Агар апелляция инстанцияси даъвои кўрмасдан қолдирса, иш юритишни тугатса, янги қарор қабул қилса ёки аллақачон ижро этилган қарорни ўзгартирса (дарҳол ижро этилиши керак бўлган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилинганда ёки бериш муддати ўтиб кетган ва сўнг муддати тикланган шикоят кўрилатганда), қарорнинг хулоса қисмида ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси ҳақида кўрсатилади (ХПКнинг 219-моддаси 1-қисми).

2. Қарор ХПКнинг 16. 135-145-моддаларида мавжуд қоидаларга мувофиқ қабул қилинади, баён қилинади ва эълон қилинади. Унга қарор ижросини таъминлашга доир (ХПКнинг 147-моддаси), қўшимча қарор қабул қилишга доир (ХПКнинг 149-моддаси), ҳал қилув қарорини тушунтириш, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатишга доир (ХПКнинг 150-моддаси) нормалар ҳам қўлланилиши мумкин.

Апелляция инстанциясининг қарори қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради. Қарор қабул қилинган кун деб — у раислик қилувчи томонидан суд мажлисида эълон қилинган кун, мажлисда фақат хулоса қисми эълон қилинганда у эълон қилинган кун ҳисобланади.

Агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинмаса ва ўзгартирилмаса, ҳал қилув қарори қонуний кучга киради ва айнан у ижро этилиши керак.

3. Қарор қабул қилинган кунидан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирак этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат билан топширилади. Жўнатиш учун ажратилган бу муддат ХПКда апелляция шикоятини куриш учун ажратилган бир ойлик муддатга кирмайди.

4. Апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация тартибда шикоят қилиниши мумкин.

172-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари

Хўжалик судининг ажримлари устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши мумкин.

Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан апелляция инстанциясида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилади.

1. Апелляция шикоятининг объекти сифатида нафақат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, балким биринчи инстанция судининг ажрими ҳам кўрилиши мумкин. Бироқ фақат ХПКда устидан апелляция шикояти бериш мумкинлиги бевосита кўрсатилган ҳоллардагина бундай шикоят берилиши мумкин. Булар куйидаги ажримлардир:

далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани рад қилиш ҳақидаги (72-модда);

даъвои таъминлаш ёки даъвои таъминлашни рад қилиш тўғрисидаги (76-модда);

даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш ёки алмаштиришни рад қилиш тўғрисидаги (78-модда);

даъвои таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги (80-модда);

иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги (85-модда);

иш юритишни тугатиш тўғрисидаги (87-модда);

даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги (89-модда);

ўтказиб юборилган процессуал муддатларни тиклашни рад этиш тўғрисидаги (99-модда);

суд жаримасини солиш тўғрисидаги (101-модда);

аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги (107-модда);

суд буйруғини беришни рад қилиш тўғрисидаги (109-модда);

суд буйруғини бекор қилишни рад қилиш тўғрисидаги (111-модда);

даъво аризасини қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги (117-модда);

даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги (118-модда);

ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш ёки таъминлашни рад қилиш тўғрисидаги (147-модда);

ҳал қилув қарори ижросини таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш ёки алмаштиришни рад қилиш тўғрисидаги (147-модда);

ҳал қилув қарори ижросини таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги (147-модда);

қушимча қарор қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги (149-модда);

ҳал қилув қарорини гушунтириш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисидаги (150-модда);

хусусий ажрим (152-модда);

янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақидаги (205-модда);

янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги (208-модда);

ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ёки тиклашни рад қилиш тўғрисидаги (215-модда);

ижро варақасининг дубликатини бериш ёки беришни рад қилиш тўғрисидаги (216-модда);

суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ёхуд қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги ажримлар (217-модда).

Биринчи инстанция судининг қолган барча ажримлари устидан қабул қилинган ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинмайди, аммо уларга нисбатан эътирозлар апелляция шикоятига киритилиши мумкин.

Ҳўжалик суди ажримлари устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасидан кенгроқдир. Дейлик, ХПКнинг 101-моддаси 4-қисмига мувофиқ жарима солиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция тартибида шикоят қилиш мумкин. Бироқ ҳўжалик суди нафақат ишда иштирок этувчи шахсларга, балким ишда иштирок этмаётган ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган шахсларга ҳам жарима солиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган шахс томонидан берилган ёки устидан шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажрим юзасидан берилган апелляция шикояти иш юритиш учун асос бўлолмайди ва шу туфайли судья томонидан қабул қилинмайди.

ХПК шикоят қилиниши имкониятини кўзда тутиб ажримлар юзасидан апелляция шикоятлари ажрим чиқарилганидан сўнг бир ойлик муддат ичида берилади.

2. Суд ажрими юзасидан берилган апелляция шикоятини бериш ва кўриб чиқиш ХПК 21-бобининг тегишли моддаларида кўзда тутилган тартиблар ва муддатларда амалга оширилади.

3. Апелляция судининг устидан шикоят қилинаётган ажримларга нисбатан ваколатлари биринчи инстанция судининг шикоят қилинаётган ҳал қилув қарорларига нисбатан ваколатларидан фарқ қилади. Ўзига хослик шундаки, иш биринчи инстанция суди томо-

нидан мазмунан кўрилмаган, чунки ажрим чиқариш билан ишнинг кейинги ҳаракати имконлари тухтатилган, масалан, тугатиш ҳақидаги ажримларда шундай, ёхуд биринчи инстанция суди ишни кўриш жараёнида шундай ажрим чиқарганки, унинг юзасидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилиниши қонун томонидан бевосита кўрсатилгандир, масалан, даъвони таъминлаш ҳақидаги ажримлар бунга мисолдир.

Апелляция инстанцияси суди бундай шикоятни кўриб чиқиб:

биринчи инстанция суди ажримини — узгаришсиз, шикоятни қаноатлангирмасдан қолдиришга;

ажримни бекор қилиш ва масалани янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга беришга;

ажримни тўла ёки қисман бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал этишга ҳақлидир.

Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан берилган ваколатлардан фарқли ўлароқ, апелляция суди шикоятни кўриб, ишни мазмунан ҳал этишга ҳақли эмас. Масалан, биринчи инстанция судининг низонинг хўжалик судига тегишлилиги туфайли иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қила туриб, апелляция инстанцияси суди тегишлилик масаласини ижобий ҳал этиш баробарида низонинг ўзини кўриб чиқишга ва мазмунига кўра қарор чиқаришга ҳақли эмас.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор у қабул қилинган кундан қонуний кучга киради ва унинг устидан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

22-боб.

Кассация инстанциясида иш юритиш**173-модда. Кассация шикоятни бериш ҳуқуқи**

Ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикоятни беришга, прокурор эса — кассация протести келтиришга ҳақлидир.

1. ХПКда кўзда тутилган текширувларнинг бошқа барча шаклларида фарқли равишда суд актлари кассация инстанцияси томонидан фақат қонунийлиги жиҳатидан теклирилади.

Суд ҳужжатларини текширишнинг янгича усули, чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахсларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини назарда тутди.

2. Кодекс ҳужалик судлари биринчи ва апелляция инстанцияларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори (қарорлари) устидан кассация тартибда шикоят (протест) келтирилиши мумкинлигини белгилайди.

Шикоят қилиш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзларига боғлиқ. Қонунда белгиланган тартиб ва муддатда кассация шикоятининг берилиши (ХПК 175, 176-моддаларига шарҳни қаранг) ишнинг кассация инстанцияси томонидан албатта кўриб чиқилишига олиб келади.

Қарорнинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўғри ҳавола қилинганлиги борасидаги асословчи қисми; ХПКнинг 149-моддаси тартибда чиқарилган қўшимча қарор шикоят бериш учун мустақил предмет бўлиши мумкин. Ажримлар устидан ХПКда назарда тутилган ҳолатлардагина шикоят қилиниши мумкин (191-моддага шарҳни қаранг).

3. Қонун ҳал қилув қарори (қарор) устидан кассация шикоятни бериш ҳуқуқини даъвогар, жавобгар, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи ёки арз қилмайдиган учинчи шахсларга, шунингдек ХПКнинг 34-моддасида санаб ўтилган, ишда иштирок этувчи барча шахсларга беради.

ХПКнинг 43-44-моддалари асосида давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиб даъво кўзғатувчи прокурор, давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар суднинг ҳал қилув қарори (қарори) устидан кассация тартибда протест ва шикоят келтиришлари мумкин.

Суд жараёнига қўйилган томонлар ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўзларининг суд муҳокамасида амалда қатнашишларидан қағий назар ҳал қилув қарори (қарор) устидан кассация тартибда шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

ХПКнинг 176-моддасида белгиланган муддат доирасида ҳал қилув қарори (қарор) устидан шикоят келтириш ҳуқуқига ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари ҳам эгаларлар.

ХПКнинг 173 ва 198-моддаларини қиёслаш натижасида муайян вазиятда шикоят бериш ҳуқуқи субъектлари доираси ишда иштирок этувчи шахслар билан чекланиб қолмаслиги тўғрисидаги ҳулосага келиш мумкин. ХПК илк бор (188-модданинг 3-қисми 5-банди) ишда иштирок этишга жалб этилмаган шахсларга, агар чиқарилган ҳал қилув қарори ёки қарор билан уларнинг ҳуқуқлари ҳамда бурчлари тўғрисидаги масала ҳал этилган бўлса, шикоят келтириш ҳуқуқини беради.

Қонун томонлар вакиллариغا, агар бундай ҳуқуқ уларнинг ишончномаларида махсус айтиб ўтилган бўлса, кассация шикояти келтиришни тақиқламайди (ХПКнинг 52-моддаси).

174-модда. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Олий хўжалик судининг Раёсати шу суд томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

Қонуний кучга кирган суд актларини кассация тартибида текширишни бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов коллегиялари амалга оширади.

Судлов коллегияларида ўз навбатида кассация шикоятлари ва протестларини кўриб чиқиш учун тегишли судлов коллегияларига кирувчи судьялардан судлов таркиблари тузилиши мумкин.

Олий хўжалик суди раиси ўз фармойиши билан бир судлов коллегияси судьяларини бошқа судлов коллегияси таркибида ишни кўриб чиқиш учун жалб этиш ҳуқуқига эга.

ХПК кассация шикоятлари (протестлари)ни кўриб чиқиш бўйича судлов коллегияси фаолиятида коллегиялик тамоилини мустаҳкамлайди (15-моддага шарҳга қаранг), бу эса хўжалик суди ҳал қилув қарори ва қарорларининг қонунийлигини текширишнинг ҳар томонлама ва тўлиқ бўлишини таъминлаш имконини беради, хаттога йўл қўйилишини камайтиради.

Коллегиянинг барча судьялари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Камчилик ҳолатида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини баён этиш ҳуқуқига эга, бироқ кўпчилик овоз билан чиқарилган кассация инстанция қарорини имзолашга мажбур (ХПК 16-модда-

сига шарҳга, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсатининг 1999 йил 29 июлдаги Ахборот хатига қаранг).

Ҳужалик суди биринчи инстанциясининг барча ҳал қилув қарорлари ва апелляция инстанциясининг барча қарорлари кассация инстанциясида куриб чиқиш предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳужалик процессуал кодекси ушбу қоидалан истисно сифатида кўрилатган ишларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишни назарда тутувчи ҳеч қандай чеклашни кўзла тутмайди.

Кассация инстанцияси суд ҳужжатларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва уларга риоя этишнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан текширади (ХПК 186-моддасига шарҳга қаранг).

175-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳужалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳужалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

1. ХПК кассация шикоятини (протестини) устидан шикоят қилинаётган суд ҳужжатини қабул қилган ҳужалик суди орқали берилиши зарурлиги тўғрисида қаттиқ талаб ўрнатган. Ушбу қоидага риоя этмаслик жиддий оқибатларни келтириб чиқаради — шикоят (протест) кассация инстанцияси судьяси томонидан қайтариб юборилади (ХПК 180-моддаси).

2. Кассация шикояти (протест) шахсан берилиши ёки почта орқали жунатиб юборилиши мумкин. Сансоларликка йўл қўймаслик мақсадида ХПК шикоятни иш билан бирга Олий ҳужалик судига юбориш учун қисқа (5 кун) муддат белгилаган.

Олий ҳужалик судига кассация шикояти (протест) жўнатилишини тўхтатиб туриш учун ХПКнинг 76-80, 149-150-моддаларига мувофиқ чиқарилган ҳужалик суди ажримига келтирилган апелляция шикояти асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кассация шикояти (протест) келиб тушган вақтда апелляция инстанциясида биринчи инстанция судининг юқориди кўрсатиб утилган ажримларидан бирига келтирилган шикоят кўриб чиқилаётган бўлса, апелляция инстанцияси бу шикоят (протест) кўриб чиқилгандан сўнг кассация шикоятини иш билан бирга Олий ҳужалик судига жўнатиш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси кассация шикоятининг жўнатилиши тўхтатиб турилганлиги сабаби тўғрисида ушбу шикоятни берган шахсга хабар қилади.

176-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати

Кассация шикояти (протести) хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга киргандан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

1. Кассация инстанциясига мурожаат этиш учун муайян кассация муддатининг белгиланишидан мақсад, бир томондан ҳал қилув қарорнинг (қарорнинг) етарлича тезкорлик билан текширилишини таъминлаш бўлса, бошқа томондан, ишда иштирок этаётган шахсларга иш ҳужжатлари билан танишиш ва чиқарилган ҳал қилув қарорига (қарорга) рози бўлмаган тақдирда ўз эътирозларини шикоятда баён этиш имкониятини беришдир. ХПКда кўзда тутилган бир ойлик муддат хўжалик судининг биринчи инстанцияси ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси қарорлари устидан шикоят бериш учун ягона ҳисобланади.

Худди шундай муддат шикоят келтириладиган ажримлар учун ҳам амал қилади.

2. Процессуал муддатларни ҳисоблашнинг умумий қоидаларига мувофиқ (ХПК 96-моддаси) кассация шикояти келтириш муддати суд ҳужжати чиқарилган куннинг эртасидан бошланади. Мазкур қоидалар суд мажлисида амалда иштирок этишларидан қатъий назар ишда иштирок этувчиларнинг барчасига тадбиқ этилади.

3. Узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган кассация муддати ХПК 99-моддасида кўзда тутилган тартибда тикланиши мумкин (шу моддага шарҳга қаранг).

177-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни

Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўланаётган хўжалик судининг номи;*
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;*
- 3) устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;*
- 4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги;*
- 5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.*

Кассация шикоятида (протестида) ишнинг ҳолатлари иёботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилин-

ган хулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлигини ваз қилиб келтиришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятни уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

1. Иш кассация тартибида кўриб чиқилиши мумкин бўлиши учун шикоят (протест)да зарур реквизитлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Уларнинг мавжуд бўлмаслиги бундай кассация шикоятини (протестни) ариза берувчига қайтаришга олиб келиши мумкин (ХПК 180-моддаси).

2. Шикоят (протест) келтираётган шахсларнинг илтимослари кассация инстанциясининг ХПК 187-моддасида кўзда тутилган ваколатлари ҳажмига тадбиқан баён этилади. Шу муносабат билан шикоят (протест) суд ҳужжатини ўзгартириш ёки иш бўйича янги суд ҳужжати чиқариш, суд ҳужжатини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юбориш, суд ҳужжатини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёки даврони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги илтимосдан иборат бўлиши мумкин.

3. Кассация текширувдан кўзланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда ХПК (177-модда 1-қисми 4-банди), аризачи кассация шикоятида (протестда) унинг нуқтаи назаридан, шикоят келтириляётган ҳал қилув қарори ёки қарорнинг ноқонунийлиги нимадан иборат эканлигини албатта кўрсатиб ўтишини талаб этади. Бу талабнинг бажарилмаслиги шикоятни (протестни) қайтариб юбориш учун асос бўлади (ХПК 180-моддаси 1-қисми 6-банди).

Кассация инстанцияси ҳал қилув қарори (қарорнинг) асосланганлигини текширмаслиги сабабли шикоят (протест)да иш бўйича ҳақиқий ҳолатларнинг исботланмаганлигига ёки ҳал қилув қарори (қарорнинг) хулоса қисмидаги хулосаларнинг иш бўйича аниқланган фактларга номувофиқ эканлигига ҳавола бўлмаслиги лозим. Бироқ, мазкур талабларга риоя этмаслик кассация шикояти (протест)нинг қайтариб юборилишига олиб келмайди ва ХПКда бундай ҳолатларда бирон-бир муайян чора ҳақида гап бормайди. Лекин ХПКда шундай ёзувнинг бўлиши аҳамиятлидир, чунки бу ишда иштирок этувчи шахсларни шикоятни кассация инстанцияси фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб баён этишга йўналтиради. Ундан ташқари, ушбу норма кассация инстанциясига шикоятдаги бундай арзга эътибор қилмаслик имконини берали.

4. Ҳал қилув қарорга (қарорга), шунингдек иш юритишни ту-

гатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги, ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги ажримлар устидан берилган кассация шикоятини учун давлат божи тўланади (ХПК 91-моддасига шарҳга қаранг).

ХПК 91-моддасида кўрсатилмаган бошқа ажримларга кассация шикоятини келтиришда давлат божи тўланмайди.

Кассация шикоятига илова этиладиган аризада давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида илтимос баён қилиниши мумкин (ХПК 91-моддасига шарҳга қаранг). Илтимосномада тегишли асослар келтирилади. Шундай илтимоснома бўлган ҳолатларда кассация шикоятини бож тўланмаганлиги учун қайтариб юборилиши мумкин эмас. Илтимосноманинг қаноатлантирилганлиги тўғрисида кассация инстанцияси судьясининг кассация шикоятини иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримда кўрсатилади. Илтимоснома қаноатлантирилмаган ҳолатларда кассация шикоятини қайтариб юборилиши даркор (ХПК 180-моддаси 1-қисми 4-банди).

178-модда. Ишда иштирок этаётган шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) нусхаларини юбориш

Кассация шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протест) нусхасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

1. Қонун чиқарувчи ишда иштирок этувчи шахсларни кассация шикоятини берилганлиги ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини кассация шикоятини (протестини) билан судга мурожаат этган процесс иштирокчисининг зиммасига юклайди.

Бунда шикоят (протест) нусхаларини юборилиши ҳар доим мажбурий. Ҳужжатлар нусхасининг юборилиши масаласи процесснинг бошқа иштирокчиларида улар бор-йўқлигига қараб ҳал этилади.

2. Ахборот бериш шакллари ва усулларини ХПК аниқ келтирмайди. Бу буюртма хат, топширилганлиги маълум қилинадиган хат, тилхат олиб нусхаларни топшириш ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин. Аммо, муҳими ҳужалик суди кассация шикоятини (протестини) нусхаларининг жўнатилганлигини тасдиқловчи далилларга эга бўлишидир. Акс ҳолда кассация шикоятини (протестини) қайтарилиши лозим (ХПК 180-моддаси 1-қисми 3-банди).

3. ХПКнинг 178-моддаси нормасига ўхшаш бўлган қоида апелляция инстанциясида иш олиб боришга бағишланган бўлишда ҳам мустаҳкамланган (ХПК 160-моддасига шарҳга қаранг).

179-модда. Кассация шикоят (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) нухасини олгандан кейин унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ҳамда иштирок этувчи шахсларга фикр нухалари жўнатишнинг тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқилганидан кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳужжалик судига юборишга ҳақлидир.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

1. Қарорларни тўлароқ текшириш мақсадида ХПК ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр бериш ҳуқуқини беради. Бу, шахс кассация инстанциясининг суд мажлисида шахсан иштирок эта олмайдиган ёҳуд иш кейинчалик назорат тартибда қайта кўриб чиқилмаган ва ишда мавжуд бўлган кассация шикоятига билдирилган ёзма фикр тўғри хулоса чиқаришга ёрдам берадиган ҳолатларда жуда муҳимдир.

2. Шикоят (протест)га ёзма фикрни кассация шикояти (протести) келтирилган кундан бошлаб иш кассация инстанциясида куриш бошлангунига қадар бўлган бутун вақт давомида бериш мумкин. Янгилик ёзма фикрнинг иш юритиш нақолати берилган шахс томонидан имзоланишидир. Бундай ҳолнинг ваколатномада махсус назарда тутилиши талаб этилмайди (ХПК 52-моддаси).

180-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) кассация шикояти (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёҳуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳужжалик судини четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нухалари жўнатишнинг тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат бож тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёҳуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

б) кассация шикоятда (протестида) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланиш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикояти (протести) иш юритишига қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар шикоятни (протестни) қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, шикоятни (протестни) шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4, 6-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс кассация шикояти (протести) билан ҳўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада кассация шикояти (протести) қайтарилишига сабаб бўлувчи асосларнинг батафсил рўйхати келтирилган. Ушбу модда қойдалари ХПКнинг кассация шикояти (протести)нинг мазмунини белгиловчи 177-моддаси билан узвий равишда ҳамоҳангдир.

Шу билан бирга, мазкур моддаларни қиёслагандан кўринишича, ХПКнинг 177-моддаси билан кассация шикояти (протести)нинг мазмунига нисбатан қўйилган талабларнинг ҳар қандай бузилиши ҳам унинг қайтариб юборилишига олиб келмайди. Энг аввало, шикоят (протест)ни кўриб чиқишнинг амалда мумкин эмаслиги тўғрисида далолат берувчи қойдаларга риоя этилмаслиги: шикоят (протест)нинг уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланмаганлиги, бу уни процессуал ҳужжат сифатида кучдан ва аҳамиятдан маҳрум этади, шикоятнинг имзолаш учун ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланиши, унда қонуннинг аниқ бузилишлари кўрсатилмаганлиги, шикоят (протест)га илова этилган, унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлиги, давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги шундай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шикоят (протест)да йўл қўйилган бошқа ноаниқликлар унинг қабул қилинишига тўсқинлик қилмайди, уларнинг баъзилари жойида тузатилиши мумкин.

2. Кассация шикояти (протест)нинг қайтариб юборилиши ҳатиклар тусидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди (180-модда

1-қисми 1, 3-6-бандлари) ёхуд кассация инстанцияси (180-модда 1-қисми 2-банди) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг 1-қисми 7-бандига келганда, шикоят ким томонидан қайтариб юборилади, деган масала шикоятчи уни қайтаришни сўраб ёзган пайтда шикоят (протест) иш билан қаерда бўлишига қараб ҳал этилади. Башарти шикоят (протест) ҳали ҳам биринчи ёки апелляция инстанцияси судида турган бўлиб, Олий ҳужалик судига жўнатилмаган бўлса, унинг қайтарилиши тегишinchа биринчи ёки апелляция инстанцияси судьялари томонидан амалга оширилади. Шикоят (протест) иш билан бирга кассация инстанциясига жунатилган бўлса, шикоят (протест) кассация инстанцияси томонидан қайтариб юборилади.

3. Камчиликлар бартараф этилгач, кассация шикояти (протести) билан яна муружаат этиш мумкин, лекин бунда кассация шикояти (протести) бериш учун ХПКнинг 176-моддасида белгиланган муддатга амал қилиш зарур. Кассация муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, уни тиклашни илтимос қилиш мумкин (ХПК 99-моддасига шарҳга қаранг).

181-модда. Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим

Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда кассация шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

1. Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримни ишда иштирок этувчи барча шахсларга юбориш мажбуриятининг судьяга юклатилганлиги, аслида, уларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилишни билдиради, чунки ушбу барча маълумотлар ажримда бўлиши лозим.

ХПКда кассация шикояти (протести)ни кўриш тўғрисида хабар бериш бўйича бошқа махсус қоидалар кўрсатилмаган.

2. Кассация шикояти (протести)нинг ишда иштирок этувчи, ишнинг кассация тартибида кўриб чиқилиши тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган биронта шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилиши кассация қарорини назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Тегишли равишда хабардор қилинган шахснинг суд мажлисида хозир бўлмаслиги шикоят (протест)нинг кассация тартибида кўриб чиқилишини қолдириш учун асос бўлмайди.

182-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кура, кассация инстанциясининг хўжалик суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

1. Ушбу модда қоидалари жавобгар манфаатларини химоя қилишга қаратилган бўлиб, кейинчалик бекор қилинган ёки ўзгартирилган ноқонуний қарорни ижро этиш билан зарар етказишнинг олдини олади. Кассация инстанцияси ҳал қилув қарор (қарор)ни ўзгартириш, янги қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун, агар кассация қарори биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (ёки апелляция инстанциясининг қарори) ижро этилганидан сўнг қабул қилинса, мазкур суд актлари бўйича олинган барча нарсаларни қайтаришлик фақатгина суд актининг қайтарма ижроси институтидан фойдаланиш йўли билан мумкин бўлади. Бу эса анча мураккаб жараёндир (ХПК 220-моддаси шарҳига қаранг). Бундан ташқари дастлабки даъво бўйича жавобгарга қайтарилиш лозим бўлган пул маблағи ҳам, мулк ҳам амалда қолмаган бўлиши мумкин.

2. Суд қарорлари ижросини тўхтатиб қўйиш танаббуси ишда иштирок этувчи шахслардан чиқиши зарур, бироқ, яқуний қарорни кассация инстанцияси суди чиқаради, у бунга ҳақли, лекин мажбур эмас.

Зудлик билан ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарори (қарор)нинг ижросини тўхтатиш мумкин эмас.

3. Ижрони қанча муддатга тўхтатиш мумкинлиги ХПКда кўрсатилмаган. Ижро кассация тартибида иш юритиш тугатилгунга қадар тўхтатилиши мумкин.

183-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш кассация инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўрилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

1. Шарҳланаётган моддадан кўринишича ишни кассация инстанциясида кўриб чиқиш тартиби, умуман хўжалик суди томонидан ишни биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартиб кабидир (ХПК 17-бобига шарҳга қаранг).

2. Фақат биринчи инстанция судига хос бўлган ва кассация иш юритишида қўлланилмайдиган қоидалар жумласига, масалан, да-

лил-исботларнинг суд мажлисида текширишни киритиш мумкин (ХПК 128-моддаси).

ХПКнинг 40-моддаси 1-қисмига мувофиқ даъвогарнинг даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқлари даъвогар томонидан биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма иш бошқа инстанцияларда кўрилатганида қўлланилмайди, бинобарин бундай фармойиш ҳаракатлари кассация инстанциясида ҳам амалга оширилиши мумкин эмас.

Келишув битими ҳақидаги масала бошқача ҳал этилади. ХПКнинг 40-моддаси 3-қисмига мувофиқ у ҳар қандай инстанцияда, шу жумладан кассация инстанциясида ҳам тузилиши мумкин. Кассация инстанциясида келишув битимига эришиш қарор билан расмийлаштирилади, унда келишув битимини тасдиқлаш, иш бўйича иш юритишни тугатиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (апелляция инстанцияси қарори)ни бекор қилиш тўғрисидаги масалалар бир вақтнинг ўзида ҳал этилади.

184-модда. Кассация шикоятдан воз кечиш. Протестни чақириб олиш

Кассация шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар ҳабардор қилинади.

Суд кассация шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади.

Ҳўжалик суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

1. Ушбу модда ҳўжалик процессига хос бўлган диспозитивлик (ўз билгича ҳаракат қилиш ҳуқуқи) принципи кўринишларидан бирини акс эттиради. Бу принцип жараённинг барча босқичларига, шу жумладан кассация иш юритишга ҳам сингиб боради. Кассация шикояти берган шахс ундан воз кечиши мумкин, бироқ масаланинг якуний ҳал этилиши ҳўжалик судига боғлиқ. Кассация инстанцияси шикоятдан воз кечилишини қабул қилмаслиги мумкин бўлган асослар ҳўжалик судининг биринчи инстанцияси томонидан даъводан

воз кечилишини, агар бундай воз кечишлик қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга хилоф бўлса ёхуд бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузадиган бўлса, қабул қилмайдиган асосларга ўхшашдир (ХПК 40-моддасига шарҳга қаранг).

Бундай воз кечиш рад этилганда шикоят кассация тартибида иш юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

2. Агар кассация инстанцияси шикоятдан воз кечишни қабул қилса, кассация тартибида иш юритиш тугатилади ва, бинобарин, шикоят қилинган ҳал қилув қарори (қарор) ўзгаришсиз қолади.

3. Кассация шикоятдан воз кечиш ҳақида иш кассация инстанциясида кўрилгунга қадар ҳам, суд мажлисининг ўзида ҳам мурожаат қилиниши мумкин, бироқ бу масала доимо судьяларнинг коллегиял таркибида кўриб чиқилади.

Кассация протестини чақириб олишга судлов коллегияси мажлиси бошланишига қадар йўл қўйилади.

Кассация инстанциясининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкин эмас ва у зудлик билан кучга кирари (ХПК 191-моддасига шарҳга қаранг).

185-модда. Кассация шикоятини кўриш муддати

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

1. Моддада кассация шикоятини кўриб чиқиш бўйича белгиланган муддат энг узоқ бўлиб, ҳеч қандай истисноли ҳолатда узайтирилиши мумкин эмас.

2. Муддатнинг ҳисобланиши ишнинг шикоят (протест) билан бирга кассация инстанциясига келиб тушган кундан бошланади ва қарор чиқарилган кунда тугайди.

186-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси

Хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини текширади.

1. Хўжалик судининг иш кўриб чиқиладиган ва мазмунан ҳал этиладиган биринчи ва апелляция инстанциясидан фарқли равишда кассация инстанциясининг вазифаси иш бўйича чиқарилган ҳал

қилув қарори (қарор)нинг қонунийлигини текширишдан иборатдир. Хужалик суди кассация иш юргизишлиги тартибида ишни кўриб чиқишда моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги, процессуал қоидаларга риоя этилганлигини текширади.

Ҳал қилув қарор (қарор)ни асосланганлиги нуқтаи назаридан текшириш, амалдаги ХПКга мувофиқ, кассация инстанциясининг ваколатига кирмайди. Лекин, қарорнинг қонунийлиги ва асосланганлиги ўртасида чамбарчас ўзаро алоқадорлик бўлгани учун ҳам ҳал қилув қарори (қарор)нинг қонунийлигини текширишда, ХПК (187-моддаси 3-банди)да таърифланганидек, унинг етарлича асосланмаганлиги аниқланиши мумкин. Бундай ҳолда Кодекс текширилаётган ҳал қилув қарори (қарор)ни бекор қилишни ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юборишни талаб қилади.

2. Ҳал қилув қарори (қарор)нинг қонунийлигини аниқлаш учун кассация инстанциясига қўшимча ҳужжатлар тақдим қилиш мумкинлиги тўғрисида ХПКда очиқ айтилмаган. Шунинг учун текширув хўжалик судининг биринчи инстанцияси ёки апелляция инстанцияси эга бўлган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Шу билан бирга ХПКнинг 179-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахс томонидан кассация шикоятни бўйича ёзма фикр берилиши мумкин.

3. ХПКда кассация инстанциясининг берилган шикоят (протест) доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи ҳақда ҳеч гап айтилмаган. ХПКнинг 177, 180-моддалари қоидаларидан қонун бузилиши ёки нотўғри қўлланишининг нимадан иборатлигини шикоят (протест)-да кўрсатиш мажбурияти кассация шикояти (протести) ни берувчи шахсга юкланиши келиб чиқади. Бироқ бу шахс иш бўйича йўл қўйилган қонун бузилишларини ҳар доим ҳам тўлиқ кўрсатмайди. Бундан ташқари, ХПК (188-моддаси) ҳал қилув қарор (қарор)ни бекор қилишга сўзсиз асос бўладиган процессуал бузилишлар рўйхатини мустаҳкамлаб қўйганлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди. Шунинг учун, агар кассация инстанцияси ишни текшириш мобайнида шу каби бузилишларни аниқласа, у бунга эътибор бериб, текширилаётган ҳал қилув қарори (қарор)ни, агар бу ҳатто суд актларига шикоят келтирмаган шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир этса ҳам, бекор қилиши лозим.

187-модда. Кассация инстанциясининг ваколатлари

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартирсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги қарор қабул қилишга;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор етарлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори ва (ёки) қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун юборишга;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юртишни тугатиш ёхуд даввони тўла ёки қисман кўрмасдан қалдиришга;

б) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга.

1. Кассация инстанцияси хужалик суди томонидан чиқарилган суд акти қонунга мувофиқ, деган хулосага келса, ҳал қилув қарори (қарор)ни ўзгаришсиз, шикоят (протест)ни эса қаноатлантирмасдан қолдиради.

Агар иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори (қарор)нинг туғрилигига таъсир кўрсатмаган ва таъсир кўрсата олмайдиган процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса ва улар бекор қилиш учун сўзсиз асослар бўлувчилар жумласига кирмаса (ХПК 188-моддаси), кассация инстанцияси ҳал қилув қарори (қарор)ни бекор қилмасдан, иш бўйича йўл қўйилган нотўғриликларни ўз қарорида кўрсатиб ўтиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модда қарорни ўзгартиришга ёки ишни биринчи ёки апелляция инстанциясига юбормасдан янги қарор қабул қилишга йўл қўйиш мумкин бўлган бирон-бир шартларни белгиламайди. Бундай ҳуқуқ, агар ишни мазмунан кўриб чиққан суд томонидан моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилган бўлиб, янги қарор чиқариш ёки уни ўзгартириш учун мавжуд маълумотлар етарли бўлгандагина, кассация инстанциясига тааллуқлидир.

Кассация тартибида текшириш ҳал қилув қарори (қарор)нинг қонунийлигига, яъни унинг суд томонидан кўриб чиқилаётган муносабатларни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги; қарор чиқаришда процессуал қонунчилик талабларига риоя этилганлигини текширишга қаратилади. Лекин, қарорнинг қонунийлиги билан асосланганлиги ўртасида чамбарчас ўзаро алоқа мавжуд. Шунинг учун қонуннинг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши суд қарорининг асоссиз бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларга кассация инстанциясини ҳал қилув қарори (қарор)ни бекор қилиш ва ишни тегишли суд актини чиқарган судга янгидан кўриб чиқишга юборишга мажбур қилувчи 187-моддаси 3-банди нормаси мўлжалланган.

Суд акти кассация инстанциясида бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи ёки апелляция инстанцияси судига

юборилганда суд ҳаражатларини, шу жумладан давлат божи бўйича ҳам, тақсимлаш масаласи ишни қайта кўриб чиқаётган суд томонидан ҳал этилади.

Кассация инстанцияси ҳал қилув қарор (қарор)ни қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

ХПКнинг 187-моддасида кассация инстанциясига ҳал қилув қарори (қарор)ни қисман бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун ҳўжалик судининг тегишли инстанциясига қайтариш ҳуқуқини берувчи норманинг йўқлиги кассация инстанцияси томонидан унга зикр этиб ўтилган модда билан берилган ваколатларнинг бузилиши, деб қаралиши мумкин эмас. ХПКнинг 187-моддаси 5-бандида иш юргизишликни ҳаракатдан тугатиш муносабати билан суд актларини бекор қилинишига тадбиқан гапириб ўтилган.

3. Кодекс қарорнинг ўзгартирилиши билан янги қарор чиқариш ўртасидаги фарқни аниқламайди. Амалиётни ҳисобга олган ҳолда, янги қарор деганда дастлабки қарорга мазмунан зид бўлган қарорни тушуниш мумкин. Ҳўжалик судининг томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги асосий ҳулосаси ўзгарганида янги қарор чиқарилади, яъни даввони рад этиш тўғрисидаги дастлабки қарор уни қаноатлантириш тўғрисидаги қарор билан алмаштирилиши лозим ва аксинча.

Агар қонун бузилишлар ва хатоликлар қарорнинг ҳулоса қисмига айрим тузатишлар киритиш заруратини юзага келтирганида (масалан, ундирилган суммани камайтириш ёки кўпайтириш, қўшимча бож ундириш) қарор ўзгартирилди.

Кассация инстанцияси янги қарор чиқарилган ҳолларда унга ушбу қарорнинг ижро этилиш тартибини белгилан, ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга имкон бериш, қарорни тушунтириш ҳуқуқи ҳам тегишли бўлади, чунки бундай ҳаракатларни амалга ошириш низоларни ҳал этишда ҳўжалик судининг ваколатига киради.

4 Кассация инстанцияси ҳал қилув қарор (қарор)ни тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш бўйича иш юргизишни ҳаракатдан тугатиш ёхуд ХПК 86, 88-моддаларида кўрсатилган шароитларда даввони кўрмасдан қолдириш ҳуқуқига эга (ушбу моддалар шарҳига қаранг).

5. ХПКнинг 187-моддаси 6-бандига мувофиқ, кассация инстанцияси иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори ёки қарорлардан бирини, агар у қонунга зид бўлмаса, кучида қолдириши мумкин.

188-модда. Ҳал қилув қарори ёки қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори ёки қарорни қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши куйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатларига амал қилганлиги ҳал қилув қарориди ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса. Мазкур шахслар бундай ҳал қилув қарори ёки қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли;

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

1. ХПК моддий ҳуқуқ нормаларини бузилиши ёки нотўғри қўлланиш турларини санаб ўтмайди. Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши тегишли бўлмаган қонуннинг қўлланилишида, қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг қўлланилмаслигида, қонуннинг нотўғри талқин қилинишида намоён бўлиши мумкин.

2. Одил судлов олдида турган вазифаларни бажаришда процесс қоидаларининг катта аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, ҳар қандай ҳам процессуал қонун бузилишлар суд актини бекор қилинишига олиб келмайди. Кодекс мазмунан тўғри бўлган қарорни фақат расмийчилик нуқтан назаридан бекор қилинишига йўл қўймайди. Агар иш бўйича йўл қўйилган қонун бузилиши чиқарилган суд актининг тўғрилигига таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган даражада боғлиқ бўлса, қарор бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Процессуал бузилиш хужалик судининг иш бўйича хулосаси тўғридан-тўғри ва бевосита ҳатолигидан далолат берган тақдирдагина эмас, балки унинг тўғри ҳал этилганлигини шубҳа остига қўйганида ҳам ҳал қилув қарори (қарор)ни бекор қилинишига олиб келади. Хужалик судининг иш бўйича пировард хулосаларига таъсир кўрсата олмайдиган жиддий бўлмаган процессуал бузилишлар ҳал қилув қарори (қарор)нинг бекор қилинишига олиб келмайди. Бундай ҳолларда кассация инстанцияси суд актини ўзгартирмаган ва бекор қилмаган ҳолда, уларни ўз қарорида кўрсатиб ўтиши мумкин.

Иш бўйича йўл қўйилган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши оқибатида суд актини бекор қилиниши тўғрисидаги масала кассация инстанцияси томонидан ишнинг конкрет ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Шунинг учун ҳам суд иш юргизишлигининг бир хилдаги қоидалари бузилиши муносабати билан юзага келиши лозим бўлган процессуал оқибатлар тўғрисидаги масала турлича ҳал этилади. Масалан, судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши ишнинг судловга тегишлилик нормалари бузиб кўриб чиқиши низонинг тўғри ҳал этилишини таъминламагани аниқланган ҳолатдагина суд актининг бекор қилиниши заруратини юзага келтиради.

Мисол келтириш мумкин. Иш биринчи инстанция судида кўрилиши даврида жавобгар адвокатнинг бетоблиги туфайли муҳокама ни қолдириш тўғрисида илтимоснома қилган. Суд ушбу илтимосномани жавобгарнинг вакиллари аввалги мажлисларда қатнашганликлари ва уларнинг вазлари ҳамда эътирозлари тинглаб бўлинганлигига ҳавола қилиб, рад этди.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмадан қолдирди.

Кассация инстанцияси ҳар иккала суд актини бекор қилди ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун ҳал қилув қарори чиқарган судга юбориб, ўз ҳаракатини биринчи инстанция судида тарафларнинг тортишуви ва процессуал тенг ҳуқуқлилиги принципининг бузилганлиги билан асослади.

ХПКнинг 188-моддасидан кўринишича, ҳал қилув қарори (қарор)ни ўзгартириш ёки бекор қилишга нотўғри суд акти қабул қилинишга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши асос бўлади.

Суд мажлисида жавобгар вакилининг қатнашмаганлиги қарорни бекор қилишнинг мажбурий шарти бўлган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши рўйхатига киритилмаганига қарамай, бундай қатнашмаслик нотўғри қарор қабул қилинишига олиб келиши мумкин эди.

Бундай ҳолатларда суд томонидан йўл қўйилган процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилиши қабул қилинган қарорни бекор қилиш учун асос бўлади.

3. ХПКнинг 188-моддаси 3-қисмида процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишларининг рўйхати келтирилган бўлиб, улар аниқланганда суд акти ҳар доим бекор қилиниш керак.

Процессуал қонуңчиликка илк бор (ХПК 188-моддаси 3-қисми 4-банди) суд актида хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарори (қарор) қабул қилишда қўлланилган қонун ёки бошқа меъерий ҳужжат ҳақида қарорда ҳавола қилинмаганлигини бекор қилиш учун асос сифатида бўлиши мустақкамланган.

ХПКнинг 188-моддаси 3-қисми 5-бандида амалиёт учун жуда муҳим ва жиддий ҳолида мавжуд. У ишда қатнашишга жалб этилмаган шахсларга, агар хўжалик суди уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд актини чиқарган бўлса, ушбу актга апелляция, кассация ёки назорат тартибида шикоят келтириш имкониятини беради.

Амалдаги кодекс илк бор хўжалик судида баённома олиб борилишини назарда тутган (ХПК 134-моддаси) ва унга қатта аҳамият бериб, унинг бўлмаслиги ёки керакли шахслар томонидан имзоланмаганлиги суд актини, кассация шикоятини бундай талаб бўлган бўлмаганлигидан қатъий назар, бекор қилиш учун сўзсиз асос сифатида баҳолаган.

189-модда. Кассация инстанцияси судининг қарори

Кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

2) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

4) қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарор мазмунининг қисқача баёни;

5) ҳал қилув қарори, қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр баён қилинган важлар;

7) мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;

8) хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар асосланган қонун ҳужжатларини қўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, қарорни қабул қилишда суд амал қилган қонун ҳужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда кассация ин-

станцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоят (протестини) кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун юборилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва ҳўжалик суди томонидан баъжарилиши керак бўлган ҳаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд ҳаражатларининг тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

1. Кассация инстанцияси ўз хулосаларини, шу жумладан ҳужалик суди биринчи инстанциясининг ҳал қилув қарорини ўзгартираётганида ёки янги қарор чиқараётганида, ёҳуд асословчи қисмини (тўла ёки қисман) ўзгартираётганида, қарор шаклида баён этади. Кассация қарори процессуал ҳўжжат каби кириш, баён қилиш асослантурувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Кассация қарори уни чиқаришда қатнашган барча судьялар томонидан имзоланиши лозим (шу жумладан, иш бўйича алоҳида фикри бўлганлар томонидан ҳам). Бу қонданинг бузилиши, агар у назорат тартибида текширув предмети бўлса, бундай қарорнинг бекор қилиниши учун асос бўлади.

2. Кассация қарори яхшилаб асослантурулган бўлиши керак. Кассация инстанцияси шикоят (протест)ни қаноатлантурумасдан қолдирганда бундай хулосага келганлиги асосларини қарорда кўрсатиб ўтиши лозим. Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ёки апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда ҳам, қарорда текширилаётган суд актларини нотўғри деб топишга асос бўлган ваъжларни кўрсатади.

3. Қарорнинг хулоса қисмида асослантурувчи қисмдан келиб чиқувчи ва кассация инстанцияси ваколатларига мос келувчи хулосалар баён этилиши лозим.

Қарорда ҳал қилув қарори (қарор)ни бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг аниқ ва конкрет асослари кўрсатилади.

Кассация инстанцияси шикоят (протест)ни қаноатлантурурган ҳолатларда кассация шикоятини келтирган шахс томонидан тўланган бож бошқа томондан ундирилиши лозим.

Агар кассация инстанцияси ҳал қилув қарори (қарор)ни ўзгартирса ёки иш бўйича янги қарор қабул қилса, тегишинча суд

ҳаражатлари тақсимотини ҳам ўзгартириши лозим ва бу ҳақда қарорнинг хулоса қисмида кўрсатиб ўтилиши шарт.

4. Шарҳланаётган модда (3-қисми) чиқарилган қарорни қисқа муддатда манфаатдор шахсларга юбориш мажбуриятини юклайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар қарорга қўшилмасалар, назорат тартибида протест киритишни сўраб ариза берган ҳолларда ўз позицияларини ўйлаб кўришлари мумкин, чунки кассация инстанциясининг қарори устидан шикоят келтириш мумкин эмас.

190-модда. Кассация инстанцияси суди кўрсатмасининг мажбурийлиги

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг қарорда баён қилинган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўраётган хўжалик суди у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устуңлиги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши тўғрисидаги масалаларни аввалдан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

1. Кассация инстанцияси кўрсатмаларининг мажбурийлиги фақат улар берилган аниқ ишгагина, шунда ҳам судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунитиш принципини ҳисобга олиб, ХПКнинг 190-моддасида белгиланган доирадагина тааллуқлидир. (ХПК 5, 61-моддалари).

2. ХПКнинг 186-моддаси билан 187-моддаси (3-банди)ни қиёслашдан кўринишича агар ҳал қилув қарори (қарор)нинг қонунийлигини текшириш чоғида унинг етарлича асосланмаганлиги аниқланса, кассация инстанцияси ишнинг ҳақиқий томони аниқланганлиги тўғрилигини ҳам маълум доирада текшириб кўради.

Бундай ҳал қилув қарори (қарор) бекор қилинади ва иш янгидан кўриб чиқишга юборилади. Бундай ҳолларда кассация инстанцияси ишни қайта кўраётган хўжалик суди учун ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш, янги далиллар олиш, қандайдир қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида бажарилгани шарт бўлган кўрсатмалар бериши мумкин.

Юқори турувчи суднинг мажбурий бўлган кўрсатмаларининг ишни қайта кўраётган хўжалик суди томонидан бузилиши муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бу кўрсатмаларнинг бузилиши ҳал қилув қарорини апелляция ёки кассация инстанциялари томонидан текширилганда бекор қилинишига олиб келиши мумкин, лекин бекор қилиш учун бундай бузилиш фактининг ўзи эмас, балки кўрсатмаларда айтиб ўтилган ва бартараф этилмасдан қолдирилган камчиликларнинг суд актида мавжудлиги бўлиши мумкин.

3. Кассация инстанцияси иш ҳолатлари исботланганлиги, далилларнинг ишончли эканлиги масалаларини олдиндан ҳал қилувчи кўрсатмалар бера олмайди. Кассация инстанцияси ишни янгидан кўришда қандай моддий ҳуқуқ нормаси қўлланишини ва қандай қарор чиқарилиши лозимлигини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас. Аммо, бу кассация инстанцияси моддий ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилганлигини кўрсатишга умуман ҳақли эмаслигини билдирмайди. Лекин, бундай кўрсатма тавсия хусусиятига эга бўлиб, ўзининг ишонарлилигига кўра амал қилиши керак.

191-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан кассация шикоят (протести)

Хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ хўжалик судининг ажримларига фақат ХПКда кўрсатилган ҳолатлардагина кассация тартибида шикоят (протест) келтирилиши мумкин. Кодексда кассация текшируви манфаатдор шахслар апелляция инстанциясига мурожаат этишганидан кейингина ўтказилиши мумкин, деган қоида йўқ. Шу боис ХПКнинг ажримларни апелляция шикояти муддати ўтгандан кейин ёки шикоят (протест)ни қаноатлантириш рад этилган ҳолларда шикоят қилиш ҳуқуқини қайд этувчи нормаларини кассация инстанциясига нисбатан ҳам қўлласа бўлади.

Хўжалик судининг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги (72-модда); даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашни рад этиш тўғрисидаги (76-модда); даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги (80-модда); иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги (83-модда); иш юритишни тугатиш тўғрисидаги (87-модда); даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги (89-модда); ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги (99-модда); жарима солиш тўғрисидаги (101-модда); даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги (117-модда); даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги (118-модда); кўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги (149-модда); ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, харфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисидаги (150-модда); янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш тўғрисида-

ги (205-модда); янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги (208-модда); ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг утказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги (215-модда); суд ҳужжати-нинг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги (217-модда) ажримларига кассация шикоятни келтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, апелляция шикоятини қайтариш тўғрисидаги (ХПК 162-моддаси) ва кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги (ХПК 180-моддаси) ажримлари фақат кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Агар апелляция шикояти, ХПКнинг 162-моддаси бузилганлиги ҳолда, ажрим билан эмас, балки хат билан қайтарилган бўлса, бу ушбу хатни олган томонни унга нисбатан кассация тартибида шикоят келтириш ҳуқуқидан махрум этмайди.

Амалдаги ХПКда илк бор хусусий ажримларга нисбатан шикоят келтириш қондаси назарда тутилган (152-модда).

2. Ажримга нисбаган келтирилган кассация шикояти (протест)-ни кўриб чиқиш муддатлари, тартиби хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва қарорлари устидан кассация шикояти (протести) келтириш кабилдир.

23-боб.

Назорат тартибида иш юритиш

192-модда. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатишган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

1. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича иш юритишнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишдан фарқ қилган ҳолда, назорат тартибида қайта кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахслар суд-назорат органи фаолиятини қўзғатиш ҳуқуқига эга эмаслар. Суд назоратининг ягона органи — Олий хўжалик суди Раёсати. қонунда ваколат берилган мансабдор шахсларнинг протестларига асосан, хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширади. Назорат тартибида иш юритишнинг бу хусусиятлари уни хўжалик судида суд ишларини юритишнинг фавқулодда босқичи сифатида таърифлайди.

Суд ишларини юритишнинг мазкур босқичида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини қўшимча равишда текшириш ҳамда йўл қўйилган суд ҳатоларини тузатиш имконияти таъминланади. Бундан ташқари, суд амалиётини қонунга тўла мувофиқ ҳолда йўналтириш, зарур ҳолатларда суд амалиётига тузатиш киритиш, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий ва оғишмасдан риоя этилишини ҳамда хўжалик судлари томонидан қонунни бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш назорат тартибида қайта кўриб чиқиш институтининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модда назорат тартибида қайта кўриб чиқишнинг объектини кўрсатади. Бундай объект — хўжалик судининг, шу жумладан Олий хўжалик судининг биринчи инстанцияда қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳар қандай ҳал қилув қарори бўлиши мумкин.

Хўжалик судларининг апелляция ва кассация инстанцияларида чиқарилган қарорлари ҳам назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин. Олий хўжалик суди Раёсатининг Қарорларига назорат тартибида қайта кўриб чиқиш объекти бўла олмайди.

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари эса ХПКда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўқтинлик қилган ҳолларда,

ҳал қилув қарорида алоҳида назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин (ХПКнинг 203-моддаси).

3. Қонун, суд ҳужжатларини фақатгина ХПКнинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкинлигини белгилайди. Шунга кура хужалик судига суд ҳужжати назорат тартибида қайта кўрилиши юзасидан келиб тушадиган аризалар назорат инстанциясида иш қўзғатилиши учун процессуал восита бўлиб ҳисобланмайди. Бундай аризалар мансабдор шахс томонидан назорат тартибида протест келтириш учун асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади.

193-модда. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай ҳужалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун Олий ҳужалик судига ҳужалик судлари судлов фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини бериб (42-модда), Олий ҳужалик суди Раиси (54-модда) ва унинг ўринбосарларини (55-модда) Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест келтиришга ваколатлаган. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун прокурорнинг ишларни судда кўрилишидаги ваколатлари қаторида (3-боб) суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест келтириш ҳуқуқини назарда тутган (39-модда). Протест келтириш тартиби ХПКда белгиланган.

Шарҳланаётган модда ҳужалик судлари актлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Ҳужалик суди ва прокуратуранинг ХПКнинг 193-моддасида кўрсатилмаган мансабдор шахслари (масалан, вилоят ҳужалик суди раиси ва вилоят прокурори) назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга эмаслар. Шу билан бир вақтда вилоят ҳужалик суди раиси ёки вилоят прокурори томонидан ҳужалик суди қабул қилган актининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги аниқланган ҳолатларда улар юқори турувчи мансабдор шахсга протест келтириш ҳақида тақдимнома киритишлари мумкин.

194-модда. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган шахслар протест кел-

тирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳужалик суди тегишли ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туриши мумкин.

1. Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш мумкинлиги қоидаси томонлар (кўпроқ жавобгарнинг) манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Кўпинча амалиётда, ижро этилган ҳал қилув қарори бекор қилинганда, даъвогарга берилган мулкнинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси юзасидан қийинчиликлар вужудга келади.

2. Шарҳланаётган модда ҳал қилув қарори ёки қарор ижросини тўхтатиб туриш тартибини кўрсатади. Фақат Олий ҳужалик суди тегишли ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиб туриши мумкин.

Бинобарин, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи Олий ҳужалик суди Раиси (54-модда) ва унинг ўринбосарларига (55-модда) берилган экан, демак тегишли қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш Олий ҳужалик судининг кўрсатилган мансабдор шахслари фармойишига кўра амалга оширилади.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш зарурияти иш прокуратурада ўрганиб чиқилаётганида аниқланган ҳолларда прокуратуранинг ХПКни 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахси тегишли илтимоснома билан Олий ҳужалик судига мурожаат қилади.

3. Ҳужалик суди томонидан қабул қилинган ҳар қандай суд ҳужжати: ҳал қилув қарори, қарор, ажрим, суд буйруғи устидан назорат тартибида протест келтирилиши мумкин. Уларнинг ижроси ХПКнинг 194-моддасига мувофиқ тўхтатиб турилиши мумкин.

Шу билан бирга, ХПКнинг 146-моддаси 5-қисмига мувофиқ дарҳол ижрога қаратилган ҳал қилув қарорининг ижроси тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги фармойиш ижро органига ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

4. Назорат тартибида иш юритиш тугагунга қадар, ишни текширишнинг ҳар қандай босқичида суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш мумкин. Олий ҳужалик суди; ваколат берилган мансабдор шахс томонидан тегишли иш қақиртириб олингунга қадар ҳамда ундан сўнг ҳам суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туришга ҳақлидир. Назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда, суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш бекор қилинади ва бу ҳақда ижро органига ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга хабар берилади.

Назорат тартибида протест келтирилганида, суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш, Олий ҳужалик суди Раёсати қарори чиқарилган пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

195-модда. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи хужалик суди

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

Хўжалик судлари тизимида фақат битта суд-назорат органи — Ўзбекистон Республикаси Олий хужалик судининг Раёсати фаолият кўрсатади. Фақат ушбу орган хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан назорат тартибида келтирилган протестлар бўйича ишларни кўриб чиқишга ҳақлидир.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ Олий хўжалик суди Раёсати, Олий хўжалик суди судьялари орасидан, Олий хужалик суди Пленуми белгилagan миқдорда ташкил этилади.

Олий хужалик суди Раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари мансабларига кўра Раёсат таркибига кирадилар.

Раёсат мажлислари бир ойда камида бир маротаба ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлганида ваколатли бўлади.

Олий хўжалик суди Раиси зарурият тугилган ҳолларда Раёсатни чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади.

196-модда. Ишларни талаб қилиб олиш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

1. Шарҳланаётган моддада назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар доираси кўрсатилган. Бундай ҳуқуқлар ХПКнинг 193-моддасидан кўрсатилган шахсларга берилган.

2. Ишни талаб қилиб олишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: чиқарилган ҳал қилув қарори ва қарор уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига таъсир этган, ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари ҳамда ишда иштирок этмайдиган ташкилот ва фуқароларнинг аризалари; матбуотда эълон қилинган ахборотлар; судьяларнинг тақдимномалари; суд амалиётини умумлаштириш натижасида олинган маълумотлар ва бошқалар.

Агар аризада суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи ишончли важлар келтирилса, иш назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олиниши лозим.

Ишни талаб қилиб олиш ва протест келтиришга асослар бўлма-

са, ариза берган шахсга, унинг аризасини қаноатлантирмай қолдириш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб юборилиши шарт.

3. Тегишли суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг иш ҳужжалик судидан талаб қилиб олинishi мумкин. Бунда, ишда иштирок этувчи шахс қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан кассация шикоятни келтиришга ҳақли. Экамлигини эътиборга олиш лозим. Шу мақсадда улар тегишли суд ҳужжатини қабул қилган ҳужжалик судида иш материаллари билан танишишга ҳақлидирлар (ХПКнинг 35-моддаси). Шу сабабли кассация шикоятни келтириш муддати ўтгунга қадар ҳужжалик судидан ишни талаб қилиб олиш ва сўровномага кюра юбориш мумкин эмас.

197-модда. Протест келтириш

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси муносабати билан ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатига юборади. Ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш кўрилгандан кейин апелляция ёки кассация инстанцияси судида берилиши мумкин. Протест келтириш учун асослар йўқлиги тўғрисида ариза берган шахс хабардор қилинади.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Назорат тартибиди протест келтирган мансабдор шахс уни ишни кўриш бошланишидан аввал чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

1. Назорат тартибдаги протест-қонун томонидан ваколат берилган мансабдор шахснинг, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриб чиқилиши ҳақида ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилган илтимосини ўз ичига олувчи процессуал ҳужжатдир. Протест келтириш — юқорида кўрсатилган шахснинг Олий ҳўжалик суди Раёсати фаолиятини кузгатишга йўналтирилган процессуал ҳаракатидир.

Иш талаб қилиб олинганидан ва ўрганиб чиқилганидан сўнг ва иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатини ўзгартиришга ёки бекор қилишга асослар мавжуд бўлгандагина (ХПКнинг 200-моддаси), протест келтириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

2. 197-модданинг 1-қисми мазмунига кўра протест келтираётган шахс ишни чақиртириб олинishiга асос бўлган аризанинг вазлари билан боғлиқ эмас. У протестни аризаچига нисбатан ҳам ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга нисбатан ҳам келтириши мумкин.

Протест бутунлай ҳал қилув қарори ёки қарорга ҳамда агар, баён этилган ҳулосалар ва вазлар хато ҳисобланган бўлса-ю, лекин улар ишнинг мазмунан кўриб чиқилишига таъсир этмаган бўлса, асослантирувчи қисмига нисбатан ҳам келтирилиши мумкин.

Икки ёки ундан кўп ўзаро боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларига нисбатан битта протест келтирилиши мумкин эмас.

3. Шарҳланаётган модда протест келтириш тўғрисидаги ариза ишни апелляция ёки кассация инстанциясида кўриб чиқилганидан сўнг берилиши мумкинлигини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур инстанциялардан бирортасида кўриб чиқилмаган иш юзасидан протест келтириш ҳақидаги ариза, уни берган шахсга қайтарилади.

Бироқ бу, ваколатланган мансабдор шахснинг, иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўриб чиқилган ёхуд кўриб чиқилмаганлигидан қатъий назар, ўз ташаббуси билан протест келтириш ҳуқуқини чегараламайди.

4. Протестни иш билан бирга бевосита Олий ҳўжалик суди Раёсатига тақдим этилишида протестнинг нухаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Агар протест ишда иштирок этмаётган шахснинг аризасига кўра келтириляётган бўлса, протестнинг нухаси унга ҳам юборилади.

Протестнинг нухасини олган шахслар унда баён этилган масалалар бўйича ўз тушунтиришларини Олий ҳўжалик суди Раёсатига юборишлари мумкин.

5. ХПКнинг 197-моддаси 3-қисми ваколатланган мансабдор шахснинг ўзи келтирган протестни чақириб олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бундай ҳуқуқдан мансабдор шахс, фақат ишни мазмунан кўриб чиқиш бошлангунга қадар фойдаланиши мумкин.

Протестни чақириб олиш ёзма шаклда бўлиши шарт.

Протестни чақириб олувчи мансабдор шахс бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиши, аризага эса протестни чақириб олиш асосларини маълум қилиши шарт.

Протестнинг чақириб олиниши мансабдор шахсни айнан шу ҳал қилув қарори, қарорга нисбатан яна протест келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

198-модда. Протестни кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий ҳўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важдлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўриляётган иш юзасидан хулоса беради.

1. Протест Олий ҳужалик суди Раёсати мажлисида кўрилади. Раёсат мажлисига Олий ҳужалик суди Раиси раҳбарлик қилади ва ХПКнинг 127-моддасида ўрнатилган тартибни таъминлайди.

Протестни кўриш судьянинг маърузасидан бошланади. Маърузачи ишнинг ҳолатлари ва протест важлари ҳамда иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарорнинг тўғрилигини текшириш учун Раёсатга зарур бўлган бошқа маълумотларни баён этади.

2. Одатда ишда иштирок этувчи шахслар Раёсат мажлисига чақирилмайди. Бироқ, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтириш беришлари мақсадга мувофиқлиги аниқ бўлган ҳолатларда, ушбу шахсларга назорат инстанцияси мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади.

Хабарнома олиб Раёсат мажлисига ҳозир бўлган шахслар судьянинг маърузасидан сўнг тушунтиришлар берадилар.

Раёсат мажлисига чақирилган шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди.

3. Олий ҳўжалик суди Раёсатида протест кўрилишида прокурорнинг иштироки мажбурийдир.

4. Раёсат иши Олий ҳужалик суди Пленумининг 1996 йил 1 март кундаги 51-сонли қарори билан тасдиқланган Олий ҳўжалик суди Раёсати Регламенти билан тартибга солинади.

199-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг ишлари ва назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) *ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгартиришсиз, протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга;*

2) *ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;*

3) *ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;*

4) *ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвои тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;*

5) *иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли.*

1. Агар Олий ҳўжалик суди Раёсати ҳал қилув қарори (қарор) қонуний ва асосли, протест важлари эса аҳамиятсиз деган хулосага келса, ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини (қарорни) ўзгартиришсиз, протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиради. Бундай ҳолатда Раёсат қарориди, протест важлари нотўғри деб топилганлиги ёки

улар суд ҳужжатини бекор қилинишига асос бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

2. Раёсат ишни назорат тартибида кўришда ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини (қарорини) ноқонунийлиги ёки асоссизлигини аниқлаб, суд ҳўжатини бекор қилади. Ҳал қилув қарори (қарор) бекор қилинган иш янгидан кўриш учун суднинг биринчи, апелляция ёҳуд кассация инстанциясига юборилиши мумкин.

Янгидан кўриш учун иш суднинг апелляция (кассация) инстанциясига, мазкур инстанция процессуал ҳўқуқ нормаларини бузганлиги ёки нотўғри қўллаганлиги ва бунинг натижасида шикоятнинг важларини ва шикоят келтирилган ҳал қилув қарорини қонунийлиги ва асослилигини тегишли равишда текшириш имкониятига эга бўлмаганлиги ҳолатларида юборилади (ХПКнинг 188-моддаси). Шу билан бирга, агар, апелляция (кассация) инстанциясининг, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини асоссиз равишда бекор қилинишига олиб келган хулосалари билан келишмаса, Раёсат, ишни янгидан кўриш учун суднинг мазкур инстанциясига юбормаслиги лозим. Бундай ҳолатда, Раёсат апелляция (кассация) инстанциясининг қарорини бекор қилишга ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақлидир.

3. Олий ҳўжалик суди Раёсати ҳал қилув қарорини (қарорни) ўзгартиришга ёки қўйи судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни иш суднинг назорат органида кўрилаётганида тузатиш мумкин бўлса, ишни янгидан кўришга юбормасдан, янги қарор қабул қилишга ҳақлидир. Ушбу қоида, аниқланган суд хатоларини тузатиш ва ҳўжалик низоси ортиқча сансалорликсиз ҳал этилишига қаратилгандир.

Агар ҳўжалик суди томонидан далилларни баҳолашда ёки моддий ҳўқуқ нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилган бўлса, суднинг назорат органи ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёҳуд янги қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Ҳўжалик суди томонидан йўл қўйилган хатолар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ҳал қилув қарориди (қарорда) баён этилган якуний хулосаларга таъсир этмаган бўлса, Раёсат ҳал қилув қарорини (қарорни) ўзгартириш ҳўқуқини амалга оширади. Шу жумладан, ҳўжалик суди томонидан ундирилган маблаг миқдорини кўпайтирилиши ёки камайтирилиши ҳал қилув қарорини (қарорни) ўзгартирилишига тааллуқлидир.

Агар ҳўжалик суди томонидан йўл қўйилган хатолар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ҳал қилув қарориди (қарорда) баён этилган хулосаларга таъсир этган бўлса, бундай хатоларни тузатиш янги қарор қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ўз мазмунига кўра қўйи ҳўжалик суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорига (қарорга) қарама-қарши бўлган қарор янги қарор деб номланади. Масалан, ҳўжалик суди даъвони қаноатлан-

тириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Раёсат эса, ишни назорат тартибида кўриб чиқиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хулосага келди.

4. ХПКнинг 86 ва 88-моддаларида кўрсатилган ҳолатларда Раёсат, ҳал қилув қарорини (қарорни) тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони кўрмасдан қолдиришга ҳақлидир.

5. ХПКнинг 199-моддаси 5-бандига мувофиқ Раёсат, агар иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлардан (қарорлардан) бири ишнинг ҳолатларига мос бўлса ва қонунга зид бўлмаса, уни ўз кучида қолдиришга ҳақли.

200-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ҳужжалик судининг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

1. ХПКнинг 135, 171, 189-моддаларига мувофиқ хўжалик судининг ҳал қилув қарори, қарори қонуний ва асосли бўлиши шарт.

Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 1 март кундаги «Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида»ги 54-сонли қарориди, «Мазкур низолар бўйича ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишда процессуал ҳуқуқ талаблари ва моддий ҳуқуқ талаблари тўлиқ ва аниқ қўлланган бўлса, қарорлар қонуний деб ҳисобланади» деб тушунтирилган (2-банд).

Иш бўйича муҳим бўлган ҳамма ҳолатлар, келтирилган далил-исботларни тасдиқловчи фикрлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосалар баён қилиниб, далиллар келтирилган бўлса, қарор асосланганлиги бўлади (3-банд).

2. Агар хўжалик суди моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузган ёхуд нотўғри қўллаган бўлса, ҳал қилув қарори, қарор ноқонуний деб ҳисобланади.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши: суд томонидан қўлланиши лозим бўлган қонуннинг қўлланмаганлиги; тегинли бўлмаган қонуннинг қўлланилганлиги; қонунни нотўғри талқин этилганлигида намоён бўлади.

Қўлланиши лозим бўлган қонуннинг қўлланмаслиги, ҳал қилув қарориди суд моддий ҳуқуқ нормасига нафақат таянмаганлигида, балки иш қонунга зид равишда ҳал этилганлигида намоён бўлади. Суд-назорат органи бундай қонунбузарлик билан, қуйи суд тегинли моддий ҳуқуқ нормасини танлашда ҳам хатога йўл қўйганлиги ҳолатида дуч келади. Масалан, суд умумий ҳуқуқ нормасини қўлла-

ди, ваҳоланки, аслида бу ҳолатда махсус қоидалар қўлланиши лозим ёки ақсинча, одатдаги ҳолатга нисбатан алоҳида муносабатларни тартибга солувчи нормалар қўлланилди.

Тегишли бўлмаган қонуннинг қўлланиши, авваламбор, суд томонларнинг ўзаро муносабатларига нотўғри ҳуқуқий баҳо берганлигини ва бунинг натижасида низоли муносабатларни тартибга солувчи ўзга моддий ҳуқуқ нормасини қўллаганлигини билдиради. Бундай қонунбузарлик суд норматив актни қўллашда қонуннинг ҳудудда ва вақтда амал қилиши чегараларини бузганлиги ҳамда ҳал қилув қарорини (қарорни) асосланганда давлатнинг ёки бошқа органнинг қонунга мос келмайдиган актларига таянганлиги ҳолатида (масалан, ваколат чегарасидан чиқиб қабул қилинган акта) ҳам содир бўлади.

Қонунни нотўғри талқин этишнинг моҳияти, суд тегишли қонунни қўллаган, бироқ унинг мазмунини нотўғри англаганлиги натижасида ҳал қилув қарорида (қарорда) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида нотўғри хулосага чиқарганлигидадир. Шу жумладан, бундай ҳатога қонунни чегараланган ёки кенгайтирилган ҳолда талқин этилишида ҳам йўл қўйилиши мумкин.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри талқин этиш барча ҳолатларда ҳам суднинг ҳал қилув қарорини (қарор) бекор қилинишига олиб келмайди. ХПКнинг 170 ва 188-моддалари мазмунига кўра, агар процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган бўлса, бундай бузишлар суднинг ҳал қилув қарорини (қарор) ўзгартирилиши ёхуд бекор қилинишига асос бўлади. Бинобарин, йўл қўйилган процессуал бузишларнинг оқибатлари ҳақидаги масала суд-назорат органи томонидан ҳар доим ишнинг аниқ ҳолатлари инобатга олинган ҳолда ҳал этилади. Шу билан бирга, ХПКнинг 170 ва 188-моддалари ҳар қандай ҳолатларда, ҳўжалик судини ҳал қилув қарори ёки қарорининг бекор қилинишига олиб келадиган процессуал бузишларнинг (бекор қилиш учун мутлақ асосларнинг) рўйхатини белгилаб беради.

3. Куйидаги ҳолатларда суд ҳужжати асоссиз деб ҳисобланади:

а) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаслиги. Бу, иш бўйича исботлаш предмети ноаниқ белгиланганлиги, бунинг натижасида, мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ишнинг пировард натижасига таъсир қилувчи муҳим юридик фактлар эътиборга олинмасдан ҳал қилув қарори (қарор) қабул қилинганлигини билдиради;

б) ҳўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган ишнинг ҳолатларини исботланмаганлиги. Бунда, суд, ҳеч қандай исботсиз фактнинг аниқланганини белгилаганлиги ёки фактни етарли даражада тасдиқламайдиган далиллар мажмуига таянаётганлиги ёхуд ўз хулосаларини шубҳали баҳоланган далиллар билан тасдиқлаётганлиги ҳолатлари ҳақида сўз юритилади;

в) ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларни ишнинг ҳолатларига мос келмаслиги. Бунда, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосалар билан суд аниқланган деб тўғри белгиланган ҳолатлар ўртасидаги мантиқий зидликлар назарда тутилади.

4 Одатда, назорат тартибида ҳал қилув қарори (қарор), улар қабул қилинганидан сўнг бир қанча муддат ўтганидан сўнг текширилади.

Жиддий асослар билан асослантирилмаган ҳал қилув қарорининг (қарор) бекор қилиниши ўтган давр мобайнида жараённинг собиқ иштирокчилари ўртасида шакллланган ҳуқуқий муносабатларга путур етказиши мумкин. Шунинг учун суд-назорат органи, хатоларни баҳолаб, ҳал қилув қарори (қарор) чиқарилганидан сўнг вужудга келган ва ишда иштирок этган шахслар ўртасидаги муносабатларга таъсир этган ҳолатларга эътиборни қаратади, ҳамда далилий ашёларнинг ҳал қилув қарорини қайта кўриш вақтидаги ҳолатини инобатга олади.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми мазмунан тўғри бўлган суд ҳужжатини юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмаслигини белгилайди.

201-модда. Қарор қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади. Агар Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Раёсат аъзолари овоз беришида бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раёсат қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Олий ҳужжалик суди Раёсати суд ҳужжатларини қарор шаклида қабул қилади. Процессуал ҳужжат сифатида қарор кириш, баён қилиш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Раёсат қарорининг асослантирувчи қисми алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда, суд-назорат органининг, қуйи турувчи суднинг хулосалари ёки протестнинг вазлари билан келишмаганлиги асослари кўрсатилади. Раёсатнинг, протест келтирилган ҳал қилув қарорининг (қарор) хато эканлиги ҳақидаги хулосаларини ишончли ҳуқуқий асослаш, назорат тартибида қайта кўриш институтининг вазифаларини амалга оширишда — суд амалиётини қонунга тўла мос ҳолда йўналтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қарор ҳозир бўлган Раёсат аъзоларининг кўпчилигини очиқ овоз бериши билан қабул қилинади (ХПКнинг 16-моддаси).

Қарор Олий ҳўжалик суди Раиси томонидан, унинг йўқлигида эса Раиснинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади. Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят келтирилмайди.

Ҳўжалик судининг бошқа ҳужжатлари каби, Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кўнлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

202-модда. Ишни назорат тартибида кўрган ҳужжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги

Ишни назорат тартибида кўрган ҳужжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қароридан баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган ҳўжалик суди учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўраётган ҳўжалик суди ҳал қилув қароридан, қарорда аниқланмаган ёҳуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори. қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

1. Олий ҳўжалик суди Раёсатининг ҳал қилув қарорини (қарор) бекор қилиш ва ишни янгидан кўришга юбориш ҳақидаги қароридан ҳўжалик суди ва ишда иштирок этаётган шахслар бажариши шарт бўлган ҳаракатлар кўрсатилади.

Мазкур ишни янгидан кўрувчи ҳўжалик суди, конкрет иш бўйича суд-назорат органининг иш ҳолатларини тўла ва ҳар томонлама аниқлашга, томонларнинг ўзаро муносабатларини текширишга қаратилган кўрсатмаларини инкор этишга ҳақли эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми суд-назорат органи кўрсатмаларининг мажбурияти чегараларини белгилайди. Бу, судьялар мустақиллиги ва уларнинг фақатгина қонунга бўйсунishi тамойилининг амал қилиши ҳамда далилларни баҳолашда судьянинг ички ишончи билан боглиқдир.

Агар суд-назорат органининг қароридан қонунга зид равишда, ХПКнинг 202-моддаси 2-қисмида қайд этилган масалалар бўйича кўрсатмалар баён этилган бўлса, ишни янгидан кўрувчи ҳўжалик суди бундай кўрсатмаларни бажармасликка ҳақли.

203-модда. Ҳужжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ва уларни қайта кўриш *Ҳўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари устидан*

назорат тартибида протест келтирилиши ва ушбу Кодексда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қилган ҳолларда, ҳал қилув қароридан алоҳида қайта кўрилиши мумкин.

Хўжалик судларининг ажримлари устидан келтирилган протестлар суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестларни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Шарҳланаётган модда хўжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтирилиши ва қайта кўрилишининг алоҳида ҳолатларини белгилайди.

Барча ажримлар ҳам назорат тартибида қайта кўриш предмети бўла олмайди. Қонун, ҳал қилув қароридан алоҳида, ажрим устидан протест келтириш ва қайта кўриш шартларини белгилайди.

Биринчидан, қонунда шикоят келтириш мумкинлиги белгиланган ажримлар назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин. Масалан, ХПКнинг 76-моддаси 4-қисми даъво ни таъминлаш ёки даъво ни таъминлашни рад этиш ҳақидаги ажримлар, ХПКнинг 101-моддаси 4-қисми — суд жаримасини солиш тўғрисидаги ажрим, 152-моддаси 3-қисми — хусусий ажрим ва бошқалар устидан шикоят келтириш имкониятларини белгилайди.

Иккинчидан, агар ишнинг кейинги ҳаракатига тўсқинлик қилаётган бўлса, ҳал қилув қароридан алоҳида, ажримлар устидан шикоят келтирилиши ва қайта кўрилиши мумкин. Бундай ажримларга: суд буйруғини бериш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш; даъво аризасини қабул қилиш ёки қайтаришни рад этиш; иш юритишни тўғатиш ёки даъво аризасини кўрмасдан қолдириш; апелляция ёки кассация шикоятини қайтариш тўғрисидаги ва бошқа ажримлар қиради.

203-модданинг 2-қисмига мувофиқ хўжалик судлари ажримлари устидан келтирилган протестлар, суднинг ҳал қилув қарорига (қарор) нисбатан келтирилган протестларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

24-боб.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш

204-модда. Қайта кўриш асослари

Хўжалик суди ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталлиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёхуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қуришга Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 24-боби бағишланган бўлиб, у ўз ичига 204-модда «Қайта кўриш асослари»; 205-модда «Ариза бериш тартиби ва муддати»; 206-модда «Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари»; 207-модда «Аризани кўриш»; 208-модда «Хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими» ни олади.

1993 йилги ХПКнинг 13-боби «Хўжалик судининг қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш» деб номланган эди. Амалдаги ХПКда эса, бундан фарқли ўлароқ аниқ ва умумий «Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш» сарлавҳани киритди, яъни илгари амалда бўлган ХПКда гап хўжалик судининг қонуний кучга кирган қарорлари тўғрисида бораётими, ёки бу институтни қонуний кучга кирмаган суд қарорларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги ҳақида фикр бориши кўрсатилмаган эди. Янги хўжалик процессуал кодекси эса, янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш хўжалик судининг фақатгина қонуний кучга кирган ҳужжатларига нисбатан қўлланилиши мумкинлигини аниқ белгилаб беради.

Агар 1993 йилги ХПКда янги очилган ҳолатлар бўйича фақатгина суднинг қарорларинигина қайтадан кўрилиши назарда тутилган бўлса, амалдаги ХПК эса янги очилган ҳолатлар бўйича суднинг қонуний кучга кирган барча ҳужжатлари қайтадан кўрилиши мумкинлигини белгилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш кассация ва назорат билан бир қаторда қайтадан қуришнинг учинчи шакли бўлиб ҳисобланади. Буларнинг ўзaro фарқини қайта кўриш асослари ва предмети бўйича ўтказиш мумкин.

Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш объекти бўлиб биринчи инстанция ҳужжалик судларининг барча қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ва ажримлари ҳисобланади. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг суд ҳужжатлари эса бу инстанциялар томонидан биринчи инстанция ҳужжалик судининг суд ҳужжатига нисбатан янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса ёки биринчи инстанция ҳужжалик судининг дастлабки суд ҳужжати ўзгартирилган бўлса, шунингдек иш тўхтатилганда ёки даъво кўрилмасдан қолдирилганда қайтадан кўрилиши мумкин.

Ҳужжалик процессуал ҳуқуқининг институтни сифатида суд ҳужжатларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўришнинг моҳияти шундан иборатки, янги очилган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш вақтида суд ҳужжатларини қонуний ва асослилиги устидан уни қабул қилган ҳужжалик суди назорат қилишидир.

Янги очилган ҳолатлар бу — мавжуд бўлган фактик ҳолатлар бўлиб, лекин улар суд ҳужжатини қабул қилиш вақтида аризачига ва судга номаълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўлиб, уларнинг мавжудлиги эса иш учун муҳим аҳамиятта эга бўлади ёхуд суд ҳужжатининг қонуний ва асослилигига шубҳа туғдиради.

Янги очилган ҳолатларни янги ёки ўзгарган ҳолатлардан шунингдек янги далиллардан фарқламоқ лозим.

Янги очилган ҳолатлар — бу юридик фактлар бўлиб, ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўлади.

Улардан фарқли равишда далиллар — бу фактик маълумотлар бўлиб, улар асосида суд юридик фактларининг мавжудлиги ёки йўқлигини белгилайди. Суд ҳужжатини қабул қилиш вақтида тадқиқот қилинмаган янги далилларни, жумладан томон унинг мавжудлигини билмаганлиги сабабли келтирилиши суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

Суд ҳужжати чиқарилганидан кейин, вужудга келган ёки ўзгарган, яъни ишни кўриш вақтида мавжуд бўлмаган ҳолатлар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди. Уларнинг вужудга келиши янги даъвои тақдим этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институти ҳўжалик процессуал ҳуқуқи институтлари тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш имконияти суд ҳужжатларини одилон ва адолатлиликнинг, шунингдек тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда ҳар бир субъект ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қушимча кафолати ҳисобланади;

Иккинчидан, суд назоратининг ХПК да кўзда тутилган бошқа шаклларига нисбатан оддийроқ ва тезкорроқ шаклини қўллаш имкониятини беради.

Амалдаги ХПК янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун мумкин бўлган асосларнинг қатъий рўйҳатини белгилайди.

Ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларига қонун қуйидагиларни киритади:

1. Аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар.

2. Гувоҳнинг била туриб ёлгон курсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталлиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилишига сабаб бўлган бўлса.

3. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёхуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари.

4. Ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган ҳўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

ХПКнинг 204-моддаси 1-бандида кўзда тутилган асос бўйича суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига мурожаат этиш учун қуйидаги шартлар мужассамликда мавжуд бўлиши лозим:

- а) фактик ҳолат суд ҳужжати чиқарилиши вақтида мавжуд бўлиши;
- б) мазкур фактни исботлаши лозим бўлган аризачига бу ҳолат маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган (суд ҳужжати чиқарилиши вақтида бу ҳолат унга номаълум бўлган) бўлиши лозим;
- в) фактик ҳолат ишни кўриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, яъни унинг мавжудлиги далилларни бошқача баҳолашни, шунингдек бошқа суд ҳужжати қабул қилинишини инкор этмайди.

Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш далилларни сохталаштириш: гувоҳнинг била туриб ёлгон курсатма хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталлиги мавжуд бўлганида бўлиши мумкин.

Юқорида қайд этилган асосини ташқи аломати сифатида умумий юрисдикциядаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган далилларни сохталаштириш фактини белгиланиши ҳисобланади. Аммо бунда сохталаштирилган далиллар ишни кўриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бунга сохта банкротлик ҳолати яққол мисол бўлиб, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор чиқарилганидан кейин умумий юрисдикциядаги суднинг ҳукми билан хўжалик суди томонидан қарор чиқарилиши учун асос бўлган бухгалтерлик баланси қалбақлаштириб тузилиши натижасида сохта банкротлик фактини аниқлаштирилганлигини келтириш мумкин.

Шунингдек суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг ёхуд судьяларнинг шу ишни кўриш вақтида жиноий қилмишлари ҳам асос бўлиши мумкин. Масалан, судья томонидан тарафларнинг биридан низони унинг фойдасига ҳал қилиш учун пора олиш факти. Бундай ҳолда суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун умумий юрисдикциядаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми етарли бўлади, негаки унга мувофиқ суд ҳужжати адолатсизлиги факти белгиланади.

ХПКнинг 204-моддасининг 4-бандига мувофиқ суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги асос бўлади.

Айрим ҳолларда хўжалик судлари бошқа суд ҳужжатларини (ХПК 60-модда) ёки маъмурий актларни қабул қилиш вақтида аниқланган фактларга таянган ҳолда суд ҳужжатлари, айниқса қарорлар қабул қилади.

Бундай суд ҳужжатларини — хўжалик судининг ҳужжати умумий юрисдикциядаги судлар, томонидан қабул қилинган ҳукм ва қарорлар, шунингдек маъмурий актларнинг бекор қилиниши ушбу қарорни қабул қилишга асос бўлган бўлса, суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлишининг шартидир.

205-модда. Аризани бериш тартиби ва муддати

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжати янги қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Аризага унинг нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза белгиланган муддат ўтгандан кейин берилса ва ўтказиб

юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса ёхуд ариза нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдими этилмаса, у судья томонидан аризачига қайтарилади.

Аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган ҳужжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Бундан келиб чиққан ҳолда олдинги амал қилган қонунчиликдан фарқли равишда ариза бериш учун қўйиладиган шартларни белгилаш мумкин:

а) қайта кўрилиши лозим бўлган суд ҳужжати қонуний кучга кирган бўлиши;

б) ХПК нинг 204-моддасига мувофиқ қайта кўриш учун асос бўлиши учун аризачида янги очилган ҳолатлар мавжудлигининг далиллари бўлиши;

в) аризачининг ишда иштирок этувчи шахс бўлиши;

г) янги очилган ҳолатлар аниқланган кундан, яъни аризачига уларни мавжудлиги маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан ошмаган бўлиши лозим.

Қайта кўриш тўғрисидаги ариза биринчи инстанция ҳужжалик судига берилади, агар мазкур суднинг қарори ёки ажрими қайта кўрилатган бўлса; апелляция инстанциясига берилади, агар ушбу инстанциянинг суд ҳужжати қайта кўрилатган бўлса; тегишли тарзда кассация ва назорат инстанцияларига берилади, агар уларнинг суд ҳужжатлари қайта кўрилатган бўлса.

Суд қарорини қайта кўриш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқидан ишда иштирок этувчи барча шахслар: тарафлар, учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатта кўра, шунингдек прокурор (ХПКнинг 34, 35-моддаларига берилган шарҳларга қаралсин) фойдаланади. Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қўзғаш ҳуқуқига ишда иштирок этувчи шахсларнинг ворислари ҳам эгадирлар.

Ҳужжалик судининг судьялари ва бошқа мансабдор шахслари янги очилган ҳолатлар бўйича иш қўзғатиш ваколатига эга эмаслар.

Бу шахслар иш билан танишаётганда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асосларни аниқлаганлари тақдирда ишда иштирок этувчи шахсларни, шунингдек давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиб даъво қўзғатган прокурорни бу ҳақда хабардор қилиб қўйиш ҳуқуқигагина эгадирлар.

ХПК суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза учун мажбурий бўлган шаклни белгиллаган. Шу билан бирга ариза кўриб чиқилиши учун шундай тузилган бўлиши керакки, ундан ариза қайси хўжалик судига берилаётганлиги, масалани ким қўзғатганлиги, гап қайси суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисида ва қайси асослар бўйича эканлиги, янги очилган ҳолатлар фактининг қандай далиллар билан тасдиқланиши кўриниб туриши лозим.

Аризада. аризачи янги очилган деб ҳисобланган ҳолатларнинг мавжудлиги тўғрисида унга маълум бўлган, сана албатта кўрсатилиши лозим.

Бу маълумот хўжалик суди учун: биринчидан, ариза бериш учун белгиланган бир ойлик муддатга аризачининг риюя қилганлигини текшириш учун, иккинчидан, ишнинг моҳияти жиҳатидан янги очилган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун зарур (агар ҳолатлар суд ҳужжати қабул қилингунга қадар аризачига маълум бўлганлиги аниқланса, суд томонидан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлмайд).

Агар аризачи ариза бериш учун белгиланган бир ойлик муддатни ўтказиб юборган бўлса, унга муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимосномани илова қилиши лозим (ёки ариза матнида берилган бўлиши керак) акс ҳолда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова қилган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган тақдирда, ариза аризачига қайтарилди. Ариза қайтарилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг устидан шикоят келтирилиши мумкин (ХПК 205-модда 4, 5-бандлар).

Бир ойлик муддат ХПК нинг 205-моддаси 1-бандига нисбатан тадбиқ этилиши ишда иштирок этувчи шахсларга янги очилган ҳолатлар тўғрисида маълум бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар янги очилган ҳолатлар суднинг ҳукми, қарори, бошқа органнинг қарори билан боғлиқ бўлса, бир ойлик муддатнинг ҳисобланиши тегишли тарзда ҳукм, суднинг қарори, давлат ёки бошқа органнинг ўзининг мазмуни жиҳатидан қайта кўришга асос бўлган қарши қарорининг қонуний кучга кирган кундан бошланади.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш вақтида аризачи аризанинг ва ишда иштирок этувчи шахсларда бўлмаган унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бу шахсларга юбориш шарт. Мазкур ҳужжатларнинг ва аризанинг нусхасини юборилганлигини тасдиқловчи далилларни аризага илова қилиниши лозим.

206-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хужалик судлари

Биринчи инстанцияда қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал

қилув қарори, ажрим шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган хўжалик суди томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш хўжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш хўжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанцияси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза уни қабул қилган хўжалик судига берилади.

Биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими апелляция, кассация, назорат инстанциялари томонидан ўзгартирилган бўлмаса ёки иш бўйича юқорида қайд этилган органлар томонидан янги қарор ва ажрим қабул қилинмаган бўлса ўз ҳал қилув қарорини ёки ажрим қайта кўриши мумкин.

Бу ҳолда биринчи инстанция хўжалик суди ўзининг ҳал қилув қарори ёки ажримини ўзи қайта кўради.

Ҳал қилув қарори ёки ажрим бекор қилиниши билан бир вақтда апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг уни ўзгартиришсиз қолдирган суд ҳужжати ҳам бекор қилинади.

Биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими апелляция, кассация ёки назорат тартибида ўзгартирилиб ёки бу инстанциялар томонидан иш бўйича янги қарор қабул қилинган бўлса, бундай суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриш ваколати кейинги қайд этилган органларга берилади.

207-модда. Аризани кўриш

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани, у тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда ўз мажлисида кўради. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

ХПКнинг 207-моддасида аризани кўриш тартиби белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қабул қилган хўжалик суди, у келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида кўриб чиқиши лозим.

Ушбу қоида хужалик процессининг тезкорлиги тамойилини белгилаш билан бирга интизомийлик аҳамиятига эга, чунки ушбу аризани деярли қисқа муддатларда куриб чиқилишига мажбурлаш билан бирга ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзаро муносабатларига аниқлик киритади.

Ариза хўжалик судининг мажлисида кўрилади. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинадилар. Қонун ариза ва хабарномани қабул қилиш тўғрисидаги вақт шаклига қатъий талабларни белгилайди, шунинг учун хужалик судлари бў усулни ўзлари хат шаклида ёки ўз мазмуни бўйича даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримнинг мазмунига вхшаш ажрим шаклида мустақил белгилайдилар.

Ишда иштирок этувчи шахсларни мажлиснинг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар бўлмаганда, у кўчирилиши лозим.

Мажлис вақти ва жойи тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг, жумладан аризачининг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинчилик қилмайди.

Суд хужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш суд хужжатини қабул қилган суд таркибида кўриб чиқилади.

Агар суд хужжатини қабул қилган суд таркиби узрли сабабларга кўра (судьянинг бетоблиги, таътилда бўлиши, командировкада бўлиши ва ҳ.к.) қайта кўришда иштирок эта олмаса, аризани кўриш бошқа суд таркибига топширилиши мумкин.

Аризанинг якка ёки хайъат таркибида кўрилиш тартиби ишнинг тоифасига (давлат ва бошқа органларнинг актларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги ва бошқа ишлар хайъат таркибида кўрилади) ва аризанинг қайси инстанцияда (апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида барча ишлар хайъатда кўрилади) курилиши билан аниқланади. Суд хужжати ишнинг тоифасидан қатъий назар хайъатда қабул қилинган бўлса, ишни қайта кўриш тўғрисидаги ариза ҳам хайъатда кўрилади.

Ишни биринчи инстанцияда кўрган хўжалик суди раисининг қарорига мувофиқ, суд хужжати якка тартибда қабул қилинганидан қатъий назар, янги очилган ҳолатлар бўйича хайъатда қайтадан кўрилиши мумкин.

Хўжалик суди аризани кўришда суд муҳокамасининг умумий қоидаларига амал қилади: суд мажлиси ХПКнинг 8-моддаси 1-бандидан бошқа ҳолларда очиқ олиб борилади, судда иштирок этаётган шахсларга суд таркиби эълон қилинади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади, жумладан судга раддия билдириш ҳуқуқи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва вазлари, барча шахсларнинг фикрлари эшитилади.

208-модда. Хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрим

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Суд ҳужжати бекор қилинган тақдирда иш хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича кўрилади.

Хўжалик судининг мажлиси ажрим чиқариш билан якунланади (ХПК 208-модда): суд янги очилган ҳолатларнинг мавжудлигини таъкидлайди; аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади; ёхуд аризада санаб ўтилган ҳолатларни янги очилган ҳолатлар деб ёки ишни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эмас деб тан олинмай суд ҳужжатини қайта кўришни рад этади.

Аризани қаноатлантириш тўғрисидаги (ажрим чиқарилаётган) ва суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилаётганда суд текширилиши лозим бўлган ва улар суд ҳужжатини бекор қилиш натижаси бўлган тақдирда уларни белгилаши ёки исботланган деб ҳисоблашга ҳақли эмас.

Барча бундай ва бошқа зарур масалаларни суд ишни янги муҳокамасида, ХПКнинг 208-моддаси 3-бандига мувофиқ ХПКда суд ҳужжатини бекор қилган ва ишни кўрадиган инстанция учун белгиланган қоидаларга мувофиқ кўради.

Суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ажрим дарҳол кучга киради ва унинг устидан шикоят келтирилмайди.

Суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгандан кейин суд иш бўйича янги суд муҳокамасига киришга тайёргарликни белгилайди ва ХПКнинг 12-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ тегишли ажрим чиқаради. Одатда бундай ажрим суд томонидан суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим билан бир вақтда чиқарилади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичи мажбурий бўлмаганлиги туфайли, суд суднинг ва ишда илтироқ этувчи шахсларнинг янги суд муҳокамасига тайёргарлигининг аниқ ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилиши билан янги суд муҳокамаси босқичига кириши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этилганда ҳам суд ажрим чиқаради, унинг юзасидан умумий тартибда шикоят келтирилиши мумкин.

IV бўлим.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

209-модда. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

Хужалик суди суд ҳужжатларини ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва суд буйруғи шаклида қабул қилади.

1993 йилги ХПКда ушбу боб «Қарорларнинг ижро этилиши» деб аталарди. Амалга киритилган ХПКда унинг ўрнига «суд ҳужжатлари» деган атама киритилди.

Қонуний кучга кирган хужалик суди ҳужжатлари мажбурийлик ва бажарилувчанлик хусусиятига эга бўлади ҳамда тарафлар суд ҳужжатининг йўриғига мувофиқ иш юритишлари керак.

Суд ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Шарҳланаётган модда суд ҳужжатларини ижро этиш Хўжалик процессуал кодексига ва бошқа қонунларда ўрнатилган тартибга кўра амалга оширилишини назарда тутади.

Кодекс ижро этиш билан боғлиқ бўлган ижро варақаларини ва уларнинг дубликатларини бериш тартибини, ижро варақасини ижро этиш учун тақдим этиш муддатларини, ижронинг тўхтатилиши ва яна тикланишини, кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб ижро этилишини, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришни, суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарликни, суд ҳужжатини қайтарма ижро этиш каби масалаларни тартибга солади.

Хўжалик судлари суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

Хужалик судларининг суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиш учун мажбурийдир.

Суд ҳужжатининг бошқа давлат ҳудудида тан олинishi ва ижро этилиши халқаро битимларга мувофиқ ўзаро тенглик асосида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон қатор битим ва конвенциялар қатнашчисидир.

Хусусан, МДҲ мамлакатларининг «Хўжалик фаолиятини юритишни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби

тўғрисида»ги Битими 1992 йил 20 мартда имзоланган бўлиб, ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан ва улар бўйича чиқарилган қарорларнинг бажарилишидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этилишини тартибга солади. Ўзбекистондан ташқари Битим Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Украинада ратификация қилинган ва кучга кирган.

Ушбу Битимнинг 7-моддасига мувофиқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қатнашувчи давлатлар ваколатли судларнинг қонуний кучга кирган қарорларини ўзаро тан оладилар ва ижро этидилар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қатнашувчи давлатларнинг биридаги ваколатли суд томонидан қабул қилинган қарор бошқа МДҲ давлатлари учун ижро этилишга мажбурийдир.

МДҲ мамлакатлари арбитраж (ҳўжалик) судларининг қарорлари ижро этилиши Киев Битимининг қатнашчилари бўлган манфаатдор томоннинг илтимосномасига биноан амалга оширилади.

Илтимосномага қуйилагилар илова қилинади:

илтимосномага сабаб бўлган ва мажбурий бажарилиши керак бўлган қарорнинг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

агар қарорнинг матнидан кўринган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирганини тасдиқловчи расмий ҳужжат;

иккинчи томоннинг суд жараёни ҳақида хабардор бўлгани тўғрисида далилий ҳужжат;

ижро ҳужжати.

Илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар сўраётган давлатнинг тилида ёки рус тилида баён қилинади.

Ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома қатнашувчи мамлакатнинг ваколатли суди томонидан кўриб чиқилади.

Агар илтимоснома у қарши қаратилган томон ваколатли судга қуйидаги далилларни келтирса:

а) сўралаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатнинг ваколатли суди томонидан айнан шу томонлар ўртасида, айнан шу предметга ва шу асосларга кўра қонуний кучга кирган бошқа қарор мавжуд бўлса;

б) агар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи учинчи мамлакатнинг ваколатли суди томонидан ёки ҳамдўстлик аъзоси бўлмаган давлат ваколатли судининг айнан шу томонлар ўртасида айнан шу предметга ва шу асосларга кўра чиқарган, тан олинган қарори мавжуд бўлса;

в) агар Битимга мувофиқ низо ваколатга эга бўлмаган суд томонидан ҳал этилган бўлса;

г) бошқа томон суд жараёни ҳақида хабардор қилинган бўлмаса;

д) мажбурий ижро этилиш учун қарор тақдим этиладиган уч йиллик муддат ўтиб кетган бўлса, қарорни ижро этиш рад қилиниши мумкин (Битимнинг 9-моддаси).

Шунингдек, Ўзбекистон ҳуқуқий ёрдам тўғрисида, суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш ҳақида яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан қатор икки томонлама шартномаларни имзолаган (Озарбайжон, Гуржистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Туркменистон, Украина, Хитой, Туркия).

Бир қатор тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини ижро этиш имконияти Ўзбекистон қўшилган кўптомонлама конвенцияларга асосланади. Масалан, 1958 йил июндаги чет давлатлар арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси, 1993 йил 22 январдаги фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Киев Конвенцияси (МДХ давлатлари).

210-модда. Ижро варақаси

Суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган ҳўжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин берилди. Пул маблағларини бюджет даромадига ундириш учун ижро варақаси қарздор турадиган жойдаги солиқ органига юборилади.

Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади.

Ижро варақаси деб ҳўжалик суди томонидан берилган ҳўжалик суди суд ҳужжатида баён қилинган ундирувчининг мажбурий ижро этилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга айтилади.

Ижро варақасида қўйидагилар кўрсатилиши лозим: ижро варақаси бераётган ҳўжалик судининг номи, ижро қилиниши лозим бўлган суд ҳужжатининг санаси, ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари, суд ҳужжатининг хулоса қисми, суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана, ижро варақаси берилган сана ва уни амал қилиш мудлати.

Ижро варақаси судья томонидан имзоланади, ҳўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади ва ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан кейин берилди.

Ижро варақаси ижро этилиши керак бўлган ҳужжатни қабул қилган ҳўжалик суди томонидан берилди. Тегишли тарзда ижро варақаси биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори ёки ажрим асосида берилди. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари томонидан, агар улар қарорни ўзгартирган ёки янги қарор қабул қилган бўлсалар, улар қабул қилган қарор асосида берилди.

Амалиётда шундай масала юзага келдики, агар ижро варақаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига кўра берилган

бўлса, кейин ушбу ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор чиқарилган бўлса, бироқ унда низо бекор қилинган ҳужжатдаги таъминлаш ҳал қилинган бўлса, янги ижро варақаси бериш керакми ёки йўқми? Бундай ҳолат ҳал қилув қарорини кассация тартибда процессуал қонунбузарликлар туфайли бекор қилинганида, яъни ишда суд мажлисининг баённомаси мавжуд бўлмаганда юзга келади. Кассация инстанцияси ҳал қилув қарорини процессуал қонунбузарлик туфайли бекор қилади, ammo низоли моҳиятига кўра биринчи инстанция қандай ҳал қилган бўлса, худди шундай ҳал қилади. Бундай ҳолат апелляция инстанциясида ҳам бўлиши мумкин, агар апелляция шикоятчи кечикиб тушса ва ижро варақаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига кўра берилган бўлса.

Янгидан қабул қилинган қарор бекор қилинган қарор билан бир хил бўлишига қарамай, янги ижро варақаси берилиши шарт. Биринчи қарор бекор бўлиши билан олдинги ижро варақаси ҳам ўз кучини йўқотади. Қонун бўйича суд қарори ижро асоси бўлиб ҳисобланади, ижро варақаси эса ўз табиатига кўра суд қарорини ижросини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилувчи ҳужжатдир ҳолос. Шунинг учун ҳам қарорнинг бекор қилиниши ижро варақаси юридик кучини йўқотад.

Янги ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун муддат бутунлай бошқа бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу муддат янги суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошланади, биринчи ижро варақаси бўйича эса ижро муддати анча илгари, биринчи ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан ўта бошлайди.

Ижро варақасининг берилишига мажбуран ижро этилиши керак бўлган ажримлар асос бўлади. Улар қуйидаги ажримлардир: даввони таъминлаш тўғрисидаги ажрим (79-модда), ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисидаги ажрим (147-модда), суд ҳужжатининг қайтарма ижроси ҳақидаги ажрим (219-модда), тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим (132-модда), жарима солиш тўғрисидаги ажрим (101-модда), иш юритишни тугатиш ёки даввони кўрмасдан қолдириш билан боғлиқ ҳолларда ҳўжалик суди суд харажатларини тақсимлаш ёки давлат божини бюджетдан қайтариш тўғрисида чиқарган ажримлар (87-модданинг 2-қисми, 89-модданинг 2-қисми).

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг берилади. ХПКнинг 146-моддасига мувофиқ, агар апелляция шикояти берилмаса биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради. Агар апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтда қонуний кучга киради. Апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг қарорлари қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар суднинг ҳал

қилув қарори учун кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ қонуний кучга киради: ажрим қабул қилингандан кейин, агар шикоят қилинмаган бўлса, бир ойлик муддат ичида кучга киради, агар шикоят қилинса — апелляция инстанциясининг ажримни ўзгартиришсиз қолдириш ҳақидаги қарори чиққан пайтдан бошлаб кучга киради.

Ижро варақаси ажрим асосида фақатгина у қонуний кучга кирганидан сўнг берилади.

Кодекс айрим суд ҳужжатлари учун истиснога йўл қўяди, яъни улар учун зудлик билан ижро этиш тартибини ўрнатади.

Масалан, ХПКнинг 79-моддаси даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажримни хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этишни кўзда тутди. Ундан келиб чиқадики, хўжалик судининг даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этиш учун хўжалик суди ижро варақасини дарҳол беради, унинг қонуний кучга киришини кутиб ўтирмайди.

Давлат органларининг, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек, келишув битимини тасдиқловчи ажримлар дарҳол ижро этилади, бироқ улар одатда ижро варақасини берилмасдан, суд қарорининг нусхаси асосида ижро этилади. Қарор нусхаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Пул маблағларини ундириш ҳақидаги ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига тегишли банк қоидаларига риоя қилган ҳолда жўнатилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳисобидан маблағларни уларнинг розилигисиз олиб қўйиш тўғрисидаги тўлов талабномалари ва инкасса топшириқномаларининг қабул қилиниши, ҳисобга олиниши ва сақланиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги Низом (27.06.98 й. 60-сон) билан белгиланади.

Ушбу Низомга кура ундирувчилар ижро ҳужжатлари асосида маблағларни кўчириб олиш учун банкка инкасса топширигини тақдим этишлари керак (№ 0505411013). Инкасса топшириқномаларида хўжалик судлари ҳал қилув қарорларининг рақами ва қабул қилинган кун илбатта кўрсатилиши лозим, айна пайтда қарз суммаси ва давлат бож и учун харажатлар алоҳида ажратилиши керак. Тўловчиларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларни олиб қўйиш банк томонидан фақат ҳақиқий ҳужжатлар ёки уларнинг дубликатлари асосида амалга оширилади.

Агар ижро варақалари хўжалик судлари томонидан олти ойлик муддат ўтказилиб тақдим этилган бўлса, банк уларни хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни олиб қўйиш ҳақидаги инкасса учун ижро варақаларини қабул қилмайди. Хўжалик суди

судьяси томонидан берилган суд буйруғига биноан ундириш буйруқ берилгандан кейин ўн кунлик муддат утгач амалга оширилади.

Инкасса топшириқномаси ундирувчи томонидан бир шаҳардаги ҳисобларда — унга хизмат кўрсатувчи банкка ҳисоб рақами мавжуд бўлган ёки бевосита тўловчининг ҳисоб рақами мавжуд бўлган банкка берилади, бошқа шаҳардаги ҳисобларда — фақат хизмат кўрсатадиган банкка берилади. Инкасса топшириқномаси банкка уч нусхада топширилади. Улар:

— агар тўловчи ва олувчи битта банкда хизмат қилсалар инкасса топшириқномасининг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилиб қўйилади, иккинчи нусха ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда тўловчига ҳисоб рақамидан кўчирма билан бирга берилади, учинчи нусха олувчига ҳисоб рақамидан кўчирма билан қайтарилади;

— бир шаҳарда ўтказиладиган ҳисоб-китобларда инкасса топшириқномаси бевосита тўловчининг банкига тақдим этилиши мумкин; унда биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилиб қўйилади, иккинчи нусха ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда тўловчига ҳисоб рақамидан кўчирма билан бирга берилади, учинчи нусха олувчига ҳисоб рақамидан кўчирма билан қайтарилади;

— ундирувчи банклараро ёки шаҳарлараро (ҳудудлараро) ҳисоб-китоблар бўйича инкасса топшириқномасини тақдим этса, биринчи ва иккинчи нусхалар ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда почта орқали ижро этувчи банкка қабул қилинган санасини кўрсатган, ҳисобчи томонидан имзоланган ва банкнинг штампи билан тасдиқланган ҳолда жўнатилади, учинчи нусха мижозга қабул қилинган санаси кўрсатилган банк бухгалтерининг имзоси ва бухгалтернинг ўзи муҳрлаган банк штампи билан тасдиқланган ҳолда қайтарилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобларидан пул маблағларини олишнинг тартиби ва навбати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги тасдиқлаган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган «Хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобларидан пул маблағларини ўчириб олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»си (12.02.98 й. 55-в-сон) билан белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ, ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағларни ҳисобварақдан ўчириш мижознинг фармойишлари ва ўчириш учун бошқа ҳужжатлар тушган тартибда (календарь навбат), агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, амалга оширилади.

Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

биринчи навбатда мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга туловларни ҳамда иш ҳақи тулаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тулов (ижрочи) ҳужжатлари буйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварағидан пул маблағларини утказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижрочи ҳужжатлар буйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тулаш буйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш буйича, бюджетга туловлар буйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан туловлар буйича ҳужалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижрочи ҳужжатлар буйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари буйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа тулов ҳужжатлари буйича календарь навбат тартибда пул ўчирилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш, календарь навбат тартибдан ташқари навбатда амалга оширилади.

ХПК 210-моддасининг 3-қисми пул маблағларини ундириш билан боғлиқ бўлганидан бошқа барча ижро варақаларини суд ижрочисига юборишни кўзда тутди.

Ҳужалик судларининг мол-мулкни натура тарзида бериш, бинолар ва бошқа объектларни бўшатиш ва бериш, ҳаракат содир қилишга мажбур этиш тўғрисидаги пул бериш билан боғлиқ бўлмаган ҳал қилув қарорлари суд ижрочилари томонидан ижро жараёни тартибда амалга оширилади.

Ижро жараёни ундирувчининг аризасига кўра қўзғатилади. Бунда ундирувчи ижро варақасининг аслини ёки унинг дубликатини суд ижрочисига юборади, унга, шунингдек ҳал қилув қарорини ихтиёрий бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, ҳужалик суди суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортиши ёки уни бажаришга тўсқинлик қилишни тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Юридик шахс идораси ёки мулки жойлашган жойдаги суд ижрочисига мурожаат қилиш лозим, агар қарздорлар сифатида фуқаролар (тадбиркорлар) бўлса, уларнинг яшаш жойи ёки иш жойи жойлашган ердаги суд ижрочисига мурожаат қилиш зарур.

Суд ижрочиси суд ҳужжатини ижро этишга киришар экан, қарздорга қарорни беш кунлик муддат ичида ихтиёрий бажариш таклифини топширади ва агар у тегишли муддатда ихтиёрий ижро қилмаган тақдирда қарор мажбуран ижро этилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Мажбурий ижронинг чоралари қуйидагилардир:

а) мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли билан ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш;

б) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва маблағларига қаратиш;

в) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;

г) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи бошқа қонунларга мувофиқ кўриладиган чоралар.

Ижро этиш давомида суд ижрочиси қарздорларни ижро ҳужжатлари билан танишини учун чақириш, шунингдек улардан, ижрода иштирок этмайдиган бошқа томонлардан ва шахслардан ижро учун зарур бўлган оғзаки ва ёзма хабар ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эгадир. Аини пайтда у қарздор эгаллаб турган бинога кириш ва унинг омборларини куриш ҳуқуқига эгадир.

Суд ижрочисининг қонуний талаблари давлатнинг бутун ҳудудидаги барча органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, талбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ижрочисининг қонуний талабларини бажармаслик ёки унга ўз вазифаларини ва мажбуриятларини бажаришига халақит бериш қонунда ўрнатилган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси).

Суд ижрочисининг қонуний талаблари қарздор — тегишли мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ҳар бир ҳолатда ҳолислар иштирокида далолатнома тузилади.

Тарафлар (ундирувчи ва қарздор) ижро ҳаракатларини амалга ошириш пайтида ижро жараёни материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш, қўшимча материаллар тақдим этиш, илтимосномалар баён этиш, ижро ҳаракатларини амалга оширишда қатнашиш, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, барча масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш, ижро жараёнида иштирок этаётган бошқа шахсларнинг илтимосномаларини, фикр ва мулоҳазаларини инкор қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш, уни рад этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар суд ижрочиси, мутахассислар (экспертлар) тарафларнинг, улар вакиллари ёки ижрода иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндошлари бўлсалар, ёки бевосита ёхуд билвосита ижро жараёнининг натижасидан манфаатдор бўлсалар, ёки уларнинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ижро жараёнида қатнашишлари мумкин эмас ва улар рад этилиши керак. Рад этиш учун ҳолатлар мавжуд бўлганда рад этиш талаби тегишли бўлган шахслар ўзлари рад қилиниш тўғрисида эълон қилишлари керак. Худди шу асосларга кўра рад қилиш ундирувчи ёки қарздор томонидан баён қилиниши мумкин. Рад қилиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинади. Суд томонидан суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги талаб қондирилганда суд ажримига кўра ижро ҳужжатлари бошқа суд ижрочисига берилади.

Суд ҳужжатини ижро этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (қарздорнинг мол-мулкини сақлаш, гашиш ва сотиш, экспертларга ва бошқаларга ҳақ тўлаш) суднинг ажримига кўра қарздор томонидан қопланади. Ушбу ҳаракат бажарилаётган суд ҳужжатига кура қарздордан ундирилаётган мол-мулк ёки пул маблағларига боғлиқ эмас.

211-модда. Битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси бериш

Агар суд ҳужжати бир неча даъвогар фойдасига ёки бир нечта жавобгарга қарши қабул қилинган бўлса ёхуд ижро турли жойларда амалга оширилиши керак бўлса, ижро варақалари суд ҳужжатининг қайси қисми ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши кўрсатилган ҳолда берилади.

Умумий қоидага кўра ҳужалик судининг суд ҳужжатига асосан битта ижро варақа берилади. Шарҳланаётган модда битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси берилган қоидаларини ўрнатади. Суд ҳужжатини ижро этиш босқичида қоида тариқаси ҳамиша битта ундирувчи ва битта қарздор қатнашади. Агар суд ҳужжати бир неча даъвогар фойдасига ёки бир нечта жавобгарга қарши қабул қилинган бўлса, ёхуд ижро турли жойларда амалга оширилиши керак бўлса, ижро варақаси суд ҳужжатининг қайси қисми ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши кўрсатилган ҳолда берилади. Ушбу ҳолатларда тегишли тарзда бир неча ижро варақаси ҳар бир даъвогар фойдасига ундириш ёки ҳар бир жавобгардан ундириш кўрсатилган ҳолда берилади.

Бир неча ижро варақаси, масалан, даъвогарга турли жойларда жойлашган мол-мулк берилиши керак бўлганда, ёки қарздорнинг бир неча ҳисобварақлари мавжуд бўлганда ва ундирувчи ундиришни уларга қаратишга ҳаракат қилганда берилиши мумкин. Икки ёки ундан кўп ижро варақалари олиш ундирувчига уларни ижро этиш учун бирданига тақдим этиш ва бирданига бир неча жойда ижро этиш имкониятини беради.

Ижро этиш жойи ва ундирилувчи маблағ миқдори ҳар бир ижро варақасида кўрсатилади. Солидар мажбуриятлар бўйича, яъни ҳар бир қарздор тўлиқ ҳажмда масъул бўлганда тузилган ҳужжатлар бундан мустаснодир. Солидар қарздорлар сонига қараб ижро варақаси берганда ҳужалик суди ундирилувчи умумий маблағни курсатади. Солидар масъулият пайтида ижро варақалари сони солидар қарздорлар сони билан белгиланади. Турли жойларда ижро этилганда бундай тартиб ундириш чегараларини оширишга, яъни қарздорлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун қарздорларнинг солидар мажбурияти тўғрисида қарор чиқарган ҳужалик суди томонидан ягона ижро жараёни олиб боришига йўл қўйилади. Турли қарздорлардан унди-

рилган маблағлар ягона жараёнда ҳисобга олинади. Тегишли маблағ ундириб бўлинганда ижро жараёни тугатилади.

Хўжалик судининг битта ҳужжати асосида бир неча ижро варақалари бериш яна бир қатор ҳолларда мумкиндир. Масалан, агар жавобгарга хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан пул маблағи тўлашдан ташқари маълум мол-мулкни бериш ёки бошқа ҳаракатни амалга ошириш юклатилган бўлса.

Агар дастлабки ва қарши даъволар тўла ёки қисман қаноатлантирилса, ижро варақалари ҳар бир даъво бўйича алоҳида берилади, қарши даъво ҳисобга олиш учун тақдим этилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бунда ХПКнинг 138-моддаси 8-қисми қоидалари амал қилади, унга мувофиқ дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра бюджетга ва хўжалик судларини ривожлантириш фондида давлат божи ундирилганда ҳам алоҳида ижро варақалари берилади.

212-модда. Ижро варақасининг мазмуни

Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) *ижро варақасини берган хўжалик судининг номи;*
- 2) *ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;*
- 3) *ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;*
- 4) *ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;*
- 5) *суд ҳужжатининг хулоса қисми;*
- 6) *суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;*
- 7) *ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.*

Агар хўжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжатини ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишига рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш ҳақидаги ижро варақаси тегишли шаклда берилади, унинг мазмуни шарҳланаётган моддада белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Ижро варақасига суд ҳужжатининг хулоса қисми сўзма-сўз кўчириб ёзилади. Бунда хулоса қисмининг ижрога тааллуқли бўлмаган қисми тушириб қолдирилади. Агар бир суд ҳужжати асосида бир неча ижро варақаси бериладиган бўлса, ҳар бир ижро варақасига у бўйича ижро этиладиган қисми кўчириб ёзилади.

Қарорда пул маблағларини тўлаш тўғрисида гап борган ҳолларда

ижро варақасига моддий қийматлар учун асосий қарз суммаси, ба-
жарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун асосий қарз сумма-
си, шунингдек неустойкалар (жарималар, пенялар) ва келтирилган
зарарлар кўрсатилиши керак. Суд харажатларини тақсимлаш билан
боғлиқ бўлган суммалар алоҳида кўрсатилиши керак. Бунда сумма-
лар ёзма равишда ва қавс ичида рақамлар билан кўрсатилади.

Агар ҳужалик суди томонидан мулкий низо ҳал этилган бўлса,
ижро варақасидан олиб берилиши керак бўлган мулкнинг аниқ
номи ва у жойлашган жой кўрсатилиши, бўшатилиши керак бўлган
бинонинг тула ва тўғри таснифи берилиши лозим.

Суд буйруғи суд ҳужжатларининг бир тури бўлиб, судья чиқа-
радиган ҳужжатдир, у қарздордан пул маблағини ундириш ёки
ундириладиган маблағни қарздорнинг мулкига қаратиш тўғрисида-
ги ариза муносабати билан чиқарилади.

Суд буйруғи ХПКнинг 102-моддасига асосан ижро ҳужжати ку-
чига эгадир. У буйича ундирув суд буйруғи берилгандан сўнг ўн
кунлик муддат ўтгач суд ҳужжатларини ижро этишда белгиланган
тартиб асосида амалга оширилади.

Суд буйруғининг мазмуни ХПКнинг 110-моддасида баён қилин-
ган. Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ҳўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана;

ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифи-
нинг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақидалиги;

қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари;

ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб
қилиб олинishi лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсат-
ган ҳолда;

неустойка, агар тўланиши лозим бўлса;

қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим
бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхала имзоланади, улар-
дан бири ишла қолади, бошқаси ҳўжалик судининг гербли муҳри
билан тасдиқланиб ундирувчига берилади.

213-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати

*Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд
ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муд-
дат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш
учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқа-
рилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этили-
ши мумкин.*

Агар суд ҳужжатининг ижро этилиши тўхтатиб турилган бўлса,
у тўхтатиб турилган вақт ижро варақаси ижрога тақдим этила-
диган олти ошлик муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

1. Хўжалик суди суд ҳужжатини мажбурий тарзда ундиришга қаратиш муайян муддат билан чегараланган.

шарҳланаётган ҳужжалик суди ҳужжатларининг бажарилиши учун олти ойлик муддатни ўрнатади.

Ижро варақалари, агар уларнинг муддати утиб кетган бўлса, банклар ёки бошқа кредит муассасалари томонидан, суд ижрочилари томонидан бажариш учун қабул қилинмайди.

Ижро муддати суд ҳужжатининг қонуний кучга кирган кунидан ҳисобланади. Агар қарздорга ижрони кечиктириш имкони берилган бўлса, муддат кечиктириш муддати тугаган кундан бошланади. Агар бўлиб-бўлиб ижро этиш имкони берилган бўлса, олти ойлик муддат ижронинг ҳар бир қисми учун у ўрнатилган кундан бошланади.

Суд ҳужжатини ижрога тақдим этиш муддати ўтказиб юборилиб, тикланган ҳолда олти ойлик муддат ўтиши ижро муддатини тиклаш тўғрисидаги ажрим қонуний кучга кирган вақтдан бошланади.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорлар бўйича ижро ҳужжатлари ўз кучини бундай тўловлар ундириш учун белгиланган барча вақт давомида сақлаб қолади. Бундай ҳолатларда муддатлар ҳар бир тўлов учун ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми суд ҳужжати ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ҳисобланадиган олти ойлик муддат ичига киритилмаслигини кўрсатади.

Ушбу Кодекс томонидан, шунингдек кассация шикоятга на суд ҳужжатини назорат тартибида кўриш муносабати билан ижро жараёнини тўхтатиб қўйиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ХПКнинг 77-моддасида кўзда тутилган даъвога таъминлаш чоралари ижрони даъвогар низоланаётган ижро ҳужжати бўйича ундиришни тўхтатиб туриш имконини беради, шунингдек у мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туришга ҳам имкон беради.

Мазкур Кодекс ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш муносабати билан ижрони тўхтатиб туришни кўзда тутмаган.

214-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг узиллиши

Ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилади.

Ижро варақасини ижро этиш имконияти йўқлиги сабабли у ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро варақасини тақдим этиш учун янги муддат у қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш ижро варақасини ижрога

тақдим этишнинг олти ойлик муддаги узилишига сабаб бўлади. Бу шуни билдирадики, олти ойлик муддат ичида ижро органига (банкка, бошқа кредит муассасасига ёки суд ижрочисига) юборилган ижро варақаси, биринчидан ушбу орган томонидан қандайдир муддатлар билан чегараланмаган ҳолда ижро этилиши мумкин; иккинчидан, ижро ҳужжати ижро этилмасдан ёки қисман ижро этилиб, ундирувчига қайтарилганда у яна қайтарилган кунидан бошлаб ҳисобланадиган олти ойлик муддат ичида такроран ижро этишга тақдим қилиниши мумкин.

Ижро варақасини ижро этиш учун тақдим этиш муддати суд ҳужжатининг қарздор томонидан қисман ижро этилиши билан узилади. Қонун ижро варақаси ижро этиш учун тақдим қилинмасдан ихтиёрий тарзда қисман ижро этилишини назарда тутати. Бу қарздор уз мажбуриятини тан олганини ва уни бажармоқчи эканидан далолат беради. Бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат пул маблағи кўчирилганини тасдиқловчи тулов топшириқномаси бўлиши мумкин.

Ижро варақаси ижро этиш учун тақдим этилганидан сўнг амалга оширилган қисман ижро этиш муддатнинг ўтишига таъсир қилмайди, чунки муддат узилган ва шунинг учун ўтмаётган бўлади.

2. Узилганидан кейинги янги ижро этиш муддати ижро варақаси ундирувчига қисман ижро этилиб ёки умуман ижро этилмай қайтарилганда бошланади. Қайтариш куни сифатида ижро варақаси банк ёки суд ижрочиси томонидан ундирувчига қайтарган ёхуд почта орқали жўнатган кун ҳисобланади. Ижро варақасини ижро этишга тақдим қилишнинг шунгача ўтган муддати янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Шарҳланаётган модда қайтаришнинг фақат бир асосини — ижро варақасини ижро этиш имконияти йўқлигини курсатади.

Агар ижро варақаси банк муассасасига берилган бўлса, у фақат ундирувчининг аризасига биноан қайтарилиши мумкин, чунки қарздорнинг ҳисобварақасида маблағнинг йўқлиги ўз-ўзидан ундирувчининг тегишли аризасисиз ижро варақасини қайтариш учун асос бўла олмайди. Банк унда қарздорнинг ҳисобварағи мавжуд бўлмаганда ижро варақасини қайтаради.

Қисман ундирилган ёки умуман ундирилмаган ижро варақаси суд ижрочиси томонидан ундирувчига қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

- а) ундирувчининг аризасига кура;
- б) агар қарздорнинг ундиришни қаратиш мумкин бўлган мол-мулки еки даромади булмаса;
- в) агар ундирувчи ижро этиш давомида сотилмаган қарздор мулкани ўзига олишдан ёки қарздордан суд қарориди кўрсатилиб, тортиб олинган предметларни олишдан бош тортса;
- г) агар ундирувчи кўрсатган манзилда қарздор ташкилот ёки унинг мулки жойлашмаган бўлса.

Суд ижрочиси «б», «в», «г», бандларда кўрсатилган ҳолатларда

хўжалик суди ажрими билан таслиқланадиган тегишли далолатнома тузади

Агар қарздорнинг (тадбиркор фуқаронинг) ёки унинг мол-мулкнинг жойлашган манзили туғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, хўжалик суди қарздорга ёки унинг мол-мулкига ички ишлар идоралари орқали қидирув эълон қилиш ҳақида ажрим чиқаради. Қидирув билан боғлиқ харажатлар қарздор ҳисобидан ундирилади.

Ижро варақасининг ундирувчига қайтарилиши бу ҳужжатни қонунда кўзда тутилган муддат чегарасида ижро этиш учун тақдиран тақдим қилишга моне бўлолмайди.

215-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш туғрисидаги ариза суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига берилади. Ариза хўжалик судининг мажлисида ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

1 Ижро этиш муддати ўтказиб юборилган ижро варақаси банк ёки суд ижрочиси томонидан ижрога қабул қилинмайди ва ундирувчига қайтарилади.

Ижро варақасини қабул қилишни рад этиш туғрисида суд ижрочиси томонидан далолатнома тузилиб, хўжалик судининг судьясига ижро варақаси билан биргаликда юборилалади.

Ушбу муддатни тиклаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат ундирувчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига берилган.

Хўжалик суди фақат узрли сабаблар мавжуд бўлгандагина ижро этиш муддатини тиклаши мумкин.

Аризага тегишли ижро варақаси илова қилинади.

Аризада муддатнинг ўтказиб юборилганига сабаб бўлган ва энди, аризачининг фикрига кўра, муддат тикланишига асос бўлиши мумкин бўлган вазиятлар кўрсатилади.

Ариза хўжалик суди томонидан ундирувчини ва қарздорни суд мажлисининг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Уларнинг судга келмаслиги суд ўз олдига қўйилган масалани кўриб чиқиши учун монелик қилмайди.

2. Хўжалик судининг ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ёки

тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин.

Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг олти ойлик муддати утказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим қонуний кучга кирганидан бошлаб ҳисобланади.

Банк, кредит муассаси ёки суд ижрочиси ундирувчидан муддати утказиб юборилган ижро варақасини суднинг утказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги ажрими бўлган тақдирдагина қабул қилади.

216-модда. Ижро варақасининг дубликатини бериш

Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

1. Ижро варақаси йўқолганда унинг дубликатини беришга йул қуйилади.

Ариза йўқотилган ижро варақасини беришга асос бўлган суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига берилади.

Ижро варақасининг дубликатини бериш ҳақидаги ариза у ижрога тақдим этилиши мумкин бўлган муддат ичида берилиши мумкин. Агар бу муддат ўтказиб юборилган бўлса, дубликат бериш ҳақидаги ариза билан бир пайтда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан ҳам мурожаат қилиши лозим. Агар муддат тикланмаса, ижро варақаси дубликатини бериш ҳам рад қилиниши лозим.

Ижро варақаси дубликатини бериш ҳақидаги ариза мазкур муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномасиз рад қилиниши керак. Суднинг аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда рад этиш сабаби кўрсатилиши ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги ариза бериш ҳуқуқи тушунтирилиши лозим.

Ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади, уларнинг келмаганлиги аризани куришга тўсқинлик қилмайди.

Дубликатни бериш ҳақидаги аризада ижро варақаси йўқотилган ҳолатлар кўрсатилади ва аризачининг важларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундай далиллар банклар ёки бошқа кредит муассасаларининг маълумотномалари, алоқа органлари ёки

суд ижрочисидан олинган маълумотномалар бўлиши мумкин. Ундирувчи ташкилотнинг ижро ҳужжати йўқолгани ҳақидаги хабарномаси унинг раҳбари (ёки ўринбосари) ҳамда бош ҳисобчиси томонидан имзоланган бўлиши керак.

Дубликат бериш ҳақидаги масалани ҳал этишда ҳўжалик суди йўқотилган ижро варақаси бўйича қарор ижро этилган-этилмаганлигини аниқлаши лозим. Агар ижро этилган бўлса, дубликат бериш мумкин эмас.

Ижро варақасининг дубликати йўқотилган ижро варақасидек кучга эга бўлади.

Агар йўқотилган ижро варақаси бўйича қарор қисман ижро этилган бўлса-да, бериладиган дубликатда ундириладиган суммани тегишлича ўзгартириш мумкин эмас. Дубликат йўқолган ҳужжатни тўлалигича такрорлаши шарт. Қисман амалга оширилган ижро дастлабки ижро варақаси бўйича амалга оширилиши мумкин бўлгани каби дубликат бўйича кейинчалик амалга ошириладиган ижрода ҳисобга олинishi лозим.

Дубликат берилган пайтдан бошлаб дастлаб олинган ижро варақаси ўз кучини йўқотади. Агар у кейинчалик топилса ҳам ундирувчи ундан фойдалана олмайди.

2. Дубликат бериш ёки беришни рад қилиш ҳақида ҳўжалик суди ажрим чиқаради ва уни тарафларга юборади. Иккала ҳолатда ҳам ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Кодекс судга ишда иштирок этувчи иккала тарафларга ҳам ажримни юбориш мажбуриятини юклайди.

Ижро варақаси дубликатини беришни суд ҳужжатидан бир нечта варақ ёки ҳал қилув қарори ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартирилиши муносабати билан бериладиган янги ижро варақаси бериш билан алмаштирмаслик лозим.

217-модда. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш

Ҳўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кура суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Ҳўжалик суди қарздорга ҳужжатни кечиктириб ёки бўлиб — бўлиб ижро этиш имконини берар экан, ушбу Кодекснинг 7-бобида назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг ижро этилишини таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш уни ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш масалалари ҳўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор толиширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқига ундирувчи, қарздор ва суд ижрочиси эгадирлар. Суд ижрочиси бу ҳуқуққа хўжалик судининг ўзи ижро жараенини олиб бораётган суд ҳужжатларига нисбатан эгадир.

Суд ижрочисининг ўзи мустақил тарзда суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Ижро этишни қийинлаштирадиган ёки имконсиз қиладиган ҳолатлар (табиий офатлар, ундириладиган мол-мулкнинг мавжуд эмаслиги, қарздорнинг беморлиги ва ҳакозо) мавжуд бўлганда, суд ижрочиси бу ҳақда далолатнома тузади ва бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда судьяга суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал қилиш учун тақдим этади.

Хўжалик суди ўз ташаббуси билан суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал этиши мумкин эмас.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза ижро этиш муддати ўтгунича берилиши мумкин.

Санаб ўтилган масалаларни ижро этилиши керак бўлган ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судигина ҳал этиши мумкин. Бу биринчи инстанция суди ёки, агар ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги қарор қабул қилган бўлса, апелляция инстанцияси суди бўлиши мумкин.

Агар кассация ёки назорат тартибида ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёки янги қарор қабул қилинган бўлса, ушбу қарорнинг ижро этилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар низони биринчи инстанцияда кўрган суд томонидан ҳал этилади.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза суд мажлисида кўриб чиқилади. Унинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида ундирувчи ва қарздор хабардор қилинади, ammo уларнинг келмаганлиги масалани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суд ижрочиси ариза у томонидан берилганда ёки хўжалик суди унинг иштирокини зарур деб топганда хабардор қилинади.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласи хўжалик

судининг ажрими билан ҳал этилади. Ариза қаноатлантирилганда ҳам, у рад этилганда ҳам ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш деганда гап ижро этиш муддатини ўзгартириш ҳақида боради. Шу билан бирга бу тушунчаларни фарқлай олиш керак. Суд ҳужжати ижросини кечиктириш ижро этишни қонун ёки ҳўжалик суди белгиллаган бир муддатдан бошқасига кўчиришни назарда туттади. Бўлиб-бўлиб ижро этиш эса қарздорга ўзига юклатилган мажбуриятни тўлалигича қонун ёки ҳўжалик суди белгиллаган муайян муддатда эмас, қисмларга бўлиб ижро этиш ҳуқуқини беради, айна пайтда ҳар бир қисмни ижро этиш учун аниқ сана ёки вақт оралиғи белгиланган алоҳида муддат ўрнатилади.

Ижро варақасини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш деганда ижронинг бир турини бошқаси билан алмаштириш назарда тутилади. Масалан, мол-мулкни бериш мажбурияти қарздордан пул маблағи ундириш билан алмаштирилиши мумкин.

Кодексда қайси шарт-шароитлар суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Ҳўжалик суди ҳар бир аниқ ҳолатда уларнинг зарурилиги ҳақидаги масалани ҳал этиши мумкин. Айна пайтда ундирувчининг ҳам, қарздорнинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинishi лозим. Ижро муддатини кечиктириш кўпинча биноларни бўшатиш, бинодан чиқариш билан боғлиқ ишларда қўлланилади.

Аmmo ижро этишни кечиктириш меъёрий акт билан бевосита кўзда тутилган ҳоллар ҳам мавжуд: агар ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилган бўлса-ю, унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган бўлса, ижро этиш банкротлик масаласи кўрилгунча, сўнг эса банкротлик ҳақидаги қонунчилик назарда тутган тартибда тутатилгунча кечиктирилади.

Ижро этиш тартибини ва усулини ўзгартириш зарурияти кўпинча мол-мулкни натурада бериш ишлари муносабати билан юзага келади. Бундай қарорларини бажариш пайтида маълум бўлиши мумкинки, олиб берилиши керак бўлган мол-мулк амалда бўлмайдиле, шунда унинг қийматини ундириш масаласи пайдо бўлади.

ХПК 139-моддаси талабига кўра ҳўжалик суди мол-мулк топширилиши керак бўлганда нафақат топшириладиган мол-мулкнинг номини кўрсатади, балким унинг қийматини ҳам белгилаши керак. Агар ижро этиш жараёнида мол-мулкнинг йўқлиги аниқланса, суд ижрочиси (бундай қарорлар суд ижрочиси томонидан ижро этилади) бу ҳақда далолатнома тузади ва, шундан сўнг, ХПКнинг 217-моддасида кўзда тутилган тартибда мулкнинг ўрнига унинг қийматини ундириш ҳақида ариза берилиши мумкин. Шундай ариза асосида чиқарилган ажримга асосланиб янги ижро варақаси берилади, у банкка ёки бошқа кредит муассасасига тақдим этилиши мумкин.

Мол-мулкнинг қиймати ХПКнинг 217-моддаси талабларига кура ажрим чиқариладиган пайтдаги нархларда баҳоланиши керак.

Улли шу қоидалар ундирувчи топширилган мол-мулкни унинг қадризилангани, бузилганлиги ёки алмаштирилганлиги туфайли олишдан бош тортган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Қарздордан пул маблағлари ёки мол-мулк ундириш эмас, маълум ҳаракатларни содир қилиш талаб этилган қарорлар ижросида, агар қарздор бу ҳаракатларни бажармаса, шундай пайтларда ҳам ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга тўғри келиши мумкин.

Қонунга мувофиқ ундирувчига бундай ҳаракатларни, агар ҳаракатлар характери имкон берса, қарздор ҳисобидан ўзи амалга ошириши ҳуқуқи берилиши мумкин. Хўжалик суди ўзининг ҳал қилув қароридаёқ агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан ундан зарур харажатларни ундириб олган ҳолда амалга оширишга ҳақли эканлиги кўрсатилиши мумкин (ХПК 142-моддасининг 2-қисми).

Агар ҳал қилув қароридан бундай кўрсатма бўлмаса, тегишли ҳаракатларни содир қилиш ҳуқуқи ундирувчига ХПК 217-моддасида кўзда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Қарздорга маълум ҳаракатларни содир қилиш мажбуриятини юкловчи пул маблағларини ундириш ёки мол-мулкни топшириш билан боғлиқ бўлмаган қарорлар суд ижрочиси томонидан ижро этирилади. Уларга кўра қарздорга ижро этиш муддати белгиланади. Муддат хўжалик суди ёки суд ижрочиси томонидан тайинланиши мумкин. Агар қарор бу муддатда ижро этилмаса, суд ижрочиси бу ҳақда далолатнома тузади, шундан сўнг ундирувчи ХПКнинг 217-моддасида кўзда тутилган тартибда судга ижрони қарздор ҳисобидан амалга оширишга рухсат берувчи ажрим чиқаришни сўраб, ариза билан мурожаат этиши мумкин.

Қарорда кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ амалдаги харажатлар қарздордан хўжалик судининг ажрими асосида ундирилади. Қоидага кўра харажатлар ҳаракатлар содир этилгандан сўнг ундирилади. Аммо, адабиётларда агарда даъвогарни суднинг ҳал қилув қароридан белгиланган ҳаракатларни амалга ошириши учун маблағлари бўлмаса харажатларни олдиндан ундириш мумкинлиги тўғрисида фикрлар билдирилган эди. Даъвогарнинг аризасига асосан харажатларни қоплаш масаласи ҳам шарҳланаётган модда талаблари асосида, яъни иккала тарафларни албатта хабардор қилиш орқали кўриб чиқилади.

218-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик

Ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг элик фоизигача миқдорда жарима солади.

Ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

1. Шарҳланаётган модда қарздордан пул маблағларини ундириш ҳақидаги ижро варақаси тақдим этилган банк ёки бошқа кредит муассасининг суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун жавобгарликни ўрнатади.

Хўжалик суди банк ёки бошқа кредит муассасасига ХПКнинг «Суд жарималари» тўғрисидаги 13-бобида кўзда тутилган қоидалар асосида жарима солади. Жарима солиш тўғрисидаги масала ижро этилмаётган суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди мажлисида кўрилади. Мажлиснинг жойи ва вақти ҳақида жарима солиниши керак бўлаётган банк ёки бошқа кредит муассасаси, шунингдек қарздор ва ундирувчи хабардор қилинади. Улар топширилганлиги қайд этиладиган бюргма хат билан хабардор қилинади. Тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги мазкур масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Банк ёки бошқа кредит муассасасининг масъулияти масаласи манфаатдор томон — ундирувчи тарафидан қўйилиши мумкин, ammo қонун мазкур масала хўжалик суди томонидан уз ташаббусига кўра кўрилишини ҳам ман қилмаган. Хўжалик судининг бундай ҳуқуқи нафақат томонларнинг ўз поймол этилган ҳуқуқларини тиклашдаги мустақиллиги, томонларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига монелик қилмайди, балким суд ҳужжатининг ҳаққоний ижро этилиши талабларига ҳам жавоб беради.

Жарима солиш тўғрисидаги масалани кўриш натижаларига кўра ажрим чиқарилади. Унинг устидан шикоят қилиниши мумкин, шу жумладан жарима солинган банк ёки бошқа кредит муассасасида ҳам шундай ҳуқуқ мавжуддир. Солинадиган жариманинг аниқ миқдори хўжалик суди томонидан белгиланади, у ундирилиши керак бўлган сумманинг 50-фоизигача бўлиши мумкин, айти пайтда суд ўз ҳужжатининг ижро этилмаганлигига сабаб бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Жарима қарздорнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлиб ҳамда банк ёки бошқа кредит муассасаси уни ўчириш имконига эга бўла туриб кўчирмаган ҳолда солинади.

Хўжалик суди қарорни ижро этилмаганлиги сабабларини аниқлаётганда ижро варақаси банкда турган даврдаги қарздорнинг ҳисоби бўйича кўчирма сўраб олиши мумкин.

Хўжалик судлари кўпчилик ҳолларда ундирувчиларнинг банкларга жарима солиш ҳақидаги илтимосномаларини рад қилади, чунки қарор қарздорнинг ҳисобида маблағи бўлмаганлиги сабабли

ижро қилинмаётган ва бунда банкнинг ҳеч қандай айби йўқлиги аниқланади.

Хўжалик суди томонидан банк ёки бошқа кредит муассасасига солинган жарима давлат бюджетига ва хўжалик судларининг ри-
вожлантириш фондига ўтказилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун ҳам жавобгарликни ўрнатади. Унга энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз баробари-
гача жарима солиниши мумкин. Бу шахслар ушбу ҳаракатларни бажариш хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан айнан уларга юклатилган бўлгандагина масъулиятга эга бўладилар.

Шу сабабли, суднинг қарори аниқ бўлиши, уни бажариш учун амалга оширилиши лозим бўлган барча ҳаракатлар белгиланиши зарур. Қарор шундай расмийлаштирилиши керак-ки, уни ким ва қандай ижро қилиши аниқ кўрсатилсин. Шундагина уни ижро қил-
маганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлиги реал бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексига тергов қилишга ва суд ишларини ҳал этишга араләшиш ҳамдасуд қарорини қасддан бажармаслик одил судловга қарши жиноятлар сирасига киритилган. Шундай қилиб, ЖКнинг 232-моддасига мувофиқ ман-
сабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши, — энг кам ойлик иш ҳақининг эл-
лик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шундай қилиб, Жиноят кодексининг мазкур моддаси умумий судларнинг ҳам, хўжалик судларининг ҳам суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати сифатида намоён бўлади.

219-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси

*Агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвои тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жа-
вобгарга қайтарилади.*

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвои тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, хўжалик суди бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўла ёки қисман бекор қилиш тўғрисида суд ҳужжати қабул қилади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижросида бекор қилинган суд ҳужжати бўйича ундирувчига бериш учун ундан олинган барча нарса-лар (пул маблағлари, мол-мулк) қайтарилиши керак. Биноларни бўшатиш ҳақидаги ишларда улар жавобгарга қайтариб берилади.

Шундай қилиб, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда амалга оширилади: 1) суд ҳужжати (тула ёки қисман) ижро этилган бўлса; 2) суд ҳужжати бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса; 3) янги қарор қабул қилиниб, даъво (тула ёки қисман) рад этилган бўлса ёки иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган бўлса.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси гарчанд қайта кўриш пайтида ҳал қилув қарори (ажрим, қарор) алақачон ижро этилган бўлса-да, кассация инстанциясида, назорат тартибда ёки янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишли мумкин. Қайтарма ижро қарор ёки ажрим қонуний кучга кирганидан сўнггина мумкиндир.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ҳали ижроси таъминланмаган суд ҳужжати бекор қилинган ҳолатларни тартибга солади.

Бу ҳолатда қайтарма ижро қўлланилмайди, балки олдинги суд ҳужжати бўйича ундирув тугатилади. Бу ерда агарда олдинги суд ҳужжати қисман бўлсада ижро этилганда қайтарма ижрога йул қўйилади.

220-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, жавобгар биринчи инстанция хўжалик судига тегишли ариза беришга ҳақли. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташкилотнинг, фуқаронинг аризаси бўйича хўжалик суди ундирилган пул маблағлари, мол-мулк ёки унинг қийматини қайтариш тўғрисида ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат шлова қилинади.

Ишни кассация шикоятни ёки протест бўйича ёхуд протест бўйича назорат тартибда кўраётган хўжалик суди, агар у ўз қарори билан низони ҳал этаётган бўлса (даъвони тула ёки қисман рад қилса, ишни юритишдан тугатса ёки даъвони кўрмасдан қолдирса), суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиши лозим. Агар иш янгидан кўришга берилса, биринчи инстанция хўжалик суди суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ўз ташаббуси билан кўриб чиқиши шарт. Агар ишни қайта кўрган биринчи инстанция суди, кассация ва назорат инстанцияси

судлари бекор қилинган (ўзгартирилган) суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилган бўлмасалар, жавобгар биринчи инстанция ҳужжалик судига қайтарма ижро масаласини ҳал қилишни сўраб ариза бериши мумкин. Мазкур аризанинг берилиш муддати ва ҳал этилиш тартиби кодексда кўрсатилмаган. Бироқ бундай аризада асоссиз бойишни қайтариш ҳақидаги моддий-ҳуқуқий талаб мавжудлигини ҳисобга олганда у даъво қилиш муддатида берилиши мумкин. Ушбу талаб бўйича даъво муддати даъвони рад қилиш ёки ишни тугатиш ёхуд даъвони кўрмасдан қолдириш ҳуқидаги суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жавобгарнинг қайтарма ижро ҳақидаги аризаси даъво аризаси эмаслигини ҳисобга олинганда, унинг учун давлат божи олинмайди. Қайтарма ижро ҳақидаги ариза очиқ суд мажлисида қарздор ва ундирувчи иштирокида кўрилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳужжалик судига айнан нима ижро этилганини ва қайтарма ижро учун қандай ҳаракатлар лозимлигини аниқлаш имконини беради, томонлар эса ўз далилларини ва мулоҳазаларини келтиришлари, Кодексда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин. Қайтарма ижро ҳақидаги ажрим оқибатида мажбурий ижро ҳаракатлари келиб чиқишини ҳисобга олганда, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин.

V-бўлим.

ЧЕТ ЭЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

221-модда. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари

Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар), ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини химоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан барабар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси судларида ташкилотлари ва фуқароларининг махсус процессуал ҳуқуқларига нисбатан махсус чеклашларга йўл кўйилган давлатларнинг шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан жавоб тариқасида чеклашлар белгилаши мумкин.

Шарҳланаётган модда 3-қисмдан иборат. Жамиятнинг демократлашуви жараёнида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муносабати чет эл давлатлари билан ҳамкорлик қилишни кенгайтириш зарурияти объектив равишда келиб чиқади.

Конституциянинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларинини тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб ҳисобланади.

Турли давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда ҳужалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётгани чет эл ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган хорижий шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги низоларни кўриш ва ҳал қилишга доир масалаларни тартибга солиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳужалик сулида хорижий шахслар иштирокидаги низоларни кўришга катта аҳамият бериляпти, чунки уларнинг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятларини химоя қилиш ўзбек иқтисодини халқаро тизимидаги муваффақиятларни интеграциялашувининг зарур шартларидан бири сифатида қаралади.

Шу билан бирга шахланаётган моддада чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган хорижий шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий процессуал ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Энг аввал шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгиланган. Жумладан, Конституциянинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминлаш кўрсатилган. Улар Конституцияда, қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган мажбуриятларга эгадирлар.

Хорижий шахслар иштирокидаги ишлар бўйича иш юритиш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал қонунчилигидаги янги нормалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу нормаларнинг қўлланилиши ўзига хос процессуал хусусиятларга эгадир.

Хўжалик судларининг тааллуқлилига чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги низолар тегишлидир.

Бинобарин, хорижий шахслар, шу билан биргаликда чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Хўжалик судлари чет эл савдо судларига (Франция) ёки савдо ишлари учун умумий судларнинг ихтисослаштирилган бўлимларига (Буюк Британия, ФРГ) ўхшаб суд органлари ҳокимиятининг айрим ўзига хос хусусиятларига эгадир, шунинг учун хорижий элементлар иштирокидаги ишларга ҳам Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари юрисдикциясини жорий қилиш учун имкониятлар яратиб қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик процессуал қонунчилиги билан янги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганки, буларни шартли равишда халқаро хусусий ҳуқуқнинг хўжалик процессуал нормалари сифатида белгилаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқ фанида халқаро хўжалик процесси деганда процессуал тусдаги масалаларнинг йиғидиси тушунилади, булар Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди томонидан хорижий шахслар ва хорижий юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Ушбу модданинг илмий-амалий шарҳи юртимиз ҳуқуқий тизими кўрсатмаларини ўзгармаслигини тасдиқлайди, бу илгаридан хорижий шахсларга цивилистик хусусиятли муносабатлар соҳасида ҳамда

бузилган ҳуқуқлари ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш борасида миллий режими деб аталмиш имконият бериб қўйилгандир. Бу кўрсатилган шахсларга ваколатлар берилган бўлиб, улар Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари қатори мажбуриятларга эгадирлар.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, турли янги халқаро шартномалар, битимлар, конвенциялар тузган, шунингдек амалдагиларга қўшилган давлатлар ўхшаш (аналогик) йул тутишлари мумкин. Бунга 1992 йил 20 мартда Киев шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг ҳукуматлари бошлиқлари даражасида имзоланган «Ҳужалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғрисидаги Битим» яққол мисолдир. Мазкур Битим Олий Мажлисининг 1993 йил 6 мартдаги қарори билан ратификация қилинган. Бунда мазкур Битимни ратификация қилган ҳар бир давлатнинг ҳужалик субъектлари бошқа шундай давлатнинг ҳудудида судларга, арбитраж (ҳужалик) судларига, ҳакамлик судларига тўсқинликсиз мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар, у ерда мурожаат қилиш, тавсиялар қилиш, даъво қўзғатиш ҳамда бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин (3-модда).

Бундан ташқари, шунингдек 1993 йил 22 январда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи бўлган давлатлар томонидан Минск шаҳрида (бундан буён Минск Конвенцияси) имзоланган ва Олий Мажлисининг 1993 йил 6 майдаги қарори билан ратификация қилинган «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Конвенция муҳим аҳамиятга эгадир. Худди шундай мазмундаги нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги икки тарафлама бир хил номли шартномаларда мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги 1996 йил 24 декабрдаги «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги шартнома.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 23-моддаси 3-қисмига кўра, ҳужалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тadbirkorлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик суди Пленумининг «Ишларни биринчи инстанцияда кўришда Ўзбекистон Республикаси ХПКни қўлланиши тўғрисида»ги 2000 йил 28 январдаги қарорида тушунтириб айтилганидек, ХПКнинг 23-моддасига биноан низолар келиб чиқиши мумкин бўлган Ҳужалик судларга тааллуқли ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектлари таркиби белгилаб қўйилган.

У аввало юридик шахсларни ва тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширувчи ва қонунда белгиланган тартибда якка тадбиркор мақомига эга булган шахсларни уз ичига олади. Бунда шунин назарда тутиш лозимки, хужалик суди низонинг тааллуқли эмаслиги сабабли даъво аризасини қабул қилмасликка ҳақли эмас, агарда даъво билан юридик шахснинг узи эмас, балки унинг алоҳида ажралиб чиққан бўлинмаси (филиали, ваколатхона) унга берилган ваколатнома асосида мурожаат қилган бўлса, бундай ҳолда шу каби ишлар буйича вакил сифатида иштирок этаётган алоҳида ажралиб чиққан бўлинма эмас, балки унинг манфаатлари юзасидан ҳаракат қилинаётган юридик шахс даъвогар бўлади.

Агарда даъво бевосита юридик шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида ажралиб чиққан бўлинмасига нисбаган қузгатилган бўлса, бундай ҳолда юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласини суд ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ хал қилади.

ХПКнинг 23-моддасига биноан фуқаро хужалик судига тааллуқли низонинг иштирокчиси бўлиб ҳисобланади. башарти у юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса. Хужалик судлари шунин назарда тутишлари лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, лекин давлат рўйхатидан ўтмаган шахс якка тадбиркор мақомига эга бўлмайди, бундай шахслар иштирокидаги низолар ХПКнинг 23-моддасига биноан хужалик судларига тааллуқли эмас. Агар фуқарони якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлигининг амал қилиши бекор қилинган бўлса, масала худди шундай тартибда хал қилиниши лозим. Чунончи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганлиги туфайли давлат рўйхатидан ўтказилганлиги йўқ қилинган ва бошқа шу каби ҳолларда кўрсатилган фуқаро иштирокидаги, шунингдек аввалги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар хужалик судларига тааллуқли эмас, бундан юқорида кўрсатилган ҳолатлар юзага келгунга қадар тааллуқлилик ҳақидаги қоидаларга риоя қилинган ҳолда хужалик судлари томонидан иш юритишга қабул қилинган шундай ишлар мустаснодир.

Лекин фуқаро-тадбиркор мақомига эга бўлганлики низони унинг иштирокида хужалик судида кўриш учун ўз-ўзидан асос бўлмайди. Агар фуқаро белгиланган тартибдаги якка тадбиркор мақомига эга бўлсаю, лекин низо тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан келиб чиқмаган, аксинча уй-жой, никоҳ-оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан, шунингдек фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай ҳолда низо хужалик судларига тааллуқли бўлмайди.

Хорижий ташкилотларга нисбаган миллий режимнинг қўлланилиши шунинг англатадики, улар суд жараёнида фақат даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашишлари, балки низонинг предмети бўйича мустақил талаблар қўйган ва қўймаган учинчи шахслар бўлиши-

лари мумкин (ХПКнинг 34-35-моддалари), банкротлик ишлари бўйича ва юридик аҳамиятга молик фактларни тасдиқлаш ҳақидаги ишлар бўйича қатнашишлари, вакиллар орқали иш юритишлари мумкин (ХПКнинг 50-моддаси).

1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 23-моддаси 3-баъдига асосан юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати давлат ўз қонунлари билан таъсис этган қонунчиликка кўра белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 41-моддасида кўрсатилганидек, юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1176-моддасига биноан юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати юридик шахснинг қонуни билан белгиланади. Чет эл юридик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги, чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили битим тузган мамлакатнинг номаълум бўлган чекловларни ваъ қилиб келтириши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 7-моддасида мустақамланган қойданинг умумий мазмуни шундан иборатки, агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда, бошқа қойдалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қойдалари қўлланилади.

МДХ давлатларининг 1993 йил 22 январдаги ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Конвенциясининг 20-моддасига асосан турли МДХ давлатларида истиқомат қилувчи жисмоний шахслар ўртасидаги низолар қойдага кўра, шахс қаерда турар жойига эга бўлса, даъвои шу давлатда кўзгатади, юридик шахсларга нисбатан эса юридик шахсининг бошқарув органи, ваколатхонаси ёки филиали қаерда жойлашган бўлса шу давлат ҳудудигага қарашли судда даъво кўзгатилади. Аниқ тоифадаги даъволар (кўчмас мулкнинг жойлашиши ва бошқалар) учун судловга тегишлилигининг бошқа мезонлари Конвенцияда ўз ифодасини топган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг судлари бошқа ҳолатларда, агарда шу судга низо ни ўтказиш тўғрисидаги томонларнинг ёзма равишдаги келишувлари бўлса ва агарда судларнинг ваколатлари (ўзига хос ваколати тўғрисидаги қойда) Конвенцияда аниқ белгиланмаган бўлса ҳам ишларни кўришлари мумкин. Бинбарин, Ўзбекистон¹ умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари ўртасидаги ваколатларни чегаралаш ҳақидаги нормалар бузилишини олдини олиш учун, суд мажлисида хорижий ташкилот ўзининг миллий қонунчилиги асосида бу ташкилот ҳуқуқ субъектлилик ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

Агарда, субъект сифатида хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс низода қатнашаётган бўлса, унга ҳуқуқий баҳо бериши лозим. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунида бошқа

¹ Матн бўйича Ўзбекистон деб ўзгартириш лозим.

қоидалар белгиланмаган бўлса, хорижий юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги тартибга соладиган тadbиркорлик ёки бошқа фаолиятларни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1169-моддаси 4-қисмига кўра, жисмоний шахснинг хусусий тadbиркор бўлиш ҳамда бу билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларига эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тadbиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлакати бўлмаганда, хусусий тadbиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Фуқаролар иштирокидаги юридик шахсни ташкил қилмасдан тadbиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ёки хусусий тadbиркорлик ҳуқуқига эга бўлган низоли ишлар қонунда белгиланган тартиб асосида кўрилади ҳамда хўжалик судларига тегишлидир. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 24-моддаси 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган, яқка тadbиркорни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш зарур. Бироқ, кўриб чиқилаётган вазиятда турли давлатларда рўйхатдан ўтказиш шаклининг ҳар хиллиги билан боғлиқ қийинчиликлар тутилиши мумкин. Процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан турли хилдаги ҳолатларда тadbиркорнинг ҳуқуқий мақомини исботлаш маъсулияти манфаатдор шахснинг зиммасида бўлади.

Баъзи ҳолатларни таъкидлаш керакки, қайсидир давлатда Ўзбекистон ташкилотлари ва фуқароларига процессуал ҳуқуқлари махсус чеклашлар белгиланиши мумкин. Чеклашларга йўл қўйган давлатларнинг шахсларига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати чеклашлар белгиланиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш керакки, Фуқаролик Кодексининг 1167-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгиланиши мумкин. Бундай чоралар хўжалик судларининг розилиги асосида эмас балки, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг махсус қарори асосида белгиланади. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар процессуал ҳуқуқларни ўз вақтида ва аниқ қўллашлари ўзларининг бузилган ва низолашаётган суд ҳокимияти органларида қонун билан кўриқланадиган ҳақ-ҳуқуқларини мустахкам ҳимоя қилиш имкониятини яратди.

222-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш

Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда бир қисмдан иборат. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги чет элликларга ўзимизнинг фуқаролар билан тенг тамойилда ўз ҳуқуқларига эга бўлиш имкониятини ва суд химоясини кафолатлайди. Кайд этиш лозимки, чет эллик шахслар учун республикада ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аҳамияти энг аввало чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўзларининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилиши ҳуқуқлари кафолатлашда ўзининг ифодасини топади. Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар (ХПКнинг 221-моддаси 2-қисми).

Ушбу моддада ҳуқуқий норманинг принципал маъносини таъминлайдиган суд иш юритишдаги хорижий шахслар қатнашувидаги ишларда акс этади. Шунини таъкидлаш лозимки, чет эл шахсларини процессуал мақомини ўзгартирадиган ҳеч қандай чеклашлар ХПКда ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланмаган.

Шу билан бирга мазкур норманинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у бевосита амалий аҳамиятга эга, чунки у чет эллик шахслар иштирокидаги ҳўжалик ишларни кўриб чиқишда ҳўжалик жараёнининг одатдаги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ХПКнинг бешинчи боби нормаларини талқин қилиш, аниқлаштириш, қўшимча қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу чет эл давлатларининг суд ҳужжатларини тан олиш ва ижро қилиш, алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини қўллашда ҳам ёрқин намоён бўлади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриб чиқишда одатдаги иш тартибини қўллаш ҳўжалик суди ва ҳўжалик низосининг иштирокчиларининг аниқ процессуал ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди. Мисол тарқасида қўйидагиларни, яъни қўлланиладиган ҳуқуқни топиш, чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, тақдим қилинаётган хорижий ҳўжатларни қабул қилиш, ва уларни тақдим қилиш, ҳаттоки, хорижий фирмаларнинг почта реквизитларини ва тўлиқ номларини аниқлаш муаммолари кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги даъвогар бўлиб иштирок этаётган чет эллик шахслар зиммасига даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилишида жавобгарнинг суд ҳаражатлари ва давлат божини тўлашини кафолатловчи пул маблағларини суднинг депозит ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиш маъсулиятини юкламайди. Бу масалалар кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикалари ўрталаридаги 1997 йил 2 июндаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам ҳақида»ги шартномани 2-моддасига мувофиқ кели-

шаётган тарафнинг ҳар бирининг фуқаролари ҳамда унинг ҳудудида доимий яшаётган бошқа шахслар, иккинчи келишаётган тарафнинг ҳудудида суд ва нотариал божи ва харажатларини тўлашдан озод қилинадилар, шунингдек мазкур келишаётган тараф ўзининг фуқаролари фойдаланаётган бепул юридик ёрдамдан шу шартлар ва ҳажмдаги юридик хизматдан фойдаланишга ҳақли. Мазкур модданинг 1-бандида келтирилган имтиёзлар, айнан бир иш юзасидан амалга оширилаётган процессуал ҳаракатларнинг, шунингдек, қарорнинг ижроси ҳам, ҳаммасига тегишли бўлади.

Айрим чет давлатларида даъвогар томонидан шундай ўзига хос гаровни тўланмаслиги даъвои кўрмасдан қолдирилишига олиб келали. Даъвогарни, у чет эл фуқароси ёки мазкур давлатда доимий ёки вақтинчалик турар жойига эга эмаслиги туфайли, суд гаровидан (ёки таъминлашнинг қандай тури бўлмасин) озод қилиш, Фуқаролик жараёни масалалари бўйича 1954 йилдаги Гаага Конвенциясида назарда тутилган.

Юқоридатиларга асосан шунга таъкидлаш керакки, бошқа давлатлар билан тузилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномалар айрим бир давлатнинг фуқароларининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари бошқа давлат ҳудудида шу давлатнинг фуқароларидек ҳимоя қилинишини мустаҳкамлайди. Уларга бошқа давлатнинг судлари, прокуратура, нотариал идоралар ва бошқа адлия идораларига эркин ва тўсиқсиз мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Улар шу давлатнинг фуқаролари билан бир хилда илтимосномалар киритиш ёки даъво қилишлари мумкин. Уларга фуқаролар билан бир хил процессуал ҳуқуқлар берилган ва улар даъво қилаётганда қандайдир гаров беришлари шарт эмас. Бундай ҳодалар, хусусан Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўрталаридаги 23.06.1994 йилдаги «Фуқаролик, савдо ва бозор ишларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Шартномада, ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги Латвия Республикаси билан (23.05.1996 й.), Туркменистон билан (27.11.1996 й.), Қирғизистон Республикаси билан (24.12.1996 й.), Литва Республикаси билан (02.06.1997 й.), Қозғистон Республикаси билан (02.06.1997 й.), Озарбайжон Республикаси билан (18.06.1997 й.), Украина билан (18.06.1997 й.) ва Хитой Халқ Республикаси билан (26.03.1993 й.) тузилган шартномаларда мустаҳкамланган. Мазкур шартномалардаги ҳодалар келишаётган тарафларнинг ҳудудида унинг қонунчилиги бўйича ташкил қилинган юридик шахсларга, шунингдек процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган бошқа ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Гаага Конвенциясига қўшилмаган давлатларнинг резиденти бўлмаган шахслар томонидан кўзғатилган жараёнда бўлиши мумкин бўлган суд харажатларини олдиндан таъминлашни назарда тутмайди. Аммо, бундай ҳоралар реторсия тартибида қўлланилиши мумкин (ЎзР ХПКнинг 221-моддаси 4-қисми, ЎзР ФКнинг 1167-моддаси).

223-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни, башарти жавобгар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, фуқаро эса шу ҳудудда яшаш жойига эга бўлса, кўради.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни қуйидаги ҳолларда ҳам куришга ҳақли:

1) чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулкка эга бўлса;

3) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши лозим бўлган ёки ижро этилган шартномадан келиб чиқса;

4) мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги иш бўйича зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қўйишга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

5) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi асоссиз бойишидан келиб чиқса;

6) шағн, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини химоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;

7) бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ташкилати ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса.

Биноларга, иншоотларга, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер участкаларини ўзганинг қонунсиз эгаллидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, башарти эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда кўрилади.

Йуловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга даъволар бўйича ишлар, шу жумладан ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотнинг органи жойлашган жойда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан ушбу моддада назарда тутилган ҳодаларга риоя қилган ҳолда кўриш учун қабул қилинган иш, гарчи иш юритиш давомида иш иштирок этувчи шахсларнинг турган жойи ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар туфайли бошқа давлат судининг судловига ўтсада, мазмунан хал қилинаверади.

Шарҳланаётган модда чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатига бағишланган. Хўжалик судларининг «компетенцияси» ва «ваколатлари» тушунчаси бир хил. Қандайдир чет эл элементи иштирокисиз

бўлган процессуал муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик бу тушунчани «судловга тегишлилик» атамаси билан ифодалайди.

Судловга тегишлилик тушунчасини чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш ҳақидаги тушунчадан (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1158-моддаси) фарқлаш лозим.

Унинг мазмуни айрим ҳолларда «судловга тегишлилик» ва «судга тааллуқли» категорияларга мос келиши ёки ўхшаши мумкин. Аммо, чет эл субъектлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи давлатлараро норматив ҳужжатларда, миллий қонунчиликда халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси «компетенция» тушунчасини кенг қўллайди. Бу нормада ҳудудий ва турлар бўйича судловга тегишлилик ҳисобга олинган, шу билан бирга биринчидан турлари бевосита белгиланган бўлса, иккинчидан ХПКнинг 212-моддаси ва 26-моддаси 2-қисмини қўлланишнинг мантиқий асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муассасалар, ташиқлотлар ўртасидаги шунингдек, тадбиркорлар ўртасида иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини хал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколати доирасида амалга оширилади.

Ҳўжалик судлари тизимида вертикал бўйича ваколатни тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 24 ва 26-моддаларида мустаҳкамланган.

Чет эл субъектлари иштирокидаги ишларга ХПКнинг 26-моддаси 2-қисмида мустаҳкамланган умумий қоидалар қўлланилади. Фақатгина ушбу ўринда кўрсатилган ишлар бўйича чет эл субъекти аризани Олий ҳўжалик судига бериши мумкин. Бундай низолар тоифасига республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия хокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар; хокимият олий органларининг норматив тусга эга бўлмаган ҳўжатларини (бутунлай еки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар кирати (ХПКнинг 26-моддаси шарҳларига қаранг).

Қолган барча тоифадаги ишларни бизнинг қонунчилик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳўжалик судларининг ваколатига киритади. Улар ўрталарида эса ишлар, чет эл субъекти борлигини ҳисобга олган ҳудудий судловга тегишлилик нормаларига асосан бўлинади. Судловга тегишлилик турт хил куринишда бўлади, ва уларнинг барчаси шарҳланаётган моддада ўз аксини топган.

Кўпгина ҳуқуқий тизимлар учун умумий ҳудудий судловга тегишлилик учун бошланғич ва стандарт бўлган қоида ХПКнинг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган: одатда даъво, бошқа тартиб

ўрнатилмаганлиги сабабли, жавобгар ташкилотни жойлашган жойи ёки жавобгар фуқарони яшаш жойидаги судга бериллади. Айнан шундай, ХПКнинг 27-моддаси 1-қисмини ҳисобга олган ҳолда, ХПКнинг 223-моддаси 1-қисми қўлланилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасига мувофиқ фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 46-моддаси 3-қисмида курсатилишича, юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Чет эл субъектларига нисбатан ХПКнинг 27-моддаси 2-қисми тўлиқ қўлланилади: юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган жойда тақдим этилади. Шу билан бирга чет эллик (шунингдек ўзбек) даъвогар танлаши мумкин эмас, у ўз хохиши билан жараёни юридик шахсни алоҳида бўлинмаси рўйхатдан ўтказилган жойида бошлай олмайди.

ХПКнинг 223-моддаси 2-қисми 1-6-бандларида мустахкамланган ҳолатлар мавжуд бўлганда, чет эл шахслари иштирокидаги ишларни кўриб чиқиб жойини аниқлашни, ҳудудий судловга тегишлиликнинг тури бўлган, даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик тоифасига киритиш лозим (ХПКнинг 28-моддаси). Барча ҳолатлар учун умумийлик шундаки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, халқаро хусусий ҳуқуқ хорижийлар қаторига киритадиган низоли ҳуқуқий муносабатнинг қандайдир элементи бўлиши талаб этилади.

Танлашнинг бир муқобили ҳар доим умумий ваколат қойдаларига асосан ишни кўриб чиқиш вақилатига эга бўлган суд ҳисобланади. Чет эллик шахсларга нисбатан талабномалар бўйича бундай суд бўлиб хорижий адлия органи бўлиб чиқиши мумкин. Аммо у ерда жараёни олиб борилиши, Ўзбекистонлик даъвогарга унинг қонуний ҳуқуқлари ва қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилишини бир қатор сабабларга кўра анча мурракаблаштирилади. Танлаш бўйича судловга тегишлиликнинг юридик конструкциясидан фойдаланиш эса, унга низоли хал қилишни анча қулайроқ ҳужалик сулларига ўтказишга имконият яратади.

Даъвогарда процесс утизидиши жойини ўзи аниқлаш ваколати бўлишини таъминлайдиган ҳолатларнинг, доираси жуда кенг.

Айнан бизнинг судларга чет эллик жавобгарларга нисбатан даъво аризалари билан мурожаат қилиш имконияти янада кенгроқ ҳолда шунда пайдо бўладики, агарда Ўзбекистон Республикасида уларнинг филиаллари фаолият кўрсатаётган бўлса, ва шу билан бирга филиалларга уларнинг таъсисчилари томонидан яратилган ваколатларнинг ҳажми ва мазмунидан қатъий назар, ёки жавобгарлар

шу ерда қиймати даъвони тақдим қилиш ҳуқуқига таъсир қилмайдиган мулкга эга бўлсалар. Шунга ўхшаш ҳолат, қачонки талабномани асословчи шартноманинг ижро қилинадиган жойи Ўзбекистонда мавжуд бўлса. Ушбу жой қонун ҳужжатлари, иш муомаласи одатларида аниқланиши мумкин, мажбуриятларнинг мазмунидан келиб чиқиши мумкин (ФКнинг 236-моддаси). Мулкга етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги ишлар юзасидан жабрланувчи зарар етказувчи жойлашган жойдаги судга, ва шунингдек Ўзбекистон Республикасининг судига мурожаат қилишга ҳақли. Ушбу тартиб юридик асосланмаган ҳолда эгаллаб олинган ёки бошқа шахсларнинг ҳисобидан тежаб қолинган мол-мулкни қайтариб бериш ҳақидаги талабга ҳам қўлланилади. Бойлик Ўзбекистон Республикаси ҳудудида орттирилганлиги учун уни қайтариб бериш ҳақидаги даъвони тегишли хужалик суди кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади. ХПКнинг 223-моддаси 2-қисми 6-бандига асосан, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса бундай ишлар Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларида кўрилади. Таъкидлаш лозимки, чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни хўжалик жараёнининг одатдаги қоидалари бўйича кўриб чиқишнинг принципиал ҳолатлари, шундай ишларга «даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик» деб номланган ХПКнинг 28-моддасини қўлланишига йўл қўяди. Ушбу ўринда яна ХПКнинг 28-моддаси 1-3-қисмларини қўлланилиши ҳақида айтиб ўтиш мумкин, чунки шу модданинг 4-қисмида ХПКнинг 223-моддаси 2-қисми 3-банди ўз аксини топган.

Шуни таъкидлаш лозимки, манфаатдор шахс Ўзбекистон Республикасининг турли ерларида жойлашган, унинг қонуний ҳуқуқлари ва ҳимоя қилинаётган манфаатларини бузган бир неча субъектлар билан низо вужудга келган тақдирда, жараёни уларнинг бири жойлашган жойда бошлаш имконияти мавжуд бўлади (ХПКнинг 28-моддаси 1-қисми). Шунингдек, жавобгарлардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудида на алоҳида бўлинмаси, на мол-мулкга эга бўлмаган чет эллик шахс бўлганда, даъвогар процессуал тартибда шундай ҳаракат қилиши халақит бермайди.

Хўжалик жараёнининг талабларига мувофиқ мазкур турдаги муқобил танлаш бўйича судловга тегишлиликни қўлланиши Ўзбекистон Республикасининг хужалик судидаги иш юритувига резидент бўлмаган бир шахсни жалб қилишга йўл қўяди. Процессуал жиҳатдан қатнашиши муҳим бўлган жавобгарлар ўртасидаги ўзаро алоқалар мавжуд бўлмаганда мазкур нормани қасддан еки янглишган ҳолда нотўғри қўллаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 37-моддасига мувофиқ даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин

Хар бир даъвогар ёки жавобгар процесда мустақил қатнашади. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин. Бошқа жавобгарни жалб этиш зарур булган ҳолларда хужалик суди хал қилув қарори қабул қилгунига қадар даъвогарнинг розилиги билан ўша жавобгарни жалб қилади. Даъвогарнинг ноқонуний харақатларидан химоя қилиш учун чет эллик шахс унинг номига булган талабни алохида иш юритувига ажратиш, кейин эса ишни тегишли хужалик судига бериш ҳақида илтимоснома киритиши мумкин. Мазкур ҳолатда Хужалик процессуал кодексининг агар иш судловга тегишлилик қондасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига ўтказди деган нормани ўзида мустахкамлаган 33-модда 2-қисми 1-банди қўлланади. Бундан ташқари, чет эллик шахс иш мазкур хужалик суди судловига тегишли бўлмаса, ХПКнинг 118-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан даъво аризасини қайтариш ҳақида илтимоснома тақдим қилиши мумкин.

Шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ёки хорижий даъвогарга ўзини жавобгарини топиш жойи номаълум бўлганда, чет эллик шахслар иштирокидаги низолар бўйича муқобил судовлик бутунлай реалдир, (ХПКнинг 28-моддаси 3-қисми), чунки бундай ҳолларда жавобгарга шахсан даъво хужжатлари ва унга илова қилинган хужжатларнинг нусхаларини жўнатиш (ХПКнинг 112-моддаси), кейинчалик суд мухоамаси жойи ва вақти ҳақида хабар бериш (ХПКнинг 122-модда 8-банди, 124-моддаси 1-қисми) имконияти бўлмайди. Бундай ҳолатда даъвогар процессини жавобгарнинг мол-мулки жойлашган худуддаги хужалик судида, ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган унинг охириги жойлашган жойидаги хужалик судида қўзғатишга ҳақли.

Аммо, бу ерда ўринли хисоблаш мумкинки, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий вазиятда танлаш бўйича судовликнинг юридик конструкцияси хар доим ҳам қўлланилмайди. У қайд этилган иккала жойни ҳам аниқлашга имкон беради, бунинг устига улар Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бўлса. Агарда шу жойлардан фақат биттаси маълум бўлса, ёки улар иккаласи ҳам бир хўжалик суди ваколатининг чегарасида жойлашган бўлса, ўзбек ёки чет эллик даъвогарда ҳеч қандай танлаш ҳуқуқи йўқ. Мазкур ҳолатда умумий худудий судовликнинг мезонлари қўлланилади.

Чет эллик тadbиркорлар иштирокидаги хужалик низолар вужудга келганда, ХПКнинг 28-моддаси 3-қисмида мустахкамланган ҳолат пайдо бўлиши мумкин. ХПКнинг 213-моддаси 2-қисми 1-бандига мувофиқ чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси бошқа давлатда жойлашган ўзбек таъкилотига даъво қилишга ҳақли. Филиал ёки ваколатхонанинг танлаши бўйича даввони ўзи жойлашган жойдаги хужалик судига еки қарздорнинг мол-мулки жойлаш-

ган жойдаги хужалик судига тақдим қилишга ҳақли. Демак, агарда мол-мулк номаълум жойда ёки филиал ёки ваколатхона таъсис қилинган жойда топилган бўлса тэнлаш бўлмайти.

Алоҳида судловлик, хуудий судловликнинг алоҳида тури бўлиб. ХПКнинг 223-моддаси 3 ва 4-қисмида кўрсатилган чет эллик шахслар интироқидаги низоларга тегишли хўжалик ишларнинг тоифаларини белгилловчи нормалардан иборат.

Таъкидлаш керакки, чет эллик субъект даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашишидан қатъий назар, биноларга, иншоотларга, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер участкаларини ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг еки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ талаблар. Жашарти эгалик қилишдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда кўрилади. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга даъволар, шу жумладан ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотнинг органи жойлашган жойда кўрилади.

Қайд этилган нормалар билан ХПКнинг 223-моддаси 3 ва 4-қисмларининг мазмуни тўла-тўқис баён қилинади, аммо чет эллик шахслар интироқидаги ишларнинг алоҳида судловлиги муаммоси эмас. Кўринишича, бу ерда процессуал нуқтаи назардан иккита ҳолатни ҳисобга олиш керак:

— биринчидан, ХПКнинг 223-моддаси 3-қисмининг тахлилидан шундай ҳулоса келиб чиқадики, бунда саналган моддий объектларнинг рўйхатини тўлиқ деб ҳисоблаш керак эмас. Ўзбекистон Республикаси хуудида жойлашган кўчмас мулк ва алоҳида судловлик каби ҳуқуқий категориялар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқани мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Демак, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 169-моддаси 1-бандидан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатилган объектларга шунингдек, ер ости бойликлари, ер участкалари, алоҳида сув объектлари ва барча ер билан боғлиқ бўлган ва уларнинг вазифасига зарар етказмай кўчириш имконияти бўлмаган предметлар, шу каби ўрмонлар ва кўп йиллик дов дарахтларни кўшиб айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 1997 йил 1 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ, бўлган хўжалик низоларни кўриб чиқиш суд амалиёти ҳақида»ги Қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузилиши билан боғлиқ бўлган низоларни тўғри ва ўз вақтида хал қилиш тавсия қилинган. Табиатга келтирилган зарарнинг қоплаш ҳажмини аниқлаганда, шундай зарарни етказган корхона ва ташкилот уни тўлиқ ҳажмда қоплаши лозим деб белгиланган. Бундай ҳолда ЎзР

ФКнинг 985-моддаси 1-бандидан келиб чиқиш лозим. Агарда зарар бир нечта корхона ва ташкилотлар томонидан етказилган бўлса, суд жавобгарларнинг ҳар бирининг ҳуқуқбузарлигини аниқлаб, шуни ҳисобга олган ҳолда улардан, айби даражасига қараб, етказилган зарарни ундириши керак. Ер участкаларини бузилиши билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар тупроқ қатламининг бузилишига олиб келадиган ишларни амалга ошираётганда корхона ва ташкилотлар ерларнинг рекультивация қилиш ва кам унумдорли ер-мулкларни ҳосилдорлигини ошириш мақсадида тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб (олиб қуйиб) уни сақлашга мажбурлигидан келиб чиқишлари керак. Шу билан бирга етказилган зарарни қоплаш, шу ишларни олиб бораётган корхона ва ташкилотларни ер майдонини ундан фойдаланиш мумкин бўлган даражага олиб келишдан озод қилмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, амалиётда Ўзбекистон Республикасининг муайян ҳўжалик судларига чет эллик шахслар иштирокидаги, бизнинг моддий ҳуқуқ бўйича кўчмас мулк деб топилган, хоҳлаган мол-мулкга, агарда у ыгу ҳўжалик судларининг ваколат доирасида бўлиб ҳақиқатда ердан ажратилмаса, тегишли низолар сўзсиз таллуққидир. Мазкур масалани халқаро ҳўжатлар айнан шундай ҳал қилади: «Кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар юзасидан даъволар бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳўжалик судлари ваколатидадир» (1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 20-моддасининг 1-банди);

— иккинчидан, чет эллик шахсларга нисбатан, худди Ўзбекистон корхоналари ва фуқароларига нисбатан қўлланиладиган ишни кўриб чиқиш жойига тегишли чеклантириладиган процессуал қоидалар қўлланилади. Шундай иш юритуви бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

а) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар юзасидан (ХПКнинг 29-моддаси);

б) ташкилот ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қарздор турган жойда кўрилади (ХПКнинг 30-моддаси);

в) бинога, иншоотга, ер участкасига эгалликни аниқлаш тўғрисидаги аризалар, мол-мулк жойлашган жойдаги ҳўжалик судларига берилади (ХПКнинг 29-моддаси).

Турли давлатларнинг амалиёти ва қонунчилиги шартнома бўйича судловга тегишлиликни аниқлашни йўл қўяди, бу деганики, суднинг давлати қонуни бўйича иш жойдаги судга тааллуқли бўлсада, давлатларнинг келишуви билан мазкур ҳўжалик иши чет эл давлати юрисдикциясига берилиши мумкин, ёки, аксинча, суд жойлашган жойнинг қонунига асосан иш чет эл судига тааллуқли бўлсада, тарафларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ жойдаги суднинг ваколатига берилиши мумкин. Судловга тегишлиликни таълаш ҳақидаги томонларнинг келишуви пророгацион битимлар

деб аталади. Бундай турдаги битимлар бизнинг мамлакатимизнинг шартномавий амалиётида ҳам маълумдир.

2000 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунига асосан (30-модда) ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида вужудга келган низолар, шартномада курсатилган тартибда ҳал қилинади. Шартномада низоларни ҳал қилишни тартибга солувчи қоидалар кўзда тутилмаган тақдирда, қўлланиладиган ҳуқуқ ва муҳокама жойи тан олинган ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан аниқланади.

Шартномани тузганда, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари шуни ҳисобга олишлари керакки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, унинг ҳуқуқий тизимининг бир қисмидир. Шунинг учун шартномаларни тузилиши жараёнида, ҳужалик субъекти нафақат Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг қонунчилигига, балки Ўзбекистон республикаси иштирок этган халқаро шартномаларга асосланиши лозим. Шундай, БМТнинг 1980 йилдаги Махсулотларни халқаро олди-сотди қилиш шартномалари ҳақидаги Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси унга Олий Мажлиснинг 1996 йил 30 августдаги Қарори билан қўшилган) оферта ва акцепт билан шарғнома тузиш, зарар ҳақида, жавобгарликдан озод қилиш ҳақида, шартномани бекор қилиш ҳақидаги ҳолатларни ўзида ифода этган. Шуни назарда тутиш лозимки, Конвенцияда келтирилган қоидалар, шартномада БМТнинг 1980 йилдаги Конвенцияси билан тартибга солинган қоидалар кўрсатилмаган бўлса қўлланилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини химоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, чет эл инвестицияси билан тўғри ёки эгри бовлиқ бўлган низолар (инвестицион низо) тарафларнинг келишувига асосан ўзаро маслаҳатлашиши орқали ҳал қилиниши мумкин. Агарда тарафлар келишилган натижага эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судида ёки арбитражда, Ўзбекистон Республикаси қўшилган инвестицион низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро шартномаларда (битимлар ва конвенциялар) назарда тутилган қоидалар ва процедураларга мувофиқ ҳал қилиниши лозим. «Давлатлар ва чет эл шахслар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Конвенция (Вашингтон, 18.03.1965 й.) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 06.05.1994 й. Қарори билан ратификация қилинган.

Инвестицион низога тортилган томонлар ўзаро келишувга асосан бундай низони ҳал қилувчи органни ҳамда инвестицион низо бўйича арбитраж суд ишларини юритиш давлатини танлашлари мумкин.

Чет эл инвесторларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инвестиция фаолияти билан бовлиқ бўлмаган низолари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ҳал қилинади, халқаро

ҳуқуқ нормаларига мувофиқ шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Шартнома буйича судловга тегишлилик судловга тегишлиликнинг алоҳида тури бўлиб, ХПКнинг 223-моддаси 2-қисми 7-бандида кўрсатилган. Ушбу қоида ташкилот ва фуқароларга уларнинг хорижий ҳамкорлари билан пророгацион битимлар тузишга йул кўяди. Бу — контракт тарафларининг чет эл ёки ўзбек ҳуқуқи ёки бўлмаса халқаро ҳужжат нормаларига асосан бошқа давлатнинг адлия органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг аниқ кўрсатилган ҳўжалик судига судловга тегишли бўлган низони Ўзбекистон Республикасининг ўз хохиши билан танлаган ҳўжалик судига кўриб чиқиш учун бериш ҳақида ўзаро истакларидир.

Бундай битим юридик ҳўжат бўлиб расмийлаштирилиши мумкин, аммо кўпинча у тузилаётган моддий мазмунли шартномага (олди-сотди, кредит, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) алоҳида банд билан кўрсатилади. Бундай усул шартномавий муносабатларнинг ўзбек аъзоларига кўпроқ маъқул кўринади ва амалий қўлланилади.

Ҳуқуқий табиати бўйича, пророгацион битимлар (яъни, судни танлаш ҳақидаги битимлар) халқаро савдо муомаласида тарқалган мавжуд бўлган низоларни давлат судларининг ваколатидан олиб уларни ҳакамлар суди тартибида кўриб чиқиш учун топшириш ҳақидаги келишувларга яқиндир.

Агарда низонинг иштирокчиси ишни чет элда кўриб чиқиш ҳақидаги пророгацион битим бўлишига қарамай, даъвои Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судига берса, бунда ХПКнинг 28-моддаси 3-қисми нормаларини қўллаш лозим.

Агарда жавобгар низонинг мазмуни юзасидан биринчи арз қилишидан олдин жараёнга қарши эътироз билдирмаса (шунинг билан бирга фақат биринчи инстанция суди хал қилув қарорини чиқаришидан олдин) иш юритишга ҳеч қандай пророгацион битим мавжуд бўлмагандай ривожланади. Агарда бундай бўлмаса, даъвои кўрмасдан қолдириш лозим, чунки ишни судловга тегишлилик бўйича бериш ҳақидаги ХПКнинг 33-моддаси 5-қисми нормалари ўзбек ва чет эллик суд ҳокимияти органлари ўртасидаги шундай битимларни тартибга солмайди. Шунини таъкидлаш лозимки, келиб чиққан низони кўриб чиқиш учун ҳўжалик судини (арбитраж судини) танлаш эркинлиги чегараланган эмас. Тарафлар пророгацион битимлар билан қонунчиликда мустаҳкамланган алоҳида судловлик ва турдош судловлик қоидаларидан узоқлашинлари мумкин эмас.

Олий Ҳўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган ҳўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир ҳўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли (ХПКнинг 26-моддаси 3-қисми).

ХПКнинг 32-моддасининг маъноси шунини билдирадики, тараф-

лар шартномага асосан худудий судловликнинг умумий ва танлаш турлари нормаларини қўламасликка ҳақли. Алоҳида судловликнинг қойдаларидан эса четга чиқиш мумкин эмас (ХПКнинг 31-моддаси 3-4-қисмлари, 223-моддаси). Улар бизнинг ҳужалик судларимиз учун мажбурий ҳамда чет эл судларининг ваколатини билвосита аниқлайди. Агарда уларнинг қайси бири эҳтиётсизликдан ёки қасдан контрагентларнинг пророгацион битимига асосан, масалан Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган кучмас мулк ҳақидаги низони хал қилса, бундай қарор тан олинмайди ва ижро қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 118-моддаси 3-бандига асосан ҳужалик судлари хорижий суд ҳокимияти органларининг алоҳида ваколатига тегишли бўлган даъво аризаларини қайтаришлари лозим. Бундан ҳужалик судлари учун амалий хулоса қилиш мумкин: пророгацион битим илова қилинган даъво ариза келиб тушганда, чет эл субъекти иштирок этаётган мазкур иш бошқа давлатнинг аниқ бир судига тегишлилиги ҳақида масала кўйиш керак ва бу ҳолатни аниқлаш лозим. Бундай текшириш усуллари чет давлат ҳуқуқи нормаларининг мавжудлиги ва мазмунини аниқлашда фойдаланиладиган усуллар каби бўлади (ХПКнинг 13-моддаси шарҳларига қаранг).

ХПКнинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишларнинг алоҳида ва шартнома бўйича судовлиги ҳақидаги нормалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларининг нормаларига мувофиқ келади. 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 21-моддаси мустаҳкамлаганидек, низолашаётган тизимлар ўртасидаги ёзма битимга асосан низолар бошқа давлатлар судларига хал қилиш учун берилиши мумкин. Бундай эркинлик, мазкур Конвенцияда мустаҳкамланган алоҳида суд ваколати ҳақидаги ҳолатлар билан ҳамда «тегишли Келишаётган Тарафларнинг ички қонунчилиги» билан белгиланади.

Чет эллик шахслар иштирокидаги низоларни судга тааллуқчилиги ва судовга тегишлилиги муамоларини назарда тутувчи халқаро шартномалар (битимлар, Ўзбекистон Республикасининг Конвенциялари) миллий қонунчиликга маълум бир узгартиришлар киритади, улар узининг юридик кучи бўйича кучлироқ ҳам бўлади. Бу ерда суз ҳўжалик судлари ваколатининг айрим қўшимча қойдалари ва мезонлари ҳақида бормоқда. Хусусан, ХПКнинг 12-моддаси 4-қисми мувофиқ, ҳужалик суди қонунга ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, суд ваколатини тартибга солиш муаммоларининг мазмуни ва ҳажми нуқтаи назаридан, ўзининг индивидуал хусусиятларига эга.

1992 йил 20 мартда Киевда имзоланган МДХ давлатлари ташкилотлари ўртасида товар етказиб беришнинг умумий қойдалари ҳақидаги Битимга мувофиқ халқаро битимларга асосан товар етказиб

зиб бериш шартномаларини тузишда келиб чиқадиган низолар ҳамда уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги низолар, уларни тузилиш асосларидан қатъи назар, товар етказиб берувчи жойлашган жойидаги арбитраж (хужалик) суди томонидан кўрилади (14-15-моддалар).

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича жавобгар ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ёки товар етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи (ишни бажарувчи) жойлашган давлатнинг суди ваколатлидир, агарда низо шартномани тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан боғлиқ бўлса.

Алоҳида судловлик Киев Битимининг 4-моддаси 4-бандида ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, давлат ва бошқа органларнинг норматив тусга эга бўлмаган ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги, ҳамда шундай ҳужжатлар билан хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни ундириш, ёки кўрсатилган органлар хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз мажбуриятларини керакли даражада бажармаганлиги учун уларга етказилган зарарни ундириш ҳақидаги ишлар шундай органлар жойлашган жойидаги судда кўрилади.

Киев Битимининг 4-моддаси ва Минск Конвенциясининг 20-23-моддаларининг мазмунига мос келади.

Мазкур халқаро ҳужжатларда таъкидланганидек, асосий даъво келиб чиққан ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқувчи қарши даъво аризаси ҳамда ҳисобга олиш ҳақидаги талаб, асосий даъво берилган судда кўрилади.

1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 22-моддаси 2-банди ва ХПК 120-моддасининг ҳар томонлама тахлили кўрсатадики, қарши даъвони бериш асослари ва чегаралари ҳар доим ҳам бир бирига тўғри келмайди. Биринчи чизма (халқаро ҳужжатлар учун одатий бўлган) талабни бирлаштириб кўриш учун бирлаштирилаётган предметларнинг ўзаро алоқадорлигини талаб қилади. Улар умумий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқишлари керак. Қонун судларга асосий даъво асосланган ҳуқуқий муносабатдан бошқа ҳуқуқий муносабатга асосланган қарши даъво аризаларини қабул қилиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, қарама қарши талаблар ўртасида ХПКнинг 120-моддаси 2-қисми 3-бандида аниқ қилинмаган алоқа мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ҳолатларни қарама-қаршилиги, халқаро хусусий ҳуқуқ амалиёти ва доктринасида маълум бўлган, чет эллик элементлари иштирокидаги ишларни кўришда халқаро битимларнинг қоидаларини тўлдирадиган миллий қонунчилик қоидаларини қўллаш имконияти муаммосига кирувчи масалаларни тўғдиради. Қарши даъво иштирокидаги бундай ҳолатлар юзасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, чет эллик шахслар иштирокидаги низоларни кўришда

Ўзбекистон хужалик судлари ХПКнинг 120-моддасини қўллашлари мумкин. Мазкур аргумент юридик жihatдан мантикий, чунки мазкур модда жавобгарларни химоя қилиш чегараларини кенгайтиради, 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 22-моддаси 2-банди эса уларга қушимча қилишни таъқиқловчи нормаларнинг, яъни қарши даъволарни йўл қўйилишининг чегараларини кенгайтирилишига йўл қўйилмайдиган рўйхатини ўзида ифода этмаган.

ХПКнинг 223-моддасининг 5-қисмига мувофиқ жараён мавжуд бўлган вақтда ваколатли бўлган Ўзбекистон хўжалик суди, гарчи иш юритиш лавомида айрим ҳолатлар туфайли бошқа давлат судининг судловига ўтсада, ишни мазмунан хал қилавереди. Бу қоидалар, хўжалик судида суд ишларини юритиш инстанцияларида иш юритишнинг кейинги босқичларига ҳам татбиқ этилади, хал қилув қарори бекор бўлгандан кейин биринчи инстанция судида янгитдан кўриб чиқилишига ҳам. Шу жумладан келтирилган нормаларнинг мақсади эҳтимол бўладиган суниестемол қилишларни олдини олишдир, масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл ташкилотларнинг филиали ёки ваколатхоналарини тезда қасддан яшириб қўйиш.

224-модда. Суднинг иммунитети

Хўжалик судида чет давлатга нисбатан даъво тақдим этишга, уни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишга, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ва унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, хўжалик судининг хал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилади.

Халқаро ташкилотларнинг суд иммунитети Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Авваломбор, чет эл давлати иммунитетга эгаллигини таъкидлаш лозим. Суд иммунитети деганда, давлатни бошқа давлатнинг юрисдикциясидан чиқариш тушунилади. Бундан чет эл давлати унинг розилигисиз судга жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин эмас деган хулоса қилиш мумкин. Бу қонданинг асоси давлатнинг суверенитет тенглиги принципи ва суверенитет принципи ташкил этади. Суд суверенитети сўзининг мазмуни қуйидагилардан иборат: биринчидан, суднинг иммунитетидан — бу, бир давлат иккинчи давлат судловига тегишли эмас дегани; иккинчидан — даъвони олдин таъминлашнинг иммунитетидан; учинчидан — суд ҳужжатини мажбурий ижро қилиш иммунитетидан. Иммунитет принципини «одил

судловдан воз кечип» деб тушунмаслик керак. Давлатга даъво унинг ўзини судларига берилиши мумкин, бошқа давлатнинг судларига эса фақат унинг розилиги билан тақдим этилади.

Мазкур норма халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқда кенг маълум бўлган чет эл давлатининг суднинг иммунитетни принципини мустаҳкамлайди. Юқорида таъкидланганидек, суднинг иммунитетни принципини куллагининг юридик асосини биринчи давлат иккинчи давлатни унинг розилигисиз суд ҳокимиятига мажбурлашни таъқиқловчи давлатларнинг тенглиги ва суверенитети категориялари ташкил қилади. Бундай мажбурловга розиликни фақат миллий қонунчилик билан ваколатларга эга бўлган органи бериши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган розилик олинганидан сунг содир қилинадиган процессуал ҳаракатларнинг рўйхати тўлиқ тусга эга бўлиб, уларни кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. Шундай ҳаракатлардан биринчиси бу чет эл давлатига нисбатан даъво аризаси бериш ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар хил давлатларнинг ҳуқуқий тизими жавобгарнинг ваколатли органининг позицияси ҳақида суд қачон хабар қилиниши, яъни ариза беришдан олдинми ёки ўша вақтда, ёки иш бўйича расмий равишда жараён мавжуд бўлганида деган масала ҳар хил ҳал қилилади. ХПКнинг қоидаларига мурожаат қилганда шундай ҳулоса келиб чиқадики, умумий қоида бўйича судга юборилаётган биринчи даъво талабларга даъвогар чет эл давлатининг судга жавобгар бўлиб қатнашиш ҳақидаги розилигичи тасдиқловчи далилларни илова қилиши лозим.

Бундай далиллар бўлиб қуйидаги ҳужжатлар бўлиши мумкин: низоларни кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги махсус банди бўлган контракт (суд келишуви), ёки судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш), музокаралар, низоли келишув йўли билан ҳал қилиш ҳаракатлари жараёнида олинган алоҳида ҳужжат. Бу каби исботловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, даъво аризаси қайтарилиши лозим, хатога йўл қўйилиб қабул қилинган аризани Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 88-моддаси 5-бандига асосан кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Низони предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс деб жараёнга жалб қилишга, даъволи таъминлаш ёки суд ҳужжатини ижро қилиш тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл давлати мулкни хатлашга, даъвогарнинг талаблари қаноатлантирилганда ушбу мол-мулкни олиб қўйишга чет эл давлатининг розилиги иш юритуви бошлангандан сунг талаб қилиниб олиниши мумкин, агарда розилик олинмаган бўлса, юқоридаги ҳаракатлар амалга оширилмайди. Бундай ҳолатда қуйидаги шартларга эътибор бериш керак:

— биринчидан, чет эл давлати ваколатли органининг позицияси умумий ифодаси билан эмас, балки ХПКнинг 224-моддасида келтирилган ҳар бир процессуал ҳаракатларга нисбатан билдирилиши

лозим. Бу билан даъвогар ўзининг талабларини жавобгарга керакли даражада билдириши керак:

— иккинчидан, иммунитет режими чет эл давлатининг ҳеч қандай иммунитетга эга бўлмаган ўзбек гашкилотига қонуний тарзда эгалик қилишга ёки оператив бошқаришга берилган мол-мулкига ҳам тегишлидир;

— учинчидан, ХПКнинг 224-моддаси асосий даъво чет эл давлати томонидан берилганда, қарши даъвога нисбатан ҳам тенг тарзда қўлланилади.

Шунингдек, бу ерда чет эл давлатининг мутлоқ суднинг иммунитети андозасига эътибор қилиш керак, яъни иммунитетни давлат иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига, авваломбор у билан тузилаётган тижорат контрактларга ҳам тегишлилидир. Хорижий давлатларда (АҚШ, ФРГ, Буюкбритания ва бошқалар) ҳозирги пайтда иммунитет категорияси фақатгина ҳокимият, омавий-ҳуқуқий тусга эга бўлган чет эл давлати ҳужжатларига татбиқ этилади. Бу «саъдо қилаётган» давлатларнинг ҳаракатларига нисбатан қўлланилмайдиган «функционал ёки чегараланган суверенитет» доктринасининг амалга оширилишидир.

Аммо шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ХПКнинг 224-моддаси чет эл давлати чегараланмаган суд иммунитетини ваколатидан тўлиқ ёки қисман узоқлашишнинг потенциал имкониятини мустаҳкамлайди. ХПКнинг 224-моддаси 1-қисмининг қондалари «агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса» қўлланилади. Мазкур келишув Ўзбекистон Республикасига нисбатан дискриминация чоралари қўрилган давлатларга нисбатан жавоб тариқасида чекловлар белгилан имкониятини яратади. ХПКнинг 224-моддаси реторсияга йўл қўйилишини ФПКнинг 389-моддаси 2-қисми каби тўғри мустаҳкамламайди.

Чет эл давлатлар билан бир қаторда суднинг иммунитетини у ёки бу ҳажмда айрим халқаро ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади, бу ХПКнинг 224-моддаси 2-қисмида ўз ифодасини топган. Ушбу ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми бир хил эмас, шунинг учун мазкур норма ҳовала тусга эга. Хар бир мавжуд бўлган ишлар бўйича жавобни қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалардан излаш керак. Тегишли маълумот шу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларидан ҳам олиниши мумкин.

Иммунитетнинг мавжудлиги ва унинг чегараларини судга ишботлаш ваколати уларнинг контрагентлари эмас, балки айнан халқаро ташкилотларнинг ўзининг зиммасига юклатилганлиги ҳақидаги фикр юзасидан иммунитет масаласи даъвога қабул қилинганидан сўнг ва иш юритувининг расмий бошланишидан олдин қўрилади. Бу ерда, хусусий шахсларнинг чет эл давлатларига қиландиган талабномаларидан фарқ мавжуд. Умумий қоида бўйича дав-

латларнинг суд иммунитетни яқунланади. Ушбу ташкилотларга нисбатан бундай презумпция ғайриқонуний (қонунга тўғри келмайлиган) ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, суд иммунитетини қўллашнинг хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг давлат иммунитетни ҳақидаги қонунчилик билан белгиланади, агарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда шу сингари қонуний ҳужжатни қабул қилишни лозим топса.

225-модда. Чет давлат суди томоғидан айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари

Агар чет давлатнинг ваколатли суди Ўзбекистон Республикаси хўжалик судида даъво тақдим этилганича ишни кўришга қабул қилиб, айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни кўрган ёки шу иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, хўжалик суди даъво кўрмасдан қолдиради ёки иш юртиши тугатилади. Агар чет давлатнинг суди томонидан қабул қилинадиган ёки қабул қилинган ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинми ёки ижро этилиши мумкин бўлмаса ёхуд тегишли иш Ўзбекистон Республикаси хўжалик судининг мутлак ваколатида бўлса, шундай оқибатлар келиб чиқмайди.

Мазкур моддада суд ҳокимиятининг органлари ўртасидаги муносабатларини тартибга солишчи норма мустаҳкамланган. Тамоман мантиқан тўғрики, агарда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судига даъво чет давлатнинг суди ишни кўришга қабул қилгандан кейин берилган бўлса, бундай ариза кўрмасдан қолдирилиши лозим; агарда мазкур суд қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш юртишу тугатилади. Агар чет давлат судининг келажақда қабул қилинадиган ёки қабул қилинган ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинмаса ёки ижро қилишга тааллуқли бўлмаса, ёки мазкур иш Ўзбекистон Республикаси хўжалик судининг мутлак ваколатига тегишли бўлса бундай оқибатлар вужудга келмайди.

Мазкур нормани амалиётда қўллашда Ўзбекистон судида даъво ариза материалларида чет давлат судида айнан ўхшаш талаб юзасидан бўлаётган ёки тугатилган жараён ҳақида маълум бўлиб қолса ХПКнинг 117-модда 3-қисми 2-бандини қўллашга йўл қўйилиши ҳақида масала туғилади. ХПКнинг 225-моддаси бевосита бундай кўрсатмани ўз ичига олмайди, лекин ижобий жавоб учун ХПКнинг 117-моддаси билан тартибга солинган муаммоларнинг бир турли-

ги, ва улар билан мустахкамланган процессуал институтларнинг ҳуқуқий табиати ўхшашлиги туфайли тегишли асослар мавжуддир. 1993 йилдаги Минск Конвенциясига мувофиқ (22-модда 1-банди) ҳар хил давлатларнинг ваколатли судларида айнан ўхшаш бўлган иш юзасидан иш юритуви олиб борилаётган бўлса, «ишни кейинроқ қузғатган суд, иш юритувини тутатади». Чамаси бу ерда, ноаниқ атамадан фойдаланилган, чунки қайд этилган ҳолатда уни қайтадан бериш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда даъво аризасини кўрмасдан қолдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, агар чет давлатнинг судида жараён бу ёки у сабабларга қура натижали хал қилинмай қолса. Қуриб чиқиладиган институт 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг иштирокчилари — МДХ аъзоларининг барчаларининг процессуал тизимларига маълумдир.

Таъкидлаш лозимки, агар чет давлат судининг келажакда қабул қилинадиган ёки қабул қилинган хал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинмайдиган ва ижро қилинмайдиган бўлса, Ўзбекистон судида жараён бошланиши мумкин ва у тугатилмайди. Хўжалик процессуал қонунчилиги бундай масалаларни тартибга солмайди, чунки хорижий суд ҳокимияти ҳужжатларига нисбатан кўрсатилган чора-тадбирлар умумий юрисдикция судлари ваколатига тегишлидир. «Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро қилиш» деган сарловхага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 391-моддаси мазмунини тегишли халқаро шартномаларга хавола қилади. Англанилишича, умумий асос бўлиб, масалан, хал қилув қарорларини тан олиш ва ижро қилишни рад қилиш мотивларини таърифлайдиган 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 55-моддаси хизмат қилиши мумкин. Бироқ, манфаатдор шахс томонидан келтириладиган мотивларнинг барчаси, шу шахс билан ишонarli асосланиши ҳамда суд ишларини юритишнинг тортишувлиги шароитида ҳар томонлама таҳлил қилинмоғи керак.

Иш Ўзбекистон судининг мутлақ ваколати чегарасида бўлса, жараён нормал ҳолатда кетаётган бўлади, чет элда эса ғайриқонуний вужудга келган (ХПКнинг 223-моддаси 3-4-қисмлари). 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 55-моддаси «г»-банди ҳам ўхшаш нормани мустахкамлайди, шу билан уни хорижий қарорларни тан олиш ва ижро қилишни рад қилиш асослари гуруҳига киритади, шунинг учун шундай мотивни Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 225-моддасида сақлаб қолганини амалий аҳамиятга эга.

226-модда. Суд топшириқлари

Хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлатлар судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонуни ёки халқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қорғозларни ва бошқа ҳуж-

жатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойини кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш хўжалик судининг ваколатига кирмаса.

Хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик судлари чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлар билан белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.

Одатда, суд процессуал ҳаракатларни ўз давлати чегараларида бажариши мумкин. Аммо, бундай ҳаракатларни чет эл давлатида амалга ошириш учун шу давлатнинг розилиги керак. Мазкур модданинг юридик мазмуни шундан иборатки, процессуал ҳаракатларни ўз давлатидан ташқарида амалга оширилиши фақат суд топшириги тартибида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди алоҳида процессуал ҳаракатларни ижро қилиш ҳақида топшириқлар билан хорижий судларга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларини суд топшириқларини хорижий судлар билан ижро қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномалари асосида белгиланади. Умумий киритилган қоидалар асосида халқаро шартномалар миллий ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномада, қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа қоидаларни кўрсатиб ўтган бўлса, халқаро шартнома қондаси қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳақида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувдир.

Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашувини деб номланилиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек, бошқача номланиши мумкин. Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлади («Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳақида»ги қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ катъий ва мажбурий равишда риоя этилмоғи лозим («Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳақида»ги қонуннинг 27-моддаси).

МДХ давлатларининг Олий ҳўжалик (арбитраж) судлари билан келишувлар тузилган, масалан, 2000 йил 30 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди билан Беларусь Республикасининг Олий ҳўжалик суди ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборотлар алмашуви ҳақида»ги килишуви. Бу келишувнинг 6-моддасига кўра, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, суднинг илтимосига кўра иш кимнинг юритишида бўлса, ҳар хил турдаги процессуал ҳаракатларни бажариш мажбуриятини олади. Бундан ташқари, 1996 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди билан Россия Федерациясининг Олий арбитраж суди ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборотлар алмашуви ҳақида»ги битимига кўра алмашинувга тааллуқли ахборотлар доирасида тарафлар иқтисодий низоларни судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги, даъво кўзғатишда тўланиши лозим бўлган давлат божи тартиби ва кўрсаткичлари, даъво ва ижро қилиш мулдатлари, ҳужалик низолари кўриш жараёнини ўзгартириш, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги банк ҳисоблари ва арбитраж ҳамда ҳўжалик судларининг қарорларини ижроси қилиш масалаларига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни юборади. Томонларнинг хоҳишларига биноан ҳамкорлик асосида арбитраж ва ҳужалик судларининг фаолиятига тегишли, ўзаро қизиқишни ифодалайдиган бошқа материалларини юборишлари мумкин. Қоидага кўра, Ўзбекистон суд органларининг суд топшириқлари хорижий судларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, чегарадан эса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилади. Топшириқ керакли бўлган чет тили таржимаси билан таъминланади. Масалан, 1996 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам шартномасида кўрсатилганидек, келишаётган томонларнинг адлия муассасалари бу шартнома асосида фуқаролик, оилавий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар. Бу шартноманинг 3-моддаси, қонунда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни ижросини қамраб оладиган ҳуқуқий ёрдамни ҳажмини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг маъноси бўйича ХПКнинг 74-75-моддасида кўрсатилганидек, ҳўжалик судининг бир хил турдаги ҳаракатлари суд топшириқлари ва уларни ижро тартибидан фарқ қилади. Асосий фарқи шундан иборатки, ХПКнинг 226-моддаси бўйича ўзбек суд ҳокимият органлари бир томондан, иккинчи томондан эса хорижликлар ўзаро муносабатда субъектлар бўлиб қатнашади.

Суд топшириқ объектлари айнан ўзбек судларида, бошқаларда — ҳар доим фақат шу ва бошқа ишларни тўплашидир. Чет элга

юбориладиган ва у ердан келадиган суд топшириқлари бошқа процессуал ҳаракатлар, чакириқ қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни, ёзма далиллар олиш, экспертиза утказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқа илтимосларни ўз ичига олиши мумкин. Суд топшириқларини процессуал ҳаракат доираси кенгдир, шунинг учун уни ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш деб сўзма-сўз талқин қилиш мумкин.

Бериладиган ҳуқуқий ёрдам чегаралари ҳар хил турдаги давлатларнинг процессуал қонунчиликда бир хилда аниқланмайди. Ўзбекистон суд амалиёти учун ҳуқуқий ёрдамни қабул қилиш ва хорижий суд ҳужжатларини ижро қилишга қаратилган 1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 6-моддаси асос бўлиб хизмат қилади.

Шарҳланаётган жараёнда суд топшириғи ижроси ҳаракатини ва қайтарилишини белгиланган тартибда аниқ риоя этиш керак. Лекин, бундай ҳолатга риоя этмаслик кўп ҳолларда суд топшириқларини бажармасдан қайтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси унга юборилган суд топшириғи ижросини, миллий қонунчиликда ва халқаро ҳужжатларда кўрсатилган қатъий кўрсатмалари асосида рад этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 390-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни (чакирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойга бориб кўриш ва бошқалар) бажариш туғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларни ижро қиладилар.

Бунда қуйидаги ҳоллар истиснодир;

1) топшириқларни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш суднинг ҳуқуқ доирасига кирмаса.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади. Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида топшириқ билан муурожаат қилишлари мумкин.

Ҳўжалик судлари топшириқларни фақат қуйидаги фуқаролик ишлари, яъни улар ваколати доирасида ўзларига қарашли мезондан келиб чиқиб иш кўриш асосида ижро қиладилар. Акс ҳолда, топшириқлар адлия вазирлигига тааллуқлилигини аниқлаш учун юборилади.

1993 йил 22 январда қабул қилинган МДХ давлатларига ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги Давлатлараро Конвенциясида мустаҳкамланганидек, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ваколатли адлия муассасалари, агарда конвенция билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, ўзининг марказий органлари орқали алоқала бўладилар. Суд топшириқларини ижро қилиш тартиби ҳар давлатда ўзининг ички қонунчилиги ва халқаро келишувлари асосида ўрнатилди. Ҳар томонлама

керакли конвенция, суд топшириқлари ижроси тартибини ҳаракатлантирадиган, 1954 йилдаги фуқаролик процесси масалалари бўйича Гаага Конвенцияси хисобланади. Конвенция топшириқни бир давлатдан бошқа бирига юбориши дипломатик йўл билан қай тартибда бўлса, худди шу тартиб асосида тўғридан-тўғри у давлатнинг ваколатли ҳокимиятига топшириқларни ўтказиш имкониятини берадиган судларнинг ва судлардан таиқаридаги фуқаролик ва савдо ишларининг ҳужжатларини хорижга топшириш Гаага Конвенциясига асосан 1954 йилда ҳужжатлар марказий давлат орқали (қоидага кўра, давлат-қатнашчилари учун улар адлия вазирликлари хисобланади), бироқ юборишнинг бошқа усуллари бундан мустасно эмас, шу билан бирга давлат-қатнашчилари бир турдаги формулани қўллашлари шарт. Суд топшириқларини топшириш тартиби 1970 йилда хориждан фуқаролик ва савдо ишлари бўйича далиллар олиш ҳақида Конвенцияда аниқ кўрсатилган. Бу икки Конвенцияни давлат-қатнашчилари учун улар улар ўртасидаги алоқаларга қарашли 1954 йилдаги Гаага Конвенциясининг бўлимларини алмаштиради.

Хорижий судларнинг иш юритуви тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасида процессуал ҳаракатлар қоидага кўра хорижий давлатларнинг элчихоналари орқали Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига юборилади, улар топшириқни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, улар ўз навбатида топшириқларни тааллуқлили бўйича судларга юборадилар. Топшириқларни ижроси ҳақидаги ҳужжатларни ҳужалик суди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Суд органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали олинган ўша хорижий судларнинг топшириқларни ўз ижроларига қабул қилишлари мумкин, агарда суд органи ҳокимиятлари ўртасида қонунчилик асосида бошқа келишув, халқаро ва икки томонлама шартнома тузилмаган бўлса.

Шу билан бирга алоҳида халқаро шартномалар хорижий судларнинг топшириқларининг фарқ қилувчи қўшимча ҳолатлари билан тартибга солиб амалга оширади. Масалан, илтимоснома, агарда у сўралаётган тарафнинг қонунчилигига хилоф бўлса каноатлантирилмайди (1993 йилдаги Минск Конвенциясининг 19-моддаси).

1954 йилдаги Фуқаролик жараёни масалалари бўйича Гаага Конвенциясининг 11-моддасининг 1-баъдига асосан топшириқни ижроси «ҳужжатнинг ҳақиқийлиги аниқланмаган тақдирда» рад этилиши мумкин.

Қоидага бўйича суд топшириқларини рад этиш олдиндан назарга олинмаган ҳолатларни нормативлар бўйича йўл қўйиб бўлмайди. Бу халқаро алоқаларнинг амалиётини устунлик қилишига қаршилик қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, рад этиш ҳаттоки, қайси-

дир давлат билан ёрдам кўрсатиш хақида шартнома бўлмаган тақдирда ҳам қонунга тўғри келмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, расмий сўралган суд жойлашган жойда суд топшириқлари давлатларнинг процессуал қонун нормалари асосида ижро қилинади. Бироқ, расмий сўралган суднинг илтимосига биноан хорижий қондалар асосида тартиб қўлланиши мумкин, агарда улар ижро этиш жойи қонунчилигига хилоф бўлмаса. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, суд топширигини харажатлари амалга ошириш расмий сўралган томон зиммасида бўлади.

Албатта, суд топшириқларини вақтида ижро қилиш суд иш юритуви сифат даражасини барча давлатларда оширишга имкон яратади. Шу билан бирга суд топшириқларини ижро қилиш бузилган ёки бахшлашаётган ҳақ-ҳуқуқ ини, ёхуд тadbиркорлар, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланган манфаатларини химоя қилишни таъминлайди, қонунчиликни мустаҳкамлайди ва қонун бузилишининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси

Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар

Нашр менежери *Б. С. Муслимов*

Босишга рухсат этилди 10.01.2003 й. Ҳажми 26,0 б. т.
Бичими 84×108¹/₃₂. Алади 1200 нусха. Буюртма № 9.

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи,
Тошкент ш., Махтумқули к., 1.



«KOHINUR» босмахонаси, Тошкент ш., Муқимий к., 178.